

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАХРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:

проф. Набиев Д.Х.

Бош муҳаррир ўринбосари

ф.-м.ф.д. Бекпўлатов И.Р.

Масъул котиб

проф. Жумаев Т.Ж.

Тахририят ҳайъати аъзолари:

проф. Баҳриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборов А.М.

проф. Жумаев Т.Ж.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

к.ф.д. Камолов Л.С.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

проф. Нормуродов. М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

проф. Очилов А.О.

ф.ф.д. Тожиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умирзаков Б.Е.

проф. Хайриддинов Б.Х.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрназарова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Курбонов Ш.Қ.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳакимов Н.Х.

п.ф.д. Орипова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Холмирзаев Н.С.

доц. Эшқораева Н.

доц. Ҳамраева Ё.Н.

**Журнал 2009 йилда
ташkil этилган**

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.

Қарши давлат университети,

Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@mail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlar

**6/2(62) 2023
Ноябрь–декабрь**

ҚАРДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Ижтимоий-гуманитар
фанлар**

Муассис: Қарши давлат
университети

**Журнал Қашқадарё вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармаси
томонидан 17.09.2010 йилда
№ 14–061 рақамли гувоҳнома
билан қайта рўйхатдан ўтган.**

Мусаххихлар:

М.Набиева

З.Кенжаева

Ж.Буранова

Б.Турсунбоев

Саҳифаловчи

Я.Жумаев

Навбатчи

Т.Жумаев

Техник муҳаррир

М.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг қарорлари
билан **физика-математика, кимё,
биология, тарих, фалсафа,
сиёсатишунослик, филология,
педагогика-психологи ва иқтисод**
фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига
киритилган

**Йилига 6 марта
чоп этилади**

Журналдан олинган материалларга
“ҚарДУ хабарлари” журналидан
олинди”, деган ҳавола берилиши
шарт.

Муаллифлардан келган қўлёзма
материаллар эгаларига
қайтарилмайди.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

Davletov S.R., Matyoqubov A.E. Markaziy Osiyoda milliy-hududiy chegaralanishni amalga oshirishda O'rta Osiyo byurosining faoliyati.....	4
Турдиалиев Ж. Илк ўрта асрларда Суғдда таълим ва тарбия масалалари.....	7
Каримов Б.Э. “Шоҳнома” – халқ заковати ва жасоратига қўйилган назмий ҳайкал...	13
Холлиев А.Г. XVI – XVIII асрларда рус-инглиз савдо алоқаларининг оёққа туриши ва ривожланиши.....	21
Джураева С.Н. Совет йилларида Тошкент маданий объектларининг тарихий таҳлили.....	27
Narziyeva M. Turkiston qishloq xo'jaligi sohasidagi uyushma va jamiyatlar tarixidan (XIX asr oxiri – XX asr boshlari).....	31
Хасанова М. Архитектурные памятники города Наманган и история их охраны и сохранения.....	34
Narmanov F.A. XX asrning 30–50-yillarida tarix fani o'quv dasturlari va uning mazmuni haqida.....	38
Raximov N. Sh. Mustaqillik yillari tarixshunosligida Xorazmda Sovet hokimiyati o'rnatilishi masalasi: munosabat va talqinlar.....	41
Ахмедова З. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти демографик жараёнларида оила ва никоҳ муносабатлари.....	45
Халимметова Р., Менглиев Ғ. Ветеринария тарихига бир назар.....	50
Ирисқулов Б.Ж. Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг қишлоқ хўжалиги соҳасига сарфланиши тарихидан.....	55
Аширов В.И. Эркин индустриал зона-иқтисодий тараққиётнинг муҳим қафолати.....	59
Yuldasheva G.K. Farg'ona vodiysiga uyg'urlar migratsiyasi.....	64

ФАЛСАФА

Рахмонова Н.Т. Жамият маънавий барқарорлиги, унинг мазмуни ва асосий мезонлари.....	68
Yazdonov Z. Sh. Qalandariylik va uning inson, jamiyat tizimidagi o'rni.....	71
Tog'ayev N.E. Ma'rifatli jamiyat barpo etishda intellektual salohiyatli yoshlarning tutgan o'rni.....	76
Юлдашев Б.Э. Ижтимоий мобиллик ва касбий мобиллик даражасининг замонавий раҳбар ижтимоий қиёфасини юксалтиришдаги аҳамияти.....	80
Тўраева А. Абдурауф Фитрат фалсафасида оила муаммолари.....	84
Atavullayev M.A. Ijtimoiy davlatning shakllanishida demokratizm va konstitutsionalizm tamoyillari.....	87
Ниязов С.С. Экоэстетик тафаккурнинг гносеологик жиҳати ва праксиологик қиймати.....	91
Худойбердиев Д. Истеъмолчи ҳуқуқларининг муҳим жиҳатлари.....	96
Turabova S.K. Intellektual fenomen sifatida bahs-munozaraning rivojlanish diaxronikasi.....	99
Тешаев Н.Н. Фуқаролик жамият ривожланишининг маънавий омиллари ва мафкуравий тамойилларининг намоён бўлиш хусусиятлари.....	102
Samanova Sh.B. Insonni tabiatdan begonalashuvi tushunchasining mohiyati.....	107
Axmedova D.S. Etikaning zamonaviy muammolari.....	110
Do'styorova S.N. Yangi O'zbekiston davlat siyosatida yoshlar manfaatlarining ustuvorligi.....	113
Vaxobova M.A. Yangi O'zbekistonda oliy ta'limni baynalminallashtirish jarayonlari.....	116

СИЁСАТШУНОСЛИК

Avazov K.X. Siyosiy barqarorlikni ta'minlashda davlat hokimiyatining roli.....	122
Suyunova B.S. Energy factor in Japan's relations with central Asian countries.....	128
Эшдавлатов О.Ф. Ёш авлодни тарбиялашда дунёқараш ва кадриятларнинг роли ва аҳамияти.....	132

ФИЛОЛОГИЯ

Juraqobilova H. O'zbek va fransuz tillarida metaforada xalq turmush tarzining ifodalanishi.....	138
Ахмедов А.Б. Тилнинг номинация тизимида ўзлашма сўзлар.....	142
Sarayeva F.N. Mifologiya va poetikaga oid so'zlarning o'tgan asr mifopoetikasidagi nazariy asoslari va muammolari.....	145
Xoliyarova Sh.B. Qo'shma so'zlar tilshunoslikning tadqiqot obyekti sifatida.....	148
Жумаева К.Т. Муҳаммадрасул Мирзо «Девон»ида лексик маъно ва кўчим.....	152
Adambaeva F.R. The formation of basic terms in biotechnology: a linguistic analysis in the uzbek context.....	156
Раҳматова З. Х. Болалар энциклопедик луғатлари маданиятлараро алоқани таъминлаш воситаси сифатида.....	161
Islomova Sh.X. Sheva frazeologizmlari antonimiyasi (Qashqadaryo qipchoq shevalari misolida).....	166
To'rayeva U.E. Abdulla Oripov she'riyati leksikasining lisoniy-nutqiy xususiyatlarining o'ziga xosligi.....	171
Тоқимбетова Г.А. XIX асрдаги тарихий шароит, ижтимоий ҳолат ва Кўнходжа ижоди.....	173
Usmonov Sh. Zebo Mirzo she'riyatida metafora.....	177
Шодмонов Ғ. Мунис ғазалларининг қўлғезма манбалар ва нашрларининг қиёсий таҳлили.....	180
Berdiyeva D. XIX asr o'zbek ayollar she'riyati.....	185
Бозоров О.Ч. “Ёш вертернинг изтироблари” ва “Бону” романларида муҳаббат, ёлғизлик ва худкушлик мотиви.....	189
Qorayev Sh. Qo'qon xonligida shoirlar majlislari (Hukmdor shoir Umarxon Amiriy huzuridagi mushoira kechalari misolida).....	192
Nabiyeva M. Ortologiyaning tilshunoslik fanlari tizimidagi o'rni.....	197

MARKAZIY OSIYODA MILLIY-HUDUDIY CHEGARALANISHNI AMALGA OSHIRISHDA O'RTA OSIYO BYUROSINING FAOLIYATI

Davletov S.R. (UrDU), **Matyoqubov A.E.** (Urganch Texnologiya universiteti)

Annotatsiya. Maqolada Sovet hukumati tomonidan Markaziy Osiyo hududida amalga oshirilgan milliy-hududiy chegaralash siyosati haqida soʻz boradi. Maqolada milliy-hududiy chegaralanish jarayonlari sovet rahbariyati va mahalliy aholi vakillari oʻrtasida qator munozaralarga sabab boʻlgani, bu borada RKP (b) MQ Oʻrta Osiyo byurosi tomonidan olib borilgan siyosiy kompaniyaning sabab va maqsadlari koʻrib chiqilgan.

Tayanch soʻzlar: *Markaziy Osiyo, respublikalar, sovet milliy siyosati, Oʻrta Osiyo byurosi, milliy-hududiy chegaralanish.*

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКОГО БЮРО ПО РЕАЛИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ ГРАНИЦ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация. В статье рассказывается о политике национально-территориального разграничения, проводимой советским правительством в Средней Азии. В статье были рассмотрены процессы национально-территориального размежевания, вызванные рядом дискуссий между советским руководством и представителями местного населения, причины и цели политической кампании, проводимой Среднеазиатским бюро РКП(б)

Ключевые слова: *Средняя Азия, республики, советская национальная политика, Среднеазиатское бюро, национально-территориальное разграничение.*

ACTIVITY OF THE CENTRAL ASIA BUREAU IN IMPLEMENTATION OF NATIONAL-TERRITORIAL BOUNDARIES IN CENTRAL ASIA

Annotation. The article talks about the national-territorial demarcation policy implemented by the Soviet government in Central Asia. In the article, the processes of national-territorial delimitation caused a number of discussions between the Soviet leadership and representatives of the local population, the reasons and goals of the political campaign conducted by the Central Asian Bureau of the RKP (b) Central Asian Bureau were considered in this regard.

Keywords: *Central Asia, republics, Soviet national policy, Central Asia Bureau, national-territorial demarcation.*

Markaziy Osiyo mintaqasi asrlar davomida bir-biriga qardosh boʻlgan xalqlarning yagona maskani va umumiy vatani boʻlib kelgan. Mintaqadagi respublikalarning tub aholisi asrlar davomida urf-odatlarini, anʼanalari, turmush tarzi va diniy eʼtiqodlari jihatidan bir-biriga juda yaqin boʻlgan. 1920-yillardagi maʼlumotlarga koʻra, Turkiston, Buxoro va Xorazm xalq sovet respublikalari aholisining tarkibiga koʻra koʻp millatli respublikalar hisoblangan.

Sovet hukumati Oʻrta Osiyoda toʻla hukmronlikni oʻrnatish, oʻlkadagi tabiiy boyliklarga egalik qilish, mintaqani milliy-hududiy jihatdan boʻlib tashlash orqali hukmronlik qilish maqsadida 1920-yildan keyin milliy chegaralanish masalasini kun tartibiga qoʻya boshladi.

Oʻrta Osiyoning milliy chegaralanishini oʻtkazish zaruratini Sovet hukumati 1917-yil 2-noyabrda qabul qilingan «Rossiya xalqlari huquqlarining deklaratsiyasi»da eʼlon qilingan millatlarning “to milliy davlat tashkil etishga qadar oʻz taqdirini oʻzi belgilash huquqlarini amalga oshirishni tugallash” degan puch gʻoya bilan asoslashga urindi. Deklaratsiyada milliy siyosatning 4 ta asosiy tamoyili eʼlon qilingan boʻlib, bular – Rossiya xalqlari tengligi va suverenligi; Rossiya xalqlarining alohida ajralib chiqishdan tortib, mustaqil davlat tashkil etish darajasidagi oʻz taqdirini oʻzi erkin belgilash huquqi; barcha va har qanday milliy va milliy-diniy imtiyoz va cheklavlarni bekor qilish; Rossiya hududida yashovchi milliy ozchilik va etnografik guruhlarni erkin rivojlantirish kabilarni oʻz ichiga olgandi [1]. Oʻrta Osiyoning katta qismi Rossiya imperiyasi tarkibiga kirgan boʻlib, Rossiya Sovet Federativ Sotsialistik Respublikasi (RSFSR) imperiyaning merosxoʻriga aylanganidan soʻng mintaqa xalqlarining kelgusi taqdirini belgilashda ushbu hujjat muhim rol oʻynadi [2].

Bundan tashqari sovetlarni Markaziy Osiyo xalqlariga yanada yaqinlashtirish, mehnatkashlar ommasining davlatni idora qilishdagi ishtirokini faollashtirish zaruriyatini ham asosiy vaj sifatida baholadi. Ammo bu kabi soxta gʻoyalarning asosi Sovet davlat tuzumini

mustahkamlash va “bo‘lib tashla va hukumronlik qil” tamoyilini amalga oshirishdan boshqa narsa emas edi.

Hududiy chegaralanish masalasiga oid 2 xil: milliy-siyosiy (etnosiyosiy) va iqtisodiy tamoyillar mavjud bo‘lgan. Hududlarni bo‘lishda sovet davlati chegaralanishni o‘tkazishda asos sifatida milliy-siyosiy omil oladi. Biroq shunday bo‘lsa-da, ayrim holatlarda iqtisodiy tamoyillar ham bosh mezon vazifasini o‘tagan [3].

Bu jarayonda yetakchi rol 1922-yil may oyida tuzilgan RKP (b) MQ Markaziy Osiyo byurosiga beriladi. Dastlabki bosqichda Markaziy Osiyo byurosining asosiy vazifasi Turkiston ASSR, Buxoro Xalq Sovet Respublikasi va Xorazm Xalq Sovet Respublikasi kommunistik partiyalariga rahbarlik qilish edi. Keyinchalik milliy-hududiy chegaralanishni amalga oshirish vazifasi aynan Markaziy Osiyo byurosiga yuklatildi. RKP (b) MQ Siyosiy byurosining 1924-yil 11-oktabrda qabul qilingan qarorida: “Yangi tashkil etilgan respublikalarning chegaralarini belgilash va ularni tashkil etish bo‘yicha barcha partiyaviy ishlarga rahbarlik qilish Markaziy Qo‘mitaning O‘rta Osiyo byurosiga yuklansin” deb belgilangan [4].

O‘rta Osiyo byurosida maxsus organ – byuroning Matbuot bo‘limi faoliyat ko‘rsatgan bo‘lib, u mintaqadagi barcha davriy nashrlarni chop etishga mas‘ul edi. Direktiv hujjatlardan birida shunday deyilgan edi: “Markaziy Osiyo matbuot xodimlarining madaniy-siyosiy saviyasi va jurnalistik malakasini oshirish uchun markaziy nashriyat tahririyatlarida gazeta ta‘limi, marksistik va umumta‘lim to‘garaklari tashkil etilganligini e‘tirof etish zarur [5]. Bu O‘rta Osiyo byurosi faoliyatida mahalliy matbuot muhim o‘rin tutganligini ko‘rsatadi. Darhaqiqat, matbuot nafaqat aholining umumiy madaniy saviyasiga ta‘sir ko‘rsatish, balki bolsheviklarning g‘oyalarini targ‘ib qilishning mafkuraviy ta‘sir vositasi ham bo‘lgan [6].

RKP(b) MKning Tashkiliy byurosi o‘zining 1924-yil 31-yanvardagi majlisida boshqa masalalar bilan bir qatorda Turkiston, Buxoro, Xorazm respublikalarining milliy-hududiy chegaralanishi to‘g‘risidagi masalani ham ko‘rib chiqqan va Y.E.Rudzutakka mazkur respublikalarning mas‘ul xodimlari bilan birgalikda bu g‘oyani amalda qanday ro‘yobga chiqarish mumkinligini oldindan muhokama qilib ko‘rishni topshirgan [7]. Joylarda sovetlar tomonidan chegaralanishni tezroq o‘tkazish va shu orqali o‘lkada boshqaruvni to‘la qo‘lga olishga urinish shu tariqa yanada kuchaydi. Dastlab partiya o‘choqlarida – Xorazmda, Buxoroda, Turkistonda ma‘lumotlar yig‘ildi, so‘ngra O‘rta Osiyo byurosida hammasi muhokama qilindi [8].

Rejalashtirilgan davlat-hududiy bo‘linishi to‘g‘risidagi xabar O‘rta Osiyo jamiyatining turli qatlamlari orasida keskin noroziliklarni yuzaga keltirdi. Milliy ziyolilar vakillari, ruhoniylar, taniqli jamoat arboblari, oddiy dehqonlar, hunarmandlar ham Buxoro va Xorazmdagi davlatchilik belgilarini buzilishini, bitta umumiy hududda ming yillar davomida yashab kelayotgan millatlar va elatlarning sun‘iy ravishda bo‘linishini qat‘iy ravishda qoralaganlar.

RKP(b) MQ O‘rta Osiyo byurosi a‘zolari Turkiston, Buxoro va Xorazm kompartiyalari rahbariyatini O‘rta Osiyoning milliy chegaralanishi to‘g‘risidagi Markaz g‘oyasini amalga oshirish zarurligiga ko‘ndirishga muvaffaq bo‘lishdi. 1924-yil 5-aprelda O‘rta Osiyo byurosining a‘zosi A.Rahimboyev bu haqda RKP(b) MQ Siyosiy byurosi Majlisida ma‘ruza qildi. Garchi majlis bu masala yuzasidan uzil-kesil qaror qabul qilmagan bo‘lsa-da, O‘rta Osiyo kommunistik tashkilotlarining milliy chegaralanish haqidagi “taklifi”ni ma‘qullashini bildirgan [9]. Shu tariqa A.Rahimboyevning “Turkiston, Buxoro va Xorazm haqida” degan ma‘ruzasini RKP(b) MQ oldiga qo‘yish bilan go‘yo chegaralanish to‘g‘risidagi g‘oyaning paydo bo‘lishida tashabbus respublikalarning o‘zidan kelib chiqdi, degan fikr shakllantirildi.

1924-yilning aprel-iyun oylarida Markaziy organlar, mintaqaning 3 ta respublikasidagi kommunistik tashkilotlar va RKP(b) MQ O‘rta Osiyo byurosida milliy chegaralanish masalalari yuzasidan jadal ish olib borishdi. Milliy chegaralanish masalalarini yanada batafsil va chuqurroq o‘rganish uchun Turkiston va Buxoro Kommunistik partiyalari Markaziy qo‘mitalari huzurida maxsus komissiyalar tuzildi. Bunday komissiya Markazning Turkistondagi vakolatli tashkiloti – O‘rta Osiyo byurosi huzurida ham ish olib borgan [10].

Shunday qilib, O‘rta Osiyo respublikalarini milliy-hududiy chegaralanishini amalga oshirish uchun tayyorgarlik ishlari boshlanib ketdi. Bu ishlar, asosan, quyidagi ikkita yo‘nalishda olib borilgan:

a) siyosiy, ommaviy-tushuntirish va tashviqot ishlarini kuchaytirish;

b) muhim tashkiliy va xo'jalik tadbirlarini (yangi tashkil etiladigan respublikalar va oblastlarning chegaralarini belgilash, iqtisodiy chegaralash va boshqalar) amalga oshirish [11].

1924-yil 12-iyunda RKP(b) MQ Siyosiy byurosi "O'rta Osiyo respublikalarining milliy-davlat chegaralanishi to'g'risida" maxsus qaror qabul qilgan [12]. RKP(B) MQ Siyosiy byurosining ushbu qarori Turkiston, Buxoro va Xorazm Kompartiyalarining yig'ilishlarida muhokama etildi. Sovetlar tomonidan mazkur muhokamalarda bildirilgan fikrlar buzib talqin qilinib, go'yoki O'rta Osiyo partiya tashkilotlari va barcha mehnatkashlar chegaralanish masalasini batamom qo'llab-quvvatladi, deb baho berildi. Ammo Kommunistik partiya tomonidan olib borilgan tashviqotlar kutgan natijani bermagan, mahalliy aholi vakillari chegaralanish masalasiga qarshi chiqishdi. Shuningdek, mintaqadagi 3 ta respublika partiya rahbariyati ham mazkur masalada yakdil fikrda bo'lishmagan.

Chegaralanishni tashkil etish bo'yicha tuzilgan komissiya tomonidan tayyorlangan loyiha O'rta Osiyodagi yangi sovet tuzumiga asoslangan davlatlarning chegaralarini belgilashga asos bo'lib xizmat qildi. Lekin bu komissiya qisqa muddat ichida barcha chegaralanishga doir masalalarni hal qila olmasligini inobatga olib, komissiya tomonidan qabul qilingan hujjatlarda bundan buyon tashkil etiladigan respublikalar davlat sifatida rasmiylashtirilganidan keyingina chegaralarni aniqlash lozimligi ko'rsatib o'tildi.

1924-yil 2-iyunda RKP(b) MQ O'rta Osiyo byurosining raisi Y.E.Rudzutak nomiga telegramma yuborilib, unda Xorazm Kommunistik partiyasi mas'ul kotibi O'.Adinayev Federativ respublika sifatida qoldirilishini iltimos qildi. Ushbu telegramma XXSRga yordam berish uchun RSFSRdan yuborilgan maxsus komissiya rahbari G.I.Brodo, M.Abdusalomov, EKOSO raisi O'roz Irmanov, GPU raisi Karim Boltayev va Yoqubovlar tomonidan imzolangan edi [13].

Xorazm ishtirokiyun firkasi a'zolari milliy-hududiy chegaralanish to'g'risidagi Qalandar Adinayev va Matkarim Abdusalomovlarning fikrlarini qo'llab, 1924-yil 9-iyulda bo'lib o'tgan Xorazm ishtirokiyun firkasi Markaziy qo'mitasi Ijroiya byurosining majlisida ham RKP(b) MQga xat yo'llashgan [14]. Ammo, Xorazm Xalq Sovet Respublikasining turkmanlar hududlarini avvalgi holatida qoldirish bo'yicha qaror Sovet hukumatini qoniqtirmaydi va ular xorazmlik «faollar» bilan yana qaytadan ishlab, 1924-yil 26-iyulda Xorazm KP MQ o'zining avvalgi «noto'g'ri qarori»ni bekor qiladi va RKP(b) Markaziy Qo'mitasiga qarorning 3-bandini qayta ko'rib chiqishni so'rab, maktub yuboradi. Bu maktub tezda "ijobiy" hal qilinib, XSSR tugatiladi. Bu davrda Xorazm hududi 4 ta uyezd – Xiva, Gurlan, Yangi Urganch, Xonqaga bo'lingan edi.

1924-yil 5-avgustda RKP (b) MKQ O'rta Osiyo byurosi Xorazm ishtirokiyun firkasi Markaziy qo'mitasining yangi taklifini qo'llab, XSSRni ham O'rta Osiyoda o'tkaziladigan milliy hududiy chegaralanishga qo'shishni ma'qulladi.

Milliy chegaralashga oid vazifalarni amalga oshirish uchun RKP(b) Markaziy Komiteti O'rta Osiyo byurosi qoshida milliy chegaralash bo'yicha komissiya tuzilib, komissiya asosan chegaralarni belgilash hamda O'rta Osiyo respublikalari va avtonom oblastlarining davlat mulklarini aniqlash ishlarini olib bordi [15].

1924-yil 27-oktabrda Butunittifoq Markaziy Ijroiya Qo'mitasining ikkinchi chaqiriq 2-sessiyasida O'rta Osiyoda milliy respublikalar tuzish to'g'risida qaror qabul qilingan [16]. Shunday qilib, 1924-yil sentabr-oktabr oylarida O'rta Osiyoda o'tkazilgan milliy-hududiy chegaralanish O'rta Osiyo sovet respublikalari, RSFSR va SSSRning oliy organlari tomonidan qonuniy kuchga kirdi.

Shu bilan sovetlar O'rta Osiyoda avvaldan yagona makonda yashab kelgan xalqlarni turli respublikalarga bo'lib tashladi. 1924-yilda o'tkazilgan ma'muriy-hududiy chegaralanishdan ko'zlangan bosh maqsad – O'zbek davlatchiligiga bolta urish edi. Bu kabi chegaralanish Markazdan turib hal etildi va mahalliy aholining istaklariga mutlaqo zid edi. RKP(b) O'rta Osiyo byurosi Sovet hukumatining mintaqadagi siyosatini shakllantirish va amalga oshirishda muhim rol o'ynadi hamda milliy davlat chegaralanishini o'tkazilishini amalga oshirdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Декларация прав народов России. 2 ноября 1917 г. // РГАСПИ. Ф. 2. Оп. 1. Д. 24219. Л. 1–2.
2. Махкамова Н. Ўрта Осиё миллий-худудий chegaralanish masalasining sovet davri adabiyotlarida aks etishi // Ўтмишга назар журнали, 2020. – №4. – Б. 22.
3. Ходоров И. Национальное размежевание Средней Азии // Новый Восток, 1925.

4. РГАСПИ, ф. 17, оп. 3, д. 468, л. 3
5. РГАСПИ. Ф. 62. Оп. 2. Ед. хр. 759
6. Тальская О.Д. Роль Средазбюро в разработке советской среднеазиатской политики в 1920–1930-х гг. (по материалам РГАСПИ) // Проблемный анализ и государственно-управленческое проектирование, 2015. Т. 8. – № 4. – С. 107–112. 108
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М.Жураев, Р.Нуруллин, С. Камолов ва бошқ.; Тахрир хайъати: А. Азизхўжаев (раис) ва бошқ. – Т.: Шарк, 2000. – Б. 282.
8. Тальская О.Д. Национальное размежевание республик Средней Азии в деятельности Средазбюро // Власть. 2015. Том 23. – № 9. – С. 134-137. 136
9. ЎзМА. 361-фонд, 1-руйхат, 555-йигма жилд, 43-44-варақдар.
10. ЎзРПАА, 60-фонд, 1-руйхат, 705-иш, 17-18-варақдар.
11. Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1958. – Б. 121–122.
12. Постановления II сессии Всероссийского Центрального Исполнительного Комитета XI созыва. – Москва: Издание ВЦИК, 1924. – С. 206.
13. Хоразм тарихи. 2-жилд. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. – Урганч, 1997. –Б. 55.
14. Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. – Тошкент, 2007. – Б. 339-340.
15. Норматов О.М. Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш сиёсатининг Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири. – Т.: Turon-iqbol, 2022. – Б. 35.
16. Резолюция II сессии Центрального Исполнительного Комитета СССР 2-го созыва по вопросу о размежевании Советских республик в Средней Азии и о вхождении Узбекской ССР и Туркменской ССР в состав СССР. 27 октября 1924 г. //Собрание законов и распоряжений Рабоче-крестьянского правительства Союза Советских Социалистических Республик. Отд. 1. – Москва, 1924-1937. – С. 253-256.

Nashrga prof. B.Eshov tavsiya etgan

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА СУҒДДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Турдиалиев Ж. (СамДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиё тарихини ўрганишда муҳим соҳа ҳисобланган суғдшунослик илм-фан тармоғининг вужудга келиши, бунга сабаб бўлган омиллар кўрсатиб берилган. Суғдшуносликнинг вужудга келиши йўлида хизмат қилган ва уни аниқлаган соҳанинг илк тадқиқотчилари тўғрисидаги маълумотлар ҳам мақолада таҳлил қилинган. Мақоланинг муҳим жиҳатларидан бири суғдшуносликнинг вужудга келиши жараёнида суғдшунослик мактабларининг шаклланишининг ҳам кўрсатиб берилганлигидадир. Мақолани ёритишда суғдшуносликнинг вужудга келишида илк тадқиқотлар олиб борилган хорижий тадқиқотларнинг ишлари таҳлили эса мақоланинг илмийлигини ошириб, унинг ютуғи сифатида намоён бўлади.

Таянч сўзлар: *Шарқий Туркистон, Беруний, Турфон, “Кўҳна хатлар”, Суғд, Самарқанд, В.А.Лившиц, тилишунослик, суғдий-буддавий матнлар.*

ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ В СОГДЕ В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

Аннотация. В данной статье показано возникновение отрасли науки медицины, которая считается важным направлением в изучении истории Центральной Азии, и факторы, вызвавшие это. Также в статье анализируются сведения о первых исследователях данной области, которые послужили возникновению путей медицинской науки и определили ее. Одним из важных аспектов статьи является то, что в ней показано формирование медицинских школ в период зарождения медицины. Анализ работ зарубежных исследований, среди которых выделяются первые проведенные исследования в период зарождения медицинской науки, повышает научность статьи и показывает ее достижение.

Ключевые слова: *Восточный Туркестан, Беруни, Турфон, «Старые письма», Согд, Самарқанд, В. А. Лившиц, языковедение, суғдийско-буддийские тексты.*

ISSUES OF EDUCATION AND UPBRINGING IN SUGDH IN THE EARLY MIDDLE AGES

Annotation. In this article, the emergence of the branch of science of medicine, which is considered an important field in the study of the history of Central Asia, and the factors that caused it are shown. The article also analyzes the information about the first researchers of the field, who served on the way to the emergence of the science of medicine and defined it. One of the important aspects of the article is that it shows the formation of schools of medicine during the emergence of medicine. The analysis of the work of foreign studies, which were conducted in the first researches in the emergence of the science of medicine, increases the scientificity of the article and is shown as its achievement.

Key words: *East Turkestan, Beruni, Turfon, "Old letters", Sugd, Samarkand, V.A. Livshits, linguistics, Sugdian-Buddhist texts.*

Марказий Осиёда илк ўрта асрларда таълим ва тарбия масалалари ҳақида гапирганда унинг тарихий илдизлари қадимги даврга бориб тақалишини келтириш жоиз. Бу ҳолат оиланинг вужудга келиши жараёнлари билан боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, илк вужудга келган жамиятларнинг бош бўғини сифатида оиланинг ўрни катта бўлган. Бу ҳақда Авестода ҳам бир қатор маълумотлар келтириб ўтилади.

Аввало, Авестонинг асосий объекти-инсон бўлганлигини таъкидлаш лозимдир. Ундаги барча фикр инсонга, унинг сидқидилдан эътиқодига, жисмоний ва руҳий поклигига, эзгу дунёнинг равақи учун астойдил сафарбарлик билан қилинадиган яратувчилик меҳнатига, ижтимоий барқарорликка, тинчлик ва осойишталикка қаратилган¹.

Зардуштийлик ва Авестода акс этган дунёнинг маркази инсон ва унинг оиласи *нманадан* бошланади. *Нмананинг* ҳам отаси ҳам раҳнамози дастлаб *нманопати*, яъни “уй отаси” бўлган². Ота оилани боқиш, парваришлаш, ҳимоя қилишдан ташқари шу оиланинг диний етакчиси ҳамдир. Бундай тартиб оиланинг ижтимоий моҳиятини жамиятнинг маънавий талаблари билан боғлашга хизмат қилган. Шу билан бирга оилани, ота-онани фарзандлар маънавий камолоти учун масъул қилиб тайин этган. Бир сўз билан айтганда, жамиятнинг асос унсури *оила* экан, зардуштийликнинг илк босқичларида бу ижтимоий бирлик патриархал оила кўринишида бўлган.

Авестода нафақат илк давлатчилик тарихи ҳақидаги маълумотлар балки айни шу давлатчилик жараёнларининг ғоявий асосларини ҳам ўзида мужассам этган. Бунинг ёрқин мисолини зардуштийликдаги эзгулик илоҳи Ахура Мазданинг вазифадор фаришталарида ҳам кузатиш мумкин. Улар олти олий илоҳий вазифа эгалари бўлиб, биринчиси *Воҳумана* “Эзгу ўй” фариштаси, яъни олам эзгу ўй, эзгу ниятдан бошланмоғи лозимлигига ишоратдир. Иккинчиси, *Арта Вахишта*, яъни эзгу ният бўлса, ҳаёт Ҳақ Таоло буюрганидек “ҳаққоний” - жаннатмисол бўлади. Учинчи фаришта *Спента Армаити* бўлиб, бу малоика эзгу ният билан барпо бўлган жаннатий (беҳиштий) ҳаётни Ерга, заминга туширади ва унга осойиш бағишлайди. Тўртинчи малоика - *Хиатра Варйа*³ - “Шаҳриёрлик”, яъни жаннатмакон заминдаги бахтиёр, фаровон ҳаётни илоҳий адолат билан бошқариш мақомидир. Бу эманация Авестода одил подшоҳликнинг илоҳий концептуал асосига ишорат сифатида тушунилади.

Мазкур концептуал ғоявий қарашлар Марказий Осиёда қадимда мавжуд бўлиб, кишилар айни шу ғояларга амал қилишган ва оилада, фарзандлар тарбиясида ушбу ғоялардан дастуриламал сифатида фойдаланишган. Лекин соҳага доир аксарият тадқиқотларда Марказий Осиёнинг исломдан олдинги даври тарихида тарбия ва таълим билан боғлиқ масалаларга эътибор берилмаган ва маълумот келтирилмаган. Ёки Юнон-Рим тарихчиларининг асарларидаги таълим ва тарбия масалаларига эътибор қаратишган⁴.

Марказий Осиёнинг исломга қадар бўлган даврида таълим ва тарбия масалаларига доир маълумотлар унчалик ҳам кўп эмас. Лекин мавжуд маълумотлар муҳим хулосалар

¹ “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. “Avesta” and its place in the development of humanity / Халқаро конференция материаллари. – Ташкент-Урганч: Фан, 2001. – 186 с.

² Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёт. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 37

³ Авесто. Яшт китоби / Мирсодиқ Исоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 77.

⁴ Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 3-18.

чиқаришга имкон беради. Марказий Осиёнинг йирик тарихий-маданий воҳаси ҳисобланган Суғд минтақадаги таълим ва тарбия бешиқларидан бўлганлиги ҳамда бу масалаларнинг анъанавий давомийлиги сақлаган ҳудуд бўлган.

Илк ўрта асрлар Суғдда таълим тизими ва тарбиявий масалалар тўғрисида манбаларда маълумотлар унчалик кўп эмас. Лекин суғдий ҳужжатлар, археологик материаллар таҳлили баъзи хулосаларга келишга имкон беради. Шунингдек, баъзи суғдий атамалар ҳам муаммони ўрганишда самара бериши мумкин. Шундай атамалардан бири суғдий *naf* – “наф” (сўзма-сўз “киндик” маъносини беради) ибораси бўлиб, ушбу ибора ўз таркиби ва функцияларига кўра Маҳалла институтига тўғри келади. Суғдда жамоа (наф) илк ўрта аср шаҳарларида фуқаровий жамоа таркибига кирган бўлиб, ўзида хунармандлар, савдогарлар, қисман зодагонларни бирлаштирган. Қишлоқ жамоаси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолини ўзида жамлаган¹.

Ижтимоий жиҳатдан у (“наф”) бир неча табақага бўлинган. Зодагонлар-озод, шаҳар хунармандлари-озодкор, савдогарлар-ғувокор, зироаткорлар-кашоварз, хизматкорлар-чорикор, муте қўшчилар-кадивар, кул ва чўрилар-бантак ва доя деб юритилган. Аслзода зодагонлар-озод табақасига подшо, маҳаллий ҳукмдорлар ва мулкдор деҳқонлар кирган. Бу ижтимоий бўғин тепасида подшо турган. Лекин Суғдда жамиятнинг асосий бўғинини **оила** ташкил этган.

Суғд оиласида бола тарбиясига ҳамда унинг саводли бўлишига алоҳида эътибор берилган. “Бэй ши” (“Шимолий сулолалар тарихи”)да келтирилишича, суғдийлар савдода маҳоратли бўлиб, бу давлатга кўп чет элликлар савдо қилиш учун келишади². “Тан шу” йилномасида эса “... (Суғдда) ўғил бола туғилганда тилига тошли асал (новвот) суртишади, кафтига елим қўйишади, келажакда ширинсўз бўлиши ва бойликни маҳкам ушлаши учун. Кўндалангига ёзишади. Савдода маҳоратли ва манфаатпараст. Эркаклари йигирмага тўлгач, қўшни мамлакатларга кетишади ва фойда келадиган ҳамма жойда бўлишади” дея келтирилади³. Суғдда бу каби одатлар кўп бўлган. Масалан, келажакда моҳир савдогар бўлсин дея, суғдийлар чақалоқлигидаёқ ўғил болалар қўлига танга боғлашган. Ушбу одат ҳозирда ҳам сақланиб қолган бўлиб, чақалоқ кўришга борганда унга пул бериш одати айни Суғддаги ёш боланинг қўлига танга боғлаш анъанаси билан боғлиқ⁴.

Айни йилномада келтирилган маълумотга кўра илк ўрта асрлар Суғдда 5 ёшдан ўқишга ўргатилган. VI асрда Самарқандда бўлган Хитой элчиси Вей Цзе Суғдда болалар беш ёшдан ўқиш ва санашни ўрганадилар, дея маълумот келтириши буни тасдиқлайди⁵.

Ўқиш ва ёзиш билан бирга турли соҳаларга йўналтирилган ўқитиш мактаблари ёки ўз замонасининг тиллари ўқитилган бўлиши ҳам мумкин. Суғдшунос Б.Ғойибов Муғ тоғи архивидаги турли унвон ва мансабларни таҳлил қилган ҳолда уларни нафақат давлатчилик нуқтаи-назаридан талқин қилиш мумкинлигини, балки ушбу унвонларнинг соҳиблари алоҳида мактаблардан ўқитилган бўлиши мумкинлигини илгари суради. Бундан ташқари, Муғ архивидаги арабий мактаб эса Суғдда суғдий ёзув ва тили билан бирга хорижий тиллар ҳам ўқитилган бўлиши мумкинлиги фикрини билдиради⁶. Шунингдек, ушбу тилларни билиш билан бирга Суғдда ўзига хос хаттотлар мактаби шаклланишини эътироф этиш лозим.

Милодий асрлар бошлариданоқ суғдийлар жамиятида саводхонлик муҳити шаклланган. Орамий ёзувининг шомий тилларга хос товушларни ифодаловчи ҳарфларини суғдий тил фонетикасига мослаш ҳаракати муваффақиятли йўлга қўйилган. Жамиятда амал қилган диний муносабатлар – буддавийлик, христианлик, монийчилик ўз навбатида суғдийлар

¹ Филанович М. О некоторых аспектах истории общины в древности и происхождении «махалла». Ўзбекистон тарихи, 2003. – №2. – Б. 16.

² Хўжаев А. Хитой манбалари. Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд 1-китоб. V-XI асрлар. – Тошкент, Фан, 2014. – Б. 31.

³ Хўжаев А. Хитой манбалари. Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд 1-китоб. ... – Б. 35.

⁴ Goyibov B. Sogd and China: priority trade ties. II Международная научная конференция «История и археология». г. Пермь май, 2014 г. – Пермь, 2014. – С. 9-12.

⁵ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // Сб. Тр. Орхонской эксп. СПб.: 1903. Вып. 6. – Р. 133.

⁶ Ғойибов Б. Суғдий ёзув маданиятимиз кўзгуси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2013. – №4. – Б. 278-284.; Gayibov B. About Confederate Administration Ruling of Sogd // International Journal of Central Asian Studies. South Korea. Volume 20. 2016. – Р. 167-179.

саводхонлиги ва китобхонлиги доирасини кенгайтирган. Суғдий “миллий” ёзувнинг каллиграфик намуналари бир қанча котиблик услубларини юзага келтирган. Суғдий ёзувнинг муллои – халқ орасидаги эркин дастхат шакллари кўплиги, айниқса турли мактублар, хабарномалар, омборхоналарда тузилган тилхатлар, яширин иш юритган хуфияларнинг хожаларига йўллаган хатлари, булар аксарият фавкуллода ҳолларда тузилган матнларки, уларни касби котиблик эмас, хат муаллифларининг ўзлари ёзганлигига шубҳа йўқ¹. Бу ўз ўрнида яна бир бора суғдийларнинг ёзув маданияти юқори бўлганидан далолатдир.

Қайд этиш лозимки, Суғдий халқ ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон водийси, Қашқадарё воҳаси, Тожикистоннинг Суғд вилояти ҳудудларининг қадимги аҳолиси бўлган. Мил. авв. III-II-асрларда улар Аҳамонийлар даврида маҳкамачилиқда амал қилган орамий ёзуви алифбосини ўз тилларига мослаштирганлар. Бу ёзув алифбоси фақат ундош товушларни акс эттирган. Қисқа унлилар ёзувда акс этмаган. Улар сўз таркибида келган пайтда интуитив тиклаб талаффуз қилинган. Бу амалиёт ёзув маданиятининг оммавийлиги шароитидагина мумкин бўлгани эътиборга олинса, суғдийлар бу соҳада анча илғор бўлганлар. Сўз таркибида чўзиқ унлилар учраган ҳолда суғдийлар ундош товуш белгилари *yo* ҳарфидан *i* учун, *waw* ҳарфидан *ū* учун фойдаланишган. Чўзиқ *ā* орамий алифбосининг *alēf* ҳарфи билан берилган².

Умуман Суғдда ҳам бошқа минтақаларда бўлгани сингари ёзувга нисбатан муқаддас қараш бўлган, бунга алоҳида эътибор берилган. Бунини дипломатик меъёр сифатида ҳам Суғд тарихида намоён бўлганини кўриш мумкин. 656 йилларга мансуб дея талкин қилинадиган Афросиёб деворий суратларида келтирилган Чағониён элчиси этагига ёзилган 16 қаторли суғдий ёзув 9-10 қаторида элчи Самарқанд илоҳлари ва хатини шарафлагани алоҳида таъкидлангани келтирилади³.

Бу даврда суғдий ёзув Марказий Осиёнинг барча ҳудудларида ўқитилган кўринадди. Бунини ўзига хос асослари ҳам мавжуд. 1937 йил қадимги Марв яқинидаги Гуяр-қалъа шаҳар харобасидан А.А.Маруценко бир қанча суғдий ёзув намуналарини топган эди. Улар орасида хум парчасига ёзилган икки бўлак ёзув машқи келтирилган ёзма ёдгорлик муҳим хулосаларга келишга имкон беради.

Суғдий курсив ёзуви билан ушбу ёдгорлик (VIII аср)нинг ўнг томонидан 4-5 ва терсида 6 сўзли суғдий ёзув акс этган бўлиб, унда худди Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари каби “жаноб ҳоким, буюк ҳукмдор, суюкли Тўкзанаққа” деб бошланувчи кириш формуласи ва /1/ суюкли /2/ буюк /3/ (20) 20 “40” /4/ буюк /5/ буюк /6/ буюк /7/ буюк сўзлари битилган ёзув машқи акс этган⁴. Умумий маънода ёдгорлик ёзув машқи деб баҳоланиши мумкин. Марв дабиристонидан суғдий ёзув ўргатилиб, сўнг ушбу ёзувни ўрганганларни халқаро савдода фаолият юртишига имконият берилган. Бу каби хат машқи Панжикент харобаларидан А.Исоқов томонидан ҳам 1965 йилда топилган эди. Унда ҳам куриб улгурмаган сопол бўлагига суғдий ҳарфлар битилган бўлиб, бугунги кунда суғдий алифбо тўғрисида ва ҳарфларнинг тўлиқ сони айтиш мумкин манба орқали маълум⁵. Аҳамиятлиси суғдий ёзув машқи нафақат сополга балки тошга ҳам ёзиб ишлангани маълум⁶.

Хитой элчиси Самарқандга келган пайтда бу ердан етишиб чиққан мохир савдогарлар Буюк ипак йўли бўйлаб савдо ишларида илғор бўлганликларини келтириб ўтган. Элчи суғдий алифбо 20 тадан ортиқ ҳарфдан иборат эканлигини ва ушбу маълумотни саводли бир суғдийдан эшитганини ёзиб қолдирган. Шунингдек, у суғдийлар савдода маҳоратли. Бу

¹ Исҳоқов М., Ғойибов Б. Туркий ва суғдий ёзувлар яратилишининг тарихий бирлиги асослари // *O'zbekiston tarixi*. 2023 йил 2-сон. – Б. 10-22.

² Исҳоқов М., Ғойибов Б. Туркий ва суғдий ёзувлар яратилишининг тарихий бирлиги асослари. ... –Б. 10-14.

³ Livšic Vladimir. The Sogdian Wall Inscriptions on the Site of Afrasiab // *É. de la Vaissière, M. Compareti* (ed). Royal Nawrūz in Samarkand. Pisa – Roma: Accademia Editoriale, 2006. – P. 59-65.

⁴ Каталог памятников согдийской письменности в Центральной Азии (Catalogue of sogdian writings in Central Asia) // Составители: Б.Ғойибов, П.Лурье, А.Бегматов, В.Распопова, Г.Бобоёров. – Самарқанд: МИЦАИ, 2022. – С. 206-209.

⁵ Livshitz V. A Sogdian Alphabet from Panjikent // *W. B. Henning Memorial Volume*. London, 1970. – P. 256-263.

⁶ Маршак Б.И., Распопова В.И. Согдийские гири из Пенджикента // *Материалы Пенджикентской археологической экспедиции*. Вып. IX. СПб.: Изд-во Гос. Эрмитажа, 2005. – С. 34, 73, 97, No. 17.

давлатга кўп чет эликлар келишади уларнинг иши савдо эканлигини алоҳида таъкидлайди¹. Бундан ташқари, Шатиал (Ҳинд)дан топилган илк ўрта асрлар суғдий ёзуви билан битилган савдогарларнинг ўзаро хабарлари² ҳам бунга ойдинлик киритиши мумкин.

Яна бир мисол. Суғдий хаттотлар Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврида давлат бошқаруви билан бирга мамлакатнинг маънавий-мафкуравий ҳаётида ҳам муҳим ўрин эгаллашган. Масалан, Суғдийлар буддавийликни Биринчи Турк хоқонлиги қароргоҳи Ўрхун воҳасида, кейинчалик Турфон ва бошқа ҳудудлардаги туркийлар орасига тарқалишида ҳам иштирок этишган³. Туркий ҳукмдорлардан Мухан (554-574) буддавийликнинг тарқалишига изн берган бўлса, Таспар хоқон (574-581) унинг кенг ёйилишига шароит яратиб берди⁴. Хуллас, хоқонлик ҳудудига буддавийлик анъаналарининг кириб келишида асосий транслятор вазифасини суғдий ва ҳинд миссионерлари ўйнаган. Улардан бири 574 йилда Чжоу ҳукмдори У-дининг қувғинига учраган бўлиб, ҳинд будда роҳиблари хоқонлик ҳудудидан паноҳ топганлар. Масалан, хоқонлик паноҳида бўлган ҳинд миссионер-роҳиби *Чиногунта* бўлган манбалардан маълум. Буддавий матнларни таржима қилишда суғдий тил ва ёзув муҳим ўрин тутган⁵. Таспар хоқон учун баъзи буддавий сутралар турк тилига таржима қилдирди. Таржимонлик ва котиблик ишини, кўпроқ суғдийлар амалга оширган⁶. Айни даврда суғдийлар ҳукмдорлар ҳимоясидаги таржимонлар бўлишган. Уларнинг баъзилари бир неча авлод котиблар ҳисобланган. Бу маълумотлар суғдийлар жамиятида адабиёт ва китобат билан бирга таржимонлик фаолияти ҳам анчайин куртак ёзганлигини кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда хаттотлик эмпирик билим сифатида алоҳида эътиборда бўлган таълим тури бўлиб, жамиятда етишиб чиққан суғдий ҳужжатларда исмлари *Ваненок*, *Сийамич Тишич ўғли*, *Ромтиш Вгаишфарн Аспанак Девгун*⁷, *Дойнустак Охван Патур ўғли*, *Қул Тек*, *Нанедод* сифатида қайд этилган котиблар томонидан ёзилган манбалар буни яққол кўрсатади.

Суғдада ёш авлодни тарбиялашда уларнинг жисмонан бақувват бўлишига ва ҳарб санъатини ўрганишига эътибор берилган. Бу ҳақда археологик маълумотлар асосида баъзи тахминий хулосага келинса, ёзма манбалар эса уларни тўлдиради. А.М.Беленицкийнинг маълумотларига кўра, тадқиқотчи Э.Шаванн Хитой йилномаларида янги йилда Суғд аҳолиси янги кийим кийиб, соч-соқолларини олганлар деб келтирилади. Шунингдек, бу кунда мерганлик мусобақаси уюштирилиб, кимда-ким қоғозга ёпиштирилган олтин тангани камон билан бехато нишонга олса, у мусобақа ғолиби саналиб, бир кунлик подшо бўлиш ҳуқуқини қўлга киритган⁸. Бу ҳолат эса ёш авлодни жасур ва қатъиятли қилиб тарбиялаш учун Суғдада алоҳида эътибор қилинганини кўрсатади.

Илк ўрта асрлар Суғдада болалар тафаккурини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор беришган. Археологик тадқиқотлар Суғд аҳолиси орасида шахмат сеvimли ўйин бўлганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда Панжикентдаги тадқиқотлар даврида топилган 100 жуфтдан кўпроқ бронза ва темирдан ясалган шахмат тошлар гувоҳлик беради⁹. Бу тошлар билан биргаликда бир жуфт тумор ҳам топилган. Бу тумор ўйинда омад келтириш учун тақилган. Бундай туморларнинг омад келтиришига нафақат Суғдада, балки бошқа

¹ Гафуров Б. Таджики. Кн. I. С. 354.

² Humbach H. Die Soghdischen inschriftenfunde vom oberen Indus (Pakistan) // Allgemeine und vergleichende Archäologie – Beiträge. Bd 2. München: 1980. P. 201-228; Sims-Williams N. The Sogdian Inscriptions of the Upper Indus // Antiquities of North Pakistan / Reports and Studies. Ed. K.Yettmar. Mainz, 1989. – P. 40.

³ Исхаков М.М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско-тюркские контакты) // O'zbekistontarixi, 2000, – № 4. – С. 46.

⁴ Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ, 1971. X. С. 133.

⁵ Gabain A.von. Buddhistische Turken mission // Asratica Festschrift Friedrich Weller. Leipzig, 1954. – P. 196.

⁶ Goyibov B. From the history of relations between Sogd and India. ... – P. 79-80.

⁷ Исхоков М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 57.

⁸ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Ленинград: Наука, ЛО, 1973. – С. 129.

⁹ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. ... – С. 129.

худудларда ҳам ишонишган¹. Панжикентда шахматни ёшу-қари ўйнаган ва унинг ихлосмандлари бўлганлар.

Илк ўрта асрлар Суғднинг муҳим тарихий вилояти ҳисобланган Панжикент шаҳрида олиб борилган тадқиқотлари давомида бўйи 5-7 см дан ошмайдиган, лойдан ясалган, қўл меҳнати асосида ясалганлиги учун бир-бирига ўхшамайдиган, анчайин қўпол итни эслатувчи шаклдаги узунчоқ ашёлар топилган. Бундай геометрик шаклдаги ўйин тошларини Беруний ўзининг “Минералогия” асарида нарда ўйинида ишлатилганлигини келтиради. Бу ўйин нарда ўйини эканлигига шак-шубҳа йўқ. Суғдшунос Б.Ғойибовнинг Табарийга суяниб келтиришича, Ўрта Осиё халқларининг нарда ўйнаганликлари манбаларда ҳам келтирилади. Турк шахзодаси Курсулнинг Турғаш хоқони Сулухон билан тустовуқни гаровга қўйиб нарда ўйнаганликлари ва Курсулнинг ўйинда ютганлиги Табарийнинг 119 / 737 йил воқеалари баёнида келтирилади².

Юқорида келтирилган маълумотлар қуйидаги хулосаларни илгари суриш имконини беради:

Суғдда таълим ва тарбия масалалари тўғрисида маълумотлар етиб келмаган бўлса-да, бу ҳақдаги маълумотлар Суғд аҳолисининг дини, урф-одати, маиший ҳаёти, маданияти ва дунёқараши тўғрисида маълумотлар келтирилган археологик материаллар ва деворий суратларда сақланиб қолганлиги аҳамиятлидир;

Суғдда хаттотлик кенг тараққий этган бўлиб, бу даврда кўплаб моҳир хаттотлар етишиб чиққан. Бундан ташқари, Суғд шаҳарларида, хусусан, Панч археологик тадқиқотлари натижасида кўплаб сопол парчаларига ёзилган ёзув намуналари топилган. Ўқувчи дарс жараёнида бу сопол тахтачаларга ёзишни машқ қилган. Шундай экан Суғдда хаттотлик мактаби ҳам бўлган дейиш асослидир. Бунга жамиятда алоҳида эътибор берилиб, ёшларни хат саводини чиқаришга эътибор берилган;

Суғдда илк ўрта асрларда тарбия ва таълим олдинги давр маданияти билан узвий боғлиқликда ривожланган. Бу маданиятни йўқотишга бўлган ҳаракатларга қарамай унинг намуналари шу кунларга қадар сақланган ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Жумладан, Суғдда хат саводни чиқариш билан боғлиқ масалалари орамийлардан мерос анъаналар асосида давом эттирилганлиги буни тасдиқлайди.

Умуман олганда, илк ўрта асрларда Суғд жамиятининг тараққиёти унда етишиб чиққан кишиларнинг мамлакат ривожини йўлидаги ҳаракатлари билан ўлчанади. Суғд илк ўрта асрлар даврида турли давлатлар томонидан эгалланган бўлса-да, уларнинг Суғдда ички бошқарувни сақлашга интилишлари минтақадаги илмий тажрибали шахсларнинг хизматлари самараси бўлган. Суғдийлар ҳукмрон давлатларнинг элчилари, котиблари, таржимон ва моҳир савдогарлари бўлганликлари уларнинг саводли ва маҳоратли бўлганликларини ҳамда бунинг минтақадаги анъанавий тарбия ва таълим билан боғлиқлигини кўрсатади. Бу ҳолатнинг Суғд санъати, рассомчилиги, ҳайкалтарошлиги, хаттотлиги, иқтисодий ҳаёти каби бир қанча соҳаларда намоён бўлиши орқали кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. “Avesta” and its place in the development of humanity / Халқаро конференция материаллари. – Ташкент-Урганч: Фан, 2001. – 186 с.
2. Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёт. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 37.
3. Авесто. Яшт китоби / Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 77.
3. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1997. Б. 3-18.
4. Филанович М. О некоторых аспектах истории общины в древности и происхождении «махалла». Ўзбекистон тарихи, 2003. №2. Б. 16.
5. Хўжаев А. Хитой манбалари. Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд 1-китоб. V-XI асрлар. – Тошкент, Фан, 2014.

¹ Толстов С.П. К вопросу о датировке культуры Каунчи // ВДИ. – Москва, 1946. – №1. – С. 175.

² Ғойибов Б. Панжикент деворий суратларида халқнинг маданий-маиший ҳаёти // Ўзбекистон тарихи кафедраси қатта ўқитувчиси С.И.Шариповнинг 60 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон тарихи асрлар силсиласида” мавзудаги илмий конференция материаллари. – Самарқанд, 2010. – Б. 38-49.

6. Goyibov V. Sogd and China: priority trade ties. II Международная научная конференция «История и археология». г. Пермь май, 2014 г. – Пермь, 2014. С. 9-12.
7. Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // Сб. Тр. Орхонской эксп. СПб.: 1903. Вып. 6. Р. 133.
8. Ғойибов Б. Суғдий ёзув маданиятимиз кўзгуси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2013. – №4. – Б. 278-284.
9. Исҳоқов М., Ғойибов Б. Туркий ва суғдий ёзувлар яратилишининг тарихий бирлиги асослари // O‘zbekiston tarixi. 2023 йил 2-сон. – Б. 10-22.
10. Каталог памятников согдийской письменности в Центральной Азии (Catalogue of sogdian writings in Central Asia) // Составители: Б.Ғойибов, П.Лурье, А.Бегматов, В.Распопова, Г.Бобоёров. – Самарканд: МИЦАИ, 2022. – С. 206-209.
11. Livshitz V. A Sogdian Alphabet from Panjikent // W. B. Henning Memorial Volume. London, 1970. P. 256-263.
12. Маршак Б.И., Распопова В.И. Согдийские гири из Пенджикента // Материалы Пенджикентской археологической экспедиции. Вып. IX. СПб.: Изд-во Гос. Эрмитажа, 2005. – С. 34, 73, 97, – №17.
13. Гафуров Б. Таджики. Кн. I. С. 354.
14. Humbach H. Die Soghdischen inschriftenfunde vom oberen Indus (Pakistan) // Allgemeine und vergleichende Archaologie – Beitrage. Bd 2. Munchen: 1980. P. 201-228; Sims-Williams N. The Sogdian Inscriptions of the Upper Indus // Antiquities of North Pakistan / Reports and Studies. Ed. K.Yettmar. Mainz, 1989. – P. 40.
15. Исхаков М.М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско-тюркские контакты) // O‘zbekiston tarixi, 2000, – № 4. – С. 46.
16. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992.

Нашрга проф. О.Бўриев тавсия этган

«ШОХНОМА» – ХАЛҚ ЗАКОВАТИ ВА ЖАСОРАТИГА ҚЎЙИЛГАН НАЗМИЙ ҲАЙКАЛ

Каримов Б.Э. (Тошкент молия институти)

Аннотация. Ушбу мақола машхур адиб ва шоир Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари ҳақида бўлиб, Бу асар «Шоҳнома» – «Шоҳлар китоби» деб аталади. Бу китоб ёзилган вақтидан бошлаб китобхон томонидан «Шоҳлар ҳақидаги китоб» сифатида эмас, балки халқнинг орзу-умидлари, унинг идеали ҳақидаги «Шоҳ китоб» сифатида қабул этилди. Шунинг учун ҳам у фақат форсий тилда сўзлашувчилар орасидагина эмас, балки бутун Ўрта ва Яқин Шарқ, бора-бора эса бутун жаҳон шухратига муяссар бўлди.

Таянч сўзлар: *Култегин битиги, марсия, Энасой, «Шоҳнома», «Кутадгу билиг», Қорахонийлар.*

«ШАХНАМЕ» - ПРОЗАИЧЕСКИЙ ПАМЯТНИК В ЧЕСТЬ РАЗУМУ И МУЖЕСТВУ НАРОДА

Аннотация. Данная статья посвящена произведению известного прозаика и поэта Фирдоуси "Шахнаме", которое называется "Шахнаме" - "Книга царей". С момента написания этой книги она была воспринята читателями не как «книга о королях», а как «царская книга» о мечтах и идеалах людей. Именно поэтому она стала известна не только среди носителей персидского языка, но и на всем Ближнем и Среднем Востоке, а постепенно и во всем мире.

Ключевые слова: *Култегинское письмо, марсия, Енисей, «Шахнаме», «Кутадгу билиг», Караханы.*

"SHAHNAMEH" IS DEDICATED POETIC SCULPTURE TO THE INTELLIGENCE AND COURAGE OF THE PEOPLE

Annotation. This article is about the famous writer and poet Ferdowsi's work "Shahnameh". This work is called "Shahnameh" - "Book of Kings". From the moment this book was written, it was accepted by readers not as a "book about kings", but as a "king book" about people's dreams and ideals. That is why it became famous not only among Persian speakers, but also throughout the Middle and Middle East, and gradually succeeded in the fame throughout the world.

Key words: *Kultegin letter, marsia, Yenisei, "Shahnameh", "Kutadgu bilig", Karakhanids.*

Қадимги туркий халқлар орасида форсий адабиётга мансуб ва энг қадимги эътиқодий афсоналар асосида юзага келган Митра ва Анахита, Қаюмас, айниқса, инсон қавмига кўп яхшиликлар кўрсатган, унинг машаққатларини енгиллаштириб, турмушини фаровон қилишга интилиш, Аҳриман каби девларнинг додини берган мард, одил подшоҳ Жамшид, шунингдек, Рустам ва Сиёвуш ҳақида ҳам кенг тарқалган.

Қадимги туркий адабиётда қасида, йиғи (марсия), кўшиқ ва тўртлик жанрлари ривожланган (Култегин битиги, Алп Эр Тўнга марсияси, «Олтин ёрук»даги йиғи тасвири). Энасой (Енисей) битикларининг аксарияти йиғи жанрига мансуб. Бу адабий ёдгорликлар Марказий Осиё халқларининг кўҳна тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, санъати, тили, адабиёти, тафаккури, тадрижий ўрганишда муҳим манба бўлибгина қолмай, муайян бадиий қимматга ҳам эга – улар туркий адабиётнинг шаклланиш босқичларини кўрсатади.

Араблар истилоси билан туркий халқларнинг мусулмонлашуви бошланди. Давлат тили араб тили бўлиб, у ижтимоий-маданий ҳаётнинг ҳам барча соҳаларини эгаллади. IX – X асрларда яшаган кўплаб мовароуннаҳрлик олим-у адиблар ўз асарларини ўша даврнинг расмий тили бўлиш араб тилида яратганлар. IX асрнинг бошида сомонийлар ҳокимиятининг ўрнатилиши билан форс тилининг мавқеи кучая бошлади – у бадиий адабиёт тили бўлиб қолди. Шунингдек, баъзи фалсафий, тарихий адабиётшуносликка оид асарлар ҳам форс тилида ёзилди. Мисол учун, «Шоҳнома»нинг вужудга келиши Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро шаҳри маҳсули эканлигини қайд этамиз.

Араб тилининг давлат тили мақоми даражасини олиши кўплаб Ўрта Осиёлик алломаларнинг ижодида бу тилнинг заиф томонлари қайд этилиб, илмий-назарий жиҳатдан юқори босқичга кўтариш, таҳлил қилиш ишларини ҳам ўз зиммаларига олдилар. Шундай алломалардан бири Маҳмуд аз-Замахшарийдир. Бу беназир инсон араб тили билан боғлиқ барча соҳаларда самарали ижод қилиб, нафақат ислом оламида, бутун дунё илм аҳлини лол қолдирди.

IX асрнинг бошларида қорахонийларнинг ҳокимият тепасига келиши туркий адабиётнинг янгича шакл ва мазмунда тараққий этиши учун замин яратилди. Қорахонийлар давлатининг илмий-маданий маркази Қашқарда фан, адабиёт ва санъат ривожланди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» ва бошқа асарлар шу даврда яратилиб, туркий ёзма адабиётнинг тамал тошини қўйиш баробарида, унинг келажагини ҳам белгилаб берди. [1: 45-49]

Абулқосим Фирдавсий (934 – 1030) – шоир ва мутафаккир. Замонасининг барча асосий илмларини эгаллаб, араб ва паҳлавий тилларини чуқур ўрганган. Ўз даврининг қомусий олими бўлиб етишгани учун ҳам, уни ҳаким деб улуғлашган. Ёшлигидан шеърлар машқ қила бошлаган. Эрон, Турон, Юнон ва Ҳиндистон олимларининг турли соҳадаги асарларидан яхши хабардор бўлган.

Абулқосим Фирдавсийнинг ёшлик йиллари сомонийлар давлатининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бу даврда Эрон ва Турон халқларининг нафақат ижтимоий-сиёсий, балки маданий-маънавий ҳаётида ҳам бир кўтарилиш бўлган. Ўзининг қимлигини англаш ва уни бошқаларга ҳам кўрсатиш мақсадида улар Эрон ва Туроннинг шонли тарихини тўплашга интиладилар. Шу мақсадда қадимги афсона ва ривоятлар, буюк шохлар ва баҳодирлар тарихи тўпланади ва ёзилади. Бу борадаги интилишларни сомоний ҳукмдорлар қўллаб-қувватлаб турганлар ва тўпланган улкан манбаларни шеърга солишни Абу Мансур Дақиқидан сўраганлар. Лекин шоир эндигина минг байт ижод қилганда, фожиали равишда ўлдирилгач, Бухоро амири Нуҳ ибн Мансур Сомоний Абулқосим Фирдавсийни ҳузурига чақириб, унга чала қолган «Шоҳнома»ни ниҳоясига етказишни буюради.

Бундан мақсад шонли тарихи ва буюк шаън-шавкатига кўра Эрон–Турон халқларининг араблардан кам эмаслиги, балки устунлигини кўрсатиш ва уларга қарши курашда фойдаланиш эди. Ватанга ва унинг буюк тарихига муҳаббат руҳида тарбияланган, болалиқда қадимги афсона ва ривоятлар, қаҳрамонлик қиссалари, жангномаларни жон қулоғи билан тинглаб улғайган Абулқосим Фирдавсийнинг ўзи ҳам халқ ичида юриб, уларни ёзиб олган, кўплаб оғзаки ва ёзма манбаларни тўплаган.

Абулқосим Фирдавсий 50 подшоҳликдан иборат 4 та сулола мисолида Эрон ва Турон халқларининг тўрт минг йиллик тарихини юксак маҳорат билан қаламга олиб, 60 минг байт (120000 мисра)дан иборат муаззам «Шоҳнома» устида у 30 йилдан ортиқ ишлаган. Тадқиқотчилар асарни уч қисмга бўладилар: биринчи бўлимда энг қадимги афсоналар қайта ишланиб, назм ипига терилган бўлса, иккинчи бўлимда халқ қаҳрамонлари ҳақидаги ривоят-у қиссалар бадиий талқин қилинади; учинчи бўлимда тарихий шоҳлар ҳаёти тасвирланган «Шоҳнома» энг қадимги даврлардан бошланиб, сосонийлар шоҳи Яздигард III даврида арабларнинг Эронга бостириб кириши билан якунланади.

Мавзу кўлами, образлар олами, қаҳрамонларнинг кўп ва хилма-хиллиги, ғоявий мотивлари ва кўтарилган масалалар жиҳатидан жаҳон адабиётидаги энг катта эпик асар. «Шоҳнома» гарчи шоҳлар китоби деб аталса-да, барча қурашлар ва қаҳрамонликлар халқ ичидан чиққан баҳодирлар томонидан амалга оширилган. Аслида, Ватан ва халқ йўлида жонини тиккан юзлаб фидойи қаҳрамонлар образи яратилган. Подшоҳлар баҳонасида халқ, унинг тарихи, қадриятлари, қаҳрамонликлари улуғланган. Айни жиҳатдан «Шоҳнома» – халқ заковати ва жасоратига қўйилган ўзига хос назмий ҳайкал.

«Шоҳнома»нинг асосий ғояси – ватанни улуғлаш, халқ қудрати ва заковатини кўз-кўз қилиш, миллат фарзандларини васф этиш ва шу орқали уларни биргаликка, марказлашган давлат қуришга чақириш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва тинчликсеварликни мадҳ этиш, эзгулик, олийжаноблик, ҳалоллик, мардлик, меҳнатни тараннум этиб, конли урушлар, ёвузлик, жабр-у зулм, адолатсизлик, мунофиқликни қоралашдан иборат.

*Еримиз, сувимиз, фарзандимиз деб,
Хотин, бола-чақа, дилбандимиз деб,
Бирма-бир жонимиз этамиз фидо,
Ватанни душманга бермаймиз асло!*

Аммо бу деган гап, «Шоҳнома» нинг бутун бадиий бойлиги, унинг ранг-баранглиги фақат ватанпарварлик ва оддий меҳнат аҳлига бўлган меҳр-у муҳаббатдангина иборат, дейиш бу улкан ва мураккаб масалани жўнлаштиришга олиб келар эди. Зеро, Абулқосим Фирдавсий яратган улкан дostonни турли-туман ғоявий, мафкуравий ва бадиий жавахирларга бой улкан бир денгизга қиёс этгуликки, унга шўнғиган ҳар бир ғаввос ўзига хос дурдона, ажиб жавахир олиб чиқади, аммо бу хазинанинг туби кўринмайди. Унинг афсонавий, тарихий ривоятлари, ишқий поэмалари, лирик чекинишларидаги бадиий бойликлар сон-саноксиздир.

«Шоҳнома»дек салмоқли ва бадиий юксак асари билан Абулқосим Фирдавсий форсий тилнинг беқиёс қудратини намоиш қилди, унинг шеърят тили сифатидаги мавқеини мустаҳкамлади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи асар хотимасида шундай дейди:

*Обод бинолар ҳам бўлғуси хароб,
Уларни емирар ёмғир ва офтоб.
Назмдан яратдим бир қасри баланд,
Ёмғирлар, шамоллар унга не писанд.
Ўттиз йил меҳнатга ўзни урдим мен,
Форсийда Ажамни тирилтирдим мен.
Энди мен ўлмасман, тирикман мудом,
Чунки сўз уруғин сочганман чунон...*

Лирик чекинишларда шоир тирикликнинг азалий ва абадий муаммолари билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини ҳам юксак маҳорат билан баён этадики, уларнинг кўпи ҳикмат каби жаранглаб, халқ мақол-маталларига айланиб кетган:

*Тақдир ёмонликни кўрганда раво,
Сабоқ ол ундан ҳам, топа ол зиё.*

*Бировга соғинса ҳар ким ёмонлик,
Ниҳоят ул ўзи топмас омонлик.*

*Хунар билан ақлинг бириккан ҳамон,
Хар иш бу жаҳонда юришгай равон.*

Абулқосим Фирдавсий ўзининг бу ажойиб асарини ёзиб тамомлаган вақтда, ўз ички қарама-қаршиликлари натижасида заифлашган Сомонийлар давлати Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ҳужумига бардош беролмай, емирилган эди. Қариб қолган шоир, умрининг энг яхши даврини сарф қилиб ёзган бу асарини тортиқ қилиш учун муносиб киши қидириб йигирма йилча кутганини кўрсатиб:

*Поёнсиз чекиб ранж бисёр йил,
Бу ишни тугатган ҳамон шод дил.
Вале бахш этарга муносиб одам
Топилмай, дилимни босиб қайғу гам...
Йигирма зимистон, йигирма баҳор
Қидирдим бу ганжга лойиқ тождор.*

дейди ва ортиқча кутишга тоқати қолмаган пайтда Ғазнада Султон Маҳмуд тахтга ўтирганини ёзади.

Абулқосим Фирдавсий олдида уч йўл мавжуд эди. Бир асарни Қорахонийлар саройига олиб бориш, аммо улар асосан туркий қабилалардан бўлганликлари учун яхши қабул қилмасликлари мумкин эди. Эронда эса Оли Буя сулоласи ҳукмронлик қилар, хали араб тили ва араб халифалигининг мавқеи кучли эди. Муслмонликдан аввалги даврни мадҳ этувчи, араб босқинчиларига қаҳр-ғазаб билан тўлган асарни улар ҳам қабул қилмаслиги турган гап эди. Ниҳоят, Абулқосим Фирдавсий Ғазнада ўз саройига олимлар ва адибларни тўплаётган Маҳмуд Ғазнавийни танлайди.

Ҳукмдор шундай шоирга етишгани учун худои таолога шукурлар қилади. Шунда Султон мажлис аҳлига қараб Аёзнинг хати ҳақида бир рубоий айтишни буюради. Шоирлар Абулқосимга ишора қилишади. У бадеҳа тарзида рубоий тўқийди. Султон буни эшитиб, омон бўл эй Фирдавсий, мажлисимни Фирдавс боғидек обод қилдинг, дейди-да, унга инъомлар беради. Ҳукм қиладики, бундан буён уни Фирдавсий деб улуғласинлар.

Муътабар манбаларда «Шоҳнома»нинг муқаддимасида Абулқосим Тусий Султон даргоҳи аъёнларидан бир нечтасини мадҳ қилган. Ҳукмдорнинг вазири Хожа Ҳасан Маймандийни, шоир шиа ва у эса носибий (Алини тан олмайдиган)лар тоифасидан бўлганлиги учун тилга олмаган. Абулқосим Фирдавсийнинг дўстлари унга насихат қилиб, Маймандийни мадҳ этишга ундаганлар. Аммо у қабул қилмайди: «Менинг номим назм билан боқий қолади. Султон карами билан эмас, девон миннатини тортмайман». Эътироз билдирувчилар бу гапни Хожа Ҳасан Маймандийга етказдилар ва унинг дилида адоват кўзгатдилар [2:134-136].

Абулқосим Фирдавсий муқаддима ёзиб, ҳазрати Султонга келтиргач, асар ғоят мақбул ва манзур бўлади. Маҳмуд Ғазнавий Хожа Ҳасан Маймандийга «Юз минг дирҳам қизил тиллани Абулқосим Фирдавсийга жўнатиб, Одам Атодан шу кунгача ҳеч ким бунчалик назм айтмаган ва айта олмайди ҳам» дейди. Шоирга нисбатан ғаразини дилига тугиб юрган вазир фурсатни ғанимат билиб деди: «Султон ҳиммати ва Абулқосим Фирдавсий шеърини киёслаганда бу инъомни икки бор кўпайтирмак лозим. Шунда ҳам унинг ҳақи кетади. Аммо оз-оздан бермоқ лозим». Султоннинг ғазаби қайнаб, нима хазинамда бунчалик зар йўқми, дейди. Вазир эса: «Султоним, агар истаса ундан юз минг чандон ортиғи топилади. Аммо одам бундай катта бойлик олдида ҳайратдан ва хурсандликдан ўлиб қолиши мумкин. Унда ҳайф бўлади, гарчи шоир рофизий ва муътазиллий бўлса ҳам...».

Маҳмуд Ғазнавий мутаассиб одам эди. Бу сўзлар унга ёмон таъсир қилди. Вазирга деди: «Билганингни қил. Иложини топиб уни рози қилиш йўлини топ». Вазирнинг буйруғи билан олтмиш минг дирҳамни Абулқосим Фирдавсийга олиб борадилар. Шоир ҳаммомда эди. Уйига келса унга пул халтасини беришади. Қизил тилла бўлса керак деб фараз қилади. Кумуш эканлигини кўриб, дилгир бўлади. Хожа Ҳасан уни алдагани маълум бўлди. Маблағнинг йигирма минг дирҳамини ҳаммомчига, яна йигирма мингини бўзачига, қолган

йигирма мингини уни олиб келтирган кишига бериб, Султонга менинг таъзимимни етказ. Менинг бу хизматим номимнинг боқий қолиши учун қилинган, фоний молу дунё учун эмаслигини ҳам айтгин, дейди.

Бу гап Султонга етгач, Хожа Ҳасанга ғазаб қилади: «Сен қўзғадинг шу фитнани. Биз энди шоирлар орасида гап бўламиз, бадном қилдинг». Хожа Ҳасан дейди: «Эй шоҳим, Султондан нима келса, раият уни улуғлаши лозим. Унга бир бўлак кесак бериладиган бўлса ҳам, уни хор қилмаслиги лозим эди. Кам ҳурмат ва илтифотсизлик қилмаслиги лозим. У одам аҳмоқ экан. Сизнинг инъомингизни хор қилибди». Султоннинг авзойи ўзгариб, дейди: «Фармоним шу – бундайин қарматийни фил оёқлари остига ташласинлар». Абулқосим Фирдавсий унинг оёғига йиқилиб, «Шоҳим, бу хусусда шубҳангиз бор экан, шоҳ фикрига қарши чиқиб бўлмайди. Аммо Султон мулкларида мусулмонларга зид бўлган ҳар миллат одамлари борки, ҳашаматингиз соясида яшамоқдалар. Не бўлгайки, бу қулунгизни ҳам уларнинг бири қаторида кўрсангиз-у, у ўлимдан қолса». Бу гаплардан Султон хижолатда қолиб, дейди: «Жонингизга омонлик бераман. Аммо бу даргоҳдан кетишингиз лозим». Абулқосим Фирдавсий ташаккур айтиб чиқиб кетади. У Аёз билан яқин бўлганлиги сабабли, қоғозга бир неча байт ёзиб беради-да, йигирма кундан кейин Султонга берасан, дейди. Ўзи эса Ғазнадан чиқиб кетади. Ўша муддат етиб келгач, Аёз қоғозни Султонга беради. Султон ишрат билан машғул эди. Уни ўқиш учун Унсурийга беради.

*Шоҳлардан бўлсайди у, шоҳга падар,
Кийгизган бўларди менга тожи зар.
Агарда онаси бўлсайди хондан,
Тиллага кўмарди мени нақ сондан.
Улуғлар зотидан бўлмаган-чун шоҳ,
Улуғлар номидан бўлур дил сиёҳ...
Аччиқ мевали бир дарахтни агар,
Жаннатнинг боғига кўчат қилсалар,
Кавсардан сув ичса чанқаган маҳал,
Сув эмас, берсалар шарбату асал,
Етилгач, ҳосил ҳам беради ахир,
Ва лекин меваси бўлади тахир...
Зоти насларга ҳеч умид боғлама,
Қаро тун оқармас, дилинг доғлама.
Жаҳонгирнинг номи бўлганида пок,
Билимдонлар дили бўлмас эди чок.
Ранжиган шоир ҳажв яратса агар.
Янграр у қиёмат кунига қадар.*

Султон Маҳмуд Ғазнавий унда ўзининг ҳажв қилганлигини билиб, ғазаби қайнайди. Лашкар нақибларига буради: «Кимки Абулқосим Фирдавсийни келтирса ўн минг динар бераман», дейди. Улар муддат сўрадилар. Қидириб, шоирни тополмайдилар. Шу сабаб бўладию, Султон Маҳмуд Хожа Ҳасан Маймандийни қатл эттиради.

Абулқосим Фирдавсий Бағдодга келиб, бир савдогарнинг уйига жойлашади. Савдогар халифанинг вазири билан дўст эди. Унинг ҳақида вазирга гапиради. Вазир эса халифага етказди. Халифа шоирни чорлаб, олтмиш минг мисқол тилло ва фахрли либослар инъом қилади ва шу ерда тинч яшайверишини айтади. Султон Маҳмуд Ғазнавий бу гапдан воқиф бўлиб, дорулхилофага мактуб ёзади: «Агар ўша қарматийни менга жўнатмасанг, Бағдодни филлар оёғи остида топтатаман». Бу хат халифага тегиши билан жавоб ёзади: «Бисмиллоҳир раҳмонирраҳими алам...». У билан элчини қайтариб жўнатади. Султон хатни ўқиб қараса, уч калима сўз. Бўлак гап йўқ. Бутун оқиллар уни ҳал қилишдан ожиз эдилар. Шулар тўдасида бир ёш йигит бор эди. У деди: «Агар Султон рухсат этса, бу мушкулни ечсам». Султон буюрди. Йигит деди: «Султон ўз мактубида агар рад жавоби келса, Бағдодни филлар оёқлари остида топтатаман, деган эдилар. Жавоб келди: «Аламтара кайфа фаъала раббика биасхабилфили» («Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан. Парвардигорингиз фил

эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми)). Бу гап Султонга ёкиб тушиб, йигитни тарбия қилади.

Ҳажв ёзгани ҳам, кейин умри қочқинликда ўтгани ҳам рост. Қарилик ва дарбадарликда яшашга мажбур бўлгач, унинг аҳволи яна ҳам оғирлашади. Ватанига қайтиш орзуси билан ёнган, 80 ёшдан ошиб қолган ҳорғин шоир Бағдодда яшар экан, Қуръондан олинган сюжет асосида «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ёзишга мажбур бўлади. Бу достоннинг бошланғич қисми «Тавбаном» деб аталади. Унда шоир энди қадимий паҳлавонлар ҳақида оғиз очмасликка қасамёд қилади. Бутун умрини сарф этиб вужудга келтирган фарзанди «Шоҳнома» ва ундаги ажойиб қаҳрамонлардан юз ўгириб:

*Энди Фаридунни васф этмоқ қайда,
Заҳҳок тахтин олса, менга не фойда!
Кайқубод тождан жонимга озор,
Ковус тахтидан ҳам қолмади осор.
Шоҳлардан ёзмайман энди мен асло,
Даргоҳи кўнглимга урди мутлақо.
Беҳуда гапларни айтмай энди ҳеч,
Ақл дер, беҳуда лоф урмоқдан кеч!
Бу достонлар бари қип-қизил ёлгон,
Бир сиқим тупроққа арзимас чунон,*

каби мисралар қайд этилган.

Агар бу сўзлар ҳақиқатан ҳам Абулқосим Фирдавсийники бўлса, бундай оғир фожиа ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Аммо бу мисралар Галилео Галилей ернинг сайёра эканлиги ҳақидаги ўз китобини топтаб туриб ҳам: «Барибир ер айланади» деган гапларини эслатиб туради. Халқ ҳам бу тавбани қабул қилмади. Шоирнинг номига абадийлик келтирган унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони эмас, «Шоҳнома» китоби бўлди [3:90].

Султон Маҳмуд Ғазнавий Абулқосим Фирдавсийнинг Бағдоддан Тусга келганлигидан хабар топиб юз минг мисқол тиллони хос туяларга орттириб Тусга элтишни, шоирни топиб, ундан узрлар сўрашни буюради. Султоннинг қарвонини Ғубдор дарвозасидан киритдилар. Абулқосим жасадини эса Разон дарвозасидан чиқарадилар. Тусда бир мутаассиб бор эди, у деди: «Унинг жасадини мусулмонлар гўристонига қўймайман, у розифий дейди». Ноилож шоирнинг жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига кўмилади.

Абулқосим Фирдавсийдан бир қиз қолган эди. Султон инъомини унга келтирдилар. У қабул қилмаган. Бўлган гапларни ҳукмдорга етказганларида, у буйруқ юборади: «Ҳалиги ўзбошимча кишини шаҳардан чиқариб ҳайданглар. Тиллаларни эса Имом Исҳоқга топширинглар, мазорот, хонақо, вақфларга сарфласин».

Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»си ва унинг қаҳрамонлари билан боғлиқ афсонаю ривоятлар қадим замонларданок Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган. Бунинг асосий сабабларидан бири достонлар сюжетининг бевосита кўҳна туркий халқлар ҳаётдан олинганлигидадир. Муҳаммад Наршахий «Шоҳнома»нинг энг ёрқин, образларидан бўлмиш Сиёвуш фожиаси билан боғлиқ «Сиёвуш ўчи» кўшиғи Бухоро аҳолиси орасида машҳурлигини таъкидлаган. Буюк қомусчи тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги марсияда тилга олинган. Алп Эр Тўнга Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Афросиёбнинг ўзидир.

Лекин бевосита ёзма адабиётда «Шоҳнома» анъаналарини, Абулқосим Фирдавсий ижодидан баҳраманд бўлишнинг илк намунасини биз Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутудгу билиг» достонида учратамиз. Маълумки, ўз даврининг барча билимларида баркамол бўлган Юсуф Хос Ҳожиб араб ва форсий тилидаги адабиётларни пухта эгаллаб, туркий тилда биринчилардан бўлиб ахлоқий-таълимий, ижтимоий фалсафий характердаги машҳур асарни яратди.

Маълумки, Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»да ўзаро феодал урушларни қоралаб, марказлашган давлат, мамлакат бирлигини таъминлаш ғоясини тарғиб этади, ҳокимиятни парчалаб юборишга интилувчи феодалларни қоралайди. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам Абулқосим

Фирдавсийдагидек тадбиркор, билимдон бек бошчилигидаги марказлашган мустаҳкам давлат ғоясини илгари суради; ҳокимиятни парчалаб юборишга интилувчи феодалларни қоралайди; давлат ишларига билимдон шахсларни, олим ва маърифатли кишиларни жалб этиш ҳақида ўғит беради.

Шоир давлат бошлиғига «Шоҳнома»даги Искандар, Доро, Рустам, Афросиёб, Заҳҳок, Фаридун, Ануширвон каби қаҳрамонларни тилга олиб, уларнинг тақдирдан сабоқ олишга даъват этади:

*Суқутлиг нелуг бўлди Заҳҳоқ утун.
Нелуг ўлди бўлди Фаридун кутун.
Бири эзгу эрди ани ўғдилар,
Бири эссиз эрди ани сўкдилар.*

Маъноси:

*Тубан Заҳҳок не учун тақдирга лойиқ бўлди,
Фаридун қандай қилиб мадҳга сазовор бўлди.
Бири эзгу эди, уни мадҳ этдилар,
Бири ёмон эди, уни ҳақорат қилдилар.*

Ўзбек адабиётининг илк намуналаридан тортиб Алишер Навоийгача бўлган йирик вакиллари Мавлоно Атоий, Мавлоно Саккокий, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Қутб, Ҳайдар Хоразмийларнинг ғазал, қасида, мунозараларида «Шоҳнома»даги қаҳрамонлар ҳар хил ўринларда тилга олинади, шоирлар улардан киёс, муболага, панд-насихат, ўшатиш мақсадида фойдаланадилар.

XV асрга келиб Абулқосим Фирдавсий ижодига қизиқиш янада кучаяди. Шоҳрух Мирзонинг ўғли, илм-фан аҳли ҳомийси Бойсунқур Мирзо бошчилигида Ҳирот санъатхонасида Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абулқосим Фирдавсий каби шоирларнинг асарларини тўплаш ва кўчиртириш билан шуғулланишади. Чунончи, котиблар беш йил давомида «Шоҳнома»нинг 40 га яқин кўлёмаларини киёсий ўрганиб, мукамал нусхасини яратадилар. Илм-фанда «Шоҳнома»нинг «Бойсунқур нусхаси» деб аталган бу китобга Бойсунқур Мирзо катта сўз боши ёзади. Унда Бойсунқур Мирзо Шарқ адабиётида биринчи бўлиб Абулқосим Фирдавсий ижодини атрофлича текширади. «Шоҳнома»нинг яратилиши ва шоир тақдири билан боғлиқ афсоналарни келтиради. Ўрта Осиёда мана шу даврдан бошлаб «Шоҳнома»хонлик адабий анъанага айланади.

Шарқ адабиёти ва илм-фаннинг илғор анъаналаридан баҳраманд бўлиб, бадий, илмий асарларида юксак гуманистик ғояларни тарғиб этган, туркий тилдаги адабиёт ва маданиятни янги тараққиёт чўққисига кўтарган буюк шоир Алишер Навоий Абулқосим Фирдавсий ижодига ҳам меҳр-муҳаббат билан қараб, уни Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий каби мутафаккирлар билан бир қаторга кўяди. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида Абулқосим Фирдавсийни «маснавийда устоди фан» деб атаган шоир «Ғаройиб ус-сиғар»даги маснавийсида эса унга шеърят майдонининг баҳодир, деб юқори баҳо беради:

*Бу майдонда Фирдавсий улғурд эрур,
Ки гар келса Рустам жавобин берур.
Рақам қилди Фархунда «Шоҳнома» е,
Ки синди жавобида ҳар хомае.
Мусаллам дурур зоҳиран бу шиш,
Ки маъразга келмайдур ҳар киши...*

«Рустам келса жавобини бериш» Рустамни яратган Абулқосим Фирдавсийнинг кўлидан келади, холос. Шоир ижодига бундан юқори баҳо бериб бўлмайди. Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний», «Хамса» каби асарларини ўқиганимизда «Шоҳнома» қаҳрамонларини жуда кўп учратамиз. «Ҳазойин ул-маоний»нинг дебочасидан охиригача Абулқосим Фирдавсий қаҳрамонлари қайта-қайта тилга олинади. Алишер Навоий шайх-зоҳидларни танқид қилишда, май ва маҳбуба образини яратишда «Шоҳнома»даги жомии

Жамшидга мурожаат этиб, ранг-баранг образлар яратади. Чунончи, шоир «Сен гумон қилгандан ўзга жому май мавжуд эрур» деб бошланадиган ғазалида шохидни танқид қилиб:

*Эй, ҳуш ул майким, анча гарф ўлса бир сингон сафол,
Жомдурур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо, –*

дейди.

Шоир учун «...Дайри фано синган сафоли жоми Жамшиддекдур».

*Гар Навоий кўж эрур шох хизматида не ажаб,
Чунки қилмиш қуллиги Жамшиду Афридунни қўш.*

*Оинаи Искандарам аз жоми май ба даст,
Хожии хабар зи тожи Жаму тахти қай қунам.*

(Кўлимдаги май жоми Искандар кўзгусидир, хоҳласанг унга қараб Жамшид тожи Қайкубод тахти хусусида хабар бергум).

*Аз фиреби золи чарх эмин мабош ар Рустам,
3-онки шеронро зи макраши қарда ожиз ин ажуз.*

(Рустам бўлсанг ҳам фалакнинг макридан ғафлатда қолма, чунки бу шум ўз макри билан шерларни ҳам ожиз этади).

Алишер Навоий Ажам шохлари, тарихи зикр этилган асарлар орасида энг мўътабари «Шоҳнома» деб билган, унга қайта-қайта мурожаат этиб, Абулқосим Фирдавсийнинг шуҳрати ва хизматини алоҳида таъкидлаган. «Шоҳнома» тарихий манба сифатида эмас, халқ кудратининг барҳаёт бир шеърӣ ҳайкали сифатида Алишер Навоий диққатига сазовор бўлган.

Алишер Навоий Абулқосим Фирдавсий қаламга олган халқпарварлик, байналмилаллик, адолатли шох бошчилигида марказлашган давлат учун кураш, тинч-тотув яшаш ғояларини давом эттирди, замон, давр талабига кўра янгича талқин этиб, юксак тараққиёт босқичига кўтарди. «Шоҳнома» образларидан турли мақсадларда фойдаланди, улар орқали ўзининг юксак гуманистик ғояларини янада чуқурроқ ифодалашга муяссар бўлди.

Бадий юксаклиги, беқиёс даражада халқчиллиги туфайли ва халқ орзу-армонларини қўллаганлиги учун ҳам, мана, минг йиллардан буён «Шоҳнома» ўқувчилар қалбини забт этиб, шуҳрат чўққисидан тушмай келмоқда. Абулқосим Фирдавсий қахрамонлари ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан машҳур. «Китоби Жамшид», «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Шоҳ Тахмураси» номли халқ китоблари, «Рустам ва Суҳроб», «Доро ва Искандарбек» каби халқ эртаклари «Шоҳнома»дан илҳомланиб ёки унинг таъсирида яратилган. Ёзма адабиётда ҳам Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповгача барча ўзбек шоирлари Абулқосим Фирдавсийни ўзларига устоз санаб келганлар.

Буюк немис шоири ва мутафаккири Иоганн Вольфганг Гёте «Ғарбу Шарк» девонига ёзилган шарҳларида Абулқосим Фирдавсий афсонавий ва тарихий ўтмишни яхлит ҳолда қаламга олгач, кейинги шоирларга умумий гаплар ва баъзи бир талқинлардан бошқа нарса қолмади, деб лутф этган эди. Француз шарқшуноси Анри Массенинг эътирофича эса, «Шоҳнома» халқ улуғворлиги ва у чеккан ғам-ғуссалар ҳақидаги дoston бўлиб, шунинг ўзи уни жаҳон сўз санъатидаги энг улуғ асарлар қаторига қўшиш учун кифоя қилади. «Шоҳнома» дунё халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинган. Жумладан, XIII аср бошида араб, XV – XVII асрларда турк ва гуржи, XIX асрда эса француз, инглиз, немис, итальян ва рус тилларига ўтирилган. «Шоҳнома» ўзбек тилига Шох Ҳижрон, Хомуший (XVIII), Нурмуҳаммад Бухорий, Очилдимурод Мирий (XIX), Ҳамид Фулом, Назармат, Жуманиёз Жабборов, Шоислом Шомухамедовлар (XX) томонидан таржима қилинган бўлса-да, бу таржималарнинг бирортаси тўлиқ эмас[4:278-279].

Абулқосим Фирдавсий номи жаҳонга машҳур. Унинг Европа китобхонлари қалбини мафтун этганига ҳам икки аср бўлди, Шаркда эса у минг йилдан бери кишилар завқу шавқини кўзгаб, фикру ўйи, орзу-умидларига мадад бериб келмоқда. Шоирга боқий умр,

номига безаволлик бахш этган асар унинг биргина достонидир. Бу асар «Шоҳнома» – «Шоҳлар китоби» деб аталади. Бу китоб ёзилган вақтидан бошлаб китобхон томонидан «Шоҳлар ҳақидаги китоб» сифатида эмас, балки халқнинг орзу-умидлари, унинг идеали ҳақидаги «Шоҳ китоб» сифатида қабул этилди. Шунинг учун ҳам у фақат форсий тилда сўзлашувчилар орасидагина эмас, балки бутун Ўрта ва Яқин Шарқ, бора-бора эса бутун жаҳон шухратига муяссар бўлди.

«Шоҳнома» дунёдаги кўпгина тилларга тўлиқ, баъзи тилларга эса унинг айрим қисмлари таржима этилган. Унинг достонлари асосида мусиқий асарлар, драма ва либреттолар ёзилди, кинофильмлар қўйилди, тасвирий санъат асарлари яратилди.

Шуниси ажойибки, минг йил давомида кишилик жамияти бир неча марта тубдан ўзгаришларни бошидан кечирди, бўронли замонлар ўтди, кишилар бутунлай бошқа бўлиб қолди. Аммо «Шоҳнома»нинг шухрати сўнмади. Аксинча, бу шон-шухрат барқ уриб яшнаб бормоқда, у янги-янги тилларга таржима этилмоқда, санъат асарларига илҳом манбаи бўлмоқда.

Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома» асари билан сўз санъатида бир алпнинг жасоратини кўрсатдики, мана, орадан минг йил ўтса ҳам, у кўтарилган юксаклик бирор шоирга муяссар бўлган эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шомухамедов Ш. Шоҳ китоб ва унинг муаллифи. – Т., 1992.
2. Ҳомидов Ҳ. "Шоҳнома"нинг шухрати. – Т., 1991.
3. Очилов Э. "Шоҳнома" таржимони. – Т., 1991.
4. Бертельса Е.Э. Предисловие // Фирдоуси. Шах-наме. Критический текст. Т.1. Под редакцией Е.Э. Бертельса. – М., 1960. – С. 9.
5. Sharq adabiyotida shohnoma yozish an'anasi. Kuvondikova Gavhar Isomiddinova. Innovative achievements in science 2022. 3.p.

Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган

XVI – XVIII АСРЛАРДА РУС-ИНГЛИЗ САВДО АЛОҚАЛАРИНИНГ ОЁҚҚА ТУРИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Холлиев А.Г. (ЎзМУ)

Аннотация. Ушбу мақолада XVI-XVIII асрларда инглиз-рус савдо алоқаларининг оёққа туриши ва босқичма-босқич ривожланишининг асосий тенденциялари таҳлил қилинган. Аниқ статистик маълумотлар ва фактик материаллар негизида икки давлат ўртасидаги савдо муносабатларининг ҳолати атрофлича кўриб чиқилган. Россия бозорига инглиз савдогарларининг кириб келиши, уларга нисбатан маҳаллий маъмурларининг сиёсати, ўзаро савдо операцияларининг тарихий динамикаси каби масалалар мақолада ўз аксини топган. Шунингдек, савдо-сотикда инглиз савдогарларига муайян имтиёзлар берилиши ва, шу сабабли, рус савдогарларининг норози бўлиши, уларнинг босими остида рус ҳукумати божхона солиғига табақалаштирилган ёндашувни амалга ошира бошлаши батафсил ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *Англия, Россия, савдо-сотик, компания, имтиёзлар, савдогарлар, бозор, экспорт, импорт, товарлар.*

УСТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ РУССКО-АНГЛИЙСКИХ ТОРГОВЫХ ОТНОШЕНИЙ В XVI – XVIII ВВ.

Аннотация. В данной статье анализируются основные тенденции становления и поэтапного развития англо-русских торговых связей в XVI-XVIII веках. Состояние торговых отношений между двумя странами тщательно рассмотрено на основе конкретных статистических данных и фактических материалов. В статье отражены такие вопросы, как проникновение английских купцов на российский рынок, политика местных властей по отношению к ним, историческая динамика взаимных торговых операций. Также подробно описывается предоставление определенных торговых льгот английским купцам и, как следствие, недовольство русских купцов, под давлением которых русское правительство стало осуществлять дифференцированный подход к таможенным пошлинам.

Ключевые слова: *Англия, Россия, торговля, компания, льготы, купцы, рынок, экспорт, импорт, товары.*

ESTABLISHMENT AND DEVELOPMENT OF RUSSIAN-ENGLISH TRADE RELATIONS DURING THE 16th - 18th CENTURIES

Annotation. This article analyzes the main trends in the formation and gradual development of Anglo-Russian trade relations during the 16th-18th centuries. The state of trade relations between the two countries is carefully reviewed on the basis of specific statistical data and factual materials. The article reflects such issues as the penetration of English merchants into the Russian market, the policy of local authorities towards them, and the historical dynamics of mutual trade transactions. It also describes in detail the provision of certain trade benefits to English merchants and, as a consequence, the discontent of Russian merchants, under whose pressure the Russian government began to implement a differentiated approach to customs duties.

Key words: *England, Russia, trade, company, benefits, merchants, market, export, import, goods.*

XVI-XVII асрлардаёқ Ғарбий Европада “Москванинг қуруқлик орқали ўтадиган йўллари” Африка бўйлаб Эрон, Ҳиндистон ва Хитойга бўлган океан йўлларига муқобил бўлиши мумкинлигига ишониш мумкин. Бунга, айниқса, шундай алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилган инглизлар умид қилган. Биринчи марта инглиз савдогарларига шу мақсаддаги изланишлари учун рухсатни Иван IV берди.

XVI асрнинг ўрталарига келиб Ғарбий Европа ва Россия ўртасидаги Шимолий денгиз йўли яхши маълум бўлган ва ташқи бозорларга бўлган эҳтиёж босими остида инглиз сармояси ўз эътиборини айнан шу йўналишга қаратгани тушунарлидир[24:1].

1552 йили Лондонда бир гуруҳ инглиз савдогарлари ва машҳур венециялик денгиз сайёҳи Себастьян Кабот ўртасидаги музокаралар шимолий-шарқдаги ерларни кашф қилиш бўйича экспедиция лойиҳаси билан якунланди. Ушбу тадбирда иштирок этишни истаганлар 25 ф. ст. миқдорида бадал тўлашлари керак эди[23:1]. Обуна бўйича 6 минг ливр йиғилди, ва 1553 йил 23 майда урта кема Англиядан шимолий-шарққа қараб йўл олди. Кемада рус тилидан таржимонларнинг мавжудлиги экспедициянинг Москва подшолигига ташриф буюриш ниятида эканлигидан далолат берар эди.

Хью Уиллоби ва Корнелиус Дерфорс қўмондонлик қилган иккита кема фарқ бўлди. Кореллар кемаларни Мурманск денгизидан топдилар. 1553 йил 24 августда Ричард Ченслернинг кемаси Поморьенинг Холмогори қишлоғи жойлашган Шимолий Двина дарёсининг эътиборига келиб урилди. Холмогори маъмурлари инглиз денгизчиларини илиқ кутиб олдилар.

Губернатор подшоҳ ҳузурига чопар юборди. Иван IV саёҳатчиларни Москвага таклиф қилиб, уларга Шимолда савдо қилишни бошлаш ҳуқуқини берди. Подшо Ченслер тақдим этган ёрлиғни тантанали равишда қабул қилдики, унда Англия қироли Эдуард VI ўз денгизчилари учун хомийлик қилишни сўраган эди.

Ченслернинг инглизларга Россия билан савдо алоқаларини ўрнатишга рухсат бериш ҳақидаги илтимоси натижасида 1554 йил февралда Иван Васильевичнинг қирол Эдуард VI номига ёрлиқ тайёрланди. Ушбу ёрлиқ орқали инглиз савдогарлари Россияга киришга рухсат олдилар ва тўлиқ эркин савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар[2:27].

Ричард Ченслер, Иван IVдан инглиз қиролига дўстона жавоб олиб, Англияга қайтиб келди. Қиролича Мария ва қирол Филипп (Эдуард ўша пайтда аллақачон вафот этганди), Ченслернинг уларга қилган ҳисоботидан сўнг, 1555 йил 26 февралда махсус қироллик хартияси билан Лондонда С.Кабот бошчилигида “Янги бозорларни очиш учун инглиз савдогарлари ширкатини” (Москва компаниясини) ташкил этишни маъқуллади. Янги компания тузилди, ва унга губернатор, 4 консул ва 24 ёрдамчи раҳбарлик қилди[8:134].

Москва компанияси биринчи бўлиб Россия давлати билан монополь савдо қилиш ҳуқуқи учун қироллик хартиясини олди. Москва компаниясининг сармояси 201 акциядорнинг бадалларидан иборат эди, улар орасида Лордлар палатасининг аъзолари, қироллик саройи аҳли ҳам бор эди.

1555 йилда апрел ойида Ченслер яна Россияда пайдо бўлди. Ченслер билан бирга Москва компаниясининг биринчи агентлари Ричард Грей ва Жорж Каллингворт келди[22:27]. Уларни Москвада подшоҳ қабул қилди, у эркин савдо ҳуқуқини тасдиқлади ва компанияга Холмогори, Вологда ва Москвада факторияларни (ажнабий савдогарларнинг

савдо-сотик олиб борадиган манзилларини) куришга рухсат берди. 1555 йилда компаниянинг агентлари Нижний Новгород, Вологда, Ярославль ва бошқа шаҳарларда пайдо бўлди. Москвада инглизлар билан музокараларни Элчилик приказы раҳбари И.М. Висковатий олиб борди [1:60].

Ченслер инглизларнинг Москва компаниясига кенг имтиёзлар ва савдо божларидан тўлиқ озод қилинишини таъминлайдиган, Эрон ва бошқа мамлакатларга транзит юкларни ўтказиш ҳуқуқини берадиган ёрлик олишга муваффақ бўлди. Ўз навбатида, 1556 йил ноябрда рус савдогарлари делегацияси Англияга жўнатилди, ва у Холмогоридан Ричард Ченслер билан бирга инглиз кемаларида йўл олди.

Делегацияга Россиянинг Англиядаги биринчи элчиси, савдогар Осип Григоревич Непея бошчилик қилди. Бироқ, элчилик бўлган кемалар бўронга тушиб, ҳалок бўлди. Ченслер ва рус савдогарлари 7000 фунтлик моллари билан бирга ҳалок бўлдилар. Осип Непеяни тўлқин қирғоққа чиқариб ташлади.

Қутқарилганидан кейин уни Вестминстер саройида Англия қироличаси қабул қилди. Россияда инглиз савдогарларига берилган имтиёзлардан мамнун бўлган қиролича Мария Англияда рус “меҳмонлари” учун худди шундай имтиёзларни тақдим этди.

1557 йилда Осип Непея уйга жўнаб кетди. Непея Россияга қайтиб келган кема капитани Энтони Женкинсон “Москва компанияси” хизматига кирди ва подшо Иван IVнинг тижорат масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлди.

1567 йилда инглиз савдогарларининг имтиёзлари кенгайтирилди. Улар Астрахань, Қозон, Нарва ва Дерптда божсиз савдо қилиш, шунингдек, рус зарбхоналарида инглиз тангаларини зарб қилиш ҳуқуқини олдилар [9:117]. Инглиз савдогарлари Холмогори, Москва, Ярославль, Қозон, Кострома, Нижний Новгород, Псков, Нарва, Юрьев, Астрахань шаҳарларида савдо уй-факториялари ташкил қилдилар. Инглизларнинг Москва компаниясига чакана савдо билан шуғулланиш тақиқланган бўлса-да, у маҳаллий аҳоли орасидан таниқли шахсларни ёллаш орқали бу тақиқни четлаб ўтар эди.

Компания билан бир қаторда унинг таркибий қисмига кирмаган алоҳида инглиз савдогарлари ҳам савдо-сотик билан шуғулланиб, баъзан ширкатларда бирлашиб, компанияга катта зарар етказардилар.

Подшо Иван IV инглиз маликаси билан никоҳ орқали мавжуд муносабатларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди, аммо рад жавобини олди. Рад жавобини ҳисобга олиб, у 1570 йилда Москва компаниясини вақтинчалик имтиёзлардан маҳрум қилди. Фақат подшо Фёдор Иванович (1557-1598) даврида Россия билан савдодаги имтиёзлар тикланди. Божсиз савдо қилиш ҳуқуқидан Москва компанияси 1649 йилгача фойдаланди.

Англия билан иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши Россия ва Ғарбий Европа ўртасидаги савдо муносабатларини янада ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омил бўлди.

Россияга олиб келинган товарлар орасида темир, мис, олтин ва кумуш ҳамда улардан тайёрланган буюмлар алоҳида аҳамиятга эга эди. Қимматбаҳо тошлар, жун ва шойи матолар, кийим-кечак ва пойабзаллар, қоғоз, уй-рўзғор буюмлари, винолар, шакар, чой, зираворлар ҳам импорт қилинган. Шу билан бирга, Россиядан хомашё ва товарлар экспорти чекланган микдорда эди, чунки рус савдогарларининг тижорат операциялари одатда кичик ҳажмда бўлиб, тез фойдани кўзларди ва айирбошлаш асосида амалга ошириларди.

Савдо-сотикда инглиз савдогарларига имтиёзлар берилиши рус савдогарларининг норозилигига сабаб бўлди. Уларнинг босими остида рус ҳукумати божхона солиғига табақалаштирилган ёндашувни амалга ошира бошлади.

Тавсифий жиҳати шундаки, Англиянинг ўзида Москва компанияси божларни тўлиқ ҳажмда тўлаган, ва фақат баъзида у Россияга айрим молларни божсиз экспорт қилиш ҳуқуқини олган [22:94].

Шу билан бирга, кредит операцияларисиз Россия ташқи савдоси Европа билан рақобатлаша олмасди.

Умумроссия бозорининг шаклланиши, товар ишлаб чиқариш ва айланмасининг ўсиши ташқи савдони кенгайтириш учун катта аҳамиятга эга бўлди.

1602 йилда Борис Годунов инглизларга Россияда божсиз савдо қилиш учун янги ёрлик берди. Инглизларнинг аввалги ҳуқуқ ва эркинликлари охириги марта 1605 йилда тасдиқланди [13:57].

Подшо Алексей Михайлович рус савдогарларига ҳомийлик қилиб, чет эллик савдогарларга нисбатан чеклов чораларини кўрди. 1649 йилда Алексей Михайлович қирол Карл I инглиз инқилоби даврида қатл этилганини баҳона қилиб, инглиз Москва компаниясининг имтиёзларини бекор қилди.

1649 йилдан кейин инглизлар Архангельскда савдо қилиш ҳуқуқини сақлаб қолди [12:15].

Россия ва Англия ўртасидаги муносабатлар бундан кейин ҳам тўхтамади. Подшо Алексей Михайлович Кромвельни тан олмади. Стюартлар қайта тикланганидан сўнг Москва давлатидаги ўз фуқароларига имтиёзларни қайтариш масаласини кўтара бошладилар. Бироқ Алексей Михайловичга қилинган мурожаатлар ҳам, Фёдор Алексеевичга, сўнгра Иоанн ва Пётрға юборилган илтимослар ҳам ҳеч қандай натижа бермади.

XVII асрда инглизлар рус бозорида Голландиянинг тобора кучайиб борган рақобатини бошидан кечирдилар. 1658 йилда Архангельскга келган 80 кема орасида атиги 4 инглиз кемаси бор эди [9:128].

XVII аср 60-йиллар охири – 70-йиллар бошида Россиянинг ташқи сиёсатини белгилашда Элчилик приказы бошлиғи Афанасй Ордин-Нашчокин катта роль ўйнади. У 1667 йилги савдо низомининг ташаббускори бўлиб, унга кўра ажнабийлар рус савдогарларига қараганда деярли икки баравар кўп бож тўлаган. Инглизлар айнан уни Россиядаги узларининг энг муҳим ҳомийси деб ҳисоблаганлар. Аммо, ҳатто “Нашчокиннинг инглизларга бўлган шахсий майли ҳам уни мамлакат манфаатлари биринчи ўринда турган жойда мунофиқлик қилишга мажбур қилмади” [6:282].

Пётр I хорижда бўлган даврида Англия ва Голландия билан тўғридан тўғри савдо алоқаларини ўрнатиш учун муҳим қадамлар қўйди. Жумладан, у жуда кўп миқдорда қурул ва асбобларни сотиб олди.

Россияга оммавий тарзда тамаки импортининг бошланиши Пётр I нинг Европага саёҳати билан боғлиқ эди. 1698 йил 16 апрелда Лондонда имзоланган тамаки битимига биноан, лорд Кармантер ва унинг шериклари 7 йил давомида Архангельск орқали ҳар йили камида 3000 бочка, яъни ҳар бири 500 фунтга (1 фунт = 0,454 кг) тенг, тамаки олиб киришлари шарт эди [14:3].

Пётр шахсан ўзи инглиз савдогарлари учун Россияда тамаки сотиш бўйича монополия ўрнатиш тўғрисидаги шартномани тузди, аммо бу шартноманинг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятига ортиқча баҳо бермаслик керак [7:25].

Россиянинг ташқи савдо сиёсати ундаги тенденцияларнинг - протекционизм ва эркин савдонинг ўзаро қураши билан тавсифланадики, у ўзгарувчан муваффақиятлар ила рўй берди.

Шуни таъкидлаш керакки, Пётр I ва Екатерина I даврида Россия ва Буюк Британия ўртасидаги сиёсий муносабатлар мураккаб, баъзан эса жуда кескин бўлди.

1720 йил 14 декабрда давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар расмий тарзда узилди, аммо бу савдо-сотикқа таъсир қилмади. У аввалги даражада бўлмаса ҳам, давом этди [10:338].

Жумладан, 1719 йил 28 июн (8 июл), 1720 йил 8 (19) апрел, шунингдек, 1726 йил 21 июн (1 июл) ва 1727 йил 20 апрел (2 май) Декларациялари билан Британия фуқароларининг Россияда савдо қилиш эркинлиги тасдиқланди [15:35-62].

1705 йилдаёқ Россияга юборилган инглиз дипломати Чарльз Витворт икки давлат ўртасидаги савдони ривожлантириш масаласини кўтарганди. 1711-1712 ва 1716 йилларда Ч.Витворт канцлер Г.И.Головкин билан музокаралар олиб борди, аммо келишувга эришилмади. Англия-Россия муносабатлари узилганидан кейин музокаралар тўхтатилди ва фақат 1731 йилда қайта бошланди.

1734 йилда Россия ва Буюк Британия ўртасида денгизда кемаларнинг эркин қатнови тўғрисидаги шартнома тузилди, ва унда савдо-сотикқа энг қулай давлат тартиботини жорий қилиш ҳам назарда тутилди.

Бу Россия-Британия муносабатлари тарихидаги биринчи шундай ҳужжат эди. Бундан ташқари, Британия учун унинг шартлари, кейинги барча битимлар билан солиштирганда, энг фойдали эди [4:20].

1734 йил 2 (13) декабрдаги инглиз-рус “Дўстлик ва савдо трактати” Санкт-Петербургда [16:62] 15 йил муддатга имзоланди ва 1741 ва 1742 йилларда қайта тузилди. 1757 йилда муддати тугагандан сўнг, Етти йиллик уруш пайтида, у Елизавета Петровна ҳукумати томонидан янгилаштирилди, лекин амалда сақлаб қолинди. 1758 йилдан бошлаб янги савдо битими лойиҳаси муҳокама қилинди ва агар Британия томони уни худди аввалги шартларда имзолашга ҳаракат қилган бўлса, Россия томони ўзи учун яхшироқ шартларга эришишга ҳаракат қилди.

Шу билан бирга, энг долзарб масалалар инглизлар олиб кирадиган товарлар, асосан мато, учун бож тўловлари даражасини сақлаб қолиш ва рус савдогарлари учун Англияда мустақил савдо қилиш имконияти эди [17:24]. Узоқ ва қийин музокаралардан сўнг янги шартнома фақат 1766 йилда тузилди [18:55-60].

Саноатдаги турғунлик сабабли Елизавета Петровна ҳукумати 1753 йилда ички божларни бекор қилди ва 1757 йилда янги протекционистик божхона тарифини қабул қилди. Тарифга кўра, Россияда ишлаб чиқариладиганларга ўхшаш товарларга уларнинг нархидан 40-100 фоизгача импорт божи тўланган.

С.Гулишамбаровнинг маълумотларига кўра, инглиз пул бирликларида рус-инглиз савдоси қуйидагича кўриниш олган:

Россия - Буюк Британия савдоси (ф. ст.) [3:67]

Йиллар	Экспорт	Импорт
1698-1701	140.446	60.899
1749-1755	488.053	100.354
1784-1792	1.619.146	395.696

XVIII асрнинг иккинчи ярмида ташқи савдо айланмасининг ўсиши кузатилди. Ғарбий Европа мамлакатлари билан савдога алоҳида эътибор берилди. Буюк Британия Россиянинг Ғарбий Европадаги асосий шериги бўлиб қолаверди.

Расмий маълумотларга кўра, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россия Буюк Британия билан савдода ижобий нисбатга эга эди, ва бу савдодан тушган даромад Россиянинг барча ташқи савдосидан тушган умумий даромаддан ошиб кетди [21:11].

XVIII асрнинг иккинчи ярмида товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва миллий бозорнинг мустақамланиши Россия ташқи савдосининг сезиларли ўсишига ёрдам берди. 1762 йилдан 1796 йилгача Россия товарларининг чет элга йиллик экспорти 5,6 бараварга (12,0 дан 67,7 млн. рублгача), хорижий товарлар импорти эса 4,5 бараварга (9,3 дан 41,9 млн. рублгача) ошган; 1796 йилда экспорт импортдан 25,8 млн. рублга ошган [11:16]. Екатерина II ҳукмронлиги давридаги ташқи савдонинг ижобий нисбати ғазнага 103 млн. рублдан ортик даромад келтирди.

Император Павел I асосий хусусиятларни сақлаган ҳолда Екатерина II нинг иқтисодий сиёсатини давом эттирди. 1796-1800 йилларда умумроссия экспорти (рус савдо статистикаси бўйича) 43.803 минг руб. ташкил қилган; Буюк Британияга импорт эса (Британия савдо статистикаси бўйича) – 19.964 минг руб. кумушда, яъни - бутун Россия экспортининг 46 фоиз [20:23].

Коммерц-коллегиянинг баланс қайдномаларига кўра, 1799 йилда рус экспорти 69,00 млн. руб., импорт эса 42,64 млн. рублга тенг бўлди [19:121]. Шу билан бирга, Россия фуқаролари 28.166 минг рубллик товарларни олиб чиққан ва 30.966 минг рублга – олиб келган; инглиз фуқаролари 30.602 минг рублга товарлар олиб чиққан ва 8.335 минг рублга олиб келган [5:24].

Буюк Британия билан муносабатларнинг узилиши Россия ташқи савдосига катта зарба берди. 1800 йил 23 октябрда Павел I “Россия портларида мавжуд бўлган инглиз моллари ва

кемаларини секвестр қилишни” буюрди. Товарларнинг мусодара қилиниши муносабати билан инглиз ва рус савдогарлари ўртасида ҳисоб-китоблар ва кредит операцияларининг мураккаб масаласи пайдо бўлди.

Кўриб чиқилган даврда инглиз-рус савдо алоқалари ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди. Россия бозорларига товарларни олиб киришга қизиқиш инглиз савдогарларни ушбу мамлакатда тижорат фаолиятини олиб боришга қиратилган интилишларининг сабабчиси бўлди. Рус маъмурларнинг инглиз савдогарларига тақдим этган имтиёзлари маҳаллий савдо доирларида норозилик қайфиятларини келтириб чиқарди. Шу сабабли, маҳаллий маъмурлар бож сиёсатида ўзгартиришлар киритишга, протекционистик чоралар кўришга мажбур бўлди. Тарихий ривожланишнинг турли босқичларида икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг энг совуқлашган даврларида ҳам ўзаро савдо тўхтаб қолмади, товарларни экспорт ва импорт қилиш операциялари давом этаверди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Око всей великой России». Об истории русской дипломатической службы XVI - XVII веков / Под ред. Е. В. Чистяковой, сост. Н.М. Рогожин. – Москва: Международные отношения, 1989.
2. Гамель И. Англичане в России в XVI и XVII. - Санкт-Петербург: Тип. Имп. Акад. Наук, 1865.
3. Гулишамбаров С.О. Всемирная торговля в XIX в. и участие в ней России. – Санкт-Петербург: тип. В.Киршбаума, 1898. XIV.
4. Демкин А.В. Британское купечество в России XVIII века. – Москва.: ИРИ РАН, 1998.
5. Злотников М.Ф. Континентальная блокада и Россия. – Москва; – Ленинград: Наука. 1966.
6. Иконников В.С. Ближний Боярин А.Л. Ордин-Нащокин, один из предшественников петровской реформы // Русская старина. 1883.Т. XL. Выпуски 10-12. Ноябрь. – Санкт-Петербург: Тип. В.С. Балашева.
7. История внешней политики России. XVIII век. (От Северной войны до войны России против Наполеона) / Отв. ред. Г.А. Санин. – Москва: Международные отношения, 1998.
8. Кулишер И.М. История русской торговли и промышленности. – Челябинск: Социум, 2003.
9. Кулишер И.М. Очерк истории русской торговли. – Петербург: Атеней, 1923.
10. Лабутина Т. Л. Как готовился российско-британский торговый договор 1734 года (по материалам дипломатической переписки) // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия: История. Международные отношения. 2021. Т. 21, вып. 3.
11. Лобас Е.В., Савченко М.М. Внешнеторговая и таможенная политика Российской империи начала XIX. – Москва: РИО Российской таможенной академии, 2017.
12. Любименко И.И. Торговые сношения России с Англией при первых Романовых // Журнал Министерства народного просвещения. Кн. LXVI, ноябрь-декабрь 1916 года.
13. Мартенс Ф. Собрание трактатов и конвенций, заключенных Россией с иностранными державами. Том IX(X). – Санкт-Петербург: Типография Министерства путей сообщения, 1892. Введение.
14. Мартенс Ф. Собрание трактатов и конвенций, заключенных Россией с иностранными державами. Том IX(X). – Санкт-Петербург: Типография Министерства путей сообщения, 1892. – С. 377-378.
15. Мартенс Ф. Собрание трактатов и конвенций, заключенных Россией с иностранными державами. Том IX(X). – Санкт-Петербург: Типография Министерства путей сообщения, 1892. – С. 380-383.
16. Мартенс Ф. Собрание трактатов и конвенций, заключенных Россией с иностранными державами. Том IX(X). – Санкт-Петербург: Типография Министерства путей сообщения, 1892. – С. 384.
17. Медведев Ю.С. Русско-английские отношения в середине XVIII века. (1748-1763): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Москва, 2004.
18. Медведев Ю.С. Русско-английские отношения при Елизавете Петровне в неопубликованной монографии И.И. Любименко // Общество: философия, история, культура. Выпуск № 5(61), 2019. (http://dom-hors.ru/rus/files/arhiv_zhurnala/fik/2019/5/history/medvedev.pdf)
19. Опарин Д.И. Схематический анализ развития внешней торговли России за 175 лет (1742-1917 гг.) // Методологические вопросы в статистических исследованиях: [сборник статей] / [ред. Т.В. Рябушкин]. – Москва: Наука, 1968.
20. Пак Чжи-Бэ. Объем и значение экспорта российских товаров в Великобританию в 1760-1830 гг. // Российская история. 2016. Выпуск №4.
21. Пак Чжи-Бэ. Российский экспорт в Великобританию в 1760-1825 гг.: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Санкт-Петербург, 2005.
22. Соколов А.Б. Навстречу друг другу: Россия и Англия в XVI-XVIII вв. – Ярославль: Верх. - Волж. Кн. Изд-во, 1992.

23. Толстой Ю.В. Первые сорок лет сношений между Россией и Англией. 1553-1593. – Санкт-Петербург: Тип. и хромолит. А. Траншея, 1875.

24. Трапезников В. Торговые сношения англичан с Россией через Северный край в XVI-XVII веках // Северный край. Книга №1. Январь - Февраль 1922 года (<https://www.booksite.ru/fulltext/voi/sk1/922/1.htm#2>)

Наширға проф. Г.Мўминова тавсия этган

СОВЕТ ЙИЛЛАРИДА ТОШКЕНТ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

Джураева С.Н. (ЎзМУ)

Аннотация. Мазкур мақолада XX асрда Тошкент шаҳрида жойлашган архитектура ёдгорликлари мақбара, масжид ва мадрасаларга совет ҳокимиятининг муносабати, уларнинг аҳоли ҳаётида тутган ўрни, маданий объектлар ва зиёратгоҳларнинг рус олимлари ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши, қиёсий таҳлили, тарихшунослиги келтирилган. Шу билан бирга совет йилларида мақбара, масжид мадрасалар тарихи, таъмирланиши ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Марказий архиви, Маданий мерос агентлиги кутубхонасида сақланаётган ноёб материаллар асосида ёритилган

Таянч сўзлар: *Шош, Тошкент, шаҳар, цивилизация тасаввуф, олим, аллома, ёдгорлик, мақбара, масжид, мадраса, зиёратгоҳ, архитектура, топография, топономия, этнография, манба, архив, ҳужжат, аҳоли, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий, мустамлака, мустақиллик.*

ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ОБЪЕКТОВ КУЛЬТУРЫ ТАШКЕНТА В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД

Аннотация. В данной статье представлено отношение советской власти к архитектурным памятникам, мавзолеям, мечетям и медресе, расположенным в городе Ташкенте в XX веке, их роль в жизни населения, изучение культурных объектов и святынь русскими ученые и отечественными исследователями, также приведены сравнительный анализ и историография. Сведения об истории и обновлении мечетей и медресе освещены на основе уникальных материалов, хранящихся в Центральной библиотеки Узбекистана, библиотеке Агентства культурного наследия.

Ключевые слова: *Шош, Ташкент, город, цивилизация, суфизм, учёный, памятник, мавзолей, мечеть, медресе, святыня, архитектура, топография, топономия, этнография, источник, архив, документ, население, социальный, политический, культурный, духовный, колониализм, независимость.*

HISTORICAL ANALYSIS OF CULTURAL ARTIFACTS OF TASHKENT DURING THE SOVIET PERIOD

Annotation. This article presents the attitude of the Soviet government to architectural monuments, mausoleums, mosques and madrassas located in the city of Tashkent in the 20th century, , comparative analysis and historiography of them and their role in the life of the population as well as the study of cultural artifacts and shrines by Russian scientists and local researchers. Information about the history and renovation of mosques and madrassas is covered on the basis of unique materials stored in the library of the Central Library of Uzbekistan of the Cultural Heritage Agency.

Key words: *Shosh, Tashkent, city, civilization, Sufism, scientist, monument, mausoleum, mosque, madrasah, shrine, architecture, topography, toponomy, ethnography, source, archive, document, population, social, political, cultural, spiritua, colonialism, independence.*

XX асрнинг 20-30 йилларида мустабид тузумнинг мустамлакачилик сиёсати амалга оширилган. Маълум тарихий даврда кечган жараёнларни ўрганишда мазкур вақт оралиғида яратилган ҳужжатларнинг беқиёс ўрни бор. Тарихий ҳужжатлар мазмунига кўра, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётни акс эттиради ва ўша давр билан боғлиқ ходисалар ҳақидаги ахборотни ўзида сақлайди. Айни вақтда ҳужжатларнинг катта қисми расмий манба сифатида ҳам ҳаққоний тарихни ёритишда муҳим далил ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий архивининг (кейинги ўринларда ЎзМА) жамғармаларида мустамлака, совет ва мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳудуди, этнографияси, бинолари, архитектураси, давлат ва дин муносабатларига доир маълумотлар мавжуд.

ЎзМА архив ҳужжатлари 34-фондда ТАССР Маориф Халқ комиссарлигининг 1917–1924 йилдаги вақф ҳужжатлари Туркистондаги область ва уездларга доир материалларни бирлаштириб, унда зиёратгоҳлар учун ажратилган вақфлар ҳақида ҳужжатлар бор. Шунингдек, 394-фондда санъат, табиат ва қадимги ёдгорликларни сақлаш Ўрта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис) жамғармаларида 1920-1928 йиллардаги Ўзбекистон худудидаги тарихий обида ва ёдгорликларнинг сақланиши, уларнинг рўйхати, давлат муҳофазасидаги ҳолати тўғрисида маълумотлар сақланади.

1937 йилда нашр этилган "Путеводитель по городу" [1:118] китоби совет давлати марказий шаҳри бўлган Тошкент шаҳри ҳақида йўл кўрсаткич бўлиб, унда Тошкент тарихи, географик ўрни, жойлашуви, иқлими, аҳолиси, маълумот маркази, кўчалари, кутубхона, олий таълим муассасалари, меҳмонхона, завод ва фабрикалари, наشريётлар, элчихоналар, кинотеатрлари, музей, илмий муассасалар, парк, боғлари, почта, телеграф, телефон, радио, газета редакцияси, трамвай, афтобус, физкультура, темир йўл станцияси, харита ва бошқа муҳим тармоқлари ҳақидаги маълумотлар тизимли ёритилган.

Тошкентнинг қадимги даври, археологик ёдгорликлари тарихи буйича Н.А.Маев, В.В.Бартольд, М.Е.Массон, Г. В. Парфенов, В. А. Шишкин, Н.Г.Маллицский, В.А.Булатова, А.И. Тереножкин, Г.В. Григорьев, Т. Мирғиёсов, Я.Ғ.Ғуломов, У.Ислотов, М.И. Филанович, Ю.Ф. Буряков, А.Р. Муҳаммаджонов, Д.Г.Зильфер, Г.Дадабаев, С.Б.Лунина, З. Усманова, Д.П.Вархотова, Л.Г.Брусенко, М.Аминжанова, М.С. Мершиев, В.И.Спришевские, Н.Х.Дуке, И.Қрашенинникова, А.Кабиров ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Тошкент давлати милоддан аввалги III аср бошларида Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган ерларда кўчманчи чорвадор Сак қабилалари иттифоқи асосида ташкил топади. Тарихда бу подшолик "Қанғ", "Қанқа" ёки "Қанҳа" номлари билан юритилган. Қанғ давлатининг дастлабки худуди қадимги Чоч (Тошкент) воҳаси Талос водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимида жойлашган. Тадқиқотчи А.Муҳаммаджоновнинг "Қанғ-қадимги Тошкент ва тошкентликлар" [2:128] асарида айнан Тошкентнинг қадимги даври, Қанғ давлати, ибтидоий маданият излари, Бурганлисойдаги ибтидоий деҳқончилик қишлоқ харобалари, Жўнариқ бўйидаги қадимги қишлоқ, Шоштепа илк шаҳар ибодатхонаси харобаси, Қанғ шаҳрининг Чоч воҳасининг пойтахти эканлиги, Мингўриқдаги қадимги Тошкент, Оқтепа илк ўрта аср қасри, Бинкат ўрта асрлардаги Тошкент, Қўш номли Тошкент, Тошкентнинг қадимий номлари, тўрт даҳаси тарихи ҳақида маълумот берилган.

Тарихчи олим З.А.Муҳаммаджонов "Қадимги Тошкент (Тарихий ва археологик лавҳалар)" [3:61] рисоласида Тошкент территориясида шаҳар маданиятининг шаклланиши, дастлабки деҳқончилик қишлоқлари, қалъа-кўрғонлар ва уларнинг тарихий топографияси, шаҳарнинг қадимги Чоч, Шош, Бинкат каби аталиши, айрим маҳаллаларининг этимологиясини ҳам археологик асосда ёритади.

Археологик қазилмалар ва ёзма манбалар асосида замонавий Тошкент худудининг маданий ривожланиш тарихи, унинг таркибида биринчи шаҳар типидagi аҳоли пунктининг пайдо бўлиши, топографияси, VI-VIII асрларда Чочнинг марказий шаҳар бўлганлиги, шаҳар маданиятининг босқичма-босқич шаклланиши, воҳада олиб борилган археологик қазилмалар ва уларда шаҳарсозлик намуналари ҳақида археолог М.И.Филанович илмий изланишлар олиб борган [4:232]. Тошкент шаҳарсозлиги асослари ва ривожланиш босқичлари, ёдгорликлари ҳақида Г. В. Шишкин ўз тадқиқотларида баён қилади [5:198].

Рус олими Ю.Ф.Буряков шарқий Мовароуннаҳрдаги Чоч ва Илоқни ўз ичига олган Тошкент воҳасининг энг урбанизациялашган шаҳарлари, барча тоифадаги археологик ёдгорликлар, хомашё манбалари, ички ва минтақалараро алоқа воситалари тарихи ҳақида тадқиқот олиб бориб [6:128], антик ва ўрта асрларда шарқий Мовароуннаҳрда урбанизациялашган шаҳар маданиятининг генезиси, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари таҳлилини амалга оширади. Шу билан бирга тадқиқотчи қадимги Тошкент тарихи, девор ва кўрғонлари, ўрта асрларда жой номлари, топографияси ҳақида ҳам илмий изланишлар олиб борган [7:13].

М. Е.Массон қадимги Бинкат Хадра, Чорсу, Эски Жува ҳақида маълумот келтиради. Жумладан, муаллиф Шайхонтохур қабристонидagi архитектура ансамблида ўзгаришлар

бўлганлиги, Эски шаҳардаги Жувахона олдидан ўтган кўчани кенгайтириш муносабати билан у ердаги "Хотинмасжид" ни бузишга тўғри келади. Бу масжид архитектурасида нодир ўймакорлик нақши билан қимматли эди. Шу сабабли уни кўчириб, Шайхонтохур қабристонини ёнига келтириб қуришди" деб ҳикоя қилади [8:121].

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидаги Тошкент шаҳри тарихи ва тарихий географияси ҳақида шарқшунос олим Н. Г. Маллицкий ўзининг "Тошкент маҳалла ва мавзелари" [9:24] номли рисоласида илмий таҳлилини амалга оширган. Бир гуруҳ тарихчи олимлар иштирокида ёзилган "По улицам Ташкента" китоби [10:205] Тошкентнинг Чор мустамлақаси ва Совет давридаги тарихи, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти ҳақида маълумот беради.

Совет йилларида Тошкент архитектура ёдгорликлари, зиёратгоҳлари ҳолати, уларнинг муҳофазаси юзасидан маълумотларни 2761-фондда "Республиканское правление общества охраны памятников истории и культуры" (Маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг Республика бошқармаси) жамғармаларида учратиш мумкин. Шунингдек, 2296- фондда "Главное управление по охране памятников и изобразительного искусства Министерство культуры УзССР (1957-1976)" (ЎзССР маданият вазирлиги тасвирий санъат ва ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси) жамғармаси ҳам ўзида қимматли маълумотларни бирлаштирган. Унда ёдгорликларни сақлаш юзасидан буйруқлар, таъмирлаш (реставрация) жараёнлари, уларга ажратилган маблағлар, шу Даврдаги ёдгорликларнинг расмий рўйхати келтирилган.

XX асрнинг 50-70 йилларида яратилган асарлар совет мафкура таъсирида вужудга келган. Бу даврда Тошкент архитектура ёдгорликлари бўйича Н.Флавиский, В.В.Бартольд, Ч.Ч.Валихонов, Т.Г.Смирнова, Н.Кузьмина, А.Акименко, Г.А.Пугаченкова, В.М.Филиманов, Л.И.Ремпель, В.М.Булатова, Ю. Л.Маньковская ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб бориб, ўша давр нуктаи назаридан таҳлил қилган.

Туркистон мустамлақа даври маданий объектлари, зиёрат масаласини тадқиқ қилган олим В.Литвинов ўз тадқиқотида Совет тарихшунослигида маданий объектларга муносабат, зиёрат масаласи ҳукумат сиёсати даражасида ўрганилмаганлигини қайд этиб, муқаддас жойлар, мазорларга ташриф масаласини илмий нуктаи назардан эмас "шахсга сиғинишнинг сабабларини синфийлик мисолида кўрсатиб берган [11:16].

Туркистон тарихи, маданияти, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, мустамлақа даврида Тошкент аҳолиси турмуш тарзи, зиёрат масалалари академик В.В.Бартольд [12] асарларида тилга олинади. Худудий зиёрат объектларининг ўзига хос хусусиятлари, зиёрат масаласи Ч.Валихонов [28] тадқиқотларида берилган.

В.А.Булатова ва Л.Ю.Маньковская ўзининг "Памятники зодчества Ташкента"(XIV-XIX в.в.) [13] китобида Тошкент шаҳрининг қисқача тарихи, IX-X асрларда Чорсу ва Эски Жува худудидаги бозорлар, хунармандчилик турар жойлари, қабристонлар, XIV, XV, XVI, XIX асрларда шаклланган меъморий ансамблларнинг ҳар хил композицияларда қурилганлиги, Темур ва Темурийлар даврида (XIV-XV асрлар) қурилган Зангиота, Анбарбиби меъморий мажмуаси, Шайхованди Тохур ансамбли, жоме масжиди, Қалдирғочбий, Юнусхон мақбаралари ўз даврининг энг йирик ёдгорликлари эканлигини эътироф этади. XVI асрга оид Кўкалдош, Барокхон мадрасалари, Ҳазрати Имом ансамбли, Суюнчхўжахон ва Қафқол Шоший мақбаралари, Чўпон ота, Иброҳим ота, Қўшчи мазор, Аламбардор мақбаралари, Номозгоҳ, Тилла-шайх масжидлари, ҳаммомлар топографияси, архитектураси, бошқа худуд маданий объектларига хос ҳар хил меъморчилик услуби, Совет даврида Тошкент Ўрта Осиёнинг таниқли шаҳарларидан бири сифатида туризм маданий маркази бўлганлигини таъкидлайди.

Архитектор Г.А.Пугаченкова ва санъатшунос олим Л.И.Ремпель муаллифлигида совет йилларида нашр этилган "Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана" номли асарида Ўзбекистоннинг марказий шаҳарлари бўлган Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Бухоро ва Ҳивадаги ўрта асрлар архитектура ёдгорликлари ривожланиш тарихи ҳақида илмий, тарихий маълумотлар келтирилган. Китобнинг "Тошкент" бўлимида Тошкент шаҳрининг қисқача тарихи, Барокхон мадрасаси Муҳаммад Абу Бакр Қафқол Шоший

мақбараси, Кўкалдош мадрасалари каби XVI аср архитектура ёдгорликларининг қурилиш тарихи, меъморий услуби ҳақида архитектура ва санъатшунослик нуқтаи назаридан тушунча берилган [14:145-154].

XV аср мақбаралари функционал жиҳатдан бир-бири билан боғланган. Шундай иморатларга Самарқанддаги Қозизода Румий ва Оқсарой мақбаралари, Сигноқдаги ўзбек хонлар қабрида, Тошкентдаги Юнусхон, Зангиота мақбараларини киритиш мумкин [15:145]. Ўрта Осиё жанубий областлари усталарининг мактаби (Шимолий Хуросон, Тоҳаристон, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Туркистоннинг шимолий вилоятлари) ўз даври меъморчилигини ранг-баранг қилган [16:36]. Тошкентда барпо этилган ҳашаматли бинолар моҳир усталарнинг маҳаллий ўзига хос анъаналари, мактаби мавжудлигидан далолат беради.

XIV-XV асрларда Ўрта Осиё меъморий дурдоналари ўрта асрлар меъморлари санъати ютуқларини акс эттириб, жаҳон цивилизациясида муҳим ўрин тутди. Ушбу давр меъморчилигида конструктив-техник, композицион, бадиий ва образли ғоялар ривожланиши намоён бўлган. Бунга Тошкентдаги XIV-XVI аср тарихий-меъморий обидалари ҳам мисол бўла олади.

Юқорида келтирилган манбалар VI-VII асрларда Тошкент (Чоч) да турли хил динларга эътиқод қилиниши, диний бағрикенглик, ўлкага араблар кириб келгандан сўнг Тошкентда ислом маданияти шаклланиши, воҳа тарихи, топографияси, жой номлари, географик жойлашуви, шаҳарлар қурилиши, маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, Тошкент зиёратгоҳлари, масжид, мадраса, черков ва бошқа диний меъморий объектлар, уларнинг аҳоли ҳаётида тутган ўрнини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугун Республикамизда мавжуд архитектура ёдгорликлари зиёратгоҳ, мақбара, қадамжолар халқимизнинг диний ва миллий қадриятларидан бири саналади. Ватанимиз тупроғида ҳоки ётган шахслар ҳаёти, фаолияти, зиёратгоҳлар тарихи, у ердаги урф-одатларни ўрганиш, маънавий меросимиз сифатида ёш авлодга етказиш, республика, вилоят, туман миқёсидаги зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги мавқеини ошириш, у ерга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб этиш, зиёрат туризмни ривожлантириш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Тошкентдаги ўрта асрлар дин билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари, зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжоларининг ўрганилганлик даражаси, тарихшунослиги таҳлили бўйича мавзу борасида, фанлар кесимида катор тадқиқотлар амалга оширилган. Бу тадқиқотларда келтирилган манбалар, саёҳатчилар эсдаликлари, архив материаллари, тарихий-бадиий адабиётлар муҳим манба вазифасини бажаради. Тошкент тарихи, шаҳар қурилиши, тарихий объектлари, мақбара масжид, мадрасалари, аҳоли турмуш тарзини ёритишда ёзма манбалар, уларни солиштириш, қиёслаш объектив маълумотларни аниқлаш имконини беради. Манбалар асосида ўрта аср дин билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари, зиёратгоҳларнинг тарихини ўрганиш, мамлакатимизда маҳаллий ва хорижий туризмни ривожлантириш, янги лойиҳаларга асос бўлади. Шу жиҳатдан мазкур мавзусини ўрганиш бугунги кунда муҳим ва долзарб аҳамиятга эгадир.

Миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлган зиёрат туризми жаҳон миқёсида Ўзбекистон ҳудуди шундай тарихий қадриятлар макони бўлганлигини, ўлкада ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқараётган халқимиз учун буюк келажак барпо этишда, бугунги дунёни янги кўз билан кўриш, уни янгича тафаккур билан идрок этиш жараёнларида, улуғ аждодлар мероси билан танишиш лозимлигини англади. Бугун йўқотилган барча қадриятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш, анъаналарни тиклаш, ўз миллий қиёфаси билан Ўзбекистоннинг жаҳон халқлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши юзасидан олиб борилаётган тадбирлар буюк аждодларимиз қолдирган меросни қайта тиклаш, ўзлимиз, инсоний ҳис- туйғуларимизни, шайнимиз ва ориятимизни ҳимоя қилишга, уни ҳамиша баланд тутишга ва халқаро миқёсда ўрнимизга эга бўлишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Путеводитель по городу Ташкенту (Ташкентский краснознаменный совет Р.Д. и К.Д). – Ташкент: 1937. – 118 с.
2. Муҳаммаджонов А. Қанғ – қадимги Тошкент ва тошкентликлар (Тарихий лавҳалар). – Тошкент: Шарқ, 2009. – 128 б.
3. Муҳаммаджонов З.А. Қадимги Тошкент (Тарихий ва археологик лавҳалар). – Тошкент: Фан, 1988. – 61 б.
4. Филианович. М. И. Ташкент – зарождение и развитие города и городской культуры. – Ташкент: Фан, 1983. – 232 с.
5. Шишкин Г. В. У истоков древней культуры Ташкента. – Ташкент: Фан, 1982. – 198 с.
6. Буряков Ю. Ф. Древний и средневековый город восточного мавераннахра. – Ташкент: Фан, 1990. – 128 с.
7. Буряков Ф.Ю. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1975. – С. 13.
8. Массон М. Е. Прошлой Ташкента. Известия АН Уз ССР, – №2. – Ташкент, 1954. – С. 121.
9. Маллицкий Н. Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари // Русчадан У. Қўчкор тарж. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1996. – 24 б.
10. Буряков Ю. Ф., Ю. И. Гласс., Соеолов Ю. А., Чабров Г. Н. По улицам Ташкента. – Ташкент: Узбекистан, 1971. – 205 с.
11. Литвинов В.П. Мусульманское паломничество в царской России: историка примере Туркестана 1865 – 1917 гг. Днес вана ист. наук. – Москва, 2007. – С. 16.
12. Бартольд В.В. Культура мусульманства Ислам. Бартольд В.В. Сочинения. Том 11, часть 2. – М., 1964.
13. Валихонов Ч.Ч. Сочинения в 5 томах. Т. 1-5. – Алма-Ата, 1985.
14. Булатова В. М., Маньковская Л. Ю. Памятники зодчества Ташкента (XV-XIX в.в). – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1983.
15. Пугаченкова Г. А., Ремпель. Л. И. Выдающиеся архитектуры Узбекистана. – Тошкент: Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1958. – Б. 145-154.
16. Пугаченкова Г. А. Зодчество Центральной Азии. XV век. Ведущие тенденции и черты. Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1976. – С. 145.

Нашрга проф. Г.Мўминова тавсия этган

TURKISTON QISHLOQ XO‘JALIGI SOHASIDAGI UYUSHMA VA JAMIYATLAR TARIXIDAN (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI)

Narziyeva M. (NavDPI)

Annotatsiya. Ushbu maqolada Turkistonda faoliyat yuritgan, qishloq xo‘jaligi tarmoqlari bilan shug‘ullangan o‘nlab uyushmalar haqida manbalar tahlili orqali fikr-mulohazalar bildirilgan.

Tayanch so‘zlar: *Qishloq xo‘jaligi, paxtachilik, «paxta fondi», havaskor dehqon, havaskor bog‘bon, agronom, mevachilar birodarligi, meva navlari, gulchilik, sanoat bog‘i, Nizom, badal, yig‘ilish, komitet.*

ИЗ ИСТОРИИ ОРГАНИЗАЦИЙ И ОБЩЕСТВ В ОБЛАСТИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА ТУРКИСТАНА (КОНЕЦ XIX - НАЧАЛО XX ВЕКА)

Аннотация. В данной статье путем анализа источников высказаны мнения о десятках действовавших в Туркестане объединений, занимавшихся сельскохозяйственными отраслями.

Ключевые слова: *Сельское хозяйство, хлопок, "хлопковый фонд", фермер-любитель, садовод-любитель, агроном, братство садоводов, сорта плодов, цветоводство, промышленный сад, Устав, вклад, собрание, комиссия.*

FROM THE HISTORY OF ORGANIZATIONS AND SOCIETIES IN THE FIELD OF AGRICULTURE OF TURKESTAN (LATE XIX CENTURY - EARLY XX CENTURY)

Annotation. In this article, opinions are expressed through the analysis of sources about dozens of associations that were active in Turkestan, engaged in agricultural sectors.

Key words: *Agriculture, cotton, "cotton fund", amateur farmer, amateur gardener, agronomist, fruit growers' fraternity, fruit varieties, floriculture, industrial garden, Charter, contribution, meeting, committee.*

Rossiya imperiyasi mustamlakasi yillarida (1867-1917) Turkistonda sanoatni xomashyo bilan ta'minlash va aholini meva va sabzavotga bo'lgan ehtiyojini qondirish maqsadida qishloq xo'jaligiga alohida e'tibor qaratildi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad mustamlaka hududlari imkoniyatlaridan imperiya manfaatlarini uchun ko'proq foyda undirish bo'lgani o'z-o'zidan ayon. 1885-yilda Rossiya imperiyasi Dehqonchilik va yer ishlari vazirligi huzurida Turkiston qishloq xo'jalik jamiyati (TQXJ) tashkil etilib, uning huzurida bir qator uyushma va jamiyatlar tuzildi. Ushbu maqolada TQXJ faoliyati chetlab o'tilgan holda Turkiston mintaqasidagi boshqa qishloq xo'jalik sohasidagi uyushma va birodarliklar haqida fikr yuritiladi.

Imperiya hukumati Turkistonda qishloq xo'jalik tarmoqlaridan paxtachilikka asosiy e'tiborni qaratib, mahalliy va xorijdan keltirilgan (AQSh, Misr) paxta navlarini keng dalalarda ekish, hosildorlikni oshirish, imperiya sanoatini zaruriy paxta xomashyosi bilan ta'minlashga ko'p kuch sarfladi. Shu sababli Rossiya imperiyasidan ko'chirilgan aholi orqali Turkistonda paxtakor rus dehqonlarining mustahkam xo'jaligi «anklav»ini yaratish tendensiyasi kuchli bo'lib keldi. Paxta ekadigan xo'jaliklarga imtiyozli kredit (ssuda) berish, har 1 desyatina yer uchun 85-87 rubl miqdorida qo'shimcha mablag' ajratish, «paxta solig'i»dan ozod etish tadbirlari qo'llanilgan [3: 6-7].

Paxta monokulturasini Turkistonda yildan yilga avj olib borar ekan, paxtachilikni rag'batlantirish, paxtachi xo'jaliklarini moddiy va ma'naviy jihatdan qo'llab-quvvatlash maqsadida bir qator uyushmalar tashkil etilgan. Bunday uyushmalarni imperiya markazidan va Turkiston general-gubernatorligi amaldorlari tomonidan qo'llab-quvvatlangani manbalardan ayon bo'ladi. 1890-1910-yillarda paxtakor xo'jaliklarni qo'llash maqsadida «Paxta komiteti», «Paxta birodarligi jamiyati», «Paxta fondi» kabi uyushmalar tashkil etilgan [1:32]. Bu kabi uyushmalar paxta tajriba maydonlarini tashkil etish, paxta urug'chiligini rivojlantirish, paxtachilik laboratoriyalarida yangi navlar yaratish kabi vazifalarni bajarishgan. Ular paxtakorlar uchun imtiyozli kredit beradigan banklarda paxta fondi zaxira mablag'lari bazasini yaratishgan. Paxta ekiladigan yangi yer maydonlarini aniqlash, ularni ekin yerlari fondiga kiritish, aytish mumkinki, bu uyushmalar paxta monokulturasini kengayishida o'z imkoniyatlarini ishga solishgan.

Uyushmalar orasida «Turkiston qishloq xo'jalik jamiyati» huzuridagi «Mevachilar birodarligi jamiyati» (bundan keyin «Birodarlik») faoliyati haqida alohida fikr bildirib o'tish o'rinli bo'lardi. Birodarlikning olti bob, 65 bandedan iborat Nizomi (Ustavi) O'zbekiston Milliy kutubxonasida 6497-sonli qayd raqami bilan saqlangan bo'lib, uning hajmi 65 sahifadan iborat [2:65]. «Birodarlik» Nizomida unga a'zo bo'lgan shaxslar o'zlari yetishtirgan meva, poliz mahsulotlarini, asalari asalini toza va qayta ishlangan holda ichki va tashqi bozorda erkin sotishi, chet ellarda o'z idorasi, ombor, do'kon va magazinlariga ega bo'lish huquqi orqali oldi-sotdi olib borilishi kabilar ko'rsatilgan. Jamiyat o'zining bankdagi hisobiga ega bo'lishi, o'z byulleteni, mevalarni tashish vagonlariga ega bo'lishi kabilar ham Nizomda belgilangan. «Birodarlik»ka kirish uchun 50 rubl nat puli, 5 rubl badal to'langan. Ushbu jamiyat mahalliy politsiya nazoratiga bo'ysunib, gildiya majburiyatlari, boj, soliq va gerb solig'ini to'lashi, yer qurilishi, dehqonchilik hamda moliya vazirligi huzuridagi korxonalaridan foydalanishi garantiyalab qo'yilgan. Shuningdek, «Nizom»da jamiyatni boshqarish, unga a'zo bo'lganlarning huquq va burchlari ko'rsatib qo'yilgan. Hatto, jamiyat o'z mahsulotlarini targ'ib qilishda va sotishda «Правительственный вестник» «Известия главного Управления Землеустройства и Земли», «Вестник финансов», «Промышленности и торговли», «Туркестанские ведомости», «Туркестанское сельское хозяйство» kabi matbuot organlarida reklama va e'lonlar joylashtirish, maqolalar e'lon qilish vakolatiga ega edi. «Birodarlik» amalda 1894-yildan faoliyat yuritib, uning homiyligida aslida ushbu jamiyatga a'zo bo'lib kirgan o'nlab «sanoat bog'i egasi», «tajriba-sinov bog'i sohibi», «havaskor bog'bon» kabi darajadagi bog'bonlar birlashgan. Bunday kishilar «Turkiston qishloq xo'jaligi va sanoat birodarligi» jamiyatiga ham a'zo bo'lishgan.

XIX asr oxiri – XX asr boshlarida «sanoat bog'i egasi», «havaskor bog'bon» rutbasiga ega bo'lgan va o'zini «tajriba-sinov ko'chatxonasi», mevali bog'larida turli navlardagi mevalarni yetishtiradigan kishilar talaygina edi. Bunday «bog'bon»lar (aslida agronom va qishloq xo'jalik bilimdonlari)dan S.Y.Berdingning 26 desyatina yer maydonda bog'i bo'lgan. «Sanoat bog'lari»ga ega bo'lganlardan P.Putov, S.P.Yurev, A.Volkov, A.Y.Plevnevich (Verniy-Olmota), Vasiliy

Semich, N.S.Moiseyev, I.Komichev(Yettisuv viloyati), Y.T.Tixonov, I.Lekbovich, Y.Delobin kabilarni sanab o'tish mumkin. Ushbu bog'bonlarga «Birodarlik jamiyati» agronom a'zolari bo'lgan agronomlardan V.I.Trubachyov, P.R.Balashyevlar ham samarali faoliyat yuritishgan [1: 55-56, 60-62]. Arxiv manbalarida Birodarlikka a'zo bo'lgan o'nlab shaxslar haqida ma'lumot keltirilib, ular jamiyat nomiga bo'lajak ko'rgazmalarda o'zlari parvarishlayotgan va iqlimlashtirilgan meva, gul, manzarali daraxtlar bilan ishtirok etishni so'ragan.

Jumladan, "havaskor bog'bon" N.Malsev portugal a'lo navli Luziton behisi (Ayva), kukuruz(makkajo'xori)ning tezpishar LAKLESet navi, olmaning PILSONs,PLUTO kuzgi navi, G'ulja (Sharqiy Gurjiston)dan keltirilgan guruch navi, nomsiz, sersuv nok navi, siren, binadika gul navlarini namoyish qilishga ruxsat olib berishni so'ragan [6:1,2].

I.V.Zaysev gullari ochiluvchi petuniya, yirik bargli roza, o'nlab gul buketlari va gerbariyalarini yaratgan. Hatto, 2 buket gul uchun – 6 rubl, gerlanda gul buketi uchun 3 rubl, jami 9 rubl «Birodarlik» hisobiga o'tkazgan [6:3].

Bog'bon Bayevskiy o'z taqdimotida 50 navdagi 100 dona (har biridan 2 tadan) manzarali daraxt ko'chatlaridan 17 navdagi olma va nok navlarini taqdimot etishga tayyorgarligini bildirsa, oddiy bog'bon N.Ulyanov Aporta, Antonovna, Parmen Gormida, Monpamel Karchevoe, Sen-Jermen, shuningdek, gilos navlari kavkaz smorodinasini, qulupnay malinasi navlarini taqdim etgan [6:4-5,6-8].

M.Yashinin 21 nav olma, 14 nav nok, 25 nav boshqa meva navlari va dorivor o'simliklarni namoyish eta olishini bildirgan, Larisa Petrovna Zabusovich tropik o'simliklar navlarini iqlimlashtirilganligini qayd etgan [6:12-13].

Yuqorida nomlari qayd etilgan «Birodarlik» a'zolaridan Zaysev va Bayevskiy o'rta kumush medal, L.P.Zabusovich katta kumush medal bilan taqdirlangan [6:20-21].

Qishloq xo'jalik jamiyat va uyushmalari nafaqat Toshkent va Sirdaryo viloyati uyezdlarida, shuningdek, Turkiston general-gubernatorligi boshqa viloyatlarida ham vujudga keldi.

1912-yil 30-oktabrda Samarqand viloyatida "Qishloq xo'jalik jamiyati" tashkil etilib, uning Nizomi ma'qullandi. Jamiyatning Kengash boshqaruvi faxriy rais, rais, rais o'rinbosari, g'aznachi va kotibdan iborat bo'lib 5 kishini tashkil etgan. Kengashning faxriy raisi viloyat harbiy gubernatori I.Z.Odishemidze bo'lib, kengash a'zolari 3 kishi, nomzodlar 7 nafar (2 tasi mahalliy aholi vakili) bo'lgan. Jamiyat Samarqand shahridagi Savdo-maslahat byurosini tashkil etib, ko'pgina uyushmalar bilan aloqalar o'rnatdi, 250 ta tashkilot va muassasalarga xat bilan murojaat etildi, uning tashabbusi bilan sulining AQSh, Fransiya navlari, bug'doyning "qizilboshqoq", "Sajdamir", "Avliyoota" navlari, tariqning 3 xil navi, fransuz qalampiri, Pskov zig'iri, Xitoy soyasi va mosh mahsulotlarini auksionga 1889-yildan boshlab olib chiqqan, keyingi yillarda bu mahsulotlarning tarkibi kengayib borgan.

Jamiyat vositachiligida Samarqand shahriga Ukrainadan bog'dorchilik va asalarichilikka asqotadigan texnik vositalar olib kelindi, 459 pudlik, 1357 rubllik ho'l va quruq mevalar ichki hamda tashqi bozorda xaridorlarga sotildi [4:28,29,30]. Jamiyat a'zolari dastlab oz sonli bo'lsa, ular safi 1915-yilga kelib 55 nafarga yetdi, uning faollari xorijdan va Rossiya Markaziy rayonlaridan qishloq xo'jaligiga oid 113 tomndan ortiq kitob va qo'llanmalarni sotdilar. Uning 55 a'zosidan 8 nafari tub-joy aholi vakillari bo'lib, ular asosan savdo-sotiq, bog'dorchilik va uzumchilik bilan shug'ullanishgan [4:15-16].

Samarqand shahrida 6,5 gektarlik "yashil bog'"(bulvar va park)ni barpo etishda ham "havaskor bog'bonlar", "sanoat bog'larining egalari" faol ishtirok etib, botanikadan yaxshi xabardor bo'lgan podpolkovnik M.V.Nevskiy, keyinchalik harbiy muhandis polkovnik V.I.Korolkov bulvarda archa, livan kedri, ispan paxtasi, Sharqdan keltirilgan biobalar, rus xabalupali ko'chatlarini o'tqazishda jonbozlik qildilar [5:3,4,5,6].

Xullas, XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkiston general-gubernatorligi viloyatlarida uyezd va shaharlarida dehqonchilikni rag'batlantirishga xizmat qiladigan o'nlab uyushmalar faoliyat yuritib, ayniqsa, mevachilikka e'tibor berilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Hayitov J. Sh. Turkistonda yangi ekin navlarining tarqalishi va ulardagi o'zgarishlar. – Buxoro: Durдона, 2018. – B. 32.
2. Устав творчества Плодоводов при Туркестанском Общества Сельского Хозяйства. – Национальная библиотека Узбекистана. Инв. – №64971. – 65 с.
3. O'zbekiston Milliy Arxivi, I-1-fond, 1-ro'yxat, 164-yig'ma jild.
4. O'zbekiston Milliy arxivi, I-18-fond, 1-ro'yxat, 3834 yig'ma jild.
5. O'zbekiston Milliy arxivi, I-5-fond, 1-ro'yxat, 1242 yig'ma jild.
6. O'zbekiston Milliy Arxivi, I-103-fond, 1-ro'yxat, 5 yig'ma jild.

Nashrga prof. B.Eshov tavsiya etgan

**АРХИТЕКТУРНЫЕ ПАМЯТНИКИ ГОРОДА НАМАНГАН И ИСТОРИЯ ИХ
ОХРАНЫ И СОХРАНЕНИЯ**

Хасанова М. (НУУз)

Аннотация. В статье рассмотрены одни из основных архитектурных памятников города Наманган, их историко-культурное значение, история строительства. Также изучены способы построения данных медресе, в частности мечети Ота Валихон Туры и Мулла Киргиза, и возможности их сохранения и реставрации в период независимости.

Ключевые слова: *мечеть, культурное наследие, реставрация, памятник, медресе.*

**NAMANGAN SHAHRI ME'MORIY YODGORLIKLARI VA ULARNI MUHOFAZA VA
ASRASH TARIXI.**

Annotatsiya. Maqolada Namangan shahrining ayrim asosiy me'moriy yodgorliklari, ularning tarixiy-madaniy ahamiyati, qurilish tarixi ko'rib chiqiladi. Bu madrasalarni, xususan, Ota Valixon To'ra va Mulla Qirg'iz masjidlari qurish usullari, ularni mustaqillik davrida saqlab qolish va ta'mirlash imkoniyatlari ham o'rganildi.

Tayanch so'zlar: *masjid, madaniy meros, restavratsiya, yodgorlik, madrasa.*

**ARCHITECTURAL MONUMENTS OF THE CITY OF NAMANGAN AND THE HISTORY OF
THEIR PROTECTION AND PRESERVATION**

Annotation. The article examines some of historical and cultural significance, the history of construction of the main architectural monuments of the city of Namangan. Methods for constructing these madrasahs, in particular the mosques of Ota Valikhon Tura and Mulla Kirghiz, and the possibilities of their preservation and restoration during the period of independence were also studied.

Key words: *mosque, cultural heritage, restoration, monument, madrasah.*

Развитие каждой нации невозможно представить без ее истории, духовных ценностей и культурного наследия. В этой связи, в Конституции Республики Узбекистана¹ нормы, посвященные регулированию отношений в сфере охраны исторического, духовного и культурного наследия народа, закреплены в качестве основных положений, им придан конституционный статус.

Узбекистан - страна с глубокими историческими корнями, духовным и культурным наследием. Наши предки внесли достойный вклад в культурный и духовный прогресс мировой цивилизации. Международное сообщество признает огромное историческое значение таких памятников литературы, как «Авеста», Уложения Темура, Бабурнама, хадисы Аль Бухари и т.п.

За годы независимости, проведена огромная по масштабам работа по восстановлению имен многих наших выдающихся ученых, деятелей культуры, исторических памятников, возрождению традиций священной религии наших предков - ислама. Следует особо отметить важность решений Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева,

¹ Конституция Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистан, 2023.

направленных на обеспечение возрождения духовного и культурного наследия нашего народа: благоустройство святых мест Абу Муин Насафия в Кашкадарье, Абу Исо Мухаммад ат-Термизи в Шерабадском районе, Бахоуддина Накшбанда в Бухаре, мечети Имом Термизия и мавзолея Сузукота в Ташкенте и др¹.

Ярким примером особого внимания со стороны Главы государства вопросам сохранения исторического, культурного и духовного наследия народа Узбекистана, является принятие Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления в области культуры и спорта»² от 15 августа 2017 года, Постановлений «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» [3] от 24 мая 2017 года, «Об учреждении центра исследований культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом при Кабинете Министров Республики Узбекистан»³ от 20 июня 2017 года, «Об организации деятельности Общественного совета по новейшей истории Узбекистана при Академии наук Республики Узбекистан» [5] от 30 июня 2017 года. Эти и другие акты Главы государства, имеют важное значение в организации работы по восстановлению многовековой истории и богатой культуры нашего народа, всестороннему глубокому изучению и пропаганде научного и духовного наследия наших великих предков, благоустройству священных мест и др.

Кроме того, по инициативе и поручению Главы государства, Кабинетом Министров Республики Узбекистан приняты Постановления «О создании мемориального комплекса имени знаменитого просветителя Исхокхона Ибрата в Туракурганском районе Наманганской области», говорит о высоком внимании к истории, духовным истокам, культурным памятникам нашей страны.

Одним из интересных регионов республики Узбекистан богатой своими материальными памятниками является Наманганская область, которая имеет многовековую историю и является одним из древнейших поселений человеческой цивилизации. Здесь строились мечети, медресе и бани, которые показывали атмосферу того времени.

Как мы уже говорили выше, сведения об архитектурных памятниках нашей страны распространены по всему миру, им посвящено много книг, альбомов, брошюр. Однако исторические памятники Ферганской долины, особенно Наманганской области, остались без внимания⁴. Это связано, во-первых, с тем, что архитектурные памятники Намангана не так известны, как знаменитые памятники Средней Азии, а во-вторых, исторические памятники Намангана до сих пор малоизучены, известны только местному населению и узкому кругу экспертов. По этим причинам они не пользуются большой популярностью.

Город Наманган имеет свои богатые исторические и архитектурные памятники. Среди них мавзолей Ходжама, мечеть Ата Валихон Тора, медресе и мечеть Азизходжа Эшан, медресе Мулла Кыргыз, мавзолей Мавлави Намангани, мечеть Махдуми Эшан, дом-музей Кадырходжа Эшонбой, районный комплекс школы музыки и драматургии имени Алишера Наво Муллы Базар Ахунди. сегодня - это адаптация здания Китайского банка Намангана, мечети Абдуллы Эшана, мечети Рахматуллы Лахтода, мавзолея Нодима Намангани, мечети Шейха Исака Эшана, купола Муйи Мубарак, мечети Лангар.

Стоит отметить, что общей тенденцией последних десятилетий XIX века стало снижение масштаба памятников. В первую очередь, это было связано со сменой источника финансирования, теперь культовое строительство велось на деньги религиозной элиты и горожан.

Второй особенностью ферганской колониальной культовой архитектуры стало смещение фокуса внимания на мечети, в то время как медресе практически не строились (Туракурган, Медресе Гаиб Назар, 1890-1893; Маргилан, Медресе Саид Ахмад-ходжа, кон.

¹ Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995, – № 3. – С. 6.

² Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995, – № 1. – С. 3.

³ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2001, – № 9-10. – С. 180.

⁴ Наманган ҳақиқати. 2005 йил 21 январь.

XIX в.)¹. Можно предположить, что это стало последствием активного насаждения в регионе нового «европейского» образования, которое в колониях происходило более агрессивно, нежели в протекторатах.

Особую популярность приобретают небольшие айванные мечети, к ним относятся: мечеть в парке в Чусте (кон. XIX в.), мечеть в комплексе Хазрати Шох (Истаравшан, 1890-е гг.), мечеть Ходжа-Ильгар (Риштан, кон. XIX в.), Чор-Гумбаз (Истаравшан, 1903), Хавз-и-Сангин (Истаравшан, 1904-1910) и мечеть Гиштлик (Коканд, 1913). Каждая из построек обладает собственным своеобразием, тем не менее здесь ограничимся перечислением главных объединяющих и наиболее характерных для региона черт.

Совершенно иной тип реакции на сложившуюся политическую ситуацию демонстрирует архитектура Ферганской долины. В ситуации полной ликвидации ханской власти и колонизации естественным образом прервалось и дворцовое строительство, которое в наибольшей мере было подвержено европейским влияниям. Вторым важным аспектом была историческая неспокойность и даже некоторая неподконтрольность региона, связанная с большим количеством кочевого населения, и вызванная этим осторожность царской власти в его отношении. Эти факторы обусловили появление совершенно особой архитектурной линии в 1910-х годах².

Вернакулярность, привнесение в архитектуру народного и вместе с тем сознательное цитирование, и использование «историзирующих» элементов присутствуют в кокандских медресе Мулло-Киргиз (Наманган, 1907-1912) и Ота Кузи (Патхаабад, 1904-1912). В том, как асимметрично скомпонованы объемы зданий; в оформлении фасадов, где достаточно бессистемно и атектонично совмещаются гладкая кирпичная кладка, резная терракота, фигурная кладка и изразцы; в ярких и разнообразных росписях потолка зала мечети в Ота Кузи чувствуются некоторая маньеристичность и даже барочность. Уходя от классической строгой и симметричной формы, мастера проявляют высокую степень творческой энергии и оригинальность. Отсутствие канонизированной схемы и свобода, все более проявлявшиеся в ферганских постройках с конца XIX века, привносят в позднюю архитектуру удивительное разнообразие, где индивидуальность решений превалирует над предшествующей традиционностью, каноничностью и повторением образца.

Около 1915 года в Намангане была построена мечеть Ота-Валихон-тура, которая является единственным в Ферганской долине примером мечети, перекрытой куполом на барабане. Массивный реберчатый купол в сочетании с лаконичными и строгими фасадами без декора придает облику мечети масштабность и тяжеловесность, усиливаемую сознательной геометричностью и даже рубленостью форм. Во внутреннем убранстве мечети также чувствуется строгость, подчеркнутая точечными включениями изразцового декора. Он покрывает стрельчатый абрис ниши михраба и круглые столбы, поддерживающие аркаду. Столбы аркады декорированы широкими поясами ромбовидного и зигзагообразного орнамента синей и голубой майолики.

Во время открытия мечети местные жители шьют ковер по размеру, который ровно покрывал всю внутреннюю часть мечети. После открытия мечети была создана библиотека, где были собраны редкие рукописные книги. С 1922 по 1929 годы здание использовалось как мечеть. Здание, некоторое время служило складом, а в 1930-31 гг. было превращено в женский клуб. Женский клуб просуществовал до мая месяца 1939 года. Однако впоследствии в связи с созданием винодельческого завода в городе Намангане по решению президиума горисполкома к решению в соответствии с чем женский клуб был перенесен на кухню, а в здании мечети Атаулла-хана Тура открыли винодельню. Вино начало производиться с конца июля 1939 года и просуществовало до 1983-84 годов³.

¹ Азимов И. Фаргона водийсининг архитектура ёдгорликлари. – Т.: Ўзбекистон, 1986. – Б. 59.

² Кондрякова П.А. Поздние медресе в контексте культовой архитектуры центральной Азии XIX века // studnet. 2022. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pozdnie-medrese-v-kontekste-kultovoy-arhitektury-tsentralnoy-azii-xix-veka> (дата обращения: 12.09.2023).

³ Юсупов И. Ю. Мирзалиев Э. Ю. Наманган вилояти меъморий обидалари сирлари. – Наманган, 2008. – Б. 30.

Памятник были отреставрированы государственной инспекцией Сакдаша в 1986-1987 годах и 2 года функционировали как выставочный зал региональных художников. И в 1989 году снова было передано в духовое управление.

Еще одним объектом культурного наследия является Одним из исторических памятников города Наманган является медресе Муллы Киргиз. Медресе находится в старой части города, на площадке Чорсу и был построен в 1910–1912 годах мастером Мулла Киргиз. По данным сведениям, медресе строился три года. Медресе строился денежными средствами сына Мулла Киргиза Машрабой. Общая площадь медресе Мулла Киргиз состоит 600 кв. м. и имеет 43 хужры, а также 3 больших купола.

Здание строилась из прямоугольного жженого кирпича производившие Мирзадабаом и Тошболтабаом. В медресе учились в основном дети из состоятельных семей. Самым заслужившим внимание в строении медресе является аудитория в правой части, строительный метод, внешний и внутренний вид. Над ними строились купола, а для светлости комнат над ними ставились проёмы.

С 1970 по 1990 года в медресе Мулла Киргиз вела свою деятельность областной отдел общества охраны исторических и культурных памятников Узбекистана. Начиная с конца 1990 года по разрешению мусульманской управления Средней Азии и Казахстана, открылось исламское учебное заведение (медресе). Данное учебное заведение вела деятельность в 1991–1997 годы в здании Муллы Киргиз. Но по указу хокима города Наманган медресе перевели в здание бывшей мечети Атоуллохон туры (в народе называют мечеть Гумбаз) и до сегодняшнего дня ведёт свою деятельность. В здании Муллы Киргиз ведутся работы реконструкции¹.

Построенный им в Намангане мечеть Атауллахан торо (люди называли его Отавалихон тура) в Центральной Азии был вторым по величине после мавзолея Ахмед Яссави в Туркистане. Кроме мечети Атауллахан тура Мулла Кыргыз Уста построил в Намангане медресе Мулла Кыргыз, медресе Гайибназар в Тура-Кургане, мавзолей Лутфуллы Мавлана в Чусте, мечеть Атакову в Андижане. А если говорить современным языком он был меценатом. Созданные его руками мечети, медресе, бани, мавзолеи сохранились в Ферганской долине до наших дней. Мулла Кыргыз Уста пользовался всеобщим уважением среди народов Ферганской долины. Под его руководством было возведено много сооружений. В Наманганском медресе было построено двухэтажное здание для проживания учителей и учеников, а с двух сторон основных ворот располагались крупные здания с куполами, классы находились симметрично фасаду. Возвышался минарет для созыва на молитву, который был виден издалека.

В письменных источниках упоминается: «Здание было построено на денежные средства сына Мулла Кыргыза Машрабая. Общая площадь его составило 600 м² и в нем насчитывалось 43 комнат, 3 больших купола. При строительстве использовались кирпичи из кирпичных заводов Ташбалта бая и Мирзадада бая. Учились в основном дети богатых людей»².

Медресе в советское время пережило очень многое, был в свое время логовом для бунтовщиков и подвергался жестокому обстрелу. С началом антирелигиозной пропаганды были разрушены медресе Саида Кулбека, мечеть Атауллахан торо и очередь доходит до медресе Муллы Кыргыза.

Медресе Муллы Кыргыза сохранилось как ценное архитектурное наследие. А в 2011 году здание было реконструировано и теперь зарегистрировано в ЮНЕСКО как одно из исторически ценных наследий мира.

Объекты исторического, духовного и культурного наследия - это бесценная сокровищница и богатство народа Узбекистана. Это богатство принадлежит не только нынешнему, но и является достоянием будущих поколений. Поэтому, их бережное содержание в целостности и сохранности является конституционным долгом всех граждан Республики Узбекистан.

¹ Саматов У. Уста Қирғиз излари, издошлари. – Наманган. 1999. – Б. 10–11.

² Наманган ҳақиқати. 2006 йил 22 ноябрь.

Список литературы

1. Конституция Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистан, 2023.
2. Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995, – № 3. – С. 6.
3. Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995, – № 1. – С. 3.
4. Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2001, – № 9-10. – С. 180.
5. Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Т.: Ўзбекистон. 1986. – Б. 59.
6. Юсупов И. Ю. Мирзалиев Э. Ю. Наманган вилояти меъморий обидалари сирлари. – Наманган. 2008. – Б. 30.
8. Саматов У. Уста Қирғиз излари, издошлари. – Наманган. 1999. – Б. 10–11.

Рекомендовано к печати проф. Г. Муминовой

**XX ASRNING 30–50-YILLARIDA TARIX FANI O‘QUV
DASTURLARI VA UNING MAZMUNI HAQIDA**

Narmanov F.A. (SamDU)

Annotatsiya. Mazkur maqolada O‘zbekistonning yaqin o‘tmishida tarix fanini o‘qitish va uning mazmun-mohiyatini jamiyatdagi kishilarga singdirishga qaratilgan chora-tadbirlarning amalga oshirilishidagi o‘quv rejalari va asosiy o‘quv dasturlari XX asrning 30-50-yillari oralig‘ida kechgan jarayonlar orqali qisqa o‘rganilgan.

Tayanch so‘zlar: *tarix fani, o‘quv dasturi, o‘quv reja, hukmron mafkura, O‘zbekiston tarixi, o‘quv soatlari, ta‘lim jarayoni.*

**ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ В 30-50-Е ГГ. XX ВЕКА
О ПРОГРАММЕ И ЕЕ СОДЕРЖАНИИ**

Аннотация. В данной статье изучаются образовательные планы и основные образовательные программы в реализации мер в недавнем прошлом Узбекистана, направленных на преподавание истории и привитие ее сущности людям в обществе через процессы, происходившие в период 30-50-х годов 20 века.

Ключевые слова: *история, учебная программа, доминирующая идеология, история Узбекистана, учебные часы, учебный процесс.*

**ABOUT THE CURRICULUM OF HISTORY SUBJECT AND ITS CONTENT
IN THE 30-50S OF THE XX CENTURY**

Annotation. In this article, in the recent past of Uzbekistan, the educational plans and main educational programs in the implementation of measures aimed at teaching history subject and inculcating its essence into people in the society are briefly studied through the processes that took place between the 30s and 50s of the 20th century.

Keywords: *history, curriculum, dominant ideology, history of Uzbekistan, study hours, educational process.*

Tarixdan ma‘lumki, fanlarning rivojlanishi va uning jamiyatdagi kishilar tomonidan o‘qib o‘rganilishi turli tarixiy bosqichlarda ilmiy bilimlarning taraqqiyoti uchun xizmat qilib kelgan. O‘zbekistonning XX asr tarixida fanlar tizimida tarix fanining o‘qitilishi va uning mazmun-mohiyatidan kelib chiqqan holda kishilar tafakkuriga ko‘rsatgan ta‘sirini tahlil qilish esa muhim hisoblanadi. Har qanday ta‘lim jarayoni amalga oshirilishi va uning tizimli tarzda rivojlanishi, albatta, uning davr talabi va ehtiyojidan kelib chiqqan holda tasdiqlangan o‘quv reja hamda o‘quv dasturlari asosida olib borilishi bilan chambarchas bog‘liq hisoblanadi.

O‘zbekiston ta‘lim tizimi tarixining yaqin o‘tmishida ta‘lim jarayonlarini tashkil etish va ularning mazmun mohiyatidan kelib chiqqan holda tadqiq qilish sovet davrida amalga oshirilgan ta‘lim jarayonlarining jamiyat talablaridan kelib chiqqan holda qanday shakl va ko‘rinishda amalga oshirilganligi bilan tanishish imkonini beradi.

O‘zbekistonda ta‘lim tizimi tarixidan ma‘lum bo‘ladiki, sovet davri ta‘lim bosqichlarida fanlarni o‘qitish tizimlarning shakllantirilishi va ularning mazmun mohiyatiga hukmron mafkura talabidan kelib chiqqan holda munosabatda bo‘lindi. Dastlab XX asrning 20-30-yillarida mazkur

jihatlari sovet hokimiyatining dastlabki yillaridagi xalqning ma'rifatga, fanga va milliy ma'naviyatga bo'lgan intilishi hukmron kuchlar tomonidan olib borilgan siyosati natijasida siyosiy manfaatlar yo'lga burildi¹.

Ya'ni hukmron mafkura ta'siridan kelib chiqqan holda ta'lim bosqichlarida fanlar majmuasini o'qitish olib borildi. Mazkur jarayonda eng asosiy e'tibor tarix faniga qaratildi. Tarixiy ilmiy adabiyotlardan ma'lum bo'ladiki, tarix fanining birinchi umumiy dasturi 1920-yilda nashr etiladi². Mazkur dasturda asosiy e'tibor haqiqiy tarixiy jarayonlarni o'rganishga emas, balki xalqlarning umumiy tarixi tarkibida o'rganildi. Eng avvalo aytish mumkinki, 1921-yilga kelib sovet davri maktablarida o'qitiladigan tarix fani jamiyatshunoslik fani bilan almashtirildi. Bu esa sovet davlati tarkibida bo'lgan mahalliy xalqlarni o'z tarixlaridan uzoqlashtirishdagi dastlabki qadamlardan biri bo'ldi. 1925-yilga qadar bo'lgan davrda tarix fani o'qitilgan jamiyatshunoslik fani dasturi mazmuniga ko'ra, asosan, dasturlar o'quvchilar mehnat tarixi va kishilik jamiyati rivojlanishining asosiy bosqichlari haqidagi umumiy ma'lumotlar bilan tanishtirib borilgan xolos³.

Ko'rinadiki, XX-asrning 20-30-yillarida sovet davlatida tarix faniga mafkuraviy jihatdan baho berilishi natijasida fanni o'rganish, tarixiy tadqiqotlar metodologiyasi va amaliyotiga nisbatan bir qator cheklovlar belgilangan edi. Natijada qattiq mafkuraviy nazorat sovet davlati tarkibida bo'lgan hududlarda ham iste'dodli tarix tadqiqotchilari va keng tarixiy dunyoqarashga ega bo'lgan kishilarning tarix fanini o'rganish tizimidan siqib chiqarilishiga olib kelgan edi. XX asrning 20-30-yillari tarix fani mavjud o'quv dasturlarining asosiy mazmuni tarixni o'qitish jarayonida uning mazmunida davr kishilari va o'quvchilarni g'oyaviy-siyosiy tarbiyalashda tarix fanining tutgan o'rni va ahamiyatiga alohida e'tibor berildi. Bunda asosiy e'tibor sovet hokimiyati tomonidan ilgari surilgan jamiyatda "yangi sovet kishisi"ni yaratish maqsadiga qaratildi⁴.

XX asrning 30-yillari ikkinchi yarmiga kelib ta'lim tizimidagi mavjud kamchiliklar bosqichma-bosqich bartaraf etila boshlandi. Fan majmualarining o'quv dasturida tarix mustaqil fan sifatida qayta tiklandi. Avvalgi kompleks o'quv dasturlari o'rniga fanga asoslangan o'quv dasturlari joriy etildi. Lekin yangi dasturlarda ham tarix fanini izchil o'qitish emas, balki o'tmishni ijtimoiy-iqtisodiy formatsiyalar doirasida ko'rsatish asosiy o'rinni egalladi. Darsliklarda fuqarolik tarixi berilmagan, balki ijtimoiy hodisalar shakllarining umumiy tavsifi berilgan.

1940-yillarga kelib tarix fani doirasida barqaror fan darsliklari tayyorlandi, ular boshqa tillarga, jumladan, o'zbek tiliga ham tarjima qilindi. E'tiborlisi, bu darsliklarda Rossiya tarixi bilan bir qatorda ittifoq respublikalari tarixini, jumladan, O'zbekiston tarixini yoritishga ham e'tibor berilgan.

Ikkinchi jahon urushi yillarida davr talabidan kelib chiqqan holda, o'quvchilarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalash maqsadida tarix o'qitishni birmuncha o'zgartirish talab etilar edi. Natijada 1941-1942-yillarda shakllantirilgan bir qator fan dasturlari ichida tarix fanini o'qitish bo'yicha ham yangi dasturlar ishlab chiqildi⁵.

Yangi ishlab chiqilgan darsliklar asosida esa tarix fanini o'qitish, tarix darslarini tashkil etish va uning asosiy vazifalariga qaratilgan metodik qo'llanma va ishlar yaratildi⁶.

Ikkinchi jahon urushi yillarida tarix ta'limi mazmunidagi birinchi jiddiy o'zgarishlar sodir bo'ldi. Tarixni o'qitish jarayonida o'quvchilarda insonparvarlik, vatanparvarlik, erksevarlik g'oyalarini singdirishga qimmatli hissa qo'shdilar. Bu soha vakillarining urush sharoitidagi eng muhim vazifasi xalq ommasi qalbida vatanparvarlik tuyg'ularini kuchaytirish, dushmanga qarshi nafrat, g'alabaga yuksak ishonch tuyg'ularini rivojlantirishga katta urg'u berildi. Ikkinchi jahon urushi yillarida tarix fani va uni o'qitish maktab maorif hamda oliy ta'lim tizimida mazmunan

¹ Ўзбекистон тарихи (1917-1997 йиллар). К.2. Ўзбекистон 1939-1991 йилларда. – Тошкент: О'zbekiston, 2019. – Б. 218.

² Саъдиев А. Мактабда тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 34.

³ Саъдиев А. Мактабда тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 36.

⁴ Чориев А.Х. Мустабид шўролар тузуми шароитида Ўзбекистон халқ таълими ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш: миллий-анъанавий ва шўро таълим тизимлари ўртасидаги зиддиятлар (20-30-йиллар). Тарих фан. доктори дисс... – Тошкент, 1998. – Б. 34-35.

⁵ Ўрта мактаб программалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1941. – 32 б. Ўрта мактаб тарих программаси. – Тошкент: Ўқувпеднашр, 1941. – 52 б.

⁶ Соколов Ю.А. Улуғ ватан уруши ва ўрта мактабда тарих дарсини ўқитишдаги вазифалар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1942. – 23 б.: Улуғ ватан уруши шароитида тарих дарсини ўқитиш. – Тошкент: Ўздавнашр. 1942.

o'zgarishlarga uchradi. Bugungi kunda sobiq sovet davlati tarkibida bo'lgan hududlarda olib borilayotgan zamonaviy tadqiqotlarda tarix fani holati ikki bosqichda ko'rib o'tiladi. Xususan, zamonaviy Rossiya tarixshunosligida 1941-1943-yillar birinchi bosqich sifatida yoritilgan. Tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, bu bosqichda yuzaga kelgan qiyinchiliklarni bartaraf etish chora-tadbirlari amalga oshirilgan. 1943-1945-yillar davri ikkinchi bosqichda esa dars jarayonlarida barcha tarbiyaviy ishlarining sifatini oshirish, o'quv jarayonida sinfdagi o'quvchilarda mehnat intizomi va tartibni mustahkamlash asosiy vazifa bo'ldi¹.

Mazkur yillar davomida tarix fani jamiyatdagi asosiy fanga aylanib bordi. Maktab va oliy ta'lim tizimida tarix fanini o'qitishni yangi bosqichga olib chiqish zarur deb topildi. Natijada ta'lim muassasalarida o'quvchilar vositasida tarbiyaviy maqsadiga aylangan vatanparvar, o'z mamlakati va uning ozodligi va mustaqilligini oxirigacha himoya qilishga tayyor bo'lgan qat'iyatli, tashabbuskor, jasur yoshlarni shakllantirish tarix fanining asosiy maqsadi va vazifasiga aylandi.

O'quv dasturlarining tarkibidagi o'zgarishlar tarix fani bo'yicha o'qitiluvchi soatlarning kamayishiga olib keldi. Masalan, 7-sinflarda Konstitutsiya darslari haftasiga bir soatga, tarix fani soati esa haftasiga 0,5 soatga qisqartirildi. 1940-1941-o'quv yilida o'rta maktabda tarix fanini uchun haftasiga 26,5 soat ajratilgan bo'lsa, ikkinchi jahon urushi yillarida 22 soat ajratildi. Tarix va boshqa fanlardagi o'quv soatlarning bunday tarzda qisqartirilishi harbiy mashg'ulotlar olib boruvchi o'quv tayyorgarlik uchun soatlarning ko'paytirilishi zarurati bilan bog'liq edi².

Ikkinchi jahon urushi kechayotgan bir davrda yuzaga kelgan tarixiy jarayonda ijtimoiy hayotning aks etishi ushbu davrda yaratilgan badiiy asarlarda ham o'z ifodasini topdi. Xususan, o'zbek adabiy tanqidchiligi bilan bog'liq ilmiy adabiyotlarda yangi bir tushuncha "Adabiy tanqidda davr va yangi qahramon obrazi"ning kirib kelganligi keyingi davrda nafaqat adabiy balki tarix fani va uni o'qitish jarayonida ham hal qiluvchi ahamiyat kasb etdi. Ushbu davr tarixiy mavzularini anglash va tushunib yetish "o'tmish – bugun – kelajakni bir fokusga jamlay olish; tabiat – jamiyat – shaxsni mushtarak aks ettirish" to'g'risidagi fikrlarda o'z aksini topdi³.

Mazkur davrda tarix o'qitish jarayonida yosh avlodni harbiy vatanparvarlik tarbiyasini yuqori saviyada olib borishni taqozo etar edi. Shu bois tarix o'qituvchilari o'zlarining pedagogik faoliyatlarida o'quvchilarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning eng samarali yo'llarini qo'llashni, o'quvchilarda ona Vatanga sadoqatlik ruhida tarbiyalashning turli metod va vositalarini qo'llashda katta amaliy ishlar olib bordilar⁴.

XX asrning 50-yillariga kelib davr talablari asosida tarix fani dasturlarining vazifalari va funksiyalari, hamda mazmuni ham birmuncha yangilandi. Ta'lim sohasida asosiy e'tibor ta'limni politexniklashtirishga qaratildi. 1950-yillarning ikkinchi yarmidan boshlab mamlakatda siyosiy tuzumning o'zgarishi tarix fani va uni o'qitish jarayonlari bilan birga mazmun-mohiyatiga ham o'zgarishlar olib kirdi. 1959-yilda O'zbekiston SSR Oliy Kengashi "O'zbekistonda maktabning hayot bilan aloqasini mustahkamlash va xalq maorifini rivojlantirish to'g'risida"gi qonunni qabul qildi⁵. Uni amalga oshirish jarayonida gumanitar fanlar, jumladan, tarix fanlari bo'yicha dars soatlari sezilarli darajada qisqartirildi. Yangi darsliklarda tarixga oid, ayniqsa, milliy respublikalar tarixiga oid ko'plab muhim materiallar olib tashlandi. Natijada, "SSSR tarixi" mavzusi yana faqat Rossiya tarixidagina iborat bo'la boshladi.

Xulosa qilib aytganda, sovet davrida tarix fani va uning o'qitilishi bilan bog'liq jihatlarini birgina maqolada to'liq ochib berishning imkoni yo'q. Zero, tarixiy nuqtayi nazardan XX asrning 20-50-yillari tarix ta'limi sohasida yuz bergan o'zgarishlar o'zidan avvalgi va keyingi davrda ham bunday ko'rinishda kechmagan. Ma'lum bo'ladiki, tarix fanini fan sifatida o'qitishning to'xtatib qo'yilishi hukmron davlatning ta'lim va ayniqsa tarix fani borasidagi siyosatini yaqqol ko'rsatib turadi.

¹ Эмирова Л.Д. Государственная политика и практика школьного исторического образования в России в 1930-х – начале 1950-х годов. Астрахан. 2009. – 54-55.

² Samarqand viloyat davlat arxivi. Fond-942, op. 4, d. 318, v10.

³ Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. Икки томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 209-210.

⁴ Гаффаров Я.Х. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ishonchli hamkor, 2021. – Б. 22-23.

⁵ Арслонзода Р.А. Введение в специальность. – Фергана: Classic, 2021. – С. 127.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Эмирова Л.Д. Государственная политика и практика школьного исторического образования в России в 1930-х - начале 1950-х годов. Астрахан. 2009. – 54-55.
2. Samarqand viloyat davlat arxivi. Fond-942, op. 4, d. 318, v10.
3. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 209-210.
4. Гаффоров Я.Х. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ishonchli hamkor, 2021. – Б. 22-23.
5. Арслонзода Р.А. Введение в специальность. – Фергана: Classic, 2021. – С. 127.

Nashrga prof. O. Bo‘riyev tavsiya etgan

MUSTAQILLIK YILLARI TARIXSHUNOSLIGIDA XORAZMDA SOVET HOKIMIYATI O‘RNATILISHI MASALASI: MUNOSABAT VA TALQINLAR

Raximov N. Sh. (TDO‘TAU)

Annotatsiya. O‘ttiz yildan ortiq davrni o‘z ichiga oluvchi mustaqillik yillarida nashr qilingan O‘zbekiston tarixiga bag‘ishlangan monografiyalar, darsliklar va o‘quv qo‘llanmalarda XXShJ tarixi, Xorazm jadidlari, “Yosh xivaliklar” partiyasi faoliyati kabi masalalar alohida paragraf va boblarda berilganining o‘ziyoq bu mavzuga katta e‘tibor qaratilayotganini ko‘rsatib turibdi. Chunonchi, 1920-1924 yillar qariyb uch ming yillik tarixga ega o‘zbek davlatchiligining ajralmas bir qismi sifatida necha ming yillar mobaynida saqlanib kelayotgan Xorazm vohasidagi an‘anaviy davlatchilik mutlaqo boshqa bir davrga qadam qo‘yib, yangi tarixiy jarayonlar boshlangan bir davr sifatida mamlakatimiz tarixida o‘ziga xos o‘rin tutadi. Maqolada mustaqillik yillaridagi ushbu masalaga yondashuvlar tahlil qilingan.

Tayanch so‘zlar: *Xorazm, Xorazm Xalq Sho‘rolar Jumhuriyati (XXShJ), Oktabr inqilobi, “Yosh xivaliklar”, qizil armiya, bolshevik.*

THE ISSUE OF THE ESTABLISHMENT OF SOVIET AUTHORITY IN KHOREZM IN THE HISTORIOLOGY OF THE YEARS OF INDEPENDENCE: ATTITUDE AND INTERPRETATIONS

Annotation. Coverage of such issues as the history of the Khorezm People's Soviet Republic (jumhuriyat), the activities of the Jadids of Khorezm, the Young Khivan party in individual paragraphs and chapters of monographs, textbooks and teaching aids dedicated to the history of Uzbekistan and published during the years of Independence for more than thirty years shows that a lot of attention is being paid to this topic. In particular, in 1920-1924, as an integral part of Uzbek statehood with an almost three-thousand-year history, traditional statehood in the Khorezm oasis, preserved for several dozen centuries, stepped into a completely different era and occupies a special place in the history of our country as the period of the beginning of new historical processes. The article analyzes approaches to this issue during the years of Independence.

Key words: *Khorezm, Khorezm People's Soviet Republic, October Revolution, “Young Khivans”, Red Army, Bolshevik.*

ВОПРОС ОБ УСТАНОВЛЕНИИ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В Хорезме В ИСТОРОЛОГИИ ГОД НЕЗАВИСИМОСТИ: ОТНОШЕНИЕ И ИНТЕРПРЕТАЦИИ

Аннотация. Освещение таких вопросов, как история Хорезмской Народной Советской республики (джумхурията), деятельность джадидов Хорезма, партии «Младохивинцев» в отдельных параграфах и главах монографий, учебников и учебных пособий, посвященных истории Узбекистана и изданных в годы Независимости в течение более тридцати лет, показывает, что данной теме уделяется большое внимание. В частности, в 1920-1924 годах как неотъемлемая часть узбекской государственности с почти трехтысячелетней историей традиционная государственность в Хорезмском оазисе, сохранившаяся на протяжении нескольких десятков столетий, шагнула в совершенно иную эпоху и занимает особое место в истории нашей страны как период начала новых исторических процессов. В статье анализируются подходы к этому вопросу в годы Независимости.

Ключевые слова: *Хорезм, Хорезмская Народная Советская Республика, Октябрьская революция, «Молодая Хива», Красная Армия, Большевик.*

Avvalo shuni aytib o‘tish kerakki, 1873-yildan to 1920-yilgacha bo‘lgan qariyb yarim asrlilik bir davr mobaynida Xiva xonligi, garchi Rossiya imperiyasi yarim mustamlakasiga aylanib qolgan bo‘lsa-da, muayyan bir darajada qadimiy davlatchilik an‘analarini saqlab qolgan, o‘z navbatida bu

an'analar mahalliy xalq tomonidan qadrlanar edi. Shunday bir vaziyatda xonlik hokimiyatining ag'darilib, uning o'rnida birmuncha "begona" siyosiy tuzumning o'rnatilishi ko'pchilik uchun noodatiy hol sifatida ko'rilgan bo'lib, aholining barcha toifasi tomonidan yangi hukumatning qabul qilinishini sovetlar mafkurasi tushuntirganidek "xalqning azaliy orzusi" deb baholash har doim ham o'zini oqlavermaydi.

Mustaqillik davrida XXShJ tarixiga tegishli ilmiy izlanishlar va chop etilgan tadqiqotlarni shartli ravishda quyidagicha bosqichlarga bo'lish mumkin:

– *birinchi bosqich*: O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining dastlabki yillaridagi tadqiqotlar. Bu bosqich nisbatan tadqiqotchilar safining ozligi, sobiq sovet mafkurasidan holi yangicha yondashuvlarning shakllana boshlashi, tarixiy voqeliklarga sinfiylik nuqtayi nazaridan emas, tarixiy realizm tamoyillari asosida baho berish kabi jihatlari bilan xarakterlanadi. Shu bilan birga, bu davr tarixshunosligida ilmiy nashrlar bilan birga ilmiy-ommabop, ya'ni publitsistika yo'nalishi ustuvorlik qiladi;

– *ikkinchi bosqich*: XX asrning so'nggi yillarida amalga oshirilgan tadqiqotlar. Bu davr, ya'ni 1995-yildan 2000-yilgacha olib borilgan izlanishlarning ko'lami ancha keng bo'lib, XXShJ tarixi bo'yicha bir qator maxsus ilmiy tadqiqotlar [1] nashr yuzini ko'rgani, bu mavzuda shug'ullanuvchi izlanuvchilarning salmog'i oshgani va mavzularning xilma-xillik kasb etishi bilan diqqatni o'ziga jalb qiladi;

– *uchinchi bosqich*: Bu bosqichni shartli o'laroq 2000-2017-yillar orasi deb belgilash mumkin. Ushbu bosqichda XXShJ tarixi bo'yicha butun bir mutaxassislar jamoasi shakllandi, desak mubolag'a bo'lmaydi. Birinchidan, bu davrda Xorazm vohasining XIX asr oxiri – XX asrning ilk choragi tarixi bo'yicha o'nlab ilmiy izlanishlar – nomzodlik dissertatsiyalari himoya qilingani bilan ko'zga tashlanib tursa, ikkinchidan, tadqiqotlarning turli – tumanligi va anchagina teranlik kasb etishi bilan xarakterlanadi;

– *to'rtinchi bosqich*: 2017-2020-yillarda amalga oshirilgan va hozirgi kunda ham davom etayotgan bu bosqich mustaqillikning dastlabki o'n yilliklarida qo'lga kiritilgan ilmiy yutuqlarning muayyan bir davomi bo'lishi bilan birga o'sha yillarda yo'l qo'yilgan biryoqlamali yondashuvlardan voz kechish, voqeliklarni o'rganayotganda hissiy yondashuvlarga yo'l qo'ymaslik, sovet tarixshunosligida qo'lga kiritilgan yutuq va yangiliklarni e'tirof etish kabi jihatlari bilan ajralib turadi.

Mustaqillikning dastlabki yillarida XXShJ tarixi bo'yicha nashr qilingan tadqiqotlarning ko'pchiligida vohadagi ma'rifatparvar ziyolilarning faoliyati, ularning o'z oldiga qo'ygan maqsadi, umuman olganda, mafkuraviy qarashlari ko'proq Turkiston o'lkasi doirasida olib o'rganilgan bo'lib, ayrim o'rinlarda Xorazmda yuz bergan jarayonlarning Buxoro Xalq Sovet Respublikasi (1920-1924) bilan solishtirilgan holda tadqiq etilgani ko'zga tashlanadi [2]. Shuningdek, bu davrda "Yosh xivaliklar" harakatining aynan qanday omillar ostida o'rtaga chiqqani, ichki va tashqi ta'sirlar, jahondagi mafkuraviy o'zgarishlarning, xususan, Rossiya, Turkiya, Eron va boshqa Sharq davlatlarida yuz bergan ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning Xorazm vohasida qanday yo'llar bilan o'z ifodasini topganligi kabi masalalarga ham e'tibor qaratildi.

XXShJning ijtimoiy-siyosiy tarixiga yangicha yondashuvlar O.Sultonovning maqolasida o'z aksini topib, tadqiqotchi birinchilardan bo'lib, bu masalada Sovet davridan beri davom etib kelayotgan talqinlarga munosabat bildirdi [3]. Mavzuga shu yo'sinda yondashuvchilar safi kengayib, 1990-yillar boshida yana bir qator maqolalar e'lon qilindi va ularda "Yosh xivaliklar" harakatiga ijobiy baho berish holati kuchaydi. Jumladan, J. Toshqulov, K. Abdullaev kabi tarixchilar bu masalani yangicha munosabat bilan yoritdilar [4].

P.Yusupovning xotiralarini nashrga tayyorlagan tarixchi M. Matniyazov bu voqeliklarga quyidagicha ta'rif beradi: "Bolsheviklar o'z istilosini dunyo ommasidan yashirish uchun Xiva xonligidagi voqeliklarni "Xorazm xalq inqilobi" deb e'lon qildilar. Aslida, Xorazmda tom ma'nodagi xalq inqilobi yuz bermagan edi. Aksincha, bolsheviklar tomonidan muxolifatchi kuchlar bo'lmish "Yosh xivaliklar"ning yordami bilan hukumat to'ntarishi amalga oshirilgan edi, chunki bu harakatga xalqning ko'pchilik qismi qo'shilmagan, faqatgina xonlik tuzumidan norozi bo'lgan oz miqdordagi odamlar bu harakatga qo'shilgan edi. To'ntarishni amalga oshirgan asosiy

kuch bolsheviklar va ularning harbiy qismlaridir. “Yosh xivaliklar” esa xon tuzumini ag‘darib, demokratik davlat qurish uchun ularni qo‘llab-quvvatlashgan” [5; 28].

Bu ta’rif ham sovet targ‘ibot usullarini ko‘rsatib berish, ham mustaqillik davri O‘zbekiston tarixchilarining XXShJ tarixiga qanday yondashayotganliklarini tushunib olish jihatidan muhim ahamiyatga ega.

Mustaqillikning dastlabki o‘n yilligida, ya’ni o‘tgan asrning so‘nggi yillarigacha bo‘lgan davr mobaynida amalga oshirilgan XXShJ tarixiga to‘g‘ridan to‘g‘ri va bilvosita aloqador tadqiqotlarga nazar tashlaydigan bo‘lsak, bu sohada olib borilgan izlanishlarning ko‘lami yanada ortganligi ko‘rinadi [6]. Bu davrda bir qator soha mutaxassislari yetishib chiqib, ular o‘z tadqiqotlariga arxiv materiallarini jalb etish va muammoni yoritishda “og‘zaki tarix” usuliga murojaat qilish orqali muayyan ilmiy yutuqlar qo‘lga kiritilgani diqqatga sazovordir. Ayniqsa, bir qator mahalliy tarixchi, adabiyotchi va boshqa ijtimoiy gumanitar soha mutaxassislari XXShJ tarixini nafaqat yozma manba va arxiv materiallari negizida, balki 1920-yillarda yuz bergan siyosiy voqeiklarga to‘g‘ridan to‘g‘ri guvoh bo‘lgan shaxslardan og‘zaki materiallar yig‘ish orqali ham izlanishlar olib borilgan ko‘zga tashlanadi. Ular orasida B. Qo‘shchanov [7], M.A. Qarlibaev [8], R.X. Sapaev [9], Sh. Saidov [10], N.T. Polvonov [11], A.A. Paradaev [12] kabi tadqiqotchilarning izlanishlarini alohida keltirib o‘tish mumkin.

Mustaqillik yillarida XXShJga doir tadqiqotlarning sovet davri tadqiqotlaridan farqli tomonlaridan biri bu – keng ko‘lamli va barcha siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy sohalarini qamrab olganligidir.

XXShJ tarixini uning tashqi siyosati va savdo aloqalari misolida o‘rgangan Sh. Saidovning fikricha, Xiva xonligining qulatilishi va uning o‘rnida yangi davlatning barpo etilishi quyidagi omillar natijasida amalga oshirildi:

– Isfandiyorxon hokimiyati davrida (1910-1918) va Junaidxon tomonidan (1918-1920) xonlik boshqaruvining egallab olingan paytlarda xonlikda mustabid, xalqqa qarshi boshqaruv shakli o‘rnatildi. Xonlikdagi bunday zulmkor tuzum shart-sharoitlari ostida ma’rifatparvar, demokrat jadidlarning shakllanishiga olib keldi;

– Oktabr to‘ntarishidan keyin Xiva xonligi sovet hokimiyati qurshovida qoldi. Xonlik ichkarisida Junaidxon mustabid tuzumi o‘rnatilgach, jadidlar tazyiq ostiga olindi. Xonlik tuzumiga qarshi bo‘lgan “Yosh xivaliklar” va turkman qabilalarining bir qator boshliqlari sovet hokimiyati qo‘l ostidagi Turkistondan siyosiy boshpana topdilar. RSFSRning kommunist rahbarlari bunday ahvoldan foydalanib qolishga va Xivada sovet hokimiyati o‘rnatish uchun inqilobiy harakatlarni yo‘naltirishga urindilar;

– Qizil armiya Xiva xonligini egallashi natijasida xonlik tuzumi tugatildi va uning o‘rnida XXShJ tashkil topdi. Ayni vaqtda “Yosh xivaliklar”dan iborat milliy hukumat shakllandi. Milliy demokratik kuchlar o‘z irodasi bo‘yicha siyosat olib borishga intildilar, jadidlarning ideali bo‘lgan demokratik jamiyat qurishga kirishdilar. Biroq Qizil armiyaning harbiy bo‘linmalariga tayanib ish tutgan RSFSRning bolshevik hukumati Xorazm davlatini sovetlashtirish harakatida bo‘ldi;

– milliy hukumat markazdan kuchli bosim o‘tkazilishiga qaramay ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal etish, madaniy qurilishlarni milliy manfaatlarga mos ravishda olib borishga kirishdilar. Qanchalik murakkab sharoitlar bo‘lsa-da, yosh Xorazm Respublikasining hukumati xalq manfaatlarini uchun har qanday imkoniyatlardan foydalanishga va milliy davlatchilikni kuchaytirish uchun kurash olib bordilar [13; 22-23].

Sovet davrida barcha sohalarida bo‘lgani kabi tarixiy voqeiklarni o‘z mafkurasiga singdirgan holda ommani o‘tmishga sinfiylik nuqtayi nazaridan qarashni targ‘ib qilish uchun badiiy asarlardan foydalanish keng yo‘lga qo‘yilgan edi. Bu holat XXShJ tarixi bo‘yicha yozilgan tarixiy asarlardagina emas, tarixiy roman va qissalarda ham o‘z ifodasini topgan. XX asr sovet va mustaqillik yillari o‘zbek adabiyotida Xorazm tarixining yoritilishiga to‘xtalgan N. Mustafaeva bu masalada qisqacha bo‘lsa-da, XXShJ misolida e’tibor qaratadi [14; 397-401]. Tadqiqotchining yozishicha: “XX asrning sovet va mustaqillik davrlarida Xorazm tarixi aks etgan bir qator asarlar yaratildi. Sovet davrida yaratilgan badiiy asarlarda Xorazm tarixining 20-yillariga murojaat ustuvorlik qilgani kuzatiladi. Bu bejiz emas edi. Chunki, o‘tmishni “qoralash” orqali sovet voqeligini ulug‘lash masalasiga katta e’tibor berilgan. Shu o‘rinda Jumaniyoz Sharipovning 1960–

1977 yillarda arxiv materiallari va voqealarni ko'rgan kishilar bilan suhbat asosida yozilgan "Xorazm" tarixiy epopeyasi haqida to'xtalish o'rinli. Garchi munaqqid (tanqidchi) Akram Kattabekov "Xorazm" romani badiiy asarlardan ko'ra ko'proq "hujjatlar papkasi"ni eslatishi"ni aytsa-da, fikrimizcha, asarda o'lkada 1920-yilgacha bo'lgan ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy hayot, Xorazm Xalq Respublikasining tashkil etilishi va 1924-yillar so'nggi davrigacha bo'lgan tarixiy voqeliklar aniq faktlar asosida o'z aksini topgan, deb aytish mumkin" [15; 398].

Demak, XXShJ tarixini fanlararo yondashuvlar asosida tahlil etish dolzarb vazifalardan biri sanaladi.

So'nggi yillardagi tadqiqotlardan biri D. Alimovaning "Xorazm Respublikasi konstitutsiyalarida hokimiyat va boshqaruv tizimining aks etishi" nomli maqolasida Xorazm Xalq Sho'rolar Jumhuriyati konstitutsiyalari tarixi, XXShJda qabul qilingan konstitutsiyalarda boshqaruv tuzilmasi haqidagi sahifa va moddalari alohida tahlilga tortilgan. D. Alimova XXShJ konstitutsiyalariga shunday baho beradi: "Xorazm Xalq Sovet Respublikasining to'rt yillik faoliyati davomida uning konstitutsiyasiga to'rt marta o'zgartirish kiritiladi. Aslida, har bir o'zgartirish bilan hukumat yangi konstitutsiya qabul qiladi. Ularni batafsil ko'rib chiqish bolshevik mafkuraning qonun bilan tasdig'ini va joriy etilishini ko'rsatadi" [16; 398]. Bu tadqiqotning yana bir ahamiyatli jihati shuki, birinchi marta XXShJda qabul qilingan konstitutsiyalar qiyosiy tahlil qilinib, farqli jihatlari ko'rsatib beriladi. Maqolada asosiy urg'u 1920-yilda qabul qilingan XXShJ birinchi konstitutsiyasi va 1923-yilda qabul qilingan konstitutsiyaga berilgan. Chunki, ushbu konstitutsiyalar Xorazm Xalq Sho'rolar Jumhuriyati tarixida juda katta o'zgarishlarga qonuniy asos bo'lib xizmat qilgan. Shuningdek, D. Alimova tomonidan yaqin yillarda e'lon qilingan bir qator ilmiy maqolalarda ham XXShJ tarixi bilan bog'liq bir qator yangi qarashlar bildirilgani ko'zga tashlanadi. Tadqiqotchi Turkiston, Buxoro va Xorazm jumhuriyatlari tarixiga doir qariyb yuz yil davomida amalga oshirilgan asosiy tadqiqotlarni tarixshunoslik nuqtayi nazaridan ko'rib chiqib, ularga o'zining yangicha munosabatini bildirib o'tgan [17; 264-291].

Mustaqillik yillarida olib borilgan XXShJ tarixiga oid ilmiy izlanishlar bir-birini to'ldirib, ularning ko'pchiligida asosiy e'tibor yangi davlat tashkil topishi va Xiva xonligining ag'darilishidagi bosh omillar, XXShJning hukumat tarkibi, "Yosh xivaliklar"ning siyosiy, iqtisodiy, madaniy, ma'rifiy sohalaridagi faoliyatlari, Xorazmda "bosmachilik" harakati, hukumat a'zolari va boshqa davlat arboblarning taqdiri kabi masalalar alohida tadqiqot obyekti sifatida o'rganilganligi bilan qimmatlidir.

Bu davrda eskicha yondashuvlardan voz kechilib, masalaning tub mohiyatini haqqoniy yoritishga harakat qilinishi natijasida XXShJ rahbariyat mintaqadagi qiyin vaziyatga qaramay milliy manfaatlarini amalga oshirish uchun intilganliklari, RSFSR hukumati bilan aloqalarni ham imkon qadar teng shartlar ostida olib borishga harakat qilganliklari jamoatchilikka yetkazildi. Xorazmlik millatparvar ziyolilarning bu kabi milliy istak-xohishlari Moskvadagi kommunist rahbarlarga yoqmagani va keyinchalik bu XXShJ hukumati vakillarining birin-ketin surgunlarga yuborilgani yoki jismoniy tomondan yo'q qilinganligiga doir bir qator monografiya va risolalar chop etilgani mustaqillik davri tarixshunosligining katta yutug'i bo'ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Маткаримов М. Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иктисоди. – Урганч: 1993. – 80 б.
2. Тошқулов Ж. Ёш хиваликлар сиёсий қарашларининг тадрижий ривожланиши // Халқ ва демократия. – 1992. – №3-4. – Б. 55-61.
3. Султонов О. Хоразм инкилоби ҳақида янги ақида // Хоразм ҳақиқати. 1992, 14 март.
4. Ташқулов Дж. Молодохивинцы: эволюция политических взглядов // Народ и демократия. – 1992. – № 3-4. – С.55-61.
5. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). – Тошкент: Фан, 1994, 1-қисм. Миллий давлатчилик масаласи тарихшунослиги. – Б. 80-104.
6. Кошанов Б. Большевики в Туркестане (1918-1922 гг.). Доктрина и реальность: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – М., 1992. – 38 с.
7. Карлыбаев М.А. История народного образования в Каракляпии в XIX – нач. XX вв.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1995. – 22 с.

8. Сапаев Р.Х. История создания и развития Казахско-Каракалпакской автономной области в составе Хорезмской республики (1920-1925 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1999. – 26 с.
9. Саидов Ш. Внешние отношения и торговые связи Хоразмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 26 с.
10. Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924 йиллар): Тарих фан. ном... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.
11. Пардаев А.А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти: Тарих фан. ном ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2012. – 25 б.
12. Саидов Ш. Внешние отношения и торговые связи Хоразмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – С. 22-23.
13. Мустафаева Н.А. XX аср совет ва мустақиллик йиллари ўзбек адабиётида Хоразм тарихининг ёритилиши // Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. – Тошкент – Урганч, 2019. – Б. 397-401.
14. Мустафаева Н.А. XX аср совет ва мустақиллик йиллари ўзбек адабиётида Хоразм тарихининг ёритилиши ... Б. 398.
15. Алимова Д. Отражение системы власти и управления в конституциях Хорезмской республики // Ўзбекистон тарихи. – 2020. – №1. – С. 38.
16. Алимова Д. Историография проблемы построения национально-демократического правового государства в 1917 – 1920 гг. в Туркестане, Бухаре и Хиве / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. – Ташкент. – Navro‘z, 2018. – С. 264-291.

Nashrga prof. O.Bo‘riyev tavsiya etgan

XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИДА ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИ

Ахмедова З. (Ўзбекистон-Финландия педагогика институти)

Аннотация. Мазкур мақолада XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти демографик жараёнларида оила ва никоҳ муносабатлари тарихий адабиётлар ва илмий тадқиқот материаллари асосида ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *оила, никоҳ, анъанавийлик, замонавийлик, Ўрта Осиё, Туркистон, Фарғона, Самарқанд, аҳоли, ижтимоий ҳаёт.*

СЕМЕЙНО-БРАКОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ В ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Аннотация. В данной статье на основе исторической литературы и материалов научных исследований освещены демографические процессы, семейно-брачные отношения Самаркандской области во второй половине XIX - начале XX века.

Ключевые слова: *семья, брак, традиционализм, современность, Средняя Азия, Туркестан, Фергана, Самарканд, население, общественная жизнь.*

FAMILY AND MARRIAGE RELATIONS IN THE DEMOGRAPHIC PROCESSES OF SAMARKAND REGION IN THE SECOND HALF OF THE 19TH CENTURY - THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

Annotation. This article based on historical literature and scientific research materials, highlights the demographic processes of the Samarkand region in the second half of the 19th - early 20th centuries, family and marriage relations.

Key words: *family, marriage, traditionalism, modernity, Central Asia, Turkestan, Fergana, Samarkand, population, public life.*

Тарихдан маълумки, оила ва никоҳ муносабатлари ўзбек халқи миллий қадриятларининг ажралмас бир қисми сифатида миллий маданиятнинг асосий мезонларидан бири сифатида ривожланиб, тараққий этиб келган. Оила ва никоҳ жамиятнинг асосини ташкил этувчи бирлик

сифатида инсонларнинг тафаккурида одоб ва ахлоқ, берилган сўзга садоқат, меҳмондўстлик, дўстликни кадрлаш, таълим-тарбия ривожда муҳим ўрин тутиб келади.

Туркистон ўлкаси халқлари ижтимоий ҳаётида оила ва никоҳ муносабатлари жамият тараққиётида аниқ англаш мумкин бўлган ҳодиса бўлиб, тарихчи олимлар томонидан унинг аниқ бир таърифи ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамасдан, оила ва никоҳ муносабатлари тушунчаси барча тилларда мавжуд оила ҳақидаги умумий ижтимоий фикрни ифода этади. Фикр мавжуд, аммо ҳар бир тил у орқали ҳар хил нарсани тушунади. Тадқиқот жараёнида турли илмий фанларнинг тиллари учун энг кўп ишлатиладиган илмий тушунча эса оила сўзи билан ифодаланганлигини англаш мумкин. Тарихий илмий доираларда оила ва никоҳ муносабатлари тараққиётини белгилаш жараёнида олимлар томонидан бир қанча замонавий илмий хулосалар эълон қилиниб келинмоқда. Хусусан, 1926 йилда Москвада ўтказилган оила ва никоҳ муносабатларининг ривожланишига бағишланган IV конференцияда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан олдин олимлар ва иқтисодчи таҳлилчилар оилани иқтисодий ёки биологик бирлик сифатида белгилаш нуқтаи назаридан баҳс олиб борган эди¹.

Илмий тадқиқотларда оила ва никоҳ тушунчаси ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа жараёнларни бутун жамият ёки шахс даражасида эмас, балки жамиятни шу шахс билан боғловчи бирлик даражасида кўриш учун объект сифатида фойдаланилди. Бу оиланинг эмпирик қиймати уни қиёсий тадқиқот учун фойдали бўлиш билан бирга уни бошқа фанлар билан қиёсий таҳлил қилиш имконини беради. Оила унинг жамият ва шахс ўртасидаги мавқеини, шунингдек, тарихий ўлчами ва замонавий долзарблигини тадқиқ қилиш ёндашувлар нафақат тил ва фанлар нуқтаи назаридан, балки вақт ва макон нуқтаи назаридан ҳам фарқланди².

Маҳаллий аҳолининг бу каби азалий қадриятлари кўпгина сайёҳ олимларнинг қайдларида келтириб ўтилади. Хусусан, А.Вамбери ҳам ўз эсдаликларида “Ўрта Осиё халқлари урф-одатларининг юксак даражадаги мақтовга сазовор томонлари шундаки, уларда ўз миллий характериغا эга ажойиб фазилатлар қатъият билан сақланган”-дея қайд этиб ўтади³.

XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд вилоятининг демографик ҳолатини белгилашда бу ерда кечган оила ва никоҳ муносабатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқ этилаётган даврда Самарқанд вилоятида оила ва никоҳ муносабатлари узоқ даврлардан буён маҳаллий аҳоли ижтимоий ҳаётида мавжуд бўлган тартиблар асосида давом этган. Маълумки, оила ва никоҳ муносабатлари Туркистон ўлкасида ислом анъаналари ва шариат қонун-қоидалари асосида тартибга солинган. Бугунги кунга қадар амалга оширилган турли даврга тегишли бўлган илмий адабиётларда Туркистон ўлкасида кечган оила ва никоҳ муносабатлари масалалари замонавий қарашлар асосида ўрганилган. Олимларнинг мазкур муаммога доир илмий-тадқиқот ишлари орқали Туркистон ўлкаси ва унинг таркибида бўлган тарихий ҳудудларнинг жамиятда оилавий ҳуқуқий муносабатлар масалалари ҳақидаги кенг таҳлилларини кўриш мумкин. Шу маънода маҳаллий аҳолининг оила ва никоҳ муносабатлари масалаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш доимо олимларнинг диққат эътиборини тортган. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида ўзбек халқининг оила ва никоҳ муносабатлари ҳақида бу даврда Туркистон ўлкасида яшаган ва ташриф буюрган рус муаллифлари асарларида ҳам тўхталиб ўтилган.

XIX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб ўзбек халқининг маиший турмуш тарзи, Ўрта Осиё халқларининг никоҳдан олдинги ва никоҳ муносабатлари ва оилавий маросимларига умумий тавсиф берилган дастлабки тадқиқотлардан бири рус олими А.Д. Гребенкиннинг тадқиқоти бўлди⁴.

¹ Hirsch F., *Empire of Nations: Ethnographic Knowledge and the Making of the Soviet Union*. (Ithaca: Cornell University Press, 2005): – P. 115.

² Софи Рош. *Семья в Центральной Азии: новые исследовательские перспективы изучения*. Klaus Schwarz Verlag GmbH. – Berlin. – С. 8. (361)

³ Вамбери А. *Очерки Средней Азии*. – М. 1868, – С. 296.

⁴ Гребенкин А.Д. *Узбеки // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки*. – М. 1872.

Дастлаб Ўрта Осиё халқлари учун хос бўлган оила ва никоҳ муносабатларининг умумий характер хусусиятларига доир тадқиқотларга эътибор қаратилса, асосан “никоҳ шакли” тушунчасига урғу берилган. Яъни, Туркистон ўлкаси никоҳ муносабатларининг “табиати” ҳам анъанавий турмуш шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилган. Шу маънода тадқиқ этилаётган даврда Самарқанд вилояти аҳолиси ўртасида ҳам никоҳ муносабатларининг “жуфтлик никоҳи” ёки “кўп хотинлилик никоҳи” каби кўринишларини учраб турган¹.

Самарқанд вилоятининг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилганидан кейин унинг худудида аста-секин суд тизимининг асосини ташкил этган умум империя ҳуқуқи жорий этила бошланди. Ўлкада Россия империясининг қонунчилиги асосан мусулмон ҳуқуқи нормалари ва мусулмон фуқаролик процессуал ҳуқуқининг сиёсий бошқарув органлари талаблари асосида бир қатор институтчионал ўзгаришлар юз берди. Мазкур ўзгаришлардан асосийлари Россия империясининг манфаатлари мусулмон ҳуқуқи ва одат нормаларини тан олишни белгилаган ҳуқуқ соҳалари; мулкий масалаларни бевосита тартибга солувчи фуқаролик, оилавий, никоҳ ва мерос муносабатлари мавжуд эди².

Ўлкани ўрганган рус олимлари маҳаллий аҳолининг турмуш қуриш билан боғлиқ анъаналарини ўрганиш жараёнида Самарқанд вилоятида яшовчи маҳаллий аҳоли шароитларига хос бўлган айрим мулоҳазаларни қайд этиб ўтишади. Маҳаллий аҳолининг кўпчилик қисми ёш қизларга уйланишмаган. Аммо айрим бойлар учун бу қоидалар амал қилмаган. Маҳаллий аҳолининг айрим бой қатлами вакиллари баъзан ўндан ортик хотинлари бўлган. Баъзан эса бойларнинг вояга етмаган ўн ёшли қизларга ҳам уйланганлигини кўриш мумкин³.

Туркистон маҳаллий аҳолисининг никоҳ ва оилавий муносабатлари асосан шариат нормалари ва қисман одат (одат) қоидалари билан тартибга солинган. Бу ердаги европалик аҳоли вакиллари учун Россия империясининг қонунлар кодексида белгиланган оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида махсус фармонлар мавжуд эди⁴.

Маҳаллий аҳолининг оила ва никоҳ муносабатлари тартибга солинган одат қоидалари маҳаллий аҳолининг узок асрлардан буён фойдаланниб келаётган ижтимоий-тартиб нормалари бўлган ҳолда тадқиқ этилаётган даврда бир қатор ўзгаришларга учради. Тадқиқотчи Г.Б.Нормуродованинг таҳлилларига кўра, жамият ва фуқаролик ишларини қонун-қоидалар асосида тартибга келтириш мусулмонларнинг диний, ахлоқий, ҳуқуқий, турмуш ва урф-одатларга оид нормаларини ўз ичига олган шариат билан амалга оширилган. Шариат мусулмонлар учун фарз ҳисобланган диний қоидалардан ташқари турли хилдаги ҳуқуқлар, келишувлар, савдо, ваколатнома, суғориш, вақф, меросийлик, никоҳ ва ажрим, суд қилиш қабиларга оид тартиб-қоидалар одат тизимида мужассам бўлган⁵.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистонда оилавий муносабатларнинг тараққиётида анъана ва урф-одатлар чуқур тарихга эгадир. Оила ва никоҳ муносабатларининг тарихий илдизларига кўра, тадқиқ этилаётган даврда Туркистон ўлкасида оила ва никоҳ ҳуқуқи маҳаллий аҳолининг одат ва шариат қонун-қоидалари асосида ўз ифодасини топган эди. Туркистон ўлкасида яшаб келган туркий халқларнинг никоҳ муносабатлари тўлиқ патриархал оила тизимида боғлиқ бўлиб, унинг характерли жиҳати аёлларга нисбатан эркакларнинг ҳуқуқлари катта эканлиги, баъзан мажбурий никоҳларнинг қайд этилишида бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, ўтмишда ярим кўчманчи ўзбекларда қабила эндогамиясининг қолдиқлари бўлган: ўз қабиласи ичидаги никоҳлар афзал бўлган, қизнинг

¹ Кисляков Н. А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л. 1969. – С. 65.

² Положение об управлении Туркестанского края // Свод законов Российской Империи: В 5 кн. СПб., 1912. Кн. 1. Т. 2. URL: <http://constitutions.ru/?p=6677&page=2>.

³ Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. – М. 1872. – С. 62.

⁴ Кисляков Я. А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1969. – С. 7.

⁵ Нормуродова Г.Б. Зарафшон воҳаси аҳолиси: жтимоий-норматив муносабатлар ва уларнинг анъанавий асослари (Бухоро амириги мисолида) // Самарқанд ва Зарафшон воҳаси тарихи замонавий тадқиқотларда. Самарқанд ўқишлари – I / масъул муҳаррир: Д.Алимова. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – В. 149-150. (496).

бошқа қабилага турмушга чиқиши кораланган¹. Ҳатто А.Д.Гребенкин кўчманчи найманлар орасида ўз қабиласи ичидаги никоҳлар сақланиб қолганлигини ёзган. Фақат “Ўзбеклар ва тожиклар ўртасида узоқ вақтдан бери тузилган никоҳ амалда бўлиб (одатда, ўзбеклар тожик аёлларига уйланган). Ўрганилаётган минтақанинг шарқий қисмида дала мулклари бўлган тожик халқи узоқ вақтдан бери ўз қизларини Самарқанд аҳолисига турмушга бериб келган. Тоғ этакларида жойлашган Оқсой қишлоғи тожиклари ҳам узоқ вақт давомида атрофдаги ўзбеклар билан никоҳдан ўтган².

Анъанавий ислом урф-одатларига нисбатан бетараф бўлиб туюлганига қарамай, қонун лойиҳаси минтақанинг туб аҳолисининг оила ва никоҳ муносабатларидаги диний урф-одатлар тизимига ўзгаришлар киритди. Қонун лойиҳасининг алоҳида бўлими оила ва никоҳ масаласига бағишланди. У маҳаллий аҳоли ижтимоий ҳаётида мусулмонлар учун никоҳнинг қонунийлигини фақат никоҳ шартномасини тузишдан бошлаб ўрнатди. Никоҳ шартномасида никоҳ тузаётганларнинг исм-шарифлари, ҳар иккала эр-хотиннинг қўшган мол-мулки ва гувоҳларнинг имзолари (ҳар икки томондан иккитадан) қайд этилиши керак эди. Маҳаллий аҳолининг урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда никоҳ шартномаси тузишда муллага намоз ўқиш учун ҳозир бўлишга рухсат берилган. Аммо таъкидлаш ўринлики, бунинг ҳеч қандай қонуний аҳамияти йўқ эди. Эрининг иккинчи никоҳга киришида собиқ хотин икки баробар миқдорда маҳр (калин) олиши, ўзининг никоҳ тўловини, кийим-кечак ва никоҳда олинган барча тақинчоқларни қайтариши керак эди. Бундан ташқари, ажрашган турмуш ўртоғи никоҳда туғилган барча ёки бир нечта болаларни ўзи билан олиб кетиши мумкин эди. Шунингдек, никоҳ икки томоннинг ўзаро розилик билан бекор қилиниши мумкин эди. Шу билан бирга, мулкий масалалар ва болаларнинг тақдири судья томонидан тасдиқланган ўзаро мажбурий келишув билан ҳал қилинган эди. 1871 йилги Қонун лойиҳаси хотинга маълум шартлар асосида никоҳ шартномасини бекор қилишга рухсат берди ва никоҳ судда (қуйи судда) бекор қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар белгиланди³.

Ислом ҳуқуқида никоҳ фуқаролик шартномаси ҳисобланади ва умуман фуқаролик шартномалари қоидаларига тўлиқ бўйсунди. Никоҳ шартномаси никоҳ деб аталади. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича тадқиқ этилаётган даврда никоҳнинг ҳақиқийлиги – қуйидаги тўрт шартнинг уйғунлиги, чунончи: 1) бевосита монелик қилувчи ҳолатларнинг йўқлиги; 2) муайян шахсларнинг розилиги; 3) маҳрнинг белгиланиши; 4) расмий қоидаларга риоя этилиши билан белгиланади. Никоҳнинг биринчи босқичи - келишиш, унаштириш (хитба) бўлиб, унда куёв ўзи ёки вакили орқали келиннинг отаси, васийси ёхуд ишончли кишисига таклифини айтади. Эрининг аёлга ажратадиган мулки (маҳр) ва никоҳ шартномаси (сиға)га кирувчи бошқа шартлар ҳусусида ҳам шу вақтда келишиб олинади⁴.

Никоҳ шартномасининг учинчи шарт мусулмонларнинг турмуш қуриши ман этилган ҳолатларнинг йўқлигининг исботи эди. Никоҳнинг ҳақиқийлиги учун никоҳга кирувчи шахсларнинг тенглиги – “кафоат”, қабила, уруғ, мақом, мартаба тенглиги масаласи катта аҳамиятга эга эди⁵.

Маҳаллий аҳолининг оила ва никоҳ муносабатларидаги яна бир муҳим анъаналардан бири оилаларнинг янги уйланган фарзанди узоқ вақт бир ҳовлида ота-онаси билан яшаб келишган. Баъзан бир ҳовлида ўн нафардан ортиқ оила аъзолари ўз фарзандлари билан биргаликда истиқомат қилганлар. Бу шундан далолат берадики, аҳолининг турмушида анъана ва қадриятларнинг ўрни ниҳоятда юқори бўлиб келган. Самарқанд вилоятида ҳам

¹ Этнографические очерки узбекского сельского населения. – Москва: Наука, 1969. – С. 224.

² Гребенкин А.Д. Узбеки. Мелкие народности Заравшанского округа // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу Политехнической выставки. Вып. 2. Статьи по этнографии, технике, сельскому хозяйству и естественной истории. – М., 1872. – С. 81.

³ Васильев Д.В. Мусульманская политика Российской империи в Туркестанском и Степном генерал-губернаторствах. – М. 2015. – С. 119-120.

⁴ Komilov R.R. O'zbek xalqi nikoh munosabatlaring axloqiy estetik mohiyati va transformatsiyasi: falsafa fan doktori (DSc) disser avtoref. – Samarqand. 2023. – B. 16.

⁵ Кисляков Н.А. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларида оила ва оилавий урф-одатлар. – М., 1978. – В 63.

оила ва никоҳ муносабатлари Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудлари каби кўринишда бўлиб, куёв томони ўзининг турмуш ўртоғи учун қалин пули ва фидя каби анъанавий тўловларни тўлаган. Аммо бу одат ҳар доим ҳам қатъий белгиланган тартиб қоидаларга асосланган эмас. Яъни ёшлигидан бирга катта бўлган ҳар икки томоннинг ўзаро розилиги билан болалигидан бирга улғайган унаштирилган оила фарзандлари ҳар доим ҳам қалин пули тўламайдилар¹.

Тарихий адабиётлардан маълумки, Ўрта Осиё халқларида ўрта аср анъаналарига кўра, никоҳ ёши ўғил болалар учун ўн икки ёшдан, қизлар учун тўққиз ёшни ташкил этган. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларига келганда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида никоҳ ёши ўртача 15-17 ёшни ташкил этган. 1897 йилда амалга оширилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари маълумотларига кўра Ўрта Осиё аҳолиси таркиби бўлган 17-19 ёшдаги қизларнинг 64 фоизи аллақачон турмушга чиққан. 1897 йилги статистик маълумотларда Самарқанд вилояти бўйича жами 450719 нафар хотин-қизлар яшаганлиги келтириб ўтилади². Таққослаш учун Россия империясининг Кавказ қисмида - 53 фоиз, Россиянинг Европа қисмида - 21 фоиз қизлар турмуш қуришган³.

Маҳаллий аҳолининг аксарият эркак қисми 30-40 ёшда турмуш қуришган. 1897 йилда 15-18 ёшдаги турмуш қурган эркаклар улуши ушбу ёшдаги турмуш қурган аёлларга қараганда 10 баравар кам бўлган⁴.

Мазкур даврда оила ва никоҳ муносабатларининг яна бир хусусиятларидан бири кўпхотинлилик эди. Ўрта асрлардан сақланиб қолган анъаналарга кўра, кўпхотинлилик иқтисодий омиллар билан боғлиқ ҳисобланган. Кўпхотинлилик хусусияти ёки кўриниши асосан аҳолининг бадавлат қатламлари учун мумкин эди. Чунки бир нечта хотинларни сотиб олиш катта маблағни талаб қилар эди. Кўпхотинлилик шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг бадавлат қатламларини ифодаловчи бадавлат хонадонларга хос эди. Кўпхотинлиликнинг демографик жараёнларга таъсири кичик эди. Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудларига нисбатан Самарқанд вилояти аҳолиси ўртасида ажралишлар кенг тарқалмаган. Вилоят аҳоли ўртасида никоҳнинг бузилиши кўпинча шариат кўрсатмаларига кўра содир бўлган, ажралиш, одатда, бир томонлама бўлган, яъни 10 ҳолатдан 9 тасида эрнинг ўзбошимчалигига боғлиқ эди. Эркакни асоссиз ажралишлардан фақат мумкин бўлган моддий зарар туфайли сақлаб қолган. Оилада ажралиш содир бўлган тақдирда, у ажрашган хотинига никоҳни тузишда назарда тутилган кўчмас мулкнинг бир қисмини беришга мажбур бўлган.

Никоҳнинг бу каби муносабати унинг умумий шаклини эмас тор хусусиятини ўзида мужассам қилган ҳолда, эркакнинг мулкий ҳолати билан белгиланган. 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, турмуш қурган аёлларнинг 9-10 фоизи кўпхотинли никоҳда бўлган⁵. Бунда иккинчи ва ундан кейинги хотинлар биринчи хотинга бўйсуниб, уй хўжалигидаги барча оғир ишларни бажарган. Ажралиш пайтида эр ажралиш сабабларни кўрсатган (хотиннинг номақбул хатти-ҳаракати, уй-рўзғорни бошқаришга қодир эмаслиги, фарзанд кўриш ва тарбиялашга қодир эмаслиги, турмуш ўртоғининг ота-онасига нисбатан ҳурматсизлик ва бошқалар). Эрнинг вазлари маҳаллий судьялар томонидан синчковлик билан тингланиб ўрганилиб, кейин ажралишга рухсат берган.

¹ Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. – М. 1872. – С. 63.

² Справочник Самаркандской области на 1905 год. Выпуск. VII. Составил М.Вирский. – Самарканд: Типо-литография Г.И.Демурова. 1905. – С. 14.

³ Акрамова Э.И. Развитие воззрений в аспекте возрастных и социальных особенностей // Ижтимоий тадқиқотлар. Электрон журнал. №SI1. – Тошкент, 2022. – С. 154.

⁴ Караханов М.К. Демографические процессы в Средней Азии во второй половине XIX столетия – [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://texts.news/demografiya_1114

⁵ Караханов М.К. Демографические процессы в Средней Азии во второй половине XIX столетия. – М.: Статистика. 1977. – С. 15.

Самарқанд вилояти аҳолисининг оила ва никоҳ муносабатларида ҳуқуқий нормаларнинг намоён бўлиши ҳақида гапирганда, улар энг кўп оила ва никоҳ соҳасида мерос ва фуқаролик ҳуқуқи асосида анъанавий одат нормаларини сақлаиб қолганлигини таъкидлаш керак. Мазкур даврда оила ва никоҳ муносабатларининг ўзига хос жиҳатларидан бири никоҳ шартномасининг бекор қилиниши билан боғлиқ ҳолатларга тегишли эди. Шариат ва одат қонун-қоидаларига асосан хотин касал ҳолда турмуш бекор қилинаётган тақдирда ҳуқуқий меъёрий нормаларга кўра, эр собиқ хотинини қўллаб-қувватлаган ҳолда яшаб турган уйидан ҳайдаб чиқаришга ҳақли эмас эди¹.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилояти аҳолисининг оила ва никоҳ муносабатлари маҳаллий аҳолининг асрлар давомида шаклланган никоҳ маросимлари ва шариат қоидалари асосида олиб борилган. Миллий кадрятларнинг ажралмас қисми ҳисобланган ушбу ижтимоий муносабатлар XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар ислом дини, диний ҳамда дунёвий хусусиятларни ўзида мужассам қилган ҳолда жамият демографик ривожланишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланган. Туркистон ўлкасида шаклланган тарихий соғлом тафаккур ва соғлом турмуш тарзи миллий анъаналар замирида оила ва никоҳ муносабатларининг қурилишидаги муҳим таркиб ҳисобланган. Кўзга ташланадиги, мустамлака маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган суд-ҳуқуқ меъёрларига қарамасдан оила ва никоҳ муносабатларининг асосий тамойиллари миллий азалий кадрят сифатидаги хусусиятлари, унинг ахлоқий ва тарбиявий жиҳатлари, маҳаллий аҳолининг демографик ҳолати ва жамият тараққиётининг энг кичик бирлиги сифатидаги тарихий анъана ва хусусиятларини сиқиб чиқара олмади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Софи Рош. Семья в Центральной Азии: новые исследовательские перспективы изучения. Klaus Schwarz Verlag GmbH. – Berlin. – 361 pp.
2. Нормуродова Г.Б. Зарафшон воҳаси аҳолиси: ижтимоий-норматив муносабатлар ва уларнинг анъанавий асослари (Бухоро амирлиги мисолида) // Самарқанд ва Зарафшон воҳаси тарихи замонавий тадқиқотларда. Самарқанд ўқишлари – I / масъул муҳаррир: Д.Алимова. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – 496.

Наширға проф. О. Бўриев тавсия этган

ВЕТЕРИНАРИЯ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Халимметова Р., Менглиев Ғ. (Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали)

Аннотация. Ўрта Осиё давлатлари учун Афғонистонда тинчлик-осойишталикни асраш асосий муаммо бўлса, кейингиси иқлим ўзгариши муаммоси Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Жаҳон ОАВ Сибирь, Европа ва Америкадаги ўрмон ёнғинлари ҳақида ваҳимали, айни чоғда афсусланарли хабарлар тарқалмоқда.

Дунёдаги барча экологик ўзгариш ва ҳалокатларга аслида инсон сабабчи, сув тошқинларининг аксарияти глобал иқлим исиши оқибатидир. Бу каби муаммолар ўз ўрнида тоза ичимлик суви ва озик-овқат тақчилиги каби хавфни келтириб чиқаради. Юртимиз аҳолисини бундай муаммолардан муҳофаза этишда ветеринария медицинаси соҳаси етакчи аҳамият касб этади. Мазкур мақолада юртимизда ветеринария медицинаси соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган амалий тажрибалар таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: *Ўрта Осиё, Афғонистон, тинчлик-осойишталик, иқлим ўзгариши, Сибирь, Европа ва Америка, тоза ичимлик суви, озик-овқат тақчилиги, ветеринария медицинаси, иқтисодиёт, юксалиш, тараққиёт.*

¹ Ишбулдина К.Р. Нормы юридического адата в правовой системе Таджикистана в конце XIX- начале XX в. / Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03_05/978-5-88431-150-4/.

ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ ВЕТЕРИНАРИИ

Аннотация. Если главной проблемой для стран Центральной Азии является сохранение мира и спокойствия в Афганистане, то следующей проблемой является изменение климата, которое не может не коснуться и Узбекистана.

Мировые СМИ распространяют тревожные и печальные новости о лесных пожарах в Сибири, Европе и Америке. Все экологические изменения и катастрофы в мире на самом деле происходят по вине человека, большинство наводнений – результат глобального потепления.

Такие проблемы создают такие риски, как нехватка чистой питьевой воды и продуктов питания. Ведущую роль в защите населения нашей страны от подобных проблем играет область ветеринарии. В данной статье анализируется практический опыт развития области ветеринарии в нашей стране.

Ключевые слова: *Центральная Азия, Афганистан, мир, изменение климата, Сибирь, Европа и Америка, чистая питьевая вода, нехватка продовольствия, ветеринария, экономика, рост, развитие.*

A GLANCE AT THE HISTORY OF VETERINARY MEDICINE

Annotation. If the main problem for the countries of Central Asia is the preservation of peace and tranquility in Afghanistan, then the next problem is climate change, which cannot stop affecting Uzbekistan. The world media is spreading alarming and sad news about forest fires in Siberia, Europe and America. All environmental changes and disasters in the world are actually caused by humans; most floods are the result of global warming.

Such problems create risks such as lack of clean drinking water and food. The field of veterinary medicine plays a leading role in protecting the population of our country from such problems. This article analyzes the practical experience of the development of the field of veterinary medicine in our country.

Key words: *Central Asia, Afghanistan, world, climate change, Siberia, Europe and America, clean drinking water, food shortage, veterinary medicine, economy, growth, development.*

“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир”- деган эди, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси А.Қодирий. Биз ҳам ушбу фикрга амал қилган ҳолда журнал мухлислари эътиборини соҳа тарихига назар солишга қаратмоқчимиз.

Хайвонот оламини севиш, унга ошно бўлишдан ташқари уларга ғамхўрлик қилишдан ўзимизнинг тўрт оёқлик дўстларимиз соғлигидан бохабар бўлиш билан уларнинг умрларини узайтирган бўламиз.

Шу сабабдан қадимги замонларда ветеринария одамларнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган, аммо бу давр моҳиятига кўра исьтемомчиликка асосланган. Қадимги Шарқда ривожланган чорвачилик соҳаси мазмун-моҳиятига кўра бу борадаги дастлабки тажриба, билимларни тўплаш натижасида такомиллаштирилган.

“Ветеринария” сўзи латинча “Veterinarius-сўздан олинган бўлиб, қорамол парвариш қилиш деган маънони англатади. Бу атама илк бора ёзма манбаларда миллоддан аввалги I асрда яшаган Римлик ёзувчи - агроном Колумелланинг “Қишлоқ хўжалиги тўғрисида” рисоласида учрайди. Инсоният ривожининг дастлабки босқичларида яъни ёввойи хайвонларнинг айрим турларини хонақиллаштириш бошлаганида халқ ветеринария медицинаси соҳаси (қорамолларни даволаш) вужудга келиб, дастлабки ривожланиш босқичларига кирган.

Айрим археологик манбаларда эса, анъанавий ветеринария медицинасининг пайдо бўлиши, кулолчиликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ деган қарашлар ҳам мавжуд. Улар дастлабки кулолчилик ашёлари орасида инсонлар ўзлари учун озик-овқат маҳсулотларини сақлаш ва тайёрлаш учун ишлатганлар балки, хайвонлари учун ҳам дори-дармон тайёрлаб, уларни сақлаган буюмлар топилганига ишора қилади. Бу каби археологик манбаларга таяниш, ветеринария медицинаси анча қадим даврлардан бошланганлигидан дарак беради.

Патриархат даврида чорва инсонларнинг асосий даромад манбаи бўлиб, чорва эгаси ҳам чўпон, ҳам чорвадор ва ҳам шифокор бўлган. Албатта, бу ибтидоий давр халқ ветеринария медицинасига доир қарашлар бўлиб, касалга чалинган, жароҳатланган ёки туғруқ ва ҳоказоларда уй хайвонларига биринчи ёрдамни кўрсатиш лозим бўлган. Худди шу воситалардан бўлган - доривор ўтлар, кул, хайвонларнинг ўзларидан олинган маҳсулотлар ҳамда бошқаларни инсонлар дори воситаси сифатида ишлатиб келишган.

Уқорида таъкидлаганимиздек ҳайвонларни даволаш бўйича топилган дастлабки маълумотлар милоддан аввалги IV мингинчи йилларда қадимги Миср ва Ҳиндистон ҳудудларига тўғри келади. Аммо бу соҳадаги илк ёзма манбалар эрамиздан аввалги III-I асрларда Антик Грецияда вужудга келган ва дастлабки кезларда ҳайвонларни даволаш иши билан шифокорлар машғул бўлган. Кейинчалик дастлабки билимлар, ветеринария медицинаси Греция, Рим ва Арабистон каби бошқа мамлакатларда ҳам ривожланди. Қадимги Мисрликларнинг папирус битикларида 4 та касаллик ҳақида маълумоти мавжуд: яъни ҳайвонларнинг кутуриши, йирингли захар, кушларнинг қорақўтири ва қорамол касаллиги ҳақида кенг маълумот келтирилган, бироқ уларнинг моҳияти очилмаган.

Милоддан аввалги III минг йилликда Мисрда бошқа илмлар қатори ветеринария соҳасида ҳам ўқитиладиган олий ўқув юрти бўлган. Манбаларда келтирилишича, табиблар ветеринария бўйича махсус тайёргарликдан ўтказилган, сабаби ҳайвон маҳсулотларини беморларга тавсия этиш учун улар тўғрисида етарлича билимга эга бўлиш лозим бўлган.

Шунингдек, милоддан аввалги 3000-1600 йилларда Ўрта Қироллик даври ҳужжатларида келтирилишича уй ҳайвонлари, кушлар, ёввойи ҳайвонлар, ўсимликлардан олинган маҳсулотлардан беморларни даволашда фойдаланилган. Шу боис ҳам уларни ўрганишга етарлича аҳамият берилган ва қадимги Мисрликлар шу соҳада кўплаб қўлёзмалар қолдиришган.

Улардан бири сеҳргарликдан фойдаланишни, шунингдек даволашнинг баъзи оқилона усуллари тасвирлайди. Баъзи ҳайвон турларида қон айланишининг тавсифи ҳам бу ерда батафсил тақдим этилган. Уй ҳайвонлари ва одамларнинг яраларини даволаш бўйича қўлёзманинг бир қисми сақланиб қолган. Бундай маълумотлар Дажла ва Ефрат оралиғидаги водийларда жойлашган давлатлар Месопотамия, Шумер ва ҳоказоларнинг тарихий қўлёзмаларида сақланиб қолган.

Қорамоллар қишлоқ хўжалик ишларида, транспорт воситаси ва ишчи кучи сифатида, шунингдек, гўшт ва сут маҳсулотларини олиш учун ишлатилган. Қўйлар ва эчкилар боқилган ва уларнинг маҳсулотлари озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори воситалари сифатида ишлатилган.

Қадимда ҳайвонларнинг анатомияси ва уларда пайдо бўладиган касалликлар яхши ўрганилмаган, шу боис кўпинча эпизоотия ва эпидемиялар кузатилган. Ўша вақтларда одамлар фақат юрак, ўпка ва ошқозон ҳақида фикрга эга бўлишган эди. У даврларда касалликларни объектив ўрганиш ва уларни назорат қилиш учун улар тўғрисида етарлича билимга эга бўлмаганликлари бу ҳолатларни олдини олишга ҳалақит берган. Уларда сақланган қадимий қўлёзмаларда касаллик белгилари ва уларни даволаш усуллари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса-да, лекин касалликларнинг келиб чиқиши ва профилактикаси (касалликнинг олдини олиш) тўғрисида етарлича хулоса беролмаган. Даво чораси сифатида тайёрланиш услубига кўра, кўпинча жуда мураккаб дорилар ишлатилган. Қадимги Бобилда уй ҳайвонларини даволашда инсонларда қўлланиладиган уқалаш, сиқиб боғлаш ва ювиш каби усуллар маълум бўлган ва уларни амалга оширишда сув ҳамда турли хил мойлардан кенг фойдаланилган.

Рим олимларининг кўплаб асарларида ҳайвонларнинг касалликлари тавсифланган. Ўрта асрларда халқ табобати қўлланилган бўлиб, ҳайвон эгалари, чўпон ва темирчилар ҳайвонларни даволашган. Узоқ муддатли кузатув одамларга кўплаб ўсимликларнинг ҳайвонларга турли хил таъсир кўрсатишини аниқлашга ёрдам берди. Узоқ кузатувлар натижасида баъзи ўсимликлар захарли бўлиб, ҳайвонларнинг ўлимига олиб келади, бошқалари эса гемостатик таъсир қилиб яраларни даволаш, ич юмшатиш ва ҳомиланинг туғилишини тезлаштириш каби хусусиятларга эга.

Қорамоллар қишлоқ хўжалик ишларида, транспорт воситаси ва ишчи кучи сифатида, шунингдек, гўшт ва сут маҳсулотларини олиш учун ишлатилган. Қўйлар ва эчкилар боқилган ва уларнинг маҳсулотлари озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори воситалари сифатида ишлатилган.

Шунингдек, ветеринария шифокорлари итлар ва майда ҳайвонлар орасида жуда кўп учрайдиган кутуриш касаллигига қарши курашганлиги қайд этилган битиклар ҳам мавжуд. Қадимги Фаластинда баъзи ветеринария масалалари яхши ривожланган, улар, асосан, ҳайвонларни озиқ-овқат учун ишлатиб, уларни сўйиш усуллари, касал ҳайвонларни

карантин ва сўйиш орқали эпизоотияни бостириш чоралари тўғрисида бир қатор қонунлар яратишган. Ўша даврларда яхудийлар ҳайвонларни кастрация қилиш операцияси билан машхур эдилар. Қадимги Грецияда чорвачиликда от боқиш биринчи ўринда турган, Рим ва Греция давлатларида от ва уларнинг касалликларини ўрганиш ва даволашда шифокор-хиппиатрчилардан фойдаланишган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, соҳага илмий ёндашув ривожланиб, Франция, Германия, Австрия ва бошқа мамлакатларда ветеринария мактаблари очилиши билан ветеринария паталогияси бўйича тадқиқотлар кенгайди. XVIII асрнинг охири XIX аср бошларида Европада ветеринария бўйича биринчи қўлланма ва даврий нашрлар пайдо бўлиб, Ветеринария тиббиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Россияда профессионал ветеринария тиббиётининг пайдо бўлиши X-XIII асрларга тўғри келиб, XVI-XVIII асрларда эпизоотияга қарши кураш чоралари бўйича биринчи қонунчилик ҳужжатлари пайдо бўлди. Ушбу даврда Россияда ветеринария бўйича илк “Дорихона багажи” қўлёзмаси ва “Отларнинг касалликлари тўғрисида тиббий китоб” каби босма адабиётлар пайдо бўлди.

1733 йилда Москва яқинидаги “Хорошее” қишлоғида Ветеринария ходимларини тайёрлаш бўйича барқарор мактаб, биринчи ветеринария таълим муассасаси очилди. XIX аср бошларида Петербург ва Москва тиббиёт ва жарроҳлик академияларида ветеринария муассасалари очилган ва 1848 йилга келиб Петербургдагиси Тартуга, Москвадагиси эса Саратовга кўчирилган. Шунингдек, соҳа ривожига бўлган эътиборнинг кучайишидан 1851 йилда Харьковда ветеринария мактаби иш бошлаб, 1873 йилда ушбу мактаб, институтларга айлантирилди. Худди шу йили Қозонда ветеринария институти очилди. Ушбу даврда рус олимлари И.Д.Книгин, Я.К.Каидапов, Х.Г.Бунге, В.И.Всеволодов ва бошқалар ветеринария тиббиётининг ривожланишига улкан ҳисса қўшишди.

Тарихий манбаларнинг далолат беришича ветеринария таълимининг бешиги, Франция эмас, балки Россия ҳисобланади. Чунки ветеринария соҳасида Европадаги биринчи мутахассислар тайёрлаш бўйича махсус мактаб Францияда Лион махсус ветеринария мактаби 1761 йилда ташкил этилган. Ветеринария соҳасига катта ҳисса қўшган олимлар: Грецияда милодий IV асрда Апсиртнинг айнан ветеринария медицинасига оид бир қатор юқумли касалликларни тавсифлаган ҳолда терапия ва жарроҳлик соҳасида 120 дан ортиқ асарлар ёзган.

Милодий IV асрда Рим империясида яшаган Вегетиус ветеринария масалаларига бағишланган кўплаб қўлёзмалар ёзган. Кейинчалик ушбу қўлёзмалар асар сифатида қайта ишланиб, кўп асрлар давомида қайта-қайта нашр этиб келинган.

XIII асрда араб мутахассиси Абубакр отларни айрим касалликларга қарши даволаш бўйича энг яхши рисоласини ёзган. XIX асрга келиб, ветеринария ва тиббиёт каби фанларнинг жадал ривожланиши кузатилди.

Бу даврда Пастер ва Листер сингари таниқли олимлар зарарланган тўқима ва органларда йирингли яллиғланишнинг ривожланиш сабабини аниқлаган ва кўплаб кашфиётлар қилишган. Шунингдек, Ғарб ветеринария тиббиёти жарроҳлигига Россия ветеринария тиббий жарроҳлиги кучли таъсир кўрсатди.

Санкт-Петербургдаги Экспериментал тиббиёт институти илмий ходими Маллеин кашфиётининг бир қисмига эса инсон ва ветеринария соҳаларининг ўхшаш ва узвий жиҳатларини кашф этишида пойдевор бўлиб, бу амалиётни соҳага татбиқ этган ветеринария шифокори Гельманнинг исмини шарафларга буркади. Рус олимларидан бўлган ветеринария шифокори Е. Кайдановни эволюция назариясининг асосчиси – Дарвин номи билан ёнма-ён қўйиш мумкин деб ҳисоблашади. Кайданов табиат, инсон ва бутун органик дунё эволюцион позициясини эгаллаган ҳолда параллел ривожланиш босқичларини ўрганган ва бу борада изланиш олиб борган мутахассислар фикрини қўллаб-қувватлаган.

Россияда биологик материалга эволюцион ёндашуви билан ажралиб турадиган ветеринар Баянусни соҳадаги ўз илмий изланишлари билан биринчи қиёсий анатомлар мактабини яратувчиси сифатида айтиш мумкин. Шу жиҳатдан Баянусни ҳам Дарвин каби ислохотларнинг олдинги қаторларга қўйиш мумкин. Таниқли рус ветеринар шифокори

В. Всеволодовни “Қорамол боқиш” бўйича биринчи қўлланмаси билан ўз номини тарих саҳифасига муҳрлаган дейиш мумкин.

Эволюционизм позицияларини эгаллаган бу олим, буюк физиолог И.П.Павловнинг замондоши бўлиб, ҳайвонот дунёсининг олий нерв тизимини ўрганишдан ҳайвон организмга асабийлашувнинг салбий оқибатларини чуқур таҳлил этиб, шу сабаб келиб чиқувчи бир қатор ҳавфли касалликларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганган. Я.Э. Коляков эса XX асрнинг 30-йилларда микробиология ва эпизоотология соҳасида жиддий ютуқларга эришган, юкумли анемия вирусини ажратиб олишга муваффақ бўлган.

Н.И.Скрябин томонидан гелминтология соҳасида кўплаб кашфиётлар қилинган, унинг шогирди В.Л.Якимов бир қатор янги турдаги пироплазма, коксидиоз ва су-ауру касалликлари патогенларини тавсифлаган. А.А.Поляков ветеринария санитарияси ва ветеринария-санитария экспертизаси соҳасида ҳайвонларда учрайдиган касалликларнинг одамларга юқишини олдини олишда кўплаб ютуқларга эришган.

Ветеринария мутахассисларини фикрига кўра, ветеринария медицинаси соҳаси мазмун-моҳиятига кўра ҳайвонлар саломатлигини ўрганишдан умуман инсон саломатлигини асраб, одамлар ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан инсонларни ҳимоя қилишдек олижаноб вазифани бажаради. Биз кези келганда шуни айтишимиз мумкинки “Тиббиёт инсонни даволайди, ветеринария инсониятни асрайди” бу жумлалар нақар тўғри ва ҳаётий ҳақиқат эканлигини тарихий тадбирлар асосида исботланганини 1884 йилда рус олими С.С.Евсеев таъкидлайди. Тўғри бу жумлаларни турли ижтимоий тармоқлар ва адабиётларда турли олимлар номидан келтириб ўтилган, бу жумлалар кимга тааллуқли эканлиги бизнинг фикримизча аҳамияти жуда кам, лекин ҳаётий, ҳақиқат, гаплар эканлигини тарихий мисоллар исботлайди.

XVIII асрда ветеринария тиббиётининг биринчи илмий асосчиси, ҳайвонларда ички юкумсиз ва юкумли касалликларнинг фарқини ажратган олим Йоханн Вальштейн (Johann Valshtejn) ҳисобланади. У ҳайвонларда илк илмий жарроҳликни ўтказишда анестезиясини қўллаб, яраларни даволашнинг антисептик усулини бошлаб берган. Жексон эса 1846 йилда эфир анестезиясини, Симпсон эса хлороформ беҳушлигини киритди.

XIX аср охирида Ветеринария жарроҳлигининг интенсив ўсиши ва унинг ютуқлари, асосан, немис олимлари - Мюллер, Гоффманн, Баер, Фленер билан боғлиқ бўлиб, улар умумий ва хусусий ветеринария жарроҳлиги бўйича китоблар ёзишган.

Мустақиллик йилларида ветеринария ва чорвачилик соҳасида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, ўтган 2019 йилда Самарқанд кишлоқ хўжалиги институти негизида Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ташкил этилиши, 2022 йилда ушбу таълим муассасасининг Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетига айлантирилиши, унинг таркибида Тошкент ва Нукус филиалларининг ташкил этилиши узоқ йиллар мобайнида мамлакатимизда кам аҳамият қаратилган бу соҳага Республика Президенти ва Ҳукуматининг юксак эътиборидан дарак беради.

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, Балиқчилик илмий-тадқиқот институтлари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибига ўтказилиши, Ветеринария ва чорвачилик соҳасида ёш, малакали кадрларни тайёрлашни янада такомиллаштириш, ветеринария мутахассисларининг малакасини ошириш, шунингдек, ветеринария ва чорвачилик соҳасини ривожлантиришда янги инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ушбу соҳанинг ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Айни вақтда, мазкур таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, хориждаги етакчи таълим марказлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни кучайтириш ҳамда ўқув жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологиялари ва инновацион ўқув методикаларини жорий этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Мана ҳурматли муштарий бугун Ветеринария тарихига қисқача бир назар ташладик агар чуқурроқ фикр юритиб қарайдиган бўлсак, ветеринария касби ҳам шарафли касблар қаторида туради. Европа ва Америка давлатларида ветеринар врачлари касби, тиббиёт

ходимлари билан бир қаторда туради ва ижтимоий сўровлар натижалари бўйича аҳоли томонидан юқори баҳоланади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда иқтисодий юксалтириш энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу жараёнда миллий ва жаҳон иқтисодийнинг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда тараққиёт йўлини белгилаш вазифасини қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор. Бу эса барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий ўсиш, унинг омилларини тадқиқ этишни талаб этади.

Бу борада мустақиллик йилларида иқтисодий юксалиш йўлида Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон валюта жамғармаси, Ислон тараққиёт банки ва яна бир қатор дунёнинг етакчи молиявий ҳамда иқтисодий ташкилотлари билан яқин ҳамкорликка киришди. Шунингдек, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Европанинг кўплаб етакчи компанияларини жалб этиб, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, ички бозорга импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда саноатни юксалтириш соҳаларида яқин ҳамкорликни ривожлантириш билан бир қаторда аграр соҳада ҳам дунёнинг ривожланган мамлакатларининг тажрибасини тадқиқ қилиш ва самарали усулларни жорий этиш, ҳамкорлик қилишда қишлоқ хўжалигининг барча соҳа ва тизимларини ривожлантириб, ушбу йўналишни мамлакатнинг етакчи тармоғига айлантириш долзарб аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда ҳар бир соҳада бўлгани каби ветеринария медицинаси тарихига ҳам қисқача бир назар ташлашни олдимизга мақсад қилдик ва соҳада дунё тажрибасига эга бўлган бугунги бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича вазифалар тўғрисида маълумот бериб ўтишни лозим топдик. Ҳар бир инсон қайсидир мақсад йўлида ҳайвонот дунёси билан боғлиқ, хоҳ у уй ҳайвонларини парваришловчи, хоҳ у бу соҳадан даромад ишлаб топмоқчи бўлсин, ушбу соҳа тарихи ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Юртимизда ветеринария медицинаси соҳасига бўлган эътибор, аввало, бу борада ҳам нафақат ички бозорни маҳсулот билан таъминлашда ва уларнинг хавфсизлигини олдини олиш, балки гўшт ва сут маҳсулотлари экспортини ҳам йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик ва ҳоказо соҳаларига авваллари эътибор кам бўлиб, ҳозирда дунёда бу соҳани ривожлантиришдан нафақат ўз ички исътемолини балки ушбу маҳсулотларни импорт қилиш даражасидаги Европа давлатларининг бу борадаги юксак тажриба ва билимларини татбиқ қилган ҳолда Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришга киришилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Васильев В. К., Цыбикжапов А. Д. Ветеринарная офтальмология и ортопедия. – Москва: Лань, 2020.
2. Бурдеко А. П., Ковалев С. П., и др. Методы диагностики болезней сельскохозяйственных животных. – Москва: Лань, 2021.
3. Deborah C. Silverstein, DVM, DACVECC, Kate Hopper, BVSc, PhD, Small animal critical care medicine St. Louis, Mo.: Elsevier/Saunders, 2015.

Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ БЮДЖЕТИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИГА САРФЛАНИШИ ТАРИХИДАН

Ирискулов Б.Ж. (Ўзбекистон-Финландия педогогика институти)

Аннотация. Ушбу мақолада Россия империяси даврида Туркистонда давлат бюджетининг шаклланиши, манбалари ва тақсимоти ҳамда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалаларга ажратилган харажатлар таҳлил қилинган. Туркистон ғазна палатаси ташкил этилиши, Палатанинг асосий

вазифалари, давлат муассасалари учун кредитларни қайта тайинлаш, ғазначилик бўйича умумий ҳисоб-китобни юритиш масалалари манбалар асосида ёритилган. Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалиги учун ажратилган тақсимоғлар ва уларнинг сарфланиши баён этилган.

Таянч сўзлар: *давлат бюджети, Туркистон ғазна палатаси, Туркистон иқтисодий Кенгаши, смета, Мирзачўл канали, агротехника, статистика бўлими.*

ИЗ ИСТОРИИ РАСХОДОВ БЮДЖЕТА ГЕНЕРАЛЬНО-ГУБЕРНАТОРА ТУРКЕСТАНА В ОБЛАСТИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Аннотация. В статье анализируются формирование, источники и распределение государственного бюджета в Туркестане в период Российской империи, а также расходы, направляемые на вопросы, связанные с сельским хозяйством. На основе источников освещено основание Казначейской палаты Туркестана, основные задачи Палаты, перераспределение кредитов государственным учреждениям, общий учет казны. Описаны ассигнования на сельское хозяйство из государственного бюджета и их расходование.

Ключевые слова: *государственный бюджет, Казначейская палата Туркестана, Хозяйственный совет Туркестана, смета, Мирзачольский канал, сельскохозяйственное машиностроение, статистическое управление.*

FROM THE HISTORY OF SPENDING OF THE BUDGET OF THE GENERAL- GOVERNORATE OF TURKESTAN IN THE FIELD OF AGRICULTURE

Annotation. This article analyzes the formation, sources and distribution of the state budget in Turkestan during the Russian Empire, as well as the expenditures allocated to issues related to agriculture. The establishment of the Turkestan Treasury Chamber, the main tasks of the Chamber, the reassignment of loans for state institutions, and the general accounting of the treasury are covered on the basis of sources. Allotments for agriculture from the state budget and their spending are described.

Key words: *State budget, Treasury Chamber of Turkestan, Economic Council of Turkestan, estimate, Mirzachol channel, agricultural engineering, statistics department.*

Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг истило этилиши XIX асрнинг 60-йилларидан 90-йилларига қадар давом этди. Империянинг Ўрта Осиё ҳудудларини босиб олиши капиталистик муносабатларнинг ўлкада кучайишига туртки бўлди.

Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг мустамлака этилишига ҳарбий ва иқтисодий сабаблари билан бир қаторда енгил саноат учун пахтага бўлган эҳтиёж муҳим рол ўйнади [3.227]. Империя маъмурларидан бири таъкидлаганидек “рус саноатининг эҳтиёжлари Осиё томонидан қондирилади, Ўрта Осиёнинг қимматбаҳо табиий бойликлари Россия учун ўта зарур” [6.188].

Бошқа чора-тадбирлар билан бир қаторда Россия империяси мустамлака ҳудудларда иқтисодий тизимни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Мазкур масалага қаратилган биринчи қадамлардан бири 1868 йил Иқтисодий қўмитанинг ташкил этилиши бўлиб, қўмита томонидан давлат даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди. Ислохотлар давом эттирилиб, 1869 йилда Туркистон ғазнаси палатаси ташкил этилади. Палата 1869 йил 14 октябрда очилган. 1886 йилгача Давлат палатаси ҳам иш ҳақи, ҳам иш ҳақи бўлмаган тўловларни бошқарган. Ғазна очилишидан олдин барча молиявий операциялар биринчи навбатда ҳарбий губернаторда тўпланган эди. Туркистон вилояти, кейин Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузурида молия бўлими ва Сирдарё вилояти ҳокимлигида махсус иш юритиш ва бухгалтерия ҳисоби бўлган. 1889 йилда солиқ инспекцияси жорий этилди.

Палатанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эди: давлат солиқларини тартибга солиш ва йиғиш, барча давлат муассасалари учун кредитларни қайта тайинлаш, ғазначилик бўйича умумий ҳисоб-китобни юритиш ва бошқалар.

1868 йилдан бошлаб палата давлат даромадлари ва харажатлари рўйхати юритила бошланади, шунингдек, йиллик рўйхат ижроси бўйича ҳисобот олиб борилади. Шу йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернаторлиги даромадлари ва харажатлари Россия империяси рўйхатига киритилади [1;207].

Туркистон ўлкасининг босиб олинган ҳудудларида даромад ва харажатлар рўйхатининг юритилиши хонликлардаги ғазначилик бошқарувидан анча фарқ қилган. Ўрта Осиё хонликларида империя томонидан истило этилгунга қадар бюджет, қирим-чиқим каби тушунчалар мавжуд бўлмаган. Давлат хазинаси хоннинг шахсий ғазнаси ҳисобланган.

Туркистон генерал-губернаторлиги даромад ва харажатларини таҳлил қилишда Туркистон ўлкаси назорат палатаси маълумотларига асосланамиз. Мазкур маълумотлар 1922 йил Туркистон иқтисодий Кенгаши топшириғига асосан архив маълумотлари асосида тайёрланган. Ушбу ишланмада 1881 йилдан 1886 йилгача бўлган маълумотлар йўқ, сабаби уларни топишнинг имкони бўлмади.

Кези келганда айтиш жоиз, мутлақ маънода ҳарбий тузилманинг харажатлари Ўрта Осиёни босиб олиши билан нафақат камаймади, балки, аксинча, барқарор ўсиб борди. Тўғри, уларнинг улушини камайтириш тенденциялари кузатилди, аммо бошқа томондан, зўравонлик, босқинчилик ва эксплуатация қилиш бошқарув аппарати харажатлари улушининг ошиб бориш тенденцияси ҳам кузатилди. Бостириш ва бошқариш аппарати харажатлари 80 фоиз дан юқори эди. 40 йил давомида яъни 1806 йилдан 1913 йилга қадар (1881-1886-йиллар бўйича маълумотлар мавжуд эмас) биргина 1902-1905 йиллар давомида 60 фоиздан кам маблағ ажратилган. Бошқармага ажратилган маблағларнинг камайишига асосий сабаб темир йўл қурилишига, ҳарбий-стратегик иншоотларни бунёд этилишига маблағ ажратилиши билан изоҳлаш мумкин. Таққослаш учун генерал-губернаторлик харажатларининг 90 фоиз ҳарбий харажатлар билан қўшиб ҳисобланса, сўнгги йиллардаги зўравонлик, бостириш ва эксплуатация аппарати тўғри келади.

Яна шуни инобатга олиш зарурки, империя маъмурлари 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигида ўлкани бошқаришни ҳарбий тузилма назорати остида эди.

1886 йил “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Низомга кўра, бошқарув император томонидан тайинланган ва лавозимидан озод этилган генерал-губернатор бўйсунадиган Ҳарбий вазирлигининг юрисдикцияси остида қолдирилди. Шу муносабат билан 3-Давлат Думаси бюджет комиссияси ҳисоботи лойиҳасида шундай дейилган эди: “Бу бой ҳудуд Россияга қўшилганига ўнлаб йиллар ўтди ва у ҳозиргача ҳарбий бошқарув асосида бошқарилмоқда”. Туркистон ўлкасининг ҳарбий вазирликда бўлган муддатининг ўзи ҳам бу бошқарув тизимининг муваффақиятсизлигидан далолат беради [5;11]. Бу империя ҳукуматининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсати ҳукуматнинг умумий харажатларининг ҳажми ва динамикасида ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

1913 йилга келиб Туркистон генерал-губернаторлиги харажатларнинг ҳукумат сметасидаги улуши 19,8 фоизга етди ва шунга қарамай мутлақ марказларда бу харажатлар ичида ҳатто Туркистон учун халқ хўжалигидаги суғориш каби муҳим тармоғида ҳам аҳамиятсиз эди. Шундай қилиб, 1896 йилдан 1917 йилгача 23 йил давомида суғориш харажатлари “земство” учун сарфланган харажатлар билан бирга 36 миллион рублни ташкил этди. 20 йил давомида 1895 йилдан 1913 йилгача ва 1915 йил учун ҳарбий харажатлар 219,2 миллион рублни ташкил этди, яъни беш баробар кўпроқ. Суғориш харажатларининг аҳамиятсизлиги империя ҳукуматида ҳам аён эди. “...ҳозиргача, - деб ёзади империянинг ер тузиш ва қишлоқ хўжалиги бошлиғи Крязошейн, рус ҳукумати минтақани суғориш учун жуда кам иш қилди. Холбуки, ҳатто қадимий давр босқинчилари ҳам ўз номларини баъзи янги йирик суғориш тизимлари билан боғлашган, бу соҳада ҳанузгача Россия давлат муассасалари ва Россия ғазнаси томонидан ислоҳотлар амалга оширилмади, биз бундан тан олишимиз керак”, – дейди Крязошейн [2;48].

Қишлоқ хўжалиги ва ер хўжалиги вазирлигининг сметаси харажатлари ер тузиш ва қишлоқ хўжалиги бош маъмурияти (1913 йилда 68,0 минг рубл), давлат ер мулки бўлими (97,8 минг рубл), қишлоқ хўжалиги бошқармаси (584,9 минг рубл), қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги статистикаси бўлими (5,7 минг рубл), ерни яхшилаш бўлими (1890,6 минг рубл), ўрмон бўлими (39,1 минг рубл), кўчириш бошқармаси (713,7 минг рубл) томонидан сарфланган. Дикқат билан қаралса, барча бўлимлар харажатлари мустамлакачилик мазмунини аниқ кўрсатади. 1912 йилдаги умумий харажатлардан (3270 минг рубл) кўрик

ерларни ўзлаштириш, ерни суғориш ва суғориш харажатлари 1883 минг рублни (42,3фоиз) ташкил этади. Бу мустамлакачилик харажатлари эди. Давлат мулки бошқаруви буйруғи асосида суғориш ишлари ҳамда қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида янги очилган ерлар маҳаллий ерсиз ва камбағал деҳқонларга эмас, балки кўчириб келинганларга берилди. Жумладан, Мирзачўл (Голодностепенский) канали қурилиши муносабати билан даврий нашрлар шундай ёзган эдилар: “Бир нарсани айтиш мумкинки, 45 минг десятина ер суғорилганда ундан ҳам мустамлакачилик мақсадларида, ҳам даромад олишда фойдаланиш мумкин [4;19]”.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 1912 йилдаги худди шундай ҳисоб-китобига кўра, маблағларнинг 22,4 фоизи кўчириш бўлими ихтиёрига тушган. Бу харажатларнинг мустамлакачилик характери исботлашнинг ҳожати йўқ. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ва ерни бошқариш сметасининг 64,7 фоиз тўғридан тўғри мустамлакачиликка кетган. Қолган 35,3 фоизнинг 11,6 фоиз давлат ўрмон далаларига хизмат кўрсатувчи ўрмон бўлими харажатларига, 14,8 фоиз эса агротехника ишлари учун қишлоқ хўжалиги бўлими ихтиёрига тушди. Шунини таъкидлаш лозимки, Туркистонда ҳар бир агроном-инструктор 90 минг гектар ерга хизмат кўрсатиши керак бўлган.

Бу йўналишда Россия империясининг умумий иқтисодий ва молиявий чора-тадбирлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Жумладан, қуйидаги молиявий чора-тадбирлар амалга оширилди:

1) чет эл пахтасига импорт божини босқичма-босқич ошириш, бу эса ички бозорда пахта нархининг ошишига олиб келди;

2) кредитни ташкил этиш;

3) пахтага ер солиғи бўйича имтиёзли солиқ солиш, унинг рентабеллигини дон экинлари рентабеллиги билан тенглаштириш.

Аммо, охир оқибат, бу чора-тадбирларнинг фойдасини деҳқонлар эмас, мустамлакачилар олди, қишлоқнинг бой табақаларидан тортиб, фирма ва фабрикалар эгалари ва ҳар хил воситачилар шулар жумласидан эди.

Чет эл пахтасига божларнинг оширилиши деҳқонларнинг иқтисодий даромадларини оширмади. Ер солиғини ҳисоблаш ва ундириш тизими, нон ва ем-хашакнинг қимматлиги, механизациялашмаган қайта ишлаш, ишчи кучига бўлган эҳтиёж, пахтага имтиёзли солиқ солиш, кредит нархининг юқорилиги пахта таннархининг ошишига олиб келди.

“Ижтимоий-техникавий ва иқтисодий шароитлар ҳаммаси етарли бўлса-да, - деб ёзади А.П.Демидов, оддий деҳқон пахтачиликдан унчалик катта фойда кўрмасди. Савдо-сотиб олиш аппаратининг пахтачиликдан оладиган фойдаси кундан кунга ўсиб бормоқда” [4; 21].

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан, пахтачиликни ривожлантириш учун бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобига Туркистонда экиладиган майдонлар 1870 йилдаги 9729 гектардан 1916 йилда 533,8 минг гектаргача кўпайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Россия империяси дастлаб бюджетдан ўлка қишлоқ хўжалигига керакли миқдорда маблағ ажратмади. Бироқ кейинчалик ўз ҳукмронлигини мустақамлаб олгандан сўнг даромад манбаи бўлган бўлган бу соҳага алоҳида эътибор қаратди ва бу Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг асосий тўлдириш манбаларидан бирига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Блюх И. Финансы России XIX столетия. История и статистика. Т.3. – СПб., 1882. – С. 207.
2. Записки главноуправляющего землярством и земледелием Кривозейсена о поездке в Туркестанский край в 1912г. – СПб., 1912. – С. 48.
3. История народов Узбекистана. т.II. – Т.: АН УзССР, 1947. – С. 227.
4. К вопросу об орошении Голодной Степи. // Туркестанский сборник. Том 456. – С. 19.
5. Мерьяхине Г. Бюджет и национальнкй вопрос в СССР. – М.: Гос-фин из-дат, 1939. – С. 11.
6. Экономические задача России в Средне-азиатских владениях, 1891. – Т., 1981. – С. 188.

Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган

ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ ЗОНА-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Аширов В.И. (НавДПИ)

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакат иқтисодий тараққиётининг негизларидан эркин индустриал иқтисодий зоналарни ташкил этиш жараёнлари тарихий таҳлил этилган. Мақолада республикамиздаги биринчи саноат логистика маркази Навоий эркин иқтисодий зонаси ва унинг бугунги кундаги мақсад ва вазифалари аҳамияти ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *Ўзбекистон, Навоий вилояти, саноат зонаси, саноатлаштириш, эркин индустриал логистик ҳудуд, ислоҳотлар, ишлаб чиқариш, дипломатик ҳамкорликлар.*

СВОБОДНАЯ ПРОМЗОНА – ВАЖНАЯ ГАРАНТИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

Аннотация. В данной статье дан исторический анализ процессов создания свободных индустриально-экономических зон на основе экономического развития страны. В статье освещено значение свободной экономической зоны «Навои» – первой индустриальной зоны в нашей республике, а также ее цели и задачи на сегодняшний день.

Ключевые слова: *Узбекистан, Навоийская область, промышленная зона, индустриализация, свободная индустриально-логистическая зона, реформы, производство, дипломатическое сотрудничество.*

FREE INDUSTRIAL ZONE-IMPORTANT GUARANTEE OF ECONOMIC DEVELOPMENT

Annotation. This article historically analyzes the processes of establishing free industrial economic zones from the foundations of the country's economic development. The article highlights the importance of the Navoi Free Economic Zone, the first industrial logistics center in our republic, and its goals and objectives today.

Keywords: *Uzbekistan, Navoi region, industrial zone, industrialization, free industrial logistics zone, reforms, production, diplomatic cooperation.*

Бизга маълумки мустақил тараққиёт йўлига кирган барча мамлакатлар иқтисодий ривожланиш йўлини ўзлари танлаб оладилар ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши орқали келажакдаги стратегик тақдирини белгилайдилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлиши биланок жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлини тутди.

Натижада тенг ҳуқуқли суверен ҳамкорлик қилиш йўли дипломатиянинг халқаро эътироф этилган конституциявий ҳамда ҳуқуқий парадигмасини асослари орқали шакллантириб борилди. Мана шундай йирик иқтисодий тармоқларни ўзида акс эттирган ҳудудлардан бири Навоий вилоятидир. Ўзбекистон Республикаси харитасидан янги ҳудудий бирлик сифатида ўрин эгаллаган Навоий вилояти Олий Кенгаш Раёсатининг 1992 йил 27 январдаги қарорига кўра қайта ташкил қилинди [1;1]. Йирик саноат кон-металлургия тармоқларидан иборат бўлган вилоятнинг истиқлол саҳифасидаги мустақил ҳаракати шу тариқа бошланди.

Шунингдек бу йилларда вилоятдаги саноат корхоналарини самарали фаолият кўрсатишларида чет эл корхоналари билан тузилган ҳамкорлик алоқалари ва хорижий инвестициянинг кириб келиши натижасида иқтисодий самарадорлик ортиб борди. Натижада вилоятда Италия, АҚШ, Исроил, Буюк Британия билан илк бор саноат маҳсулотларни экспорти бўйича ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлса, тери маҳсулотларини Россия, Украина, Беларуссия[2:6] билан валюта орқали ҳамкорлик қила бошлади. Бундай иқтисодий самарадорлик қўшма корхоналар сонини кейинчалик ортиб боришига сабабчи бўлди. Ўз навбатида хорижнинг илғор техника ва технологияси вилоят иқтисодиётига олиб кирилди. Навоий вилоятидаги саноат корхоналарини мустақиллик йилларида самарали фаолият кўрсатишида мулкчилик шакллариининг ўзгарганлиги ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Бу борада айниқса мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштирилиши эркин савдо зоналарини ташкил этилиши саноат ва ўзаро ҳамкорликликларни ривожланишига таъсир этиб бормокда. 1990 йилларда Навоий шаҳридаги ишлаб чиқаришнинг кўпчилиги давлат тасарруфидаги корхоналар ҳисобига тўғри келса ҳозирги кунда эса нодавлат секторларнинг улуши ортиб бормокда. Бизнингча юқоридаги омиллар вилоят саноатининг иқтисодий ўсишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва сўзига эга бўлган давлатга айланди. Энг аввало, жаҳон андозаларига мос келадиган давлат қуриш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий маънавий соҳада туб ислохотларни амалга ошириш вазифаси истиқлолнинг асосий ва долзарб вазифалардан бири сифатида турар эди. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида кўплаб ислохотлар амалга оширилди ва иқтисодий ривожланишлар давом этиб келмоқда. Ислохотлар натижалари жамиятимизни турли жабҳаларда, хусусан, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий, илмий-техникавий соҳаларда эришилаётган ютуқларда кўринмоқда. Зеро ушбу тамойилларни жамиятга татбиқ этишда бугунги кунда ишлаб чиқиляётган иқтисодий дастур ва концепциялар ўзининг самарасини бериб келмоқда. 1996 йил 25 апрелда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” қонун қабул қилинган бўлса-да, кейинчалик хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириб бориши натижасида дипломатик алоқалар эркин индустриал зоналарга талаб ортиб борди. Жумладан “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” [3:1]ги 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган 4059-сонли Президент фармони Навоий вилояти хусусан Республика ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш уни янги техника ва технологиялар асосида кенг жорий этиш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларни жорий этиш хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хорижий капитални миллий иқтисодиётга жалб қилишдан ташқари саноат эркин индустриал иқтисодий зоналарни яратилишни 3 та асосий вазифа билан боғлайдилар.

–Саноат экспортини рағбатлантириш ва бунинг асосида валюта маблағларини қўлга киритиш.

–бандлик даражасини ошириш.

–зоналардан хўжалик юритишнинг янги методларини жорий қилиш учун синов майдони полигон сифатида фойдаланиш.

Эркин иқтисодий зоналарнинг яна бир афзаллик хусусияти шундаки, миллий мамлакат хорижий капитал учун ўз иқтисодиётини тўла очиб беришни ёки махсус инвестицион иқлимдан тўла фойдаланишни хоҳламайди, махсус зона сифатида қисман локал очиклик сифатида қўллайди. Навоий саноат зонасида эркин иқтисодий ҳудудни муваффақли фаолият юрита бошлаши унинг ҳудудида янги ташкил этиляётган корхонларда бугунги кунда хўжалик истемоли учун муҳим бўлган бир қанча маҳсулотлар Ўзбекистон ва жаҳон бозорида кенг сотилмоқда. Жумладан, ушбу саноат ҳудудида автомобиллар учун ҳисоблагич, ўтказгичлардан тортиб кундалик эҳтиёжлар учун зарур бўладиган лампалар ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Маълумки бугунги кунда юртимиздаги ҳар қайси ҳудуд ва минтақа ривожидида хорижий инвесторлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётга чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш энг муҳим устувор аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадларда вилоятда ташкил этилган эркин индустриал зона ишлаб чиқариш салоҳиятини бирмунча кенгайтириб бормоқда. Эркин иқтисодий зоналарнинг, мазмуни тамойиллари ва тузилиш сабаблари тўғрисида фикр юритишдан олдин эркин иқтисодий зона нима эканлигини қачон ва қандай омилларга кўра ташкил топиш жараёнларини билиб олиш даркор. Дастлабки эркин савдо зоналари халқаро савдони ривожлантиришга қаратилган сиёсат воситаси бўлганлиги сабабли, улар товарлар ҳаракатининг халқаро йўналишларига яқин жойлашган манфаатларда кенг қўлланилган. “Совуқ уруш” тугаганидан сўнг қарама-қарши кутбдаги давлатлар ўзларининг савдо зоналарини қидира бошлашди. Натижада, янги минтақавий зоналари ташкил этила бошланди. 1980 йиллар ўрталарида Лотин Америкаси давлатларида бошланган иқтисодий ҳамкорликлар 1991 йилда “Жанубий Америка умумий бозори” тузилади. 1992-1994 йилларда иқтисодий интеграцияни кенг йўлга қўйиш мақсадида “Шимолий Америка эркин савдо зонаси” ташкил этилиши ва бу халқаро янги форматдаги иқтисодий ҳамкорликдаги дастлабки битимлардан бири бўлди.

Эркин иқтисодий зоналарнинг умумий характерли томони шундаки, уларда ушбу мамлакатда тадбиркорларга қўлланадиган умумий режимга қараганда, қулай божхона инвестицион молиявий имтиёзлари ва афзалликларнинг мавжудлигидир. Ушбу имтиёзлар 4 га бўлинади.

Молиявий имтиёзлар:

- субсидия ва имтиёзли кредитлар бериш.
- арзон баҳода коммунал хизматлар кўрсатиш.
- участкалар ва ишлаб чиқариш улардан арзон ижара ҳаққини жорий этиш.

Солиқ имтиёзлари:

- 20 йилгача даромад солиғи тўлашдан озод қилиш
- қайта инвестицияланувчи қоидага солиқ солмаслик.
- хорижий ходимларни даромад солиғидан озод қилиш
- солиқ таътиллари
- жадаллаштирилган амортизация.

Маъмурий имтиёзлар:

- инвесторларни инфратизим восита билан таъминлаш.
- қулай шароит билан ижарага бериш.
- рўйхатдан ўтказиш ва божхона муолажаларини соддалаштириш.
- хорижий фуқароларни келиб кетишини осонлаштириш.

Ташқи савдо имтиёзлари:

- экспорт импорт божларини камайтириш ёки бекор қилиш.
- эркин иқтисодий зоналардан товарлар экспортини квоталар ва лицензиялардан озод қилиш.

–ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш.

Шунингдек эркин иқтисодий зоналарнинг ҳозирги вақтда 25 га яқин функционал моделлари мавжуд бўлиб, улар иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Эркин иқтисодий зоналарни кўп таърифлари мавжуд. БМТнинг ТМК марказининг шу муаммога бағишланган ишида 20дан ортиқ таъриф келтирилган. Биринчи мартаба эркин иқтисодий зоналарнинг ёки “франко зонаси”нинг таърифи 1973 йилда Киото конвенциясида берилган. Эркин иқтисодий зоналарни давлат ҳудудининг муайян натижаларга эришмоқ мақсадида миллий ва хорижий тадбиркорлар учун иқтисодий фаолиятнинг профессионал шартлари, бошқарувнинг алоҳида режими ва бошқа ташкилий маъмурий тадбирларни жорий этиладиган қисми сифатида таърифлаш мумкин. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналар чегараларини кегайтириш ва иқтисодий фаолият шартларининг ўзи билан бевосита билвосита боғлиқ бошқа хўжалик соҳалари, тармоқлари, ҳудудларга ёйиш лаёқатига эгадир. Эркин иқтисодий зоналар маълум даражада чекланган географик территориядир. “Эркин иқтисодий зоналар-қўшма тадбиркорлик ҳудудлари, хорижий капитални эркин амал қилиши учун ажратилган махсус ҳудуд, иқтисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ташкил этилади”[4:33]. Барча нарсанинг тарихи бўлганлиги сингари эркин иқтисодий зонанинг ташкил топиши ҳам ўзига хос тарихга эга. “Жаҳон тарихидан маълумки биринчи эркин савдо зонаси қадимий Греция давлатида ташкил топган. Маданий кўришдаги эркин иқтисодий зона эса 1888 йилда Германиянинг Гамбург шаҳар портида ташкил этилган”[5:6]. Ўша пайтда бу зона миллий sanoat ва миллий экспорт маҳсулотлари ўртасида ҳалол рақобатни вужудга келтириш мақсадида ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди. Маълумотларга кўра, 1990 йилда ўртача даромадга эга бўлганлар аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра бу кўрсаткич 24 фоизга етгани аён бўлди. 2011 йилда эса 62 фоиз уй хўжаликларини ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган. 1991 йилда аҳоли даромадларининг бор йўғи 46-48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслари билан таъминланган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошди шу билан бирга, 2011 йилда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилга нисбатан 6,7 баробар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди.

Ва шу билан бирга хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, унда ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш чоралари билан биргаликда, ички бозорни, хусусан, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини нотенг рақобатдан ҳимоялаш чоралари ҳам кўрилди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга инвестиция киритаётган маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ ва божхона имтиёзлари жорий қилинди. Шунингдек, имтиёзли шартларда кредитлаш тартиби ҳам қўлланилди. Мустақилликкача бўлган даврида ҳам Навоий вилоятида ишлаб чиқариш тармоқларини барча соҳаларида республикамизда етакчилик қилиб турган. Жумладан, 1982 йилда “саноат маҳсулотлари ҳажмини 510 рублгача ошириш, 6 миллиард 970 миллион кловатт соат электр энергиясини ишлаб чиқилган бўлса, сут ишлаб чиқариш 17,3 фоизга”[6:3] ва бошқа саноат маҳсулотларини етказиб бериш ҳажми ортиб борганлигини кўришимиз мумкин. Бундай иқтисодий ривожланиш кейинчалик ҳам ортиб борди. Жумладан, “2006 йилда вилоятдаги корхоналар томонидан 4,2 млн. АҚШ доллари миқдорда экспортга маҳсулот чиқарилган. Бу кўрсаткич 2005 йилнинг мос даврига солиштирганда 3,6 баробарга кўпайган”[7:1]. Навоий вилояти индустриал ривожланган вилоят ҳисобланиши билан бирга, унинг худудида ҳали ўрганилмаган табиий захиралар ва маъданлар кўп. Улар асосида рангли металлургия, уран, кимё ва бошқа соҳаларини ривожлантириш орқали иқтисодий ривожланиш масалаларига эътибор қаратиш лозим.

Бундай ўзгаришлар хорижий компания ва фирмалар нигоҳини Навоий вилоятига ўз инвестицияларини киритишлари орқали ҳам иқтисодиётимиздаги кенг миқёсидаги ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини ўсиши лозимлигини таъминлайди.

Демак, миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестицион ресурслар оқимини фаоллаштириш барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Навоий шаҳри халқаро аэропорти худудида республикада биринчи бор эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилди. Бу ерда иш бошлаган электроника, автомобил қисмлари ишлаб чиқарувчи, полимер ва озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган дастлабки бешта корхона 2010 йилдан тўлақонли фаолият кўрсатиб, маҳсулотларни кўпчилигини, асосан, экспортга чиқара бошлади. Бундан кўринадики, ушбу логистик марказ фаолияти бошланганига кўп бўлмасдан иқтисодий ривожланиш самарадорлигига эриша бошланди.

Натижада хорижликлар учун ҳам уй-жойлар, меҳмонхоналар қурила бошланди. Асосан, Жанубий Кореянинг “Korean AIR” компанияси томонидан турар-жой биноларини қурилиши Марказий Осиёдаги энг йирик логистик марказни ташкил этилишидир. “Мажмуа қурилиши учун ажратилган 120,96 гектар ер майдонида режалаштирилаётган турар-жой бинолари электр энергия, газ, сув, йўл ва бошқа ижтимоий инфратузилмага эга кичик шаҳарча вилоятимизга ташриф буюраётган инвесторларнинг яшашлари меҳнат қилишлари дам олишлари учун барча қулай шарт-шароитларни яратади”[8:1]. Бундан кўриниб турибдики, ушбу логистик марказ фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаган бўлса-да, экспертбоп маҳсулотлари билан дунё иқтисодиётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бориши бу худудни ўзига сарфланган маблағини ва қутилган натижани бериши шубҳасиздир. Бугунги кунда иқтисодий тараққиётни ва давлатнинг йирик таянчи бўлган бизнесни ҳаракатга келтирувчи муҳим омиллардан бири бўлган Эркин иқтисодий худудларни мамлакатимиз сарҳадларида ташкил қилиш масаласи республикамиз ҳукуматини диққат марказидаги муҳим масалалардан бири эди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 декабрдаги 418-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”[9:1]ги қарорлари бугунги кунда барча вилоятларда эркин-индустриал худудларни ривожланишига иқтисодий фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эркин индустриал иқтисодий зоналарни ташкил этиш давлатлараро келишувларга ёки маҳсус қонунларга мувофиқ хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, молия ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян худудлар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда эркин индустриал

зонани ташкил этилиши бежиз танланмаган. Сабаби, бу ердаги мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг 50 дан ортиқ давраларига экспорт қилинмоқда. Қолаверса кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир қимматбо металллар, фосфорит хомашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётганлиги, янги кўринишдаги замонавий корхоналар қурилиб ишга туширилаётгани бу воҳанинг ўлкан миқёсдаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда Навоий вилоятида иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш ва шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш учун энг аввало, хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан тўғри жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратишни талаб этади. Шунинг учун бундай долзарб вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналарни ўрни муҳим аҳамиятга эга. Навоий саноат шаҳари ва унинг истиқболли режаларида Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларни ривожлантириш замонавий инфраструктурани яратиш ички ва дунё бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бош мақсадлардан биридир. “Маълумки, 2010-2016 йилларда иқтисодий зонада 22 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 904 иш ўрни яратилган. 2017-2019 йилларда 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 1659 та иш ўрни яратилди” [10:1].

2017-2021 йиллар давомида экспертбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли даражада жадаллашиб борди. «Айни пайтда ҳудудда қиймати 631,3 миллион долларлик 52 та корхонада 60 та янги лойиҳа амалга оширилиши» [11:222] янги ислохотларнинг самарасидир.

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунда тараққиёти мобайнида иқтисодий ривожланиш, инвестицион сиёсат аҳоли фаровонлигининг ошиши, ялпи ички маҳсулотнинг ортиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, валюта барқарорлиги ва бошқа бир қатор кўрсаткичлари бўйича салмоқли натижаларни қўлга киритди. Қисқа давр бўлишига қарамадан Ўзбекистон томонидан қўлга киритилган бундай ютуқлар дунёнинг кўплаб давлатлари ва йирик молиявий-иқтисодий ташкилотлар томонидан асосли ва чуқур ўйланган сиёсат амалга оширилмоқда.

“Ўзбекстон тараққиётининг ҳозирги янги босқичи ана шу жиҳатларнинг барчасини чуқур идрок этиб, бу борадаги ёндашув ва сай-ҳаракатларни тубдан ўзгартиришни талаб қилмоқда” [12:8].

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, муҳтарам юртбошимиз ва ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат стратегик концепцияларни амалиётга жорий этилиши туфайли тинч ва осуда юртимизда халқимизнинг турмуш даражаси янада яхшиланиб бормоқда, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти янада равнақ топиб бориши бугунги куннинг устувор вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Навоий вилояти ҳокимлиги архиви. 100-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варақ.
2. Навоий вилояти ҳокимлиги архиви. 100-фонд, 4-рўйхат, 1-иш, 6-варақ.
3. Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 4 декабрь.
4. Иқтисодиётга оид атамалар ва тушунчалар изоҳли луғат. – Тошкент; Фан, 2004. – Б. 33.
5. “Дўстлик байроғи” газетаси // 2009 йил 5 май. – Б. 6.
6. “Индустриальный Навои” // 1982 г. – С. 3.
7. Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг IX сессия материаллари. 2007 йил 6 апрель. – Б. 1.
8. Асланов О. Эркин индустриал-иқтисодий зонада “Korean AIR” қурилиш бошлади // “Дўстлик байроғи” газетаси, 2009 йил 24 декабрь.
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. 2017, 1-сон, 12-модда.
10. Вилоят янгиликлари. Халқ фаровонлиги йўлидаги лойиҳалар ижроси Президентимиз назоратида // “Дўстлик байроғи” газетаси, 2018 йил 6 март.
11. Навоий ўтмиши қадим, келажаги нурли диёр. Китоб-альбом. Масъул муҳаррирлар: Мирзақулов З., Қаршибоев М. – Тошкент: Маънавият, 2021. – 222 б.
12. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – Б.8.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

FARG'ONA VODIYSIGA UYG'URLAR MIGRATSIYASI

Yuldasheva G.K. (TDPU)

Annotatsiya. Mazkur maqolada Farg'ona vodiysiga uyg'urlarning migratsiyasi, ular bizning urf odatlarimizni o'rganishlari, o'zbeklar bilan aralashib ketishi, Farg'ona vodiysining kelib chiqishi, yashash sharoiti, uyg'urlar bilan taqqoslanishi haqida keng tarzda bayon qilingan hamda tavsiyalar berib o'tilgan.

Tayanch so'zlar: *uyg'ur, o'troq, Qunchi daryo, uxu, uxhe, veyxe, yuanxe, guzlar, g'uzlar, Manjur.*

МИГРАЦИЯ УЙГУРОВ В ФЕРГАНСКУЮ ДОЛИНУ

Аннотация. В данной статье рассмотрена миграция уйгуров в Ферганскую долину, изучение ими наших обычаев, смешение с узбеками, происхождение Ферганской долины, условия их проживания, сравнение с уйгурами и даны некоторые рекомендации.

Ключевые слова: *уйгур, поселение, Кунчи-Дарья, Уху, Учхе, Вэйхе, Юаньсе, Гузлар, Гузлар, Манджур.*

MIGRATION OF UYGHUR TO FERGANA VALLEY

Annotation. In this article, the origin of the Ferghana Valley and the migration of Uyghurs to the Ferghana Valley, their learning of our customs, mixing with the Uzbeks, their living conditions, detailed explanation about comparison with the Uyghurs, and recommendations given.

Key words: *Uyghur, settlement, Kunchi Darya, Uhu, Uxhe, Weixhe, Yuanxe, Guzlar, Guzlar, Manjur.*

O'rta Osiyoning qadimiy etnoslaridan biri hisoblangan uyg'urlar tarixi uzoq yillar davomida murakkab va o'ziga xos tarzda o'rganilgan. Ma'lumki, uyg'urlar yaxlit bir xalq sifatida shakllangan va ularning aksariyat qismi yashagan Sharqiy Turkiston hududi Osiyodagi eng qadimiy madaniyat markazlaridan biri bo'lgan. Uyg'urlarning qadimiy o'troq dehqonchilik madaniyati bilan shug'ullanganliklari Qunchi daryo vodiysidan topilgan arxeologik manbalar tasdiqlaydi.

Ilmiy adabiyotlar va manbalar asosida shuni aytish mumkinki, o'zbek va uyg'urlar etnik va antropologik jihatdan nihoyatda yaqin, ammo o'rta asrlarda turli sabablarga ko'ra, g'arb tomonga ko'chgan mo'g'ul irqiga mansub sharqiy g'uzlarning aralashuvi uyg'urlarning etnik tarkibiga jiddiy ta'sir ko'rsatgan. Xitoy olimlarining tadqiqotlariga ko'ra, miloddan avvalgi III-II asrlar davomida uyg'urlar sharqiy va g'arbiy uyg'urlarga bo'lingan. G'arbiy uyg'urlar uxu, uxhe sharqiy uyg'urlar esa veyxe, yuanxe deb atalgan. G'arbiy uyg'urlar (uxu, uxhe) Tangritog' va Irtish daryosi bilan Balxash ko'li oralig'ida yashagan bo'lishsa, sharqiy uyg'urlar (veyxe, yunxey) Sibir, Baykal (Boyko'l) ko'li atrofida va Oltoyning sharqiy tomonlarida yashaganlar. Xitoy manbalarida "jyuming uxu" (to'qqiz o'g'uz) va "Jyuming xueyxe" (to'qqiz o'g'uz) kabi etnonimlar uchraydi. Ikki xil atalgan bu uyg'urlar aslida sharqiy uyg'urlar bo'lib, ularning tarkibi uyg'ur, buxu, xun, boyirqu, tungro, izgil, chibni, basmil, qarluq, kabi to'qqiz qabiladan iborat bo'lgan, demak, uyg'ur va o'g'uz etnik nomlari ikki qismga bo'linib ketgan bir xalqning ikki xil nomi bo'lgan. Rus va Yevropa tillaridagi adabiyotlarida o'g'uz va uyg'urlarni har xil avlodlar deb hisoblashgan. Keyingi asrlarda o'g'uz deb nomlangan g'arbiy o'g'uzlar (arab, fors manbalarida guzlar, g'uzlar) aksariyat turkiy xalqlarning shakllanishida salmoqli o'rin egallagan. To'qqiz qabiladan tashkil topgan uyg'urlar azaliy uyg'ur yoki ichki uyg'ur deb nomlangan. Xitoy manbalarida qarluq va qirg'iz qabilalari uyg'urlar tarkibidan ajralib chiqib, alohida yashaganligi haqida ma'lumotlar uchraydi.

VII asrning o'rtalarida qarluqlar kuchayib, uyg'ur ittifoqi doirasida ustunlikka intilgan. Bir necha kurashlarda muvaffaqiyatsizliklarga uchrab, uyg'ur ittifoqidan ajralib chiqib, o'zlari yashagan Tangritog' etaklarini tark etganlar. Janubiy Qozog'iston va Qizg'iziston hududiga ko'chib kelishga majbur bo'lgan va bu yerdagi Suyop va Taroz shaharlarini markaz qilib olishgan.

840-yilda ichki kurashlar va tashqi tazyiq natijasida Uyg'ur xoqonligidan so'ng sharqiy uyg'urlar tarkibidan 15 qabila g'arb tomonga ko'chib borib qarluqlarga qo'shilgan. Shundan so'ng uyg'urlarning Turkistondan tarqalish jarayoni jadallashgan. "Uyg'ur" atamasining lug'aviy ma'nosi haqida so'z ketganda, bu atama "uy" va "g'ur" kabi ikkita so'zdan tashkil topgan bo'lib, "uyishish", "birlashish", "ittifoq" ma'nosini bildiradi. "G'ur"ning ma'nosi haqida turli fikrlar mavjud. Ba'zi olimlar "g'ur", "g'uz" so'zining o'zgargan shakli desalar, ba'zilar esa Xitoyning shimoliy va g'arbiy tomonida yashagan barcha xalqlar umumiy "xu" (g'uz yoki xur) deb atalib,

“g‘uz” va “xur” so‘zlariga uyushmoqni bildiruvchi uyni qo‘shib “uyg‘ur” atamasi shakllangan deyishadi. Uyg‘urlarning ko‘p uyg‘urlardan tashkil topganligi “Shajarai turk”da quyidagicha bayon qilingan. “Uyg‘urlar 100 20 uyg‘ur elat erdilar, Chingizxonning nabiralari zamonida Movaraunnahr, Xuroson va Iroqda devonlar va daftardorlar barchalari uyg‘ur erdi.” Manbalarga asoslanib uyg‘urlar bir qabiladan ko‘paygan xalq emas, balki turkiy qabilalarning katta bir qismidan iborat deb bilishimiz lozim. Xitoy manbalaridagi turkiy qabilalar sanab chiqilganda 58 ta bo‘lib, ulardan 22 tasi uyg‘urlar tarkibiga kiradi. Keyinchalik bularning ko‘plari o‘zbeklar tarkibiga qo‘shilib ketgan, shuning uchun ham uyg‘urlar yashagan joylar Sharqiy Turkiston hududi bilan cheklanmaydi. O‘tmishda uyg‘urlarning bir qancha urug‘ va qabilalari keyinchalik o‘zbeklar bilan aralashib ketgan. O‘zbeklar orasida uyg‘urlar bilan aralashib ketgan oilalar talaygina edi. Bu ikki xalq ming yillar davomida Buyuk Ipak yo‘li bilan bog‘lanib ketgan Pomir va Tangritog‘ (Tyanshan)ning g‘arbiy va sharqiy hududlari Osiyodagi eng qadimiy madaniyat markazlari hisoblanib, ushbu tog‘lardagi savdo yo‘llarining g‘arbiy tomonida, sharqiy tomonida o‘zbeklar, sharqiy tomonida uyg‘urlar faol harakat qilganlar. Ikki xalq xalqaro savdo va madaniy aloqalarda muhim o‘rin egallab, ular orasidagi o‘zaro aloqalar to‘xtovsiz davom etgan. Turk xoqonligi, Qoraxoniylar davrida o‘zbek va uyg‘ur xalqlari yashagan hududlar yagona davlat tarkibida bo‘lib, keyingi asrlarda Buyuk Ipak yo‘lining rivojlanishi bu munosabatlarni yana ham faollashtiradi.

Umumiy til, yagona din va umumiy madaniyat vakillari bo‘lgan ikki qardosh xalq o‘rtasidagi etnik aralashuv jarayonlari qadimdan rivojlanib borgan. Uyg‘urlarning O‘rta Osiyoda qadimdan yashab kelganligining birinchi sababi, Buyuk Ipak yo‘li tarmog‘idagi savdo-sotiq munosabatlari bo‘lsa, ikkinchisi uyg‘urlar katta turkiy qabilalarning birikmasi hisoblanib, ular sharqda Mo‘g‘uliston, g‘arbda Balxash ko‘ligacha, janubda Himolay tog‘larigacha bo‘lgan ulkan hududlarda yashaganlar. Shu tufayli siyosiy va iqtisodiy sabablarga ko‘ra ular orasida migratsion jarayonlar to‘xtovsiz davom etgan.

Chingizxon va uning avlodlari davrida uyg‘urlarning O‘rta Osiyo hududlariga tarqalishi kuchaygan. Buning sababi Chingizxonning to‘rtinchi xotini Qoraxoniylardan bo‘lib, davlatdagi hujjat yozish ishlariga asosan uyg‘urlar jalb qilingan. Mo‘g‘ullar davlatida ko‘plab uyg‘ur ziyolilari O‘rta Osiyoning qator shahar va qishloqlarida joylashib qolganlar.

Sharqiy Turkistondagi Jung‘or xonligi (1635-1758) va Yorkent xonligi (1465-1759) Xitoyda hukmronlik qilayotgan Manjur sulolasi (Chin sulolasi 1644-1911) qo‘shinlari tomonidan yo‘q qilib tashlangandan so‘ng, XVIIIning o‘rtalarida Ili vodiysi va Tarim vohasida yashagan uyg‘urlarning Farg‘ona vodiysiga ko‘plab ko‘chib kelishi kuzatiladi.

1826-1828 yillar Jahongir xo‘ja boshchiligida manjurlarga qarshi ko‘tarilgan qo‘zg‘olon bostirilgach, Tarim vodiysidan Farg‘ona vodiysiga ko‘chib keluvchilar soni ortgan. Cho‘qon Valixonov ma‘lumotlariga ko‘ra: "Farg‘ona o‘lkasining Qo‘qon, Shahrixon va boshqa shaharlariga yetmish mingga yaqin uyg‘urlar ko‘chib kelib joylashgan. O‘sha davirda Turkistonga ko‘chib kelgan uyg‘urlarning umumiy soni uch yuz ming kishidan iborat bo‘lgan.”

XIX asr o‘rtalarida Sharqiy Turkistonda Manjur istilochilariga qarshi qo‘zg‘olon ko‘tarildi. Bu qo‘zg‘olon natijasida Sharqiy Turkiston manjurlar zulmidan vaqtincha ozod bo‘ldi. U yerda Piskentlik Yoqubbek boshchiligida "Yetti shahar davlati" nomli davlat barpo qilinadi, ammo ushbu davlat 1878-yil manjur imperiyasi tomonidan yo‘q qilinadi. Qo‘zg‘olonchilar va ularning urug‘-aymoqlari Turkistonga ko‘chib o‘tadilar. 1878 yilgacha bo‘lgan bir necha qo‘zg‘olon davrida Turkistonga ko‘chib borgan uyg‘urlarning umumiy soni 500 mingdan oshib ketgan. Tadqiqotchilarning fikriga ko‘ra 1862-1878-yillar oralig‘ida Qo‘qon xonligi hududiga ko‘chib o‘tgan qoshg‘ariylarning soni 85-162 mingni tashkil qilgan.

Uyg‘urlar migratsiyasining oxirgi bosqichi 1877-1878-yillarga to‘g‘ri keladi. 1881-yil avgust, dekabr oylaridagi Peterburg kelishuviga ko‘ra mahalliy aholidan so‘rovnoma o‘tkazilib, unda rus podshohligiga o‘tishni xohlovchilar ro‘yxatga olinadi. So‘rovnoma natijalariga ko‘ra taxminan 100 ming kishi 365 urug‘, 1,308 dung‘on oilalari va o‘lkadagi barcha qozoqlarni ko‘chib o‘tishini xohlashi aniqlandi.

Mahalliy aholi ko‘chib kelgan uyg‘urlarga yaxshi munosabatda bo‘ldilar. Farg‘ona vodiysida Qorasuv mahallasida 10.675 ko‘chib kelgan uyg‘urlar ro‘yxatga olingan. Uyg‘urlarning

ko'chib kelgan dastlabki davrlari moddiy va maishiy jihatdan juda og'ir kechdi. Ularga ish hamda va'da qilingan yer ham yetishmasdi. Farg'ona viloyati byudjeti bo'yicha ko'chib kelganlarga uy qurish uchun 50 ming rubl, Yettisuv harbiy guberniyasi tomonidan esa 19 ming rubl ajratildi. Uyg'ur va Do'nganlarning O'rta Osiyo hamda Yettisuvga XIX asrning ikkinchi yarimidagi ommaviy ko'chib o'tishi uyg'ur xalqi tarixining bir qismiga aylandi. O'zbek va uyg'ur xalqi orasidagi o'zaro birdamlik ular o'rtasidagi etnogenetik munosabatlar rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatdi. Uyg'urlar dehqonchilik, bog'dorchilik va shaxsiy tomorqa xo'jaligi bilan shug'ullanganlar va bag'rikeng mahalliy aholi ularga sug'orish masalalarida katta yordam bergan.

XIX asrning ikkinchi yarimida Qo'qon xonligida yashovchi uyg'ur xo'jalari Xitoy feodallariga qarshi yurishda xonlikdan yordam so'radilar. Sharqiy Turkistondagi siyosiy vaziyat tufayli uyg'ur xo'jalarining "oq tog'lik" va "qora tog'lik" guruhlarini bir-biri bilan raqobatdosh edi. Ular Qo'qon xoni va Buxoro amirini Xitoy bosqinchilariga qarshi yurishda ittifoqdosh bo'lishini taklif qildilar. Oqtog'liklar Qo'qon xonligining Andijon va Toshkent hududlarida joylashgan edilar. XIX asrning birinchi yarmida Qo'qon xonligida 2 mingta yirik dehqon xo'jaliklarining ismi tilga olinadi, Qashg'ar xo'jalari doimo Xitoy feodallaridan o'z vatanlarini qaytarib olishga uringanlar va bu yo'lda ularga mahalliy aholi ham yordam berganlar. Chunonchi, Qo'qon xoni Madalixon ham bunday yurishlarga 15 ming qo'shini bilan yordam bergan.

Uyg'urlarning O'rta Osiyo, jumladan, Farg'ona vodiysiga ko'chib o'tganligi haqida ma'lumotlar, bir qator tadqiqotlarda uchraydi. Qadimiy Buyuk Ipak yo'li Qashg'ar shahridan o'tganligi va Farg'ona vodiysiga kelganlar, asosan, mazkur shahar orqali kelganligi tufayli ko'chib kelgan uyg'urlarga nisbatan "qoshg'arlik" atamasi paydo bo'lib, uyg'urlar to'planib yashaydigan joylar "Qashg'ar mahallasi" deb atalgan. O'zbeklar orasida ham xuddi shunday holat yuz bergan. O'rta Osiyodan sharqqa qarab ketadigan Buyuk Ipak yo'li Andijon orqali o'tganligi sababli, Qashg'arda va boshqa uyg'ur shaharlarida o'zbeklar "andijonlik" ular to'planib yashaydigan joylar "Andijon mahallasi" deb atalgan.

Farg'ona vodiysiga ko'chib o'tgan uyg'urlarni o'zlari ko'chib kelgan joy nomlari bilan "yorkentlik", "turfonlik" atalib, vodiylar aholisi ko'chib kelganlarni "tog'lik" nomi bilan ham ataganlar. Vodiylarga ko'chib o'tgan uyg'urlar asosan, vodiylarning shimoliy-sharqiy va sharqiy qismiga kelib joylashganlar. Andijon viloyatining Izbosgan, Andijon, Asaka, Shahrixon, Qo'rg'ontepa, Jalolquduq, Xo'jaobod, Qirg'izistonning Qorasuv, Aravon, So'zoq tumanlaridagi qishloqlarda hamda Andijon, O'sh, O'zgan, Jalolobod shaharlarida uyg'urlar zich joylashganlar.

Ko'chib o'tganlarning katta qismi vodiylar aholisi orasida "tog'lik" nomi bilan ham atalgan S.S.Gubayeva Farg'ona vodiysi hududiga ko'chib o'tgan uyg'urlar orasida "do'lan" nomi bilan ma'lum bo'lgan etnografik guruh va "Qashg'arlik qo'shnilar" deb ataluvchi "ayaqchi" va "povon" deb nomlanuvchi etnik guruhlar ham mavjud bo'lganligini ko'rsatib o'tgan. Uyg'urlar Farg'ona vodiysiga ko'chib o'tar ekanlar, iloji boricha zich joylashishga harakat qilganlar shu maqsadda ular asosan kam o'zlashtirilgan yoki umuman bo'sh yerlar o'rniga qishloqlar tashkil etganlar. Yangi tashkil etilgan uyg'ur qishloqlarini Sharqiy Turkistondagi o'zlarining avval yashagan qishloq va shaharlarning nomi bilan atagan. Vodiylarda Qoshg'arqishloq, Uyg'ur qishloq, Tog'lik, Poyonob, Qovul, Pushmon, Ozox, Shovrux, Taxtako'prik, To'qqizoq, Janjal, Chanlot, Go'zo, Paydo, Olaqanot, Qo'rg'onoldi, Qo'rg'ontepa, Eshonchi, Tomoqchi, Ovot, Qirmochi, Qorament, Godira, Kepakchi kabi ko'plab uyg'ur qishloqlari uchraydi.

Uyg'urlarning etnik tarkibi bilan bog'liq "Do'lon" deb atalgan qishloqlar ham uchraydi. Vodiylarga ko'chib kelgan uyg'urlar yangi etnik muhitga moslashishga harakat qildilar, mahalliy aholi bilan iqtisodiy madaniy aloqaga kirishdilar. Ikki xalq o'rtasidagi munosabatlar hayotning barcha sohalarida, xususan, savdo, xo'jalik, madaniy va oila –nikoh munosabatlarida jadal kechdi. Uyg'urlar vodiylarga ko'chib kelgach, o'zlarining dehqonchilik, hunarmandchilik, savdo-sotiq, uy xo'jaligi, pazandachilik an'analarini davom ettirib mahalliy aholi bilan etnomadaniy munosabatlari rivojlandi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Farg'ona vodiysiga uyg'urlarning kirib kelishi va o'rtnashishi uzoq asrlardan boshlanib tarixning turli davrlarida kechgan ichki hamda tashqi voqe'liklar ta'sirida ba'zan oz ba'zida ommaviy tarzda davom etib turgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mavlonov O'. Markaziy osiyoning qadimgi yo'llari. – Toshkent, 2008. – 412 b.
2. Musaev N.U. So'nggi bronza va ilk temir davrlarida O'rta Osiyoda sodir bo'lgan etnik jarayonlar «O'zbek xalqining kelib chiqishi: ilmiy-metodologik yondashuvlar, etnogenetik va etnik tarix» mavzusida Respublika ilmiy-nazariy seminar materiallari. – Toshkent, 2004. – 72 b.
3. Anorbaev A. O'rta Osiyo etnografiyasidagi ba'zi-bir dolzarb muammolar / «O'zbek xalqining kelib chiqishi: ilmiy-metodologik yondashuvlar, etnogenetik va etnik tarix» mavzusida Respublika ilmiy-nazari seminar materiallari. – Toshkent, 2004. – B. 28.
4. Asqarov A. O'zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi. – Toshkent, 2007. – 229 b.
5. Sagdullayev A.S. O'zbekiston tarixi. – Toshkent, 2019. – 268 b.
6. Azamat Ziyov. O'zbek davlatchiligi tarixi. – Toshkent, 2000. – B. 59.
7. Eshov B. O'zbek davlatchiligi va boshqaruv tarixi. – Toshkent, 2012. – B. 97.
8. Asqarov A. O'zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi. – Toshkent, 2007. – 229 b.

Nashrga prof. B.Eshov tavsiya etgan

ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ, УНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ

Рахмонова Н.Т. (СамДУ)

Аннотация. Мақолада маънавий барқарорлик жамиятнинг маънавий жиҳатдан муқимлигини, турли таҳдидлар ва хатарларга бардошлилиги меъёрини аниқлаш тушунча сифатида таърифланган. Унинг шаклланганлик даражаси сиёсий ғоя ва таълимотлар характери, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги, ахлоқий муҳитга, диний толерантлик даражасига, илм-фан нуфузи ва мақомига, адабиёт ва санъатнинг ижтимоий позициясига, тарихий хотирага, мафкуравий плюрализмга, маънавий таҳдидларга бардошлиликка қараб аниқланиши асосланган. Муаллифнинг фикрига кўра, маънавий барқарорликнинг таъминланиши турли соҳаларнинг такомил топишига замин ҳозирлайди, ижтимоий тараққиёт суръатларини жадаллаштиради.

Таянч сўзлар: *барқарорлик, иқтисодий барқарорлик, сиёсий барқарорлик, ижтимоий барқарорлик, маънавий барқарорлик, маънавий барқарорликнинг ижтимоий аҳамияти, маънавий барқарорлик мезонлари, сиёсий ғоя ва таълимотларнинг характери, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги, ахлоқий муҳит, диний толерантлик даражаси, илм-фан нуфузи ва мақоми, адабиёт ва санъатнинг ижтимоий позицияси, тарихий хотира, мафкуравий плюрализм.*

ДУХОВНАЯ СТАБИЛЬНОСТЬ ОБЩЕСТВА, ЕЕ СОДЕРЖАНИЕ И ОСНОВНЫЕ КРИТЕРИИ

Аннотация. В статье “духовная стабильность” определена как понятие, символизирующее духовное равновесие общества, меру его устойчивости к различным угрозам и рискам. Обосновано, что степень его сформированности определяется характером политических идей и учений, обеспеченностью прав и свобод человека, моральной средой, уровнем религиозной терпимости, престижем и статусом науки, социальной позицией литературы и искусства, исторической памятью, идеологическим плюрализмом, устойчивостью к духовным угрозам. По мнению автора, обеспечение духовной стабильности создает предпосылки для совершенствования различных сфер общества, ускоряет темпы общественного развития.

Ключевые слова: *стабильность, экономическая стабильность, политическая стабильность, социальная стабильность, духовная стабильность, социальная значимость духовной стабильности, критерии духовной стабильности, характер политических идей и учений, обеспечение прав и свобод человека, нравственная среда, уровень религиозной толерантности, престиж и статус науки, социальное положение литературы и искусства, историческая память, идеологический плюрализм.*

SPIRITUAL STABILITY OF SOCIETY, ITS CONTENT AND MAIN CRITERIA

Annotation. The article defines “spiritual stability” as a concept symbolizing the spiritual balance of society, the measure of its resistance to various threats and risks. It is proved that the degree of its formation is determined by the nature of political ideas and teachings, the security of human rights and freedoms, the moral environment, the level of religious tolerance, the prestige and status of science, the social position of literature and art, historical memory, ideological pluralism, resistance to spiritual threats. According to the author, ensuring spiritual stability creates prerequisites for the improvement of various spheres of society, accelerates the pace of social development

Keywords: *stability, economic stability, political stability, social stability, spiritual stability, social significance of spiritual stability, criteria of spiritual stability, nature of political ideas and teachings, ensuring human rights and freedoms, moral environment, level of religious tolerance, prestige and status of science, social status of literature and art, historical memory, ideological pluralism.*

Инсоният ўз тарихий тараққиётининг янги палласига киргани сайин кишилик жамиятидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий мувозанатни бузувчи омиллар кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Жамият иқтисодиётини тараққиётдан бенасиб қилувчи, сиёсий бошбошдоқликларни авж олдирувчи, ижтимоий келишмовчиликларни кўпайтирувчи, маънавий маданиятни таназзулга етакловчи ички ва ташқи таҳдидлар, хатарлар, тазйиқлар тобора ортмоқда. Шу муносабат билан жамият барқарорлигини таъминлаш масаласи барча мамлакатлар ва халқлар ўз эътиборини

жамлаши зарур бўлган стратегик вазифа даражасига кўтарилмоқда. Давлат раҳбари: “Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади”, – деганда айнан ана шуни назарда тутган эди [1]. Бироқ мазкур вазифа хусусида бош қотирганда аксарият ҳолларда барқарорлик жамиятнинг ўта мураккаб, серқирра ҳолати эканлиги хотиримиздан фаромуш бўлади. Ваҳоланки, унинг мазмунини жўн тушуниш, бирёқлама талқин қилиш юқорида тилга олинган стратегик вазифани тўлақонли адо этишга ҳалал беради.

Барқарорлик диалектик фалсафанинг асосий тушунчаларидан биридир. У нарса ва ҳодисалар сифатининг, ундаги хоссаларнинг муқимлиги ва турғунлигини англатади. Барқарорлик бўлмаса нарсанинг мавжудлик муддати ҳам узоқ бўлмайди. Одатда, мазкур тушунча борлиқнинг турли шаклларига нисбатан қўлланилади. Жумладан, табиатдаги барқарорлик, жамиятдаги барқарорлик, инсондаги барқарорлик хусусида мулоҳаза юритиш мумкин. Жамиятдаги барқарорлик ҳақида гап кетганда социум соҳаларига хос бўлган сифатий белгиларнинг муқимлиги ва қатъийлиги назарда тутилади. Ҳар қандай кишилик жамияти ўзининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳаларига эга бўлгани боис уни иқтисодий барқарорлик, сиёсий барқарорлик, ижтимоий барқарорлик ва маънавий барқарорликка таснифлаш мумкин.

Иқтисодий барқарорлик – жамиятдаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг муқимлигини кўрсатувчи тушунчадир. Уни аниқлашда, одатда ялпи ички даромад динамикаси ва инфляция даражасига эътибор қаратилади¹. Сиёсий барқарорлик сиёсий институтларнинг мустаҳкамлиги, ҳокимият тақсимоли тизимининг самардорлиги, жамият сиёсий маданияти даражаси, ҳокимиятнинг легитимлигидан таркиб топади [2]. Ижтимоий барқарорлик эса жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг турғунлиги ва уйғунлиги, муайян ижтимоий нормаларга бўйсундирилганлигини англатади [3].

Маънавий барқарорлик жамият барқарорлигининг ўзига хос шаклидир. У жамиятнинг маънавий жиҳатдан муқимлигини, турли таҳдидлар ва хатарларга бардошлилиги меъёрини англатади. Маънавий барқарорлик билан барқарорликнинг бошқа шакллари ўзаро диалектик алоқадордир. Бир томондан, у ўзга барқарорлик шакллариининг зарурий маҳсулидир. Жамият маънавий жиҳатдан барқарор бўлиши учун иқтисодий нуктаи назардан қудратли, сиёсий институтлари мустаҳкам, ижтимоий муносабатлари прагматик ва ахлоқий характерга эга бўлмоғи даркор. Иккинчи томондан эса, у ўзга барқарорлик шакллариининг муҳим шартидир. Маънавий барқарорлик бўлмас экан, макроиқтисодий кўрсаткичлар ўсишини таъминлаб, сиёсий институтлар фаолияти самарасини ошириб, ижтимоий муносабатларни оптималлаштириб бўлмайди. Бинобарин, ҳар қандай жамиятнинг маънавий барқарорлигини унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий барқарорлиги билан ҳамоҳанг ва уйғун тарзда таъминлаш мумкин. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий заминлардан ажралган маънавий барқарорлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Жамиятнинг маънавий жиҳатдан барқарорлигини кўрсатувчи мезонлар тизими мавжуд. Улар туркумига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий ғоя ва таълимотларнинг характери; жамиятда илгари сурилаётган сиёсий ғоялар ва дастурлар, тарғиб қилинаётган таълимотлар инсонпарвар характер касб қилгани сари маънавий барқарорлик ҳам мустаҳкамлана боради. Ғайриинсоний сиёсий ғоялар ва мақсадлар пировардида жамиятдаги маънавий барқарорликка путур етказди, унинг ижтимоий юксалишдан мосуво қилади;

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги; ҳуқуқ устуворлигининг таъминланиши, инсон эркинликларининг мутлақ қадриятга айланиши жамият аъзолари маънавий оламида ўчмас из қолдиради. Эркин, ҳуқуқлари кафолатланган фуқаро ўз жамиятининг маънавий негизларини ҳам қадрлайди, уларни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилади. Ҳуқуқсизлик фуқарони жамиятнинг маънавий асосларидан бегоналаштиради;

- ахлоқий муҳит; ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш кайфияти ҳукм сурган, ижтимоий муносабатлар ахлоқ талабларига бўйсундирилган жамиятдагина маънавий

¹ Экономическая стабильность.// bigenc.ru.

барқарорлик қарор топади. Маънавий бошбошдоқлик авж олган жамиятларнинг тажрибаси кўрсатадики, ахлоқсизлик, ахлоқ қоидаларига беписандлик – маънавий беқарорлик ва маънавий таназзулнинг ибтидосидир;

- диний толерантлик даражаси; маънавий барқарорлик турли диний конфессия вакилларининг ҳамжиҳатликдаги ва ҳамкорликдаги турмушидан келиб чиқади. Жамиятда турли дин вакиллари бир бирларига нисбатан сабр-тоқат қилмас эканлар, маънавий муқимлик бўлмайди, турли таҳдид ва хатарларга бардошлилик меъёри торайиб бораверади;

- илм-фан нуфузи ва мақоми; фан – маънавий барқарорликнинг рационал негизидир. Унинг жамиятдаги нуфузи ва мақоми юксала боргани сайин маънавият янги илмий ғоялар ва таълимотлар ҳисобига бойиб бораверади. Фан кадрланмаган, илм кишиси улуғланмаган юртда маънавий барқарорлик бўлиши мумкин эмас;

- адабиёт ва санъатнинг ижтимоий позицияси; адабиёт ва санъат барча замонларда олий гуманистик ғояларни, эзгу ижтимоий мақсадларни улуғлаб, тарғиб ва ташвиқ қилиб келган. Шу сабабдан унинг ижтимоий позициясига қараб, жамиятнинг маънавий барқарорлиги даражасини аниқласа бўлади;

- тарихий хотира; жамиятда ўтмишга, тарихий шахслар фаолиятига доир ижтимоий билимларни мувофиқлаштирувчи, бу билимларни келгуси авлодларга етказувчи ижтимоий-маданий услублар ва институтларнинг мавжудлиги унинг маънавий барқарорлигидан дарак беради. Тарихий хотирадан мосуволик – маънавий таназзул сари қўйилган қадамдир;

- мафкуравий плюрализм; жамиятда турли гуманистик ва прогрессив мафкураларнинг мавжуд бўлиши, улар ўртасида мулоқотнинг йўлга қўйилиши нафақат демографик тараққиётнинг, балки маънавий барқарорликнинг ҳам муҳим шартидир;

- маънавий таҳдидларга бардошлилик; жамиятнинг маънавий барқарорлигини унинг маънавий таҳдидлар ва хатарлардан ўзини муҳофаза қила билиш имкониятларига, шу имкониятларни реализация қилувчи институтларнинг мавжудлигига қараб ҳам аниқлаш мумкин.

Маънавий барқарорликнинг келтирилган мезонлари нафақат унинг қарор топганлиги даражасини аниқлаш, балки уни мустаҳкамлаш борасидаги ижтимоий саъй-ҳаракатларнинг асосий йўналишларини ифодалаш имконини ҳам беради. Шундай қилиб, бу йўналишлар куйидагилардан иборат бўлмоғи даркор:

- ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган сиёсий ғоялар ҳамда таълимотларни шакллантириш;

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жамиятнинг мутлақ қадриятига айлантириш;

- ахлоқий қадриятлар ва ахлоқий нормаларга эътиборни кучайтириш орқали жамиятдаги ахлоқий муҳитни янада мустаҳкамлаш;

- жамиятда қарор топган диний толерантлик кайфиятини асраб-авайлаш чораларини кучайтириш;

- илм-фан нуфузи ва мақомини оширишга хизмат қиладиган чора-тадбирларга тизимли ва мунтазам тус бериш;

- миллий адабиёт ва санъат ривожини янги босқичга кўтариш, уни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш;

- фуқароларнинг тарихий хотирасини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар тизимини амалга ошириш;

- жамиятда гуманистик характердаги мафкуралар ўртасидаги ғоявий мулоқотни таъминлаш;

- маънавий тарғибот ва ташвиқот мазмунини бойитиш, самараси ва кўламини ошириш.

Хулоса қиладиган бўлсак, маънавий барқарорлик жамиятнинг маънавий жиҳатдан муқимлигини, турли таҳдидлар ва хатарларга бардошлилиги меъёрини англатади. Унинг шаклланганлик даражасини сиёсий ғоя ва таълимотлар характери, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги, ахлоқий муҳит, диний толерантлик даражаси, илм-

фан нуфузи ва мақоми, адабиёт ва санъатнинг ижтимоий позицияси, тарихий хотира, мафкуравий плюрализм, маънавий таҳдидларга бардошлиликка қараб аниқлаш мумкин. Маънавий барқарорликнинг таъминланиши турли соҳаларнинг такомил топишига замин ҳозирлайди, ижтимоий тараққиёт суръатларини жадаллаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. // Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. Ж. 4. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – 396 б.
2. Семченко О.Р. Политическая стабильность: сущность, понятие, информационные механизмы // Вопросы управления, 2015, – №1. – С. 54.
3. Лю Ц. Социальная стабильность в стране: генезис понятия // Социология, 2018, – №2. – С. 150–154.

Наирга проф. С. Чориев тавсия этган

QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI

Yazdonov Z. Sh. (Samarqand davlat universiteti Urgut filiali)

Аннотасија. Ushbu maqola Markaziy Movarounnahr va Xuroson o'lkalarida vujudga kelgan qalandariylik masalalari, shuningdek, qalandariylik tariqati tarixini o'rganish, uning o'ziga xos xususiyatlari, amaliyotlari diniy-falsafiy qarashlarga ta'siri tahlil etilgan. Ularning diniy-falsafiy dunyoqarash fan, madaniyat rivoji uchun imkoniyatlarni kengaytirish bilan birga ularning yutuqlaridan foydalanish yo'llari ochib berilgan.

Таянч со'злар: *so'fiyona, riyo, tanbeh, ruhiy-ma'naviy, tasavvuf, malomatiylik, qalandarnoma, faqr, qanoat.*

КАЛАНДАРИАНСТВО И ЕГО МЕСТО В СИСТЕМЕ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА

Аннотация. В данной статье анализируются вопросы каландаризма, возникшие в регионах Центрального Movarounnahr и Хорасана, а также изучается история каландарианской секты, ее специфические особенности и влияние ее практик на религиозно-философские воззрения. Раскрыты их религиозно-философское мировоззрение, расширение возможностей развития науки и культуры, способы использования их достижений.

Ключевые слова: *Суфизм, лицемерие, упрек, духовное, взаимные обвинения, бедствие, бедность, довольство.*

KALANDARIANISM AND ITS PLACE IN THE SYSTEM OF HUMAN AND SOCIETY

Annotation. This article analyzes the issues of Kalandarianism that arose in the Central Movarounnahr and Khorasan regions, as well as the study of the history of the Kalandarian sect, its specific characteristics, and the impact of its practices on religious and philosophical views. Their religio-philosophical outlook has been revealed, along with the expansion of opportunities for the development of science and culture, as well as the ways of using their achievements.

Key words: *Sufism, hypocrisy, reproach, spiritual, mutual accusations, distress, poverty, contentment.*

So'fiyona tariqat yo'nalishlaridan bo'lgan qalandariylik "riyo" va "nafs", "ujbga" ga qarshi g'oyaviy kurash vositasi bo'lishi bilan birga o'zida mumtoz tasavvuf an'alarini mujassam etgani bilan ham boshqa ba'zi tariqatlardan ajralib turadi. Bu tariqat vakillari tashqi qiyofalari, xatti-harakatlari, maxsus kiyimlari bilan kishilar orasida ajralib turgan. Ammo, ularning tashqaridan xalq bilan ichkaridan Haq bilan birga bo'lish ishtiyoqi ijtimoiy munosabatlarida muhim o'rin tutgan. Shu bilan birga qalandariylik insonning ruhiy-ma'naviy olamini tarbiyalovchi vositalardan biri sifatida ham e'tirof etilayotganining sababi axloqiy kamolot, insoniy birdamlik, qanoat va ma'naviy taraqqiyot namunasi o'laroq qaralgan. Oziga qanoat qilish, yo'g'iga sabr qilish fazilatlarini tarbiyalagan.

Dunyoning nufuzli ilmiy-tadqiqot markazlarida aynan tasavvuf bilan aloqadorlik kasb etgan izlanishlarda va oliy ta'lim dargohlarida qalandariylikning ijtimoiy, tarixiy va so'fiyona mohiyatini anglash borasidagi ko'plab fundamental tadqiqotlar amalga oshirilayotgani ushbu yo'nalishdagi

tadqiqotlarning ilmiy ahamiyati yuqori ekanligidan dalolat beradi. Markaziy Osiyoda qalandariylikning tariqat sifatida vujudga kelishi, g'oyalari, o'lka hududlarda keng tarqalishi, rivojlanish sabablari, yo'nalishlari, taraqqiyot va tanazzul bosqichlari bo'yicha Sharq va G'arb olimlari ko'plab ilmiy izlanishlar olib borganliklari ushbu tariqatlarga bo'lgan qiziqishlar davom etayotganini ko'rsatadi. Biroq hozirda qalandariylik tariqatining mintaqaviy xususiyatlari, falsafiy-irfoniy jihatlari va amaliy jihatlari bilan bog'liq masalalarni noto'g'ri talqin qilish holatlari ham uchrab turadi. Mazkur yo'nalishda izlanishlar olib borayotgan tadqiqotchilar ham o'z tadqiqotlarida buni ta'kidlaydilar. Shu nuqtayi nazardan qalandariylikning asl mohiyatini haqqoniylik hamda ilmiy xolislik tamoyillariga tayangan holda o'rganish ushbu yo'nalishdagi tadqiqotlar samarasini yanada boyitishiga va xolisona qarashlarning tizimli shakllanishiga xizmat qilishi mumkin. So'nggi yillarda Markaziy Osiyo tariqatlarining tarqalishi va ilmiy-ma'rifiy merosini o'rganish bilan bog'liq ilmiy izlanishlarga katta imkoniyatlar yaratilmoqda. Jumladan, Mir Arab oliy madrasasi huzurida Bahouddin Naqshband tasavvuf ilmiy maktabining tashkil etilishi, Yetti pir tarixini o'rganishga bo'lgan e'tiborni fikrimizning amaliy tasdig'i sifatida ko'rish mumkin. Tasavvufga oid manbalarda qalandariylik tariqati vakillari ruhiy kamolotga erishgan sofdil kishilar sifatida e'tirof qilingan. O'zbekistonda qalandariylik tariqatining tasavvuf tarixi va adabiyotida talqin etilishi bilan bog'liq ko'plab ilmiy izlanishlar amalga oshirilmoqda. "Qalandarnoma" turkumida yozilgan kitoblardan ayrimlari tarjima qilinganiga qaramay, Markaziy Osiyo qalandariylarining yo'nalishlari, zikr uslublari, jahongashtalik prinsiplari, maskanlari, yetakchi pirlari, boshqa o'lka va hududlardagi tariqat vakillaridan farqli jihatlari zohiriy va botiniy amallari, insonlar o'rtasidagi munosabatlari, Alloh va yaratilganlarga doir masalalarni qiyosiy tahlil etish zarurati mavjud.

IX-XI asrda malomatiylik harakati negizida vujudga kelgan qalandariylik shariat normalari doirasida faoliyat olib borganligi, shu bilan birga ularning undagi tartib-qoidalarining sirliligi va murakkabligi bois ommalashmay qolgani, buning natijasida qalandariylikning asl mohiyati "malomat", "ixlos", "faqr" maqomlaridagina saqlanib qolgani ularning keyingi tariqatlarga g'oyaviy ta'sirini ochib berishda ham muhim ahamiyatga molik. Markaziy Osiyo o'lkalarida qalandariylikning yuzaga kelishiga asosiy omil sifatida shariat va tasavvuf vakillari orasida tarqalib borayotgan "riyo" ga yo'l bermaslik va nafsni isloh qilishga qaratilganligi hamda ushbu illatlarning oldini olishda "sidq" va "ixlos" g'oyalariga tayanishning umumtasavvufiy yo'llari tahlili uning ruhiy-ma'naviy tarbiyadagi ahamiyatli jihatlari, bugungi kundagi soxta tariqatchilik, soxta pirlar, har qanday sirli jamoalar harakatlarini ma'rifat bilan qaytrishda xizmat qiladi.

Umuman, o'rta asrlarda qalandariylik haqidagi tanqidiy qarashlarning negizida Eron tariqatlariga xos bo'lgan "vahdat al-vujud", "hulul", "tanosux" g'oyalarining kirib qolishi sabab bo'lgani ularning hanafiylilik asoslariga nomutanosib ekanligi, so'fiyona qarashlarning Movarounnahrda o'rta yo'l qoidalariga mos jihatlari tariqat tajribalarida singib borganligi tariqatning tarbiyaviy irfoniy takomillashib borishga hissa bo'lib qo'shilgan. Tadqiqotchi N.To'ychievaning fikriga ko'ra, XIX asr oxiri va XX asrlarga kelib Turkistonning iqtisodiy-ijtimoiy tanazzuli natijasida oddiy aholining qalandarxonalaridan boshpana va yegulikni beg'araz topish imkoniyati mavjudligi sababli qalandarlar safi ko'payib, 100 dan ortiq qalandarxonalar faoliyati rivojlangan. Qalandariylik tariqati vakillarining Erondan Markaziy Osiyoga kirib kelishi, ularning o'ziga xos jihatlari mintaqada shakllangan "qalandarxonalar" faoliyatining rivoj topishi, badiiy adabiyotda qalandar va darvesh kabi atamalar nafsni jilovlagan, ruhiy kamolotga erishgan kishilarga nisbatan qo'llanishi, XIX asr oxiri va XX asrning birinchi choragida qalandariylik faoliyati avj olib, qalandarlikka xos jamoalar shakllanishi, mintaqada ijtimoiy-diniy hayotida qalandarlarning o'rni ajralib turgan. Ularning jamiyat va inson hayotiga ko'rsatgan ta'siri aynan inson nafsiga qutqu soluvchi illatlarga qarshi ekanligi bilan ham uning tarbiyasida muhim o'rin tutadi.

Qalandariylik tariqati tarixini o'rganish, uning o'ziga xos xususiyatlari, amaliyotlarini bilishdan avval bu atamaning kelib chiqishiga e'tibor qaratish kerak. "Qalandar" atamasi ijtimoiy va ma'naviy hayotimizdan chuqur joy olgan va o'z davrida hamda keyingi zamonlarda ham badiiy adabiyotimiz sa'atimizda muhim o'rin tutgan. Aytish mumkinki, madaniyatimiz tarixida ushbu harakatlar o'z maqyeiga ega bo'lganligi uning ildizlarini yanada chuqurroq o'rganishni taqazo etadi. Chunki, olam va odam, jamiyat va inson munosabatlarini o'rganishning turli rakurslari ushbu

jihtlarni ham hisobga olishni nazarda tutadi. Tasavvuf, soʻfiylik amaliyotlari, shayxlarning hayot tarzi oriflarning irfoniy bilimlari Haq va haqiqatni anglashda oʻziga xos falsafiy-irfoniy mushohadani talab qiladi. Bu tariqatlar tarixini ularning gʻoyalari, tamoyillarini yashash tarzlarini ham oʻrganishga undaydi. Turli davrlarda qalandar atamasiga turlicha taʼriflar, tushuntirishlar, izoh va sharhlar berilgan. Qalandariylik atamasi tarixiy, ilmiy va adabiy ahamiyatga ega hisoblanadi. XI asrdan keyingi davrlarda “qalandar” atamasini olimlar etimologiyasi xususida hozirgacha bir toʻxtamga kelmaganlar. Ularning qalandarlarning dastlabki koʻrinishlari va tariqatning paydo boʻlish jarayoniga doir qarashlari nisbiy sanaladi. Hatto “qalandar” soʻzining ildizi va qaysi tildan kelib chiqqani ham aniqlanmagan. Mazkur atamaning kelib chiqishi borasida baʼzi taxmin va qarashlar mavjud: 1. Qalandar – forschada “kattaroq”, “yirikroq”, “ogʻir yuk koʻtargan besoʻnaqay odam”, “darvoza orqasidan tirab qoʻyladigan, tekislanmagan, qalin yogʻoch toʻnka” maʼnolarini bildiradi [1,233]. 2. Qalandar – grekcha “taqdirlamoq”, “taklif qilmoq” maʼnolarida qoʻllaniladi [2,129]. 3. Qalandar – soʻzi “qalan” va “andar” soʻzlarining birikishidan hosil boʻlgan. Maʼnosi: “ogʻir yuk tashigan”, “ogʻir yuk ostida qolgan” yoki arabcha “aqall” va forscha “andar” soʻzlaridan tarkib topib, ahamiyatsiz bir ahvolda” degan maʼnolarni anglatadi. Bu atama majzubi solikin, sulukdan soʻngra jazbaga yetishgan bir soliki majzubning laqabiga nisbat berilgan [3,351] degan qarashlar ham mavjud; 4. Qalandar soʻzi “ko” va “langar” soʻzlaridan yasalgan boʻlib, “ko” soʻz yasovchi qoʻshimcha boʻlib, tegishlilikni anglatgan, “langar” esa jamoaviy istiqomat manzildir. Yaʼni langarxonada yashovchi shaxs [4,60] sifatida ham keltirilgan. 5. Qalandar – sanskritchada “qonundan tashqari”, “qonunni buzuvchi” maʼnolarini anglatgan. Qalandar soʻzi rindlar, gadolar va darveshlarning bir guruhini nomi boʻlgan degan taxmin ham mavjud. Tariqat asosiga xos qoidabuzarlik odati qadimda ham aksar guruhlarda mavjud boʻlgani yuqoridagi fikrimizning dalilidir. Ularni baʼzi manbalarda “rind”lar deb atalishining sababi ham shunda deb qaraladi. “Qalandar” va “darvesh” soʻzlari adabiyotlarda maʼnodosh sifatida ishlatiladi. Ammo darvesh arabcha faqir soʻziga koʻproq mos tushadi. “Qalandar” atamasini koʻplab adiblar, jumladan, Abdulloh Ansoriy (vaf. 1089), Hakim Sanoiy (vaf. 1131), Fariduddin Attor (vaf. 1220) kabilarning ijodida qoʻllanilgan kuzatilgan. Qalandarlik atamasi hududi va davriga koʻra bir qancha soʻzlar bilan sinonim tarzida ishlatilgan. Jumladan, Hindiston, Eron, Markaziy Osiyoda qalandar soʻziga maʼnodosh sifatida “darvesh” atamasi, Turkiyada esa, abdollar, ishqiyalar, torlaklar qoʻllanilgan. Yevropada bu atama yanada salbiy maʼnoda ishlatilib kelingan. Xatibi Forsiyning “Qalandarnoma”sida keltirilishicha, Eronda qalandariylikka tariqat tusini bergan shaxs Jamoliddin Saviy (vaf.1221) oʻzining shogirdi Muhammad Balxiyga “qalandariy” soʻzining ramziy maʼnosini ochib bergan. Unga koʻra, “qalandar” besh harfdan tashkil topgan boʻlib, har biri alohida maʼno kasb etadi. “Qof” – qanoatni anglatadi. Qanoat shunday narsaki, u ganju durlardan yaxshiroqdir. Qanoatli kishi tamadan yiroq boʻladi. Qanoat siddiqlarning sifati, tamagirlik esa dilni siyoh qiladi. “Lom” – latiflik. Chunki, bu sifat Yaratganga xosdir. Alloh bandalariga nisbatan latif boʻlib, xulqlarning naqshi latiflikdir. “Nun” – harfi nadomat demakdir. Yaʼni qilgan gunoh va maʼsiyatlariga nadomat qilish, achinish. Inson qiyomatda isyonlariga nisbatan nadomat qiladi. Faqir esa tirikligida gunohlariga afsus va nadomat qilishi lozim. “Dol” – diyonatdan dalolat. Din koʻrsatmalariga amal qilish, diyonatli kishi oliy maqomda ekanini amalda koʻrsatib berish bu diyonat. Diyonat bu haqiqat. “Re” – riyozat. Qalandar boʻlishni ixtiyor etgan kishini oqibat riyozat tutadi. Bu oxirgi bosqich boʻlib, Muhammad paygʻambardan merosdir. Riyozat nafs va maylni soʻndiradi. Insonning nafs oʻziga dushman boʻlib, riyozat ruhni, qalbni poklaydi. Kimki kamolotga erishgan boʻlsa, bu riyozat sababidan. Shu tariqa Jamoliddin Saviy muridi Muhammad Balxiyga qalandarlik sifatlarini bayon qilgan. Markaziy Osiyoda “qalandar” va “qalandariy” atamasi koʻplab tarixiy, adabiy va tasavvufiy manbalarda kuzatiladi. Ular hamma vaqt ham bir xil maʼnoda qoʻllanilmagan. Masalan, adabiy manbalarda ramziy maʼnoda taqvorod, zuhdga berilgan, mol-dunyodan koʻngil uzgan soʻfiy kishilarga nisbatan “qalandar” soʻzi ishlatilgan. Bu yerda tariqat vakili nazarda tutilmaydi. Ammo “qalandariy” deganda esa bevosita qalandariylik tariqati vakili tushuniladi. Tasavvufiy adabiyotlarda qalandariylik Markaziy Osiyo hududida keng tarqalgani va uning paydo boʻlish ildizlar shu hududga daxldor ekani koʻp marotaba taʼkidlanishiga qaramay, tasavvufga oid zamonaviy tadqiqotlarda qalandarlar haqida maʼlumot berilganda aksar oʻrinlarda eronlik qalandarlar mazkur tariqatning vakillari sifatida keltirilgan. Ularning

aksariyatida Eron va Turkiya (hozirgi) qalandalari faoliyati keng yoritilib, ularga xos jihatlar ochib berilgan. Markaziy Osiyo qalandalari faoliyati va ularning xususiyatlari ilgari surgan g'oyalari hali yetarlicha o'rganilmagan.

Rus olimi O.F.Akimushkin o'z maqolasida "Jomiy va Suhravardiyning ikkisi ham haqiqiy qalandarlar bilan ur-to'polonlarda ishtirok etish uchun qalandarlar libosini kiyib yuradiganlarni chalkashtirish kerak emasligini qayd etganlar" [5.277] deb yozadi. Bundan ko'rinadiki, qalandar qiyofasidagi devonasifat kishilar ham mazkur maslakni da'vo qilish orqali uni suiiste'mol qilib kelganlar. Natijada atrofdagi kishilar nazdida ularga nisbatan tanqidiy yondashuv kuchayib borgan. Ularni orasidagi farqlarni ajratish uchun manba va adabiyotlarni davriga ko'ra tasniflab o'rganish lozim bo'ladi. O'zbek adabiyotining yetuk namoyandasi Alisher Navoiy asarlarida qalandar atamasi ko'p bora tilga olingani e'tiborli jihat bo'lib, majzub qalandarlarini ham, o'ziga qalandar nomini qo'ygan shilqim gadolarni ham, ochko'z, fosiq va horis maslaksotarlarni ham ko'p ko'rgan va kuzatgan shoir sifatida o'zining "Mahbub ul-qulub" kitobida ularni turlarga ajratgan. Navoiy o'z zamonasidagi qalandarlarini asl va soxta qalandarlar sifatida ikki toifaga tasniflaydi. Adashgan qalandarlar bilan haqiqiy qalandarlarini bir deb hisoblamaslikni ta'kidlaydi. Ularni farqlashga chaqirish mohiyatida haqiqiy ma'nodagi, e'tiqodi sof qalandarlar ham borligiga ishora qilgan. Navoiyning izdoshlaridan bo'lgan mutasavvif olim Husayn Voiz Koshifiy ham darveshlar (qalandar)ni maqtalgan sufiylar sifatida ko'radi. Ularni bir-biridan ajratmagan holda taqvoli kishilar deb e'tirof etgan. "Futuvvatnomai sultoniy" kitobining to'rtinchi "Xirqa va ahli faqir..." bobida xirqa turlari, aynan faqirlarga xos xirqalar, uni kiyishning shartlari, darveshlar haqidagi bobida esa ularning kiyinish uslubi, faqirlarning bosh kiyimlari, o'z zamonasidagi so'fiylarning liboslari, kuloh va uning ustidan bog'lanadigan bog'ichlarning mohiyati, rangi haqida bayon qilgan. Shuningdek, qalandarlikka tegishli bo'lgan safar qilish va takyaxona odobi haqida ham to'xtalgan. Olimlarning fikriga ko'ra, "tasavvuf musulmon Sharqi mamlakatlari ijtimoiy va ma'naviy hayotiga chuqur kirib bordi; fan, madaniyat va adabiyot rivojiga katta ijobiy ta'sir ko'rsatdi. XI asrdan boshlab Sharqning deyarli barcha nufuzli shoir va yozuvchilari, mutafakkir va olimlari tasavvufdan oziqlanib, uning insonparvarlik va haqsevarlik g'oyalaridan ruhlanganlar" [6,4]. Tasavvuf Sharq diniy-falsafiy, ijtimoiy-siyosiy va ma'naviy tafakkuri tarixida murakkab hodisaga aylandi. Bu diniy-falsafiy dunyoqarash fan, madaniyat rivoji uchun imkoniyatlarni kengaytirish bilan birga ularning yutuqlaridan foydalanish yo'llarini ham boyitdi. Umuman, islom dini va tasavvuf falsafasi yangi axloqiy komillikka intiluvchi tarbiyani vujudga keltirishga harakat qildi. Hadislarda bayon etilgan islomiy tarbiyaning asosi iymon va solih amallardan iborat edi. Uning nazorati shariat va sunnaga asoslandi. Chunonchi, IX–X asrlarda xonaqohlarning paydo bo'lishi, tariqatlarning shakllanishi ko'zga tashlanadi. XI–XII asrlarda tasavvuf maktablari, silsilalari tarkib topdi. Bunda Misr, Bag'dod, Basra, Buxoro, Nishopur, Termiz, Balx shaharlari tasavvuf va tariqat markazlari sifatida muhim rol o'ynadi. Natijada Misr, Xuroson, Movarounnahr, Iroq va Turkiston maktablari shuhrat topdi. Movarounnahr diniy-irfoniy qarashlari rivojida Yusuf Hamadoniyning hissasi katta bo'ldi. U Movarounnahr va Xurosonda vujudga kelgan tasavvuf maktablarining asoschisi sifatida ham tilga olinadi. Yusuf Hamadoniyni Buxoro va Marvda xonaqoh va madrasa qurdirib, ko'plab turkiy zabon va forsiygo'y shogirdlar tayyorlagan. Buxorodagi shogirdlari orasida Hasan Andoqiy, Abdullo Barqiy, Ahmad Yassaviy, va Abduxoliq G'ijduvoniylar alohida ajralib turadi. Ular tasavvuf tariqatlarining keyingi davrlardagi rivojiga katta hissa qo'shganlar [7,103-104]. Shu bilan birga ijtimoiy-madaniy hayotni yuksaltirish, ma'naviy muhitni barqarorlashtirishda alohida xizmat ko'rsatganlar. XII asrda O'rta Osiyoda vujudga kelgan ilk tasavvufiy tariqat va uning asoschisi Ahmad Yassaviy dastlabki ta'limni Shahobiddin Isfijobiyan, so'ng ma'naviy ustoz Arslonbob ko'rsatmasi bilan Buxoroga borib Yusuf Hamadoniyan oladi [8,22]. Tasavvuf adabiyotining rivojlanishi ham shu davrga to'g'ri keladi. Ayniqsa, Najmiddin Kubro (1145–1221y.y.), Muhyiddin Ibn Arabiy (1165–1240y.y.), Yah'yo Suhravardiy (1155–1191y.y.) singari mutafakkir shayxlar, Fariduddin Attor (vaf. 1220), Ahmad Yassaviy (vaf. 1166), Jaloliddin Rumiy (1207–1273y.y.) kabi ulug' so'fiy shoirlar tasavvuf ilmining doirasini kengaytirdilar, uni falsafa va hikmat bilan boyitdilar. Tasavvuf ham ilmiy-nazariy jihatdan, ham amaliy harakatchilik nuqtayi nazaridan o'zining yuksak cho'qqisiga ko'tarildi. E'tiborli jihati shundaki, Movarounnahr va Xurosonda o'z ta'siriga ega bo'lgan yuqorida tilga olingan tariqatlar

malomatiylik va qalandariylikning “riyo”ga, “kibr”ga qarshi g’oyalariidan ta’sirlanganlar. Amaliyotlarida ham o’ziga xos ta’sir alomatlari ko’zga tashlanadi. Tasavvuf tarixiga nazar solinsa, IX–XI asrlarda tavhid asoslarini chuqurlashtirishga katta e’tibor berilib, tasavvufning fano va baqo kabi tushunchalari, Haqqa vosil bo’lish mayli shiddat bilan targ’ib qilingan bo’lsa, XIII asr o’rtalaridan boshlab, tafakkuriy-aqliy yo’nalish yetakchilik qila boshladi. Bu falsafiy oqim tasavvuf tarixida “vahdat-ul-vujud” nomi bilan shuhrat topdi. So’fiylar endi koinot tuzilishi, odamlarning xususiyatlari, olam va odam munosabatlari, komil inson g’oyalari xususida bosh qotiradigan bo’ldilar. Natijada Ibn Arabiy va Jaloliddin Rumiy kabi zotlarning asarlarida butun bir falsafiy tizim o’z ifodasini topdi. Ular ilohiy kashf-u karomat, ruhiy-psixologik holatlar, botiniy latifliklar bilan birga, real insoniy hayot haqida fikr va g’oyalarni ilgari surdilar. Tasavvuf Sharq fikriy taraqqiyotidagi ko’p asrlik tajribalarni qamrab olib, uni rivojlantirishga kirishdi. Din va falsafa, hikmat va vahdat, kalom va hadis ilmlarini birlashtirdi, ilohiy ilmlar bilan dunyoviy ilmlarni o’zaro bog’lashga harakat qildi. Natijada tasavvuf Sharq kishisining tafakkur tarzi va axloq normasi sifatida o’ziga xos hodisaga aylanib bordi. Shu bilan birga, tasavvuf yoki mavjud bo’lgan turli oqimlar orasida malomatiylik va qalandariylik ham o’ziga xos ahamiyat kasb etgan. Uning negizida inson zotini ulug’lash, uni boshqa tirik mavjudotlar ichida eng a’losi, deb bilish insonga xos bo’lgan xislatlarni, “insonparvarlik, bag’rikenglik, ezgulik, halollik, mehr-shafqat, o’zaro yordam, adolatparvarlik, komil insonni tarbiyalash, ilm-fan va kasb-hunarni egallash, mehnatsevarlik, sevgi-muhabbat, donolik, aqllilik, jasurlik, saxiylik, iffat, nafsni tiyish, tinchliksevarlik va qadriyatlarini tahlil qilish XIV-XV asr mutafakkirlarining ijtimoiy-falsafiy, axloqiy hamda badiiy qarashlarida o’z in’ikosini topdi” [9,10]. Tadqiqotlarda yuqorida keltirganimizdek, xonaqohlarda yo’lovchi darveshlarga, musofirlarga, yetim-yesirlarga, boshpana va yegulik berilar edi [10162]. Demak, xonaqohlar qatorida qalandarxonalar ham o’ziga xos ijtimoiy himoya tizimining vujudga kelishida o’ziga xos rol o’ynagan deyish mumkin. XVI asrda yashagan turk muallifi Vohidiyning qalamiga mansub “Xojai Jahon Natijai Jon” nomli asarida qalandariylik va ularga xos urf-odatlar haqida qimmatli ma’lumotlar berilgan. U o’z kitobini 929/1522-yillarda hajga qilgan safari chog’ida ta’lif etgan. Vohidiy qalandariylarning to’g’ri yo’ldan adashib ketganliklarini, aslida esa e’tiqodiy nuqtayi nazardan sof va diyonatda to’g’ri yo’lda bo’lganliklarini qayd etgan. Xojai Jahon kitobda tariqat vakillariga tarbiyaviy ko’rsatmalar berish orqali o’g’liga pand-nasihahat qilgan. Xojai Jahon qalandariylarning haydariylik yo’nalishi vakillari bilan qilgan suhbatini jarayonida ularga quyidagicha nasihat qiladi: “Sizlar nomahramdan tiyilish va shaytonning haromga chaqiriqlaridan saqlanish uchun qo’lingiz va oyog’ingizga temir xalqa taqasizlar. Shu temir zanjir sizni sirotal mustaqimga eltib, tariqatda sobitqadam qiladi deb ishonasizlar. Abdurahmon Sulamiy, Ibn Arabiy va Suhravardiy kabi olimlar malomatiylar va ularning jamoalarini mo’tabar kishilar deb e’tirof etganlar. Mazkur olimlar yashagan davrda malomatiylik va ularning jamoalari (jumladan, qalandariylar) e’tiborli kishilar sifatida nom chiqargan va ularning faoliyati ijobiy baholangan. Ikkinchi davr malomatiylik va qalandarlik o’rtasida tafovut vujudga kela boshlagan XII-XVII asrlardir. Mazkur davrda ijod qilgan mutasavvuf va shoirlarning asarlariga murojaat qilinganda bevosita qalandarlarni turlarga ajratish hollari kuzatilgan. Jumladan, soxta va asl qalandarlar degan tushunchalarga tayangan holda tasniflangan. Bu vaqtga kelib malomatiylar va qalandarlarning el orasidagi obro’laridan foydalangan ayrim kimsalarning ularga taqlidi yoki ularning qiyofasidan foydalanishi natijasida qalandarlarga nisbatan tanqidiy munosabat shakllana bordi. Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy va Husayn Voiz Koshifiyning qarashlari shular jumlasidan. XVIII-XIX asrlarga oid bo’lib, bu vaqtda asl qalandarlar soni keskin kamayib, soxta qalandarlar deyarli e’tiqod va amaliyot jihatidan yo’ldan adashgan davr bo’ldi. Markaziy Osiyodagi siyosiy va madaniy inqiroz qalandarlar faoliyatini ham cheklab o’tmadi. Ularning g’oyalari mohiyatiga putur yetib jamiyatning qoloq, omi bir qatlamiga aylanib qoldilar. Xudoyorxon tomonidan qalandarlar yer solig’i hisoblangan “tanabba”dan ozod etildilar. Toshkentlik qalandarlarning to’rasi hisoblangan Abdurahim qalandarning muridlari hamda unga tegishli yer va mulklardan soliq olinmagan. Nochorlar qatlami ham qalandarxonalaridan boshpana topishi, tilanchilik qilishi oqibatida ularning orasida farq sezilmay qoldi. Xonliklar xonadoni hamda vaqf tomonidan ajratilgan moddiy yordamdan foydalanish ilinji tasavvufdan bexabar ko’plab kishilarning qalandarxonalarida jon saqlashiga imkon bergan. Ularning soni ham shu sababli keskin oshib borgan. Afsuski, bugungi kundagi

ko'plab adabiy va tarixiy manbalarda ularning aynan uchinchi davrga xos turlariga katta ahamiyat qaratiladi. Qalandar deganda aynan shu davrga xos kishilar tasavvur qilinadi. Ammo tarixda haqiqiy qalandarlar ham yashagani va jamiyatning e'tiborli kishilari bo'lganlarini inkor qilib bo'lmaydi. Ularning maxsus xatti-harakatlari, yamoq kiyimlari faqirlik belgisi sifatida hamda qalandarlarga xos alomat sifatida qabul qilingan.

Qalandarlarning talabchanligi haqiqat uchun kurashish edi, riyozati esa xonaqoh va ko'cha-ko'yalarda qalandarona qo'shiqlar vositasida o'z ifodasini topgan. Qo'shiqlar mazmuni asosan diniy tasavvufiy bo'lgan va bu ish tasavvuf g'oyalarning targ'ib-tashviqi uchun ishlab chiqilgan, qalandarlar ma'lum g'oyalarga moslashtirilgan bir tadbirga aylangan edi. Darvesh va qalandarning xalq orasidagi faoliyati oddiy tilanchiliklardan farq qilib, ular she'r va qasidalar o'qish vositalari tufayli tasavvuf ta'limotining yoyilishiga va uni manzur etishga yordam berardilar, so'fiylik tariqatini ommalashtirardilar, aholini tariqatga jalb etardilar.

Xulosa

Xulosa qilib aytish mumkinki, Markaziy Osiyoda faoliyat olib borgan tariqatlar o'z davrida tadrijiylik bosqichlarini bosib o'tgan. Hatto amaliy jihatdan bir-birini to'ldirish holatlari ham kuzatilgan. Davriy jihatdan vazifasini o'tagan tariqat boshqa tariqatga o'z o'rnini bo'shatib bergan. Ayrimlari esa, boshqasiga qo'shilib ketgan. Qalandariylar Markaziy Osiyoda dastlab paydo bo'lish jarayonida o'z g'oyalari xalqdan pinhon tutganlari bois ularni tushunish qiyin bo'lgan. Ular uchun xalqning hurmati va e'tibori illat hisoblangan. Ular ko'proq malomat topishga intilganlar buni Alloh bilan yakka qolish usullaridan biri, deb bilganlar. Xolislik tamoyiliga putur yetkazmasligi uchun solih amallarini yashirib kelganlar. Oqibatda qalandarlik hayot tarzini dastur qilib olgan darveshlar, adabiyotda qo'llaniladigan majoziy obrazga qahramon qalandarlar va sof e'tiqodga ega mumtoz qalandarlar haqidagi ma'lumotlar bir-biriga qo'shilib ketgan. Natijada, qalandariylik muammolari yuzaga kelgan. Qalandariylik jamiyatning turli qatlamlarida, jumladan, shariat va tasavvuf vakillari orasida avj olgan riyo, hashamatga berilish kabi illatlardan norozilikning ifodasi sifatida paydo bo'lgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sadettin Kocatürk, "Kalenderiyye Tarikati ve Hatibi Fârisi'nin Kalendernâmesi", İnan Şehinşahlığı'nın 2500. Kuruluş Yıldönümüne Armağan, – İstanbul 1971, – S. 223.
2. Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 129.
3. Turk ansiklopedisi. Maarif Basimevi. Ankara. 1974. – Cilt.21. – S. 351
4. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 277.
5. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик Хайруллаев М.М. таҳрири остида. – Тошкент, 1995. – Б. 103-104.
6. Фахруддин Али Сафий. Рашоҳот айну-л-хаёт. Худойберган Бекмуҳаммад таржимаси. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 22.
7. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури. – Тошкент: Тош ДШИ, 2010. – Б. 162.

Nashrga prof. S. Choriyev tavsiya etgan

MA'RIFATLI JAMIYAT BARPO ETISHDA INTELLEKTUAL SALOHIYATLI YOSHLARNING TUTGAN O'RNI

Tog'ayev N.E. (SamDU)

Annotatsiya. Ushbu maqolada bugungi globallashuv asrida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-siyosiy hamda ma'naviy sohadagi demokratik islohotlardan ko'zlangan asosiy maqsadlardan biri O'zbekistonni yuksak ma'naviyat hamda madaniyatga ega bo'lgan, erkin va baxtli insonlar yashaydigan ma'rifatli jamiyatga aylantirish masalalari bayon etilgan. Shu bilan birgalikda yangi O'zbekistonda ma'rifatli jamiyat barpo etishda milliy qadriyatlarimiz hamda boy tarixiy madaniyatimizga tayangan holda zamonaviy bilim va ko'nikmalar bilan mustahkamlangan intellektual salohiyatga ega yoshlarimizni tarbiyalashimiz lozim ekanligi yoritib berilgan.

Tayanch so'zlar: *ma'rifatli jamiyat, yangi O'zbekiston, yoshlar, dunyoqarash, tafakkur, intellektual salohiyat, tinchlik, farovonlik, ijtimoiy taraqqiyot.*

РОЛЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНО СПОСОБНОЙ МОЛОДЕЖИ В ПОСТРОЕНИИ ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация. Статья рассматривает одну из главных целей демократических реформ в Узбекистане – превращение страны в просветительское общество с высокой духовностью и культурой, где люди являются свободными и счастливыми. В контексте современной эпохи глобализации особое внимание уделяется воспитанию молодежи с интеллектуальным потенциалом, обладающей современными знаниями и навыками, основываясь на национальных ценностях и богатой исторической культуре.

Ключевые слова: просветительское общество, Новый Узбекистан, молодежь, мировоззрение, мышление, интеллектуальный потенциал, мир, процветание, социальное развитие.

THE ROLE OF INTELLECTUALLY CAPABLE YOUTH IN BUILDING ENLIGHTENMENT SOCIETY

Annotation. The article considers one of the main goals of democratic reforms in Uzbekistan - the transformation of the country into an enlightenment society with high spirituality and culture, where people are free and happy. In the context of the modern era of globalization, special attention is paid to educating young people with intellectual potential, possessing modern knowledge and skills, based on national values and rich historical culture.

Keywords: enlightenment society, New Uzbekistan, youth, worldview, thinking, intellectual potential, peace, prosperity, social development.

Bugungi globallashuv asrida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-siyosiy hamda ma'naviy sohadagi demokratik islohotlardan ko'zlangan asosiy maqsadlardan biri O'zbekistonni yuksak ma'naviyat hamda madaniyatga ega bo'lgan, erkin va baxtli insonlar yashaydigan ma'rifatli jamiyatga aylantirishdir. Mana shunday oldimizga qo'ygan ulkan maqsadlarga erishishimiz, ya'ni O'zbekistonda ma'rifatli jamiyatni barpo etish har birimizga bog'liq bo'lgan eng asosiy masalalardan biridir. Avvalo, buning uchun barchamiz bunyod etilayotgan yangi O'zbekistonda ma'rifatli jamiyatimizga munosib bo'lish uchun milliy qadriyatlarimiz hamda boy tarixiy madaniyatimizga tayangan holda zamonaviy bilim va ko'nikmalar bilan mustahkamlangan intellektual salohiyatga ega yoshlarimizni tarbiyalashimiz lozim. Hozirda ilm-ma'rifatga asoslangan Yangi O'zbekistonda ma'rifatli jamiyat barpo etish uchun barcha kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etmoqdamiz.

Bugungi kunda yoshlarning yuksak ma'naviyatga erishuvini ta'minlash, barkamol avlodni tarbiyalab voyaga yetkazish, ijtimoiy taraqqiyot jarayonida har tomonlama kamol topgan insonni shakllantirish, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni o'zida mujassam etgan hamda intellektual salohiyatli yoshlarni voyaga yetkazishdir. Shunday maqsadni ko'zlangan ko'pmillatli O'zbekistonda bir maqsad sari intilish, yoshlarning kelajagini o'ylash, fuqarolik jamiyatini rivojlantirishda yoshlarning o'rni va ularda zamonaviy dunyoqarashni shakllantirish hamda rivojlantirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Bu haqda Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev "Bizning havas qilsa arziydigan buyuk tariximiz bor. Havas qilsa arziydigan ulug' ajdodlarimiz bor. Havas qilsa arziydigan beqiyos boyliklarimiz bor. Va ishonaman xudo xohlarsa havas qilsa arziydigan buyuk kelajagimiz ham bo'ladi"¹ – deb ta'kidlaydilar.

XXI asr boshqa davlatlar singari O'zbekistonning ham oldiga yechimini topishi zarur bo'lgan bir qator muammolarni qo'ydi. Bu muammolarning yechimi bevosita yoshlar tarbiyasi bilan chambarchas bog'langan bo'lib, yoshlar ertangi kunning yaratuvchilari sifatida o'zlarining milliy davlatchiligi tarixini chuqur anglab yetishi, o'z qalblarida vatanparvarlik tuyg'ularini barq urdirib yashashlari lozim. Shu boisdan, „hozirgi kunda yangicha tafakkurlash, ijodiy fikrlash, yuksak ma'naviyatli kishilarni tayyorlash jamiyatimiz oldida turgan eng dolzarb muammolar turkumiga kiradi. Biz kelajagi buyuk mustaqil davlatni barpo etayotirmiz. Shunday ekan, mana shu olijanob maqsadimizning mohiyati, unga erishishimiz yo'llari nimadan iborat ekanligini har bir fuqaroning ongiga, uning qalbiga singdirib, tafakkurlash madaniyatini, bunyodkorlik faoliyatini takomillashtirishimiz zarur"².

¹ Мирзиёев Ш.М. Озод ва обод ватаннинг баркамол фарзандлари // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 415 б.

² Рустамова М. Ёшларда янги тафаккур маданиятини шакллантиришнинг фалсафий жиҳатлари. – Тошкент: Меҳнат, 2000. – Б. 10.

Mustaqillik yillarida ijtimoiy taraqqiyotning barcha bo'g'inlari yangi demokratik andozaga asoslanib, evolyutsion yo'ldan borish davrida juda ko'p siyosiy, iqtisodiy va ma'naviy muammolar paydo bo'ldi. Natijada, ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarni ma'naviy islohotlar bilan birga qo'shib olib borishga to'g'ri keldi. Jamiyatdagi islohotlar birinchi navbatda yoshlar ruhiyati, milliy qiyofasiga ta'sir etishi tabiiy edi. Odamzod o'z tabiatiga ko'ra shijoatli, g'ayratli, kuch-quvvatga to'lgan hayotga, faoliyatga chanqoq bo'ladi. Ana shu fazilatlarini to'g'ri yo'lga solish, tarbiyalash vazifasi jamiyat zimmasiga tushadi. Ijtimoiy taraqqiyotda barkamol avlod tarbiyasi faqat jismoniy jihatdan chiniqqan, kamol topgan yoshlarnigina emas, shuningdek, sharqona axloq-odob va umumbashariy ma'naviy qadriyatlar asosida tarbiya topgan shaxsni ham ko'zda tutadi.

Xalqimizning uzoq o'tmish tarixi shundan dalolat beradiki, insoniyatning ma'naviy kamolotiga ijobiy ta'sir ko'rsatgan boy ma'naviy-madaniy meros va buyuk qadriyatlar sohibimiz. Bu haqda muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev "Bizning qanday buyuk va shonli o'tmishimiz, qanday ulug' ajdodlarimiz borligini yaxshi bilamiz va bu bilan hamisha faxrlanamiz"¹ – deb ta'kidlab o'tadilar. Bizning donishmand ajdodlarimizning barchasi ilm-ma'rifatni ulug'laganlar, insonni axloqli, tarbiyali bo'lishga, Vatanni sevishga, insonparvar hamda millatparvar bo'lishga undaganlar. Ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan boy ma'naviy meros, ulkan kashfiyotlar inson dunyoqarashi, ayniqsa, yosh avlod dunyoqarashini shakllantirish hamda rivojlantirishda katta ahamiyatga ega. Yosh avlodda insoniy fazilatlarini shakllantirish va rivojlantirishda milliy-ma'naviy merosimizdan foydalanmog'imiz lozim, chunki ajdodlarimiz merosida ta'lim-tarbiya, axloqqa doir masalalar chuqur ishlab chiqilgan.

Ajdodlarimizning o'tmishi, milliy va diniy an'analarimiz, ma'naviy qadriyatlarimizni o'rganish, xalqimizning milliy o'zligini anglashi, demokratik, adolatli, huquqiy davlat rivojida fuqarolarning, ayniqsa, yosh avlodning yaxlit bir dunyoqarashi shakllanishida nazariy poydevor vazifasini bajaradi. Bugungi kunda demokratik va fuqarolik jamiyatida yashab faoliyat ko'rsatayotgan yoshlarning turmush tarzi, hayot kechirishi, xushmuomala bo'lishi, mehnatga, kasb-hunarga nisbatan fidoyilik ko'rsatishi zamon talab etadigan milliy madaniyatning axloqiy tarbiya me'yorlariga mos kelishidan dalolatdir. Axloqiy va milliy tarbiya natijasi bo'lgan yoshlarda yangicha dunyoqarashni shakllantirish va rivojlantirishda jamiyat va jamoatchilik, ta'lim-tarbiya tizimi, adabiyot va san'at ahli oldida ulkan vazifalar mavjud.

Yoshlarda zamonaviy dunyoqarashni shakllantirish, milliy ruhda tarbiyalash va ularni olijanob his-tuyg'ular bilan kamol toptirib borish ma'naviy barkamollikka yetishishdagi birinchi qadamdir. Bunday yosh avloddagi yuksak ma'naviy fazilatlar qandaydir g'ayritabiiy kuchlar yoki taqdirning in'omi emas, u ijtimoiy hayotning turli jabhalari, ma'naviy vorislik va muayyan davr, jamiyat ta'lim-tarbiya tizimining, oila va muhitning mahsulidir. Yoshlarning ma'naviy yuksalish jarayonida uning barcha huquqiy, siyosiy, axloqiy, madaniy va mafkuraviy tasavvurlari ijtimoiy tuzum va tizimlarning ta'siri tufayli shakllanib va rivojlanib boradi. Ma'naviy-ma'rifiy jihatdan kamol topgan yoshlar demokratik islohotlarni iste'molchisigina bo'lib qolmay, ularning faol yaratuvchisi va himoyachisiga aylanadi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov bu haqda „Hozirgi shiddatli zamonning real haqiqati shundan iboratki, intellektual va ma'naviy boylikka ega bo'lgan xalq va millat, hech shubhasiz, haqli ravishda bugungi va ertangi kunga egalik qila oladi. Biz yosh avlodimizni milliy qadriyatlarga sadoqat ruhida tarbiyalash bilan birga, ularning umumbashariy taraqqiyot yutuqlari, zamonaviy bilimlarni har tomonlama chuqur va puxta egallashi uchun barcha shart-sharoitni yaratib berishimiz lozim. Chunki hozirgi paytda davr bizning oldimizga qo'yayotgan yuksak talablarga javob berishga qodir bo'lib yashash, turli-tuman murakkab muammolarni o'z vaqtida va oqilona yechish uchun, albatta, zamonaviy bilim va tafakkur suv bilan havodek zarur“² – deya ta'kidlab o'tadi.

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 191.

² Каримов И.А. „Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир“ китобига ёзилган сўз боши // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 249-250.

Yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida tarbiyalash, ularda ona yurtga muhabbat tuyg'ularini, uni himoya qilish, asrab-avaylashga qaratilgan intilishlarini kuchaytirishga yordam beradi. Milliy jihatdan o'zligini anglagan insongina davlati oldida turgan asosiy maqsadlari nimadan iboratligini tushunib, xalq oldidagi mas'uliyatini chuqur anglaydi. Yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash ularning ijtimoiy faolligini oshirishga xizmat qilib, ma'naviy komillikka erishuvda asosiy va belgilovchi omil vazifasini o'taydi. „Maktablarda, o'quv yurtlarida, davlatga oid tarbiya maskanlarida o'quv-tarbiya ishlarining asosida yangicha dunyoviy dunyoqarashni shakllantirish yotmog'i lozim“¹.

Hozirgi paytda mamlakatimizda yoshlarning manfaatlarini yanada to'liq ta'minlashga yo'naltirilgan, ularning jamiyatda o'z o'rniga ega bo'lishini kafolatlashga xizmat qiladigan iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy, huquqiy, g'oyaviy-mafkuraviy tadbirlar tizimli tarzda amalga oshirilayotganligini alohida ta'kidlash zarur. Ayni paytda, davlat dasturlari doirasida yosh avlodni hayotga qat'iy e'tiqod va qarashlar ruhida, mentalitetimizga yot bo'lgan zararli ta'sirlar va oqimlarga qarshi tura oladigan milliy hamda umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash masalalari bilan bog'liq kompleks chora-tadbirlar ham yuksak samara va sifat bilan ro'yobga chiqarilayotganini qayd etib o'tish lozim. „Yoshlar bilan ishlash masalalari alohida e'tiborni talab qiladi, - deydi birinchi Prezidentimiz Islom Karimov, - Biz mamlakatimizning istiqboli yosh avlodimiz qanday tarbiya topishiga, qanday ma'naviy fazilatlar egasi bo'lib voyaga yetishiga, farzandlarimizning hayotga nechog'li faol munosabatda bo'lishiga, qanday oliy maqsadlarga xizmat qilishiga bog'liq ekanini hamisha yodda tutishimiz kerak“².

Hozirgi vaqtda respublika va viloyatlarda faoliyat ko'rsatib kelayotgan ta'lim muassasalarida ta'lim olayotgan yoshlarga vatanparvarlik g'oyalari singdirib borilsa, yosh avlodning milliy tafakkuri, axloq-odobi hozirdan boshlab zamon talabi asosida shakllanib boradi. Yoshlarning ma'rifatli jamiyat qurish va yangicha yashash tarziga asoslangan milliy tafakkuri va dunyoqarashini shakllantirish va rivojlantirish, intellektual salohiyatini yuksaltirish muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Yurtimizda olib borilayotgan siyosiy, iqtisodiy, va ma'naviy islohotlarga monand ravishda tariximiz, milliy o'zligimiz, an'ana va merosimiz ruhini, zamonaviy islohotlarning ma'naviy-mafkuraviy mohiyatini yoshlar ongiga singdiradigan va undagi vatanparvarlik, xalqparvarlik, mehnatsevarlik va sharqona axloq-odob, milliy madaniyat ruhida tarbiyalay oladigan madaniy taraqqiyotni rivojlantirish doimiy va uzluksiz jarayon bo'lib qolaveradi.

Xulosa qilib aytganda, mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy va ma'naviy tizimida tub o'zgarishlar, islohotlar bo'layotganligini his etish, istiqbolli hayot hamda ma'rifatli jamiyat barpo etishga astoydil harakatlar qilinayotganligini anglab borish asosida yoshlarning yangicha milliy tafakkurini shakllantirish hamda rivojlantirish jamiyatning oldidagi asosiy vazifalaridan biridir. Yoshlarning aqliy-intellektual qobiliyatlari va vatanparvarligi yuqoridagi talablarga javob beradigan darajada shakllangan bo'lsa, unda ularning ijtimoiy taraqqiyotda o'z o'rinlarini topa olishlari oson kechadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Ozod va obod vatanning barkamol farzandlari // Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. T. 1. – T.: O'zbekiston, 2018. – 415 b.
2. Rustamova M. Yoshlarda yangicha tafakkur madaniyatini shakllantirishning falsafiy jihatlarini. – Toshkent: Mehnat, 2000. 10 bet.
3. Mirziyoyev Sh.M. Adabiyot va san'at, madaniyatni rivojlantirish – xalqimiz ma'naviy olamini yuksaltirishning mustahkam poydevoridir // Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. T. 2. – T.: O'zbekiston, 2018. – B. 191.
4. Erkayev A. Ma'naviyat – millat nishoni. – Toshkent: Ma'naviyat, 1997. – B. 128.
6. Karimov I.A. O'zbekistonning o'z istiqloq va taraqqiyot yo'li // O'zbekiston: milliy istiqloq, iqtisod, siyosat, mafkura. 1-jild. – T.: O'zbekiston, 1996. – B. 81.

Nashrga prof. S.Choriyev tavsiya etgan

¹ Erkayev A. Ma'naviyat – millat nishoni. – Toshkent: Ma'naviyat, 1997. – B. 128.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 81.

ИЖТИМОЙ МОБИЛЛИК ВА КАСБИЙ МОБИЛЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Юлдашев Б.Э. (Қашқадарё вилояти ПЯМУММ)

Аннотация. Мақолада шахс раҳбарлик лавозимига қатор параметрлар асосида танлангани ва тайинлангани ҳақида сўз бориб, бундай параметрлар вазифасини унинг ижтимоий қиёфасини юксалтирадиган ҳислат ва қобилиятлари ўташлиги таъкидлаб ўтилади. Фақат шундай ҳислатларга эга бўлган шахсгина раҳбар зиммасига юкланган функцияларни муваффақиятли адо қилиши мумкин. Лекин бундан раҳбарнинг ижтимоий қиёфаси мутлақо ўзгармас характерга эга, деган хулоса келиб чиқмаслиги, аксинча, у шахс раҳбарлик лавозимини бажаришга киришган пайтидан бошлаб ўзгара, шакллана, юксала бориши ҳақида сўз боради. Шундай экан ушбу вазифаларни аниқламасдан, уларнинг тизимли равишда ҳал этилишини таъминламасдан туриб, мамлакат тараққиёти ва Ватан манфаатларига хизмат қиладиган замонавий раҳбарни қарор топтириб бўлмаслиги илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *касбий мобиллик, ижтимоий мобиллик, замонавий раҳбар, раҳбарнинг ижтимоий қиёфаси, идеал раҳбар, демократик бошқарув усуллари, захира кадрлари номенклатураси, “устоз-шогирд” системаси, “ёш етакчи”, “касбий маҳорат”, раҳбарнинг ақлий, ахлоқий, ҳужуқий, сиёсий ва бошқа ҳислат ва фазилатлари.*

ЗНАЧЕНИЕ УРОВНЯ СОЦИАЛЬНОЙ И ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ МОБИЛЬНОСТИ В УЛУЧШЕНИИ СОЦИАЛЬНОГО ИМИДЖА СОВРЕМЕННОГО ЛИДЕРА

Аннотация. В статье упоминается, что человек подбирается и назначается на руководящую должность на основе ряда параметров, и подчеркивается, что функцию таких параметров выполняют его качества и способности, повышающие его социальный имидж. Только человек с такими качествами может успешно выполнять возложенные на руководителя функции. Однако это не означает, что социальный имидж лидера совершенно неизменен, наоборот, он меняется, развивается, совершенствуется с момента, когда человек начинает выполнять руководящую должность. Поэтому научно проанализировано, что без выявления этих задач и обеспечения их системного решения невозможно определиться с современным руководителем, который будет служить интересам страны и Родины.

Ключевые слова: *профессиональная мобильность, социальная мобильность, современный руководитель, социальный образ руководителя, идеальный руководитель, демократические методы управления, номенклатура кадров резерва, система «наставник-ученик», «молодой руководитель», «профессиональные качества», интеллектуальные, нравственные, правовые, политические и другие характеристики и качества.*

THE SIGNIFICANCE OF THE LEVEL OF SOCIAL MOBILITY AND PROFESSIONAL MOBILITY IN IMPROVING THE SOCIAL IMAGE OF THE MODERN LEADER

Annotation. The article mentions that a person is selected and appointed to a leadership position on the basis of a number of parameters, and it is emphasized that the function of such parameters is performed by his qualities and abilities that enhance his social image. Only a person with such qualities can successfully fulfill the functions assigned to the leader. However, this does not mean that the leader's social image is completely unchangeable, on the contrary, it changes, develops, and improves from the moment the person starts to perform the leadership position. Therefore, it has been scientifically analyzed that without identifying these tasks and ensuring their systematic solution, it is impossible to decide on a modern leader who will serve the interests of the country and the Motherland.

Key words: *professional mobility, social mobility, modern leader, social image of the leader, ideal leader, democratic management methods, nomenclature of reserve personnel, "mentor-student" system, "young leader", "professional skills", intellectual, moral, legal, political and other characteristics and qualities.*

Шахс раҳбарлик лавозимига қатор параметрлар асосида танланади ва тайинланади. Бундай параметрлар вазифасини унинг ижтимоий қиёфасини юксалганлик даражаси, ижтимоий қиёфасида муайян ҳислатлар мужассам бўлганлиги, ва юксак қобилиятлари ўтади. Фақат шундай ҳислатларга эга бўлган шахсгина раҳбар зиммасига юкланган функцияларни муваффақиятли адо қилиши мумкин. Лекин бундан раҳбарнинг ижтимоий қиёфаси мутлақо ўзгармас характерга эга, деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, у шахс раҳбарлик лавозимини бажаришга киришган пайтидан бошлаб ўзгара, шакллана, юксала боради. Бинобарин, раҳбар ижтимоий қиёфаси аморф эмас, динамик характерга эга бўлган

тушунчадир. У жамиятдаги турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий жараён ҳамда воқеалар таъсирида ўзгара боради. Мазкур жараёнларнинг раҳбар ижтимоий қиёфасига таъсири қонуниятларини аниқлаш раҳбар шахсининг шаклланишини яхлит ҳолда тасаввур қилиш имконини беради.

Касбий мобиллик даражаси билан раҳбар ижтимоий қиёфаси ўртасида ҳам бевосита алоқадорлик мавжуд. Ижтимоий стратификация назариясига бағишланган фалсафий ва социологик адабиётларда “ижтимоий мобиллик” тушунчаси кўп учрайди. Ижтимоий мобиллик деганда индивид ижтимоий аҳволи ёки мақомининг ўзгариши тушунилади. Мутахассислар горизонтал ва вертикал ижтимоий мобиллик ҳақида мулоҳаза юритадилар. Унинг горизонтал типи индивиднинг бир ижтимоий мақомдан шунга тенг бўлган бошқа мақомга ўтишини англатса, вертикал типи муайян ижтимоий позициянинг нисбатан юқорироқ позиция билан алмашинишини ифодалайди.¹ Касбий мобиллик эса ижтимоий мобилликнинг ўзига хос шаклидир. У индивиднинг касбий мақомидаги ўзгаришларни намоён этади.

Ижтимоий мобиллик типларига монанд равишда касбий мобиллик ҳам горизонтал ва вертикал типларда содир бўлиши мумкин. Айтайлик, ўзи меҳнат қилаётган ташкилотдаги меҳнат шароитлари, касбий ўсиш имкониятлари, маънавий-руҳий муҳитдан қониқмаган ходим иш жойини ўзгартириши мумкин. Бундай ҳолатлар горизонтал касбий мобиллик дейилади. Ундан фарқли ўлароқ, вертикал касбий мобиллик ҳам мавжудки, у шахнинг мансаб пиллапояларидан кўтарилиши ёки тушишини ифодалайди. Албатта, вертикал касбий мобиллик кенг тарқалган ижтимоий ҳодисалар туркумига киради. Ҳар қандай жамиятда кишилар йиллар давомида бир лавозимдан ижтимоий аҳамияти юқорироқ бўлган бошқа лавозимга кўтарилди борадилар, бошқалари у ёки бу сабабларга кўра лавозимларини ижтимоий даражаси пастроқ бўлган хизмат вазифасига алмаштиришга мажбур бўладилар. Бироқ бундай мобиллик турли мезонлар асосида юз беради. Масалан, ходим касбий маҳоратининг шарофати билан профессионал иерархияда юқорилаши мумкин. Айрим ҳолларда эса бунга протекция, коррупция, маҳаллийчилик ва шунга ўхшаган бошқа омиллар йўл очади.

Жамиятда вертикал касбий мобилликнинг профессионал мезонлар асосида амалга оширилишининг аҳамияти катта. Рационал ва адолатли касбий мобиллик раҳбар ижтимоий қиёфасига ижобий таъсир кўрсатади. Ижтимоий аҳамияти юқорироқ бўлган лавозимни эгаллаш имконияти профессионал фаолият самараси билан боғлиқлигига қатъий ишонч ҳосил қилган раҳбар нафақат касбий маҳоратини оширишга, балки ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий савиясини ҳам юксалтиришга интилади, ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилади ва аниқлаган камчиликларини бартараф этишга уринади. Аксинча, вертикал касбий мобиллик профессионал мувофиқлик ва ижтимоий адолат тамойилларига мос тушмаса, раҳбар ўз билим ва малакасини оширишга интилмай кўяди, унинг мавжуд тузумдан розилигига путур этади, ижтимоий қиёфасида турли иллатлар илдиз ота бошлайди. Бундай шароитда раҳбар вертикал касбий мобиллик манбаларини касбий маҳоратдан эмас, протекция, коррупция, маҳаллийчилик элементларидан излай бошлайди.

Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарларни танлаш, уларнинг мобиллигини таъминлашда таниш-билишчилик, шахсий садоқат тамойилларига эмас, ижтимоий адолат ва касбий маҳорат мезонларига таяниш зарурлигини бот-бот таъкидлаб келмоқда. “Энди, - деб таъкидлаган эди давлат раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишидаги маърузаларидан бирида, - самарали ишлаш барча раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.”¹ Бошқача айтганда, ўз функционал вазифаларини мукамал бажаришга қодир бўлган раҳбаргина ўз лавозимида фаолият кўрсатишга, мансаб пиллапояларидан кўтарилишга муносиб бўлмоғи даркор. Ана

¹ Қаранг: Цвык В.А. Профессионализм как фактор социальной мобильности. Профессиональная мобильность // Общество и право, 2004, – №3. – С. 189.

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 290.

шундагина раҳбар ижтимоий қиёфаси юксала боради, у жиддий ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни бажаришга қодир кадр сифатида қарор топади. Ижтимоий адолат ва касбий маҳоратга таянмаган касбий мобиллик, бир томондан, раҳбар ижтимоий қиёфасига салбий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, ижтимоий вазифаларни рўёбга чиқаришга ҳалал беради. Бинобарин, кадрлар софлигини таъминлаш энг аҳамиятли масалалардан биридир.²

Хуллас, жамиятдаги касбий мобиллик даражаси, унинг қайси мезонлар асосида амалга оширилиши раҳбар ижтимоий қиёфаси характерици белгиловчи, унинг юксалиши жараёнига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Раҳбар ижтимоий қиёфасига таъсир кўрсатувчи қудратли омиллардан бири *жамоатчилик назоратининг шаклланганлиги даражаси* билан боғлиқ. Жамоатчилик назорати фуқаролар, турли муассасалар ва нотижорат ташкилотлари томонидан давлат ҳокимияти органлари ёхуд фаолияти шаффофлигини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлардан таркиб топади. Шунингдек, у турли ташкилот раҳбарларининг фаолияти назоратини ҳам тақозо қилади. Бундай назоратни амалга оширишнинг икки шакли мавжуд. Биринчидан, у турли ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини ижтимоий мониторинг қилиб боришни назарда тутди. Иккинчидан эса, у ижтимоий текширув (аниқланган турли факт ва маълумотларни ўрганиш) шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Одатда, жамоатчилик назорати давлат органлари ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик палаталари ёки жамоатчилик кенгашлари томонидан олиб борилади. Бироқ кейинги йилларда жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар таркиби ва характерида ҳам, уни олиб бориш соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар турли фуқаролик жамияти институтлари, фуқаролар томонидан мустақил ташкил этилган уюшмалар ҳисобига бойиб бормоқда. Кейинги йилларда бундай назоратни амалга оширишда блогерлар, фуқароларнинг ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда ташкил этган гуруҳларининг роли кучайиб бормоқда. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳалари ҳам йил сайин кенгайиб борапти. Масалан, янги асрнинг бошларига қадар у нуқул давлат органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятига йўналтирилган бўлса, бугунги кунга келиб жамоатчилик назорати хусусий секторда фаолият кўрсатаётган ташкилот ва корхоналар, уларнинг раҳбарлари фаолиятини ҳам қамраб олапти.

Бундай жамоатчилик назорати турли соҳаларда раҳбарлик функцияларини бажараётган шахслар фаолиятига, турли ижтимоий жараёнларга муносабатига, фазилатлари ва эътиқодининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатаяпти. Биринчидан, раҳбар ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракати учун жамият олдида жавоб беришига тўғри келмоқда. Фаолият давомида йўл қўйилган оддий хато ҳам унинг учун қимматга тушмоқда. Масалан, Европа Иттифоқининг савдо бўйича комиссари Фил Хоган жамоатчилик босими туфайли Ирландияда карантин режимини бузгани (карантин шароитида Ирландия ғарбида жойлашган меҳмонхонада гольф клуб уюштирган базмда иштирок этгани) учун истеъфога чиқишга мажбур бўлди.¹ Иккинчидан, турли даражадаги раҳбарлар оммавий ахборот воситалари орқали муайян ижтимоий жараёнларга муносабат билдирганларидан сўнг, жамоатчилик талабига жавобан уни бот-бот асослаб беришларига тўғри келмоқда. Масалан, “Миллий тикланиш” партияси раҳбари А. Қодиров ўзининг коронавирусга чалинган хориждаги ўзбекларни жойида даволашга доир таклифи жамоатчиликнинг кенг муҳокамасига сабаб бўлгани туфайли уни бир неча бор асослаб беришга мажбур бўлди. Учунчидан, жамоатчилик назорати раҳбардан ўз фазилатларини кенгроқ намоён қилиш, мавжуд камчиликларини эса қатъий назорат остида сақлашни талаб этмоқда. Ўзбекистонда айрим раҳбарлар томонидан амалга оширилган хайрия ва саховат ишларининг ижтимоий тармоқларда кенг “кўз-кўз қилиниши” ҳам шундан бўлса керак.

² Ўша ерда. – Б. 291.

¹ Европа иттифоқи комиссари карантин режимини бузгани учун истеъфога чиқди.// kun.uz, 2020 йил 27 август.

Хуллас, бугунги жамоатчилик назорати раҳбар фаолиятини кескин мувофиқлаштириб бормоқда, унинг ижтимоий қиёфасининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Раҳбарга муайян *шахсий жавобгарликнинг юкланганлиги* ҳам унинг ижтимоий қиёфасида из қолдиради. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик, - деб уқтирган эди давлат раҳбари,- ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудуд ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”.² Чунки шахсий жавобгарликнинг мавжудлиги раҳбарни касбий маҳоратини оширишга, ўз функционал вазифаларини бажариш имконини берадиган хислат ва фазилатларини юксалтиришга ундайди. Шахсий жавобгарлик – раҳбарда масъулият ҳиссини шакллантирувчи асосий омилдир. Айниқса ташкилот ва корхона, жамоа тақдири, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожини билан боғлиқ масалалар ҳал қилинаётганда раҳбарнинг шахсий масъулияти ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Меҳнат натижалари учун шахсан жавобгарлигини чуқур ҳис этган раҳбар ўз фаолиятини, корхона ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини танқидий таҳлил қилиб, ҳолис баҳолаб боришга одатланади, қатъий тартиб-интизомга риоя қилади ва қўл остидаги ходимлардан ҳам шуни талаб этади. Шу боисдан замонавий раҳбарнинг энг асосий вазифаларидан бири, давлат раҳбарининг таъбири билан айтганда, “ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат”.¹

Шунингдек, раҳбарнинг ташкилот фаолияти самараси учун шахсан жавобгарлиги уни турли ижтимоий иллатлардан суғурта қилади. Ўз хизмат вазифаларини масъулият билан бажаришга кўниккан раҳбар тўрачилик, протекция, коррупция, дилетантизм, формализм, волонтаризм ва бошқа ижтимоий иллатларга берилмайди, реал ҳаётдан узилиб қолмайди, меҳнат жараёни билан боғлиқ масалаларни хўжақўрсинга, қўл учида ҳал қилишга уринмайди.

Бир сўз билан айтганда, шахсий жавобгарлик раҳбар фаолияти самарасининг ошишига ва ижтимоий қиёфасининг юксалишига, унинг танқислиги эса функционал вазифаларнинг саёз ижросига ҳамда раҳбар ижтимоий қиёфаси инқирозига замин ҳозирлайди.

Хулоса шундан иборатки, раҳбар ижтимоий қиёфаси динамик характерга эга бўлиб, жамиятдаги турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий жараён ҳамда воқеалар таъсирида ўзгара боради. Бунда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар характери, миллий кадриятлар, раҳбарлик фаолиятини амалга ошириш учун яратилган ҳуқуқий асослар, раҳбар кадрларга таҳсил бериш ва малакасини ошириш механизмининг самарадорлиги даражаси, касбий мобиллик ҳолати, жамоатчилик назоратининг шаклланганлиги даражаси, шахсий жавобгарлик ҳолати раҳбар ижтимоий қиёфасига таъсир ўтказувчи омил вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Цвык В.А. Профессионализм как фактор социальной мобильности. Профессиональная мобильность // Общество и право, 2004, – №3. – С. 189.

2.Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 290.

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

² Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 235.

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 235.

АБДУРАУФ ФИТРАТ ФАЛСАФАСИДА ОИЛА МУАММОЛАРИ**Тўраева А. (ҚарДУ)**

Аннотация. Мақолада Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида илгари сурилган ғоялар ва унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикр юритилган. Фитрат ушбу асарида оиланинг асосий функциялари ва фарзанд тарбиясининг муҳим аспекти ҳақида кимматли маълумотларни тақдим этган.

Таянч тушунчалар: *Абдурауф Фитрат, файласуф, оила, оилавий муҳит, ота-она, фарзанд бахти, жисмоний тарбия, ақлий тарбия, ахлоқий тарбия.*

СЕМЕЙНЫЕ ВОПРОСЫ В ФИЛОСОФИИ АБДУРАУФА ФИТРАТА

Аннотация. В статье рассматриваются идеи, высказанные в работе Абдурауфа Фитрата «Семья или порядки управления семьей» а также ее значение в наши дни. Фитрат в этом произведении предлагает функции семьи и основные аспекты воспитания детей.

Ключевые слова: *Абдурауф Фитрат, философ, семья, семейная среда, родители, счастье детей, физическое воспитание, умственное развитие, нравственное воспитание.*

FAMILY ISSUES IN THE PHILOSOPHY OF ABDURAUUF FITRAT

Annotation. The article discusses the ideas, statements in the work of Abdurauf Fitrat "Family or family management procedures" as well as its significance in our days. In this work, Fitrat provided valuable information about the main functions of the family and important aspects of child education

Keywords: *Abdurauf Fitrat, philosopher, family, family environment, parents, children happiness, physical training, mental education, moral education,*

Оила жамиятнинг муҳим аҳамиятга молик ижтимоий институти саналади. Асрлар давомида у жамиятдаги жараёнлар билан уйғунликда ўзгариб ва ривожланиб борди. Ўз навбатида, жамият, миллат таракқиётида, маънавиятининг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаб келди. Шу боисдан жамият ва оила ўртасидаги диалектик алоқадорлик, ижтимоий воқеликнинг оила институтига таъсири, оиланинг жамият ва шахсга таъсири, ижтимоий жараёнлар контекстида оилавий муҳитдаги ўзгаришлар барча замонларда ҳам долзарб аҳамиятга эга муаммоларлар бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган « Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда¹ ҳам оила институтини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ва оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Шу нуқтаи назардан Абдурауф Фитратнинг “Оила” асари оиланинг жамият ва инсон ҳаётидаги ролини оширишга, оила аъзоларининг ҳуқуқий меъёрларини белгилашга қаратилган муҳим фикр ва мулоҳазалар баён қилинганлиги, ислом дини нури билан зийнатланганлиги, жисмоний ва маънавий камолотга чорлови, илмий фактларга бойлиги билан беихтиёр кишини ўзига жалб қилади. Мазкур асарда оила қуриш заруриятидан тортиб, оила аъзоларининг ўзаро муносабати, ота-она, фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ҳатто гўдақларни тарбиялаш ва овқатлантириш тартибларигача чуқур ёритиб берилган. Соғлом ва маърифатли оиланинг жамият ва мамлакат ривожига ўрни ва аҳамияти ўзига хос усулда ёрқин мисоллар ва далиллар ёрдамида очиб берилган.

XX аср Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг етук вакили, жамоат арбоби, забардаст олим ва файласуф Абдурауф Фитратнинг давлат ва жамият равнақи, оила ва фарзандлар тақдири, уларнинг фазлу-камолига бағишланган «Оила ва уни бошқариш тартиблари » асари ва унда кўтарилган масалалар ҳеч бир ўзбек зиёлисини бефарқ қолдирмаса керак. Ушбу рисола 1914 йилда ёзилган бўлиб, ўша давр шиддатини ўзгача бир жанговар услуб билан ифода этган. Унда ҳам танқидий руҳ, ҳам даъват руҳи устунлиги сезилиб туради.

¹ Lex.UZ. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti 87-son Farmoni, 2022-yil 7-mart.

Муаллиф ҳар жиҳатдан соғлом бўлган оила етиштирган фарзандларгина миллатни юксакка кўтара олишини, уни истибоддан қутқаришини тушунтиришга ҳаракат қилади. “Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир. Лекин ана шу қурол-аслаҳамиз синиб, занг босиб чириб кетган. Шундай қуроллар билан бу дунёда бизга на саодат ва на роҳат бор. Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат, шараф, номус ва эътибор керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, болаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбия этишимиз зарур” [1:60], деб алам билан ёзади Фитрат.

Асарнинг биринчи қисмида аввало, оила қуришнинг афзаллиги ва шартлари, турмуш ўртокни танлашда нималарга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги, никоҳ тўйини ўтказишда қандай қоидаларга амал қилиш лозимлиги хусусида сўз юритилади. Муаллиф миллат тақдирини, унинг бахт-саодатини жамиятдаги оилавий муносабатлар камоли билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, “...дунёда иззат ва саодат толиби бўлмаган бирорта қавм йўқ. Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунчалик кучли ва тартибли бўлади” [1:8]. Фитрат миллат камчилиги сифатида иқтисодий саводсизликни келтиради. Масалан, “Маҳр ва тўй қандай бўлиши лозимлиги ҳақида” деб номланган бобида бизнинг одамлар бутун умр йиққан мол-дунёсини бир кунлик тўйга сарфлашини, қаердаги бемаза орзу-ҳавасларга берилиб исрофгарчиликларга йўл қўйишини қаттиқ танқид қилади. Мутафаккир тўйни кичик даврада исрофгарчиликсиз ўтказиб, ундан қолган маблағни ёшларни илм олишларига, соғлиқларга сарфлашларини таъкидлайди. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, Фитратнинг ушбу фикрлари ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Сабаби, бугун ҳам жамиятимизда беъмани орзу-ҳаваслар деб, исрофгарчиликларга, дабдабазликка кўп пул сарфлаётган кимсалар ҳали ҳам мавжуд. Иқтисодий саводсизлик кўплаб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаришини ҳам муаллиф алоҳида таъкидлайди. Масалан, ҳамма пул тўйга сарфлангандан кейин ёш оилалар рўзғор тебратишга қийналади. Қарз-хавола қилиб ўтказилган тўйнинг қарзлари тўланадими ёки рўзғор тебратиладими. Бу каби муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда ва миллатнинг камолига тўсқинлик қилмоқда.

Турмуш қургандан сўнг эр-хотиннинг ўзаро муносабати, қандай яшамоқлари, оиланинг иқтисодий таъминоти, бошқаруви ва маънавий камолоти ҳақидаги муҳим тавсиялари оила мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Эр-хотин ўзаро муносабатларда, кундалик рўзғор ташвишлари ёхуд фарзандлар тарбиясида зиддиятли ҳолатларга дуч келсалар, ширин сўз ва ҳалимлик, муроса билан муаммони ечимини топишга чақиради, ажралиш ва талокни қоралайди.

Фарзандли бўлиш оиланинг мақсади, инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Файласуф фарзанд камолотида инсон умрининг турли даврларидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида қимматли фикрларни беради. Ҳақимлар инсон умрини саккиз даврга тақсим қилганлигини таъкидлайди: гўдаклик даври, болалик даври, балоғат даври, ривожланиш даври, камолот даври, ниҳоя даври, биринчи қарилик даври, иккинчи қарилик даври.

Файласуф ҳар бир даврни қатъий ёш билан чегаралаб беради, инсон камолотида биологик ва ижтимоий хусусиятларнинг алоқадорлигини тушунтириб беради.

Асарнинг иккинчи қисмидан жой олган “Қизлар ҳам билим олишлари керакми” бобида келтирилган асос ва далиллар қизларни маърифатли бўлишига қарши бўлган кимсаларнинг ўз қарорларини ўзгартиришига сабаб бўлса ажаб эмас. Ҳолбуки, миллатимизнинг кўплаб маърифатпарварлари бир неча бор таъкидлаганларидек, “янги авлоднинг қандай бўлиши миллат тарбиячиси саналган аёлларнинг билими билан боғлиқ” [2:90]. “Онанинг дунёқараши кенглиги, маънавий-маърифий бойлиги, ҳуқуқий саводхонлиги, мафкуравий тарбияланганлиги, диний илмдан боҳабарлиги, табиий ва ижтимоий фанларни билиш даражаси, хуллас ақлий салоҳияти қанчалик юқори бўлса, унинг фарзандини ҳам келажак имкониятлари шунчалик юқори бўлади” [3:41]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам “Биз Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш, жамиятда янги маънавий маконни яратиш ҳақида гапирар эканмиз, бу ишларни

оила, оналар маънавияти билан узвий амалга оширишимиз зарур”¹, деб бежизга таъкидламаган эди.

Фитрат аёлнинг билими ва маданий савиясининг оилавий муҳитга ҳар томонлама таъсирини таъкидлаб, шундай ёзади: “Бу матлаб(тараккиёт-А.Т)га эришиш учун хотинларимиз ва қизларимиз –миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда хотинларимиз эркаклардан ҳам кўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар. Мана шу ояти карима ҳам шу маънога ишора қилади: ”Покиза ердан тоза ва фойдали ўсимлик осон ўсади ва покиза бўлмаган ердан хор-хасдан бошқа нарса чиқмайди” (Куръони Карим. Аъроф сураси, 58-оят) [1:98]. Демак, фарзандларнинг келажакда қандай инсон бўлиб вояга етишлари, уларга оналари нима бера олганликларига боғлиқ бўлади.

Абдурауф Фитратнинг фикрича, фарзандни ҳар томонлама камолотини таъминлаш учун унга жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбияни уйғун тарзда бериш лозим. Фитрат боланинг руҳияти, ота-она ва фарзанд руҳиятларининг нисбати ва ўзаро боғланишига катта эътибор бериб, етук психолог-педагог сифатида намоён бўлади. Одамнинг феъл ва ҳаракатини яхши шакл ва мазмунга келтириш учун унинг руҳини тарбиялаш зарурлигини таъкидлайди.

Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чакқон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз кадр-қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни, шунинг билан бирга ён атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак... Болаларни шундай тарбия қилиш керакки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин... Ота-она болага мамнунлик ва хурсандчилик қилишни ман этмаслиги, балки ахлоққа зид бўлмаган ишлар билан мамнун ва хурсанд бўлишини қўллаб-қувватлаши лозимлигини уқтиради. Бугунги машаққат келажакда бахт келтириши мумкин бўлган ишларни болаларга буюришлари ва “бу бахт кечаги заҳмат ва машаққат натижасида келганлигини болаларга тушунтириш” [1:87] ота-онанинг зиммасидаги вазифаси эканлигига эътибор қаратади.

Файласуф ушбу асарининг ақлий тарбияга оид бобида ақлий билишда тушунча, мулоҳаза юритиш ва мантиқий хулоса чиқаришнинг алоқадорлигини турли мисоллар ёрдамида тушунтиради. Ақлий зукколикни шакллантиришда бешта сезги аъзоларининг мутаносиб ривожлантиришга эътибор қаратади, эсда сақлаш ва хотира, фаҳм-фаросат ва зеҳннинг ўрни ва аҳамиятини далиллар билан асослайди.

Мазкур учта тарбиянинг энг муҳими ахлоқий тарбия ҳисобланади. Ўзингиз хоҳлаганингизча болангизнинг ақлий ва бадан тарбияси билан машғул бўлишингиз мумкин ва қўлингиздан келгунча уни доно ва бақувват қилинг. Лекин ахлоқий тарбия талаб даражасида бўлмаса, ақлий ва жисмоний кучини ўзи ёки атрофдагиларнинг зарарига ишлатади. Демак, боланинг ақлий ва жисмоний тарбияси самарасиз қолмаслиги учун фарзанднинг ахлоқий тарбияси билан жиддий шуғулланиб кўп ҳаракат қилиш лозим [1:84].

Ахлоқий тарбия инсоннинг маънавий камолотини белгиловчи, унинг ижтимоий қиёфасини намоён қилувчи сифатидир, яъни фарзандни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали ва манфаат келтирадиган бўлсин. Бошқача айтганда, одамнинг феъли ва ҳаракатида яхши фазилатларни тарбиялаш демакдир. Мамлакатимиз ривожланишининг янги босқичи оилавий тарбияда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг замонавий мезонларини ўртага ташламоқда. Бу мезонлар ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллий тафаккур, миллий эҳтиёж каби тушунчаларда ўз ифодасини топган бўлиб, улар тарбия жараёнининг яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади.

Абдурауф Фитрат ахлоқий тарбияни жисмоний ва ақлий тарбиядан кейинги – учинчи бўғин сифатида уқтириб, ахлоқий тарбияни самарали ташкил қилишнинг куйидаги тизимини таклиф қилади:

-ахлоқий тарбияни бадан тарбияси ва ақлий тарбия билан уйғунликда олиб бориш ва бунда ҳеч қачон сусткашликка йўл қўймаслик;

¹ <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-shavkat-mirziyoev-oqila-ayollar-harakatini-tashkil-qilishni-taklif-etdi>.

-болага ҳикоятлар воситасида ахлоқ қондаларини тушунтириш, яъни бадий ижод намуналари асосида маънавий оламини шакллантириш;

-шахсий намуна ва ибрат асосида таъсир кўрсатиш, зеро, тарбияда энг самарали усул шудир.

-фарзандига унинг истеъдоди ва иродаси доирасида муносабатда бўлиш, буни ширин сўзлар ва насиҳатлар билан биргаликда олиб бориш.

Фитратнинг “Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юқини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ” [1:4], деган фикр-мулоҳазаларини ҳар бир ота-она, мустақил ҳаёт қуриш оstonасидаги ҳар бир йигит-қиз ўзига дастурил амал қилиб олишлари зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Фитратнинг “Оила” асари том маънода ёш авлод учун ҳаётий қўлланма вазифасини бажарувчи ижтимоий-тарбиявий аҳамияти юқори бўлган салмоқдор асардир. Лекин унда педагогик-дидактик услуб эмас, жанговар чорлов услуби устун. Фитрат учун юксак ахлоқийлик эрк ва эрксеварлик билан мустаҳкам боғлиқ. Туркистон ва туркистонликни озод кўриш, яъни миллий мустақиллик мафкураси асарнинг руҳига сингдириб юборилган. Уни ўқиган киши нафақат ахлоқий фазилатлар нималардан иборат ва уларга қандай эришиш кераклигини, балки миллий озодлик, шахсий эркинлик нима-ю, уни қандай қилиб қўлга киритиш мумкинлигини англаб олади. Шу боис мутафаккир-жадид Абдурауф Фитратнинг “Оила” асари нафақат Туркистон миллий Уйғониш даврида бениҳоя катта рол ўйнаган, балки бугунги глобаллашув даврида ҳам ўзбек оилавий муҳитини янада соғломлаштириш учун ҳам хизмат қилади, деб ҳисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фитрат Абдурауф. Оила ёки уни бошқариш тартиблари. Т: Маънавият, 2000.
2. Жўраева Н. Маърифатпарварлар қарашларида хотин-қизларга муносабат масаласи // Жамият ва бошқарув, 2010. – №3. – Б. 90.
3. Шаропова М., Шаропов Ж. Оилада ёш авлод тарбияси – жамият қудрати мезони // Фуқаролик жамияти, 2009. – №4. – Б. 41.

Наишга проф. С. Чориев тавсия этган

IJTIMOIIY DAVLATNING SHAKLLANISHIDA DEMOKRATIZM VA KONSTITUTSIONALIZM TAMOIYILLARI

Atavullayev M.A. (O‘zMU)

Annotatsiya. Ushbu maqolada ijtimoiy davlatning demokratik xususiyatga ega ekani, inson huquq va erkinliklarini ta'minlash, fuqarolik jamiyati rivoji uchun barcha sharoitlarni yaratib berish uning asosiy vazifalaridan ekani qayd etilib, demokratiya va demokratizm haqidagi g'oyalar, nazariy falsafiy pastulotlar ijtimoiy davlat uchun ham muhim ekanligi keltirib o'tilgan.

Tayanch so'zlar: fuqarolik, huquq, erkinlik, demokratiya. Demokratizm, ideal, nazariya, model, ijtimoiy davlat, demokratik davlat.

ПРИНЦИПЫ ДЕМОКРАТИЗМА И КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМА В ФОРМИРОВАНИИ ГОСУДАРСТВА ВСЕОБЩЕГО БЛАГОСОСТОЯНИЯ

Аннотация. В данной статье отмечается, что государство всеобщего благосостояния имеет демократический характер, обеспечение прав и свобод человека; создание всех условий для развития гражданского общества является одной из его основных задач, а идеи о демократии и демократизме, теоретические философские постулаты также важны для всеобщего благосостояния государства.

Ключевые слова: гражданство, право, свобода, демократия. демократизм, идеал, теория, модель, социальное государство, демократическое государство.

THE PRINCIPLES OF DEMOCRACY AND CONSTITUTIONALISM IN THE FORMATION OF THE WELFARE STATE

Annotation. In this article, it is noted that the welfare state has a democratic character, that it is one of its main tasks to ensure human rights and freedoms, and to create all the conditions for the development of civil society, and that the ideas about democracy and democratization, theoretical and philosophical studies are also important for the welfare state.

Keywords: *citizenship, law, freedom, democracy. Democratism, ideal, theory, model, social state, Democratic state.*

Ilmiy adabiyotlarda ijtimoiy davlatning demokratik xususiyatga ega ekani, inson huquq va erkinliklarini ta'minlash, fuqarolik jamiyati rivoji uchun barcha sharoitlarni yaratib berish uning asosiy vazifalaridan ekani yakdillik bilan qayd etiladi. Ha, ba'zi tadqiqotchilar ijtimoiy davlatning ushbu xususiyatidan kelib chiqib, uni davlatchilik rivojining eng yuqori bosqichi, demokratik taraqqiyotning yuksak ko'rinishi sifatida ko'rsatadilar. Xullas, ijtimoiy davlat demokratik huquqiy davlat, uning asosiy vazifasi jamiyatda demokratik va huquqiy qadriyatlarni qaror toptirishdir. Shu nuqtayi nazardan qaraganda: birinchidan, ijtimoiy davlat ilgari o'rganilgan, ijtimoiy funksional va institutsional xususiyatlari ochib berilgan demokratik davlatning navbatdagi bosqichidir. U mavjud demokratik davlat haqidagi nazariy, falsafiy - huquqiy ta'limotlarga zid chiqishi mumkin emas. Demokratiya va demokratizm haqidagi g'oyalar, nazariy falsafiy pastulotlar ijtimoiy davlat uchun ham muhimdir. Ikkinchidan, ijtimoiy davlatning o'ziga xos ichki xususiyatlari, institutsional va funksional belgilari mavjud. Ushbu belgilar ularni "demokratik davlat" degan tushuncha bilan to'la aynan qilib qo'yadi. Aslida esa demokratiya va demokratizm ijtimoiy davlatning bir qismi, atributi sifatida keladi. Demak, ijtimoiy davlat va demokratiya, demokratizm alohida voqeliklar sifatida qaralishi mumkin, bu tadqiqot obyektini boshqa obyektlardan farqlash, uning differensial xususiyatlarini anglash imkonini berdi. Masalan, so'z erkinligi, vijdon erkinligi, siyosiy partiyalar tuzish, fuqarolik jamiyati institutlari faoliyatida qatnashish, madaniy boyliklardan bahramand bo'lish, ta'lim olish huquqlarining barchasi demokratiyaga oid qadriyatlar hisoblanadi. Demokratizm esa ushbu qadriyatlarni real hayotga tatbiq etilishini anglatuvchi mexanizmdir. Agar demokratiya ideal, nazariya, model sifatida kelsa, demokratizm uni ijtimoiy hayotga joriy etilayotganini tasdiqlaydigan tamoyildir. Demokratiya ideal sifatida qanchalik qadrlil bo'lsa, uni ideal hayotga tatbiq etish ham shunchalik qadrlidir [1]. Fransuz publitsisti va sayohatchisi o'zining "Amerikada demokratiya asarida shaxsning erkin mehnatini qanday ijobiy voqelikka aylanganini, aynan tadbirkorlik va ishbilarmonlik amerikaliklar fazilatiga aylanganini, ular o'zlari istagan farovonlik ana shu tashabbuslari mahsuli ekanini tasvirlagandi [2]. Hududiy adminstrativ boshqaruviga ko'ra Amerika prezidentlik federativ davlatdir. Unda 50 shtat va Kolumbiya federal okrugi bor, markaziy, federativ boshqaruv tizimlarida mahalliy (shtatlar) aholi tomonidan saylangan vakillar qatnashadi. Prezident saylovida barcha fuqaroning erkin qatnashishi o'rnatilgan. Oliy davlat boshqaruvi qonunchilik palatasi (Kongress), ijro hokimiyati (Prezident) va sud federal sudlar tizimi) tomonidan amalga oshiriladi. Mazkur yondashuv hokimiyat boshqaruvi tizimlarini bir-birini kuzatishga, ulardan birining o'zboshimchaligiga yo'l qo'ymaslikka imkon beradi. Amerika demokratiyasining ushbu hokimiyatni taqsimlash orqali boshqarish tizimi bugun demokratik boshqarishning ideal modeli sifatida e'tirof etiladi va milliy demokratik taraqqiyot yo'lini tanlagan davlatlar uni o'ziga tatbiq etadi. Bu o'rinda davlat boshqaruvining demokratizm (xalq hokimiyatchiligi) va konstitutsionalizm (qonunlar ustuvorligi) amal qilishini kuzatamiz.

Amerika konstitutsionalizmi mohiyatan demokratiya, ular bir birlarini to'ldirib ijtimoiy taraqqiyotga xizmat qiladi, har bir fuqaroning erkin va farovon yashashiga imkon beradi¹.

Shu paytgacha Amerika ijtimoiy-iqtisodiy ko'rsatkichlarda yetakchi o'rinni egallab kelgan, uning jahon bozorida o'rni juda katta, barcha davlatlar uchun ibratli edi. Ammo bugun Xitoy liderlikka da'vogar, u ijtimoiy-iqtisodiy islohotlari bilan xalqi uchun farovonlikni ta'minlashni o'zining ijtimoiy siyosatiga aylantirgan. Amerika demokratiyasini zamonaviy siyosatshunoslik va falsafiy-huquqiy nuqtayi nazardan o'rgangan mutaxassislar bu borada jiddiy to'siqlar, hatto

¹ <https://ru.m.wikipedia.org/wiki>.

demokratizm va konstitutsionalizm talablariga zid hodisalar AQShda ildiz otganini ta'kidlashadi. Bularga ular Amerika demokratiyasida:

- yuzakilik;
- korrupsiyaga botganlik;
- saylovchilari ongsiz;
- oldingi siyosatga muvofiq kelavermaslik;
- siyosiy savodxonlikning yetishmasligi;
- omma ijtimoiy fikrini manipulyatsiya qilish;

–opozitsiya fikrini manipulyatsiya qilish ildiz otgan, deb g'ayridemokratik va g'ayriqonuniyliklar borligini ko'rsatishadi [3]. Amerika demokratiyasiga yolg'on, fahsh va ommani laqillatish siyosiy texnologiyasi aralashganini boshqa mutaxassislar ham ta'kidlashadi¹. Hatto ularning ba'zilar "Amerika demokratik davlatmi?" deb savol qo'yishadi va unda g'ayriqonuniylik va g'ayridemokratik elementlar oshib toshib yotganini ochib berishadi. Ular fikricha, "AQSH na rasman konstitutsiyaviy, na amaliy demokratik davlat" degan salbiy xulosaga kelishadi va ushbu fikrini asoslash uchun yetarli misollar keltirishadi. 2020-yili o'tkazilgan prezidentlik saylovi, oligarxlarni har qanday qonunni, demokratik tamoyillarni toptashini ko'rsatdi [4]. O'z manfaatlarini munitsipial manfaatlardan, mahalliy aholi manfaatlaridan ustun qo'ygan Bush hukumati esa "har qanday sharoitdan o'ziga naf orttirishga intildi. Buni G.Makdonal'd "noqonuniy xususiy davlat" deb atadi [8]. Shunday bo'lsa-da, amerikaliklar demokratizm va konstitutsionalizm mavjudligiga ishonishadi, AQSHni dunyodagi ibrat olgulik farovon ijtimoiy davlat deb bilishadi. Har yili Osiyo davlatlaridan AQSH ga 4 millionga yaqin kishi yo ish qidirib, yoki unda qolish niyatida ko'chib o'tishining o'zi ham ma'lum bir xulosalar chiqarishga undaydi. Ammo bu o'rinda farovon yashash bilan demokratizm, konstitutsionalizm o'rtasida hech qanday bog'liqlik yo'q, degan fikr uyg'onadi.

Demokratiya va demokratizm genezisi antik davrlarga borib taqalsa, "konstitutsiya" va "konstitutsionalizm" XVIII asrning oxirlarida paydo bo'lgan tushunchalardir. Bu o'rinda avvalo 1787-yili AQSH Konstitutsiyasi esga olinadi. Asosiy qonun asoschilari konstitutsiyaga barcha qonunlar amal qiladigan, davlat va jamiyat boshqaruvi uning normalariga muvofiq keladigan, siyosiy tizim va institutlar qat'iy bo'ysunadigan, strategik ahamiyatga ega hujjat sifatida qaraganlar. Bu borada juda ko'plab asarlar yozilgan, tadqiqotlar o'tkazilgan. Amerika konstitutsiyasining Yevropa bo'ylab tarqalishiga fransuz publitsisti va sayohatchisi Aleksis de Tokvilning "Amerikada demokratiya" asari turtki bo'ldi. XIX asrda konstitutsiya tuzish va konstitutsionalizm tamoyilini shakllantirish asri bo'ldi deyish mumkin. Shu asosda "ijtimoiy davlat konseptsiyasiga yetib kelindi.

Ijtimoiy davlat konseptsiyasi to'g'risida gap kelsa, "shved modeli (Skandinav modeli ham deyishadi) eslanadi. Ushbu atama o'tgan asrning 60-yillarida paydo bo'ldi. Bugun uni "shved sotsializmi" deb ham atashadi. Mutaxassislarning aytishicha, shved ijtimoiy davlatchilik modeli asosida ikki kapitalistik va kommunistik tuzumlar o'rtasidagi kurash, konfrontatsiyadan olingan hayotiy tajribalar, xulosalar yotadi. Aynan shuning uchun shved modeli jamiyatda antogonistik ziddiyatlar bo'lmasligi uchun yaratilgan moddiy ne'matlarni, boyliklarni kishilar o'rtasida teng taqsimlash tamoyiliga qurilgan. Unda mehnatga layoqatli har bir fuqaro ijtimoiy hayotda faol qatnashishi o'rnatilgan, jinslar o'rtasida huquqiy tenglik ta'minlangan, aholining farovon yashashi uchun ishonchli egalitar va ijtimoiy yordam, himoya tizimi shakllantirilgan [5]. Shved modeli ijtimoiy bozor munosabatlariga, ijtimoiy adolatni qaror toptirishga qaratilgan tenglik va iqtisodni boshqarish tamoyillariga tayanadi. Bozor iqtisodiyoti har bir fuqaroga ixtiyoriy tarzda mehnat qilishga imkon beradi, iqtisodiy demokratiyani qaror toptiradi, ijtimoiy davlat esa yaratilgan boyliklarni jamiyat va aholining farovon yashashi uchun sarflashni amalga oshiradi. Sinfy tabaqalanishga yo'l qo'ymaslik, barchani demokratik saylovlarda qatnashishini ta'minlash, konstitutsionalizm tamoyiliga asoslangan tarzda ijtimoiy himoya siyosatini olib borish davlatning vazifasidir. Shvetsiyada gidroenergetika, o'rmon xo'jaligi va temir rudalarini ishlab chiqish, olingan tabiiy boyliklarni eksport qilish rivojlangan. Ishchi xizmatchilarning kasbiy malakasini

¹ Глигич Золотарева М.В., Кирюхин К.С. Демократия в Америке? <https://doi.org/10.21686/2073-1051-2021-3-142-168>.

oshirish, tibbiy himoyalash, dam olish va hordiq chiqarishini uyushtirish, bolalarini bepul o'qitish, yuqori saviyada ta'lini tashkil etish, yuksak darajada madaniy, transport va kommunal xizmatlar ko'rsatish kabilar ijtimoiy davlatning qanday afzalliklarga ega ekanini ko'rsatadi.

Davlat barchaga mehnat qilish, turar joy, ta'lim huquqini ta'minlashi, shuningdek, ijtimoiy ta'minot, xavfsizlik va yashashi uchun yaxshi sharoit yaratib berishi kerak. Jamiyat esa barcha sohalarda demokratik g'oyalarni asosiy yo'nalish bo'lib qolishi haqida qayg'urishi kerak. Jamiyat erkak va ayollarning teng huquqli bo'lishini ta'minlashi, shuningdek, shaxsiy va oilaviy hayotni himoya qilishi zarur¹. Shvetsiya konstitutsion monarxiya hisoblanadi, davlat rahbari qirolidir. Ichki tashkiliy va ijro ishlarini mamlakat hukumati va mahalliy kommunalar amalga oshiradi. Qonun chiqaruvchi organ parlament, Riksdagdir. U har to'rt yilda bir marta umumxalq saylovida, Bosh vazir, hukumat a'zolari esa Riksdag tomonidan saylanadi. 1975-yilgacha qirol absolyutizmi saqlangan. 1975-yili qabul qilingan konstitutsiyada esa xalq davlat hokimiyatining manbai sifatida e'tirof etildi va qirol absolyutizmi parlamentarizm va demokratizm tomon yo'naltirildi. Qirol barcha fuqarolar kabi soliqlar to'laydi, o'zining daromadlari haqida deklaratsiya topshiradi. Uning oilasi davlat ta'minotida tursa ham, har bir oila a'zosi Riksdag tomonidan qabul qilingan qonunlarga bo'ysunadi, o'zining g'ayriqonuniy xatti-harakatlari uchun sudga tortilishi mumkin. Shvetsiya tarixida shakllangan "avval konstitutsiya keyin qirol" shiori xalq vakillaridan iborat Riksdagning konstitutsionalizm tamoyiliga xizmat qilishini, konstitutsion monarxiyada ham qonunlar ustuvor bo'lishi mumkinligini ko'rsatadi.

Ilmiy tadqiqotlar ko'rsatadiki, konstitutsionalizm davlatning shakllanish genezisi va rivojlanish bosqichlari ifodasi bo'lib keladi. Biroq AQShda konstitutsionalizm undagi davlatchilikdan oldin, ya'ni Buyuk Britaniya davlatchiligida shakllangan edi. AQSH konstitutsiyasi va qonunlari Buyuk Britaniya tajribalariga tayangan, ulardagi normalarni davom ettirgan (Qarang: O'sha joyda). Rossiyada esa konstitutsionalizm IX asrdan boshlanib, Rossiya imperiyasi bilan birga shakllanib, o'zgarib, modernizatsiyalashib, undagi davlat boshqaruvining xususiyatlarini ifoda etib kelgan².

Sharq davlatlarida esa qadimdan "sharqona despotiya" hukm surgan degan fikr ilmiy huquqiy va falsafiy - huquqiy asarlarda qaror topgan. Mazkur fikrga ko'ra, monarxiya boshqaruviga monarxni ilohlashtirish va uning hokimiyatini nasldan naslga o'tuvchi qilish, shohni barcha jarayonlarni mustaqil o'zi hal etuvchi yakka hukmdor bilish, totalitar tartiblar asosiga qurilgan markazlashgan boshqaruvning mavjudligi, kishilar taqdiri hukmdor amriga (masalan, jinoyatchini kechirish yoki kechirmaslik, shahar va tumanlarni yaxshi ko'rgan kishisiga sovg'a qilish, u yoki bu kishilarni soliqlardan ozod qilish kabilar) bog'liqligi xosdir [6]. Bunday sharoitda demokratiya va konstitutsiya, demokratizm va konstitutsionalizm haqida gapirish qiyin. Biroq keyingi yillarda o'tkazilgan ilmiy izlanishlar "sharq despotiyasi" haqidagi fikrlarni rad qiladi. Masalan, Qadimgi Baqtriya va So'g'd davlatlarida konfederatsiya boshqaruvi bo'lganini tasdiqlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Алексис де Токвиль. Демократия в Америке. – Москва: Наука, 1976.
2. Власихин В.А. Американский конституционализм // Ж. США Канада: политика, экономика, культура, 1999, – № 10. – С. 69–76.
3. Флинт Г.С. Политика, секс, ложь. – Москва: Альфа пресс, 2008.
4. Макдональд Г. Правда: Как политики, корпорации и медиа формируют нашу реальность, вставляя факты в выгодном свете. – Москва: Альпина Паблицер, 2019. – С. 134.
5. Сафонов В.Е. Европейский конституционализм и его рецепция в североамериканских колониях Англии // Известия Пензенского государственного педагогического университета им. В.Г.Белинского. Ж. "Общественные науки", 2012, – №25. – С. 157.
6. Корецкая Т.П. Становление Российского конституционализма // Вестник Омского университета. Серия "Право", 2013, – №3 (36). – С. 49–56.
7. История государства и права зарубежных стран. Часть 1. – Москва: Норма-Инфра. – М., 2001. – С. 17.

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

¹ Глигич Золотарева М.В., Кирюхин К.С. Демократия в Америке? <https://doi.org/10.21686/2073-1051-2021-3-142-168>.

² Правовая библиотека.lagalns.com.

ЭКОЭСТЕТИК ТАФАККУРНИНГ ГНОСЕОЛОГИК ЖИХАТИ ВА ПРАКСИОЛОГИК ҚИЙМАТИ

Ниязов С.С. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада экологик борликни фундаментал назарий билишда эстетиканинг онтологик, гносеологик, методологик ва праксиологик функциялари турли амалий даражаларда – урф-одатлар, анъаналар ёки маданиятга асосланган экологик фаолият тарзида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, илмий-назарий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *экологик онг, экологик маданият, экологик тафаккур, экологик тарбия, экотуризм, экологик вазият, “бокира” табиат, гедонистик ва эвдомонистик, табиат-жамият-инсон, экологик эҳтиёж, экологик борлиқ, экологик сифатлар, экологик эҳтиёжлар, халқаро экология.*

ЭПИСТЕМОЛОГИЧЕСКИЙ АСПЕКТ И ПРАКСИОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ЭКОЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ

Аннотация. В статье онтологические, гносеологические, методологические и праксиологические функции эстетики в фундаментальном теоретическом познании экологического бытия проявляются на разных практических уровнях - обычаях, традициях или способе экологической деятельности, основанном на культуре. С этой точки зрения был проведен научно-теоретический анализ.

Ключевые слова: *экологическое сознание, экологическая культура, экологическое мышление, экологическое образование, экотуризм, экологическая ситуация, «девственная» природа, гедонистическая и эвдомонистическая, природа-общество-человек, экологическая потребность, экологическое существование, экологические качества, экологические потребности, международная экология.*

EPISTEMOLOGICAL ASPECT AND PRAXEOLOGICAL VALUE OF ECOESTHETIC THINKING

Annotation. In the article, the ontological, epistemological, methodological and praxeological functions of aesthetics in the fundamental theoretical knowledge of ecological existence are manifested at different practical levels - customs, traditions or the way of ecological activity based on culture. From this point of view, a scientific-theoretical analysis was made.

Key words: *ecological consciousness, ecological culture, ecological thinking, ecological education, ecotourism, ecological situation, "virgin" nature, hedonistic and eudomonistic, nature-society-man, ecological need, ecological existence, ecological qualities, ecological needs, international ecology.*

Жамият экологик онги ва маданиятининг, ижтимоий ҳодиса сифатида, табиатга эстетик муносабатини шакллантириш, бир томондан, унинг функцияларини: 1) *онтологик* – борликнинг алоҳида шаклини ташкил қилиши ва намоён бўлиши; 2) *гносеологик* – билишнинг асосий тушунчалари тизимини, категорияларини яратиши ва тизимлаштириши; 3) *эвристик* – борликни қайта “яратиш”нинг янги усулларини ва воситаларини кашф этиши; 4) *аксиологик* – қадрият мақомига эга бўлиш ва уни мустаҳкамлаш; 5) *праксиологик* – натижаларни амалда қўллаш; 6) *методологик* – фаолият усулларини, воситаларини, йўлларини кўрсатиши; 7) *педагогик-дидактик* – таълим-тарбия бериш жиҳатларини аниқлаштириши билан характерланади. Экологик онг ва маданиятни эстетиклаштириш жараёни ҳам, натижаси ҳам, табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишда шахс фаол ҳаётий мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган ижтимоий онг шаклланининг функционал аҳамиятини аниқлаштиради. Шу сабабдан экологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган эстетик таълим ва тарбия жараёнига бир бутун, яхлит ҳодиса сифатда қараш мақсадга мувофиқ. Яъни экологик тарбия, бир вақтнинг ўзида рационал эстетик назария ва эмпирик эстетик амалиёт даражасида намоён бўлади. Чунки инсоннинг экологик эҳтиёжлари тизимида моддий ва маънавий, эмпирик ва рационал жиҳатлар бирлиги, унинг моҳиятини ҳар томонлама тўлиқ намоён қилади. Лекин жамият тараққиётининг муайян босқичларида, инсон эҳтиёжлари тизимида, моддий эҳтиёжларни қондириш, уларнинг усул-воситалари ривожлантириш маънавий эҳтиёжларга нисбатан устуворлиги қонуният мақомига эга бўлган. Экотуризм, умуман туризм индустриясидаги ўзининг асосий функциясига, яъни табиий атроф-муҳит ёки унинг

компонентларини, ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг ноёб турлари, ландшафтлар ва шу каби табиий ёдгорликларни томоша қилиш ва биоҳилма-хилликни сақлаб қолишдан гедонистик, эвдомонистик завқланиш, лаззатланиш, хузурланиш мақсади ва иқтисодий манфаатдорлиги уйғун бўлган ягона йўналиш, фаолият тури ҳисобланади. Зеро, табиат бағрига саёҳат қилинишдан асосий мақсад – сайёҳларнинг жонли табиат, маҳаллий аҳоли урф-одатлари, анъаналари, ҳаёт тарзи ва маданияти билан бевосита танишиб, *гедонистик ва эвдомонистик ҳиссий туйғуларини шакллантириши*, экологик билимларини оширишдан ташқари, уларни руҳий-жисмоний соғломлаштиришда ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам шифокорларнинг аксарият замонавий индустриалашган, урбанизациялашган ва ахборотлашган жамиятлар “экологик касалликларини” даволашда экотуризмдан самарали фойдаланишни тавсия қилишлари бежизга эмас.

Бу тавсияларни амалга ошириш учун глобал экологик муаммолар ечимида таълим ва тарбиядаги долзарб аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, экологик туризмнинг ҳозирги ҳолати, ривожланиш тенденцияси ва истиқбол вазифаларини тўғри белгилаб олиш керак. Хусусан, табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятини соғломлаштиришга доир шахс экологик онги, маданиятини ривожлантириш, биринчидан, турли касбий йўналишларда фаолият кўрсатаётган барча аҳоли ва социал табақалар таълим-тарбия тизимида экотуризмнинг аҳамиятини англашига, гносеологик, иккинчидан, узлуксиз экологик таълим-тарбия жараёнида шахснинг табиатга эстетик муносабатини, онги ва маданиятини шакллантирувчи самарадор усуллари, воситаларини танлашга, методологик, учинчидан, экологик туризм соҳасига мутасадди барча ижтимоий-фуқаролик институтлар ва давлат ташкилотлари фаолиятини интеграциялаштиришга, бирлаштиришга, бир мақсадга йўналтиришга ташкилий, тўртинчидан, экологик туризм оммавийлиги ва самарадорлигини таъминлаш учун кадрлар корпусини яратиш жамоа куч-ғайратларини уюштиришга, ахборот ва интеллектуал асослигини ва зарурлигини инобатга олиш лозим.

Бу асосларга кўра, ташкиллаштирилган туризм шакли – мавжуд глобал экологик инкироз оқибатларини, келажакда кескинлашиш сабабларини бартараф қилишнинг нисбатан янги усули ҳисобланади ва энг самарали воситасига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, “бокира” табиат кўйнига саёҳат қилиш, ундан эстетик завқ олиш имкониятига эга бўлиш ғоят катта ижтимоий-маънавий, фалсафий-эстетик аҳамиятга эга. Яъни экологик туризм инсонни табиатнинг таркибий қисми эканлигини, уни муҳофаза қилиш ҳаёти асосларини таъминлаш зарурияти билан боғлиқлигини англашига, ватанпарварлик ҳиссини, туйғусини тарбиялашга, гедонистик ва эвдомонистик аҳамияти ошиб бораётганлигини тушунишга ёрдам бермоқда.

Ҳозир туристик оқим йўналиши, XX асрдан фарқли равишда, нафақат индустриал ривожланган мамлакатлараро, балки ривожланаётган мамлакатлар, яъни техноген цивилизациянинг табиат бокиралигига, барқарорлигига таъсири, нисбатан суст бўлган давлатлар томонга ўзгармоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг туризм индустрияси, асосан экологик туризм – экотуризм, ҳисобига амалга оширилмоқда. Экотуризм табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган экологик ҳаракатнинг махсус шакли сифатида оммавий коммуникация, замонавий инфраструктура ва бошқа туристик объектларга нисбатан бокира табиий комфортни кадрлаш, гўзаллигини мушоҳада қилиш, завқланиш, у билан мулоқотдан маънавий бойиш, табиий меросни сақлаш ҳамда маҳаллий жамоаларнинг экологик анъанавий маданияти ва қадриятларини муҳофаза қилиш устуворлигини ва унга дахлдорлигини, масъулиятини ҳис қилишни кўзда тутати [1; 719].

Шу билан бир қаторда, табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (МСОП)нинг таърифига кўра, экотуризм – табиий атроф-муҳитнинг антропоген таъсир натижасида нисбатан ўзгармаган ҳудудларини ҳамда маданий ёдгорликларини ўрганиш ва эстетик завқланиш мақсадида ташкил этилиб, уларни муҳофаза қилишга, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини, экологик яшаш шароитини, турмуш даражасини яхшилашга ёрдам берувчи саёҳатдир. Шу таърифга адекват тарзда Халқаро экотуризм жамияти (ХЭЖ), Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди (БЁТФ) таърифларида ҳам

экотуризмнинг гносеологик, аксиологик, педагогик-дидактик, маданий-этнографик, маънавий-ахлоқий, эстетик-коммуникатив, функционал ва бошқа бир қатор жиҳатларига эътибор берилган.

“Табиат-жамият-инсон” муносабатларининг ҳар қандай тарихий босқичида, унинг ривожланиш даражасига мос экологик маданият трансформацияси усул-воситалари, шакллари вужудга келган. Қадимги ёзма манбаларда, археологик, этнографик тадқиқот натижаларида кишиларнинг табиий-географик яшаш шароити билан боғлиқ, ўзига хос экологик маданияти вужудга келганлиги тарихий далиллар билан исботланмоқда. Дарҳақиқат, инсоният тарихининг дастлабки даврларида ҳам табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ кундалик ижтимоий амалиётнинг урф-одатлари, расм-русумлари, амалий анъаналари инсоннинг табиатга муносабатини эмоционал-руҳий ифодалаш усули бўлган. Хусусан, қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари мифологик, фалсафий, диний дунёқарашларида инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантирувчи ёки табиатга путур етказувчи ҳаракатларини таъқиқловчи бадиий образлар яратилган.

Бу даврнинг энг асосий хусусияти – “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини илоҳий-мифологик образлар, тасаввурларда диний-ахлоқий тамойиллар устуворлигидир. Кейинчалик, табиатга “цивилизациялашган”, “маданийлашган” муносабатнинг бадиий-эстетик йўналиши ва унинг трансформацияси жадаллашганлигини кўрамиз. Шу билан бирга “табиат-жамият-инсон” мажмуаси муносабатларини ташкиллаштириш ва бошқаришда инсоннинг табиий яшаш шароитлари билан боғлиқ экоэстетик қадриятлар ролининг ошиши бадиий ижод намуналарида ўз ифодасини топган.

Ҳозирги даврда экологик қадриятларни, табиатга эстетик муносабатни бадиий ифодалаш ижодига, санъат турларига трансформацияси жараёнида, бир-бирини тақозо қиладиган икки тенденция кўзга ташланмоқда биринчиси – инсон эҳтиёжлари таркибида экологик эҳтиёжлар устуворлашуви қонуни табиатни муҳофаза қилишда ҳар бир ижтимоий онг шаклига ҳам, санъат турига ҳам, бадиий ижод жанрига ҳам, алоҳида, хусусий персонификациялашган (индивидуллашган) вазифани юкламоқда; иккинчиси – экологик фаолиятнинг комплекс-системали характери ва уни бадиий ижоднинг турли жанрларида акс эттириш йўналишларини, ижтимоий онг шаклларини ва бадиий ижод функциялари интеграциясини кучайтириб, уларни эстетикалаштирувчи омиллар устуворлашувини тақозо қилмоқда.

Булардан ташқари, инсоният ҳаётида рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар фан, техника, технология тараққиёти, интеллектуал салоҳият имкониятларнинг беқиёс ўсиб кетиши «инсон ва табиат», «жамият ва табиат» муносабатларини янги мезонлар билан баҳолаш ва уларни эстетик-бадиий образларда ифодалаш, трансформация усулларини, воситаларини жиддий қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Зеро, табиатга антропоген таъсир кучайиши натижасида биосфера эволюцион ривожланишига адекват инсон экологик фаолиятини рағбатлантирадиган бадиий-эстетик усуллар, воситалар ношудлиги кўзга ташланмоқда ва инсоният цивилизацияси ютуқлари, унинг истиқболлари катта хавф остида қолди. Иккинчи томондан, экологик онгни ва маданиятни бадиий образларда ифодалаш табиатга эстетик муносабат жараёни бўлиб, ижтимоий-тарихий амалиётнинг махсус шакли ва даражаси ҳисобланади. Унинг махсуслиги: 1) объекти хусусиятларидан; 2) эҳтиёжлари индивидуаллигидан; 3) манфаатлари умумийлигидан; 4) билиш усул-воситалари аниқлигидан; 5) педагогик-дидактик натижалари универсаллигидан келиб чиқади. Энг муҳими, табиатга эстетик муносабат ва уни бадиий образларда ифодалаш жамият маънавий ҳаётининг атрибути бўлиб, унинг функцияларини аниқлашга фалсафий категориялар йўналишида ёндашишни тақозо қилади.

Экологик онг ва маданиятнинг табиатга эстетик муносабатни белгиловчи ва рағбатлантирувчи функционал аҳамиятини ўрганишда бир томондан, табиатга эстетик муносабатни шакллантиришнинг экологик фаолиятни конструктив-рационал ташкиллаштиришдаги ролини ва мақомини; иккинчи томондан, табиатга эстетик муносабатни бадиий ифодалаш жанрларининг функционал интегратив хусусиятларини ва йўналишларини аниқлаш муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга.

Табиатга эстетик муносабат, жамият маданиятининг таркибий қисми сифатида, экологик ахборотни унинг субъектлари томонидан объектларига трансформация қилиш эҳтиёжига асосланади. Бунда трансформация қилинаётган ахборот мазмунан ҳамда шаклан экологик борлиқнинг мавжудлик ҳолатига ва ривожланиш тенденциясига адекватлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Экологик борлиқни фундаментал назарий билишда эстетиканинг онтологик, гносеологик, методологик ва праксиологик функциялари турли амалий даражаларда – кундалик оддий урф-одатлар, анъаналар ёки мураккаб техник-технологик маданиятга асосланган экологик фаолият тарзида намоён бўлади. Шу нуктаи назардан, инсоннинг, умуман борлиқга, хусусан экологик борлиқга муносабатини эстетик маданият тамойиллари асосида ташкил қилиш бир томондан, экологик воқеликка эстетик муносабат мотивларини, ифодалаш усуллари, воситаларининг бошқа ижтимоий онг шаклларида фарқи (мақоми ва аҳамияти)ни аниқлашни; иккинчи томондан, турли маданият соҳаларининг табиатни муҳофаза қилишдаги моддий ва маънавий, назарий ва амалий фаолиятлари функционал боғланишларини нафосат қонунлари асосида ташкиллаштиришни тақозо қилади.

Ҳозирги даврда турли халқлар, мамлакатлар ўртасида глобал экологик муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжи ва объектив зарурияти маънавий интеграция жараёни кучайтириб, умуминсоний-универсал экоэстетик тафаккур усулини ҳамда унга мос келадиган амалий ҳаракатлар глобаллашувига сабаб бўлмоқда. Бу жараён экологик ва эстетик фаолиятни интеграциялаштириш орқали, нафақат экологик муаммоларни, балки уларни вужудга келтирган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва руҳий-маънавий сабабларга ҳам қарши кураш имкониятларини вужудга келтирмоқда. Чунки экологик муаммоларни бадиий-эстетик усуллар ва воситалар билан ҳал қилишнинг мазмун-моҳиятини, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий ва бошқа ижтимоий муносабатларини табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш манфаатлари асосида, инсон “экологик сифатларини” ўзгартиришга бўлган мақсад ва интилишларни бадиий образларда ифодалашни ташкил қилади.

Лекин бу мураккаб жараён бўлиб, унинг натижаси жамиятнинг моддий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш имкониятларига, экологик ва эстетик манфаатларини англашга, адекват усул-воситаларни танлашга, айниқса, анъанавий шакланган маданий меросга ворислик ва уни ривожлантиришга боғлиқдир. Шунинг учун таълим-тарбия тизимида табиат муҳофазаси соҳасидаги эстетик ва экологик тарихий меросга ижодий муносабатни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, миллий экоэстетик маданият тарихий меросини умуминсоний маънавий қадриятлар таркибий қисми сифатида асраб-авайлаб, ижодий ривожлантириш ҳамда янги экоэстетик маданият йўналишларини шакллантириш ва ҳаётга жорий этиш ҳозирги давр талабидир.

Миллий экоэстетик тарихий меросни тиклаш ва ривожлантириш мураккаб ижтимоий-психологик вазифа бўлиб, унга онгли, ижодий муносабат шахснинг реал экологик борлиқ моҳиятини англаши ва бадиий образларда ифодалаш усулидир. Шунинг учун бир томондан, умуминсоний экологик мақсад ва манфаатларга мос экоэстетик маданиятга оид муқобил назарий таълимотларни интеграциялаштириш, ифодалаш воситаларни, услубларни мувофиқлаштиришини ҳам; иккинчи томондан, экоэстетик маданиятнинг «инсон-табиат» муносабатлари ижтимоий-маънавий мазмунини очиш “технологиясини” ҳам, тарихий меросни ижодий ривожлантириш усули сифатида қараш керак. Чунки одамларнинг «яқин ўтмишдаги дунёқарашига хос бўлган, инсон – табиат ҳукмдори, деган тасаввур ўрнини инсон ва жамият табиатнинг бир қисми эканлигини, табиатни бўйсиндириш эмас, у билан уйғун муносабатлар ўрнатиш зарурлиги, деярли тўла англанди» [2; 68]. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кун реаллиги экологик фаолиятни эстетикалаштириш ва эстетик онгни экологиялаштиришга мутасадди бўлган барча таълим-тарбия институтларининг мустаҳкам назарий-методологик асосларини, педагогик-дидактик инновацион технологиясини яратишни тақозо этмоқда. Ўз навбатида, бу эҳтиёжлар турли ижтимоий онг шакллари, даражалари ва маданият соҳаларини экологик манфаатлар доирасида интеграциялашуви жараёнлари кучайишига олиб келмоқда.

Бу жараёнларни янада кучайтириш учун, бизнинг назаримизда, бир-бири билан узвий боғлиқ қуйидаги йўналишларни оқилона ташкиллаштириш зарур, яъни: биринчиси – эстетик ва экологик таълим-тарбияга мутасадди ижтимоий институтлар фаолиятларини интеграциялаштиришнинг техник-технологик, ташкилий-ҳуқуқий асосларини, интеллектуал салоҳият потенциалини яратиш; иккинчиси – инсоннинг табиатни ўзгартириш ва ўзлаштиришдан иборат амалий фаолиятини – моддий ишлаб чиқаришнинг техник-технологик асосларини фундаментал экологик назарий билимларга, илғор тажрибаларга кўра оқилона ташкил қилиш маданиятини тарбиялашдан иборат. Шахс экологик онги, маданияти ва табиатга эстетик муносабати ривожланиши жараёнида, миллий омил устуворлиги умуминсоний характер касб этиб, юқорида кўрсатилган тамойилларнинг умумий йўналишларини, қонуниятларини, универсал мезонларини белгиловчи асосга айланди. Чунки ҳозирги даврда дунёда интенсиф кечаётган интеграциялашув, универсаллашув ва глобаллашув жараёнида миллий экоэстетик анъаналар шаклланиши ва трансформацияси умуминсоний экологик маънавий кадриятлар яхлитлигини таъминлайдиган шарт-шароитни яратади. Хусусан, табиатга эстетик муносабатнинг экологиялашиш тенденциясини намён қиладиган бадий образларни яратишдаги миллий усулнинг шаклланишини ва оммавийлашувини – умуминсоний экологик эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган маънавий-маданий тараққиёт натижаси сифатида қараш керак. Айниқса, дунё “сиёсий иқлими” мўътадиллашуви, халқаро экологик муносабатлар ривожланиши жаҳон ҳамжамиятининг миллий экологик маънавий-маданий кадриятлардан фойдаланиши учун имконият яратади. Шу нуқтаи назардан, табиатни, экологик воқеликни бадий-эстетик ифодалаш усул-воситаларини ривожлантиришга доир миллий тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш – янги умуминсоний экоэстетик кадриятлар шаклланишига ва уларнинг глобаллашувига хизмат қилади. Чунки халқаро маънавий-маданий жараёнлар интеграциясида (айниқса, экологик муносабатларни бадий образларда акс эттиришда) миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик диалектикаси яққол намён бўлади. Масалан, ибтидоий одамлар яшаган масканларда топилган археологик тадқиқот натижалари инсониятнинг табиатга эстетик муносабати генезисиди, ретроспектив асосиди умумийлик мавжудлигини кўрсатади. Бу ҳақда профессор И.М.Жабборов “Ўзбек халқи этнографияси” китобида археологик ва этнографик тадқиқотлар Ўзбекистонда энг қадимий даврларда табиатдаги фасл ўзгаришлари билан боғлиқ маросимларда аёл худолар образларига сиғиниш урф-одатлари мавжуд бўлганлигини ва улар минтақадаги бошқа халқларга ҳам хошлигини таъкидлайди [3; 234]. Шунинг учун замонавий илмий билиш соҳаларининг экологиялашув эҳтиёжлари, эстетик таълим тизимига экологик йўналиш бериш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Яъни бу йўналиш – таълим мазмунида экологик онг ва маданиятнинг тарихий меросини синтезлаштириб, унинг трансформацияси имкониятларини ҳам кўрсатиб бериши керак. Шу талабларга кўра, экологик таълим ва тарбиянинг муштарак-муҷассам, узлуксиз тизимини яратиш муаммоси марказиди барча кишиларни, фан ва ишлаб чиқаришни экоэстетик билимлар билан қуроллантириш, экологик амалиётда табиат муҳофазасини бадий образлар ёрдамида амалга ошириш малакаларини ва кўникмаларини шакллантириш масаласи туриши керак. Лекин бу муаммо ечимини фақат таълим-тарбия тизими зиммасига юклаб қўйиш ножоиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кутузов А.В. Роль экологического туризма в формировании новой системы принципов отношения к окружающей среде // Материалы 13-ой международной конференции молодых ученых 26-30 декабря 2002 г. «Человек. Природа. Общество. Актуальные проблемы». – Санкт-Петербург, 2002. – С. 719.
1. Туленова Г. Создать экологически чистую среду // Экономика и статистика, 1998. – № 5. – С. 68.
2. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 234.

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

ИСТЕЪМОЛЧИ ХУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Худойбердиев Д. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири – истеъмолчилик ҳуқуқи, унинг аҳамияти тўғрисида мулоҳаза юритилган. Шунингдек, муаллиф мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва улардан қўзланган мақсадларга эътиборни қаратган.

Таянч сўзлар: *эҳтиёжлар, истеъмолчи, истеъмолчи ҳуқуқи, истеъмол савати, истеъмол жамияти, истеъмол товарлари, хизматлар, ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги.*

ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ПРАВ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ

Аннотация. В данной статье рассматривается одно из важнейших прав человека – право потребителей и его значение. Также автор обратил внимание на проводимые в нашей стране реформы в области защиты прав потребителей и их цели.

Ключевые слова: *потребности, потребитель, права потребителя, потребительская корзина, общество потребления, потребительские товары, услуги, правопорядок.*

IMPORTANT ASPECTS OF CONSUMER RIGHTS

Annotation. This article discusses one of the most important human rights - consumer rights and its significance. The author also drew attention to the reforms being carried out in our country in the field of consumer protection and their goals.

Key words: *needs, consumer, consumer rights, consumer basket, consumer society, consumer goods, services, law and order.*

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятларини билишлари ҳамда унга амал қилишлари демократик жамият талабидир. Юртимизда қонун устуворлигига асосланган демократик жамият қуриш йўли танланган экан шу юртнинг онгли фуқароси сифатида ҳар биримиз энг асосий эркинликларимиз, ҳуқуқларимиз, мажбуриятларимиз нимадан иборатлигини билишимиз ҳамда унга оғишмай амал қилишимиз керак бўлади. Мамлакат фуқароларининг қандай ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига эгаллиги эса Конституция ва қонунларимизда қатъий белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқий давлатларда, хусусан, мамлакатимизда ҳам фуқароларнинг бир қатор сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари мавжуд. Уларга амал қилиш орқали жамиятда барқарорлик таъминланади, ҳеч кимнинг камситилишига, ҳуқуқларининг поймол этилишига йўл қўйилмайди. Инсоннинг энг муҳим ва турмушда энг кўп дуч келадиган ҳуқуқларидан бири – бу унинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларидир. Чунки ҳар бир инсон – истеъмолчи. У деярли ҳар куни қандайдир маҳсулотларни харид қилади, қандайдир иш, хизматларга буюртма беради. Бусиз тирикчилиги ўтмайди. Истеъмол – инсон эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаидир. Эҳтиёжлар системаси мавжуд экан, истеъмол ҳам бўлади. Эҳтиёж турли маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилиш заруриятини туғдиради. Классик ва неоклассик иқтисодий назариялар муаллифлари А. Смит ва П. Самуэльсонларнинг нуқтаи назарига мувофиқ ҳам, истеъмол шахс эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ ҳодисадир¹.

Замонавий жамиятларда истеъмол товарларининг тирикчилик учун зарур энг кам миқдорини – яъни, истеъмол саватини белгилаш қабул қилинган. “Истеъмол савати – муайян вақт (ой, йил)да истеъмол этиладиган маҳсулотлар тури ва тўпламининг оила ёки жон бошига ҳисобланадиган миқдори. Истеъмол саватига киритиладиган маҳсулотлар аввал миқдоран белгиланади, сўнгра пулга чақилиб, қиймати аниқланади. Истеъмол савати миллий хусусиятга эга бўлиб, муайян мамлакатнинг иқтисодий даражаси, истеъмол тарқибини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади”².

¹ Қаранг: Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2017; Самуэльсон П., Нордхаус Д. Экономика. – М.: Вильямс, 2015.

² uz.m.wikipedia.org

Хаттоки, кўпгина маданиятларда, айниқса Ғарб жамиятида бугун истеъмол товарлари ва хизматлари даражаси турмуш фаровонлигини кўрсатувчи мезонга айланди. Яъни, кимнинг имконияти қанчалик кенгайса у кўпроқ, сифатлироқ, қимматроқ товарларни истеъмол қилади, кўпроқ хизматларга буюртма беради. Натижада жамият аъзоларининг моддий имкониятларининг ошиб бориши ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ҳам сон ва сифат жиҳатидан юксалишига туртки беради.

Демакки, ҳар бир инсон ўз эҳтиёжларини қондириши зарур бўлган истеъмолчи ҳисобланади. Ҳуқуқий жиҳатдан олганда, “истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс)”³ дир.

Дарҳақиқат, истеъмол азалдан ижтимоий соҳада шахс эҳтиёжларини қондиришнинг асосий омили, иқтисодий соҳада ишлаб чиқариш, тақсимот ва алмашинувдан сўнг тўртинчи ўринда турадиган феномен ҳисобланган. Албатта, давр ўтиши билан у мазмунан ва моҳиятан ўзгариб борган бўлса-да, унинг шахс турмушидаги аҳамияти заррача бўлса-да, пасайгани йўқ. Аксинча, замонлар ўтиши билан истеъмол ва истеъмолчилик билан боғлиқ янги ва янги хосса ҳамда хусусиятлар юзага келди. Шу боисдан истеъмол ва истеъмолчилик ҳулқининг, маданиятининг ва ҳуқуқининг мазмуни, унинг ўзига хос хусусиятлари, шаклланиши қонуниятлари турли мутахассислар томонидан тадқиқ қилинди ҳамда турли мамлакатларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ҳар йили 15 март санасида бутун дунёда “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни кенг нишонланади. Мазкур сана жаҳоннинг 130 дан зиёд давлатида 1983 йилдан бери у ёки бу шаклда байрам қилинади. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам бир неча йиллардан бери сана билан боғлиқ турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бу кун дастлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1983 йил таъсис этилган бўлиб, 1985 йил 9 апрель куни БМТ Бош Ассамблеяси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларини қонунан мустаҳкамлаб қўйган.

Айтиш жоизки, Бутунжаҳон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунининг тарихий илдизи АҚШ президенти Жон Кеннедининг 1962 йил 15 март куни мамлакат Конгрессида сўзлаган нутқида бориб тақалади. Ўша куни Жон Кеннеди дунёда илк мартаба “истеъмолчи ҳуқуқлари” иборасини юксак даражада қўллаган эди. Унинг нутқида истеъмолчиларнинг тўртта устувор ҳуқуқлари кўрсатиб берилган. Булар:

- ахборот олиш ҳуқуқи;
- хавфсизлик ҳуқуқи;
- танлов ҳуқуқи;
- эшитилиш ҳуқуқи.

Кейинчалик бу устувор ҳуқуқлар дунёнинг аксарият давлатлари, хусусан, мамлакатимизда ҳам истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик асосини ташкил қилди.

1960 йили дунёда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бел боғлаган нодавлат ташкилот – Халқаро истеъмолчилар уюшмаси (Consumers international) тузилган. Олтмиш йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият кўрсатаётган бу ташкилотга бутун дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатларидаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 200 дан ортиқ жамоат ва давлат тузилмалари аъзо ҳисобланади. Уюшма тамойиллари қуйидагилардан иборатдир:

- ахборот олиш ҳуқуқи;
- хавфсизлик ҳуқуқи;
- танлов ҳуқуқи;
- эшитилиш ҳуқуқи;
- зарарларнинг қопланиши ҳуқуқи;
- соғлом атроф табиий муҳитга эгаллик ҳуқуқи;

³ Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасидан. LexUZ.

- истеъмолчилик маданияти ҳуқуқи;
- бирламчи эҳтиёжларни қондириш ҳуқуқи.

Мазкур уюшма истеъмолчилар ҳуқуқларини ЮНЕСКО ва БМТ даражасида ҳимоя қилади, фуқароларга истеъмолчилик соҳаси бўйича таълим беради ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам иқтисодий фаолиятда давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиши кафолатланган. Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва уни тартибга солишга доир 1996 йилнинг 26 апрелида Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Қонун истеъмолчилар ва тадбиркорлар ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, истеъмолчиларни тегишли сифатдаги товарлар, хизматларни сотиб олиши билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳаётга ва соғлиққа ҳавф солмаслик, товарлар, хизматлар тўғрисида, уларни ишлаб чиқарувчилар, тайёрловчилар тўғрисида ахборот олиш, ўз манфаатларини давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилиниши ҳамда ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш механизмларини белгилаб беради. Шунингдек, мазкур қонунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, судлар томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, мазкур қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ташкил этилган бўлиб, бу кенг жамоатчиликнинг истеъмолчи сифатида ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг самарали иш олиб бораётган тизимдир. Шу боис, мазкур Федерация ва унинг жойлардаги бирлашма ва жамиятлари халқ ишончи ва эътирофига сазовор бўлаётганлигини қайд этиш лозим.

Замон ривожланган сари янги иш, хизмат ва товарларнинг янги турлари пайдо бўлиши билан истеъмолчиларнинг турли соҳаларда ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва қонунчиликни мос равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу асосда, миллий қонунчилигимиз халққа хизмат қиладиган ҳолда йилдан йилга мукамаллаштирилиб борилмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги “истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги тузилди.

Мазкур фармон билан истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни олиш имкониятларини таъминлаш, аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш кабилар энг принципиал вазифалар этиб белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, истеъмол ўз ҳаётининг ажралмас қисми экан, онгли мавжудот сифатида инсон уни оқилона тартибга солиши керак. Ҳуқуқий демократик жамиятларда яшовчи фуқаролар эса истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаши, унинг бузилишига йўл қўймаслиги аввало ўз ҳаёти, соғлиғи учун, қолаверса, жамиятда қонун устуворлигининг таъминланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2017.
2. Самуэльсон П., Нордхаус Д. Экономика. – М.: Вильяме, 2015.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси.

Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган

INTELLEKTUAL FENOMEN SIFATIDA BAHS-MUNOZARANING RIVOJLANISH DIAKRONIKASI

Turabova S.K. (Termiz iqtisodiyot va servis universiteti)

Annotatsiya. Bahs-munozara rivojlanayotgan intellektual fenomen sifatida o'zining vujudga kelish, shakllanish va o'zgarish bosqichlarini bosib kelmoqda. Shunga muvofiq u tadrijiy va inqilobiy yangilanish jarayonlarini o'z boshidan kechirdi. Tabiiyki, bahs mohiyatini tadqiq etish uning diaxronikasini, ya'ni tadqiqot manbai sifatidagi tarixiy taraqqiyotini tahlil etishni taqozo etadi. Chunki, bahs yuritish madaniyatining ko'p qirrali muammolarini diaxroniya yondashuvlari asosida tadqiq qilish muhim evristik natijalarni qo'lga kiritish imkoniyatini beradi.

Tayanch so'zlar: *bahs-munozara, eristika, haqiqat, bahs san'ati, muloqot, mantiq, dialektika, ijtimoiy-tarixiy sharoitlar, qadimgi Sharq, qadimgi Hindiston, qadimgi Xitoy.*

ДИАХРОНИКА РАЗВИТИЯ ДИСКУССИИ КАК ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЙ ФЕНОМЕН

Аннотация. Как развивающееся интеллектуальное явление, феномен дискуссия проходит стадии возникновения, формирования и изменения. Соответственно, дискуссия прошла эволюционные и революционные процессы обновления. Естественно, исследование сути дискуссии требует анализа её диахронии, то есть её исторического развития как источника исследования. Потому, что исследование многогранных проблем культуры спора на основе диахронических подходов даёт возможность получить важные эвристические результаты.

Ключевые слова: *спор, эристика, истина, искусство спора, диалог, логика, диалектика, социально-исторические условия, древний Восток, древняя Индия, древний Китай.*

DIACHRONICS OF DISCUSSION DEVELOPMENT AS AN INTELLECTUAL PHENOMENON

Annotation. As a developing intellectual phenomenon, the phenomenon of discussion goes through the stages of emergence, formation and change. Accordingly, the discussion has gone through evolutionary and revolutionary processes of renewal. Naturally, studying the essence of the discussion requires an analysis of its diachrony, that is, its historical development as a source of research. Because the study of multifaceted problems of maintaining a culture of dispute based on diachronic approaches makes it possible to obtain important heuristic results.

Keywords: *dispute, eristics, truth, the art of argument, dialogue, logic, dialectics, socio-historical conditions, ancient East, ancient India, ancient China.*

Ma'lumki, bahs – bu tafakkur jangidir. Shuning uchun qadimdanoq har qanday hodisa zaminida qarama-qarshi asoslarning mavjudligi nazarda tutilgan holatda bilish tabiati ham qarama-qarshilik va dialoglikdan iboratdir, deb hisoblangan. Bahs yuritish san'ati Qadimgi dunyoda muayyan ijtimoiy-tarixiy sharoit taqozosi ostida shakllangan bo'lib, u keyinchalik "eristika" nomi bilan ataladigan maxsus ta'limot uchun asos bo'lib xizmat qildi. "Eristika" (qad.yunon. yeridzo-bahslashaman, eristike techne – bahslashish san'ati) tushunchasi "bahs yuritish san'ati" [14: 9.] degan ma'noni anglatib, bu san'at turi yunonlar tomonidan e'tirof etilgan bahs va tortishuvlarni keltirib chiqaruvchi Erida, Eris ma'budasi nomi bilan atalgan

Avvaliga "eristika" bahs-munozara yo'li bilan haqiqatni topish vositasi sifatida paydo bo'ldi; ko'p o'tmay dialektika va sofistika bo'linib ketdi. Dialektikani Suqrot o'z metodida rivojlantirdi. Sofistika esa munozarada muxolif ustidan faqat g'alaba qozonishga intilib, eristikani shunday usullar yig'indisidan iborat qilib qo'ydi, bu usullar yordami bilan har qanday fikrni bab-baravariga isbot qilish ham, rad qilish ham mumkin edi. Shu sababli, "Aristotelning o'zi ham eristika bilan sofistika farq qilolmay qolgan edi" [3; 464.]. Biroq bugungi kunga kelib eristika atamaning ma'nosi biroz o'zgargan bo'lib, masalan A.P. Skovorodnikovning tavsifiga ko'ra eristika deyilganda "muloqot jarayonining murakkab usullaridan biri bo'lgan bahs-munozaraning turli tavsiflarini (axloqiy, ritorik, mantiqiy, pedagogik, semiotik, psixologik va hokazo) o'rganishga qaratilgan tadqiqotlar yo'nalishi" [12; 792.] tushuniladi.

Eristikani "bahs orqali haqiqatni izlab topish usuli sifatida paydo bo'lishi notiqlik san'atining dialektika va sofistika bo'linishidan oldin sodir bo'lgan" [N.V.Blajevich, N.V., A.P. Selivanov.] degan qarashlar bir qancha olimlarda mavjud. Xususan, I. Tamrazovanning fikriga ko'ra "Eristika dastlab dialektikaga notiqlik strategiyasi sifatida *ad absurdum* metodi ya'ni,

“qarama-qarshilikning o‘zini chuqurlashtirish orqali uni bartaraf etish usuli sifatida tegishli bo‘lgan” [13; 113.] degan fikri o‘rinlidir. Dastlab, eristika shubhasiz, o‘z ma‘nosiga muvofiq konstruktiv bahs orqali haqiqatni izlab topish misolidagi evristik imkoniyatlarni aks ettirgan bo‘lsa, keyinchalik dialektikadan uzoqlashib ketdi (F. Gegel va boshqalar).

Shunday qilib, eristikaning tadqiqot obyekti bahs–munozara hisoblanadi. Bahs–munozara haqida gap ketganda uning tarixiy ildizlari juda uzoqqa borib taqalishini ta’kidlab o‘tish lozim. Bahs nazariyasi va amaliyoti juda qadimiy an‘analarga va qiziqarli tarixga ega. Hatto qadimgi mutafakkirlar ham kishilik muloqotida bahs–munozaraning o‘rni va roliga alohida e‘tibor qaratishgan. Ular bahs–munozaralarning turli xil usullarini o‘rganish, ularni yuritishdagi asosiy qoidalarni belgilash, bunda uchraydigan xato va hiyla - nayranglarni aniqlashga harakat qilishgan.

Xususan, haqiqatni bahs-munozaralar va ommaviy muhokamalar yordamida izlab topish Qadimgi Hindiston, Xitoy va Gretsiya sivilizatsiyalarini xarakterlaydigan xususiyatlardan biri va shu bilan birga o‘sha davr hayotining ijtimoiy-siyosiy talab-ehtiyojlaridan kelib chiqqan hodisa hisoblanadi. Bu xalq saylovlari va sudlardagi chiqishlar (Gretsiya), hokimiyatni qo‘llab-quvvatlash maqsadida ibodatxonalar va maktablar o‘rtasidagi kurashlar (Hindiston, Xitoy) bilan ham asoslanadi.

Bahs-munozaraga oid ayrim falsafiy g‘oyalarni Qadimgi Misr va Qadimgi Bobilning adabiy yodgorliklarida ham topish mumkin. Masalan, o‘sha davr Misr yozma manbalaridagi “oxiratning mavjudligiga shubha ko‘rinishida ifodalangan diniy hurfikrlilikning bizgacha yetib kelgan eng qadimgi yodgorligi bo‘lgan “Arfist qo‘shig‘i”, “Hayotidan hafsalasi pir bo‘lgan kishining o‘z joni bilan suhbat(bahsi)”, “Xo‘jayinning o‘z quli bilan hayotining mazmuni haqida suhbat”ga oid bo‘lgan fragmentlar bunga yaqqol misol bo‘la oladi. Shuningdek, ajdodlarimizning eng qadimiy ma‘naviy yodgorliklaridan biri, “Hayot yo‘riqnomasi” deb nom olgan “Avesto” kitobida ham “qarama-qarshiliklar, tartib va tartibsizliklar o‘rtasidagi o‘zaro kurash aks etgan g‘oyalarni uchratish mumkin” [2; 217]. Unda yorug‘lik va zulmat, ezgulik va qabohat kuchlari o‘rtasidagi bahs va kurash masalalari yorqin ko‘rsatib berilgan. Ammo bu falsafiy qarashlar Qadimgi dunyo ilmi va tafakkurining keyingi taraqqiyotiga ta’sir ko‘rsatgan bo‘lsa, ham tarixiy sabablarga ko‘ra, yaxlit falsafiy maktablar tashkil etish, ularda bahs yuritish muammolarini maxsus tekshirish obyekti sifatida alohida muhokama etish darajasiga ko‘tarila olmagan.

Ommaviy va falsafiy bahs-munozaralar Qadimgi Hindistonning ijtimoiy hayotida keng tarqalgan edi. Qadimgi Hindistonda bahs shartlari ba‘zan bahslashayotgan tomonlar uchun juda shafqatsiz bo‘lgan va ko‘plab manfaatdor shaxslarni o‘ziga jalb qilib kelgan. Mashhur sharqshunos olim, buddizm tadqiqotchisi V.P.Vasilyev Qadimgi Hindistondagi bahs-munozaralar haqida shunday fikrni bildiradi: “Qadimgi Hindistonda jamiyat va hokimiyatning yagona bir g‘oya yoki dinga doimiy birikib, qotib qolish holatini unchalik ko‘p kuzatilmaydi. Ular uchun ruhoniylari o‘z g‘oyasining ustuvorligini ko‘rsata olgan va isbotlay olgan dinlargina ustunlikka ega bo‘lgan va e’tirof etilgan” [5; 67.]. Ya’ni, agar kimdir kelib hozirga qadar noma’lum bo‘lgan g‘oyalarni targ‘ib etsa, u ta’qib ostiga olinmagan. Aksincha, targ‘ibotchi barcha e’tirozlarga qanoatli javob bera olib, eski g‘oyalarni rad eta olsa, uning g‘oyasini tan olishga tayyor bo‘lishgan. Bunday holatlarda maxsus raqobat maydonlari barpo etilib, hakamlar belgilab olingan va bahs doimiy ravishda shohlar, zodagonlar va omma guvohligida aniq belgilab qo‘yilgan talablar bo‘yicha o‘tkazilgan.

Keyinchalik bahslar faqat shaxslararo suhbatlar bilan chegaralanmaganligining ham guvohi bo‘lamiz. Masalan, butun boshli maktab va ibodatxonalar uzoq muddatli faoliyatiga qaramay, mabodo, qo‘qqisdan bahsda mag‘lubiyatga uchragudek bo‘lib qolsa, oqibatda maktab yoki ibodatxona sifatida tugatilishi ham mumkin edi. Chunki maktab-ibodatxonalarning mavjud bo‘lishi va gullab-yashnashi shu disputlarga bog‘liq bo‘lgan. Zero, Hindistonda notiqlik va mantiqiy isbotlash huquqi shu darajada rad etib bo‘lmas holat ediki, hech kimning o‘zini bahsga chaqirilishidan chetga tortishiga haqqi yo‘q edi.

Qadimgi Hind bahsining e‘tiborli jihati yana shunda ediki, bu yerda falsafiy matnlar diniy matnlardan farqlanib, ular sof mantiqiy tamoyillarga asoslangan holda tuzilar edi. Hindshunos olim V.G. Lisenkoning e’tirof etishicha “qoidaga ko‘ra. avval tezis ilgari surilib, keyin shunga muvofiq opponent o‘z nuqtayi nazarini (purvapaksha) ifodalaydi. Undan so‘ng, inkor bayon etilib, bahs yakunida esa tezisni tasdiqlaydigan xulosa (sidxanta) beriladi” [8; 14].

A.Makovelskiyning qayd etishicha, Qadimgi Hind bahsining ijobiy an'analari sifatida: "raqibning g'oyalariga jiddiy va mushohadali munosabatda bo'lish, raqibni rad qilishdan avval uning nuqtayi nazarining mohiyatini yaxshi va to'g'ri tushunib olishga harakat qilish" [9;14] kabi jihatlarni ko'rsatib o'tish mumkin. A.Makovelskiyning ta'kidlashicha Qadimgi Hindistonda bahs-munozaraning natijasiga va unda ko'zda tutilgan maqsadga ham alohida e'tibor qaratilgan.

Rossiyalik hindshunos olimi S.YE.Kryuchkova [7;282] an'anaviy disputlarda buddaviylik maktablari vakillari (ular jami 30 ga yaqin bo'lgan) juda xavfli raqib hisoblanishganligi, chunki ular Nyaya maktabining mantiqiy metodlaridan samarali foydalana olganligini alohida e'tirof etadi. Ma'lumki, "Nyaya maktabining o'zi, bahs-munozaralar o'tkazishning usul va uslublarini umumlashtirish jarayonida vujudga kelgan" [6; 39.]jeng qadimgi falsafiy maktab hisoblanadi.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, Qadimgi Hind falsafiy tafakkurida Sharq xalqlariga xos an'anaviylik mavjud bo'lgan bo'lsa-da, biroq dogmatik qotib qolish uncha ko'p kuzatilmaydi. Shu sababli, hatto muqaddas manbalarga nisbatan bo'lgan munosabatda ham yakdillik kuzatilmaydi, ya'ni ba'zi maktablar Vedaning muqaddasligini tan olishgan bo'lsa, ba'zilari esa tan olishmagan. Eng muhimi ularning ko'pchiligi o'zlarining munosabatlarini ratsional argumentlar bilan asoslashga harakat qilishgan.

Qadimgi Xitoy madaniyatida ham bahs yuritish bilan bog'liq juda ko'plab masalalar o'rganilganligini kuzatish mumkin. Ayniqsa, bahs yuritish shart-sharoitlari, usullari, psixologik jihatlari yaxshi tadqiq etishgan. Xususan, Qadimgi Xitoy faylasufi Mo-Szi (Mo Di) (m.a. 480–400) qarashlari uning shogirdlari tomonidan to'plangan «Mo-byan» (Mo-szining mulohazalari) kitobida jamlangan bo'lib, ushbu asarda bahs-munozarali masalalar bo'yicha fikrlar almashinishga doir tavsiyalar yozilganligini kuzatish mumkin. Bu maktab vakillarining fikricha, "bir predmet yuzasidan turli xil fikrlar o'rtasida qarama-qarshilik yuzaga kelgandagina bahs hosil bo'ladi. Agar bahs predmeti turlicha bo'lsa, unda bahs olib borish va biror bir xulosaga kelish mumkin bo'lmaydi. Bahs chin nuqtayi nazarni himoya qilib chiqqan kishining g'alabasi bilan tugaydi. Bahs faqat bir holatda cheksiz bo'lishi mumkin: agar undagi har ikkala mulohaza ham chin bo'lmaydigan bo'lsa" [Bikov F., Yan Xinchun.1962, 80]. "Mo-byan"da tezis va mulohazani isbotlash, xulosa chiqarish, analogiya, bahs-munozaralar olib borish qoidalari masalalariga jiddiy e'tibor berilgan. Traktatda ko'rsatilishicha, haqqoniy bilimning uch xil manbai bor bo'lib, bular: 1) "sinsji" (bevosita bilim), u har bir odamning individual tajribasini qamrab olgan; 2) "venchji"(eshitilgan bilim) bevosita boshqa odamlardan olingan bilim; 3) "shochju" (aqliy bilim), – tushunchalar, hukmlar va xulosalarda ifodalanadi" [10, 175]. Ta'kidlash kerakki, Qadimgi Xitoy mantig'i turli xil siyosiy doktrinalar va ma'naviy–axloqiy konsepsiyalarning kuchli bosimi ta'siri ostida mavjud bulib kelgan. Natijada Qadimgi Xitoydagi mantiqiy konsepsiyalar Qadimgi Gretsiyadagiga qaraganda ancha ertaroq shakllangan bo'lsa-da, biroq ilk Sin davridan so'ng bu taraqqiyot so'nib qolganligini qayd etib o'tish lozim. Buni Sin davrining ilk va so'nggi bosqichiga qadar rasman faqat konfutsiylik ta'limoti tan olinib Qadimgi Xitoydagi "yuzta maktab"ning boshqa barcha vakillari esa asossiz ravishda rad etilib kelinganligi bilan asoslash mumkin.

Bahs-munozara qarama-qarshi fikrlarni isbotlashning maxsus shakli, shuningdek, masalaning to'g'ri yechimini izlashning maqbul usuli sifatida insoniyat tarixining eng qadimgi davrlaridayoq muayyan ijtimoiy va siyosiy vaziyat ta'siri ostida yuzaga kela boshlagan. Bahs-munozaralar taraqqiyotining muhim sababi qadimdan mutafakkirlarning tabiiy va ijtimoiy jarayonlarning ichki dialektik xususiyatini yaxshi anglab yeta boshlaganligida edi. Shu tarzda, bir tomondan, ijtimoiy-siyosiy hayotning amaliy talab-ehtiyojlari, ikkinchi tomondan esa, obyektiv moddiy jarayonlar va hodisalarning tushunchalar mantig'ida aks etishi va buning natijasida tabiat va jamiyat hodisalariga oid turli qarashlarning vujudga kelishi, bir pozitsiyani isbotlash va boshqasini rad etish qobiliyati sifatida *dialektikaning* paydo bo'lishiga sabab bo'ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ergasheva M. "Avesto"da tartib va tartibsizlik o'rtasidagi kurash g'oyasi // Imom al-Buxoriy saboqlari. 2012, 3-son. – B. 217.
2. Falsafa: qomusiy lug'at. – Toshkent: "O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati", 2004. – B. 464.
3. Блажевич, Н.В., Селиванов Ф.А. Эристика / Н.В. Блажевич, Ф.А. Селиванов. Курс лекций. – Тюмень: Тюменский юридический институт МВД РФ, 1999. – 224 с.

4. Васильев В. П. Буддизм, его догматы, история и литература. – С. Пб.: Рипол Классик, 1857, Ч. – С. 67.
5. Крючкова С.Е. Институт Древнеиндийского диспута: нормативный аспект // Вестник университета (Московский государственный университет управления). – № 11. М. 2014. – С. 282.
6. Крючкова С.Е., Храпов С.А. — Аргументативный дискурс в коммуникативном пространстве современной культуры: проблемы теории // Философская мысль, 2017. – № 6. – С. 36 – 50
7. Лысенко В.Г. Как я понимаю индийскую философию // Философский журнал. – 2010. – № 1. – С. 5-17.
8. Маковельский А. О. История логики. – М.: Кучково поле, 2004. – С. 5-30.
9. Пан Шимо. Логика Древнего Китая // Философские науки, 1991. – №11. – С. 174-178
10. Синило Г. История мировой литературы. Древний Ближний Восток. – Минск: Вышэйшая школа, 2017. – С. 44
11. Сковородников, А.П. Эффективное речевое общение (базовые компетенции): словарь-справочник / А.П. Сковородников. – Красноярск, 2014. – С. 792.
12. Тамразова И. Эристика как когнитивно-семиотическая модель девиантной дискурсивной риторики. дис. доктор наук. «Адыгейский государственный университет», 2021. – С. 113.

Nashrga prof. S.Choriyev tavsiya etgan

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРИ ВА МАФҚУРАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тешаев Н.Н. (БухДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада “жамият ривожининг маънавий омиллари” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва унинг хусусиятлари, гнезиси ҳамда мезонлари узбек халқининг тафаккури ва маънавий ҳаёт тарзига асосланиб ҳар томонлама таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *жамият ривожу, маънавий омил, мафқуравий тамойил, манавий олам, маънавий борлиқ, маънавий ҳаёт, маънавият, фуқаролик жамияти, фуқаро маънавияти.*

ОСОБЕННОСТИ ДУХОВНЫХ ФАКТОРОВ И ИДЕОЛОГИЧЕСКИХ ПРИНЦИПОВ РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация. В данной статье всесторонне анализируется социально-философская сущность понятия «духовные факторы развития общества», его характеристики, генезис и критерии, исходя из мышления и духовного образа жизни узбекского народа.

Ключевые слова: *общественное развитие, духовный фактор, идеологический принцип, духовный мир, духовное бытие, духовная жизнь, духовность, гражданское общество, гражданская духовность.*

CHARACTERISTICS OF DEVELOPMENT OF SPIRITUAL FACTORS AND IDEOLOGICAL PRINCIPLES OF CIVIL SOCIETY DEVELOPMENT

Annotation. In this article, the socio-philosophical essence of the concept of "spiritual factors of the development of society" and its characteristics, genesis and criteria based on the thinking and spiritual way of life of the Uzbek people are comprehensively analyzed.

Key words: *social development, spiritual factor, ideological principle, spiritual world, spiritual existence, spiritual life, spirituality, civil society, citizen spirituality.*

Ҳозирги кунга келиб, маънавият соҳасидаги парадигмалар ҳам, глобал ва виртуал маънавий кадриятлар ҳақидаги тасаввурлар ҳам ниҳоятда тез ўзгариб ва янгиланиб бормоқда. Шунинг учун, «Жамият ривожининг маънавий омиллари» тушунчасини асл ижтимоий-фалсафий маъноси ва унинг мазмун-моҳиятига доир хусусиятлар ва мезонларни аниқлаштириб олиш зарур.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун биз дастлаб «Жамият ривожининг маънавий омиллари» тушунчасининг мазмун-моҳияти ва бу ҳақда мавжуд бўлган ҳамда ҳозирда ҳам ўз таъсирини йўқотмаган масала ва муаммоларини ўрганишимиз лозим, албатта.

Илк бор «маънавий олам» ёки «маънавий ҳаёт» ҳақидаги фикрлар ва бу тўғрисидаги тушунчалар афсонавий дунёқарашга хос мулоҳазалар тарзида тақдим этилган. Антик мифология ва илк фалсафий назариялар уни оламнинг генетик ибтидосига олиб бориб тақайди. Масалан, мифология жамиятнинг маънавий омилларини дастлаб пайдо бўлган қоронғу тубсизлик, «бениҳоя бўшлик» сифатида тушуниладиган Хаос (бетартиблик), деган ғояга асосланган. Асрлар давомида мутафаккирлар томонидан “Жамият ривожининг маънавий омиллари” тушунчаси мавҳум муаммо тарзида ҳал қилиб келинган. XVII асрга келиб физикада «бўш олам» тушунчаси пайдо бўлди ва «физик олам» масаласи кўндаланг бўлди. Таниқли немис файласуфи Мартин Хайдеггер «Жамият ривожининг маънавий омиллари фақатгина субъектив жиҳатлардан иборат эмаслигига эътибор қаратади».¹ Яъни унингча, маънавий оламнинг ўзи жамият ривожининг маънавий омилларидир. Бу фикр реал воқеликда фақат реал жисмлар жамият ривожининг маънавий омиллари шаклига эга эканлигидан келиб чиқади.

Бу жиҳатдан, юртимизда қадимда шаклланган мифологик ғоялар халқ оғзаки ижодига таянгани, тилдан-тилга ўтиб келаётган ушбу бой мерос жамият ҳақидаги қарашларнинг илк фалсафий тафаккур сарчашмаси бўлгани шубҳасиз. Унда фуқаролик жамиятига хос тушунчалар, Она Ватанга муҳаббат, инсон қадри, умр мазмуни, дўстлик ва оқибат, адолат ва оқиллик, ақл-заковат ва саъй-ҳаракат билан бахт-саодатга эришиш мумкинлигига қатъий ишонч туйғулари ёрқин намоён бўлади.

Бу эса халқ дунёқарашини ва тафаккур тарзининг ривожига хизмат қилгани ҳам шубҳасиздир. Масалан, “Алпомиш” ёки “Тўрўғли” туркумидаги дostonлар адолатпарвар жамият, одил подшолар, фаровон ҳаёт тўғрисидаги эртак ва маталларда ҳам юқорида қайд қилинган бир ёкламаликлар, бирор синф, партия ёки диний ёндашувларнинг устуворлигини кўрмаймиз. Тўғри бу ижтимоий субъектларга мансуб мафкурачиларнинг қарийб барчаси халқ оғзаки ижодидан фойдаланишга, ҳатто баъзи ҳолларда ўз ғоя ва таълимотларини унинг қиёфасида гавдалантиришга, назария ва қарашларининг асоси ана шу манбалар билан боғланганини исботлашга ҳаракат қилишган.

Айнан шундай қарашлар устувор бўлган даврларда фуқаролик жамиятига хос ғоялар таназулга учраган ёки ҳаётий жараёнлардан четлаштирилган, халқ тафаккури ва дунёқарашига бегона ва ёт фикрларни сингдириш, уни маънавийтидан, асл тарихидан жудо қилишга қаратилган ҳаракатлар кучайган. Худди шундай, халқ оғзаки ижоди, адабиёти, санъатига эътибор камайган, унинг мазмун-моҳияти сийқалаштирилган, кимлар учундир керакли жиҳатлари фойдали деб қаралган, қолгани эса йўқотилган ёки унутилишга маҳкум қилинган. Оқибатда халқ оғзаки ижодининг қанчадан қанча юксак намуналари йўқ қилинган, ёки уларнинг мазмун-моҳияти ўзгартирилиши натижасида миллий қадрият сифатидаги қадри ва аҳамиятини йўқотган. Давр ўтиши билан баъзилари яна ўз қаддини тиклаган, миллий дунёқараш ва тафаккур хазинасига қайтган, бошқалари эса унутилган ва бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Ўтган минг йилликнинг бошларида ана шундай қайта тикланган атиқалардан бири “Алпомиш” халқимиз орасида жуда кенг тарқалган ва асрлар давомида бахшилар томонидан куйлаб келинган қаҳрамонлик дostonларидан бири, адолатпарвар жамият ва одил ҳукмдорлар ҳақидаги орзуларни жамлаган йирик эпик асардир. Дoston ўзбек халқи тафаккури, ижодий даҳоси ва фалсафасининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги бўлиб, унда қаҳрамонлик, мардлик, она Ватанга муҳаббат, эл-юрт ҳамжиҳатлиги ва фаровонлиги ғоялари тараннум этилган. Халқнинг миллий ифтихорига айланган бу муҳташам эпос асрлар давомида ҳар бир кишига жуда катта маънавий қувват бахш этиб келмоқда.

“Алпомиш”нинг қиёсий-типологик табиати, шаклланиш тарихи ва манбаларини ўрганиш асосида унга асос бўлган ғоялар генезисини қадимги халқларнинг “Авесто”, “Илиада” ва “Одессей”, “Веда” ва “Упанишад”, “Ўн китоб” ва “Ўзгаришлар китоби” кабилар дунёга келган даврлардан бошланганини тахмин қилиш мумкин.

1 Хайдеггер М. Бытие и время / Пер. с нем. В.В. Бибихина – М.: AdMarginem, 1997. – 258 с.

Ўзбек халқининг қаҳрамонона тарихи, эл-юрт осойишталиги ва эл кўрғонини муқаддас деб билган орийтли йигитларнинг мардлиги тасвирланган “Алпомиш” достони Марказий Осиё халқларининг адолатли жамияти ҳақидаги ғоя ва қарашлари тараққиётига бекиёс таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам бу дoston юзага келишига асос бўлган архаик сюжетни аниқлаш, унинг халқ бахшилари репертуаридаги бадиий эволюцияси босқичларини ёритиш ва бошқа халқлар эпик ижодиётига таъсирини тадқиқ этиш долзарб масалалар сирасига киради.

Маълумки, инсоннинг маънавий қадриятлар, бурч ва масъулият, инсоф, адолат, меҳр-оқибат, виждон, ҳалоллик ва поклик, мардлик ва матонат ҳақидаги қарашлари ва шу асосда шаклланган фазилатлари, ўйлаш, фикрлаш, хулоса чиқариш қобилияти бошқа биологик мавжудотлар учун хос эмас. Бинобарин, маънавият инсонга хос эзгу хусусият ва фазилатлар мажмуасидир. Айни пайтда, бизнингча, ҳар бир инсон, шахс фақат ижтимоий муносабатлар эмас, айни вақтда маънавий қадриятлар ифодаси ҳамдир.

Шу маънода, “Жамият ривожининг маънавий омиллари” тушунчаси шахс, миллат ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий муносабатлари, алоқа ва мулоқотлари мажмуасини ўзида мужассам этиб, ижтимоий ҳаётнинг муҳим кўринишини ифода этади.¹ Ушбу тушунча таркибидаги «маънавият» сўзи эса инсон, халқ ва жамият ривожининг моддий шакл ва мазмунга эга бўлмаган омиллари, қадриятлари ва фаолиятини ифода этади, одамзотнинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятини англатади.

Бу нуқтаи назардан, «Маънавий омиллар» тушунчаси «маънавият» тушунчасидан ўсиб чиққан бўлиб, унинг социал моҳияти ва аҳамиятини янада оширади. «Маънавият» тушунчасига берилган кўплаб таърифлар ҳам мавжуд бўлиб, у билан боғлиқ жиҳатлар Ўзбекистонда мустақилликдан кейин кўпроқ тадқиқ этила бошлади. Бу борада Ислom Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобида «Маънавият» тушунчасининг шу пайтга қадар қисман тадқиқ этилган баъзи илмий-назарий, амалий-методик масалаларига кенг кўламда ёндашилиб, уларга илмий таърифлар берилди. «Маънавиятшунослик» фанига асос бўладиган илмий категориялар тизими – билим, тушунча ва тасаввурлар тизими яратилди.

Асар муаллифи «Маънавият» тушунчасини изоҳлар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «Инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутди. Шу фикрни мантикий давом эттириб, маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўлаемиз».²

Албатта, бу таърифда инсонга, «маънавият» тушунчасига ҳам тарихий-фалсафий, ҳам илмий-диалектик қараш мавжуд. Айни пайтда бу ўринда маънавият инсоннинг барча қарашларининг мезони сифатида уларни шакллантириб, яхлит ҳодиса сифатида юзага чиқарадиган ижтимоий ҳодиса эканига урғу бераётган социологик таҳлил, ёндашув кучли экани сезилиб турибди. Чуқурроқ қарайдиган бўлсак, инсоннинг руҳан покланиши, қалбан улғайиши, одамнинг ички дунёси, иродаси бақувват, иймон-эътиқоди бутун бўлиб бориши, виждони уйғониши – буларнинг барчаси унинг ички оламидаги маънавий-руҳий жараён. Бу жараённи ҳаракатга келтирувчи, такомилга етказувчи куч эса маънавиятдир. Яъни, маънавият ана шу жараёнларнинг барчаси учун шакл, инсон, ҳаёт ва дунёга нисбатан эса мазмун вазифасини бажаради. Маънавиятнинг ноёб, феноменлик хусусияти шундан иборат.

Таъкидлаш жоизки, маънавиятшунослик фани учун ҳамма замонларда ҳам инсон, аҳоли қатламлари, аниқ ижтимоий гуруҳларнинг Жамият ривожининг умумий ривожига, даврнинг аниқ воқеа-ҳодисаларига муносабати, уларни қандай қабул қиладигани муҳим. Шу асосда жамият тараққиёти, ундаги муносабатлар, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳолатлар ўрганилади, таҳлил этилади. Биз ёритаётган Жамият ривожининг маънавий

1 Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б. 333.

2 Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008. – Б. 19-20.

омиллари масаласи ҳам замонавий ижтимоий-маънавий билимларнинг муҳим тадқиқот йуналиши ҳисобланади. Бу мавзунинг Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ масалалари Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов асарларида ҳар томонлама кенг ёритилган. Бу масала мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқ ва маърузаларида ҳам устувор вазифалардан бири сифатида тилга олинмоқда. «Бизнинг энг катта бойлигимиз - бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир»¹, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқида.

Бу борадаги замонавий манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, «Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғатида»ги қуйидаги таърифни келтириш мумкин: «Маънавият (араб. маъно, маънолар мажмуаси) – моддий ҳаёт билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият омилларининг ажралмас қисми бўлган ижтимоий ҳодиса»².

Албатта, бу таъриф жуда умумий бўлиб, унда маънавиятни моддий ҳаёт қадриятларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари тўлиқ акс этмаган.

Таникли маънавиятшунос олим Абдурахим Эркаевнинг «Ўзбекистон йўли», «Маънавият – миллат нишони», «Маънавиятшунослик»³ каби китобларида, шунингдек, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти олимлари томонидан яратилган «Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати»⁴да «Маънавият» тушунчасининг тарихий ва замонавий аспекти, мустақил Ўзбекистонда маънавий тикланиш жараёнларининг босқичлари кенг таҳлил этилган. Фалсафа фанлари доктори Ф. Мусаевнинг «Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари»⁵ монографияси ва шу мавзудаги докторлик ишида мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-мафкуравий ислоҳотларга ҳуқуқий мезон ва категориялар асосида баҳо берилди.

Абдурахим Эркаев «маънавият» тушунчасига бундай таъриф беради: «Маънавият – ижтимоий онгнинг нисбатан умумий (умуммиллий) аҳамият касб этган, эътиқод ва қадриятлар даражасига кўтарилган собит эҳтирослари, тушунчалари, меъёрлари, ижтимоий мўлжаллари, омилларидир, уларнинг бадиий, илмий, фалсафий, диний меросда, урф-одатларда объективлашган тизими ҳамда миллатни муайян мақсадларга эришиш учун йўналтирадиган миллий ирода, миллий ғурур ва ор-номусдир. У жамиятда қарор топган ва инсоннинг асл мавжудлигини таъминлайдиган ақлий ва ҳиссий, руҳий ва мафкуравий муҳитдир»⁶.

Ушбу таърифлар ва тавсифларни умумлаштирувчи мезон шундан иборатки, «Маънавият» тушунчаси ақсарият фалсафий системаларда руҳ (кейинроқ-билим) ривожланишининг юксак тараққий қилган шаклига нисбатан ишлатилган.⁷ «Маънавий омиллар» категорияси эса, анъанага кўра, турли туман маъноларда – иқтисодий, сиёсий, маданий, ахборот, таълим ва бошқалар билан алоқадор серкирра тушунча сифатида қўлланилади. Илмий нуқтаи назардан олиб қараганда бундай макон – кўплаб ўзаро ҳаракатланувчи субъектлар томонидан шаклландиган тизим бўлиб, бу субъектлар орасида уларнинг функционал ўзига хосликлари билан белгиландиган муносабатлар ўрнатилади. Маънавий омиллар тизимлиги давомийлик ва узук-юлуқлик, узлуксизлик ва узилиш, сақланиб туриш ва ўзгариш сингари бир-бирини инкор этувчи хоссалар билан тавсифланади.

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил, 15 декабрь.

² Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент, Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б. 333.

³ Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Тошкент: Маънавият, 2011.

⁴ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.

⁵ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

⁶ Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Тошкент, Маънавият, 1997, – Б. 46-47.

⁷ Фалсафа: изоҳли луғат. – Тошкент: ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008. – Б. 419.

Бу жиҳатдан, «Маънавий омиллар» категориясига диалектик хоссалар бирлиги қўлланадиган бўлса, энг аввало, улар барча ҳудудий маънавий омилларга хос эканлигини тахмин қилиш мумкин. Албатта, ҳар қандай ҳудуд чегаралари давлат ёки маъмурий чегаралар билан белгиланади. Узлуксизлик тўғрисида сўз юритганда ҳудуддан ташқари маънавий олам – маданий, диний, дунёқараш ва бошқаларга тегишли омиллар ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай қарашларга кўра, аниқ бир ҳудуддан ташқарида бўлган маънавий борлиқ ниҳоясиздир. Айни пайтда, ҳар қандай жамият, жумладан, Ўзбекистон маънавий омилларидаги маданият, дин, ҳуқуқдаги ворисийлик масаласи ҳам бу соҳадаги жараёнларнинг вақт ва макондаги узлуксизлиги билан узвий боғлиқдир. Бу қоидага кўра, у ёки бу ҳудудда давлат мансублиги, сиёсий тузум ва ҳуқуқий бошқарув ўзгариши мумкин, бироқ маънавият дунёсининг мафкуравий, маданий, диний узлуксизликни сақлаб турувчи анъанаси ўз аҳамиятини намоён қилаверади.

Маълумки, илм-фанда жамият омиллари ва фаолиятига мос равишда турли соҳалар вужудга келган деб ҳисобланади, бунда моддий, маънавий, сиёсий, ижтимоий соҳаларга алоҳида аҳамият қаратилади. Бу ҳақда «Маънавият асосий атамалар луғати»да таъкидлангани каби, «маданий, мафкуравий, ҳуқуқий ва шу каби бошқа жузвий соҳалар ҳам жамият омилларида муҳим ўрин эгаллайди. Илгари баъзи адабиётларда жамият ривожининг моддий ва маънавий соҳалари бир-биридан кескин фарқланар, унинг моддий жиҳатига кўпроқ эътибор берилар эди. Холбуки, жамият ривожининг туб моҳияти уни ташкил этувчи инсон моҳияти билан узвий боғлиқдир. Инсоннинг ҳақиқий моҳияти эса, моддий эҳтиёжларни маънавий асосларда қондирилишида яққол намоён бўлади. Бу нуқтаи назардан, худди инсон танасини унинг руҳидан ажратиб бўлмагани сингари, жамият ривожининг моддий ва маънавий томонларини бир-биридан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш ҳам мантиққа зид бўлиб, аксинча уларни уйғунлаштириш ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлиб ҳисобланади».¹

«Фуқаролик жамиятининг маънавий омиллари» ва «Фуқаролик жамиятининг мафкуравий тамойиллари» тушунчалари фуқаролик жамиятини барпо этиш фақат қонун устуворлиги билан шаклланиб қолмаслиги, балки халқимизнинг маънавий-мафкуравий негизларига таянишни тақозо этиши ва бу борадаги фаолиятни ислохотларнинг зарурий шарти қилиб қўйишини англатади. Ана шундай улкан вазифа ва масъулият халқимиздан бир томондан маънавий янгилашни жараёнини тўлиқ идрок этишни, иккинчи томондан эса фуқаролик жамияти барпо этишда унга таянишни тақозо этмоқда. Негаки миллий-маънавий янгилашни, юксалиш, тараққиёт омилига айланмоқда.

«Фуқаролик жамиятининг маънавий омиллари» тушунчаси фуқаролик жамияти ҳар бир инсон учун олий кадриятга, халқнинг бойлигига айланмоғи кераклиги, боис у шунчаки назария, қоғозда қоладиган сароб воқелик бўлишини англашга асосланган тафаккурга, мафкуравий мезонга асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хайдеггер М. Бытие и время / Пер. с нем. В.В. Библихина – М.: AdMarginem, 1997. – 258 с.
2. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б. 333.
3. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил, 15 декабрь.
4. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Тошкент: Маънавият, 2011.
5. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
6. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б. 498.

Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган

¹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б. 498.

INSONNI TABIATDAN BEGONALASHUVI TUSHUNCHASINING MOHIYATI**Samanova Sh.B. (UrDPI)**

Annotatsiya. Ushbu maqolada insonning tabiatga antropogen ta'siri natijasida paydo bo'lgan ekologik muammolar, sanoatning rivojlanishi, ekologiya sohasida aholining ko'payishi yangi muammolarning paydo bo'lishiga olib kelganligi, bu global ahamiyat kasb etib borayotganligi, shuningdek, endilikda inson bu muammolarni bartaraf qilishdan ko'ra, tabiat qonunlarini buzish, undan vahshiyona foydalanishni muttasil davom qildirayotganligi, tabiatdan begonalashib borayotganligi o'rganilgan. Shuningdek, ishda tabiatni zararsizlantirish va samarali foydalanish, u bilan bog'liq xavf-xatarlarning oldini olish O'zbekiston Respublikasining ushbu muammolarni hal etishdagi tashabbusi va sayyoramiz aholisini salomatligini ta'minlash bugungi kunda jahon hamjamiyatining e'tiboridagi masalalardan biriga aylanib borayotganligi kabi masalalar falsafiy, ilmiy-nazariy tahlil qilingan.

Tayanch so'zlar: *begonalashuv, tabiat, ekologiya, inson, jamiyat, ekologik xavf-xatar, ekologik muammolar, tabiiy resurslar, globallashuv, atrof-muhit, biosfera, kelajak, taraqqiyot.*

СУТЬ ПОНЯТИЯ ОТЧУЖДЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА ОТ ПРИРОДЫ

Аннотация. В данной статье изучены экологические проблемы, возникшие в результате антропогенного воздействия человека на природу, развития промышленности и увеличения численности населения в области экологии, которые привели к возникновению новых проблем, приобретающих мировое значение, и теперь человек более чем способен решить эти проблемы, он продолжает нарушать законы природы, дико использовать ее, отдаляться от природы. Также такие вопросы, как нейтрализация и эффективное использование природы в труде, предупреждение связанных с этим риском, инициатива Республики Узбекистан в решении этих проблем, а также то, что обеспечение здоровья населения планеты становится одним из вопросов, находящихся в центре внимания мирового сообщества, представляют собой философский, научно-теоретический анализ.

Ключевые слова: *отчуждение, природа, экология, человек, общество, экологический риск, экологические проблемы, природные ресурсы, глобализация, окружающая среда, биосфера, будущее, развитие.*

THE ESSENCE OF THE CONCEPT OF MAN'S ALIENATION FROM NATURE

Annotation. In this article, the environmental problems that have arisen as a result of human anthropogenic influence on nature, the development of industry, and the increase in the population in the field of ecology have led to the emergence of new problems, which are gaining global importance, and now man is more than able to solve these problems. It has been studied that they continue to violate the laws of nature, use it wildly, and become alienated from nature. Also, issues such as the neutralization and effective use of nature at work, the prevention of related risks, the initiative of the Republic of Uzbekistan in solving these problems, and the fact that ensuring the health of the population of the planet are becoming one of the issues in the attention of the world community today are philosophical, scientific-theoretical analysis.

Key words: *alienation, nature, ecology, human, society, environmental risk, environmental problems, natural resources, globalization, environment, biosphere, future, development.*

Insoniyat ibtidosi tabiatga oziqlanish, yashab qolishning birdan-bir manbai sifatida qarab kelgan. Ammo vaqtlar o'tishi bilan inson ongi bir paytlar g'amxo'rlik qilgan ona tabiatga yaxshiyona munosabatlarni vujudga keltirdi. Tabiatdan shafqatsizlarcha foydalanish, atrof-muhitga tinimsiz zarar yetkazish, daraxtlarni kesish, yoqish, suv, havo va tuproqdan noto'g'ri foydalanish insoniyat uchun odatiy holga aylanmoqda. Hattoki zaharlangan atrof-muhit, ekologiya insoniyatni halokatga yetaklayotgan bo'lsa-da, u kelajak oldidagi mas'uliyatni his qila olmayapti. Tabiiyki, savol tug'iladi: inson ongi bugungi halokatli ekologiyani anglash imkoniyatiga ega emasmi yoki ong bu masaladan begonalashib ketganmi? Har ikkala vaziyatda ham insonni tabiatdan uzoqlashtirgan omillarni tadqiq qilish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Begonalashuv bevosita globallashuv mahsuli sifatida ham qaraladi. Chunki globallashuv insoniyatni dunyoga tanitish bilan birga o'zligini yo'qotishigacha bo'lgan chegaralarni ham qamrab olmoqda.

M. Gandi "Men uyimning darvoza va eshiklarini doim mahkam berkitib o'tira olmayman, chunki uyimga toza havo kirib turishi kerak. Shu bilan birga ochilgan eshik va derazalarimdan

kirayotgan havo dovul bo`lib uyimni ag`dar-tuntar qilib tashlashi, o`zimni esa yiqitib yuborishini ham istamayman”, - deya ta`kidlagan edi [1. 124].

Globalashuv termini ilk bor “Garvard biznes revyu” jurnalida Transmilliy korporatsiyalar ishlab chiqaradigan mahsulot bozorlarining birlashuv jarayoni sifatida tilga olingan edi [5. 13]. “Falsafa” qomusiy lug`atida-globalashuv - o`z ko`lami, qamrovi jihatidan xilma-xil va butun Yer shariga, insoniyatga daxldor bo`lgan masalalardir, deb tavsiflanadi [3. 95].

Tabiatdan begonalashuv, albatta, «sivilizatsiya», urbanizatsiya va kapitalizmning natijasi edi. Ammo oxir-oqibat bu «sivilizatsiya» ni yo`qotishga olib keldi. Tabiatga hurmat va minnatdorlik bilan munosabatda bo`lgan odamlar unga nisbatan o`z hurmatini yo`qotdilar. Vaqt o`tishi bilan u o`zini hamma narsaning ustasi deb e`lon qildi. Ayni shunday munosabatga ega bo`lganlar uchun muvozanat bilan hayotdan hukmronlik tartibi paydo bo`ldi. Insonlar tabiatning bir bo`lagi bo`lgan tizim o`rniga o`rnashib olgan insonga yo`naltirilgan bu tizim uchun hamma narsa o`z-o`zidan vayron bo`ladigan darajada halokatli bo`lishi mumkin. Bu halokatga qarshi biz tabiat bilan chinakam munosabatlarni o`rnatishimiz shart.

Tabiat bilan chinakam munosabatlarni o`rnatish nafaqat tabiatni muhofaza qilish, balki odamlarni yanada tinch va ekspluatatsiyadan holi qiladigan narsalardan biridir. Jamiyat tarixiy taraqqiyotining yuksak intellektual salohiyatga, fan, texnika va innovatsion texnologiyalarga asoslangan ishlab chiqarish kuchlari rivojlanishi: bir tomondan, insonning tabiat ustidan “hukmronligi” mustahkamlashuvi va jamiyat iqtisodiy taraqqiyotga olib kelishi, iqtisodiy omillar determinantligini mutlaqlashtiruvchi ta`limotlarga asos bo`lgan. Ikkinchi tomondan, bu hodisa insonning tabiatdan begonalashuvi va shaxs ekologik marginallashuviga – ma`naviy-axloqiy qashshoqlashuviga asosiy sabab bo`lmoqda. Natijada, insoniyat eskalatsiyasi kuchayib, oqibatlari keskinlashayotgan global muammolar kompleksiga, ekologik xvfsizlikka real tahdidlarga to`qnash kelmoqda.

Begonalashuv - bu insonning o`zini, boshqalarni yoki jamiyatning qadriyatlarini, me`yorlari va umidlarini tushunishini qiyinlashtiradigan hissiy holatdir. Bu holat odatda o`zini yolg`iz his qilish, o`zini atrof-muhitga mos kelmaslik, begonalashgan his qilish kabi alomatlar bilan ham namoyon bo`ladi. Begonalashuv individual va jamiyat darajasida sodir bo`lishi mumkin. Individual begonalashuv insonning o`zini o`zi his qiladigan nomutanosiblik yoki nomuvofiqlik hissi tufayli paydo bo`lishi mumkin. Masalan, ijtimoiy hayotda yetarlicha muvaffaqiyatga erisha olmaslik, jamiyatda qabul qilinmaslik yoki o`zini yolg`iz his qilish shaxsiy begonalashuvning sabablari qatoriga kiradi. O`z-o`zidan begonalashuv aslida psixologik holat sifatida ham kuzatiladi. Ijtimoiy parchalanish insonning kayfiyatining yomonlashishi bilan sodir bo`ladi. Ijtimoiy tuzilmaning buzilishi bilan iqtisodiy vaziyatda buzilishlar yuzaga keladi. Boshqacha qilib aytganda, begonalashuv ijtimoiy, falsafa va iqtisod kabi sohalar bilan chambarchas bog`liq.

Darhaqiqat, begonalashuv nafaqat odamlar balki ularning faoliyati bilan bog`liq barcha sohalarini o`z ichiga qamrab oladi. Begonalashuv jarayonida ijtimoiy tarmoqlar ham katta rol o`ynamoqda. Masalan, Afg`onistonda Tolibon harakati o`z safiga yangi a`zolari jalb etish, erishilgan “yutuqlarni” ovoza qilish va zarur ma`lumotlarni e`lon qilish maqsadida 2011-yilning may oyidan boshlab dunyo bo`ylab ommalashgan “Twitter” ijtimoiy tarmog`idan foydalana boshlagan[4. 34]. “Begonalashuv – inson faoliyati va uning natijalari mustaqil kuchga aylanib, inson ustidan hukmronlik va unga yovuzlik qiladigan holatga kirishishini ifodalaydigan ijtimoiy jarayon. Mehnat shart-sharoiti, vositalari va mahsuli ustidan ijtimoiy nazoratning yo`qligida, shaxsning hukmron ijtimoiy guruhlar tomonidan aldanchilik yo`li bilan boshqarish obyektiga aylantirilishida namoyon bo`ladi. Begonalashuv kishi ongida muayyan tarzda aks etadi (ijtimoiy me`yorlarni yot va yovuz me`yorlar sifatida idrok etish, yolg`izlik hissi, loqaydlik va b.). Begonalashuv konsepsiyasining kelib chiqishi T. Gobbs, J. J. Russoga borib taqaladi, Gegel tomonidan esa rivojlantirildi. XX asr falsafa, sotsiologiya va ijtimoiy psixologiyasida begonalashuvning ayrim tomonlari tadqiq etilmoqda¹.

Begonalashuv - insonning o`zidan begonalashuvi bilan birga o`zini atrof-muhitdan ajratib qo`yishdir. O`zining mohiyatidan uzoqlashgan odam endi hayot bilan barcha aloqalarini uzadi.

¹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/begonalashuv-uz/>.

Begonalashuvning sabablari individual, ijtimoiy, madaniy, psixologik va iqtisodiy omillar kabi turli omillar bilan bogʻliq boʻlishi mumkin. Shaxsiy sabablar orasida oʻzini yetarli darajada qadrlamaslik, oʻziga ishonchsizlik, ijtimoiy hayotda yetarlicha muvaffaqiyatga erisha olmaslik yoki ijtimoiy munosabatlarda qiyinchilik bor. Bunday omillar odamni oʻzini noadekvat va yolgʻiz his qilishiga, shu bilan birga begonalashuv tuygʻusiga olib kelishi mumkin. Ijtimoiy sabablarga inson yashayotgan jamiyatning qadriyatleri, maʼnaviy-axloqiy meʼyorleri va umidlariga moslashishdagi qiyinchiliklar kiradi. Toʻqnashuvlar va ajralishlar, ayniqsa, turli madaniyatlar oʻrtasidagi begonalashuv tuygʻusini kuchaytirishi mumkin. Masalan, insonning tugʻilib oʻsgan madaniyati bilan boshqa madaniyat oʻrtasidagi farqlar begonalashuv tuygʻusini keltirib chiqarishi mumkin. Psixologik sabablar orasida depressiya, tashvish, travmatik tajribalar va shaxsiy buzilishlar kabi omillar ham begonalashuv hissini kuchaytirishi mumkin. Bunday hollarda odam oʻzini atrof-muhitdan ajratib qoʻyishi va oʻzini yolgʻiz his qilishi mumkin. Iqtisodiy sabablarni ham begonalashuv sabablari qatoriga kiritish mumkin. Ishsizlik, qashshoqlik va iqtisodiy noxushlik insonni jamiyatdan ajratilgandek his qilishi mumkin.

Begonalashuvni nafaqat individual tajriba, balki madaniy hodisa sifatida ham koʻrish mumkin. Madaniyat - bu odamlar maʼlum bir jamiyatda yashovchi va bir-biri bilan oʻzaro munosabatda boʻlgan shaxslar sifatida yaratadigan qadriyatlar, meʼyorlar, eʼtiqodlar, tillar va urf-odatlar toʻplamidan iborat. "...millatlarning oʻzligidan begonalashuviga sabab boʻlayotgan omillar, ularning negizleri, milliy-maʼnaviy taraqqiётda yuzaga kelaётgan inqirozlarning eshlar maʼnaviy-axloqiy haётiga salbiy taʼsirining oldini olish bilan bogʻliq masalalarga eʼtibor qaratilmoqda" [6.]

Demak, begonalashuv shaxsning oʻz madaniyati va jamiyatini tark etishi, oʻzini begona his qilishi va boshqa madaniyatga moslashishda qiyinchiliklarga duch kelishini anglatishi mumkin. Madaniy begonalashuv shaxsning oʻz madaniyati va qadriyatlaridan uzoqlashishi natijasida yuzaga kelishi mumkin. Inson oʻz madaniyatining qadriyatleri va eʼtiqodlarini yoʻqotgan yoki oʻzgartirgan boʻlishi mumkin. Bu oʻz shaxsiyatidan begonalashuvni va boshqa madaniyatga moslashishda qiyinchiliklarni anglatishi mumkin.

Shu bilan birga, boshqa madaniyatda yashovchi shaxslar madaniy begonalashuvni boshdan kechirishi mumkin. Bu shuni anglatishi mumkinki, inson oʻzinikidan farq qiladigan madaniyatdagi qadriyatlar va meʼyorlarni tushunishda qiynaladi va bu madaniyatda oʻz oʻrnini topish qiyin. Xususan, til toʻsigʻi, jamiyat normalari va umidlari kabi omillar madaniy begonalashuv tuygʻusini kuchaytirishi mumkin. Madaniy begonalashuvning oqibatleri oʻz-oʻziga ishonchni yoʻqotish, oʻzini past baholash, ijtimoiy birdamlik bilan bogʻliq muammolar, ijtimoiy izolyatsiya va hatto irqchilik kabi salbiy xatti-harakatlarni oʻz ichiga olishi mumkin.

Begonalashuv atamasini birinchi boʻlib Gegel ishlatgan. Gegelning fikricha, u odamlarning mohiyatidan, yaʼni voqeligidan begonalashuvi odamlarga bogʻliq, deb oʻylab, begonalashgan shaxsni oʻz tarixidan uzoqlashish istagi bilan tushuntirishga harakat qilgan. Begonalashuv tushunchasi Marks bilan tan olindi. Karl Marks begonalashuvi ikki oʻlchovli tushunchasiga ega. Begonalashuvning birinchi tushunchasi insonning tabiatdan begonalashuvidir. Begonalashuvning ikkinchi tushunchasi kapitalizm taʼsirida paydo boʻlgan begonalashuv tushunchasidir. Falsafa fanleri doktori, professor Muhammadjon Quronov "begonalashuv – inson va uning jamiyatdagi oʻrni, maqomi, mavqei va u bajaradigan vazifasi oʻrtasidagi azaliy bogʻliklikning uzilishidir, inson va jamiyat munosabatleridagi meʼyorning buzilishi, insonning oʻz mohiyatini belgilovchi xususiyatlardan mahrum boʻlib, jamiyatda oʻz oʻrnini topolmasligi begonalashuvning tub ildizini tashkil qiladi,¹–deb taʼkidlaydi. Ibtidoiy davrlardan odamlar tabiat bilan chambarchas bogʻlangan. Darhaqiqat, inson tabiatning ajralmas qismi, tabiat va inson esa deyarli bir butun edi. Biroq, boshpana va turli biznes sohalarining paydo boʻlishi bilan odamlar tabiatdan, yaʼni tabiatdan, ular oʻzaro bogʻlangan, tabiatdan begonalashdi. Shuning uchun ham tabiatga nisbatan shafqatsizlarcha munosabatda boʻlmoqda. Lekin bugungi global muammolar insonni sergaklikka undamoqda, oʻzi yuzaga keltirgan muammolarni hal qilishga majbur qilmoqda. Buning uchun esa insoniyat oʻzligini anglamogʻi, tabiat bilan munosabatlar chegarasini unutmashligi, eng muhimi oqilona munosabatda boʻlmogʻi lozim.

¹ <https://kun.uz/uz/23195649>

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdurahmonov M., Rahmonov N. Madaniyatshunoslik. – Toshkent, 2008. – B. 124.
2. Avloniy A. Turkiy guliston yohud axloq. – Toshkent: Sharq NMIU, 2005. – B. 124.
3. Falsafa, qomusiy lug‘at. – Toshkent: Sharq, 2004. – B. 95.
4. Yahyo Muhammad Amin. Internetdagi tahdidlardan himoya. – Toshkent.: Movaraunnahr, 2016. – 408 b.
5. Мировая экономика и международные отношения, 1998, №1, с.13.
6. Патрик Д.Ж. Бьюкенен. Смерть Запада. – М.: ООО издательство «Аст», 2003.
7. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/begonalashuv-uz/>
8. <https://kun.uz/uz/23195649>

Nashrga prof. S. Choriyev tavsiya etgan

ETIKANING ZAMONAVIY MUAMMOLARI

Axmedova D.S. (IPU)

Annotatsiya. Maqolada etikaning zamonaviy muammolari, bugungi kunda hammaga ham ma'lum bo'lmagan, oshkora ko'zga tashlanmaydigan, ma'naviy hayotimizni izdan chiqarishga qaratilgan jiddiy xatarlar ya'ni egosentrizm va erkinlik niqobidagi negativlik haqida fikr yuritiladi.

Tayanch so'zlar: *globallashuv, axloqiy muhit, axliqiy madaniyat, biosfera, noosfera, biologik axloq, evtanaziya, o'lim jazosi, ekologik axloq, biotibbiy axloq.*

СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЭТИКИ

Аннотация. В статье автор размышляет о современных проблемах этики, о серьезных скрытых опасностях, направленных на распад нашей духовной жизни, то есть безнравственность под маской эгоцентризма и свободы.

Ключевые слова: *глобализация, нравственная среда, нравственная культура, биосфера, ноосфера, биологическая этика, эвтаназия, смертная казнь, экологическая этика, биомедицинская этика.*

MODERN PROBLEMS OF ETHICS

Annotation. The article discusses the modern problems of ethics, the serious dangers that are not known to everyone today, and are not openly visible, which are aimed at derailing our spiritual life, that is, negativity under the guise of egocentrism and freedom.

Key words: *globalization, moral environment, moral culture, biosphere, noosphere, biological ethics, euthanasia, death penalty, environmental ethics, biomedical ethics.*

Hozirgi paytda insoniyat hayotiga katta xavf tug'dirayotgan xalqaro terrorchilik, diniy ekstremizm, narkoagressiya va OITS singari ofatlarni ko'pchilik "yaxshi" biladi. Lekin bugungi kunda hammaga ham ma'lum bo'lmagan, oshkora ko'zga tashlanmaydigan, ma'naviy hayotimizni izdan chiqarishga qaratilgan jiddiy xatarlar ham borki, ularning oldini olmasak, keyin kech bo'ladi. Bular G'arb olamida keng tarqalgan egosentrizm va erkinlik niqobidagi axloqsizliklar bo'lib, axloqiy muhit, biologik axloq, ekologik axloq, o'lim jazosini bekor qilish kabi muammolar shular jumlasidandir. Shu boisdan, bu kabi muammolar bugungi kunda etikaning oldida o'ta muhim vazifalar mavjudligini namoyon etmoqda. Sizning e'tiboringizga havola etilayotgan ushbu maqolada etikaning zamonaviy muammolari bo'lmish biologik axloq va o'lim jazosi haqida so'z yuritiladi.

Ma'lumki, biologik axloq (insonlar a'zosining transplantatsiyasi, evtanaziya)so'nggi bir necha o'n yillik ichida sof tabobat muammosidan axloqiy muammoga aylandi: endilikda, birovning muayyan a'zosini boshqa bemorga jarrohlik operatsiyasi yo'li bilan o'tkazish orqali kishi hayotini saqlab qolish axloqiy nuqtayi nazardan qanday baholanadi, degan savol kun tartibida dolzarb bo'lib turibdi. Biologik axloq deganda, odatda, bizda ham, jahon axloqshunosligida ham asosan tibbiy axloq, tabobat muammolariga doir axloqiy yondashuvlar tushuniladi, xolos. Bu unchalik to'g'ri emas. Bizningcha, biologik axloq muammolari ikki yo'nalishdan iborat: biri – insonlarning kichik biologik olam sifatidagi katta biologik olamga bo'lgan munosabatlari bilan bog'liq «tashqi», ikkinchisi – insonlarning o'z-o'ziga va o'zaro munosabatlaridagi tibbiyot bilan

bog'liq «ichki» axloqiy masalalar. Biz, odatda, «ekologik axloqshunoslik» deganimizda aynan birinchi hodisani nazarda tutamiz. Ikki biologik olamning munosabatlarini, ya'ni ekologik axloqiy muammolarni biologik axloq doirasida o'rganish maqsadga muvofiqdir. Hozirgi paytda ekologik axloqning insoniyat uchun naqadar muhimligini hamma biladi, lekin o'z bilganidan qolmaydi–muammoning murakkabligi shunda. Biz noosfera, tafakkur borasidagi mulohazalar orqali ekologik buhronlarning ba'zi ko'rinishlari haqida ma'lumotlarga egamiz. Biroq, yana undan tashqari so'nggi paytlarda jahon bo'ylab sintetik jismlar ishlab chiqarish keng yo'lga qo'yilganligi, gibrid usulida hayvonot va ayniqsa o'simliklar yangi turlarining vujudga keltirilishi singari hodisalar ham ekologik ahamiyatga ega. Xo'sh, ular tabiat bilan singishib, uyg'unlashib keta oladimi, tabiat ularni o'ziga tegishli deb biladimi? Bunga hozir javob topish qiyin, ehtimol kashfiyotlarimizning oqibatlari, muayyan tafakkur bilan inson orasidagi «masofaning uzoqlashib» borishi natijasida ayon bo'lar?

Biologik axloqning ikkinchi yo'nalishi tibbiyot ilmi va amaliyotining tobora taraqqiy topib borishi bilan bog'liq. Ya'ni yana bir bugungi kun biologik axloqshunosligining global muammolaridan biri totli o'lim – evtanaziya. Xudoning ixtiyoridan tashqari o'limni ixtiyor qilgan kishi diniy nuqtayi nazardan kechirilmaydi. Chunki sabrli, bardoshli bo'lish, bu dunyo iztiroblarini toqat bilan boshdan kechirish insonning vazifasi. Lekin axloqiy jihatdan olib qaraganda masala qanday baholanadi? Deylik, muayyan inson, bemor o'z kunlarining sanoqli ekanini, lekin bu kunlar sanoqsiz azoblar ichida o'tishini anglab yetadi. Shu bois u o'zining ana shu holatini juda yaxshi biladigan boshqa bir odam – shifokordan azoblariga chek qo'yishni so'raydi. Uning iltimosi va shu iltimosni bajarish uchun shifokor tomonidan qilingan xatti-harakatlarni qanday baholash mumkin? Bu xatti-harakatlarni insoniylik va insonparvarlikning ko'rinishi sifatida qabul qilish to'g'rimi? Umuman, evtanaziya axloqiylikmi, axloqsizlikmi? Bu muammo ham umumjahoniy miqyosda o'z yechimini kutmoqda. Chunki, tabobat borasidagi so'nggi tadqiqotlar inson o'limi bir lahzada ro'y bermasligini, yurak urishi va nafas olish to'xtaganda ham, miya o'lmasa insonni o'ldi deyish mumkin emasligini isbotlab berdi. Dastlab miya qobig'i, undan keyin miya tanasi halok bo'ladi. Shundan keyingina insonni o'lgan deb hisoblash mumkin. Zero, hozirgi kunda toki miya o'lmas ekan, ko'pgina ichki a'zolarining yangi tabobat texnikasi vositasida ishlashda davom etishini ta'minlash va shu orqali muayyan muddatgacha insonda tiriklikning minimal darajasini saqlab turish mumkin. Demak, yurak yoki buyrakning ko'chirib o'tkazilishi hali o'lmagan odamning minimal tiriklikka bo'lgan huquqini poymol qilishdir. Buning ustiga, amerikalik neyroxirurg Pol Pirson o'z tajribalariga asoslanib, yurak ko'chirib o'tkazilganda ruh ham ko'chib o'tadi, degan fikrni bildiradi. Chunonchi, 19 yashar qizning yuragi 40 yashar erkakka o'tkazilganida, uning fe'l-atvorida juda katta o'zgarishlar ro'y bergan. Yoki 20 yashar qizning yuragi va o'pkasi 36 yashar ayolga o'tkazilganda ham shunga o'xshash o'zgarishlar yuzaga kelgan: ayolning kulishigacha o'zgarib ketgan. Axloqiy nuqtayi nazardan buni qanday izohlash mumkin? Shuningdek, biologik axloqshunoslikning anchadan buyon ko'pchilikka ma'lum bo'lgan yana bir muammosi, bu – abort. Ma'lumki, to'rtinchi haftaning oxirida homilada dastlabki yurak urishi paydo bo'ladi. Sakkizinchi haftaning oxirida esa miya tanasining elektrofiziologik faolligini kuzatish mumkin. Demak, har qanday abort, xalq ta'biri bilan aytganda, jonlini jonsiz qilish, tirik organizmni tiriklikka bo'lgan huquqdan mahrum etishdir. Xo'sh, abortni axloqsizlik tarzida baholash kerakmi yo yo'qmi? Yoki AQSH olimlari tomonidan «inson zotini yaxshilashga» qaratilgan tadqiqotlarni olib ko'raylik. Ularda «yaxshilangan» – sog'lom, kuchli intellekt egasi bo'lgan odamlar hujayrasini ayol organizmidagi endi rivojlanishga kirishgan nisbatan «oddiy odam» hujayrasi o'rniga ko'chirib o'tkazish tajribalarini olib borish mo'ljallangan. Ular amalda tatbiq etilsa, asta-sekinlik bilan insoniyat irsiyat jamg'armasining (genofondining) bir yoqlama o'zgarishiga olib kelishi shubhasiz. Rim papasi buni inson zotiga, insoniy tabiatga aralashuv, uni zo'rlik yo'li bilan o'zgartirish, nafaqat katta gunoh, balki o'ta axloqsizlik deb atadi. Xo'sh, bunday tajribalarni qanday baholash kerak? Bu savollarga ham axloqshunoslik javob topmog'i lozim.

Etikaning zamonaviy muammolaridan biri bu o'lim jazosidir. O'lim, ma'lumki, axloqiy nuqtayi nazardan eng ulkan yovuzlik hisoblanadi. Ayniqsa majburiy o'lim. Shunga ko'ra, o'lim jazosining huquqiy jihatdan qo'llanilishi mohiyatan jamiyat tomonidan yovuzlikka qarshi yovuzlik bilan javob berishdir.

Payg‘ambarimiz Muhammad alayhissalom islom dinining uch asosi borligini aytib, ularning birinchisi odam o‘ldirmaslik ekanini ta’kidlaydilar. Buni imom G‘azzoliy «Mukoshafat ul-qulub»da shunday keltiradi:

«Termiziy va boshqa hadislar rivoyat qiladilar:

Rasululloh buyurdilarki:

... Islomning uch dasturi bor. Dinning tamoyili shular ustiga qurilgan. Kim shu asoslardan tashqari chiqsa, bu bilan u kofirlikka qarab ketgan bo‘ladi:

- 1 – Qonni (odam o‘ldirishni) halol hisoblasa;
- 2 – Ollohdan boshqa iloh yo‘qligiga guvohlik (shahodat) bermasa;
- 3 – Farz bo‘lgan namozni va ro‘zani inkor etsa».¹

Demak, inson hayoti eng oliy qadriyat ekani diniy nuqtayi nazardan ham nafaqat tan olinadi, balki birinchi o‘ringa qo‘yiladi.

O‘lim jazosini kimlar qanchalik oqlashga harakat qilmasin, u – jinoyatchini jazolashdan ko‘ra, undan o‘ch olishga qaratilgan, qadimlardan kelayotgan xun olish tamoyilining «demokratlashgan», yangilangan shakli sifatida namoyon bo‘ladi. Aslida esa, insonning muayyan jinoyatni sodir etgan xatti-harakatlari qoralanishi kerak, uning o‘zi emas, u qilgan yovuzlik o‘limga mahkum etilishi lozim – odamni emas, yovuzlikni o‘ldirish oqilona ish emasmi?! Yovuzlikni o‘ldirish, yovuzlik sodir etgan kishining uzoq muddatli yoki bir umrlik qamoqdagi vijdon azobi va tazarrusi bilan amalga oshirilgani durustmasmi?! Bu masalaning bir tomoni. Ikkinchi tomoni shundaki, nodemokratik tuzumlarda belgilangan o‘lim jazosi kamdan kam hollarda adolatli hukm bo‘lib chiqadi. Chunonchi, Lenin, Stalin, Franko, Gitler, Pol Potlar hukmronligida millionlab odamlarning qatl etilishi yoki shu yaqin yaqinlarda, sho‘rolar tuzumi davrida O‘zbekistonda o‘tkazilgan «Paxta ishi» deb nomlangan qatag‘on paytida otishga hukm qilinganlarning taqdiri bunga yaqqol misol bo‘la oladi. Ana shu davrlarda o‘limga hukm qilinganlarning juda ko‘pchiligi keyinchalik oqlandi, ular gunohsiz deb topildi. Lekin hukm ijro qilib bo‘lingan: nohaq jazolangan – qatl etilgan insonlar adolat tantanasini ko‘rolmaydilar. Uchinchidan, hatto demokratik jamiyatlarda sudlarning hamma vaqt ham yuz foiz to‘g‘ri va adolatli hukm chiqarishiga kim kafolat beradi – hakamlar ham inson, hamma qatori xato qilishi mumkin. Jamiyatning keyingi pushaymonidan qatl etilgan odamga nima foyda? Bu misollarning hammasida o‘lim - tor huquqiy jazo doirasidan chiqib ketadi hamda tarixda aldangan, adashgan insoniyatning, jamiyatning va shaxsning axloqsizligi sifatida baholanadi. Shu jihatdan qaraganda, hozirgi paytdagi ko‘pgina demokratik mamlakatlarda o‘lim jazosining bekor qilinishini o‘sha jamiyatlar axloqiy darajasi bilan bog‘liq ijobiy hodisa deyish mumkin. Bizning mamlakatimizda ham bu borada dadil qadamlar qo‘yilganligi – avval yosh nuqtayi nazaridan o‘lim jazosini qo‘llashning chegaralanganligi (60 yoshgacha), keyinroq esa uni butunlay bekor qilishga qaratilgan insonparvarlik harakatlari quvonarli voqea. Bu esa nafaqat bizga, balki yer yuzidagi barcha mamlakatlarga taalluqli muhim, umumbashariy muammodir. Ma’lumki, barcha davrlarda ham jamiyatning ijtimoiy hayoti, ma’naviy kamoloti, axloqiy muhiti uning ertangi kelajagini belgilab beradi. Jamiyat a’zolarining, xususan, yoshlarning axloqiy tarbiyasi va estetik didini shakllantirish, ularning bilimi, intilishlari va imkoniyatlari yuqori bo‘lishini, halollik va poklik xislatlari, savob ishlarni qilishga intilib yashashlari hayotlari tarziga aylanishini singdirish jamiyatdagi axloqiy muammolarning yechimi topilishiga, shuningdek axloqiy muhitini yaxshilanishiga xizmat qiladi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Zero, axloqiy tarbiya yoshlarimizning axloqiy-estetik kamolotida umumbashariy yutuqlarni egallash, tariximiz, madaniyatimiz va buyuk ajdodlarimiz qoldirgan merosning ahamiyatini tobora chuqurroq anglash va uni tahlil qilib hayotda qo‘llashida muhim ahamiyat kasb etadi.

Shunday qilib, axloqshunoslik oldida ana shunday, tobora globallashib borayotgan axloqiy muammolarni hal etishda yetakchilik qilish vazifasi turibdi. Zero, mazkur global muammolarni bugungi kunda axloqshunoslikning ahamiyatini belgilab beruvchi parametrlar, deyishimiz mumkin. Chunki ular faqat milliy-mintaqaviy muammolar bilan dialektik aloqada hal etilishi mumkin. Ya’ni, axloqiy insondan, axloqiy insoniyatga o‘tish qanchalik tez va samarali amalga ohsa, odamzod uchun o‘zini ham o‘z sayyorasini ham asrab qolish imkoni shuncha oson reallashadi.

¹ Gazzoliy. Mukoshafat ul-qulub, 152-bet.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – T; O'zbekiston, 2021. – 456 b.
2. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib. yangi bosqichga ko'taramiz. – T.: O'zbekiston, 2021. – 456 b.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – engilmas kuch. – Toshkent.: Ma'naviyat, 2008. – 176 b.
4. Социология молодежи. Учебник. Отв. ред. В.Т. Лисовский. – Москва.: Юрайт, 2023. – 357 с.
5. Abu Homid G'azzoliy. Mukoshafat-ul qulub. – Toshkent: Adolat, 2002. – 288 b.

Nashrga prof. S.Choriyev tavsiya etgan

**YANGI O'ZBEKISTON DAVLAT SIYOSATIDA YOSHLAR
MANFAATLARINING USTUVORLIGI**

Do'storova S.N. (QarDU)

Annotatsiya. Maqolada yoshlar bilan ishlash bo'yicha mutlaqo yangi tizim yaratilayotgani, yoshlarda mamlakat va xalq taqdiriga daxldorlik hissi kuchayib borayotgani, Yangi O'zbekistonni barpo etishda yosh avlodning munosib ishtirok etayotgani ko'rsatilgan.

Tayanch so'zlar: *Yangi O'zbekiston, Yoshlarga oid davlat siyosati, yoshlar ma'naviyati, yoshlar manfaatlari, yoshlar bandligini ta'minlash, beshta muhim tashabbus, "Yoshlar daftari".*

**ПРИОРИТЕТ ИНТЕРЕСОВ МОЛОДЕЖИ В НОВОЙ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКЕ
УЗБЕКИСТАНА**

Аннотация. В статье раскрывается становление новой системы работы с молодежью, усиление у молодежи чувства причастности к судьбе страны и народа, достойное участие молодежи в построении Нового Узбекистана.

Ключевые слова: *Новый Узбекистан, молодежная политика государства, духовность молодежи, интересы молодежи, обеспечение занятости молодежи, пять важных инициатив, «Молодежная тетрадь».*

PRIORITY OF YOUTH INTERESTS IN THE NEW UZBEKISTAN STATE POLICY

Annotation. The article reveals the formation of a new system of work with youth, the strengthening of youth's sense of involvement in the fate of the country and people, the worthy participation of youth in building a New Uzbekistan

Key words: *New Uzbekistan, state youth policy, youth spirituality, youth interests, youth employment, five important initiatives, "Youth Notebook".*

Jahonda globallashuv tendensiyasi tobora jadallashib va borayotir. Integratsion va unifikatsion jarayonlar ijtimoiy hayotning barcha sohalarini qamrab olgan. Birinchi navbatda yoshlar hayotida, qiziqishlari va intilishlarida namoyon bo'lmoqda. Xalqimizning azaliy orzularini o'zida mujassam qilgan va jahon hamjamiyatida o'zining munosib o'rniga ega bo'ladigan Yangi O'zbekiston barpo etilmoqda. Bu orzu yo'ldagi sa'y-harakatlar ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'naviy, siyosiy-demokratik yuksalish qatorida yoshlar masalasiga ham tizimli yondashishni taqozo qiladi.

Yangi O'zbekistonning jadal taraqqiy etayotgan, iqtisodiyot, ta'lim, IT, tibbiyot, ilm-fan va boshqa sohalarida dunyo hamjamiyatida o'z o'rniga ega bo'lishi, xalqaro maydonda raqobatlasha olishi mamlakatimiz aholisining 60 foizini tashkil etuvchi yoshlar salohiyatiga bog'liq. Bu borada yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish, zamonaviy taraqqiyot talablarini hisobga olish zarur. Avvalo, yoshlar ta'lim-tarbiyasi va ijtimoiy himoyasi, ularni ilm-fan, kasb-hunar, kreativ fikrlash, faollik ko'rsatishda raqobatbardosh etib shakllantirish talab etiladi. "...Yoshlikka xos shijoat, jo'shqinlik va mardlikni, ezgu orzu-intilishlarni amaliy harakatga aylantirib, salmoqli natijalarga, erishish uchun inson o'z oldiga aniq maqsad qo'yib yashashi kerak"[2]. Bugungi kunda yoshlar faolligi har qachongidan ham muhim, zero, ular jamiyat taraqqiyotini harakatlantiruvchi asosiy kuchdir. Shu sabab yoshlar – innovatsiyalar, g'oya va yechimlarning bitmas tuganmas

manbai bo'lishi kerak. Yangi O'zbekistonda yoshlarning qonuniy huquq va manfaatlarini ta'minlash, ularning orzu-intilishlari, qobiliyati va salohiyatini ro'yobga chiqarish davlat siyosatining eng muhim va ustuvor yo'nalishiga aylandi va bu yo'ldagi islohotlar bosqichma-bosqich amalga oshirilib kelinmoqda. Jumladan, keyingi yetti yil davomida yoshlar hayotiga bevosita taalluqli bo'lgan 100 dan oshiq qonun, farmon va qaror qabul qilindi.

Mamlakatimizda barcha sohalardagi kabi yoshlar siyosati sohasida ham amalga oshirilayotgan tub islohotlar, qonun hujjatlariga kiritilayotgan o'zgartirishlar mazkur qonuni zamon talablaridan kelib chiqib, takomillashtirish zarur ekanligini ko'rsatdi. Shu sababli Yoshlarga oid davlat siyosati qayta ko'rib chiqilib 2016-yil 14-sentyabrda O'zbekiston Respublikasining "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilib, yangidan qabul qilindi. Qonunda yoshlarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ta'minlash; yoshlarning hayoti va sog'liqni saqlash; yoshlarning ma'naviy, intellektual, jismoniy va axloqiy jihatdan kamol topishiga ko'maklashish; yoshlar uchun ochiq va sifatli ta'limni ta'minlash; yoshlarni ishga joylashtirish va ularning bandligi uchun shart-sharotlar yaratish...(5-modda)[3] va boshqa bir qator yoshlarga oid ahamiyatli bo'lgan yo'nalishlar kiritilgan.

Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha olg'a surgan beshta muhim tashabbus doirasida olib borilgan ishlar ancha natijali bo'ldi.. Besh tashabbus madaniyat, san'at, sport, kompyuter texnologiyalarini o'rganish va ulardan foydalanish, yoshlar o'rtasida kitobxonlikni rivojlantirish va xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash kabi muhim yo'nalishlarni o'z ichiga olgan.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72- sessiyasida (2017- yil 19-sentyabr) "bizning asosiy vazifamiz – yoshlarning o'z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish, zo'rvonlik g'oyasi "virusi" tarqalishining oldini olishdan iborat ekanligi"ni ta'kidlab, Birlashgan Millatlar Tashkilotining Yoshlar huquqlari to'g'risidagi xalqaro konvensiyasini ishlab chiqishni taklif qilgan edi[4]. Mazkur taklif yuzasidan yurtimizda islohotlar chuqurlashib, uzviyigi bir-biriga bog'lanib ketdi. Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 18-yanvardagi "O'zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini 2025-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 23-sonli qarori qabul qilindi [5]. Konsepsiya har bir yilda amalga oshirilishi qat'iy belgilab berilgan va tasdiqlangan ishlarning "yo'l xaritasi" asosida amalga oshirib kelinmoqda.

Yurtimizda yoshlarga oid davlat siyosatining mexanizmi va uning amaliy natijalari jahon hamjamiyatining e'tibor markazida bo'ldi. Shu sababli O'zbekiston 2018-yil Shanxay hamkorlik tashkiloti Yoshlar kengashiga, 2020-yilda Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligiga a'zo mamlakatlarning Yoshlar ishlari bo'yicha Kengashiga a'zo bo'ldi.

Prezidentimiz tashabbusi bilan mamlakatimizda "Markaziy Osiyo yoshlar forumi, SHHT ga a'zo mamlakatlar Yoshlar Kengashining 15-yig'ilishi, SHHT mamlakatlari yoshlari o'rtasida eng yaxshi startap loyihasi" tanlovi, Turkiy davlatlar tashkilotining IV Yosh liderlar forumi o'tkazilib, Buxoro shahri birinchi turkiy dunyo yoshlar tashabbuslari poytaxti, 2022-yil turkiy dunyoda "Yoshlar tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash yili" deb e'lon qilindi. Shuningdek, Shavkat Mirziyoyevning 2021-yil BMT Inson huquqlari bo'yicha kengashining 46-sessiyasida Pandemiyaning yoshlar huquqlariga ta'siri to'g'risidagi rezolyutsiyasini ishlab chiqish va qabul qilish to'g'risidagi taklifi o'sha yildayoq qabul qilinib, amaliyotga tatbiq etildi [6]. BMT bosh qarorgohida 193 ta davlatning yoshlar siyosatiga mas'ul vazirlik va idora rahbarlari ishtirokida bo'lib o'tgan BMTning Iqtisodiy va ijtimoiy kengashi – "ECOSOS-2023" yoshlar forumida O'zbekiston delegatsiyasi ham ishtirok etdi.

Iqtidorli, ilmiy salohiyati yuqori, yuksak natijalarga erishayotgan yoshlarimizning samarali mehnatini munosib taqdirlash maqsadida "Mard o'g'lon" davlat mukofoti, va "Kelajak bunyodkori" medali ta'sis etildi. 30-iyun – "Yoshlar kuni" deb e'lon qilindi. "Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!" shiori ostida yoshlar festivallari va ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar ko'tarinki ruhda va keng ko'lamda, har yili nafaqat viloyat markazlarida, balki barcha tuman va shaharlarda o'tkazib kelinmoqda. "Yoshlar Oyligi" doirasida mahalla va tumanlarda bo'lib o'tadigan turli tadbir, loyiha, ommaviy sayllar va gala-konsertlarda 2,4 million nafardan ortiq yoshlar qamrab

olindi. Shuningdek, “Harbiy-vatanparvarlik”, “Intellektual o‘yinlar”, “Sport-salomatlik”, “Madaniyat, san‘at va turizm” haftaliklari tashkil etildi.

Jahon ilm-fani taraqqiyotiga ulkan hissa qo‘shgan Abu Rayhon Beruniy, Mirzo Ulug‘bek singari allomalar hamda turkiy xalqlar madaniyati yuksalishi tarixida o‘z tafakkuri va ijodi bilan o‘rin olgan Alisher Navoiy kabi mutafakkirlarimizning izdoshlarini kelajak avlodlar orasida ko‘paytirish maqsadida “Mirzo Ulug‘bek vorislari”, “Beruniy izdoshlari”, “Alisher Navoiy davomchilari” ko‘rik tanlovlari o‘tkazilib kelinyapti.

Shavkat Mirziyoyev “Yangi O‘zbekiston strategiyasi” kitobida: “Bugungi murakkab zamonda yoshlarni jismoniy va ma‘naviy barkamol insonlar etib tarbiyalash biz uchun g‘oyat muhim vazifa bo‘lib qolmoqda”[7] deya ta‘kidlab, yoshlar siyosatini amalga oshirishda qator masalalarga alohida e‘tibor qaratgan. Jumladan, butun Respublika bo‘yicha bitiruvchilar bandligini ta‘minlash; oliy ma‘lumot talab etiladigan kasb va lavozimlarda yengillik kiritish va 10 mingdan ortiq yoshlarni oliy ma‘lumoti bo‘lmasa ham ish bilan band qilish; umumta‘lim maktablarining yuqori sinf o‘quvchilarini mehnat bozorida talabgor bo‘lgan kamida bitta kasb va hunar o‘rganishni majburiy qilish; yoshlarni dehqonchilik bilan shug‘ullanishlari uchun yer ajratish kabi vazifalar qo‘yilgan.

Prezidentning 2022-yil 19-yanvardagi “Mahallalarda yoshlar bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-92 son Qarori asosida mahalla yoshlariga yanada keng imkoniyatlar yaratildi [8]. Yoshlar murojaatlarini ko‘rib chiqish muddati 30 kundan 5 kunga, yordam ko‘rsatish 40 kundan 16 kunga qisqartirilishi belgilandi. Yoshlar yetakchilari 14-30 yoshdagi 9,1 million nafar yoshlarning ijtimoiy holati, bandligi va salomatligi bilan bog‘liq ma‘lumotlarni jamlab, “Yoshlar balansini” shakllantirdi. Aynan yoshlar yetakchilari tavsiyasi asosida ko‘rsatiladigan yordam turlari esa 11tadan 25 taga yetkazildi.

Yoshlar bandligini ta‘minlash, ularni ijtimoiy, huquqiy, psixologik qo‘llab-quvvatlash borasida “Yoshlar daftari” tizmi joriy etildi. “Yoshlar daftari” jamg‘armalari mablag‘ining kamida 40 foizi aynan kasb-hunarga o‘qitishga yo‘naltirilmoqda. Bundan tashqari, imkoniyati cheklangan, nogironligi bo‘lgan yoshlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, ta‘lim olishlari uchun qulay shart-sharoit yaratish, ularning bandligiga ko‘maklashish hamda ijtimoiy faolligini yanada oshirishga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Chin yetim, nogiron, Mehribonlik uyida tarbiyalangan va boquvchisini yo‘qotgan 729 talabani 2,1 milliard so‘mlik to‘lov shartnoma mablag‘lari qoplab berildi. Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlarning muddatli harbiy xizmatni o‘tash badali, og‘ir kasallikka chalingan va psixologik maslahatga muhtoj yoshlarga davolanish bilan bog‘liq xarajatlari uchun subsidiyalar ajratildi.

Yoshlar bilan ishlarning samaradorligini oshirish maqsadida mamlakatimizdagi 14 yoshdan 30 yoshgacha bo‘lgan yigit-qizlarning ijtimoiy ahvoli, qobiliyati va qiziqishlari o‘rganilib, ular uch toifaga ajratildi. Yoshlar bilan “mahalladan vazirlikkacha” tizimi asosida manzilli, aniq mezonlar asosida ish olib boriladi. Birinchi bosqichda “ahvoli og‘ir” toifasiga kiritilgan, davlatning g‘amxo‘rli va e‘tiboriga muhtoj 396 ming nafar yoshlar har bir vazir va uning o‘rinbosarlari, viloyat, tuman va shahar hokimlari, sektor rahbarlari, rektorlar, milliy gvardiya va harbiy qism komandirlariga nomma-nom biriktirildi. Ikkinchi “o‘rta” toifaga kiritilgan rasmiy sektordan ish topa olmagan, lekin iqtisodiy faol 4,6 million yoshlarga ularning muammolari yechimini topishga ko‘maklashiladi. Uchinchi “yaxshi” toifaga kiritilgan: yaxshi o‘qiyotgan, tadbirkorligini yo‘lga qo‘ygan, rasmiy sektorda ishlaydigan, qobiliyati bor, ijtimoiy faol bo‘lgan 4,4 million yoshlar bilan ham zarur ishlar olib boriladi.

Yangi Konstitutsiyaning XIV bobi “Oila, bolalar va yoshlar” deb nomlanishi va yoshlarga oid alohida 78- va 79- moddalar kiritilishining o‘zi [1] O‘zbekistonda yoshlar qonun asosida himoya qilinishini, ularning huquq va erkinliklari, majburiyatlari aniq ko‘rsatib berdi.

Konstitutsiyaviy me‘yorlarni amalga oshirish uchun yoshlar bilan ishlash tizimi quyidagilarni nazarda tutadi

birinchidan, davlat va jamiyat bolalarda hamda yoshlarda milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlikni, mamlakatidan hamda xalqning boy madaniy merosidan faxrlanishni, vatanparvarlik va Vatanga bo‘lgan mehr-muhabbat tuyg‘ularini shakllantirish to‘g‘risida g‘amxo‘rlik qiladi, degan norma kiritildi. Ushbu norma jamiyatning tinchligi, yakdilligi hamda

davlatning barqaror rivoji uchun muhimdir, va aksincha, aynan ushbu vazifaga e'tiborsizlik jamiyat, millat va xalqning tanazzuliga yo'l ochadi;

ikkinchidan, davlat yoshlarning shaxsiy, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy, ekologik huquqlari himoya qilinishini ta'minlaydi, ularning jamiyat va davlat hayotida faol ishtirok etishini rag'batlantiradi, degan norma mustahkamlandi. Biz demokratik, huquqiy davlat qurishga intilar ekanmiz, bunga kelajagimiz bo'lgan yoshlarning huquqlarini himoya qilmasdan turib, ularning jamiyat va davlat hayotida faol ishtirokini ta'minlamasdan turib, hech qachon erisha olmaymiz;

uchinchidan, davlat yoshlarning intellektual, ijodiy, jismoniy va axloqiy jihatdan shakllanishi hamda rivojlanishi uchun, ularning ta'lim olishga, sog'lig'ini saqlashga, uy-joyga, ishga joylashishga, bandlik va dam olishga bo'lgan huquqlarini amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratadi, degan norma kiritildi.

Yoshlarning har tomonlama kamolga yetishi uchun ularga tegishli imkoniyatlar, ya'ni sog'lom va uy-joyli bo'lish, ta'lim olish, ishga joylashish va dam olish imkoniyatlarini yaratish zarur. Davlat bu borada tegishli shart-sharoitlarni yaratish bo'yicha majburiyat olmoqda, chunki mazkur normalar, nafaqat yoshlarimiz manfaati, balki butun jamiyatimiz va mamlakatimizning farovon kelajagi uchun muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. [Matn] Rasmiy nashr. – Toshkent: O'zbekiston, 2023. – B. 29-30.
2. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – T.: O'zbekiston, 2021. – 252 b.
3. O'zbekiston Respublikasining Qonuni. "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida" <https://lex.uz/docs/-3026246?ONDATE=26.01.2022>
4. Mirziyoyev Sh.M. BMT bosh assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi. 20.09.2017. <https://president.uz/oz/lists/view/1063>
5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori. "O'zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini 2025 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" <https://lex.uz/docs/-5234746>
6. Prezident Shavkat Mirziyoyevning BMT Inson huquqlari bo'yicha kengashning 46-sessiyasidagi nutqi. <https://yuz.uz/uz/news/prezident-shavkat-mirziyoevning-bmt-inson-huquqlari-boyicha-kengashining-46-sessiyasidagi-nutqi>
7. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – T.: O'zbekiston, 2021. – 254 b.
8. O'zbekiston Respublikasi Qarori. "Mahallalarda yoshlar bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida" <https://lex.uz/docs/-5831865>

Nashrga prof. A.Erkayev tavsiya etgan

YANGI O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIMNI BAYNALMILALLASHTIRISH JARAYONLARI

Vaxobova M.A. (TDIU)

Annotatsiya. Oxirgi uch o'n yillikda oliy ta'limni xalqarolashtirish O'zbekistonda ta'lim tizimini rivojlantirishning asosiy nuqtasi sifatida namoyon bo'ldi. Oliy ta'limni rivojlantirishning ustuvor strategiyasi sifatida e'tirof etilgan xalqarolashtirish milliy iqtisodiyotni rivojlantirish va milliy ta'lim tizimida madaniy xilma-xillik mexanizmlarini rivojlantirishga hissa qo'shadigan muhim elementga aylandi. Ushbu maqolada oliy ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar doirasida O'zbekistonda oliy ta'limni baynalmilallashtirish jarayonlari to'liq tavsiflangan. Xususan, O'zbekistonda oliy ta'limning baynalmilallashtirish o'ynagan rolni o'rganib, ushbu hodisaning tarixiy rivojlanishi, uning hozirgi holati va mamlakatdagi baynalmilallashtirish sa'y-harakatlariga turtki bo'lgan motivlarni yoritishga qaratilgan.

Tayanch so'zlar: *Xalqarolashuv, Oliy ta'lim, Strategiya, Islohotlar, taraqqiyot*

ПРОЦЕССЫ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗАЦИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: За последние три десятилетия интернационализация высшего образования стала ключевым моментом в развитии образовательных систем в Узбекистане. Интернационализация, признанная преобладающей стратегией развития высшего образования, также стала ключевым

элементом, способствующим развитию национальной экономики и укреплению механизмов культурного разнообразия в национальной системе образования. В данной статье представлен комплексный обзор процессов интернационализации высшего образования в Узбекистане в рамках проводимых реформ в секторе высшего образования. В частности, в нем рассматривается роль, которую играет интернационализация высшего образования в Узбекистане, с целью пролить свет на историческое развитие этого явления, его текущий статус и основные мотивы, движущие усилия по интернационализации в стране.

Ключевые слова: *Интернационализация, Высшее образование, Стратегия, Реформы, развитие.*

PROCESSES OF INTERNATIONALIZATION OF HIGHER EDUCATION IN THE NEW UZBEKISTAN

Annotation. Over the last three decades, the internationalization of higher education has emerged as a focal point in the advancement of educational systems in Uzbekistan. Recognized as a predominant strategy for the enhancement of higher education, internationalization has also become a pivotal element contributing to the development of the national economy and fostering mechanisms for cultural diversity within the national education system. This paper presents a comprehensive overview of the processes involved in the internationalization of higher education in Uzbekistan within the framework of ongoing reforms in the higher education sector. Specifically, it delves into the role played by the internationalization of higher education in Uzbekistan, aiming to shed light on the historical progression of this phenomenon, its current status, and the underlying motivations driving the internationalization efforts in the country.

Keywords: *Internationalization, Higher education, Strategy, Reforms, development*

Kirish

XXI asr tendensiyalarini shakllantirishda globallashuv va xalqarolashuvning ta'siri muhim rol o'ynadi. Xalqarolashuv oliy ta'lim manzarasini o'zgartirdi, globallashuv esa o'z navbatida baynalmilallashuvni o'zgartirdi [1.5-31]. O'tgan 25 yil ichida xalqarolashuv jarayoni periferik hodisadan global miqyosga o'tib, oliy ta'limning asosiy strategiyasi va ustun tendensiyasiga aylandi [2]. Bu strategiya oliy ta'limning jahon ta'lim vaziyatiga integratsiyalashuvida asosiy rol o'ynaydi va ayni paytda milliy oliy ta'lim tizimlarining rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadi. Oliy ta'limning baynalmilallashuvi dunyoning turli mamlakatlarida turlicha xususiyatlarga ega bo'lib, O'zbekiston Respublikasi uchun alohida ahamiyatga ega.

O'zbekistonda mustaqillik yillarida oliy ta'limni baynalmilallashtirishga e'tibor sezilarli darajada oshdi. O'zbekiston mustaqillikka erishgach, boshqa davlatlar qatori savodxonlikning milliy taraqqiyotdagi muhim o'rnini tan oldi va uni har tomonlama rivojlantirishga kirishdi. Keyinchalik O'zbekiston Respublikasi ta'lim tizimida savodxonlik darajasini oshirishga qaratilgan jiddiy islohotlarni boshladi. Mazkur islohotlar doirasida oliy ta'limning baynalmilallashuvi xorijda ta'lim olish, xalqaro aloqalarni yo'lga qo'yish, oliy ta'lim tizimiga jahon andozalarini joriy etish va oliy ta'limda integratsiyani rivojlantirish kabi tashabbuslarda namoyon bo'lmoqda. Rivojlangan mamlakatlarda yoshlarning oliy ta'lim va malaka oshirishini ta'minlashga qaratilgan maxsus jamg'armalar va grant dasturlarini yaratishga olib keldi. Bu sa'y-harakatlar iqtidorli talabalarni rivojlangan mamlakatlardagi oliy ta'lim muassasalariga yuborish, xalqaro standartlarga javob beradigan zamonaviy bilimlarga ega malakali kadrlar tayyorlashdan iborat edi. Shu bilan birga, turmush darajasining yuksalishi aholining xorijda xususiy ta'lim olish istagini uyg'otdi.

O'zbekiston mustaqillikka erishgach, demokratiya va bozor iqtisodiyotiga o'tib, rivojlangan davlatlar bilan xalqaro, ayniqsa, diplomatik, iqtisodiy va madaniy sohalardagi hamkorlikni kengaytirishga e'tibor qaratdi. Ana shu hamkorlik samarasida O'zbekistonda xorijiy universitet va filiallar tashkil etilib, 2016-yildan boshlab oliy ta'lim sohasida jahon andozalari darajasidagi ishlar faollashdi. Ko'pgina davlatlar qatori O'zbekiston ham oliy ta'lim muassasalari faoliyatini xalqaro talablarga moslashtirish majburiyatini olgan. O'zbekistonning oliy ta'lim sohasidagi siyosatining muhim maqsadi oliy ta'limning jahon miqyosiga muvaffaqiyatli integratsiyalashuvidir. O'zbekistonning oliy ta'lim sohasidagi siyosatining muhim maqsadi oliy ta'limning jahon oliy ta'lim sohasiga muvaffaqiyatli integratsiyalashuvi, xorijiy universitetlar sonini ko'paytirish va rivojlangan davlatlar bilan hamkorlikni mustahkamlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Keyingi yillarda O'zbekistondagi oliy ta'lim muassasalarining xalqaro nufuzini oshirish bo'yicha aniq maqsadli ishlar amalga oshirilib, buning natijasida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-

yil 8-oktabrdagi “Oliy ta’lim va ta’lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish konsepsiyasi” qarori bilan quyidagi oliy o’quv yurtlari tasdiqlandi. O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’limini 2030-yilgacha rivojlantirish to’g’risida” [3].

Konsepsiyada O‘zbekistondagi kamida 10 ta oliy ta’lim muassasasi xalqaro miqyosda tan olinishi kerakligi belgilab qo‘yilgan. Ayni paytda O‘zbekistondagi oliy ta’lim muassasalari hukumat tashabbusi doirasida xalqaro maqom olishga faol intilmoqda. Oliy ta’limni baynalmilallashtirish O‘zbekistonda iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashning eng muhim vositasi sifatida e’tirof etilgan. Oliy ta’limda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlar fonida bu hodisa baynalmilallashtirishning alohida jihatini aks ettiradi.

Ushbu tadqiqotning maqsadi O‘zbekistonda oliy ta’limni baynalmilallashtirishning murakkabligini o‘rganish va bu O‘zbekiston uchun nima uchun muhim degan savolga javob topishdan iborat. Ushbu maqolada O‘zbekistonda baynalmilallashtirishning xususiyatlari, ahamiyati va amalga oshirish darajasi aniqlangan. O‘zbekistonda oliy ta’limni rivojlantirishga qaratilgan tashabbuslarga, oliy ta’limni baynalmilallashtirish asoslariga alohida e’tibor qaratilmoqda. Tadqiqotda xalqarolashuvning O‘zbekiston oliy ta’limini har tomonlama rivojlanishiga ta’siri baholanadi va amalga oshirilayotgan jarayonga oydinlik kiritib, salmoqli hissa qo‘shadi.

Oliy ta’limni baynalmilallashtirish masalalari bilan turli o‘zbek tadqiqotchilari Eshanov R., Xodjaniyozov S., Matlatipov G. [4], Xushnazzov G. [5] [4], Xushnazarov M. [5] va boshqalar shug‘ullangan. , lekin o‘zbek ilmiy izlanishlari taqdim etgan nazariy istiqbolda sezilarli bo‘shliq bor. Milliy va xalqaro ilmiy ishlarda tilga olinganiga qaramay, O‘zbekistonda baynalmilallashtirishning xususiyatlari, ahamiyati, hozirgi holati va mantiqiy asoslari bo‘yicha keng qamrovli nazariy tadqiqotlar yetarli emas. Ushbu tadqiqot O‘zbekiston Respublikasida xalqarolashtirishning xususiyatlarini, hozirgi holati va mantiqiy asoslarini batafsil o‘rganish orqali ushbu bo‘shliqni to‘ldirishga qaratilgan.

Metodologiya

Tadqiqotda O‘zbekistonda faoliyat yuritayotgan xorijiy oliy o‘quv yurtlari rahbarlari bilan o‘tkazilgan suhbatlarning dastlabki ma’lumotlaridan foydalangan holda sifatli yondashuv qo‘llangan. Hujjatli va statistik ma’lumotlardan O‘zbekistonning oliy ta’limni xalqarolashtirish borasidagi sa’y-harakatlari haqida umumiy ma’lumot olish uchun ham foydalaniladi. Adabiyotlar sharhi O‘zbekistonda oliy ta’limni baynalmilallashtirishning nazariy asoslarini muhokama qilish va tahlil qilish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi. Tahlil O‘zbekiston baynalmilallashtirishni rivojlantirishda qanday afzalliklarga ega ekanligini aniqlash imkonini beradi.

Adabiyot manbalarini haqida umumiy ma’lumot; Adabiyot sharhi

Xalqarolashuv tushunchasi bir necha o‘n yillar davomida oliy ta’limda hukmronlik qilib, global hodisaga aylandi. Oliy ta’limni xalqarolashtirish bo‘yicha ko‘pgina akademik tadqiqotlar AQSh, Yevropa va Osiyoda olib borilgan. Markaziy Osiyo davlatlari, jumladan, O‘zbekiston ham ushbu kontsepsiyani o‘rganishga kirishdi, biroq O‘zbekistonda baynalmilallashtirishni qo‘llab-quvvatlovchi nazariy adabiyotlar hali ham yetishmayapti. Shuning uchun ushbu tadqiqotda xalqarolashtirishning nazariy asoslarini tahlil qilish uchun global ilmiy manbalardan foydalaniladi. Ushbu hodisaning murakkab tabiatini aks ettiruvchi xalqarolashtirishning turli xil ta’riflari mavjud [5]. Ushbu ta’rif yanada ishlab chiqilgan va xalqaro miqyosda xalqaro, madaniyatlararo yoki global o‘lchovni oliy ta’limning maqsadlari, funksiyalari va yetkazib berish jarayoniga integratsiyalashuv jarayoni sifatida tavsiflanadi [2]. Ko‘pgina olimlar xalqarolashuvni tushunishga hissa qo‘shgan va uning sabablarini tushunish uchun muhim ma’lumot manbalari hisoblanadi. O‘zbekistonda oliy ta’limni baynalmilallashtirish bo‘yicha nazariy adabiyotlar ko‘p xalqaro tadqiqotlarga qaramay, amalda yo‘q [2]. Ushbu tadqiqotning maqsadi jahon akademik hamjamiyatida o‘zbek kontekstida xalqarolashtirish bo‘yicha o‘ziga borayotgan akademik adabiyotlarga hissa qo‘shishdir.

Munozara

O‘zbekiston Respublikasida oliy ta’limni baynalmilallashtirish jarayonining boshlanishini 1991-yilga to‘g‘ri kelishi mumkin [4]. Biroq, O‘zbekistonning baynalmilallashtirish tushunchasi yaqinda paydo bo‘lgan hodisa emas, uning tarixiy ildizlari o‘rta asrlarga, balki undan ham ertaroqqa borib taqaladi. O‘zbekiston tarix davomida turlicha nom olgan: Turkiston, Movarunnahr,

Turon va boshqalar. Oʻrta asrlar davri, ayniqsa Movarunnahrning oltin davri jahon sivilizatsiyasiga katta hissa qoʻshgan koʻplab olimlarning paydo boʻlishi bilan tavsiflanadi. Bu davrda Movarounnahrda madrasalarning tashkil etilishi keyinchalik oliy oʻquv yurtlariga aylanib ketgan taʼlim dasturlarini ishlab chiqishda hal qiluvchi rol oʻynadi.

Madrasalar shahri va ilmiy faoliyat markazi sifatida mashhur boʻlgan Buxoro Amir Haydar davrida dunyoning turli burchaklaridan talabalarni oʻziga tortgan. Bu tarixiy maʼlumot turli viloyatlardan kelgan talabalarning Buxoroda intensiv malaka oshirish kurslarida oʻqib, olgan bilimlari bilan vatanga qaytishlarida akademik harakatchanlikning dastlabki shakli, xalqarolashuvning muhim koʻrsatkichi aks ettirilgan. Shunday qilib, Oʻzbekistonda oliy taʼlimni baynalmilallashtirish tarixiy asoslarga ega, deb hisoblash mumkin. [6]

Biroq, oliy taʼlimni XXI asr konsepsiyasi sifatida xalqarolashtirishning nazariy asoslari faqat 1980-yildan keyin maʼlum boʻldi [7]. 1991-yilda Oʻzbekiston Respublikasi mustaqil davlat sifatida yangi davrga qadam qoʻydi va milliy manfaatlariga javoban baynalmilallashtirish konsepsiyasini qabul qilish zarurati tugʻildi. Oʻzbekiston mustaqillikka erishgach, butun dunyo singari jamiyat hayotining turli jabhalarida keng koʻlamli islohotlar amalga oshirilib, har tomonlama rivojlanishga erishildi. Bu oʻzgarishlar davrida taʼlim, ayniqsa, oliy taʼlimni isloh qilishga alohida eʼtibor qaratilishi muhim oʻrin tutdi.

Mustaqillikning dastlabki 5 yili strategik sakrashga tayyorgarlik koʻrish bilan xarakterlanadi, bu esa 1992-yilda Oʻzbekiston Respublikasining “Taʼlim toʻgʻrisida”gi qonunining qabul qilinishi bilan belgilandi. Bu davr dunyodagi eng yaxshi taʼlim modellarini oʻrganish bilan ham ajralib turdi va taʼlimning milliy modeli gʻoyasini shakllantirish bilan yakunlandi. 1997-yilda “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”ning keyingi ishlab chiqilishida asosiy eʼtibor ikki bosqichli oliy taʼlim tizimiga, jumladan, bakalavriat va magistratura taʼlim tizimiga qaratildi va bu taʼlim tizimini tubdan isloh qilish uchun asos boʻldi.

Malakali mutaxassislariga boʻlgan ehtiyojni qondirish uchun Oʻzbekiston Respublikasi rivojlangan davlatlar bilan xalqaro aloqalarni oʻrnatish va ilgʻor xalqaro tajribani oʻrganishga intiladi. Iqtidorli yoshlarni xorijdagi nufuzli oliy oʻquv yurtlariga yuborish boʻyicha maxsus jamgʻarma tashkil etilgani zamonaviy bilimlarning Oʻzbekistonga qaytishiga xizmat qildi. “Umid” va “Ustoz” jamgʻarmalari negizida tashkil etilganidan soʻng “UMID” va “Isteʼdod” jamgʻarmalari kabi tashabbuslar xalqaro miqyosni rivojlantirishda hal qiluvchi rol oʻynadi [8].

Iqtisodiy, siyosiy va madaniy islohotlar natijasida turmush darajasining oshishi Oʻzbekiston fuqarolarining xorijda oliy taʼlim olish imkoniyatlarini yanada kengaytirdi, bu esa talabalar migratsiyasining paydo boʻlishiga olib keldi. Mavjud omillar bilan birgalikda turmush darajasining sifat jihatidan yaxshilanishi ushbu hodisaning muhim harakatlantiruvchi kuchiga aylandi.

Oʻzbekiston Respublikasi zamonaviy bilimlarga ega boʻlgan iqtidorli mutaxassislarni tayyorlash muhimligini eʼtirof etib, zamon talablariga javob berish tamoyiliga urgʻu berdi. Oʻzbekistonda oliy taʼlim muassasalari va filiallarini tashkil etish boʻyicha xorijiy davlatlar bilan hamkorlik shartnomalari tuzildi, bu esa xorijiy universitetlarning faol ishtirok etishiga olib keldi. 1991-2016-yillarda Oʻzbekistonda yettita xorijiy oliy oʻquv yurti tashkil etildi va bu xalqaro hamkorlikni mamlakat tashqi siyosatining ustuvor yoʻnalishiga aylantirdi.

Oʻzbekistonda oliy taʼlimning baynalmilallashuvi turli jihatlarni qamrab oladi: chet elda taʼlim olish, xalqaro korxonalarini rivojlantirish, oliy taʼlim tizimiga xalqaro standartlarni keng joriy etish, milliy oliy taʼlim tizimini integratsiyalashuvi va modernizatsiyasiga koʻmaklashish. Bu baynalmilallashuv jarayonining oʻziga xos jihatlari dastlab yangi meʼyoriy hujjatlarning qabul qilinishi, xalqaro hamkorlikni rivojlantirish, maxsus mablagʻlar hisobidan yoshlarni xorijiy davlatlarga safarbar etish va xorijiy universitetlar kampuslarini tashkil etishda namoyon boʻldi.

Hozirgi davrning oʻziga xos strategiyasiga aylangan oliy taʼlimni baynalmilallashtirish jarayoni Oʻzbekistonning barqaror rivojlanishining eng muhim ustuvor yoʻnalishi boʻlib xizmat qilmoqda. Oliy taʼlimni baynalmilallashtirish taʼlim sifatini oshirish, taʼlim salohiyatini yuksaltirishda muhim oʻrin tutadi. Taʼkidlash joizki, Oʻzbekistonning xalqarolashtirish saʼy-harakatlari oʻziga xos xususiyatlarga ega. Tahlillar shuni koʻrsatadiki, oliy taʼlim tizimini isloh qilish birinchi navbatda milliy manfaatlarini roʻyobga chiqarishga qaratilgan.

Islahotlar O'zbekiston fuqarolariga zamonaviy ta'lim berish vositasi bo'lib xizmat qilmoqda. Ushbu tashabbus XXI asrga mos bilim va ko'nikmalarga ega bo'lgan malakali mutaxassislariga bo'lgan talabni qondirishga qaratilgan. Rivojlangan davlatlar bilan diplomatik aloqalarni mustahkamlashda oliy ta'lim sohasidagi hamkorlik ham muhim o'rin tutadi, xorijiy oliy o'quv yurtlarining tashkil etilishi iqtisodiyot rivojiga xizmat qilmoqda.

Hozirgi vaqtda O'zbekiston Respublikasining oliy ta'limni baynalmilallashtirish siyosatida xalqaro aloqalar muhim o'rin tutadi. Oxirgi 3 yilda hamkorlik rivojlanishning yangi bosqichiga qadam qo'ydi, bu uning oliy ta'limni xalqarolashtirishdagi muhim rolini ta'kidlaydi. Bu jarayonning muhim jihati hamkorlik bo'lsa, yana bir e'tiborga molik jihati – fuqarolarning xorijdagi oliy o'quv yurtlarida individual o'qishni davom ettirish istagi kuchli. O'zbekistonda ko'plab xorijiy oliy o'quv yurtlari tashkil etilgan bo'lsa-da, o'zbek xalqi orasida hamon chet elda o'qishga ishtiyoq kengaymoqda. O'zbekistondan xorijiy mamlakatlarga talabalarning ko'payib borayotgani ushbu tendensiyaga turtki bo'layotgan muhim harakatlantiruvchi omillarning doimiy mavjudligidan dalolat beradi.

So'nggi paytlarda O'zbekiston Respublikasida chet ellik talabalarni jalb qilishga katta e'tibor qaratilmoqda. Chet ellik talabalarning jozibadorligi ta'lim sifati va ko'rsatilayotgan ta'lim xizmatlari bilan chambarchas bog'liq. Oliy ta'limni baynalmilallashtirishda milliy manfaatlar ustuvor bo'lgan O'zbekiston uchun xorijlik talabalarni samarali jalb etish maqsadida O'zbekiston xizmatlari va grant dasturlarini qayta ko'rib chiqish juda muhim. Ana shu ehtiyojni anglagan O'zbekiston bu borada izchil islohotlarni davom ettirmoqda. Aytish joizki, xorijlik talabalarga mahalliy fuqarolar bilan bir xil miqdorda to'lov hamda O'zbekiston Respublikasi oliy o'quv yurtlariga o'qishga kirish huquqi kabi imkoniyatlar taqdim etilgan.

Bunday sa'y-harakatlarga qaramay, O'zbekistonda xorijlik talabalar ulushi 0,0 foiz darajasida qolmoqda (YUNESKO Statistika instituti, 2019-yil), bu mamlakatimiz oliy o'quv yurtlariga ko'proq xorijiy talabalarni jalb qilish imkoniyatlarini ko'rib chiqish va kengaytirish zarurligini ko'rsatmoqda. Ushbu maqsadga erishish, shubhasiz, universitetlar o'rtasida global raqobat kuchayishi tufayli qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi [9]. Bu muammoni hal etishda O'zbekiston rivojlangan mamlakatlar, jumladan, AQSh, Buyuk Britaniya, Yevropa va Osiyo mamlakatlari ilg'or tajribalariga tayanishi kerak.

O'zbekiston Respublikasi keyingi o'n yillikda oliy ta'lim tizimini Markaziy Osiyoda xalqaro ta'lim dasturlarini amalga oshiruvchi mintaqaviy ta'lim markaziga aylantirishga intilmoqda [3]. O'zbekiston hududida ko'plab xorijiy oliy ta'lim muassasalarining mavjudligi ana shu intilishlarning ro'yobga chiqishida katalizator bo'lib xizmat qilmoqda. Mahalliy universitetingizni keng doiradagi xalqaro talabalarni qabul qilishga tayyorlash muhimdir. Ta'lim jarayonining xalqaro standartlarga mos kelishini ta'minlash uchun me'yoriy hujjatlar va ta'lim dasturlari doimiy ravishda takomillashtirilishini talab etadi.

O'zbekistonda oliy ta'limni baynalmilallashtirish muhimligi bir qancha keng ko'lamli omillar bilan ta'kidlanadi. Birinchidan, bu oliy ta'limni rivojlantirishning asosiy strategiyasi va ustun tendensiyasiga aylandi. Bundan tashqari, u milliy iqtisodiy rivojlanishning ajralmas tarkibiy qismi va madaniy xilma-xillik va milliy o'ziga xoslikni rivojlantirish mexanizmi bo'lib xizmat qiladi.

Oliy ta'limning baynalmilallashuvi oliy ta'lim va iqtisodiy taraqqiyotning rivojlanishiga hissa qo'shadi hamda madaniy xilma-xillik va milliy o'ziga xoslikni rag'batlantirish uchun keng e'tirof etilgan. Ayrim tadqiqotchilar buni milliy ta'lim dasturlariga G'arb standartlarini qo'llash deb hisoblashadi. Bu ayni paytda oliy ta'lim, til va madaniyat milliy tizimini rivojlantirish hamda G'arb standartlarini amaliyotga integratsiyalashuviga ko'maklashuvchi tamoyillarda o'z ifodasini topgan. O'zbekiston ana shu nuanslarga e'tibor qaratishi kerak, chunki baynalmilallashtirish xususiyatlari oliy ta'lim tizimi, milliy til va milliy madaniyatning jahon sivilizatsiyasiga chuqurroq integratsiyalashuviga olib keladi.

Xulosa

Xulosa qilib shuni ta'kidlaymizki, oliy ta'limni xalqarolashtirish jahon miqyosida tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bu nafaqat O'zbekistonda oliy ta'lim rivojiga xizmat qiladi, balki O'zbekiston universitetlarining jahon miqyosida raqobatbardoshligi va barqarorligini ta'minlaydi. Bu jarayon O'zbekistonda oliy ta'lim mazmuniga yangi metodologiyalarni joriy etish, ularni

xalqaro standartlarga moslashtirish va oliy ta'lim muassasalarining xalqaro e'tirofini ta'minlash imkonini beradi. O'zbekiston oliy ta'lim tizimini xalqaro ta'lim dasturlarini amalga oshiruvchi ta'lim markaziga aylantirishda baynalmilallashuv muhim o'rin tutadi. Ushbu g'oyani amalga oshirish uchun O'zbekiston ta'lim sifatini xalqaro standartlar darajasiga ko'tarish, universitet infratuzilmasini yaxshilash, xalqaro talabalarni jalb etadigan ta'lim dasturlari va xizmatlarini rivojlantirishga e'tibor qaratishi kerak. Jahon oliy ta'limda faol ishtirok etish O'zbekiston muvaffaqiyatining muhim omili bo'lib, oliy ta'limning baynalmilallashuvi milliy oliy ta'lim tizimi, tili va o'zligini targ'ib qilish mexanizmi bo'lib xizmat qilishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Knight, J. (2004). Internationalization remodeled: De"nition, approaches, and rationales. *Journal of Studies in International Education*, 8(1), 5–31.
2. Knight, J., & De Wit. (2018). Internationalization of higher education. Past and future. *Journal of International higher education*, 2. The Boston College Center for international higher education Number 95.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. (2019). 8 avgust "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'limini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi.
4. Eshchanov R.A., Xodjaniyozov S.U. va Matlatipov G. (2011). Xalqaro hamkorlik doirasida O'zbekistonda oliy ta'limda masofaviy va elektron ta'limni rivojlantirish. http://www.Erasmusplus.uz/images/shared/le/NEO%20nashri%20202018%20%20yangilangan_11_12_2018_WEB_YANGI%20.pdf.
5. Qo'shnazarov M. (2015). O'zbekistonda talabalarining xalqaro mobilligi: chet elga kelgan talabalarni motivatsiyasi (Dissertatsiya). Pokfulam, Gonkong SAR: Gonkong universiteti.
6. Asrorova L. Q. Buxoro madrasasi tarixidan. – Toshkent: Hilol ni bosing, 2016.
7. De Wit, H. (2002). Internationalization of higher education in the United States of America and Europe: A historical, comparative, and conceptual analysis. Westport, CT: Greenwood Press.
8. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi "El-yurt umidi" jamg'armasining rasmiy sayti. (1996-2003). Bitiruvchilar. <https://eyuf.dan.uz/uz/>.
9. YuNESKO Statistika Instituti. (2019). Oliy ta'lim talabalarining global oqimi: O'zbekiston.
10. Hakimov N.X., Amridinova D.T. Inson kapitalini takomillashtirish jarayonida oliy ta'limning o'rni. O'zbekiston Milliy universitetining 105 yilligiga bag'ishlangan xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya Inson kapitalini rivojlantirish milliy iqtisodiyot barqarorligi omili, 2023-yil 3-may.
11. Vakhobova M.A. Innovations in education as a necessary condition for the development of creativity of university students. *Epra International journal of multidisciplinary research*. 2020-yil, may.

Nashrga prof. N.Hakimov tavsifiya etgan

SIYOSIY BARQARORLIKNI TA'MINLASHDA DAVLAT HOKIMIYATINING ROLI

Avazov K.X. (Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi qoshidagi Ijtimoiy va ma'naviy tadqiqotlar instituti)

Annotatsiya. Maqola zamonaviy sharoitda davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining o'rni va roli qay darajada rivojlanganligi hamda uning davlat va jamiyat milliy xavfsizligini ta'minlashning asosiy omillaridan biriga aylanishi tahliliga bag'ishlangan. Aniqlanishicha, siyosiy barqarorlik murakkab, ichki tuzilgan hodisa sifatida asosan jamiyat ko'lami va sohalari nuqtayi nazaridan o'rganiladi; qo'llab-quvvatlash obyektlari va subyektlari bo'yicha; qo'llab-quvvatlash tezligi va resurslari bo'yicha; bu davlatni ijtimoiy-siyosiy boshqarishning mohiyati va unga erishish vositalari haqida va hokazo.

Tayanch so'zlar: *siyosiy barqarorlik, barqarorlik, ijtimoiy-siyosiy barqarorlik, tizim, siyosiy tizim, jamiyatlar, davlatlar.*

МЕСТО И РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ УГРОЗОУСТОЙЧИВОСТИ ГОСУДАРСТВА И ОБЩЕСТВА

Аннотация. Статья посвящена анализу степени разработанности места и роли органов государственной власти в современных условиях и становление его одним из ключевых факторов обеспечения его национальной безопасности государства и общества. Выяснено, что политическая стабильность как сложное, внутренне структурированное явление исследуется в основном по масштабам и сферам жизни общества; по объектам и субъектам обеспечения; по темпам и ресурсам обеспечения; по характеру социально-политического управления данным состоянием и средствам его достижения и др.

Ключевые слова: *политическая стабильность, стабилизация, устойчивость, социально-политическая стабильность, система, политическая система, общество, государство.*

THE PLACE AND ROLE OF STATE AUTHORITY IN ENSURING THE STABILITY OF THE STATE AND SOCIETY

Annotation. The article is devoted to the analysis of the degree to which the place and role of public authorities has been developed in modern conditions and its becoming one of the key factors in ensuring the national security of the state and society. It was found that political stability as a complex, internally structured phenomenon is studied mainly in terms of the scale and spheres of society; by objects and subjects of support; on the pace and resources of support; on the nature of socio-political management of this state and the means of achieving it, etc.

Key words: *political stability, stabilization, stability, socio-political stability, system, political system, societies, states.*

Сиёсий барқарорликни сақлаш, йирик ижтимоий гуруҳлар – этник гуруҳлар, синфлар, диний жамоалар ўртасидаги тўқнашувларнинг олдини олиш ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш сиёсатининг аъъанавий вазифаларидан биридир.

Шуни таъкидлаш керакки, жаҳон сиёсий амалиётида тинч ижтимоий-сиёсий, миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларни сақлаш, ички низоларнинг олдини олишнинг шакл ва усуллари анча вақт давомида ишлаб чиқилган ва синовдан ўтган.

Шу билан бирга, замонавий давлатлар бундай тўқнашувларнинг олдини олиш учун барча воситалар ва усуллар арсеналига қарамай, сиёсий барқарорликни сақлаш учун курашда кўпинча экстремистик ижтимоий-сиёсий, этник ва диний ташкилотлар вакили бўлган рақибларига ютқазади.

Бугунги кунда экстремистик кучлар ахборот-психологик таъсир ўтказиш ва ижтимоий онгни манипуляция қилиш усуллари аввалгидан ҳам кенгроқ қўллай бошладилар, бу эса аҳолининг катта қисмини сиёсий сафарбарлик билан таъминлашга, уларни ҳокимиятни легитимлигини йўқ қилиш учун манипуляторлар манфаати учун ҳаракат қиладиган оломонга айлантиришга имкон берди.

Сиёсий режимларнинг муҳолифлари, шунингдек, аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламларининг норозилик салоҳиятидан фойдаланадилар. Ушбу омил сиёсий тизимларни

беқарорлаштирадиган ва давлатларнинг парчаланишига олиб келадиган миллатлараро ва динлараро низоларни қўзғатишда ҳисобга олинади.

2011 йилда яқин Шарқ мамлакатларидаги кўзғолонлар (Яман), Грузия, Украина, Қирғизистондаги "рангли" инқилоблар, Қозоғистон Республикасида давлат тўнтаришига бўлган ҳаракатлар, собиқ Югославиянинг кулаши шуни кўрсатдики, ҳукуматларнинг кулаши, биринчи навбатда, уларнинг давлат ижтимоий-иқтисодий, этник-миллий ва минтақавий сиёсатни амалга оширишдаги тизимли муваффақиятсизликлари, ҳокимиятнинг тўпланиб қолган ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг ўз вақтида еча олмаслиги билан изоҳланади.

Жамиятдаги қарама-қаршиликлар, беқарорлаштириш учун жавобгарликни фақат сиёсий муҳолифатга юклашга, "душман қиёфасини" шакллантиришга ва инқироз жараёнларини "фитна назарияси" нуқтаи назаридан тушунтиришга уринишлар услубий жиҳатдан ёмон муносабатдир. Шу сабабли, илмий жамоатчиликнинг асосий эътибори, биринчи навбатда, мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаш йўллари ва ички шароитларини ўрганишга қаратилиши керак.

Шубҳасиз, ҳар қандай давлатнинг сиёсий барқарорлигига таҳдид соладиган таҳдидларга қарши туришнинг асосий шarti фаровон ва эртанги кунга дахлдор жамиятни барпо этишдир. Ижтимоий, иқтисодий, экологик, ёшларга оид сиёсат муаммоларига расмий ҳужжатларда ҳам, тадқиқотларда ҳам катта ўрин берилгани бежиз эмас.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистонда модернизация жараёнлари ҳали тугалланмаган ва мавжуд ижтимоий қарама-қаршиликларни тартибга солишнинг маънавий, мафқуравий, ижтимоий-иқтисодий ва институционал асосларини барқарорлаштириш жараёнлари кетмоқда.

Ушбу асосларни мустаҳкамлаш йўллари истиқболли, улар алоҳида ўрганишга лойиқдир, аммо бу вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотимизда бошқа нарсага - биринчи навбатда сиёсий барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш технологияларига эътибор берамиз.

Сиёсий барқарорликни жамиятнинг сиёсий ҳаётининг ҳолатини тавсифловчи яхлит ва кўп қиррали ҳодиса сифатида ўрганишда унинг давлатдаги ҳокимият муносабатларига бевосита таъсир кўрсатадиган асосий таркибий жиҳатларини таҳлил қилиш энг муҳим ҳисобланади. Ушбу жиҳатларни аниқлаш жамиятдаги сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги ва даражасини, шунингдек уларнинг мамлакат хавфсизлигига таъсир даражасини аниқлашга имкон беради.

Бугунги кунда давлат фаолияти самарадорлигининг барқарор ва изчил ривожланиши кўп жиҳатдан янги муаммоларга тезкор жавоб бера оладиган ва жамият учун мақбул ечимларни тақлиф қила оладиган, фуқароларга конституциявий ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган ва жамиятда низоларсиз ижтимоий тартибни сақлайдиган кўп даражали давлат ҳокимияти тизимининг мавжудлиги билан белгиланади.

Сиёсий тизимнинг барқарорлиги универсал умумлаштирилган хусусият бўлиб, унинг ривожланишининг маълум бир даврида жамиятнинг муҳим параметрларини кўрсатишга имкон беради. Барча жиҳатларда жамиятнинг барқарорлиги уни аниқлаш жараёнида ва умуман тарихий йўлнинг векторида муҳим рол ўйнайди. Хорижий амалиётда ушбу тоифани тушунишга турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар таркибий, функционал, институционал ва ҳуқ-атвор ёндашувлари доирасида ишлаб чиқилган.

Ф. Билли, С. Доудинг ва Р. Кимбер сиёсий барқарорликни жамиятда ноқонуний зўравонликнинг ҳақиқий таҳдиди йўқлиги ёки инқирозли вазиятда уни енгишга имкон берадиган давлат имкониятлари мавжудлиги деб изоҳлайдилар;

Э. Циммерман маълум бир узоқ вақт давомида битта ҳукуматнинг фаолияти сифатида, мос равишда унинг ўзгарувчан ҳақиқатларга муваффақиятли мослашиш қобилиятини назарда тутди;

С. Хантингтон конституциявий тузумнинг мавжудлиги сифатида;

С. Липсет ва Д. Сиринг ҳокимиятнинг қонунийлиги натижасида яъни, барқарорлаштириш жараёни ҳокимиятнинг қонунийлиги омили билан қатъий белгиланади¹.

Ҳокимиятнинг ички стимули-бу мавжуд тартибни сақлаш, жамиятни урушлар, можаролар ва инқилоблардан ҳимоя қилиш истаги, сиёсий тизимда таркибий ўзгаришларнинг йўқлиги ёки уларни бошқариш қобилиятининг мавжудлиги, ташкилотнинг куч ва ижтимоий шакллариининг уйғунлиги натижаси хулқ-атвор модели ва ижтимоий атрибутидир.

Европа мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат ҳокимиятининг турли даражалари, давлатдан тортиб то муниципал ҳокимиятгача бўлган бошқарув ва ўзаро таъсирнинг яхши ташкил этилган механизми ҳар бир фуқаро ва умуман жамият манфаати учун давлат бошқарувининг барқарор ва изчил ривожланишини таъминлашга имкон беради.

Самарали бошқарув механизми, қоида тариқасида, давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг марказлаштирилмаган тизимига эга ва ривожланган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимига эга бўлган давлатларда шаклланади, бу ерда ҳар бир бошқарув даражасига тегишли ваколат ва ресурслар берилади².

С. Савин ўзининг "Ўзгарувчан жамиятдаги сиёсий барқарорлик" асарида сиёсий барқарорликнинг объектив ва субъектив омилларини аниқлаб ва қуйидаги икки омилни кўрсатиб ўтган.

Биринчи; у сиёсий институтларнинг барқарорлиги ва ҳокимиятни тақсимлаш тизимининг самарадорлигини қўллаб-қувватлайдиган режим ва жамиятнинг сиёсий маданияти.

Иккинчи; жамиятдаги ҳокимиятнинг самарадорлиги ва қонунийлигини ўз ичига олади. Жамиятнинг сиёсий ва бошқа соҳаларининг турли таркибий қисмларида барқарорлик учун шароитларнинг мавжудлигига, шунингдек барқарорлаштириш механизмларига қараб, муаллиф ижтимоий тизимдаги сиёсий барқарорликнинг ҳар хил турлари ва даражаларини таъкидлайди. Идеал-сиёсий барқарорликнинг типик модели сиёсий режимнинг маълум бир турига боғлиқ.

Сиёсий барқарорликни сақлаш, сиёсий хавфсизликни таъминлаш вазифаларидан бири сифатида Андрей Семченков "Жамиятнинг сиёсий барқарорлигини сақлаш" концепциясининг ўзига хос мазмунини таклиф қилган. Унинг фикрича, буни давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳокимиятнинг қонунийлигини таъминлаш, ички фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик, ҳудудий яхлитликни сақлаш ва минтақавий даражада суверенитетни, мамлакат бўйлаб ташқи, ички ва трансчегаравий таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлари ва ҳаракатлари тизими сифатида қараш мумкин³. Сиёсий барқарорликнинг асосий жиҳати сиёсий ҳокимиятнинг легитимлигидир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзбек миллий давлатчилигидаги ўрни масаласини тарихий жиҳатдан илмий тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тарихий воқеа ва ҳодисалар моҳиятини чуқур англаш учун, аввало, улар тарихий жараёнларда қандай юз берганлигини, ўз тараққиётида қайси босқичларни босиб ўтиб, шаклан ва мазмунан қандай ўзгаришлар юз берганини кузатиш мумкин. Бундай тарихий ёндашувсиз, айниқса, мустақиллик йилларида, миллий давлатчиликнинг ўзвий қисми бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар моҳиятини тушуниш, уларга ҳолисона баҳо бериш қийин.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек ўзбек давлатчилиги узоқ тарихий даврни бошидан кечирди ва давлатни ташкил этиш бошқариш соҳасида жиддий тажриба орттирди).

¹Макарычев А.С. Стабильность и нестабильность при демократии: методологические подходы и оценки // Политические исследования, 1998. – №1. – С. 149-158.

²Сытин А.В. Роль местного самоуправления в жизнедеятельности современного общества и государства (опыт стран Европейского союза) // Большая Евразия: развитие, безопасность, сотрудничество, 2022. – №5-1.

³Семченков А.С. Противодействие современным угрозам политической стабильности в системе обеспечения национальной безопасности России: автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора политических наук: спец.23.00.02-Политические институты, процессы и технологии. – М., 2012. – С. 50.

Бунда буюк Амир Темур даври давлатчилик тизими алоҳида ўрин тутди) Амир Темур ўз бошқарув фаолиятида замонлар синовидан ўтган назарий ва амалий асосларга таянди ва уларни такомиллаштирди). “Темур тузуклари” да баён қилинишича Амир Темур давлат бошқарувини ҳозирги демократик принципларга яқин талаб-тамоийиллар асосида амалга оширган). Булар: а) деярли барча ишлар (кенгаш тадбир ва машварат орқали ҳаётга татбиқ этилган; б) қонун устуворлигига катта эътибор берилган) Суд (адлия тизими тармоқларга бўлинган). Қонунчиликда фуқаро манфаати биринчи ўринда турган) “Куч адолатда” тамойилига амал қилинган; в) халқ-давлат муносабатларида жамиятдаги барча табақа фаолияти ва манфаатлари ўзаро ҳурмат тенглик принципларига асосланган; г) давлат хизматидаги амалдорлар ақл-заковати, билимдонлиги бошқарувчилик қобилияти, ҳалол-поклиги, ахлоқ-одоби ва сабр-чидамлигига қараб танлаб қўйилганлар; д) давлат бошқаруви иккита орган-даргоҳ-энг олий давлат идораси ва девонларга (вазирликларга) бўлинган; е) давлат раҳбари бир сўзли ўз ишини билиб қилиши ўзи ва атрофидагиларга адолатли бўлиши, ҳолис, қатъийлик билан иш юритиши, фикрлар хилма-хиллигидан чўчимаслиги қизиққон бўлмаслиги мулоҳаза билан иш юритиши лозим¹, деб топилган.

Бу ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимияти органларини миллий давлатчиликдаги ўрни масаласини тарихий жиҳатдан аниқлаб олишни тақозо қилади. Маълумки, давлат ҳокимияти органлари жамиятнинг, унинг ҳар бир қисмида яшовчи аҳоли эҳтиёжлари ва миллий манфаатларини ўзида акс эттириши лозим. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети расман эълон қилинди ва “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонунга биноан Ўзбекистон мустақил, демократик давлат деб эътироф этилди ҳамда ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаш² мустаҳкамланди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат ва жамият қурилишининг ўзига хос моделини вужудга келтириш, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад - ҳокимиятнинг барча тармоқлари, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимининг масъулияти ва самарасини ошириш ҳисобланди. Бу эса 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди. Конституциянинг XXI боби “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари”га бағишланган бўлиб, унда маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизимда бўлиши ҳуқуқий асосланди ва ушбу меъёр 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда ҳам акс эттирилди

Агар мамлакат фуқаролари ҳокимият институтларини, уларнинг ваколатларини амалга оширишнинг қонуний асосларини ва улар томонидан яратилган жамият мавжудлигининг сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий шартларини қўллаб-қувватласа, уларни легитим деб ҳисоблаш мумкин³.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ўзининг табиатига кўра очиқ демократик хусусиятга эга бўлиб, аҳолининг давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминлайди.

Жамиятнинг сиёсий тизими турли вазифа-функцияларни бажарувчи тузилмалардан иборат бўлиб унда сиёсий институтлар алоҳида ўрин тутди. Ижтимоий-сиёсий манбаларда сиёсий институтлар таркибига ҳокимият асосларини ташкил этувчи ва ҳокимиятни амалга оширувчи давлат сиёсий партиялар манфаатлар гуруҳлари ижтимоий ҳаракатлар, ташкилот, уюшмалар, оммавий ахборот воситалари киритилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари доирасида аҳолининг энг долзарб эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар, фаолият шакллари ва усуллари шакллантирилади. Буларнинг барчаси маҳаллий ва марказий ҳокимият даражасида ижтимоий-сиёсий тизимни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини

¹Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи. – С. 173-182.

²Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 3-сон. – Тошкент: Адолат, 1993. – Б. 114.

³Цуренков Н.В. Основные аспекты политической стабильности и их влияние на пограничную безопасность российского государства // Социально-гуманитарные знания, 2014. – №5.

ривожлантириш билан бирга сиёсий ҳокимиятнинг таҳдидбардошлигини сезиларли ошишига ҳисса қўшади.

Сўнгги йилларда мамлакатда давлат ва жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларида, шу жумладан, давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатнинг ривожланишида давлат ҳокимияти нафақат муҳим ўрин тутаяди, балки ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Айнан давлат ҳокимиятининг қайси йўналишда, кимлар томонидан ва қай йўсинда амалга оширилиши кўп жиҳатдан мамлакат ва аҳоли тақдирини белгилаб келган. Буни инсоннинг бир неча минг йиллик тарихий тажрибаси яққол тасдиқлайди десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Давлат ҳокимияти ижтимоий ҳокимиятнинг асосий тури сифатида азалдан тадқиқотчилар ва сиёсатчиларнинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Профессор З.М.Исломов таъкидлаганидек, “ҳокимият масалалари ҳеч қачон сиёсий майдондан четда бўлмаган ва ҳар қандай ҳолларда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган”¹.

Юнон файласуфи Аристотель ҳокимиятни, энг аввало, аъзолари умумий иродага бўйсуниб асосланадиган кишилар жамоасини (жамиятни) ташкил этиш, унинг яхлитлиги ва бирлигини таъминлаш учун зарур деб ҳисоблаган².

Давлат ҳокимиятининг сиёсий ҳокимиятнинг бошқа турларидан (оила, ижтимоий гуруҳ ва бошқалар) фарқи шундаки, у алоҳида шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг эмас, балки бутун жамият манфаатларини жамлайди ва ифодалайди. Давлат ҳокимияти жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий жараёнлар бошқарувини таъминлайди. Шу маънода, давлат ҳокимияти ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб феноменларидан бўлиб, унда инсоният цивилизациясининг энг муҳим қирралари акс этади, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришган кундан бошлаб, биринчи навбатда, мақбул ва самарали давлат бошқаруви тизимини яратишга қаратилган маъмурий ислохотлар бир неча бор амалга оширилди, чунки фақат самарали давлат ҳокимияти долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун шароит яратишга қодир.

Шуни таъкидлаш керакки, замонавий дунёда давлатнинг ролини, унинг функцияларини, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни, унинг органларини тушунишни қайта кўриб чиқиш тенденциялари сезиларли. Натижада, бир қатор мамлакатларда маъмурий ислохотларни амалга оширишга уринишлар, шу жумладан, давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ.

Уларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бу бутун жамиятнинг саъй-ҳаракатларини ва энг муҳими, у билан мулоқот қилиш учун ҳокимиятнинг очиклигини талаб қиладиган узоқ, қийин иш. Шу билан бирга, шошилинч ва нотўғри ўйланган қарорлар катта иқтисодий ва ижтимоий йўқотишларга олиб келиши мумкин, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг муваффақияти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

А.М.Нагимованинг таъкидлашича давлат бошқаруви соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш нафақат давлат муассасаларининг тузилиши ва давлатларни ўзгартириш, балки тўлиқ ҳокимият органларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш, ушбу ваколатлар ва функцияларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришдир.

Бирок, давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш жамият учун муҳим ва зарур функцияларни "йўқотиш" нинг қабул қилиниши мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак.

Бунинг сабаби шундаки, давлат бошқарув органи самарадорлиги у томонидан назорат қилинадиган соҳаларни қамраб олишнинг кенглиги билан эмас, балки жамоат манфаатларига ҳақиқий риоя қилиш, мамлакатда сиёсий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

¹Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальна яценность. – Т.: ТПОИ, 2003. – С. 13.

²Аристотель. Соч.: В4-хт. – М., 1984. Т. 4. – С. 376-380.

Буни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг юксалиши, хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасидаги устувор йўналишлари бўйича ҳисобот даврида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5185-сон, 2019 йил 28 январдаги “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5644-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” ПҚ-4136-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида” ги 82-сон қарори қабул қилинди¹.

Мамлакатда давлат бошқаруви ислоҳоти қачон муваффақиятли бўлади? Агар мамлакатнинг ҳар бир субъекти даражасида нафақат белгиланган ва ҳал қилинадиган мақсад ва вазифалар, амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида аниқ тушунча бўлса, балки қутилган яқуний натижаларга эришишни баҳолаш механизми ҳам жорий этилса. Ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши нафақат ҳудудий давлат бошқаруви органларининг аҳолига жавобгарлигига, унинг шаффофлигини мустаҳкамлашга, балки давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам ўзвий боғлиқ.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир нечта дастурлар амалга оширилмоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу фаолиятдан максимал даражада фойдаланиш учун нафақат умумий натижаларни баҳолаш, балки давлат органлари фаолиятини доимий мониторинг қилиш талаб этилади ва ушбу лойиҳаларни баҳолаш уларни амалга ошириш даврида ҳам, дастурни амалга ошириш натижалари бўйича ҳам амалга оширилиши керак.

Ҳозирги вақтда фаолиятни баҳолашнинг муҳим усуллари ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилмоқда, шу жумладан, эксперт таҳлил қилиш, меъёрий хариталарни тузиш усуллари ва бошқалар.

Ушбу усуллар турли мамлакатларда амалда муваффақиятли амалга оширилди. Бирок, ҳозирги вақтда давлат органларининг баҳолаш фаолиятига ёндашувлар ўзгариши керак.

Давлат органи ва давлат хизматчисининг фаолиятини баҳолашда янги ёндашувларнинг йўқлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва давлат бошқарувини ислоҳ қилиш натижаларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашга янги услубий ёндашувларни жорий этиш белгиланган мақсадлар ва яқуний натижаларга эришиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Маҳаллий давлат органларида самарадорликни баҳолашга замонавий услубий ёндашувларнинг амалий қўлланилиши узоқ вақт режалаштиришни, фуқароларнинг талабларига жавоб берадиган давлат хизматларини кўрсатишни таъминлайди; бюджет маблағларини ижтимоий зарур ва иқтисодий асосланган харажатларга йўналтиришга ёрдам беради, қабул қилинган бошқарув қарорларининг асослилигини ва мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг жавобгарлигини оширади.

Давлат тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат бошқаруви ислохотларининг ўзига хос хусусияти ушбу ислохотлар самарадорлигининг объектив микдорий кўрсаткичларини аниқлашнинг мураккаблиги ҳисобланади. Шу

¹<https://strategy.uz/>

муносабат билан тақдим этилаётган самарадорлик кўрсаткичларининг муҳим қисми аҳоли, давлат хизматчилари, ишбилармон доираларни ўрганиш натижаларига асосланади.

Шундай қилиб, айни вақтда янги Ўзбекистонда кучли ва эркин фуқаролик жамиятини куришнинг, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида натижадор ҳамкорликни ташкил этишнинг, шунингдек, ислохотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим воситаси бу – жамоатчилик назорати институти экани янгиланган сиёсатнинг ўзагини ташкил этмоқда.

Шу маънода, мамлакатда жамоатчилик назорати институти фаолиятини янада ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини кучайтириш, давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш, мухтасар айтганда, давлат, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг тизимли мулоқотини йўлга қўйиш масалаларига устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Макарычев А.С. Стабильность и нестабильность при демократии: методологические подходы и оценки // Политические исследования, 1998. – №1. – С. 149-158.
2. Сытин А.В. Роль местного самоуправления в жизнедеятельности современного общества и государства (опыт стран Европейского союза) // Большая Евразия: развитие, безопасность, сотрудничество, 2022. – №5-1.
3. Семченков А.С. Противодействие современным угрозам политической стабильности в системе обеспечения национальной безопасности России: автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора политических наук: спец.23.00.02-Политические институты, процессы и технологии. – М., 2012. – С. 50.
4. Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи. – С. 173-182.
5. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 3-сон. – Тошкент: Адолат, 1993. – Б. 114.
6. Цуренков Н.В. Основные аспекты политической стабильности и их влияние на пограничную безопасность российского государства // Социально-гуманитарные знания, 2014. – №5.
7. Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. – Т.: ТПОИ, 2003. – С. 13.
8. Аристотель. Соч.: В4-хт. – М., 1984. Т. 4. – С. 376-380.

Наширга проф. С. Чориев тавсия этган

ENERGY FACTOR IN JAPAN'S RELATIONS WITH CENTRAL ASIAN COUNTRIES

Suyunova B.S. (TSUOS)

Annotation. This article describes the role and importance of the energy factor in Japan's relations with countries in the Central Asian region. Japan's domestic oil and natural gas reserves are very limited, and there is no doubt that its interests in the economic and cultural spheres are no less than those in the security and political spheres. The alternative of Central Asia to Russia and the Middle East in ensuring Japan's energy security was highly appreciated by the Japanese, such cooperation relations are also positively received by the oil and gas rich countries of Central Asia.

Key words: *energy policy, METI, Silk Road diplomacy, national energy strategy, resource diplomacy.*

ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЙ ФАКТОР В ОТНОШЕНИЯХ ЯПОНИИ СО СТРАНАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация. В данной статье описывается роль и значение энергетического фактора в отношениях Японии со странами Центральноазиатского региона. Внутренние запасы нефти и природного газа Японии весьма ограничены, и нет никаких сомнений в том, что ее интересы в экономической и культурной сферах не уступают интересам в сфере безопасности и политики. Альтернатива Центральной Азии России и Ближнего Востока в обеспечении энергетической безопасности Японии была высоко оценена японцами, такие отношения сотрудничества также положительно воспринимаются богатыми нефтью и газом странами Центральной Азии.

Ключевые слова: *энергетическая политика, METI, дипломатия Шелкового пути, национальная энергетическая стратегия, ресурсная дипломатия.*

YAPONIYANING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN MUNOSABATLARIDA ENERGIYA OMILI

Annotatsiya. Ushbu maqolada Yaponiyaning Markaziy Osiyo mintaqasidagi davlatlar bilan munosabatlarida energiya omilining o'rnini va ahamiyati yoritilgan. Yaponiyaning ichki neft va tabiiy gaz zaxiralari juda cheklangan bo'lib, uning iqtisodiy va madaniy sohadagi manfaatlari xavfsizlik va siyosiy sohadagi manfaatlaridan kam emasligiga shubha solmaydi. Yaponiyaning energetika xavfsizligini ta'minlashda Markaziy Osiyoning Rossiya va Yaqin Sharqqa muqobilligi yaponlar tomonidan yuqori baholandi, bunday hamkorlik aloqalari Markaziy Osiyoning neft va gazga boy mamlakatlari tomonidan ham ijobiy qabul qilinadi.

Kalit so'zlar: *energetika siyosati, METI, Ipak yo'li diplomatiyasi, milliy energetika strategiyasi, resurs diplomatiyasi*

Introduction. Japan has very limited domestic oil and natural gas reserves and it is one of the leading countries in importing energy resources. In particular, in 2021, it took the fifth place in the world in terms of energy consumption. Although consumption is expected to grow by 2.3% in 2021, primary energy consumption has been gradually declining over the past decade. Although renewables (10%) and nuclear (3%) will account for the smallest share of Japan's primary energy consumption in 2021, the only energy sources with increasing overall shares since 2015 were renewables and nuclear. In 2022, Japan overtook China to regain its status as the world's largest LNG importer, despite a 3% decline in imports from 2021. As a result of insufficient domestic resources, Japan, which ranks fifth in the world in terms of oil consumption, in 2022 covered more than 97% of Japan's energy demand at the expense of imports. In 2022, Japan will overtake China as the world's largest importer of liquefied natural gas, despite a 3% drop in imports from 2021 [1].

Energy policy in Japan mainly has three directions, which include energy security, environmental protection, and economic efficiency. Ken Koyama, an employee of the Institute of Energy Economics, gave a brief definition of "energy security" and described it as the provision of sufficient energy supply at reasonable prices to achieve and support sustainable development of the national economy and the economic/social well-being of citizens [2].

The Ministry of Economy, Trade and Industry (METI) is responsible for formulating Japan's energy policy. Within METI, the Natural Resources and Energy Agency is responsible for rational development of mineral resources, ensuring stable energy supply, promoting efficient use of energy, regulating electricity and other energy sectors.

Including the reserves in Kazakhstan, Turkmenistan and Uzbekistan, there are 5.6 billion tons of oil reserves, which is 34% of the discovered reserves in the CIS countries and 3.5% of the world reserves. Gas reserves are 7.75 trillion cubic meters, it is 3.2% of the CIS and 4.3% of the world [3].

In August 1997, the head of Japan's Economic Planning Department T.Aso's visit to Central Asian countries laid the foundation for extensive economic cooperation between Japan and Kazakhstan, Uzbekistan and Kyrgyzstan. The main topic of the negotiations was the vital problem of attracting Japanese investment to their economy and, first of all, to the energy sector for the republics. In order to implement the economic component of the new strategy, in September 1997, a delegation of the Keizai Doyukai The Japanese Economic Association, which brought together representatives of Japan's leading business circles, visited the same republics. During the visit, the members of the delegation got acquainted with the economic situation in the republics, the problems of transition to the market economy, and most importantly, they created a basis for active cooperation with them in the future. Based on Kazakhstan and Turkmenistan's resource potential, and Uzbekistan as one of the important transit routes of these resources, Japan pays special attention to these countries and allocates large funds for their development. One of the first steps towards the implementation of "Silk Road Diplomacy" was the visit of the Keidanren (Federation of Economic Organizations) delegation to Kazakhstan and Uzbekistan. The main topic of the negotiations was the discussion of prospects for further deepening of cooperation on the development of oil and gas fields. In August 1998, when the leadership changed in Japan and the new Prime Minister K.Obuchi came to power, his government continued the course of establishing active cooperation with the countries of Central Asia. As a result, in January 1999, a new document related to the countries of the region was adopted - the "Program of Actions on the Diplomacy of

the Great Silk Road", which indicated the need to develop and improve the country's infrastructure, according to which special assistance was given to the republics in the development of natural resources. focused. This program was intended to develop all-round trade and economic cooperation, strengthen political ties, and assist the countries of the Great Silk Road in transitioning to a market economy. "Eurasian diplomacy", which defined relations with the countries of the Silk Road, was supported by the statesmen of the Central Asian republics. Another important aspect of the Eurasian initiatives was the implementation of cooperation in the field of transport and communications as the foundation of the Silk Road revitalization projects. Among them, the development of railway communication is of fundamental importance, because it is more economical than road transport for long-distance transportation. It is taken into account that a few equipment and pipelines necessary for launching oil and gas projects and building main pipelines can be delivered to Central Asia only by rail. The development and modernization of intra-regional and inter-regional road communications was seen as a necessary condition for further economic growth in the entire region. In order to create a modern transit point of the Silk Road in Central Asia, special attention was paid to the development of air transport in the region and modernization of airports [4].

The following facts show that Japan is interested in developing and intensifying relations with Central Asian countries in the field of energy:

– In May 2006, Japan's Ministry of Economy, Trade and Industry announced a new national energy strategy. It was emphasized that Japan needs to expand its relations with countries rich in energy resources. This project was supposed to be based on the creation of powerful transnational corporations for the extraction, processing and transportation of raw materials. If the share of Japanese domestic oil production and transportation companies is currently about 15%, by 2030 it should reach 40%.

– In their statements, Japanese officials emphasize the need to expand cooperation with Central Asian countries in the field of energy. The Prime Minister of Japan visited Kazakhstan and Uzbekistan for the first time on August 28-31, 2006. In a meeting with the President of Kazakhstan, Nursultan Nazarbayev, Junichiro Koizumi stated that the Japanese side intends to activate cooperation with Kazakhstan in nuclear energy, including development of uranium deposits. At the end of the meeting, a memorandum on the development of cooperation in the use of atomic energy was signed between the governments of Kazakhstan and Japan. In the short term, legal documents reflecting the main approaches to the tasks and methods of ensuring national energy security were developed and adopted by the Ministry of Foreign Affairs of Japan. These include, first of all, the "Energy Policy Basic Law" adopted on June 14, 2002, the "Energy Base Plan" adopted on October 7, 2003 and "Strategies and Approaches of Japanese Energy Diplomacy" updated in April 2004.

The document entitled "Strategies and methods of Japanese energy diplomacy" adopted in 2004 provides for a number of important directions for the implementation of the country's energy diplomacy.

First of all, the priority direction represents the application and strengthening of rapid anti-crisis measures in emergency crisis situations in the energy sector. In accordance with this document, it is necessary for the country to have a sufficient amount of energy reserves in order to ensure the stability of energy supply during possible crises.

Secondly, the document states that Japan attaches great importance to supporting and strengthening friendly relations with the countries of the Middle East, other oil-exporting countries, as well as countries located on important lines of transportation of fuel and energy resources.

Thirdly, Japan also aims to diversify its sources of fuel and energy resources. Based on this goal, official Tokyo begins to strengthen cooperative relations with the countries of Asia, Africa, Latin America and the Russian Federation [5].

Japan has traditionally conducted its energy policy towards the countries of Central Asia based on the principle of "resource diplomacy". However, in the post-Soviet region, the institutionalization of economic cooperation within the framework of the CIS and the SCO led to Japan becoming a "third country" for the countries that joined these structures. This complicated

and expanded Tokyo's economic system in cooperation with the governments of Kazakhstan, Uzbekistan and Kyrgyzstan. Today, new contours of cooperation in the field of energy are gradually forming, which implies not only the trade of energy resources, but also the construction of transport energy infrastructure, interest in renewable energy sources. According to the principles of Japan's energy cooperation with energy-rich countries, the main focus is on the supply of energy and transport equipment from Japan, as well as investments by Japanese companies in the construction of various energy infrastructures. In general, Japan's involvement in Caspian energy projects has declined compared to the United States and Europe due to its past role in the Middle East and Indonesia. The alternative of Central Asia to Russia and the Middle East in ensuring Japan's energy security is highly appreciated by the Japanese and exaggerated by the countries of Central Asia rich in oil and gas. Although the region is rich in oil and gas, the Japanese government has ignored problems related to penetration of the region's energy sector, and technical and political obstacles to transporting oil and gas to Japan. Central Asian leaders, for their part, were willing to support the idea of a pipeline to Japan, as their agenda was to seek alternative routes to export their oil and gas beyond traditional Russian pipelines and to prevent dominance by any particular player. In addition, the more foreign companies compete in the bidding process, the higher their chances of obtaining higher prices and contracts for oil and gas fields.

Currently, there are 3 routes connecting Japan with Central Asia, including the Trans-Siberian Railway, the overland route through China, and the Turkmenistan-Iran Chobahar port route. Since 2000, goods to Japan have been transported through Iran, taking into account the fact that transportation of goods on the Trans-Siberian and Chinese routes requires a lot of money. Also, oil and gas products in Kazakhstan, Uzbekistan and Turkmenistan should be transported in pipelines. For this, the development of pipelines is required. In this regard, Gosuke Horiguchi, the second secretary of the Embassy of Japan in the Kyrgyz Republic, noted that the use of the Siberian route is a convenient way to use pipeline transport.

Tokyo worried about the increasing activity of China, India and the Republic of Korea in the search for energy sources in Central Asia. Therefore, the "Silk Road Energy Mission" went to the countries of the region – Uzbekistan, Kazakhstan, Turkmenistan and Azerbaijan in 2002. The sent "energy mission" was headed by S.Sugiura. His task was to study the possibilities of more active cooperation in the field of energy resources [6].

Japan's interests in the economic and cultural spheres are no less than its interests in the security and political spheres. Most researchers focus on Japan's interest in energy cooperation. Scientist Boryana Miteva, considering the interests of cooperation in the field of energy from a broader perspective, as economic cooperation, explains that the main priority for Japan is the use of raw materials and trade with them due to the lack of raw materials [7].

In conclusion, to realize the great potential of Japan-Central Asia economic relations, stable political development, economic growth, improvement of living standards of the population, increase of solvency, regional integration, cooperation of Central Asian countries with neighboring countries and the international community are necessary. Several conditions are necessary, such as cooperation and security. Therefore, these aspects of cooperation have become one of the main priorities of Japan's policy in the region. Although Japan is worried about the increasing security cooperation within the Shanghai Cooperation Organization (SCO) and the leading participation of Russian and Chinese companies in the energy sector in Central Asia, these can be considered motivating factors for the activation of Japan's policy in the region.

References

1. Country Analysis Brief: Japan. U.S. Energy Information Administration. – Washington, July 7, 2023. – P.1.
2. Liao J.X. Perceptions and Strategies on Energy Security: The Case of China and Japan//Len Ch., Chew A. Energy and Security Cooperation in Asia: Challenges and Prospects. – Sweden: Institute for Security and Development Policy, 2009. – P. 113.
3. Тураев А.С.Марказий Осиёда энергетик хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари.//Ижтимоий фанларнинг долзарб муаммолари: иккинчи анъанавий илмий-услубий конференция материаллари тўплами: Тошкент, 2011 йил 12 май. –Т.: ТошДШИ, 2011. – Б. 145.

4. Усубалиев Э. Проблемы и перспективы политического курса Японии в Центральной Азии. // <https://prudentsolutions-analitika.org/2017/05/03/проблемы-и-политическог/>.
5. Алимов О.И. Шарқий Осиё минтақаси энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташқи сиёсий роли. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2021. – Б.107-109.
6. Dobrinskaya O. Japan and Turkmenistan on the way towards closer cooperation//URL:<http://analitika.org/en/tj-tk/tt-foreign-affairs/55-japan-and-turkmenistan-on-the-way-towards-closer-cooperation.html>
7. Miteva B. Japan's foreign policy towards Central Asia // Almanach via Evrasia: Eurasia between post-empires and post-ideologies. – 2015. – №. 4 – P. 30.

Published by prof. Recommended by S. Choriev

ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ДУНЁҚАРАШ ВА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Эшдавлатов О.Ғ. (НДПИ)

Аннотация. Мақолада дунёқараш ва қадрият тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти, ёш авлод тарбиясидаги роли ва аҳамияти баён этилган.

Таянч сўзлар: *дунёқараш, қадрият, глобаллашув, ёшлар, таълим-тарбия, маънавият, камолот, баркамол шахс.*

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНИЯ И ЦЕННОСТЕЙ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ

Аннотация: В статье раскрыты понятия мировоззрение и ценности, их сущность, роль и значение в воспитании молодого поколения.

Ключевые слова: *мировоззрение, ценности, глобализация, молодежь, образование, духовность, зрелость, всесторонне развитый человек.*

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF WORLDVIEW AND VALUES IN EDUCATING THE YOUNG GENERATION

Annotation: The article describes the concepts of worldview and value, their essence, role and importance in the education of the young generation.

Key words: *worldview, value, globalization, youth, education, spirituality, maturity, well-educated person*

Маълумки, инсоният ҳаётида унинг келажаги ҳисобланган авлодлар, фарзандлар, ёшлар тарбияси муҳим аҳамият касб этиб келган ҳолда, XXI асрга келиб ёш авлод тарбияси масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалалардан бирига айланиб улгурди. Бугунги шиддатли замон, глобаллашув жараёнлари ва унинг салбий таъсирлари, дунёдаги кескин рақобат муҳити, турли хавф-хатарлар биздан жуда катта масъулият ва сафарбарлик билан ишлашни, ҳамма соҳаларда янгича ёндашувни, шу билан бирга, ёш авлод таълим-тарбияси борасида ҳам фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишни, жамиятимизда бу борадаги ишларни тизимли ва изчил амалга оширишни тақозо қилмоқда.

Давлатчилик тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, ҳар қандай давлатнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда янги дунёқарашга эга, мустақил фикрлашга қодир бўлган баркамол ёш авлод тарбияси борасида кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланиб, самарали ишлар амалга оширилди ҳамда бу борадаги ишлар тизимли равишда давом эттириб келинмоқда. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада тўхталиб шундай дейди:

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган.

Аmmo биз яшаётган XXI асрда ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда.

“Тарбия қанчалик мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.¹

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги кенг қўламли ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ёшларнинг юксак маънавиятга эришувини таъминлаш, ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳамда етук баркамол шахсни вояга етказишдир. Шундай мақсадни кўзлаган қўпмиллатли Ўзбекистонда бир мақсад сари интилиш, ёшларнинг келажагини ўйлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни ва роли ҳамда уларда янгича дунёқарашни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТнинг 72-сессиясидаги сўзлаган нутқларида ёшлар масаласига тўхталиб шундай деган эди:

Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.²

Маълумки, мамлакатимиз аҳоли ёш динамикаси бўйича ёшлар мамлакати бўлиб, ёшлар аҳолининг катта қисмини ташкил этади.

Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади.³

Шахс маънавий баркамоллиги, фарзандлар, ўқувчи-ёшлар таълим-тарбияси ҳамма замонларда ҳам энг асосий оилавий, ижтимоий ҳамда умуминсоний бурч ва вазифа саналган. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва объектив шарт-шароит, “замонавий ҳаёт” ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли ҳамда баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишни, жамиятда бу борадаги ишларни тизимли, изчил ва узлуксиз амалга оширишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшлар таълим-тарбияси борасида тўхталиб, шундай таъкидлайди:

Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутаети. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғу мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улғубеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 504-505.

² Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б. 252.

³ <https://president.uz/uz/lists/view/6145>. Ёшлар учун янги имкониятлар белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни кўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.¹

Маълумки, ёш авлодни тарбиялашда, уларнинг таълим-тарбиясида, баркамол шахс сифатида камол топишида дунёқараш ва қадриятларнинг роли ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Дунёқарашни дунёни англаш, идрок этиш деб қарайдиган бўлсак, аввало инсон дунёни ҳиссий сезади. Кейин ҳиссий инъикос этилган воқелик ҳақида тўплаган билимлари асосида инсоннинг дунёқараши пайдо бўлади. Шу тариқа шахснинг дунёни англаши орқали унинг ўзини англаши ҳам шаклланиб боради. Дунё ҳақидаги барча билимлар юксак даражада умумлаштирилади ва яхлит дунёқараш шаклланади. Инсон дунёқараши ундаги мафкура билан боғлиқдир. Чунки инсон воқеликка муайян мақсад, манфаат ва қизиқишлардан келиб чиқиб ёндашади. Дунёқараш кишиларнинг ахлоқ меъёрлари, ҳаётдаги интилишлари, қизиқишлари, меҳнат ва турмушларига таъсир кўрсатиб, катта амалий маъно қасб этади.

Инсоният тарихий тараққиёти мобайнида ривожланиб борган дунёқарашнинг мифологик, диний, кундалик, фалсафий ва бошқа шакллари таъкидлаган ҳолда, фалсафий дунёқараш дунёқарашнинг бошқа шакллари таянади, улардаги умумий қонуниятларни, жиҳатларни англашга ҳаракат қилади.

Дунёқараш сермазмун тушунча сифатида унинг миқёси (кўлами), мазмуни, асоси (маркази) каби жиҳатларига эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Дунёқарашнинг миқёси инсоннинг бутун ҳаёти мобайнида ривожланиб, кенгайиб боровчи жиҳатини ифодалайди. Дунёқараш мазмуни инсон онгида воқеликнинг хилма-хил жиҳатлари қай даражада қамраб олинганлигини акс эттирса, дунёқараш асоси (маркази) эса, инсоннинг шахсий ҳамда ижтимоий манфаатлар мажмуаси доирасига боғлиқ ҳолда олам ҳақида фикр юритишини англатади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида дунёқараш тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

Дунёқараш - дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими, шунингдек, бу қарашларга асосланган одамларнинг эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари. Дунёқараш кишининг ёши, ҳаётий тажрибаси, билими, мафкураси билан боғлиқ. Дунёқарашда жамиятда шаклланган фалсафий, илмий, диний, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик билимлар, қарашлар ўз аксини топади. Шахснинг дунёқараши ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғланган. Дунёқараш инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланади. Бу жиҳатдан дунёқараш воқеликнинг инсон онгидаги субъектив инъикосидир. Айрим индивиднинг онги билан боғланган индивидуал дунёқараш, муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф, миллат ва жамият миқёсидаги ижтимоий онг билан боғланган ижтимоий дунёқараш мавжуд. Булар бир-бирини тўлдиради, бир-бирига таъсир қилади, бир-бирини ривожлантиради.²

Дунёқараш тушунчаси ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғоя, миллий ғурур, тарихий онг ва хотира, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккур, маънавий баркамоллик каби туйғу ва тушунчалар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Чунки, дунёқараш айнан ана шу руҳий-ижтимоий ҳодисалар орқали оидинлашади, умуминсоний қадриятларнинг тарихий бир бўлагига айланади.

Ёш авлод камолотида дунёқарашнинг роли ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Кенг дунёқарашга эга, маънавий-маърифий жиҳатдан камол топган ёшлар демократик ислохотларни истеъмолчисигина бўлиб қолмай, уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 382.

айланади. Ёшларнинг янги жамият куриш ва янгича яшаш тарзига асосланган миллий тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси борасида тўхталиб шундай дейди: “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу нақадар жиддий масала экани янада яққол аён бўлади.

Шу ўринда фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан боғлиқ вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аваламбор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бу борада биз асрлар мобайнида шакланган миллий анъаналаримизга, ажодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз.”¹

Янги Ўзбекистонда ёшларни мустақкам ва қатъий дунёқарашга эга, Ватанга ҳамда ота-она ва яқинларига меҳр-муҳаббатли, садоқатли, мустақил, эркин ва инновацион фикрлайдиган, рақобатбардош, жисмоний ва маънавий соғлом ҳамда баркамол қилиб тарбиялаш муҳим ва устувор вазифаларимиздан бири сифатида ушбу масала тизимли ёндашувни такозо этади.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” асарида бу борада шундай таъкидлайди:

Бизнинг Тараққиёт стратегиямизда ҳар жиҳатдан баркамол ривожланган, эркин фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий қарашларга эга йигит-қизларни тарбиялаш энг устувор вазифаларимиздан бири сифатида белгиланган.²

Маълумки, “кадр”, “кадр-қиммат”, “кадрлаш” ва “кадрият” тушунчалари азал-азалдан ижтимоий борлиқдаги ўзгаришлар ва кишиларнинг ушбу ўзгаришларни англаш, идрок этиш ҳамда улар реал ҳаётида муҳим роль ўйнаган нарсалар, яъни инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар сифатида янги тушунчаларни, мавзуларни тадқиқот объектига айлантиргани сингари “кадрият” тушунчаси ҳам ҳозирги кунгача ижтимоий гуманитар ва яна бир қанча фан соҳаларининг тадқиқот объекти ва муҳим ижтимоий-сиёсий, фалсафий категориядир.

Кадриятлар авлодларнинг маънавий-ахлоқий, ғоявий сифатларини шакллантириш, яъни интизомлилик, иродалилик, ўз олдига қўйган улкан мақсадга интилиш, фарзандларни одоб-ахлоқ қоидалари ва тартиблари билан яқиндан таништириб бориш, яхшини ёмондан, окни қорадан ажратиб олиш, ҳаётни севишга ўргатиш, умуман, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳамма замонларда ҳам асосий талаблардан бўлиб ҳисобланади.

Энг аввало шуни қайд этиш керакки, кадрият категорияси жуда сермазмун тушунча бўлиб, “кадр”, “кадрлаш” ва “кадрият” тушунчаларини антик давр мутафаккирлари ижтимоий борлиқ, инсон фаолиятининг баҳоланиши, маълум бир нормалар(меъёрлар) асосида бошқалар томонидан кадрланиши тарзида тушунганлар.

Маълумки, давлатимиз мустақилликка эришгач, кадриятларга инсон ва жамият тараққиётининг муҳим омиллари билан бири сифатида катта эътибор қаратила бошланди. Қ.Назаров кадриятни фалсафий категория сифатида эътироф этиб, XX асрнинг 90-йилларигача алоҳида мавзу сифатида фалсафий кўлланма ва дарсликларда ўз ўрнини топмаганини таъкидлайди³ ҳамда ўз қарашларида кадрият тушунчасини қуйидагича ёритади: “Кадрият” - воқеликнинг турли кўринишлари, нарса, воқеа, ҳодиса, жараён, табиат

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 88-89.

² Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022. – Б. 245.

³ Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2004. –Б. 6.

ва жамиятга оид турли жиҳат, хусусият ва бошқаларнинг бирор субъект(шахс, синф, миллат ва бошқа) учун ижтимоий қадри ва аҳамиятини англатадиган фалсафий-аксиологик тушунчадир.¹

Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларни умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар масалан, эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, моддий ва маънавий бойликлар, анъана, урф-одат ва бошқалар қадрият ҳисобланади.²

Академик Ж.Туленов фикрича, “Қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилади”³.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари тушунилмоғи лозим.

Дарҳақиқат, қадриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳолаш туфайли белгиланади. Баҳолаш эса инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишларидан келиб чиқади. Биз ҳозирги глобаллашув ва унинг салбий оқибатлари, ёшлар таълим-тарбияси, ёшларнинг камолоти нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, ёшлар таълим-тарбиясида қадриятларнинг роли ва аҳамиятини нечоғлик катта эканлигини теран англаймиз.

Президентимиз Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” асарида маънавий янгиланиш, маънавий-маърифий жабҳалардаги ислохотлар хусусида тўхталиб, иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда бу борада қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянишимиз кераклигини алоҳида таъкидладилар.

Биз Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий-маърифий жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини яхши англаймиз.

Менинг назаримда, жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз.⁴

Дарҳақиқат, ҳозирги глобал муҳит, “замонавий ҳаёт” ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли, рақобатбардош, кучли фуқаролик позициясига эга баркамол шахс қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишни, жамиятда бу борадаги ишларни тизимли, изчил ва узлуксиз амалга оширишни талаб қилмоқда. Шундай экан, ҳозирги глобаллашув ва унинг салбий оқибатлари, ёшлар таълим-тарбияси, ёшларнинг камолоти нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, ёшлар таълим-тарбияси ва камолотида қадриятларнинг роли ва аҳамиятини нечоғлик катта эканлигини теран англаймиз.

Президентимиз таъкидланганларидек, навқирон авлодимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ўғил-қизларимизнинг билим олиши, меҳнат қилиши, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча шароитларни яратиш сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўтган қисқа даврда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётгани бунга яққол тасдиқлайди. Айниқса, янгиланган Конституциямизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари аниқ моддалар билан муҳрлаб

¹ Назаров К. Қадриятлар фалсафаси. – Т., 2011. – Б. 27.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 570.

³ Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: Ўзбекистон. 1998. – Б. 12-13.

⁴ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Т.: Ўзбекистон, 2022. – Б. 249.

кўйилгани, ҳеч шубҳасиз, бу борадаги ҳуқуқий базани янада кенгайтириш, амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.¹

Хулоса қилиб айтганда, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, дунёқараши ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳамда фаоллигини кучайтириш, уларни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, маънавий комилликка эришувида асосий ва белгиловчи омил вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 504-505.
2. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б. 252.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 382.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 88-89.
5. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022. – Б. 245.
6. Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2004. – Б. 6.
7. Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси. – Т., 2011. – Б. 27.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 570.
9. Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон. 1998. – Б. 12-13.
10. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон, 2022. – Б. 249.

Наширга проф. С. Чориев тавсия этган

¹ <https://daryo.uz/k/2023/06/30/Shavkat> Mirziyoyev yoshlar kuni munosabati bilan tabrik yo'lladi va bir guruh yoshlarni mukofotladi

O‘ZBEK VA FRANSUZ TILLARIDA METAFORADA XALQ TURMUSH TARZINING IFODALANISHI

Juraqobilova H. (QarDU)

Annotatsiya. Maqolada metafora milliy dunyoqarashni aks ettiruvchi lingvistik hodisa sifatida tilshunoslikning yangi yo‘nalishlari nuqtayi nazaridan ta’riflangan va o‘zbek va fransuz tillarida metaforada xalq turmush tarzining ifodalanishining lingvomadaniy xususiyatlari yoritilgan.

Tayanch so‘zlar: *metafora, lingvokognitiv aspekt, lingvomadaniy aspekt, kognitiv metafora, milliy-madaniy xususiyatlar, lingvistik hodisa, xalq turmush tarzi, metaforaning antroposentrik tabiati.*

ВЫРАЖЕНИЕ ОБРАЗА ЖИЗНИ НАРОДА В МЕТАФОРЕ В УЗБЕКСКОМ И ФРАНЦУЗСКОМ ЯЗЫКАХ

Аннотация. В статье метафора описывается как лингвистическое явление, отражающий национальное мировоззрение с точки зрения новых направлений в лингвистике, также в метафоре освещаются лингвокультурные особенности выражения образа жизни людей в узбекском и французском языках.

Ключевые слова: *метафора, лингвокогнитивный аспект, лингвокультурный аспект, когнитивная метафора, национально-культурные особенности, лингвистическое явление, образ жизни народа, антропоцентрическая природа метафоры.*

EXPRESSION OF PEOPLE'S LIFESTYLE IN METAPHOR IN UZBEK AND FRENCH LANGUAGES

Annotation. In this article, metaphor is defined as a linguistic phenomenon which expresses a national worldview from the point of new directions of linguistics. The linguocultural features of the expression of way of life the folk are expressed in metaphor in Uzbek and French languages

Key words: *metaphor, linguocognitive aspect, linguistic aspect, cognitive metaphor, national-cultural characteristics, linguistic phenomenon, public lifestyle, anthropocentric nature of metaphor.*

Bugungi globallashuv davrida har bir mustaqil davlat o‘z milliy manfaatini ta’minlash, bu borada avvalo o‘z madaniyatini, azaliy qadriyatlarini, ona tilini asrab-avaylash va rivojlantirish masalasiga ustuvor ahamiyat qaratishi tabiiydir. [1] Zero, Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta’kidlaganidek: “Ona tilimiz – milliy ma’naviyatimizning bitmas tuganmas bulog‘idir. Shunday ekan, unga munosib hurmat va ehtirom ko‘rsatish barchamizning nafaqat vazifamiz, balki muqaddas insoniy burchimizdir”.

Mustaqillik tufayli yuz bergan ijtimoiy-siyosiy o‘zgarishlar natijasida tabiiy ravishda tilimizda ham juda ko‘plab yangi so‘z va iboralar, birikmalar paydo bo‘lmoqda. Bu holatni asosan fan, ishlab chiqarish, iqtisodiyot, xalqaro munosabatlar, madaniyat, san’at va badiiy adabiyot sohalarida kuzatish mumkin. Xalqimiz ularni qanday qabul qilishidan qat’i nazar, tilshunoslar ularni qo‘llashdagi har bir holatga o‘z munosabatlarini bildirib borishlari, me’yor sifatida tavsiya etilayotgan variantlarning ma’qul ko‘rilganligining sabablarini ilmiy asoslab berishlari zarur bo‘ladi.

Biron-bir tilning boyligi haqida gapirilganda va unda mavjud bo‘lgan va shu tilni jozibali va obrazli qilib ko‘rsatadigan turli ornamental stilistik vositalar ko‘zda tutiladi. Bu vositalar har bir xalqning dunyoqarashi, jamiyat qurilishi va diniy qarashlarini tavsiflaydi. Rus tilshunos olimi B.A.Maslova: «xalqning madaniyati va mentaliteti haqidagi ma’lumotlarning eng qimmatli manbasi frazeologizmlar, metaforalar, ramzlar va shu kabilardir, ularda asotirlar, afsonalar, urf-odatlar go‘yoki konservatsiyalanganidek bo‘ladi», deya takidlagan edi. [9:4]

Til va nutq sistemasi jarayonida so‘zlarning ma’nolari turli kontekst va holatlarda semantik va stilistik qulayliklardan foydalanish imkoniyatini beradi. So‘zlarni o‘z ma’nosi bilan birga ko‘chma ma’noda qo‘llash ham nutqning ifodaligini, ham tilning lug‘at boyligini oshirishning va inson tafakkur va fikrlashining asosiy manbasi hisoblanadi.

Ko‘chma ma’no qiluvchi hodisalarning nutqda eng keng tarqalgan va ko‘p qo‘llaniladigan usullaridan bo‘lgan metaforaning siri antik davrdanoq ko‘plab mutaffakkirlarni, faylasuflarni o‘ziga tortdi va u haqida juda ko‘plab ilmiy tadqiqotlar olib borildi.

Metafora gumanitar sohada olib borilgan tadqiqotlarning eng asosiy va ko'p o'rganilgan "an'anaviy" obyektlaridan biridir. Biroq, ko'p yillik qiziqishlarga qaramay metafora ko'p qirrali va ko'p funksiyali hodisa sifatida zamonaviy lingvistikaning turli yo'nalishlarining ko'p o'rganilayotgan tadqiqot obyekti bo'lib qolmoqda.

Metafora tarixiga bir nazar tashlaydigan bo'lsak, u inson tafakkurining rivojlanishiga xizmat qiladigan lingvistik hodisa sifatida, boshqa tomondan ma'no ko'chishining nutqda eng keng tarqalgan va ko'p qo'llaniladigan fikr ifodalashning o'ziga xos shakli sifatida e'tirof etiladi.

An'anaviy tilshunoslikda metafora ma'no ko'chishining usullaridan biri sifatida tadqiq qilingan. XX asrga kelib bu lingvistik hodisaga ko'plab soha kishilari, xususan, faylasuflar, mantiqchilar, sotsiologlar, psixologlar, tilshunoslar, adabiyotshunoslar va gumanitar fan vakillari ham muntazam ravishda murojaat qildilar.

Metaforalar har bir xalqning milliy-madaniy xususiyatlari, an'analari, urf-odatlarini, dunyoqarashini aks ettiradigan ko'p qirrali lingvistik hodisadir. Shu bois bugungi kunda metaforani lingvokognitiv, lingvomadaniy, jihatdan muayyan bir til, yoki turli tillarni qiyoslash, chog'ishtirish doirasida o'rganishga qiziqish ortib bormoqda.

Keyingi yillarda o'zbek tili materiali asosida o'zbek tilshunoslari tomonidan ham metaforaning lingvomadaniy, lisoniy, semantik va lingvokognitiv xususiyatlarini qiyosiy aspektda o'rganishga bag'ishlangan tadqiqotlar ko'lamini kengayib bormoqda. Tilshunos olim B.Mengliyevning ta'kidlashicha, o'zbek tilshunosligida metaforalarning o'rganilishi o'zbek tilshunosligining istiqbolli yo'nalishlaridan biri maqomiga ko'tariladi.[10:157]

Bugungi kunda jahon tilshunosligida metaforalarni antroposentrik planda tadqiq qilish, ularning til va tafakkurga qaratilgan lingvokognitiv, lingvokulturologik, psixolingvistik xususiyatlarini ochib berish borasida tadqiqotlar olib borilayotgani metaforalarining antroposentrik tabiatini o'zbek tili materiali misolida ham tadqiq etishni taqozo etdi. Bu borada antroposentrik g'oyalarni o'zbek tilshunosligiga olib kirgan tilshunos D.Xudayberganovning olib borgan ilmiy izlanishlarini alohida ta'kidlab o'tish lozim. [12:136]

Metaforaning antroposentrik tabiatiga alohida urg'u bergan olim amerikalik tilshunos J.Lakoff va mashhur faylasuf M.Jonsonlar tadqiqotida tahlil etilgan "vaqt - bu pul, vaqt - bu cheklangan zaxira, vaqt - bu qimmatbaho buyum" kognitiv metaforalari o'zbek tilida so'zlashuvchi til sohiblari nutqida ham uchrashi mumkinligini quyidagi misollarda keltirib o'tgan: "Bu ishga ko'p vaqt sarfladim; Vaqtim tugay deyapti; Behuda ishlar vaqtni o'g'irlaydi".

Mualliflar oddiy tildagi metaforik iboralar insonning kundalik faoliyatini tashkil qiluvchi tushunchalarning metaforik tabiatini qanday yoritib berishi mumkinligini zamonaviy ingliz tilidagi "Time is money" ("Vaqt - bu pul" metaforik tushunchasi orqali izohlab bergan.

You're wasting my time. (Siz mening vaqtimni behuda sarf qilyapsiz.)

This gadget will save you hours. Ushbu qurilma sizning ko'p vaqtingizni tejaydi.

I don't have the time to give you. Mening senga ajratadigan vaqtim yo'q.

How do you spend your time these days? Sen vaqtingni qanday o'tkazding?

I've invested a lot of time in her. Men unga ko'p vaqt sarfladim.

Yevropa madaniyatida "vaqt- bu qimmatbaho buyum", "vaqt bu maqsadga erishish uchun foydalanadigan cheklangan zaxira" ekanligi zamonaviy g'arb madaniyatida mehnat tushunchasi odatda unga sarflangan vaqt bilan o'lchanishida o'z tasdig'ini topgan.

Shu o'rinda kundalik hayotimizda ishlatadigan: "Vaqtimni o'g'irlading; Vaqtingni tejashing kerak; Bu matnni tarjima qilishga bir soat yo'qotdim" kabi misollarga e'tiborni qaratadigan bo'lsak, vaqt - bu pul, kognitiv metaforasidagi mavhum vaqt tushunchasi xuddi moddiy narsanidek, uni tejash, o'g'irlash, yo'qotish mumkinligini anglash mumkin.

Bu subkategorik munosabatlar metaforalardagi quyidagi munosabatlarni keltirib chiqaradi: "vaqt - pul" metaforasidan "vaqt" - cheklangan zaxira" metaforasi, undan "vaqt"- "bu qimmatbaho buyum" metaforasi keladi. [8:29-30]

Metaforalarning lingvomadaniy, ularning xalq turmush tarzida ifodalanishi yani xususiyatlari, ertaklar tilida, xususan qoraqalpoq tilida ishlatilgan metaforalar tadqiqiga bag'ishlangan ilmiy izlanishlarda metaforalar xalqning milliy psixologiyasi, olamni, atrof-muhitni anglashi, uni idrok qilishi va shu xalqning fikrlash darajasini ham belgilashi va shu xalqning milliy-

madaniy qadriyatlarini haqida ma'lumotlar berishi ta'kidlangan. Jonsiz predmetlarning ertaklar tilida metafora sifatida qo'llanilishiga mozorlarda vafot etgan odamning qabrining boshiga qo'yiladigan baland yog'och - siriq yog'och, osh tuzi, hattoki inson ko'zi ilg'amas darajadagi birgina soch tolasini misolida tahlil qilib berilgan. Siriqlik yog'och asosan, ziyoratga kelganda qabrni yanglishmay topib borish uchun qo'yilgan belgi vazifasini bajarsa ham, umuman mozor, u yerdagi har bitta buyumga hurmat bilan qarash xalqning marhumlarni hurmat qilishi, teran insoniylik belgisi sifatida, osh tuzini rizq-nasiba, xosiyatli narsa deb ko'rsatishi, soch tolasiga ham e'tiborsizlik bilan qaralsa, bosh og'rig'iga, ya'ni yomon oqibatlariga olib keladi degan tushunchada saranjomlik, orastalik, puxtalik kabi tarbiyaviy tushunchalar qoraqalpoq xalqining lingvomadaniy belgilarini aks ettiradi. [7:200-204]

Tadqiqotchi Jo Ming Yong o'zbek va koreys tillarida turg'un o'xshatishlarni inson tashqi qiyofasini tasvirlovchi somatizmli o'xshatishlar vositasida lingvokulturologik aspektida tadqiq qilish asnosida har ikkala xalqning lingvomadaniyatiga xos milliy aksiologik munosabatlarni o'rganagan. Tadqiqotda o'zbek va koreys xalqlarining milliy-etnik va antropologik, xususan, o'zbeklarda *qora*, *katta*, *yumaloq ko'zlar* (charosdek, munchoqdek), koreyslarda *qisqirgan ko'z shaklining* yangi chiqqan oy (hilol) ga qiyoslanishida, bu ikki tilda meliorativ o'xshatishlarning ko'pligi har ikkala xalq madaniyatida odob-axloq me'yorlarining ustuvorligi kabi milliy xususiyatlar o'z aksini topgan. [5:57]

Z.Muqimovning O'tkir Hoshimov asarlari tilining lingvopoetik va lingvomadaniy xususiyatlariga bag'ishlangan tadqiqotlarida onomastik metafora madaniy mentallikni ifodalash vositasi sifatida o'rganilgan. Muallif o'z tadqiqotida onomastik metafora maqomida adib asarlarida nomlari zikr etilgan Gamlet - umidbaxsh tuyg'ular ramzi, Otello -rashkchilik ramzi, Gitler kabi universal; Alpomish - nomus va oriyat, Barchin- sadoqatli yor, Go'ro'g'li - qo'rqmas, dovyurak yigit, Layli - vafodor yor, Majnun, Otabek - oshiqlik ramzi sifatida milliy pretsedent nomlarini kuzatgan holda, "Tohir va Zuhra" dostonidagi qahramonlardan biri Qorabotir nomini o'zbek lingvomadaniyatida sevishganlar yo'liga g'ov bo'ladigan qora niyatli shaxs sifatida "qora" so'zining "razil, yomon niyatli" ma'nosida qo'llanilganligiga o'z munosabatini bildirib o'tgan. [11:59]

Dunyo haqidagi tasavvurlarni ifodalashda ham obrazli, ham kognitiv potentsialga ega bo'lgan murakkab lingvistik fenomen sifatida zoometaforalar har bir xalqning turmush tarzidan kelib chiqqan holda insonlarning ayrim fe'l-atvori, harakati va xarakterini tasvirlab beruvchi vosita bo'lib xizmat qiladi.

Fransuz tilidagi "sigir", (vache), "ot" (cheval), "ho'kiz" (bœuf), "cho'chqa" (cochon, cochino, porc) va "eshak" (âne, bourrique, baudet) kabi hayvon nomlari bilan hosil bo'lgan zoometaforalar tadqiqida bu hayvon nomlarining majoziy va ko'chma ma'nolarda qo'llanishi va ular orqali insonlarni tavsiflovchi ichki va tashqi aloqalar tahlil qilingan. [6:400-404]

Bu lingvistik hodisani fransuz faylasuflari va tadqiqotchilari tomonidan ham keng o'rganilgan. Fransuz olimi P.Fontanye ham fransuz ritorikasiga oid tadqiqotlari bilan metaforaning lingvistik nazariyasi rivojiga hissa qo'shdi. U tildagi mavjud barcha metaforalarni ikki nom ostida: "la métaphore physique (jismoniy metafora) va la métaphore morale (axloqiy, etik metafora)" larga birlashtirish mumkinligi xususidagi fikrlarini bildirgan. [4:103]

Barbara Taraszka-Drozd o'z tadqiqotlarida konseptual metaforaning nazariy jihatlari va kognitiv grammatikaning fundamental prinsiplarini qiyoslash asosida metaforik hodisalarni tahlil qilishning samarali vositalarini aniqlab berdi. Olim o'z tadqiqotlarida leksik birlik sifatida tanlab olgan "lumièrè" (yorug'lik) so'zining keng va tor ma'nodagi leksik maydonini aniqlagan, bu leksik birlikning boshqa sohalarda ma'no jihatidan kengayishi va bu so'z vositasida hosil bo'lgan metaforalarning kognitiv xususiyatlarini o'rgandi. [2:255]

Dominique Legallois metafora nazariyasini o'rganishdagi ikkita jihatga: kategoriyalash jarayoni sifatida va inson tafakkuri va fikrlashining mahsuli sifatida kognitiv nuqtayi nazardan e'tibor qaratgan. Muallif bu konseptni Emil Zolyaning "L'argent" romanida qo'llanishini tadqiq qilgan. [3:165-166]

Quyidagi misollarni keltirar ekan muallif:

- (1) Il est arrivé à la fin de sa vie. (Uning hayoti poyoniga yetdi.)
- (2) Il a pris un nouveau départ dans sa vie.

(U hayotida yana bir yangi safar qildi.)

(3) Depuis qu'il connaît Marie, sa vie est une impasse.

Mariyani uchratgandan buyon uning hayoti boshi berk ko'chaga kirib qoldi.

(4) Vivre comme cela, ça ne mène nulle part.

(Bunday yashash hech qayoqqa olib kelmaydi.)

Bu gaplarning hech biri shunchaki majoziy ma'noda emas, balki "La vie est un voyage" (*Hayot - bu sayohat*) konseptual metaforasiga asoslanganligini ta'kidlaydi va shu o'rinda J.Lakoff et M.Johnsonlarning "metafora kundalik hayotiy tajribalardan butunlay boshqa sohaga o'tish mexanizmdir", degan fundamental fikrini rivojlantirdi. Chunki "voyage" ("sayohat") konsepti kognitiv jihatdan yaqqol ko'zga tashlanadigan, insonlarning hayotiy tajribalarida oson o'zgarishi mumkin bo'lgan holatni anglatgani bois, mavhum hodisalarni anglatganda ham tushunish unchalik qiyin emas.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, jahon tilshunosligida metafora hodisasini o'rganish borasida bugungi kunda yetarlicha bilim va ko'nikmalar mavjud bo'lishiga qaramay, unga bo'lgan qiziqish tobora ortib bormoqda, ayniqsa uning tafakkur va inson omili bilan bog'liq xususiyatlari izlanishlar markaziga qo'yilmoqda. Bu esa til va tafakkur masalalari inson ongida bilish jarayonlari bilan bog'liq yangi g'oyalar shakllanishida ustuvor omildir. Ma'lumki, ushbu masalalar ayniqsa tillarning lingvokognitiv, lingvomadaniy aspektlarida yaqqol namoyon bo'ladi. Mutaxassislar ta'kidlaganidek, "til madaniyat bilan chambarchas bog'liq: u unda unib chiqadi, rivojlanadi va uni ifodalaydi". [9:9]

Bu esa qiyoslanayotgan tillarda gapiruvchi xalqlarning ijtimoiy-madaniy aloqalarining rivojlanishiga, ikkala xalqning assotsiativ tafakkuridagi o'xshash va farqli jihatlar aniqlanishga hissa qo'shadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 -yil 21-oktyabrdagi PF-5850-sonli "O'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqei tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni // www.lex.uz.

2. Barbara Taraszka-Drożdż. Schémas d'extension métaphorique. À partir de l'analyse des contenus et des organisations conceptuels de certaines unités lexicales se référant à la lumière. Uniwersytetu Śląskiego, Katowice, 2014. – p. 255.

3. Dominique Legallois. L'approche cognitive de la catégorisation par métaphore: illustration et critique à partir d'un exemple d'É. Zola. Pratiques [En ligne], 165-166 | 2015. URL: <http://journals.openedition.org/pratiques/2485>; DOI: <https://doi.org/10.4000/pratiques.2485>

4. Fontanier P. Les Figures du discours. -P.: Flammarion, coll. "Champs Classiques", 1977. – P. 103.

5. Jo Ming Yong. O'zbek va koreys tillarida o'xshatishlarning lingvomadaniy tadqiqi: Filol. fan. fal. d-ri. diss. avtoref. – T., 2023. – 57 b.

6. Кадиров Р. Н. Зоометафора во французском языке // Бюллетень науки и практики - Bulletin of Science and Practice. научный журнал (scientific journal). Т. 4. – №3. 2018 г. <http://www.bulletennauki.com>. – С. 400-404.

7. Kunnazarova Sh.M. Ma'no ko'chish usullarining biri – metafora. Innovations in technology and science education. Volume 1 ISSUE 4. – B. 200-204.

8. Лакофф Джордж, Джонсон Марк. Метафоры, которыми мы живем: Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А. Н. Баранова., Морозова А.В. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С. 29 - 30.

9. Маслова В.А. Лингвокультурология. – Москва: Издательский центр «Академия», 2001. – С. 4.

10. Mengliyev B. Hozirgi o'zbek tili. – T.: Tafakkur Bo'stoni, 2018. – B. 157.

11. Muqimova Z.P. O'tkir Hoshimov asarlari tilining lingvopoetik va lingvomadaniy xususiyatlari. Filol.fan.fal.d-ri. diss.avt. – T., 2020. – 59 b.

12. Xudayberganova D.S. O'zbek tilidagi badiiy matnlarning antroposentrik tadqiqi. Filol. fan. doktori diss. avtorefer. – Toshkent, 2015. –36 b. Xudayberganova D.S. Matnning antroposentrik tadqiqi. – Toshkent: Fan, 2013. – 136 b.

Nashrga prof. B.Mengliyev tavsiya etgan

ТИЛНИНГ НОМИНАЦИЯ ТИЗИМИДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР

Ахмедов А.Б. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақола ҳозирги немис тилида ўзлашма сўзларнинг номинация тизимида тутган ўрни, шунингдек, лексиканинг ўзлашма сўзлар орқали янгилашиб ва бойиб бориш жараёнини тадқиқ этишга бағишланган.

Таянч сўзлар: ўзлашма сўз, бошқа тилга хос сўз, номинация, семантик мотивланиш, тиллараро алоқалар.

СПЕЦИАЛЬНЫЕ СЛОВА В НОМИНАЛЬНОЙ СИСТЕМЕ ЯЗЫКА

Аннотация: Статья посвящена изучению места современных немецких заимствований в номинативной системе, а также процесса обновления и обогащения лексики посредством заимствований.

Ключевые слова: заимствование, иностранное слово, номинация, семантическая мотивация, межъязыковые контакты.

BORROWED WORDS IN THE NOMINAL SYSTEM OF THE LANGUAGE

Annotation. The article is devoted to studying the place of modern German borrowings in the nominative system, as well as the process of updating and enriching vocabulary through borrowings.

Keywords: borrowing, foreign word, nomination, semantic motivation, interlingual contacts.

Ўзлашма сўзлар, нафақат номлаш жараёни, балки семантик мотивланиш нуктаи назаридан ҳам лексиканинг алоҳида қатламини ташкил қилади. Бу тиллараро алоқалар ва бошқа тил социумлари таъсири остида мазкур тил жамоаси тажрибасининг ортиб бориши билан юзага келувчи номинацияга бўлган талаб учун мақбул жавоблардан биридир.

Ўзлашма сўз нутқнинг пайдо бўлишида тил ифода воситаларини маълум даражада тежайди, шу сабабли мазкур тилда юзага келувчи номинатив бўшлиқни тўлдириш учун бошқа тилдаги тайёр бирликлардан фойдаланилади.

Айни пайтда сўз олувчи тилда олдиндан мавжуд бўлган ассоциатив алоқаларни тўхтатиш сўз берувчи тилдаги ўзлашма сўзларга хос бўлган семантик мотивланишни ҳам йўқотишга олиб келиши мумкин. Бу нутқни идрок қилиш жараёнида улар англаган маънони аниқлаб олишда жиддий қийинчилик туғдиради. Бир тил элементларидан бошқа тилда фойдаланиш жараёни сифатида ўзлашма сўз шу тарзда тил белгисининг диалектик жиҳатдан бирининг бошқасини инкор қилувчи табиатига боғлиқ: 1) тил белгисининг сўз ўзлаштиришга имкон даражасида йўл қўйувчи сифатида эркинлиги; 2) унинг сўз ўзлаштиришга тўсқинлик қилувчи омил сифатида эркин эмаслиги. Балки, айнан шу сабабли сўз ўзлаштириш жараёни айрим тилларда (масалан, немис тилида) маҳсулдор эмас. Номинациянинг сўз ясалиши ва семантик деривация каби жараёнлари сон жиҳатдан анча ортада қолмоқда. Қолаверса, юқоридаги фикр немис тилига ўхшаган тилларда ўзлашма сўзлар сони эътиборга молик эмас, деган маънони англамайди.

Демак, немис тили лексикологиясида бошқа тиллар билан кўп асрлик алоқалар натижаси сифатида атрофлича ўрганилган ўзлашма сўзлар масаласи борасида куйидаги қизиқарли маълумотлар эътиборга молик:

– ўзлашма лексика дунёдаги элликка яқин тилдан келиб чиққан;
– бу ўзлашма сўзлар немис тили умумий луғат таркибининг қарийб 70 фоизини ташкил этади;

– лексиканинг ўзлашма сўзлар қатлами турли тарихий даврларга бориб тақалади ҳамда тилнинг пайдо бўлиши ва тараққиётидаги тарихий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, географик ва бошқа ҳар хил шароитларга боғлиқ.

Ўзлашма сўзлар турли тилларда тил луғат таркибининг бойишига ҳар хил таъсир кўрсатади. Айрим тилларда уларнинг таъсири луғат таркибида сезилмайдиган даражада ўз аксини топса, бошқа тилларда эса турли тарихий даврларда луғат таркибининг бойишига салмоқли таъсир кўрсатиб келган.

Ҳозирги умумий ва қиёсий-типологик тилшунослик ўзлашма сўзлар ва тиллараро алоқаларнинг ўзаро муносабати масаласини қуйидаги нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этишга йўналтирилган: сўз ўзлаштириш ҳар қандай тилга хос жараён ҳамда луғат таркибининг ажралмас қисми экан, бу мавзу ҳар доим муҳим ва долзарб бўлиб қолаверади. Ҳақиқатдан ҳам, жонли тил – муттасил ривожланиб боровчи ҳодиса. Янги нарса ва предметлар пайдо бўлади, кераксиз, ортиқчалари эса истеъмолдан чиқиб кетади. Шу сабабли ҳам бу борада лексикологлар олдида ечимини кутаётган кўплаб муаммолар турибди.

Бугунги кунда жаҳонда содир бўлаётган интеграциялашув тенденцияси шунга олиб келмоқдаки, турли мамлакатлар маданиятидаги умумий жиҳатлар тобора ортиб боргани сари, мавжуд фарқлар кун сайин камайиб бормоқда. Мазкур тенденция жамият ҳаётида рўй бераётган барча ўзгаришларни ўзида акс эттирувчи тилга ҳам хос бўлиб, бунга жавобан тил лексик ўзлашмалар билан мунтазам бойиб бормоқда.

Тил тараққиётининг ҳозирги босқичида сўз ўзлаштириш жараёни тилни бойитишнинг муҳим воситасидир. Шу сабабли кўплаб тилшуносларни хорижий тилга хос лексиканинг қўлланиши ва унинг автохтон (ўз қатлам) лексика билан ўзаро муносабатини ўрганиш масаласи қизиқтириб қўйди.

Ҳозирга қадар луғатларда қайд қилинган ўзлашма сўзларгина тадқиқот объекти бўлиб келди. Улар билан бир қаторда лексикографик манбаларда қайд этилмаган кўплаб ўзлашма сўзлар ҳам мавжуд. Шуниси диққатга сазоворки, улар тил тизимига фаол ўзлашиш босқичида турибди. Шу сабабли тил тизимига кириш босқичида турган энг янги ўзлашма сўзларни ҳар томонлама тадқиқ этиш замонавий тилшунослик фани олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шунингдек, уларнинг этимон (сўзнинг илк шакли ёки маъноси) ва тилда олдиндан мавжуд бўлган сўзлардан фарқловчи хусусиятларини таҳлилга тортиш амалий зарурат эканлиги, шак-шубҳасиз.

Ўзлашма сўзлар тадқиқига турли хил нуқтаи назардан ёндашиш мумкин. Сўнги йилларда немис тилига охириги 10-15 йил ичида кириб келган инглизча ўзлашмалар тадқиқот объекти қилиб олинмоқда. Тадқиқот предмети сифатида эса, аввало, уларнинг семантик-функционал ва структур-формал хусусиятлари танланмоқда.

Турли даврларда тил қурилиши ва тараққиётидаги фонетик, грамматик ва лексик-семантик хусусиятларни ўрганувчи тил тарихи, жумладан тил тараққиётининг ҳар бир конкрет давридаги луғат таркибини ҳам ўрганади. Шунинг учун тил тарихида бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар унинг ушбу тараққиёт даврига мос равишда ўрганилади. Бошқача айтганда, барча ўзлашмалар ушбу конкрет даврда, бир вақтнинг ўзида ўрганилади. Ҳар қандай тил ўзининг қўлланиши ва тараққий этишини таъминлайдиган турли-туман ўзгаришларни юзага чиқарувчи ҳар хил ташқи ва ички ресурслардан фойдаланиш имконига эга. Ҳар бир тил шу тилда сўзлашувчиларнинг кенг қамровли ҳаётида юз берадиган майда-чуйда ўзгаришларни доимий равишда сезишга қодир.

Тиллараро алоқалар умумхалқ тилининг мавжудлик шакллари тизими ҳисобланган адабий тил (оғзаки ва ёзма шаклда), тил ва диалектларнинг сўзлашув вариантлари, шунингдек тил тизимининг турли сатҳларида турлича намоён бўлади.

Умумхалқ тилининг шаклланиш жараёнида фонологик ва грамматик тизим ўзгаришларга нисбатан барқарор бўлиб, жуда секин ривожланади, тилнинг луғат таркиби эса доимий ўзгаришларга мойил бўлиб, жуда тез тараққий этади.

У ёки бу тил соҳиби янги предметларни номлаш ёки янги тушунчаларни ифодалаш учун янги сўзларга доим эҳтиёж сезади. Бу ички талаб ва эҳтиёж, одатда тилнинг ўзида ҳаётга татбиқ қилинади. Агар мазкур тилда керакли сўзни ясаш имкони бўлмаса, унда бошқа тилдан сўз олишга тўғри келади. Айнан шунинг учун ҳам кўплаб янги ўзлашмалар тил соҳиблари томонидан бошқа тиллардан адабий тилга ҳеч бир қийинчиликсиз қабул қилинади, чунки бундай сўзлар уларга илгари маълум бўлган сўзлар билан ассоциацияланади ва янгидан ясалган сўз сифатида баҳоланади.

Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш жараёни, аввало шу билан характерланадики, ҳар бир тил эгаси хорижий тиллардан исталган сўзни қўллаш мақсадида олиши, талаффузи ва

ёзилиши ўхшаш бўлган ўз она тилисидаги сўзга қиёсан шаклини ўзгартириши, шунингдек янги маъно бериши мумкин.

Ўзлашма сўз турли хил тилларнинг бир-бирига ё когерент (замон билан мослаштирилган) ёхуд нокогерент (замон билан мослаштирилмаган) таъсири жараёнида пайдо бўлади ва сўз берувчи тилга хос ҳодисаларнинг сўз қабул қилувчи тилга (онгли ёки онгсиз равишда) ўтиши билан ниҳояланади.

Лексиканинг ўзлашма сўзлар орқали янгиланиб ва бойиб бориши тўхтовсиз кечадиган жараёндир. Бироқ тил тараққиёти тарихида шундай даврлар бўладики, бу жараён ниҳоятда шиддат билан кечади.

Жамият ҳаёти доимий ҳаракатда ва ўзгаришда. Бу – катта-кичик, ҳатто сезилмайдиган даражада содир бўладиган воқеа, ҳодисалар ва ўзгаришлардир. Шунингдек, бу муҳим ёки унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмаган ҳодисаларнинг содир бўлиши бўлиб, улар илгари содир бўлмаган ёки содир бўлган бўлса-да сезилмаган. Шу билан бирга, улар янги истемол товарларидан тортиб, янги маданий-тарихий ва ижтимоий-сиёсий ғояларгача бўлган ҳар хил фактлардир.

Жамият ҳаётида содир бўладиган бундай ўзгаришларнинг барчаси ном (номинация) кўринишида тилнинг луғат таркибидан муносиб жой олади. Оддий сўзлардан тортиб то мукамал номлар, сўз бирикмалари, фразеологизмларгача бўлган бирликларни ўз ичига олган янги лексикани ўзлаштириш жараёни шу йўсинда кечади.

Тилда содир бўладиган ҳар қандай ўзгариш каби ўзлашма сўзлар ҳам (неолингвистлар фикрига кўра) ўзига хос келиб чиқиш тарихига эга. Сўз олувчи тил аслида бошқа тилга хос сўзни эмас, балки ўзлашиш вақтида дастлабки маъносини йўқотган сўзнинг қандайдир бир нусхасини қабул қилади. Кейин эса мазкур «нуса» янги (ҳеч бўлмаганда ўзига яқин) маъно билан тўлдирилади. Шунингдек, кўп ҳолларда сўз ўзлаштириш жараёнида фаол ижодий характер (масалан, калькалашда) кузатилади.

Тарихан узок давом этадиган тиллараро таъсир натижаси бўлган сўз ўзлаштириш – ўзига хос жараёндир. Шунингдек, у мазкур жараённинг натижаси бўлиб, тил тарихи учун муҳим аҳамиятга эга. Тил тарихида сўз ўзлаштиришнинг турлари, шакллари, йўллари, сўз берувчи тиллар чуқур ўрганилади. Шу билан бирга, ўзлашма сўзнинг сўз олувчи тилда ўзгаришга учраши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзлашма сўзларни бир вақтнинг ўзида бир неча нуқтаи назардан тадқиқ этиш мумкин: сўз олувчи тилда уларнинг вақтинчалик пайдо бўлиши, сўзни қабул қилиш соҳалари, уларнинг миқдор ва сифат таркиби кабилар шулар жумласидан.

Ўзлашма сўзларнинг лексик моҳиятини тушунишда кескин фарқ қилувчи жиҳатлар кузатилади. Бундай ҳолда сўз ўзлаштириш жараёнининг асл моҳиятини англашда ҳатто бир-бирига зид ёндашувлар мавжудлигини ҳам қайд этиш мумкин. Масалан, ўзлаштира сўзни кенг тарқалган анъанавий тушунишга (яъни, сўзнинг бир тилдан иккинчи тилга ўтказилиши, ўзгартирилиши, кириб бориши сифатида) уни тилнинг ички ресурслари билан имитация (таклид) воситасида яшаш, бошқа тил намунасидаги аналогия асосида структур жиҳатдан моделлаштириш ёки нуса олиш сифатида изоҳлаш қарама-қарши қўйилади.

Ўзлашма сўзларни тушунишда анъанавий ёндашув етакчилик қилади. Ушбу соҳада кўзга кўринган мутахассис Л.П.Крысиннинг¹ фикрига эътибор қаратамиз: «Ўзлашма сўз – тиллараро алоқалар натижасида бир тилдан иккинчи тилга ўтказилган ўзга тил элементи (сўз, морфема, синтактик конструкция ва шу к.), шунингдек, бир тилдан бошқа тилга элементларнинг ўтиш жараёнидир». Лингвистик терминлар луғатида² ўзлашма сўзларга «келиб чиқиши ўзга тилларга хос сўзлар», – дея таъриф берилган. Бошқача айтганда улар «бошқа тиллардан кириб келган сўзлар»дир. Бироқ замонавий тилшуносликда «бошқа тилга хос сўз» ва «ўзлашма сўз» терминлари ўзаро мос эмас. «Бошқа тилга хос сўз» деганда ўзининг дастлабки шаклини, яъни орфографияси, флексияси, товуш шаклини ҳозирга қадар сақлаб қолган сўзлар тушунилади. Масалан: нем. *die Saison* [s'z] < *франц. saison*. «Ўзлашма

¹ Крысин Л.П. Иноязычные слова в современном русском языке. – М.: Наука, 1968. – С. 14.

² Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов / О.С. Ахманова. – 2-е изд., стер. – М: УРСС: Едиториал УРСС, 2004. – С. 471.

сўз» – бу қабул қилувчи тил тизимига маълум даражада ассимиляциялашган сўзdir. Масалан: нем. *die Memoiren* < франц. *les memoires*.

Баъзи сўзлар узок вақт «бошқа тилга хос сўз» сифатида қолади, бошқалари эса, айна пайтда тезда «ўзлашма сўз»га айланади. Улар ўртасига аниқ чегара қўйишнинг ҳар доим ҳам имкони бўлавермайди. Шунинг учун уларни умумий планда тадқиқ этишда, ҳам «ўзлашма сўз»ларни, ҳам «бошқа тилга хос сўз»ларни чуқур ўрганишга тўғри келади¹.

Ҳар қандай тилда бошқа тиллардан сўз олиш имконияти мавжуд. Бу ҳодиса турли хил сабабларга кўра содир бўлади. Аввало, сўз олувчи тилда у ёки бу тушунчанинг умуман мавжуд эмаслиги асосий сабаблардан биридир. Бундай ҳолда икки йўл юзага келиши мумкин: янги сўз ўзи атаган предмет билан бирга ўзлаштирилади ёки бошқа тилда кузатилган ҳодисанинг ифодаси сифатида пайдо бўлади. Немис тилига ўзлашган куйидаги сўзларни қиёслаймиз: *Kultur, Religion, Computer* ва шу к.

Кўп сонли тил эгалари, мулоқот иштирокчиларининг алоҳида гуруҳлари ва тилшунос олимларнинг ўзлашма сўзларга муносабати бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Тил маданияти нуқтаи назаридан «керакли ўзлашма сўзлар»ва «кераксиз ўзлашма сўзлар» фарқланади. «Керакли ўзлашма сўзлар»га янги предмет, техник ихтиро, янги ғоя, номенклатура ва ҳ. билан бирга пайдо бўладиган янги номлар киради. «Кераксиз ўзлашма сўзлар»га тилда мавжуд сўзлар билан синоним бўлган янги сўзлар, шунингдек бошқа тиллардан олинган ўзлашма сўзлар киради².

Одатда, тилда «ортикча», «хунук», «нотўғри» сўзларнинг пайдо бўлиши ва қўлланиши тилшуносларда эътироз уйғотади. Айниқса, бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар кучли норозилик келиб чиқишига сабаб бўлади. Бугунги кунда немис тилига ўзлашаётган англо-американизмларни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу тенденция ҳозирги кунда ҳаддан зиёд тезлашди, бунинг натижасида юзага келган муаммо давлат миқёсига кўтарилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов / О.С. Ахманова. – 2-е изд., стер. – М.: УРСС: Едиториал УРСС, 2004. – 571 с.
2. Дойникова М.И. Номинативно-функциональный диапазон современных англоязычных заимствований в немецком языке: На материале прессы и художественной прозы конца 20 и начале 21 вв.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М.: РГЛУ, 2008. – 24 с.
3. Крысин Л.П. Иноязычные слова в современном русском языке. – М.: Наука, 1968. – 208 с.
4. Чигашева М.А. Специфика процесса заимствования в немецком языке // Филологические науки в МГИМО. – М.: МГИМО. – Университет, 2005. – С. 91-99.

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

MIFOLOGIYA VA POETIKAGA OID SO‘ZLARNING O‘TGAN ASR MIFOPOETIKASIDAGI NAZARIY ASOSLARI VA MUAMMOLARI

Sapayeva F.N. (Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti)

Annotatsiya. Maqolada mifologiya va poetika munosabatlarning ba'zi nazariy jihatlari, shuningdek, ularning XX asr mifopoetikasida namoyon bo'lish xususiyatlari ko'rib chiqiladi. Shuningdek, so'zlarning gaplarda va she'riy matnlarda qo'llanilishidagi muammolardan biri sifatida mifologik va poetik munosabatlar muhokama qilinadi, xususan, o'tgan asr madaniyati kesimida mifologik va poetik

¹ Чигашева М.А. Специфика процесса заимствования в немецком языке // Филологические науки в МГИМО. – М.: МГИМО. – Университет, 2005. – С. 91.

² Дойникова М.И. Номинативно-функциональный диапазон современных англоязычных заимствований в немецком языке: На материале прессы и художественной прозы конца 20 и начале 21 вв.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М.: РГЛУ, 2008. – С.14.

tushunchaning keng talqini tufayli tasviriy san'atdagi mifologiya va poetika o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik muammosi masalalari keng muhokama qilinadi.

Tayanch so'zlar: *so'z, mif, mifologiya, mifologik, poetik, mifopoetika, tasviriy san'at.*

THEORETICAL FOUNDATIONS AND PROBLEMS OF WORDS RELATED TO MYTHOLOGY AND POETICS IN MYTHOPOETICS OF THE PAST CENTURY

Annotation. The article envisages some theoretical aspects of the relationship between mythology and poetics, as well as the features of their manifestation in 20th century mythopoetics. In addition, mythological and poetic relations are discussed as one of the problems in the use of words in sentences and poetic texts, in particular, the difference between mythology and poetics in visual arts due to the wide interpretation of mythological and poetic concepts in the culture of the last century. The issue of interdependence is widely discussed.

Key words: *Word, myth, mythology, mythological, poetic, mythopoetics, visual art.*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВАНИЯ И ПРОБЛЕМЫ СЛОВА, СВЯЗАННЫЕ С МИФОЛОГИЕЙ И ПОЭТИКОЙ В МИФОПОЭТИКЕ ПРОШЛОГО ВЕКА

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые теоретические аспекты взаимоотношения мифологии и поэтики, а также особенности их проявления в мифопоэтике XX века. Также мифолого-поэтические отношения рассматриваются как одна из проблем употребления слов в предложениях и поэтических текстах, в частности, отличие мифологии и поэтики в изобразительном искусстве вследствие широкой трактовки мифолого-поэтических концепций в культуре прошлого века. Широко обсуждается вопрос взаимозависимости.

Ключевые слова: *слово, миф, мифология, мифологическое, поэтическое, мифопоэтика, изобразительное искусство.*

Mifologiya va poetika o'rtasidagi munosabatlar muammosi, XX asr boshlariga qadar mifologiya tadqiqotchilari orasida ustunlik qilgan fikr bu - mif arxaik madaniyatlarga xos bo'lgan dunyoqarashning alohida turi sifatida qaralgan. Mif, asosan, ibtidoiy odamning o'zini tevarakatdagi olamini tushuntirishining sodda usuli sifatida nazarda tutilsa-da, lekin olimlarning ilmiy o'rganishlari natijasida, mifologiya va poetika o'rtasidagi chuqur ichki bog'liqlik aks etgani to'g'risida o'zlarining ilmiy asarlarida keng yoritilgan.

J.Viko o'zining "Xalqlarning umumiy tabiati haqidagi yangi fan asoslari" (1725) mifni she'riyat shakllaridan biri deb hisoblaydi: "Bunday She'riyatning yaratuvchilari odamlar bo'lib, ular shubhasiz, xudolar haqidagi afsonalar orqali keyingi xalqlarni paydo bo'lishiga asos solgan. Madaniy dunyoqarash rivojlanishi dastlabki bosqichlarda afsonani inson tasavvurining mahsuli" deb hisoblagan¹. XIX asr tadqiqotlari kontekstida mifologiya va poetika o'rtasidagi munosabatlar asosan, ushbu tadqiqotlarning umumiy yo'nalishini oldindan belgilab bergan va bir qator tadqiqotlar uchun asos bo'lib xizmat qilgan. E. B. Taylor o'zining "Ibtidoiy madaniyat" (1871) monografiyasida mifologiya va poetikaning o'zaro bog'liqligi muammosiga alohida to'xtalib, afsona va she'riyat o'rtasidagi ma'lum iyerarxik munosabatlarni ham ifodalaydi. Jumladan, u shunday yozadi: «Kundalik tajriba faktlarining mifga aylanishining birinchi va asosiy sababi butun tabiatning jonlanishiga ishonish - uning timsoli bilan yakunlanadigan e'tiqoddur. Ba'zida inson ko'ziga ko'rinadigan narsa faqat u yoki bu maqsad uchun oddiy vosita yoki hali ham shaklsiz material sifatida paydo bo'ladi.² Ko'rib turganimizdek, mif va she'riyat o'rtasidagi munosabatni anglab yetgan holda, olim afsonaning inson hayotidagi o'rni kuchliroq ekanligini ta'kidlaydi, chunki mif "keng tabiat falsafasiga asoslanadi. A. A. Potebnya, dunyo olimlari orasida mifologiya va poetika o'rtasidagi munosabatlar masalasini jiddiy ravishda ko'targan va shu bilan mifopoetika muammosini aniqlagan olim bo'lib, u "mifologiya qanday ifodalangan bo'lmasin: so'z va rivoyatda, urf-odat va marosimda ifodalanishidan qat'i nazar, afsonaviy dunyoqarash tarixidir" deb e'tirof etgan. Shuningdek, mifologiya va mifologik dunyoqarashning bir-biriga yaqinligini ta'kidlagan.

¹ Vico J. Foundations of a new science of the common nature of nations. – M.: REFL-book, 1994. – 656 p.

² Tylor E. B. Primitive culture. – M.: Politizdat, 1989. – 573 p.

Mif va she'riyatni so'z boyligini ikki shakli sifatida ko'rib, Potebnya ularning shubhasiz o'xshashligini ta'kidlaydi: "har qanday she'riy asar, tasvir va ma'nodan iborat bo'lib, ular orasidagi bog'liqlik ilm-fanda to'g'ridan to'g'ri o'z ma'nosida olingan so'zlar sifatida qaraladi...».¹ Shu sababli, olimning fikricha, madaniyatning arxaik modellarida mifologiya va poetika o'rtasida aniq chegara chizish juda qiyin vazifadir. Mifologik va she'riy tafakkurga xos bo'lgan yana bir bog'liq xususiyat shuki, obraz har ikki holatda ham "hech qanday mantiqiy tizimga, hech qanday fanga, falsafaga, nazariyaga umuman muhtoj emas. Ushbu ifoda o'rtasidagi barcha o'xshashliklarga qaramay, ular o'rtasida tub farq bor. "Poetik ajralish - bu haqiqatdan ajralish. Afsonaviy ajralish - bu ma'nodan, kundalik va oddiy hayot g'oyasidan ajralishdir" She'riyatda "haqiqatning o'zi yo'q bo'lib ketadi", "afsonaviy borliq haqiqiy borliqdir" Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, Losev mifologik va poetikaning yaqinligini tan olgan holda, ularning voqelik bilan bog'liq tub farqini qayd etadi. Poetik fantaziyaning erkin parvozida obrazlarning majoziy tabiati bilan ularni voqelikdan ajratadi va bu erkin ajralish obraz yaratuvchisiga ham, idrok etuvchi subyektga ham yaqqol ko'rinib turadi. Tasvirning barcha injiqligi va metaforik tabiatiga qaramay, afsonaviylik mutlaq ishonchli voqelik sifatida boshdan kechiriladi va idrok etiladi.²

XX asr madaniyati mifni inson va dunyo o'rtasidagi munosabatlarning maxsus tizimi sifatida aktuallashtirganligi sababli, badiiy amaliyotning faol mifologiyasi mavjud. Bu esa, o'z navbatida, mifik va poetik sohalar o'rtasida turli munosabatlarning paydo bo'lishining manbai bo'lib, o'ziga xos mifopoetikaning shakllanishiga xizmat qiladi. Ushbu turdagi sintezning imkoniyatini ko'p jihatdan romantizm vakillarining afsonaning mohiyati va uning ijodiy jarayondagi roli haqidagi qarashlari tayyorladi. Ko'rib chiqilayotgan masalalar nafaqat madaniyatning arxaik modellari bilan cheklanib qolmaydi.

XIX asr matnlari orasida, birinchi navbatda, Shellingning "San'at falsafasi" ni eslatib o'tish kerak. Ushbu matnning mifni madaniy taraqqiyotning dastlabki bosqichlariga xos hodisa sifatida qaraydigan tadqiqotlardan tub farqi shundaki, faylasuf mifning hozirgi zamon ijodiy jarayonlari uchun ahamiyatini tan oladi. "Yunon mifologiyasi o'zining ilohiy yaxlitligi tufayli she'riy dunyoning eng oliy prototipi" ekanligini ta'kidlaydi.³ She'riyat, rangtasvir, grafika va haykaltaroshlikning ichki aloqalari haqida fikr yuritir ekan, u shunday yozadi: "Ko'rinib turgan tub farqlarga qaramay, barcha san'at turlari bir ildizdan o'sadi va ularni o'rgana boshlagach, birlik tobora ishonchli namoyon bo'ladi". Yuqorida aytib o'tilgan she'riy tushunchaning keng talqini tufayli tasviriy san'atdagi mifologiya va poetika (badiiy) o'rtasidagi munosabatlar muammosini ko'rib chiqish mumkin bo'ladi.

Har qanday belgi tuzilishini idrok etishimizning o'ziga xosligi shundaki, biz, odatda, tushunchalarning ma'lum bir cheklangan doirasiga oldindan moslashamiz va faqat ushbu sohaga tegishli bo'lgan leksik elementlarni hisobga olamiz. Mif axborotni kodlashning maxsus shakli bo'lib, san'at ham shunday. Mif tizimidan san'at tizimiga o'tgan tasvir bilan nima sodir bo'ladi? Qisqa tarixiy davrda ham ma'lum bir badiiy harakatning o'ziga xos kodi tufayli uning o'zgarishini aniqlash mumkin. Rassom o'z kompozitsiyalarida "noqonuniylikni" ma'lumot olishni qiyinlashtiradigan komponent sifatida fikr yuritadi. Ammo aynan shu qiyinchilik kashfiyot sifatida boshdan kechirilgan, hissiy yuksalish manbai hisoblanadi. Asardagi ikki ishora tizimining ekspressiv komponentlari - mif va tasviriy san'atning sintezi uning badiiy imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytiradi. Mifologik elementlar asarga kiritilsa, uning asosiy tarkibiy qismlarining ma'nolarini bekor qilmaydi, balki ular bilan yangi munosabatlarga kirishadi va ulardagi ilgari o'qib bo'lmaydigan xususiyatlarni ochib beradi. Aftidan, mifopoetik kompozitsiyalarning ana shu xususiyatidan asarlarning o'ziga xos yangiligiga javob izlash kerak. Ushbu hodisa tufayli, birlamchi mifologik tasvirlarning davriy takrorlanishi bilan, ularni prototipning mohiyatini saqlaydigan, ammo boshqa "niqoblar" ostida paydo bo'ladigan belgilar bilan "almashtirish" jarayoni mumkin bo'ladi: badiiy tuzilish elementlari, elementlar orqasida mifologik tuzilmasi ochib beriladi.

¹ Potebnya A. A. Word and myth. – M.: Pravda, 1989.

² Losev A. F. Dialectics of myth // Myth – Number

³ Schelling F.V. Philosophy of Art. – M.: Mysl, 1999. – 608 p.

XX asrda mif va tasviriy san'at o'rtasidagi chegaralarni xiralashtirish tendensiyasi poetika tabiatida jiddiy o'zgarishlarga olib keldi. Tasviriy san'atda mifologiya va poetika o'rtasidagi dialogning ko'rsatilgan jarayonlari shu qadar faol namoyon bo'ldiki, u yoki bu tarzda bog'liq bo'lgan asarlarni tahlil qilishda "tasviriy san'at mifopoetikasi" tushunchasini ilmiy foydalanishga kiritish zarurati tug'ildi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vico J. Foundations of a new science of the common nature of nations. – M.: REFL-book, 1994. – 656 p.
2. Tylor E. B. Primitive culture. – M.: Politizdat, 1989. – 573 p.
3. Potebnya A. A. Word and myth. – M.: Pravda, 1989.
4. Losev A. F. Dialectics of myth // Myth – Number
5. Schelling F.V. Philosophy of Art. – M.: Mysl, 1999. – 608 p.
6. Longman (1999). Longman Dictionary of English Language and Culture.

Nashrga prof. B. Mengliyev tavsiya etgan

QO'SHMA SO'ZLAR TILSHUNOSLIKNING TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA

Xoliyarova Sh.B. (QarDU)

Annotatsiya. Qo'shma so'z, xususan, qo'shma fe'l muammosining turli masalalari o'zbek va jahon tilshunosligida o'rganilgan bo'lsa-da, qo'shma fe'l derivatsiyasida munozarali qarashlar mavjud. Shu tufayli bahsli vaziyatlarga aniqlik kiritish, bu muammo ustida izlanishlar olib borish tilshunosligimiz uchun ahamiyatli.

Tayanch so'zlar: *qo'shma so'z, qo'shma fe'l, derivatsiya, so'z yasash modeli, ko'makchi fe'li qo'shilma.*

СЛОЖНЫЕ СЛОВА КАК ОБЪЕКТ ИССЛЕДОВАНИЯ В ЛИНГВИСТИКЕ

Аннотация. Хотя в узбекском и мировом языкознании изучаются различные вопросы проблемы сложных слов, в частности сложных глаголов, существуют противоречивые взгляды на образование сложных глаголов. В связи с этим для нашей лингвистики важно прояснять спорные ситуации и проводить исследования по данной проблеме.

Ключевые слова: сложное слово, сложный глагол, деривация, модель словообразования, вспомогательный глагол.

COMPOUND WORDS AS AN OBJECT OF RESEARCH IN LINGUISTICS

Annotation. Although various issues of compound word, particularly, compound verb problem have been studied in Uzbek and world linguistics, there are controversial views on the derivation of compound verbs. Therefore, clarifying the argumentative onset is important for our linguistics research on this problem.

Keys words: *compound word, compound verb, derivation, word formation model, auxiliary verb.*

O'zbek tilining so'z boyligi dinamik rivojlanayotgan tizim bo'lib, u turli jarayonlar ta'sirida doimiy ravishda takomillashtiriladi: so'z yasalishi, leksik, semantik, sintaktik derivatsiya va boshqalar. Hozirgi zamon tilshunosligida leksikologiyaning bir tarmog'i sifatida qo'shma so'zga, uning derivatsiyasiga, nutqda uchrayotgan modellariga bo'lgan qiziqish tilshunoslikda tobora ortib bormoqda. Holbuki bu sohadagi qiziqish tilshunoslikning ilk bosqichlarida tilshunoslarni befarq qoldirmagandi. Tilshunoslik ilk asosi vujudga kelgan Hindiston(hind tilshunosligi)da qadimgi hindlar so'zlarni tahlil qilish, tarkibini o'rganish jarayonida ularni quyidagi qismlarga ajratganlar: 1) o'zak, 2) suffiks, 3) qo'shimcha (turlovchi qo'shimcha). Shuningdek, so'z yasovchi va so'z o'zgartiruvchi shakllar tafovut qilingan. Yevropa olimlari hind tilshunoslarining ishlari bilan yaqindan tanishib, so'zlardan o'zak, so'z yasovchi va so'z o'zgartiruvchi morfemalarni ajratishni boshlaganlar. Hind tilshunoslari qo'shma so'zlarning o'ttizga yaqin turini ajratganlar. Ular qo'shma so'zlarning tuzilishida komponentlar orasidagi munosabatlarga e'tibor berganlar. Masalan: ot+ot//fe'l; sifat//sifatdosh //ravish+ot//sifat//fe'l; son+ot va boshqalar. Hind grammatikachilari fe'l turkumining morfologik kategoriyalarini mukammal ishlagan edilar. Panini o'z davridayoq tilni sistema sifatida tushundi, so'z turkumlarini farqladi, so'z tarkibini o'rgandi, o'zak, qo'shimcha, urg'u, intonatsiya va boshqa hodisalar haqida ma'lumot berdi.

O'rta Osiyoda ilm-fanning shakllanishida o'z hissasini qo'shgan Abu Nasr Forobiy qomusiy olim sifatida tilni ham tahlil qiladi va bu haqida o'zining "Fanlar tasnifi haqidagi so'z" asarining birinchi bo'limida fikrlarini berib o'tadi. Xususan, so'z ma'nolari va tuzilishi haqida so'z ma'nosi ikki xil bo'ladi: sodd va murakkab. Borliqdagi bir turdagi predmet va hodisalarni nomlovchi leksemalarni sodd deydi. Masalan: *odam, hayvon*. Narsa va uning ma'nosini aniqlab keluvchi so'zlarni murakkab so'z ma'nosi deydi. Masalan: *Bu o'simlik gul* kabi. Til ilmi tarixida so'z tuzilishi borasida qarashlari bor edi. Garchand Forobiydagi murakkab ma'no gapga to'g'ri kelsada, bu boradagi ya'ni sodd so'z, qo'shma so'z haqida fikrlarning shaklantirdi. Shuningdek olim til bo'limlari(mundariyasi)ni 6 ga bo'ladi ana shu uchinchi bo'limini sodd so'z qonunlari haqidagi fan deb ataydi. "Sodd so'z qonunlari haqidagi fan, avvalo, nutq tovushlarini (harflarni), undosh tovushlarning paydo bo'lish o'rlini, unli tovushlar va ularning xususiyatlarini, so'zga qo'shimchalar qo'shilganda ro'y beradigan fonetik o'zgarishlarni, so'zning fonetik modeli, sodd va qo'shma so'zlar, yasama so'zlar namunalari (modeli), ot va fe'llarning o'zgarishi (shaxs, son, zamon bilan o'zgarishi), talaffuzi qiyin so'zlar va ularning talaffuzini yengillashtirish yo'llari kabilarni o'rganadi."¹

Mahmud Koshg'ariy ham tilshunoslikning alohida bo'limlardan biri «So'z yasalishi» to'g'risida o'zining asosli fikrlarini bildirdi. So'z yasalishining eng mahsuldor usuli morfologik usul ekanligi ko'pchilikka ma'lum. Mahmud Koshg'ariy ham shu tufayli so'z yasalishi haqida aytganda, asosan, affikslar qo'shib so'z yasashga to'xtaladi. U so'zlarni yasalgan-yasalmaganlik belgisiga ko'ra ikki turga— tub va yasama so'zlarga ajratadi. Jumladan, u otlarning yasalishi xususida aytib, shunday yozadi: "Otlar ikki turlidir: yasama ot va tub ot. Fe'llardan yasalgan otlar fe'l oxiriga o'n ikki harfdan birini qo'shish bilan yasala- di. Qilich, o'q kabi otlar tub otlardir. Bu xil otlar boshqa so'zlardan kelib chiqmagan. Yasama otlar boshqa so'zlardan kelib chiqadi. Bularning ba'zilar turmushda qo'llanib, eshitilib yurilgan bo'lsa, ba'zilar aniq emas, qiyosiy asosdadir."² Demak, qo'shma so'zlar haqida fikrga ega bo'lgan bo'lsa-da, biroq aniq va asosli isbotini ko'rsatmagan edi.

Uning grammatik sohadagi fikrining qiymati shundaki, hozirgi tilshunoslikda qo'llanilayotgan so'z yasalish tuzilishidagi uch qism haqida ma'lumot beradi. U so'z yasashga asos, yasovni vosita va yasalma haqida fikr yuritadi. Masalan, g'u holida qurol oti hosil qilishini ko'rsatadi: bichg'u «narsalarni kesuvchi asbob» (bichdi fe'lidan yasalgan) kabi.

Turkiy tillar lug'ati va grammatikasiga bag'ishlangan asarlardan biri muallifi noaniq bo'lgan «At-tuhfatuz zakiyatu fil- lug'atit turkiya» («Turkiy til haqida noyob tuhfa») kitobi ham ana shunday asarlar jumlasidandir. Otlar atokuj va turdosh otlarga bo'linadi. Atoqli otlar «alam» atamasi bilan nomlanadi va biror narsaga xoslab qo'yilgan so'z «alam» ekanligi aytiladi³. Masalan, Alloh—tangri, Rasul—payg'ambar, Malik—qaan va boshq. Alam tuzilish jihatdan sodd va qo'shma turlarga bo'linadi. Masalan, Ala bug'a, Kun dug'di, Oy dug'di (kishi otdari) kabilar qo'shma, Alloh, Rasul kabilar sodd (salt) alam hisoblanadi, deya ta'kidlaydi⁴. Bunda fikr, asosan, antroponimlar tuzilishiga qaratiladi.

Alisher Navoiy «Muhokamat ul-lug'atayn» asarida esa o'zining ayrim kuzatishlarini bayon qilgan. Unda so'z yasalish strukturasi bo'yicha fikr bildirmasa ham, lekin so'z yasashga asos, yasovchi vosita va yasalma tushunchalari haqida ma'lumotga ega bo'lgan. Misol uchun aytadigan bo'lsak, -vul affiksi yordamida shaxs oti yoki urush asboblari otlari ma'nosi anglatilishini ko'rsatadi: xirovul, qarovul, ningdavul, yankovul, so'zovul, patovul, kitpovul, yasovul, bakovul, jig'ovul, dakavul⁵. U affikslarning ma'no ifodalash imkoniyatlari va bunday imkoniyatning sort (fors) tilida cheklanganligini aytadi. Bugungi kunda so'z yasalishi, shakl yasalishi atamalarini bilan farqlanuvchi yasalishlarni bir-biridan ajratmaydi.

Tildagi birliklar jumladan, so'zlarning tub yoki yasamaligi, sodd va qo'shma so'z masalasi hamisha e'tiborda bo'lib keldi, ilm ahlilari o'z pozitsiyalarini bildirib keldi. O'zbek tilshunosligi

¹ Nurmonov A. O'zbek tilshunosligi tarixi. — Toshkent: O'zbekiston, 2002. — B. 1–11.

² Кошгарий Махмуд. Девони луғатит турк. — Тошкент, 1960. I том. — Б. 50.

³ Ат-тухфатуз закияту фил- луғатит туркия. — Тошкент: Фан, 1968. — Б. 108.

⁴ Ат-тухфатуз закияту фил- луғатит туркия. — Тошкент: Фан, 1968. — Б. 62.

⁵ https://e-library.namdu.uz/84%20Badiy%20adabyot%20asarlal/alisher_navoiy_muhokamatul_lugatayn.pdf.10-b

uchun ahamiyatli bo'lgan tilimizning grammatikasi to'g'risida Abdurauf Fitratning "O'zbek tili qoidalari to'g'rusida bir tajriba (birinchi kitobi: Sarf)" asarida bu borada fikrlari aks etgan. So'zlarning tubliggi, yasamaligi mavzusi ostida yasama otlar deb, ularni ikkiga afiksatsiya hamda qo'shma otlarga bo'ladi. "Qo'shma otlar- iki ot bir sufat bilan bir ot qo'shulib bir narsaning oti bo'lg'anda "qo'shma ot" deyiladi. Qo'shma otdag'i iki so'z yozilg'anda birlashtiriladi: oybolta, oqsoqol kabi."¹

IV-fasl fe'llar mavzusida bo'lib qo'shma fe'llar tarifi keltiradi.

"Yozdim, boshladim.

Bizda yuqoridag'i iki fe'l bir-biriga qo'shilib ikisining ma'nolaridan aralash "bir ma'no" beraturg'an bir fe'l bo'ladi: yoza boshladim, kela boshladim kabi. Bunga bir qo'shma fe'l deymiz. Qo'shma fe'lda ma'noning og'irlig'I birinchi fe'lda bo'lib, ikkinchi fe'lning ma'nosi unga "qayd" bo'lib qoladi."² olimning qarashidagi qo'shma fe'l hozirgi o'zbek tili grammatikasida tasdig'ini topgan ko'makchi fe'l qo'shilmasi edi. Garchi qo'shma fe'l deb nomlagan bo'lsa-da, mohiyatini to'g'ri anglagan edi, sababi harakat tarzlariga ko'ra ma'nolarini bergan, bu ko'makchi fe'lli qo'shilma edi.

Qo'shma so'zlarning lingvistik tabiati va xususiyatlarini o'rganish jahon tilshunosligida 19-asrdan yanada jadallashdi. Dastlab, boshqa lingvistik kategoriya va hodisalar grammatikasiga oid ishlarda qo'shma so'zlarning qisqacha ilmiy tavsiflari ham namoyon bo'ladi. Xususan, I.Giganov, A.Kazambek, M.Terentyev, V.V.Radlov, I.M.Melioranskiy, N.Ya.Ashmarin bu so'zlar haqida ilk tushunchalarini beradi. Bunday ilmiy qarashlar keyinchalik qo'shma so'zlarga oid ilmiy izlanishlarni yanada rivojlantirish uchun asos bo'ldi.

Y.Giganov 1801-yilda nashr etilgan "Tatar tili grammatikasi" asarida birinchilardan bo'lib turkiy tillardagi qo'shma so'zlarga ta'rif bergan: "Qo'shma so'zlar ikki yoki undan ortiq so'zdan tuzilgan so'zlardir".³ Qayd etilgan asarda qo'shma so'zlarning tarkibi va yasaliş yo'llari haqida shuningdek, qo'shma so'zlar – qo'shma otlar, qo'shma qo'llanuvchan va qo'shma fe'llarning tasnifi ham mavjud edi. Bu fikr M.A.Kazembek asarlarida davom ettiriladi. Bir qator nazariy masalalarga aniqlik kiritgan tilshunos Kazembek turkiy tillarning ustunligini so'z yasalişini, qo'shma fe'llarni yaratish yo'llari, so'z birikmasi xususiyatlari bilan izohlagan. Bunday so'zlarning birikmasiga kelsak, muallif dastlab "qo'shma so'z" tushunchasini kiritadi. Bu tushunchaga asoslanib, u qo'shma fe'llarning yasaliş usullari so'z yasaliş qonuniyatlari bilan belgilanadi, shunga ko'ra, qo'shma fe'llar bir so'z sifatida tasniflash lozim, deya tushuntiradi⁴. Bu fikr M.Terentyevning "Turk, fors, qirg'iz va o'zbek grammatikasi"⁵ asarida ham ifodalangan.

Turkologlarning yana bir yirik vakili N.A.Ashmarin chuvash tiliga oid boy materiallar to'plagan, ko'plab muammolar qatori qo'shma so'zlarning lingvistik tabiati masalasini ham ko'targan. Bu masala bo'yicha ko'plab qarashlar, asosan, turli tomonlarni qisman o'rganganligi sababli, N.A. Ashmarin qo'shma so'zlarga oid masalalarga aniqlik kiritadi. Xususan, qo'shma so'zlarni gap bo'laklari nuqtayi nazaridan ko'rib chiqdi. Shu sababli, ushbu muallifning tadqiqotida "qo'shma ot" tushunchasi mavjud bo'lib, uning shakllanishi chuvash tilida qo'shma otlar ikki so'zdan iborat ekanligi bilan izohlanad. Sodda so'zlar va nihoyat, umumiy ma'noda qo'shma so'zlarga so'z yasalişini va tarkibi nuqtayi nazaridan qarash kerakligi aytiladi.⁶ O'z navbatida, yuqorida qayd etilgan fikrlar ushbu yo'nalishdagi keyingi tadqiqotlar uchun asos bo'lib xizmat qildi.

Shunday qilib, bu davrda umumtilshunoslikning ilmiy yutuqlari va ilmiy-nazariy asoslari milliy tillarni o'rganishda metodologik asos bo'lib xizmat qildi. Va bu bir vaqtning o'zida qo'shma so'zlarni o'rganish sohasida yangi istiqbollarni ochdi.

XXasrning boshlarida akademiklar A. N. Samoylovich va V. A. Gordlevskiylarning grammatika bo'yicha asarlarida qo'shma so'zlar masalasi ko'tarilib, ular qo'shma so'zlarni "ikki

¹ Fitrat A. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Ma'naviyat, 2009. –B. 148.

² Fitrat A. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Ma'naviyat, 2009. –B. 162.

³ Гиганов И. Грамматика татарского языка. – СПб, 1801.

⁴ Казембек М. А. Общая грамматика турецко-татарского языка. – Казань, 1864.

⁵ Терентьева М. Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская. – СПб., 1878.

⁶ Ашмарин Н. И. Материалы для исследования чувашского языка. Ч. 1, 2. – Казань, 1898; 1903.

nominal o‘zakning birikmasi” deb ta’riflagan¹. Biroq shuni ta’kidlash kerakki, yuqorida tilga olingan olimlar qo‘shma so‘zlarni ilmiy tadqiq qilishni maqsad qilib qo‘ymaganlar, ular muayyan lisoniy xususiyatlar, xususan, qo‘shma so‘zlarning mavjudligi yoki yo‘qligini ko‘rsatadigan faktlarni ko‘rsatish bilan chegaralangan. Qolaversa, me’yoriy grammatikaga oid bu ishlar, aniqrog‘i, o‘quv qo‘llanmalari xususiyatiga ega edi, shuning uchun ularda u yoki bu masala bo‘yicha ilmiy qarashlar va tushunchalarning sustligi tushunarli.

Biz o‘rganayotgan muammo haqida mashhur turkshunos N.A. Baskakov o‘zining qoraqalpoq tili grammatikasi bo‘yicha asarida quyidagi misollarni keltiradi: qora qus, quurbakcha, qo‘lqop, qo‘l yozma, oyin-oyin, sen-sen, bular muallifning fikricha, uch tamoyildan biriga ko‘ra shakllangan. so‘z yasalishi - sintaktik va ularni "ikki yoki bir nechta so‘zlarning bir leksik yaxlitlikni tashkil etuvchi birikmasi" deb belgilaydi. Ana shu ta’rifdan kelib chiqib, u sintaktik tamoyilga ko‘ra bir leksik butunlikka birlashgan so‘zlarni birikma va qo‘shma otlar deb ataydi².

Qo‘shma so‘z imlosi ham bahsli munozaralardan bo‘lib, "Qo‘shma so‘zlarning imlosi (ularni qo‘shib yoki ajratib yozish) kishilar (subyekt) tomonidan belgilanadi, shunga ko‘ra bu hodisa ma’lum darajada subyektiv bo‘ladi. Qo‘shma so‘zning o‘zi esa qanday yozilishidan qat’iy nazar, tilning lug‘at boyligida mavjud bo‘lgan subyektiv bir hodisadir"³. To‘g‘ri, tilning grammatik meyorlari kishi(tilshunos)lar tomonidan belgilanadi, biroq tilning tabiiy qonuniyatlarga e’tiborga olinadi, shunchaki subyektiv yondashuvda imlosi belgilanmaydi. Subyektiv deb baho berish to‘g‘ri bo‘lmas. So‘nggi yillarda jahon tilshunosligida bu borada yanada konkret yo‘nalishlarda ishlar vujudga keldi. Raximova Asiya Riyazovna "Структурные и семантические особенности сложных слов, характеризующих человека, в татарском языке", Semenova Galina Nikolayevna" К вопросу об идентификации сложного слова в чувашском языке " Musukov Boris Abdulkerimovich " Формально-семантические особенности усилительных конструкций в тюркских языках», Sultakayeva Raushaniya Abdulxayevna «Некоторые особенности образования сложных глаголов башкирского языка», Budajarova Larisa Batuyevna " К проблеме сложносоставных слов в бурятском языке(на материале буддийской лексики)".

Qo‘shma so‘zlar va ularning o‘rganilishi tarixi bo‘yicha biz o‘rgangan adabiyotlardan ma’lum bo‘ldiki, qo‘shma so‘zlar o‘zbek va jahon tilshunosligida keng o‘rganilgan. Biroq qo‘shma so‘z borasidagi ishlarda bu lingvistik hodisaga bir xil tarif berilmagan yoki turli hodisalarga qo‘shma so‘z sifatida e’tirof bo‘lgan. P. Б е р д и е в СССР, *райком кabi abrivatsiyalar ham qo‘shma so‘z sifatida qaraydi*⁴. *Malumki, bunda hech qanday yangi lu‘g‘aviy birlik yuzaga kelgani yo‘q. Shunchaki so‘zning qisqartma holida qo‘llanish yuz bergan.* O‘zbek tiliga oid adabiyotlarda tomorqa, otquloq, ko‘kqarg‘a kabilar qo‘shma so‘z, qozon-tovoq, aka- uka, katta-kichik, sekin-asta, birin-ketin kabilar» juft so‘z deb ataladi⁵. «So‘z yasalishi»ning o‘zbek tilshunosligida mustaqil soha sifatida shakllanishi va takomillashuvi ham prof. A.G‘.G‘ulomov va u yaratgan ilmiy maktab faoliyati bilan uzviy bog‘liq.

Ayub G‘ulom ishlarida ishlab chiqilgan dinamik va sitatik derivatsiya munosabatlari, ularni belgilovchi tamoyillar, yasalma, yasovchi asos, yasovchi vosita, so‘z yasash modeli, so‘z yasash tipi, so‘z yasash usuli, so‘z yasash andozasi, kabi tushunchalarning o‘z mohiyatiga ko‘ra tavsiflanishi uning tahlil yo‘riqlarini belgilab bergan manbadir.

B. Madaliyev o‘zining „Hozirgi zamon o‘zbek tilida qo‘shma so‘zlar“ maqolasida o‘zbek tilida qo‘shma so‘zlarning sintaktik usul bilan hosil bo‘llishi haqida gapirib, sintaktik usul bilan so‘z yasash deganda „so‘zlarni biriktirish orqali so‘z yasash" tushunilishi kerakligini aytadi.

Bu narsa qo‘shma so‘z tushunchasiga aniqlik kiritish lozimligini, ya’ni qo‘shma so‘z deganda qanday hodisa nazarda tutilishini aniq belgilab olish lozimligini ko‘rsatadi.

¹ Гордлевский В. А. Грамматика турецкого языка. – М., 1928.

² Баскаков Н. А. Каракалпакский язык, II, фонетика и морфология, ч. 1. – М., 1952. – С. 184-185.

³ Ахманова О. С. К вопросу об отличии сложных слов от фразеологических единиц „Труды института языкознания. т. 4. – М.: Изд-во АН СССР, 1954. – С. 52.

⁴ Бердиев Р. Сложные слова в современном туркменском языке: Автореферат канд. дисс. – М., 1955.

⁵ 16 Фуломов А. Ф. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида. ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари. Биринчи китоб. – Тошкент, 1949. – Б. 63–68.

Qo'shma so'z deganda o'zaro bog'langan ikki yoki undan ortiq so'z emas, balki birdan ortiq negizdan tashkil topgan bir so'z tushunilishi kerak: tog'olcha, tokilon, mosh rang, sodda dil kabi. Shu xususiyatiga ko'ra, ular sodda so'z va so'z birikmasidai farqlanadi¹. Izohli lug'atida quyidagicha qisqa tarif beriladi: "2. tlsh. Ikki va undan ortiq til birligining qo'shiluvidan tashkil topgan. Qo'shma gap. Qo'shma affiks. Qo'shma so'z"²

Qo'shma so'z, xususan, qo'shma fe'l muammosining turli masalalari o'zbek va jahon tilshunosligida o'rganilgan bo'lsa-da, qo'shma fe'l tushunchasiga munozarali qarashlar mavjud. O'zbek tilida qo'shma so'zlar hodisasi murakkab jarayon shu jumladan qo'shma fe'llar ham. Avallo, qo'shma fe'llarning murakkabligi boshqa til hodisalari (ko'makchi fe'li qo'shilma, so'z birikmasi, turg'un birikma)ga shaklan o'xshashligida. "Muammoning yuzaga kelishiga ikki fe'lining ravishdosh shakli vositasida bog'lanishiga asoslangan [fe'l+ib fe'l] qolipining shakldoshligiga, ya'ni ushbu qolip uchta hosila – qo'shma fe'l, ko'makchi fe'li qo'shilma va so'z birikmasiga tegishli bo'la olishi sabab bo'lmoqda"³.

Tilimizda bir qarashda so'z birikmasi, ibora, yordamchi fe'li birikuvlarga o'xshaydigan, lekin ularga kiritib bo'lmaydigan birliklar uchramoqdaligini (masalan, ishga kirmoq, raqsga tushmoq) ular qo'shma fe'llar ekanligini, bu esa ilmiy talqinlarga ega emasligini tilshunos B. Bahriddinova asosli takidlaydi.

Bu kabi jarayonlar qo'shma fe'l derivatsiyasi bilan bog'liq chigal vaziyatlarga aniqlik kiritish, bu muammo ustida izlanishlar olib borish lozimligini talab etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Nurmonov A. O'zbek tilshunosligi tarixi. – Toshkent: O'zbekiston, 2002. – B. 1–11.
2. Кошгарий Махмуд. Девони луғатит турк. – Тошкент, 1960. I том. – Б. 50.
3. Ат-тухфатуз закияту фил- луғатит туркия. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 108.
4. Fitrat A. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Ma'naviyat, 2009. – B. 148.
5. Гиганов И. Грамматика татарского языка. – СПб, 1801.
6. Казембек М. А. Общая грамматика турецко-татарского языка. – Казань, 1864.
7. Терентьева М. Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская. – СПб., 1878.
8. Ашмарин Н. И. Материалы для исследования чувашского языка. Ч. 1, 2. – Казань, 1898; 1903.
9. Гордлевский В. А. Грамматика турецкого языка. – М., 1928.
10. Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология, ч. 1. – М., 1952. – С. 184-185.
11. Ахманова О. С. К вопросу об отличии сложных слов от фразеологических единиц „Труды института языкознания. т. 4. – М.: Изд-во АН СССР, 1954. – С. 52.
12. Бердиев Р. Сложные слова в современном туркменском языке: Автореферат канд. дисс. – М., 1955.
13. Фуломов А. Ф. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида. ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари. Биринчи китоб. – Тошкент, 1949. – Б. 63–68.
14. Bahriddinova B. Qo'shma fe'llarni o'qitish muammolari // Til va adabiyot ta'limi. 2016, 10-son.

Nashrga prof. B. Bahriddinova tavsiya etgan

МУҲАММАДРАСУЛ МИРЗО «ДЕВОН»ИДА ЛЕКСИК МАЪНО ВА КЎЧИМ

Жумаева К.Т. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада Муҳаммадрасул Мирзо «Девон»ида ўз аксини топган сўз маъносининг бир неча ифода усуллари борасидаги фикрлар баён қилинган, семантик ўхшатишлар кўчимлар ва метафоралар орқали шоир шеърятидан ўрин олганлиги мисоллар билан далилланган.

Таянч сўзлар: *кўчим, метафора, образли ифода, тасвирий восита, семема, ўзбекона эталон, таибех, интим лирика.*

¹ Hojiyev A. O'zbek tilida qo'shma, juft, takroriy so'zlar

² <https://savodxon.uz/izoh>

³ Bahriddinova B. Qo'shma fe'llarni o'qitish muammolari // Til va adabiyot ta'limi. 2016, 10-son.

ЛЕКСИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ И ПЕРЕВОД В “ДЕВОН”Е МУХАММАДРАСУЛА МИРЗО

Аннотация. В статье высказываются мнения о нескольких способах выражения смысла слов, отраженных в «Девоне» Мухаммадрасула Мирзо, на примерах доказывается, что смысловые сравнения имели место в поэзии поэта посредством метафор.

Ключевые слова: *перевыражение, метафора, образное выражение, изобразительные средства, семема, узбекский колорит, аллюзия, интимная лирика.*

LEXICAL MEANING AND TRANSLATION IN MUHAMMADRASUL MIRZO'S “DEVON”

Annotation. In the article, opinions on several ways of expressing the meaning of words reflected in "Devon" of Muhammadrasul Mirzo are expressed, it is proved with examples that semantic similes have taken place in the poet's poetry through metaphors.

Key words: *translation, metaphor, figurative expression, visual means, semema, Uzbek standard, allusion, intimate lyrics.*

Мухаммадрасул Мирзо “Девон”ида маъшуқа сифатларининг баёни учун услубий воситалар – кўчимлар, метафоралардан фойдаланади ва бу бирликлар орқали маданий мазмун лисоний мазмунга «кўчиш» имкониятини реаллаштиради.

Ўхшатиш бадий тасвир воситаларининг энг кўп тарқалган тури сифатида доимо адабиётшунос ва тилшуносларни қизиқтириб келган¹. Одатда, ўхшатишларнинг икки тури: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фаркланади².

Лингвопоэтикада нарса ва ҳодисаларнинг ташқи, зохирий ўхшашлигига асосланган метафорик кўчма маънога нисбатан лисоний, уларнинг ички, ботиний ўхшашлигига монандлигига нисбатан бадий метафора ифодаси ишлатилади. “Тилда ва бадий нутқда ишлатилишига кўра метафорани икки турга бўлиш мумкин:

- 1) тил метафораси;
- 2) бадий метафора.

Бадий метафорада предметлар орасидаги ўхшашлик асосида бадий бўёк, образлилик ётади. Демак, бадий метафора тил метафорасидан, дастлаб, фикрни образли ифодалаш хусусияти билан ажралиб туради. Шунингдек, бадий метафорада ўхшашлик яширинган ҳолда бўлади.

Бадий метафора – образли, ифодали, таъсирчан восита. У бадий нутқнинг таъсирчанлигини, образлилигини кучайтирувчи усул ҳисобланади. Шунга кўра, бадий метафора тасвирий восита сифатида бадий нутқ жараёнида муҳим вазифа бажаради. Бадий матндан ташқарида метафорик маъно ифодалаган сўз предметнинг номининг атамаси сифатида номинатив функциясида қолаверади”³.

Шунга биноан Мирзо шеърларида қўлланган метафоранинг формал структураси ҳам ҳар хил эканлигини кўриш мумкин. Баъзи метафорик маъно алоҳида сўз ёрдамида ифодаланса, бошқаси сўз бирикмаси, айримлари гап орқали ифодаланади. Алалхусус, шаклий структурасига кўра шоир шеърларидаги икки хил метафорани ажратиш мумкин:

- 1) лексик асосли метафора;
- 2) синтактик асосли метафора:
 - а) бирикма асосли метафора;
 - б) гап асосли метафора⁴.

¹ Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. –Тошкент: Фан, 1977; Усмонов Ф.Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. –Тошкент, 2017.

² Маҳмудов Н., Худойберганава Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. –Б. 5.

³ Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси: монография. –Т.: Фан, 1990. –Б.18.

⁴ Шодмонова Д.Э. Абдулла Орипов шеърининг лингвопоэтик хусусиятлари. (метафорик ҳодисалар мисолида): филол. фан. номз. дисс. Қарши, 2019. –Б. 69.

Мирзо назмида қўлланган сўзларнинг кўчма маънолари шоир шеърятининг лингвопоэтик моҳиятини муайянлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. У айрим мифик образлар орқали, аввало, иккиламчи моҳият касб этувчи бадий санъатлар юзага келтиришни назарда тутса, иккинчидан, матн яхлитлиги, унинг изчил мантикийлигини, мажозийлигини белгилашда муҳим вазифа бажаради. Буни шоирнинг куйидаги мисраларида ўз тасдиғини топади:

*Ҳар қачон чиқсанг ниқобинг юздин олиб, эй пари,
Абр аро пинҳон ўлур кўргач юзингни офтоб (6/1).*

*Гулузор соқилар илкидин майи гулранг,
Ичгач очди юзлардин ҳар пари гулистонлар (13/1).*

Кўринадикки, байтларда *пари* луғавий бирлиги иккиламчи моҳиятни ўзида мужассам этиб, “аёл гўзаллиги” семемаси мифологик образ орқали воқелантирилган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *пари* мифонимиға куйидагича таъриф берилган: “Пари [ф. – гўзал аёл; яхшилик қилувчи рух] 1 миф. Шарқ халқлари фольклорларида кенг тарқалган, жуда гўзал қиз қиёфасидаги, нурдан яратилган, кишиларни инс-жинслардан сақлайдиган афсонавий образ; гўзаллик рамзи. *Қари билганини пари билмас*. Мақол. *Букри домла Майнани жинми, парими деб ўйлади, шекилли, турган жойидан силжмай, аллақандай дуони пичирлади*. Ш. Тошматов, Эрк куши¹”.

“Таъкидлаш жоизки, мумтоз адабиётда ҳар қандай гўзаллик аёл тимсоли билан боғланади. Гўзаллик тушунчаси асосан, ёрга (тасаввуфий шеърятда Оллоҳга), аёлга бўлган меҳр-муҳаббат заминида юзага келган, дейиш ўринли бўлади. Ўзбек халқининг миллий-этник қадриятлар образли майдонида аёл гўзаллигининг шарқона, ўзбекона эталони яратилган бўлиб, у ҳар бир давр адабиётининг лингвопоэтик хусусиятларида ўз ифодасини тошган².

*Гулузор соқилар илкидин майи гулранг,
Ичгач очди юзлардин ҳар пари гулистонлар (12/2).*

Шу боисдан биринчи мисрада шоир наздида “пари юзини очса, куёш ўз хунуклигини кўрсатмаслик учун булут ортига яширинади”, иккинчи мисрада эса “гўзал соқилар тутган қизил рангли майни ичганда ҳар бирининг юзи бир гулистон бўлиб кўринадикки” тарзидаги маъно акс этишини илғаш қийин эмас. Демак, гўзаллик ифодалашнинг бу усулида аёл ҳамда гўзаллик белгиси уйғунлаштирилиб, улар орасидаги мантикийлик ўзаро ассоциатив-вербал ифодани ташкил этган. Бироқ бу белгилар бевосита тўғридан-тўғри эмас, балки *пари* мифоними воситасида кўчирилади. *Пари* лексемаси ҳам жинсни, ҳам белгини ифодалаш асносида, ошиқликнинг баҳо даражасини вербаллаштирган.

Бадий матнларда гўзалликнинг лисоний ифодасида анъанавий эталонлардан ташқари, индивидуал баҳо мезонлари ҳам мавжудки, улар муаллиф хаёлот ва эмоционал баҳо даражаси ҳақида тасаввур беради. Атойининг “*Ул санамким...*” деб бошланувчи машҳур ғазалидаги ҳамда “*Ул иликким, сувдин ориқдур, ювмас они суда, Балки сувни пок бўлсун деб, илиги бирла юр байтида*” сувни қўллари билан поклаётган санам тимсоли орқали гўзалликнинг – поклик семаси реаллашади³.

Мирзо “Девон”ида *санам* лексемаси саккиз марта такрорланган. Бу қайтариқлар ҳам аёл гўзаллигининг ташбеҳи учун бунёд этилган. Аслида санам жонсиз бут. Бадий ижодда у икки моҳият жамланмаси бўлиб хизмат қилади: биринчиси – гўзаллик; иккинчиси – илоҳийлик ва садоқат.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Н – Тартибли. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 –Б. 222.

² Маруфова З.Н. Мумтоз бадий матнларда “гўзаллик” концептининг вербаллашуви: филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. –Фарғона, 2022. –Б. 15.

³ Маруфова З.Н. Келтирилган манба. –Б. 20.

*Хусн оламининг иқлими ичра қилмиши сани ҳақ шоҳи муаззам,
Оллингдадурлар маҳваши **санамлар** маъмуру амр ўлмоқга сипоҳинг (23/1).*

САНАМ [а. бут, санам; манот] 1 Тошдан, ёғочдан ёки металлдан инсон қиёфасида (кўпинча гўзал аёл образида) ясалган ва зийнатланган бут. *Бу вақтда уларнинг ҳаммаси ҳайратдан қотиб қолган, уйнинг бурчагида турган санамга ўхшардшар.* «Шарқ юлдузи».

2 кўчма Гўзал, дилбар аёл, нозанин. *Сиздай қизлар бўлди бунда улфатим, Ечиб юбор, санам қизлар, қўлимни.* «Муродхон»¹.

Шоҳ Муҳаммад Раҳимхонга атаб битилган бу байтда ҳам шу икки белги-хусусият ўзлигини намоён қилган: хоннинг амрини ҳам гўзалли – мажозий маънода “саранжомлик”, “райиятга меҳру вафо”, ҳам куч-қудрат ижобат қилиниши кўзда тутилган. Шундай қилиб, метафора орқали ифода этилган кўчим муаллиф хаёлотини ва эмоционал баҳо даражаси ҳақида тасаввур беради.

Маълумки, шеър интим лириканинг гўзал намунаси эканлигини таъкидлаш лозим. Мирзо қўллаган *мастона* ўзлашма ясама сўзи 6 марта қайтарилган. Бу лексеманинг маъноси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да:

“**МАСТОНА** [ф. мастлик билан, маст ҳолда] поэт. 1 Мастларча, мастлар каби. *У бир мастона чайқалиб турган шогирдига, бир ҳайратда қотиб қолган Пири Букрийга, бир Маликул шаробга қаради.* О. Ёқубов, Кўхна дунё.

2 Ақлни оладиган даражада гўзал, чиройли, хумор. *Мастона кўзлар²*” каби берилган. Англашиладики, бу сўзнинг денотатив маъноси билан шеъринг матнлардаги семалари орасидаги алоқадорлик беҳад узоқлашиб кетган. Гарчи бу икки семема орасидаги яқинлик “элас-элас” сезилиб турса-да, уларни бир-бирининг ўрнида қўллашнинг умуман иложи йўқ. Уларни фақат “гўзаллик” семаларигина бирлаштириб туради, холос.

***Мастона** сайр айлар чоғи қилгай қадин кўрган,
Жон аризининг онинг қадиға қурбон, эй рафиқ (21/2).*

Мастона поэтоними жуфт сўз сифатида такрорда ўзининг денотатив маъносига бир қадар яқинлигини номоён қилиши мумкин, лекин бундай ҳолларда ҳам ўзининг дастлабки луғавий маъносига тўлиқ мос тушмайди. Чунонси:

*Паёнай тут қадаҳни тўлтуруб Мирзога маст ўлгач,
Ғамин шарҳ айласун ул кўзлари **мастона-мастона** (31/1).*

Таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, гўзаллик тушунчасининг концептуал хусусиятлари қуйидагича: гўзаллик сифат ёки сифатлар йиғиндиси; гўзаллик ёқимлилиги боис руҳни кўтаради, ақлни ром қилади; гўзаллик ҳиссиётларни уйғотади; гўзаллик жуда жозибали ва у жозибали аёл демасди. Бу каби тушунчалар ўрганилаётган мумтоз бадий матнларда гўзаллик тасаввурининг концептуал асосини ташкил қилади³.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кўнгулов Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. –Тошкент: Фан, 1977.
2. Усмонов Ф.Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. –Тошкент, 2017.
3. Маҳмудов Н., Худойберганаева Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. –Б. 5.
4. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси: монография. –Т.: Фан, 1990. –Б.18.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Н – Тартибли. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 –Б. 437.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 –Б. 554.

³ Маруфова З.Н. Келтирилган манба. –Б. 21.

5. Шодмонова Д.Э. Абдулла Орипов шеърий тинг лингвопозетик хусусиятлари. (метафорик ходисалар мисолида): филол. фан. номз. дисс. Қарши, 2019. –Б. 69.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Н – Тартибли. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 –Б. 222.

7. Маруфова З.Н. Мумтоз бадий матнларда “гўзаллик” концептининг вербаллашуви: филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. –Фарғона, 2022. –Б. 15.

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

THE FORMATION OF BASIC TERMS IN BIOTECHNOLOGY: A LINGUISTIC ANALYSIS IN THE UZBEK CONTEXT

Adambaeva F.R. (Urgench Branch of Tashkent University of Information Technologies)

Annotation. This paper delves into a linguistic analysis of the formation of basic terms in biotechnology within the Uzbek context. By examining the etymological origins, grammatical structures, and semantic relationships of these terms, the paper explores the factors influencing their development and usage. The analysis highlights the influence of Uzbek cultural traditions, linguistic features, and translation practices on the formation of biotechnology terminology. The findings of the analysis reveal several key aspects of the formation of basic terms in biotechnology within the Uzbek context. The paper concludes by emphasizing the importance of understanding the formation of basic terms in biotechnology within the Uzbek context for fostering effective cross-cultural communication and collaboration in the field.

Keywords: *Biotechnology terminology, Uzbek language, linguistic analysis, term formation, cultural context, translation, neologisms, morphology, compounding, cross-cultural communication.*

BIOTEKNOLOGIYAGA OID ASOSIY ATAMALAR SHAKLLANISHINING O‘ZBEK TILI KONTEKSTIDAGI LINGVISTIK TAHLILI

Annotatsiya. Ushbu maqolada o‘zbek tilida biotexnologiyaga oid asosiy atamalarining shakllanishi ko‘rib chiqiladi. Ushbu atamalarning etimologik kelib chiqishi, grammatik tuzilmalari va semantik munosabatlarini tahlil qilinib, ularning rivojlanishi va qo‘llanilishiga ta’sir qiluvchi omillar o‘rganiladi. Maqolada biotexnologiya terminologiyasining shakllanishiga o‘zbek madaniy an’analari, til xususiyatlari va tarjima ta’siriga e’tibor qaratiladi. Tahlil natijalari o‘zbek tilida biotexnologiyaga oid asosiy atamalar shakllanishining bir qancha asosiy jihatlari ochib beradi. Maqolaning yakunida ushbu sohada samarali madaniyatlararo muloqot va hamkorlikni rivojlantirish uchun o‘zbek tilida biotexnologiyaga oid asosiy atamalarning shakllanishini tushunish muhimligini ta’kidlangan.

Tayanch so‘zlar: *biotexnologiya terminologiyasi, o‘zbek tili, lingvistik tahlil, atama yasalishi, madaniy kontekst, tarjima, neologizmlar, morfologiya, birikma, madaniyatlararo muloqot.*

ФОРМИРОВАНИЕ БАЗОВЫХ ТЕРМИНОВ В БИОТЕХНОЛОГИИ: ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ В УЗБЕКСКОМ КОНТЕКСТЕ

Аннотация. Данная статья посвящена лингвистическому анализу формирования основных терминов биотехнологии в узбекском контексте. Рассматривая этимологическое происхождение, грамматические структуры и семантические отношения этих терминов, в статье исследуются факторы, влияющие на их развитие и употребление. В анализе подчеркивается влияние узбекских культурных традиций, языковых особенностей и переводческой практики на формирование биотехнологической терминологии. Результаты анализа раскрывают несколько ключевых аспектов формирования базовых терминов биотехнологии в узбекском контексте. В заключение в документе подчеркивается важность понимания формирования основных терминов в области биотехнологии в контексте узбекского языка для содействия эффективному межкультурному общению и сотрудничеству в этой области.

Ключевые слова: *биотехнологическая терминология, узбекский язык, лингвистический анализ, терминообразование, культурный контекст, перевод, неологизмы, морфология, словосложение, межкультурная коммуникация.*

Introduction

Biotechnology, a rapidly expanding field at the intersection of biology and technology, has revolutionized our understanding of life and introduced a myriad of novel concepts and techniques.

As this field takes root in Uzbekistan, the need for precise and unambiguous terminology becomes increasingly crucial. The formation of basic terms in Uzbek biotechnology, therefore, is a dynamic and intricate process, shaped by a multitude of linguistic and scientific factors. This article delves into the linguistic mechanisms that underpin the formation of basic terms in Uzbek biotechnology. It explores the interplay of affixation, compounding, borrowing, semantic shifts, and the utilization of native Uzbek words in shaping the language of this transformative field. By examining these linguistic processes, we gain a deeper understanding of how scientists effectively communicate complex biological concepts and techniques in the Uzbek language. This understanding not only enriches our appreciation of the language of biotechnology in Uzbekistan but also highlights the dynamic nature of scientific discourse and the role of language in shaping scientific knowledge. Furthermore, this article highlights the unique features of Uzbek biotechnology terminology, such as the incorporation of native Uzbek words and the reflection of the cultural and historical context of Uzbekistan. It underscores the importance of collaboration between language experts, scientists, and the broader Uzbek scientific community in ensuring the continued development of a comprehensive and dynamic terminology that supports the growth of biotechnology in Uzbekistan.

Research methods

This article employs a qualitative approach, drawing upon linguistic analysis and textual evidence to explore the formation of basic terms in biotechnology in the Uzbek language.

Literature review

Several studies have explored the formation of scientific terminology in various languages, including Uzbek. Abdurazakov and Mukhamedova [1] examined the formation of terms in the field of physics in Uzbek, highlighting the use of Uzbek linguistic features, such as agglutinative morphology and compounding, in the creation of new terms. Kurbanova and Rustamova [2] investigated the translation of English medical terminology into Uzbek, emphasizing the challenges posed by cultural and linguistic differences between the two languages. Nazarov and Turgunov [3] analyzed the formation of terms in the field of chemistry in Uzbek, focusing on the use of direct and indirect translation methods, resulting in a mix of Uzbek neologisms and calques.

The formation of basic terms in Uzbek biotechnology, much like other languages, follows a set of linguistic mechanisms that enable scientists to create precise and unambiguous vocabulary to capture the essence of complex biological concepts and techniques [4].

These mechanisms include:

1. **Affixation:** This process involves adding prefixes or suffixes to existing words to create new terms with specific meanings. For instance, the prefix "bio-" is frequently used to form new terms related to biology, such as "biokimyo" (biochemistry) and "biotexnologiya" (biotechnology) in Uzbek. Similarly, the suffix "-logiya" is commonly used to form terms related to fields of study, such as "Sitologiya" (cytology) and "mikrobiologiya" (microbiology).

2. **Compounding:** This mechanism combines two or more words to form a new term. For example, the term "genetik muhandislik" (genetic engineering) is formed by combining the words "genetik" (genetic) and "muhandislik" (engineering) in Uzbek. Similarly, the term "polimeraza zanjiri reaksiyasi" (polymerase chain reaction) is formed by combining the words "polimeraza," "zanjiri," "reaksiya" (polymerase, chain, reaction).

3. **Borrowing:** This process involves adopting words from other languages to enrich the terminology. The term "Klon" in Uzbek is borrowed from English, while the terms "gen" and "xromosoma" are borrowed from Greek. These borrowed terms are often adapted to fit the phonology and grammar of Uzbek.

4. **Semantic Shifts:** This mechanism involves assigning new meanings to existing words to adapt to the evolving concepts in biotechnology. For example, the word "gen" (gene) originally meant "race" or "kind" in Uzbek, but it has now come to refer to a unit of heredity. Similarly, the word "ferment" (ferment) originally meant "to leaven" in Uzbek, but it has now come to refer to a biochemical process.

5. **Utilization of Native Uzbek Words:** This unique feature of Uzbek biotechnology terminology involves employing native Uzbek words, such as "hayot" (life) and "tabiat" (nature), to capture the essence of biological concepts. This integration reflects the cultural and historical

context of Uzbekistan and enhances the comprehensibility of scientific terminology among Uzbek speakers.

6. Backformation: This process involves creating new words from existing words by removing suffixes or prefixes. For instance, the term "enzim" (enzyme) is derived from the Greek word "enzymon," with the suffix "-on" removed.

7. Acronyms and Abbreviations: This mechanism involves creating abbreviated forms of lengthy terms for convenience and clarity. For example, "DNK" (DNA) and "RNK" (RNA) are acronyms used in Uzbek biotechnology.

8. Specialization of Existing Terms: This process involves using words that have different meanings in everyday language to acquire specific meanings in biotechnology. For example, the term "klon" (clone) refers to a group of genetically identical organisms in biotechnology.

9. Metaphors and Analogies: This mechanism employs figurative language to convey complex concepts in a more relatable manner. For instance, the "molekulyar biologiyaniy markaziy dogmasi" (central dogma of molecular biology) uses a metaphor to describe the flow of genetic information.

These linguistic mechanisms, often employed in combination, allow scientists to create a dynamic and ever-expanding vocabulary that effectively captures the advancements and discoveries in the field of biotechnology in Uzbekistan. As biotechnology continues to evolve, the need for precise and unambiguous terminology will only grow, and these mechanisms will continue to play a crucial role in shaping the language of this transformative field in Uzbekistan.

In addition to the common mechanisms of affixation, compounding, borrowing, and semantic shifts, there are also some unique features of Uzbek biotechnology terminology that reflect the cultural and historical context of Uzbekistan:

– Native Uzbek Words: Uzbek biotechnology terminology often makes use of native Uzbek words, such as "hayot" (life) and "tabiat" (nature), to capture the essence of biological concepts.

– Cultural and Historical Context: Uzbek biotechnology terminology often reflects the cultural and historical context of Uzbekistan. For instance, the use of the term "o'simlik" (plant) to refer to both plants and microorganisms highlights the importance of agriculture and natural resources in Uzbek culture. [5]

– Reflection of Cultural and Historical Context: Uzbek biotechnology terminology often bears the imprint of Uzbekistan's cultural and historical context. For example, the use of terms like "dorivor seleksiya" (Medicinal plant selection) and "genetik muhandislik" (genetic engineering) reflects the country's agricultural traditions and advancements in biotechnology. This integration of cultural and historical elements enriches the terminology and provides a unique perspective on scientific concepts.

– Adaptation of Borrowed Terms: Uzbek biotechnology terminology actively adapts borrowed terms from other languages, such as English and Greek, to fit the phonology and grammar of Uzbek. This adaptation process ensures that borrowed terms become seamlessly integrated into the Uzbek language and are readily understood by Uzbek speakers. For instance, the term "DNA" (deoxyribonucleic acid) is adapted to "DNA" in Uzbek, while the term "gene" is adapted to "gen."

– Evolution of Terminological Nuances: Uzbek biotechnology terminology is constantly evolving to reflect the latest advancements and discoveries in the field. As new concepts and techniques emerge, new terms are coined or existing terms are adapted to accommodate these developments. This dynamic nature of Uzbek biotechnology terminology ensures that it remains relevant and up-to-date with the ever-expanding field of biotechnology. [6]

– Collaboration between Language Experts and Scientists: The formation of Uzbek biotechnology terminology is a collaborative effort that involves language experts, scientists, and the broader Uzbek scientific community. Language experts provide expertise in the structure, grammar, and usage of the Uzbek language, ensuring that new terms are grammatically correct and consistent with existing Uzbek vocabulary. Scientists, on the other hand, provide the necessary input on the meanings and usage of new terms, ensuring that they accurately reflect the scientific concepts they represent. [7]

Harmonization with International Standards: While Uzbek biotechnology terminology maintains its unique cultural and linguistic identity, it also strives to harmonize with international standards to facilitate communication and collaboration with the global scientific community. This harmonization process involves adopting standardized terms for key concepts and techniques, ensuring that Uzbek scientists can effectively communicate their findings to an international audience. [8]

Challenges and Opportunities in Terminological Development

The development of Uzbek biotechnology terminology faces several challenges, including the rapid pace of scientific advancement, the need to harmonize terminology with international standards, and the importance of maintaining consistency with existing Uzbek vocabulary. However, these challenges also present opportunities for language experts and scientists to collaborate in creating a dynamic and comprehensive terminology that supports the growth of biotechnology in Uzbekistan. The challenges which development of biotechnology terminology in the Uzbek language faces:

Rapid pace of scientific advancement: The field of biotechnology is constantly evolving, with new concepts and techniques emerging at a rapid pace. This presents a challenge for terminologists, as they need to keep up with the latest developments and ensure that the terminology is accurate and up-to-date.

Harmonization with international standards: While it is important to maintain the unique linguistic and cultural identity of Uzbek biotechnology terminology, it is also crucial to harmonize with international standards to facilitate communication and collaboration with the global scientific community. This can be a challenging balancing act, as it requires finding ways to adapt borrowed terms to fit the Uzbek language while also ensuring consistency with international usage.

Limited resources: The development of biotechnology terminology requires a significant investment of time and resources, including expertise in linguistics, biology, and terminology. However, these resources may be limited in Uzbekistan, which can hinder the development of a comprehensive and up-to-date terminology.

Lack of standardized processes: There is currently no standardized process for developing and approving new terms in Uzbek biotechnology. This can lead to inconsistencies in terminology and make it difficult for scientists and other stakeholders to find the correct terms for their needs.

Lack of awareness and adoption: Even if new biotechnology terms are developed, there is no guarantee that they will be adopted by the Uzbek scientific community. Scientists may be hesitant to adopt new terms if they are not familiar with them or if they perceive them as being unnecessary or overly complex.

Opportunities in Terminological Development of Biotechnology in the Uzbek Language

Despite these challenges, there are also several opportunities for the development of biotechnology terminology in the Uzbek language, including:

1. **Enrichment of the Uzbek language:** The development of new terms for biotechnology concepts can enrich the Uzbek language, expanding its vocabulary and reflecting the advancement of scientific knowledge in Uzbekistan.

2. **Enhancement of scientific communication:** Accurate and consistent terminology can facilitate clear and effective communication among scientists in Uzbekistan, promoting collaboration and innovation in the field of biotechnology.

3. **Preservation of cultural identity:** The incorporation of native Uzbek words and the reflection of cultural and historical context in biotechnology terminology can help preserve Uzbekistan's unique linguistic and cultural identity.

4. **Global recognition and contribution:** Harmonization with international standards can enhance the visibility of Uzbek biotechnology terminology and allow Uzbek scientists to contribute effectively to the global scientific discourse.

5. **Promoting scientific literacy:** The development of clear and accessible biotechnology terminology can help promote scientific literacy among the general public in Uzbekistan, increasing understanding of scientific concepts and fostering a more informed society.

To overcome the challenges and seize the opportunities in terminological development of biotechnology in the Uzbek language, several strategies can be implemented:

– Establish a standardized process: Develop a standardized process for developing and approving new terms, involving experts in linguistics, biology, and terminology. This will help ensure consistency and quality in the terminology.

– Increase awareness and adoption: Raise awareness among Uzbek scientists about the importance of using accurate and consistent terminology. Encourage the adoption of new terms through workshops, training sessions, and publications.

– Create online resources: Develop online resources, such as dictionaries and glossaries, to make biotechnology terminology readily accessible to scientists, students, and the general public.

– Promote collaboration and knowledge sharing: Encourage collaboration between Uzbek scientists and terminologists to share knowledge and expertise in terminology development.

– Seek international cooperation: Seek cooperation with international organizations and terminological experts to harmonize Uzbek biotechnology terminology with international standards.

By implementing these strategies, Uzbekistan can develop a comprehensive, accurate, and up-to-date biotechnology terminology that supports scientific advancement, enhances communication, and preserves the country's unique linguistic and cultural identity.

Conclusion. The formation of basic terms in biotechnology is a dynamic and multifaceted process, shaped by a complex interplay of linguistic mechanisms, historical influences, and scientific needs. As the field expands and evolves, its terminology continues to adapt, reflecting the ever-evolving concepts, techniques, and discoveries that drive biotechnology forward. This article has delved into the linguistic mechanisms that underpin the formation of basic terms in biotechnology in the Uzbek language. We have examined the role of affixation, compounding, borrowing, acronyms, eponyms, neologisms, backformation, semantic shifts, specialization, and metaphors in creating a precise and unambiguous vocabulary for this transformative field. We have also explored the historical influences on Uzbek biotechnology terminology, highlighting the enduring legacy of native Uzbek words and the adaptation of borrowed terms to fit the phonology and grammar of the Uzbek language. The formation of basic terms in biotechnology is not merely a linguistic exercise; it is a reflection of the field's intellectual growth and its profound impact on our understanding of life. As scientists continue to push the boundaries of scientific discovery, the language of biotechnology will continue to evolve, providing a powerful tool for communication, collaboration, and innovation in Uzbekistan and beyond.

References

1. Abdurazakov, U., & Mukhamedova, M. (2018). Formation of terms in the field of physics in Uzbek language. *Uzbek Language and Literature*, 12(2), 23-27 pp.
2. Kurbanova, M., & Rustamova, S. (2020). The translation of English medical terminology into Uzbek. *Scientific Research Journal*, 11(2), 32-35 pp.
3. Nazarov, A., & Turgunov, D. (2022). Formation of terms in the field of chemistry in Uzbek language. *Journal of Education, Science and Humanities*, 6(2), 112-117.
4. Abdullaev, A., & Norboeva, M. (2018). The formation of basic terms in biotechnology in the Uzbek language. *Lingua Posnaniensis*, 44(3), 47-52 pp.
5. Akhmedov, U. (2021). Uzbek language and biotechnology: terminological aspects. *Problemy sovremennoi filologii i lingvistiki*, 1, 1-6 pp.
6. Kurbanov, M., & Khalmatov, R. (2019). The development of biotechnology terminology in the Uzbek language. *Vestnik Tashkent State Pedagogical University named after Nizami*, 1, 20-24 pp.
7. Nazirova, S. (2017). The role of language experts in the formation of biotechnology terminology in the Uzbek language. *Vestnik Bukhara State University*, 1(24), 83-85.
8. Usmanov, A. (2020). The influence of the Uzbek language on the formation of biotechnology terminology. *Problemy sovremennoi filologii i lingvistiki*, 4, 1-5 pp.

Published by prof. Recommended by B. Mengliev

**БОЛАЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТЛАРИ МАДАНИЯТЛАРАРО АЛОҚАНИ
ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА****Раҳматова З. Х. (ҚарДУ)**

Аннотация. Жаҳон ўқув лексикографиясида нутқ ўстириш воситаларининг турли-туман типлари мавжуд бўлиб, таҳлиллар мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган луғатларнинг аксариятини энциклопедик характерга эгаллиги, яъни энциклопедик билим бериш учун хосланганлигини кўрсатди. Бу болалар энциклопедияларининг кўпроқ когнитив вазифани бажаришга хослангани, таълимга йўналтирилгани, расмли, рангли-безакли бўлиши ва, муҳими, уларда муайян миллий маданиятга хос тушунчалар учун асос бўлган нарса, воқеа, ҳодисалар, шахс, географик номлар ҳақидаги умумий маълумотлар қамраб олинishi билан боғлиқ.

Таянч сўзлар: *мактабгача тарбия, ўқув луғатлари, луғат, лексикография, нутқ ўстириши воситалари, энциклопедия, менинг биринчи луғатим.*

**ДЕТСКИЕ ЭНЦИКЛОПЕДИИ КАК СРЕДСТВО ОБЕСПЕЧЕНИЯ
МЕЖКУЛЬТУРНОГО ОБЩЕНИЯ**

Аннотация. В мировой учебной лексикографии существуют различные типы средств для развития речи, анализы которых показали, что большинству словарей, созданных для детей дошкольного возраста, свойственен энциклопедический характер, то есть они дают энциклопедические знания. Это связано с тем, что детские энциклопедии более специфичны для выполнения познавательной задачи, носят изобразительный, красочно-декоративный характер и, что немаловажно, в них освещаются общие сведения о предметах, событиях, явлениях, личностях, географических названиях, которые являются основой для понятий, характерных для той или иной национальной культуры.

Ключевые слова: *дошкольное воспитание, учебные словари, словарь, лексикография, средства развития речи, энциклопедия, мой первый словарь.*

**CHILDREN'S ENCYCLOPEDIAS AS A MEANS OF ENSURING INTERCULTURAL
COMMUNICATION.**

Annotation. In the world educational lexicography, there are various types of means for the development of speech, the analyzes of which have shown that the majority of dictionaries created for preschool children are encyclopedic in nature, that is, they provide encyclopedic knowledge. This is due to the fact that children's encyclopedias are more specific for the performance of a cognitive task, are of a pictorial, colorful and decorative nature and, importantly, they highlight general information about objects, events, personalities, geographical names, which are the basis for concepts characteristic of one or another national culture.

Key words: *preschool education, educational dictionaries, dictionary, lexicography, speech development tools, encyclopedic, my first dictionary.*

Кириш. Мактабгача ёшдаги бола дунёни аслича қабул қилади. Узлуксиз таълимнинг илк босқичи – мактабгача таълим босқичи боланинг атрофидаги оламни ўрганиши, у билан мулоқотга киришиши, воқеликка онгли ва тўғри муносабат билдира олиш кўникмаларини ўстиришда муҳим роль ўйнайди. Бола ҳар куни янги сўз, янги тушунчаларга дуч келади, уларни ўрганади, луғатида сақлайди ва шу тариқа онгида у яшаб турган оламнинг яхлит манзараси акс эта боради. Шу сабабли нафақат бизнинг давримиз, балки инсонийлик жамияти пайдо бўлган қадим замонлардаёқ атрофини ўраб турган олам, борлиқнинг лисоний манзарасини англашга боланинг илк ёшларидан эътибор қаратилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Болалар учун яратилган ҳар қандай восита, у бадий асар бўладими, лексикографик маҳсулот бўладими, аввало, унинг нутқини бойитиш, тафаккурини ўстиришга қаратилган бўлади. Москва давлат матбуот университети профессори, филология фанлари доктори, Халқаро ахборотлаштириш академияси академиги А.А.Гречихин қадимги рус китобларини ўрганар экан, болалар учун ёзилган ҳар қандай китобни “познавательная книга” – билим берувчи, ўргатувчи китоб, аниқроғи “когнитив китоб” деб номлайди[1].

Манбалар болалар учун китоб ёзиш тарихини таълим, мактаб тушунчасининг пайдо бўлиши билан боғлайди. Милоддан аввалги IX–VIII минг йилликларга келиб дунёнинг бир қатор минтақалари, хусусан, Кичик Осиё, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда аҳоли ўртасида ижтимоий келиб чиқиш, мавқе, мол-мулкка кўра табақаланиш юз бера бошлади. Ишлаб чиқариш, саноатнинг ривожланиши, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва аҳолининг ҳукмрон табақаларининг (диндорлар, амалдорлар, қабила оқсоқоллари) пайдо бўлиши жисмоний ва ақлий меҳнатни ажратишга олиб келди. Жисмоний меҳнат қуйи табақа вакиллари, ақлий меҳнат жамиятнинг юқори қатламлари кўлида тўпланиб, уларнинг энг катта имтиёзига айланди. Ақлий ва жисмоний меҳнатни ажратиш янги мутахассисликлар, жумладан ўқитувчи тушунчасининг пайдо бўлишига туртки бўлди [2]. Бу эса турли табақа вакиллари таълим эгаллашдаги сезиларли фарқларини очиб берди. Ибтидоий жамиятнинг парчаланиши даврида моногам оила асосий ижтимоий бирликка айланади. Оила ва оилавий тарбиянинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда бола тарбиясига ҳам эътибор сезиларли даражада ошди. Одатдагидек ҳаётнинг биринчи йилларида бола билан шуғулланиш, уни парвариш қилиш онага топширилган. Боланинг улғайиб бориши билан унинг тарбияси устида мақсадли ишлаш масаласи кун тартибига чиқа бошлади. Жамиятда маълум даражада тўпланган билимларни сақлаш, бошқаларга узатиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган ёзувни ўргатиш, диний ва дунёвий билим бериш талаби махсус ижтимоий институт – мактабларнинг юзага келишига туртки бўлди. Илк мактабларда беш ёшдан 16-17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўқитилиб, улар учун асосий дарслик вазифасини луғат-грамматикалар, адабиёт китоблари бажарган [3].

Бола тарбиясига эрта киришиш, комил шахс тарбиясида нутқнинг ўрни масаласи Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам антик даврлардаёқ долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўйилади. Бироқ замонавий таълимда айнан мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаси бўлган махсус луғатларни яратиш тарихи у қадар узоқ эмас. Илк илдизлари милоддан аввалги тўрт мингинчи йилликларга бориб тақалиши эътироф этилаётган ўқув луғатчилиги анъаналари шаклланган XX аср бошларида ҳам ҳали таълимнинг илк босқичи – мактабгача таълим учун луғатлар яратиш масаласи кун тартибига олиб чиқилмаган эди.

Тўғри, айрим Европа мамлакатлари, шунингдек, Россияда болалар учун китоб ёзиш ҳаракатлари бирмунча илгарироқ бошланган. Бу борада изланишлар олиб борган И.А.Антипова XVIII асрнинг иккинчи ярмини дунё миқёсида болалар учун китоб нашр этиш тарихида том маънодаги энг муҳим давр деб атайди. Унинг маълумот беришича, жаҳон миқёсида айнан шу вақтдан бошлаб айнан кичик ёшдаги болалар учун китоб ёзиш анъанаси тўла шаклланади. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби ушбу даврга келиб Россияда болалар адабиёти ўзига хос мақсад ва вазифаларини белгилаб олиб, мустақил йўналишга тушиб олди, болалар нашриётлари пайдо бўла бошлади. Болаларга мўлжалланган илк китоблар Россияда XVI – XVII асрлардан кузатилиб, мунтазам тараққий этиб боради. XVIII асрнинг охирига келиб полиографик технологияларнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда болалар китобларини ёзиш ва уларни нашр этиш энг юқори чўққига кўтарилади. Бу рус матбаачилиги тарихида болалар учун махсус нашрларнинг пайдо бўлишига олиб келади [4].

Мутахассислар айнан болалар ва ўсмирларга бағишланган илк китоб сифатида Дмитрий Герасимовнинг 1491 йилда қўлда ёзилган лотин тили дарслиги “Донатус”ни кўрсатадилар. “Донатус” лотин тилини ўргатишга бағишланган иккита грамматикаси – қисқача бошланғич курс сифатидаги “Кичик грамматика” (“Ars minor”) ва кенгқамровли дарслик “Катта грамматика”си (“Ars maior”) билан танилган машҳур римлик грамматик ва нотик Элий Донат (320-380) номи билан боғлиқ. Д.Герасимов лотин тилининг мазкур классик антик грамматикасининг аналогичи – русча версиясини ишлаб чиқади. У дарсликни яратишда шунчаки таржима йўлидан бормай, грамматик терминология, шунингдек, лотин грамматик категориялари аналогларини таклиф қилади, XVI аср жонли тилига мансуб сўзлар семантикаси билан боғлиқ қимматли маълумотларни жамлайди. “Доната”нинг (Элий Донат грамматикаси “Доната” номи билан ҳам танилган – Б.Б.) лотин-немис тилидаги кўплаб нашрлари Д.Герасимов учун намуна бўлиб хизмат қилган, сабаби дарсликда лотинча

матн немис тилига таржима билан параллел равишда босилган. Эҳтимол, грамматиканинг яратилиши латин тилини ўрганиш зарурати билан боғлиқ бўлган [5].

Болалар учун ёзилган навбатдаги классик нашр 1596 йилда рус тилшуноси, ёзувчи, таржимон, педагог ва илоҳиётчи Лаврентий Зизанийга мансуб универсал-энциклопедик изоҳли луғат – “Лексис” (“Азбука”) ҳисобланади. У рус тилида яратилган биринчи луғат бўлиб, славян тилида ёзилган муқаддас китоблардаги маъноси тушунарсиз сўзлар изоҳига бағишланган. Керакли маълумотни тез ва қулай топиш мақсадида сўзлик алифбо тартибида жойлаштирилган ва шу сабабли луғат “Алифбо” номи билан машҳур бўлган. Луғатда чап томонда черков славян (ҳозирги русча) сўзлари келтирилиб, ўнг томонда унинг жонли рус (ҳозирги украин) тилидаги маъноси берилган. Китоб бошловчилар – кичик ёшдаги фойдаланувчиларга мўлжаллангани боис, қадимги черков китобларида жуда кам учрайдиган сўз ва ибораларни қамраб олмаган [6].

Болалар нутқини ўстириш воситалари тарихида Ян Амос Коменский асарларининг роли муҳим ўринга эга. Я.А.Коменский (1592-1670) машҳур чех педагоги, ёзувчи, давлат арбоби, илмий педагогика асосчиси бўлиб, унинг бола тарбияси, умуман, педагогикага бағишланган бир неча бебаҳо ва ўлмас дарсликлари бизгача етиб келган. Улар ичида иккитаси – “Тилларнинг очик эшиклари” ёки “Эшик ортидан” (“*Jania linguarum et ilmiyarum omnium reserata*”) ҳамда “Тушунчалар олами расмларда” [7] (“*Orbis Sensualium Pictus*”) энциклопедияси бевосита лингводидактик характерга эгалиги билан ажралиб туради. Олимнинг, хусусан, 1658 йилда ёзилган машҳур “Тушунчалар олами расмларда” ёки “Олам расмларда” деб номланган энциклопедияси луғат-дарслик характерига эга бўлиб, ҳозирга қадар мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситалари қаторида муҳим ўринга эгалиги билан ажралиб туради.

Тадқиқот методологияси. Ўзбек тилида Я.А.Коменскийнинг мазкур луғат-дарслиги бошқа асарлари каби фақат педагогик аспектда ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида бола нутқини ўстириш воситаларини яратишнинг лингвистик хусусиятлари махсус тадқиқ қилинмаганлиги сабабли “Тушунчалар олами расмларда” энциклопедияси хусусида маълумотлар учрамайди. Бугунги кунда дунё тилшунослигида кенг оммалашган “оламнинг лисоний манзараси” тушунчасининг асл негизлари Коменскийнинг “Тушунчалар олами расмларда” энциклопедиясига бориб тақалади десак, хато қилмаймиз. Аниқроғи, ушбу луғатида муаллиф таълим олувчининг илк ёшларида атрофидаги оламда мавжуд энг зарурий тушунчалар – жонли ва жонсиз табиат, ҳайвонот олами, ўсимликлар, ходисалар, озик-овқатлар, жиҳозлар, умуман, барча тушунчаларни расмлар воситасида изоҳлаши, оламнинг лисоний тасвири билан таништиришни мақсад қилиб олади.

“Олам расмларда” энциклопедиясида сўзлик алифбо тартибида жойлаштирилган бўлиб, у “жонли алифбо” ёки “рамзий алфавит” деб ҳам номланади. Муаллиф китобнинг “Фойдаланувчи учун кўрсатма” қисмида алифбодаги ҳарфлардан келиб чиқиб луғатга расмлар танлагани, машқлар, топшириқлар, мисоллар илова қилганини айтади. Ўқув луғатини характерлайдиган ушбу белгилар XX аср ўрталарига келиб ўқув лексикографияси назариясида ўз ифодасини топади.

Коменскийнинг ушбу энциклопедияси таъсирида бир қанча тилларда айнан шу номли луғатлар, унинг аналоглари юзага келди. Жумладан, ўтган аср бошларидаёқ рус тилида “Мир чувственных вещей в картинках” умумий номи остида болалар луғатининг бир неча нашрлари яратилди. Айнан мактабгача таълим тизими учун қозоқ тилида А.Рауандина ва Б.О.Салыховаларнинг 2009 йилда яратилган “Суретті қазақ тілі” (Қозоқ тили расмларда”), Ф.Брукснинг 2014 йилда яратилган “Суретті сөздігі” (“Расмли луғат”), С.В.Трофимованинг 2015 йилда яратилган “Мен тұратын үй. Суретті сөздік” (“Мен яшайдиган уй. Расмли луғат”), “Мен жақсы көретін әлем. Суретті сөздік” (“Мен яхши кўрган эл. Расмли луғат”) каби луғатларини бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Ўқоридагилардан кўришиб турибдики, бугунги кунгача яратилган кичик ёшдаги болаларнинг интеллектуал тараққиёти, нутқини ўстириш билан боғлиқ воситаларнинг, асосан, икки тоифасини ажратиш мумкин:

1) луғатлар (иллюстратив энциклопедиялар, луғат-грамматикалар, луғат-дарсликлар ва бошқ.);

2) бадий асарлар – эртақ, ҳикоя ва бошқ.

3) Жаҳон ўқув лексикографиясида ўқув луғатларининг турли-туман типлари мавжуд. Бироқ кузатувлардан маълум бўладики, мактабгача ёшдаги болалар учун яратиладиган луғатларнинг аксарияти энциклопедик характерга эга, яъни энциклопедик билим бериш учун хосланган бўлади.

4) Биринчи болалар энциклопедиялари айнан “яхлит умумий билим бериш” ғояси билан маорифчиларнинг оммани маърифатли қилишга доир “туйғулар ва онгни шакллантириш” мақсади билан туташиб кетди. Бу, ўз навбатида, жаҳон ўқув лексикографиясида “болалар энциклопедияси” деб аталган махсус жанрни юзага келишига туртки бўлди. XVIII асрдаёқ бу жанрда яратилган энциклопедиялар катта ёшли фойдаланувчиларга мўлжалланган умумий энциклопедиялардан тезкор маълумот беришга эмас, балки кўпроқ когнитив вазифани бажаришга хослангани, таълимга йўналтирилгани, рангли-безакли бўлиши билан ажралиб туришини ўзида намоён қилди. Бу белги “болалар энциклопедияси”ни таълим жараёнига яқинлаштирди, ҳатто кўпгина мамлакатларда уни ўқитиш воситаси сифатида тан олинишига сабаб бўлди.

5) XVIII аср охирларига келиб Европа мамлакатларида немис, инглиз, француз, испан тилларида яратилган болалар луғатлари таъсирида рус тилида дастлабки болалар энциклопедиялари пайдо бўла бошлади. И.А.Антипова биринчи болалар энциклопедиялари муаллифлари ўқитувчи ва мураббийлар (И.Б.Базедов (1699-1773), Н.Г.Курганов (1725-1796), Х.Г.Вольке (1741-1825), Ф.Ю.Бертух (1747-1822), Д.В.Нехачин (1769-1804) ва И.В.Нехачин (1771-1811) ва бошқ.) бўлганини унинг дарслик вазифасини бажаргани билан асослайди. Улар энциклопедияларни универсал ўқув-дидактик қўлланма деб билишган [10]. Тадқиқотчи Европада том маънода дарслик вазифасини бажарувчи болалар энциклопедиялари тараққиёти XVIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, болалар адабиёти соҳасининг “синиши”га, оқсашига сабаб бўлгани, шунингдек, география, тарих, этнография, зоология ва психологияга қизиқишнинг ортиб бориши 1780-90 йилларда бу фанларга доир билимларнинг ҳам болалар энциклопедияларида камраб олинишига олиб келганини таъкидлайди [9].

6) Энциклопедияларда иллюстрация – расмлар, ранглар, визуализацияга катта эътибор қаратилиши болалар энциклопедияларининг дарслик ва болалар адабиётига қараганда фойдаланувчилар диққатини ўзига кўпроқ жалб қилишига сабаб бўлди. Болалар энциклопедиялари нашриётлар учун катта даромад келтирадиган соҳага айланди.

7) Ўзбек тилида кичик ёшли болаларга мўлжаллаб китоб ёзиш тарихи у қадар узоққа бориб тақалмайди. XX аср бошларида рус тилида яратилган нутқ ўстириш воситалари таъсирида ўзбек тилида ҳам болалар учун дастлабки китоблар – луғат-қўлланмалар, адабиётлар пайдо бўла бошлади. Бунда ўз даврининг маърифатпарварлари – Абдулла Авлоний, Ҳамза, Садриддин Айний, болалар ёзувчилари Зафар Диёр, Ҳаким Назир, Қуддус Мухаммадий, Пўлат Мўмин, Қудрат Ҳикмат, Султон Жўра, Шукур Саъдулла, шунингдек, Ғайратий, Ғафур Ғулом, Ойбекларнинг роли катта бўлди.

8) XX аср охирларига келиб ўзбек тилида болаларга мўлжалланган илк энциклопедия “У ким. Бу нима” номи билан чоп этилди. Уч қисмдан иборат ушбу китоб ўз даврида мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари интеллектуал тараққиётида муҳим рол ўйнади. 1998 йилда “Ўзбекистон” нашриётида уч жилдли “Мўъжиза китоб” номли болалар энциклопедиясининг нашр этилиши ўзбек тилида энциклопедик луғатларнинг махсус жанрининг юзага келишига туртки бўлди.

9) Таҳлил ва натижалар. Сўнгги йилларда ўзбек тилида ҳам мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларининг янги авлоди – хорижий луғатчилик анъаналари асосида яратилган қатор замонавий луғатлар ва уларнинг электрон версиялари юзага келганини таъкидлаб ўтиш ўринли. 2010 йилда “Чўлпон” нашриётида В.В.Аристова ва бошқаларнинг рус тилида яратилган “Менинг энг биринчи энциклопедиям” деб номланган луғати ўзбекча таржима билан нашр этилди. Луғат кичик ёшли болаларнинг ўзини қуршаб

турган олам билан таниша бошлаган даврида катталарга берадиган турли-туман саволларига жавоб беришда ота-оналар, тарбиячиларга муҳим ёрдамчи вазифасини ўтайди. Китоб “Ҳаммаси одам ҳақида”, “Атрофимиздаги техника”, “Санъат олами” каби қисмлардан ташкил топган бўлиб, боланинг бутун коинот ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлиши, ҳайвонот олами билан танишиши, одам танаси қисмлари номини ва маъносини билиши, шунингдек, ўз ёши доирасида техника, санъат олами ҳақида зарур бўлган тушунчаларга эга бўлишида амалий аҳамият касб этади. Мазкур луғатни XXI асрда ўзбек тилида мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган замонавий энциклопедиянинг илк намунаси деб баҳолаш мумкин, бироқ рус тилида яратилган луғатнинг айнан таржимаси бўлганлиги боис, уни ўқув луғатлари талаби даражасида яратилган луғат деб бўлмайди. Қомусдаги маълумотлар бошқа миллат ҳаёти, турмуш тарзига хос тушунчаларни қамраб олган, ҳатто унга чизилган суратларда ҳам миллий руҳ сезилмайди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти томонидан 2016 йилда Миразиз Аъзамнинг “Минг бир сўзни биламан” деб номланган рангли-безакли луғати ва унинг электрон варианты, 2018 йилда “Менинг биринчи энциклопедиям” туркумида белгиланган 50 номдаги болалар энциклопедиясининг 10 таси нашр этилди (“Техника оламига саёҳат”, “Бу жуда қизик”, “Капалаклар олами”, “Коинотга саёҳат”, “Дунё бўйлаб саёҳат”, “Балиқлар оламига саёҳат”, “Ҳайвонот оламига саёҳат”, “Ўсимликлар оламига саёҳат”, “Тарихга саёҳат”, “Ёш билимдон”) ва уларнинг электрон версиялари яратилди. Ҳар бир энциклопедия ўзи ихтисослашган соҳага оид сўзларни қисқа ва лўнда шаклда, боланинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда изоҳини ўзида жамлаган.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу луғатларнинг барчасини узлуксиз таълимнинг илк бўғинида таълим олувчиларнинг нутқий захирасини тўлдириш, ўзини қуршаб турган оламнинг миллий лисоний манзарасини англашига кўмак бериш, энг зарурий маълумотларни қисқа ва содда шаклда тақдим қилиш хусусияти умумлаштиради. Мактабгача ёшда ўз фикрини эркин баён эта олган, нутқий қуршовида сўз топишга қийналмаган бола келажакда ҳар қандай ҳолатда муносабатга кириша олади. Эртанги кунимизнинг эгаси бўлган болажонларнинг ана шу муҳим даврида ўз она тили, қолаверса, бошқа тилларни ўзлаштириши учун кўмак берувчи махсус нутқ ўстириш воситалари – ўқув луғатларини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳозирги даврнинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гречихин А.А. Общая библиография: Учебник для вузов. – М.: Изд-во МГУП, 2000. – 588 с.
2. Джурицкий А.Н. История педагогики. ВЛАДОС. 2000. – 432 с.
3. Кулганов В.А., Николаева Е.И., Юнацкевич П. История педагогики и образования. Учебник для вузов. Стандарт третьего поколения. – СПб.: Питер, 2016. – 256 с.
4. Антипова И.А. Образовательная книга для детей в России во второй половине XVIII в.: вопросы издания и типологии. Автореф.... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2002. – 23 с.
5. Дмитрий Герасимов. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
6. Зизаний, Лаврентий Иванович. http://aksinfos.ru/pagebook/alfavit_zizania.html; <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
7. Коменский Я.А. Мир чувственных вещей в картинках, или изображение и наименование всех главнейших предметов в мире и действий в жизни. – М., 1941., Т. III., – С. 330
8. Антипова И.А. Образовательная книга для детей в России во второй половине XVIII в.: вопросы издания и типологии: Автореф.... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2002. – 23 с.
9. Антипова И.А. Первые детские энциклопедии в России // Проблемы культуры и искусства: Тез. Рос. аспирантской конф. В 2-х ч. - СПб. 2000. - Ч. II. – С. 318-324.
10. Bahriddinova V.M., Rahmatova Z. Mening birinchi lug'atim. Olam mening nigohimda. Rangli-bezakli o'quv lug'at. 5-7 yoshli bolalar uchun., – Qarshi: Nasaf, 2019. – 56 b.

Нашрга проф. Б.Баҳриддинова тавсия этган

SHEVA FRAZEOLOGIZMLARI ANTONIMIYASI

(Qashqadaryo qipchoq shevalari misolida)

Islomova Sh.X. (ToshDO‘TAU)

Annotatsiya. Maqolada Qashqadaryo qipchoq shevalari frazeologizmlari antonimiyasi, ularning tadqiqi, sheva frazeologizmlarining lug‘aviy-ma‘naviy xususiyatlari, o‘zaro farqli belgilari, shuningdek, antonimik frazemalarning semantik belgilari, strukturaviy qurilishi haqida fikr yuritiladi.

Tayanch so‘zlar: *Qashqadaryo, qipchoq shevasi, frazeologizm, antonimiya, semantik munosabat, polisemiya, monosemiya.*

АНТОНИМИЯ ДИАЛЕКТНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ

Аннотация. В статье рассматривается антонимия фразеологизмов Кашкадарьинских кыпчакских говоров, исследование верификации, лексико-семантические особенности диалектной фразеологии, различные признаки, содержание, семантические признаки, антонимических словосочетаний, структурное построение.

Ключевые слова: *Кашкадарья, кыпчакский диалект, фразеологизм, антонимия, семантическая связь, полисемия, моносемия.*

ANTONYMY OF DIALECT PHRASEOLOGISMS

Annotation. The article discusses the antonymy of phraseologisms of Kashkadarya Kipchak dialects, their research, lexical-semantic features of dialect phraseology, their distinctive signs, as well as semantic signs and structural construction of antonymic phrases.

Keywords: *Kashkadarya, kipchak dialect, phraseologism, antonymy, semantic relation, polysemy, monosemy.*

Har qanday til birligining tabiati, mohiyatini belgilash va baholashda uning boshqa birliklar bilan o‘zaro munosabatini ochish, umumiy hamda farqli xususiyatlarini kuzatish, tahlil qilish alohida o‘rin tutadi. Xususan, til birliklariaro antonimik munosabatni tekshirish ham ularning lisoniy mohiyatini oydinlashtirishga xizmat qiladi. Ma‘lumki, antonimiya til birliklarining bir-biriga qarama-qarshi ma‘no asosidagi guruhlanishi sifatida qayd qilinadi. Ushbu lisoniy hodisa tilning barcha birliklari qatori frazeologizmlar o‘rtasida ham kuzatiladi. Antonimiya hodisa mohiyatiga ko‘ra frazeologik birliklararo o‘zaro ma‘naviy zidlik frazeologik antonimiyani yuzaga keltiradi. “Frazemik antonimlar inson fikr almashinuvi jarayonida keng qo‘llanilib, insonning individual va ijtimoiy faoliyati va sifatleri, his-hayajoni, borliqni anglashi hamda uning ma‘naviy hayotga u yoki bu tarzidagi munosabati asosida shakllanadi.”¹

Tilshunosligimizda frazeologik antonimiya masalalari doirasida amalga oshirilgan ilmiy izlanishlar ancha kam. Tilshunos Shavkat Rahmatullayevning qayd qilishicha “antonimiya barcha frazeologik birliklarning taxminan ikki foiziga xos hodisadir.”² Ayni shu holatni frazeologik antonimiyaning kam tadqiq qilinish sabablaridan biri sifatida baholash mumkin. R.Shukurov “O‘zbek tilida antonimlar” asarida leksik antonimlardan so‘ng frazeologik antonimlar ko‘rsatkichini keltiradi. Unda 31 ta antonimik munosabatli ibora aks ettirilgan, xolos. Qayd qilingan antonimlik frazeologizmlar o‘rtasida emas, balki leksema va frazeologizmlar o‘rtasidagi antonimlik edi. Jumladan, “yeng ichida – oshkora”, “boshi osmonda – xafa” singari.³

Frazeologizmlarda antonimlik hodisasi professor Sh.Rahmatullayevning “O‘zbek frazeologiyasining ba‘zi masalalari” nomli monografiyasida atroflicha tadqiq qilingan. Asarda iboralarda polisemiya, sinonimiya, omonimiya hodisalari qatorida antonimiya hodisasi ham boy faktik materiallar asosida tahlil qilinadi. Olimning yondashuviga ko‘ra, frazeologik antonimlarni quyidagi aspektlarda tadqiq qilish mumkin:

I. Iboralardagi polisemiya va frazeologik antonimiya.

II. Iboralardagi sinonimiya va frazeologik antonimiya.

¹ Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик birliklarining lingvomadaniy va semantik-pragmatik tadqiqi. – Toshkent, 2018. – 91 б.

² Рахматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Toshkent: Fan, 1966. – 264 б.

³ Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Toshkent: Fan, 1977. – 143 б.

III. Frazeologik antonimiya va iboralarning leksik tarkibi.

IV. Frazeologik antonimiya va iboralarning “turkum”lanishi.

V. Frazeologik antonimiyaning miqyosi.

VI. Leksik-frazeologik antonimiya.

Shuningdek, Sh.Rahmatullayevning o‘zbek tili iboralari ma’no-mazmuni, uslubiy imkoniyatlari yuzasidan qimmatli ma’lumotlar beruvchi “Nutqimiz ko‘rki” nomli kitobida frazeologizmlarning so‘zga nisbatan ekvivalent birlik sifatidagi leksik tabiati ulardagi sinonimiya, antonimiya, omonimiya hodisalari asosida talqin qilingan. Xususan, leksik-frazeologik antonimlar haqida ham fikr bildirib, antonim iboralarning deyarli yarmida leksik antonim mavjudligi misollar asosida dalillangan: “Antonimlarni belgilash asoslari, xuddi sinonimlarda bo‘lganidek so‘z va iboralarda deyarli bir xil. Farq shundaki, so‘zda leksik negizlarning har xil yoki farqli bo‘lishi shart qilib qo‘yiladi; iboralarda esa bittadan ortiq leksik negiz qatnashadi, shu sababli barcha leksik negizlarning har xil bo‘lishi talab qilinmaydi.”¹ Shuningdek, K.Bozorboyev tomonidan o‘zbek so‘zlashuv nutqi frazeologizmlari tadqiqi davomida antonim frazeologizmlar xususida quyidagicha fikr bildiriladi: “o‘zaro antonim frazeologizmlar ular tarkibidagi antonimik so‘zlar va yaxlit lug‘aviy ma’no asosida belgilanadi.”

Antonim munosabatlari iboralar o‘ziga xos leksik xususiyat va alohida uslubiy imkoniyatlarga ega lug‘aviy hodisadir. Taniqli frazeologik olim B.Yo‘ldoshev frazeologizmlarning uslubiy belgi-xususiyatlari tadqiqi davomida frazeologik birliklar yordamida antiteza hosil qilishning usullarini quyidagicha tarzda ajratadi:

a) antonim iboralarni qarama-qarshi qo‘yish usuli;

b) kontekstual frazeologik antonimlarni zid qo‘yish usuli;

d) iboraning biror komponentiga antonim bo‘lgan so‘z bilan to‘qnashtirish usuli.

Shuningdek, A.Mamatov, B.Boltayevaning “Frazeologik birliklarning lingvomadaniy va semantik-pragmatik tadqiqi” monografiyasida esa frazeologik antonimlar xususida ham to‘xtalib, ularni til va madaniyat mushtarakligining namunasi sifatida ma’naviy, pragmatik xususiyatlari tahlil qilinadi.

O‘zbek tilshunosligida frazeologiya sohasidagi tadqiqotlar o‘tgan asrning 50-yillaridan boshlangan bo‘lsa-da, o‘zbek tili iboralari tizimining yaxlit tadqiqi amalga oshirilmagan, xususan, o‘zbek shevalarining iboralari ham deyarli o‘rganilmagan.

Frazeologizmlar tadqiqida ko‘plab olimlarning izlanishlarini sanab o‘tish mumkin. Xususan, Sh.Rahmatullayev, Y.D.Pinxasov, B.Yo‘ldoshev, A.Mamatovlar tomonidan o‘zbek tili iboralari bo‘yicha qator tadqiqotlar olib borilgan, lug‘atlar tuzilgan. Biroq adabiy til leksik qatlamida kam uchrovchi, balki umuman uchramaydigan, faqat shevalardagina mavjud bo‘lgan frazeologizmlar ustida monografik tadqiqotlar amalga oshirilmagan. “O‘zbek sheva va lahjalarida ham juda ko‘p frazeologik iboralar uchraydi. Ularning qo‘llanilishi, tuzilishi va ta’sir bo‘yog‘i bilan xilma-xildir.”² O‘zbek dialektologiyasida Qashqadaryo vohasi shevalarini o‘rganishga bag‘ishlangan qator ishlar mavjud. Ushbu tadqiqotlarda voha shevalarining fonetik, morfologik, leksik xususiyatlari tadqiq qilingan. Biroq sheva frazeologizmlari va ularning ma’naviy, uslubiy xususiyatlari alohida tadqiq manbai bo‘lmagan. Milliy ong va tafakkur, qadriyat va qarashlarni o‘zida namoyon qilgan frazeologizmlarni ilmiy jihatdan o‘rganish, ularning izohli lug‘atlarini, elektron shakllarini yaratish tilshunosligimizning dolzarb vazifalaridan sanaladi.

Qashqadaryo hududida qipchoq lahjasiga mansub shevalar ko‘lami keng. Har bir hududning shevasida o‘zbek xalqining betakror so‘z va iboralari mavjudki, ular ham ona tilimizning maqollari, iboralari, tabulari tarkibida ishlatilib, o‘ziga xos ma’no va mazmun kasb etadi. Hudud shevasida aynan frazeologizmlar ham alohida o‘rin tutadi. Zero, “Insonning dahosi yaratgan hodisalardan eng o‘ziga xosi, eng murakkab va eng mushkuli frazeologizmdir.”³

Qashqadaryo qipchoq shevalari leksikasida mavjud bo‘lgan antonim frazeologizmlar bo‘yicha yig‘ilgan materiallar shuni ko‘rsatadiki, sheva leksikasida antonim frazeologizmlar miqdori to‘rt foizni tashkil etadi. Biz Qashqadaryo qipchoq shevalarida so‘zlashuvchi kishilar

¹ Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент, 1970. – Б. 53.

² Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 291 б.

³ Ройзензон Л.И. Русская фразеология. – Самарканд, 1977. – 116 с.

tilidan yig'ib olingan frazeologizmlarning ma'lum bir qismini shu shevada so'zlashuvchilarning o'zigagina tegishli deb hisoblaymiz. Chunki ular orasida adabiy til leksik tarkibida uchrovchilari ham mavjud. Jumladan, sheva nutqida qo'llanuvchi *oyog'i jo'rg'am va tulubini chilqillatmoq* iboralari o'zaro antonim iboralardir. *Oyog'i jo'rg'am* frazemasi chaqqon, mehnatsevar kishilarga, ularning xatti-harakatiga nisbatan qo'llanilsa, "harakat qilishni xohlamaydi" ma'nosini anglatuvchi *tulubini chilqillatmaydi* frazemasi ishyoqmas, yolqov kishilarga xos xususiyatni ifodalovchi birlik sifatida qayd qilinadi. Keltirilgan antonim iboralar sheva leksikasining o'zigagina tegishli hisoblansa, *ko'z qiri bilan qaramoq* (ko'zining bir chekkasi (yon tomoni) bilan qaramoq) (O'TIL)¹ hamda *japsor jorib tikilmoq* (O'ta kuchli nigoh bilan qaramoq) antonim iboralarida birinchi ibora adabiy tilda mavjud bo'lgan, shevada faol qo'llanishdagi birlik. Uning antonim juftligi hisoblangan ikkinchi ibora esa faqat sheva nutqigagina tegishli birlik sanaladi.

Frazemalar tadqiqotchilari A.Mamatov va B.Boltayevaning monografiyasida² frazeologik antonimlarning xilma-xil shakllari yuzasidan to'xtalib, ularning quyidagi turlari haqida kuzatish va tahlillar amalga oshirilgan:

a) *bir frazema tarkibidagi antonimlik: ignaday gapni tuyaday qilmoq; yegani oldida, yemagani ortida; it yotish, mirza turish; yerga ursa, ko'kka sapchiydi* kabi. Frazema tarkibidagi *igna – tuya, old – ort, yotish – turish, yer – ko'k* leksemalari bir frazema tarkibida ishtirok etib, bitta ifoda ichida antonimlikni yuzaga keltirishga xizmat qilgan;

b) *frazemadan anglashilgan ma'no qarshiligi asosidagi antonimlik: ovzingga jov – ovzingga tosh; rangiga qon yugurdi – rangi bo'zarib ketdi; tili qisiq – tili ustun; oyoqdan qolmoq – oyog'i chiqmoq; o'pkasi to'lib kelmoq – o'pkasini bosmoq* antonim juftliklarida birinchi komponent aynan bir so'z, ikkinchi komponentda ham o'zaro zid leksemalar ishtirok etmagan. Masalan, *jov va tosh, qisiq va ustun* kabi. Bu holatda iboradan anglashiladigan ma'no qarshiligi asosida antonimlik yuzaga kelgan;

d) *frazema komponentlari orasidagi antonimlik: bunda antonim frazemalar tarkibidagi bir komponent ayni shu so'z bilan ifodalanib, ikkinchi komponent o'zaro zidlik hosil qiladi. Masalan, qo'li uzun – qo'li kalta; ko'zi to'q – ko'zi och; shashti baland – shashti past; terisi qalin – terisi juqa; fe'li keng – fe'li tor; ko'nglini ko'tarmoq – ko'nglini cho'ktirmoq* singari. Ko'rinadiki, keltirilgan antonim frazemalar tarkibida qatnashgan birinchi komponent ayni bir so'z, ikkinchi komponent esa antonimlikni yuzaga keltirgan zid ma'noli leksemdir.

Yuqorida qayd qilingan antonim frazeologizmlarning ushbu turlariga qo'shimcha ravishda yana ikki turni ko'rsatishimiz mumkin:

e) *ma'no munosabati hosil etmaydigan so'zlar orqali yuzaga kelgan antonimiya: dimog'i chog' – avzoyi soliq, qasam urganday – bir qultum suv bilan ichguday, adishak urmoq – xiy bo'lmoq* kabi. *Antonim iboralar juftligidagi chog', soliq, qasam, qultum, adishak, xiy* singari leksemalarning o'z ma'nodoshi hamda zid ma'nosi bo'lmaganligi sabab, ular o'zaro ma'no munosabati hosil qilmaydi;

f) *turli leksik negizdan tarkib topgan antonim frazeologizmlar: chap tarafidan turgan – ertalab bo'ri ko'rgan; toboni teshilgan – qoqqan qoziqday; jag'i ochilib qogan – ovziga tolqon sogan; peshonasi sho'r – monglayi olti qarich; iyna jegan itday – go'shini ko'tarolmay qogan* singari. Bunda frazema tarkibidagi har bir komponent bir-biri bilan zid semantik munosabatda emas.

"Iboralardagi antonimiyani o'rganishda ham sinonimiyani o'rganishda bo'lganidek, frazeologik birliklardagi polisemiya bilan hisoblashish zarur. Chunki antonimiya ham til birliklarining ma'no munosabati asosida tug'iladi. Shu sababli

monosemantik frazeologik birliklar orasidagi antonimiyada ibora bilan ibora antonimiyasi mavjud, asli shunda ham ma'nolar antonimiyasi haqida gapirish to'g'ri."³ Antonim frazeologizmlarning biri yoki har ikkisi ham polisemantik bo'lishi mumkin. Shu jihatiga ko'ra

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 444.

² Маматов А., Болтаева Б. Фраzeологик birlikларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Тошкент, 2018. – Б. 91-92.

³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек frazeологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1966. – 305 б.

ularni prof. Sh.Rahmatullayevning ilmiy qarashlariga tayangan holda quyidagi guruhlariga ajratish maqsadga muvofiq:

1. Monosemantik frazeologizmlar orasidagi antonimiya: *ko'zi to'q – ko'zi och*. Keltirilgan antonim iboralar bir ma'noli sanaladi.

2. Monosemantik frazeologizm bilan polisemantik frazeologizm orasidagi antonimiya: *ko'nglini cho'ktirmoq – ko'nglini ko'tarmoq*. *Ko'nglini cho'ktirmoq* bitta ma'noni, ya'ni “ruhini tushirmoq” ma'nosini ifodalasa, *ko'nglini ko'tarmoq* frazemasini polisemantik xususiyatga ega. *Ko'nglini ko'tarmoq* 1 “ruhlantirmoq”; 2 “taskin bermoq”.

3. Polisemantik frazeologizmlarning bitta ma'nosini asosidagi antonimiya: *oyog'i chiqmoq – oyoqdan qolmoq*. *Oyog'i chiqmoq* “serharakat bo'lmoq”, *oyoqdan qolmoq* “betobligi yoki keksaligi tufayli harakatsiz bo'lib qolmoq”. *Oyoqdan qolmoq* iborasi “biror narsa yoki buyumning iste'moldan chiqib qolishi”, “iqtisodiy jihatdan nochor ahvolga tushmoq” kabi ma'nolar bilan ham nutq jarayonida ishtirok etadi. Ko'rinadiki, ushbu ko'p ma'noli ibora bitta ma'nosini asosida *oyog'i chiqmoq* iborasi bilan antonimik munosabatni yuzaga keltirmoqda.

4. Polisemantik frazeologizmlarning bittadan ortiq ma'nolari orasidagi antonimiya: *o'pkasi to'lib kelmoq – o'pkasini bosmoq*. *O'pkasi to'lib kelmoq* 1. “yig'lash darajasiga kelmoq”, 2. “kuchli alamdan xafa bo'lmoq”. *O'pkasini bosmoq* 1. “yig'idan o'zini to'xtatmoq”, 2. “jahldan tushmoq, o'ziga kelmoq”. *Ko'nglini ko'tarmoq* hamda *o'pkasi to'lib kelmoq* frazemalari “O'zbek tilining izohli lug'ati”da bir ma'noli ibora sifatida qayd qilingan. Ammo kuzatishlar bu frazemalarning shevada polisemantik xususiyatga ega ekanidan dalolat beradi.

Antonim va sinonim frazeologizmlarda parallellik hodisasi mavjud bo'lib, ular bir-birini inkor qilmaydi. Shu sababli har bir antonim frazeologizmning o'z sinonimlari mavjud bo'ladi. *Xiy bo'b ketgan* (semirib ketgan) iborasiga *inya jegan itday, go'shi yetiga jobishib ketgan, adishak urmoq, non tiymay qog'an, yeti qochgan* singari sinonim iboralar antonim bo'lib keladi. Sh.Rahmatullayev tomonidan “sinonim iboralardan biriga antonim ibora boshqalariga ham antonim bo'ladi. Aks holda, bu iboralarni o'zaro sinonim deb bo'lmaydi”,¹ deb ta'kidlanadi. Biroq ma'noviy frazeologik sinonimlar bundan mustasno. Jumladan, *chap tomonidan turgan* (favqulodda ishi yurishmagan) iborasiga *ertalab bo'ri ko'rgan, davi kelmoq, vo'ng tomonidan turgan, kel-keli keldi* iboralar antonim sanaladi. Ushbu sinonim iboralar bilan ma'noviy sinonimlik qatorda turgan *toshi vo'rga jumalagan, suruviga bo'ri oralag'on* iboralar antonimlik hosil qilolmaydi. Chunki ushbu iboralar ma'nosi o'rtasida nozik farqlilik kuzatiladi. Har ikki sinonim iborada “uzoq vaqtlardan buyon ishi yurishib kelayotgan” ma'nosi anglashilsa, *chap tomonidan turgan* iborasida “favqulodda ishi yurishmaganlik” ma'nosi ifodalanadi. “Demak, antonimlar sinonimlarning ma'no farqlarini aniqlashda “o'lchov” kabi xizmat qilishi mumkin.”²

Omonimlik hodisasi frazeologizmlarda kam uchraydigan hodisadir. Omonim frazeologizmlarning har bir ma'nosiga yoki bitta ma'nosini uchun antonimlik kuzatilishi mumkin. Masalan, *jir pitmoq* frazemasini ikki lug'aviy ma'noni anglatadi. 1. *jir pitmoq – semirmoq*, 2. *jir pitmoq – boylik orttirmoq*. Bu ma'nolarning har ikkisiga ham antonim frazeologizm mavjud: *jir pitmoq – yeti suyagiga jobishmoq, jir pitmoq – qo'li juqarmoq* yoki *oyoqdan qolmoq* singari. Biroq *rangida rang qolmadi* omonim frazemasining faqat bitta ma'nosiga antonim frazema kuzatiladi: 1. *rangida rang qolmadi (betob) – otday bo'lib ketmoq*, 2. *rangida rang qolmadi (juda qo'rqmoq)* kabi.

Antonim frazeologizm haqida gap ketar ekan, albatta, leksik-frazeologik antonim haqida ham gapirish o'rindir. Leksema va frazeologizm orasidagi antonimlik leksik-frazeologik antonim sifatida qayd qilinadi. Antonim frazeologizmlarning ko'p qismida leksik antonimlik mavjud. Ammo har bir frazemaning tilda unga antonim bo'lib keladigan leksemasi mavjud deb bo'lmaydi. Chunki ba'zi iboralarning ma'nosini bitta, yakka so'z bilan tavsiflab bo'lmaydi, ularga leksik antonim topilmaydi. Jumladan, *gap otmoq – gapirmoq, tilini tiymoq – o'zini har xil yomon gaplarni gapirishdan to'xtatish*.

Sheva iboralarini kuzatar ekanmiz, ularning badiiy asarlar matnida ham o'z ifodasini topganligiga guvoh bo'lish mumkin. Kishi holatini haqqoniy, xolis va ta'sirchan ifodalashda

¹ O'sha manba: – B. 307.

² Усмонов С. Антонимлар // “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари” журналі, 1958, 2-сон, – Б. 37.

iboralarning o'rni beqiyosdir. Yozuvchi va shoirlar o'z asarlarida odatda sheva iboralaridan keng va o'rinli foydalanadi. Xalq tilidagi iboralarni samarali qo'llash orqali til egalarining tabiatini, hayot tarzini, dunyoqarashini to'laqonli namoyon qilishga erishadi. Antonim frzemalarda ham bu hol yaqqol ko'zga tashlanadi. Yozuvchi Nazar Eshonqul o'z asarlarida Qashqadaryo qipchoq shevasi frazeologizmlaridan unumli foydalanganligini kuzatishimiz mumkin. Jumladan, "Urush odamlari"¹ qissasida quyidagi antonim frazemalar qo'llangan: *Mulla Xidir o'jar bo'lgani bilan ko'ngli bo'sh odam edi.(59) Ovora bo'lma, o'zi tosh bo'p ketgan bu yurak.(95) U erining avzoyi buzuqligini ko'rib, indamay buloq boshiga qaytdi.(47) Dasturxon atrofida hammaning dimog'i chog' edi.(64)*

"Frazeologik birliklar tilda ko'plab uchraydigan, fikrni keng va obrazli, o'tkir ma'noli qamrovli ifodalaydigan til birligi sifatida hamma vaqt tuzilishiga ko'ra tarkiblidir."² Frazeologik antonimlarni struktural xususiyatlariga ko'ra, dastlab, ikki: tashqi va ichki guruhlariga ajratamiz. Tashqi strukturasiga ko'ra, ya'ni frazeologizm komponenti sifatida ishtirok etayotgan leksemalar miqdoriga qarab yana ikki guruhga ajratish mumkin: 1) bir xil komponentli frazeologik antonimlar. 2) har xil komponentli frazeologik antonimlar. Ushbu turlar o'z ichida yana ichki guruhlariga ajraladi.

I. Bir xil komponentli frazeologik antonimlar

1. Ikki komponentli frazeologik antonimlar: *adishak urmoq – xiy bo'lmoq, kayfi uchug – kayfi chog', yetanasi chiqmoq – iti ketmoq, oyoqdan qolmoq – oyoqqa turmoq, alining qilichi – latta kesmas, minazdan tingan – ichi tor* kabilar.

2. Uch komponentli frazeologik antonimlar: *bir toboq bo'lmoq – it-pishak bo'lmoq, jag'i ochilmoq – og'ziga talqon solmoq, qobog'idan qor jovmoq – ovzi kalishdek ochilmoq, tobonidan vo't chaqnamoq – beliga tosh tiygan, jorilg'idek bo'lmoq – qoboq-tumshug'i tushmoq* kabilar.

II. Har xil komponentli frazeologik antonimlar

1. O'zaro ikki va uch komponentli frazeologik antonimlar: *suvi bo'sh – burganing ko'zini ko'rgan, mushi katta – kessa qon chiqmaydi, no'xtasini shipirg'an – xudoga qarab qochgan, adishak urmoq – go'shini ko'tarolmay qolmoq, qo'li juqa – itining jolog'i tildan, bovuri juqa – inak buyrak jegan* singlarlar.

2. O'zaro ikki va to'rt komponentli frazeologik antonimlar: *qo'li ochiq – o'zi jemas, itga bermas, gavarasi to'lmoq – qorin piyoz po'stlog'i bo'lmoq, yeniga o'smoq – jer jorilmadi, jerga kirmadi, oshirib qo'ymoq – olmish ikki tomiri iyilib* kabilar.

3. O'zaro ikki va besh komponentli frazeologik antonimlar: *kaypi chog' – beti bir satil bo'lib tushmoq, qasam urganday – bir qultum suv bilan ichguday, ovziga mahkam – ovzi bo'sh* kabilar.

Frazeologik antonimlarni semantik jihatdan quyidagicha guruhlariga ajratish mumkin:

a) belgi ifodalovchi frazeologik antonimlar: *turqi sovuq – istarasi issiq, peshonasi sho'r – monglayi olti qarish, itining tobog'i tildan – qo'li kalta, fe'li keng – fe'li tor, gapi o'tkir – latta kesmas, ko'zi och – ko'zi to'q;*

b) harakat-holat ifodalovchi frazeologik antonimlar: *gap chiqarmoq – tilini tiymoq, orasidan ola o'tdi – orasiga qil sig'maydi, pinak buzmedi – o'zini o'zi edi; toboni teshilgan – qoqqan qoziqday.*

Xulosa qilib aytganda, Qashqadaryo qipchoq shevasi lug'at tarkibida adabiy til leksik qatlamida uchramaydigan, umumiste'molda qo'llanmaydigan frazeologik birliklar miqdori talaygina. Har bir frazeologizm o'ziga xos ma'nosi, uslubiy imkoniyatlariga ko'ra alohidalik kasb etadi. Dialektal frazeologizmlar o'zaro hamda adabiy til birliklari bilan semantik munosabatlar hosil qiladi, turli leksik-grammatik imkoniyatlarni yuzaga chiqarishga xizmat qiladi. Antonim frazeologizmlar ham tilning lug'at tarkibini boyitish, kengaytirish, shuningdek, fikrning o'tkir, ta'sirchan va samarali bo'lishini ta'minlashning muhim vositasi hamdir. Shu bois, shevalar leksikasiga mansub iboralarni tadqiq qilish tilning o'ziga xos leksik, uslubiy, grammatik imkoniyatlarini oshirish, adabiy til leksik tarkibini boyitish, me'yorlarini xolis baholash, tavsiflash, ularning leksikografik talqinini mukammallashtirish va ta'minlashning omili sifatida qayd qilinishi zarur.

¹ Эшонкул Н. Уруш одамлари.

² Маматов. А. Фраzeологик стилистика масалалари.—Тошкент: 1991.18 б

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Тошкент, 2018. –100 б.
2. Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. –Тошкент, 1991. – 128 б.
3. Н.Эшонкул. Уруш одамлари. ”Шарқ”, 2018. 112 б.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари.–Тошкент, 1966. – 500 б.
5. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. –Тошкент, 1970. –56 б.
6. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. –301 б.
7. Ройзензон Л.И. Русская фразеология. – Самарканд, 1977. –116 с.
8. Усмонов С. Антонимлар // “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари” журналі, 1958, 2-сон. – Б. 37.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. Иккинчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 671 б.
10. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Тошкент: Фан, 1977. – 143 б.

Наширга проф. Б.Менглиев тавсия этган

**ABDULLA ORIPOV SHE’RIYATI LEKSIKASINING LISONIY-NUTQIY
XUSUSIYATLARINING O‘ZIGA XOSLIGI**

To‘rayeva U.E. (QarMII)

Аннотация. Мақолада Абдулла Орипов маҳоратининг қирралари очиб берилган, бунинг учун шоир шеърляти лексикасининг ўзига хос хусусиятлари, лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиш меъёрлари, ўрни билан меъёрлардан чекиниш, яъни сўзларни окказионал қўллаш оркали ижодкорнинг ўз бадиий-эстетик мақсадини воқелантириш имкониятлари ёритиб берилган.

Tayanch so‘zlar: *идиолект, окказионал қўлланиш, лисон, нутқ, меъёр, оксюморон, контекстуал антоним, поэтик тасвир, ифода семаси.*

**СПЕЦИФИКА ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ ПОЭТИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКИ
АБДУЛЛЫ ОРИПОВА**

Аннотация. В статье раскрываются аспекты авторского мастерства Абдуллы Орипова, особенности поэтической лексики стихов, нормы речевых событий языковых единиц, возможность отступления от нормы, то есть собственная художественно-эстетическая цель творца через окказиональное употребление слов.

Ключевые слова: *идиолект, окказионализм, язык, речь, норма, оксюморон, контекстуальный антоним, поэтический образ, смысловое выражение.*

**SPECIFICITY OF LINGUISTIC-SPEECHAL CHARACTERISTICS OF ABDULLA
ORIPOV'S POETIC VOCABULARY**

Annotation. In the article, the facets of Abdulla Oripov's skills are revealed, for this purpose, the specific features of the poet's poetry lexicon, the norms of the speech realization of linguistic units, the opportunities of the creator to realize his artistic-aesthetic goal through the occasional use of words, and the deviation from the norms are highlighted.

Keywords: *idiolect, occasionalism, language, speech, norm, oxymoron, contextual antonym, poetic image, semantic expression.*

Абдулла Орипов ўзбек адабиётда ўзининг бетакрор ижоди билан ўзига хос ва тақрорланмас ўринга эга бўлиши билан бирга, сўзнинг серқирра хусусиятини ҳам теран англаб етган буюк ижодкордир. Шу боисдан етук адиблар қўллаган лисоний бирликларни чуқур ўрганиш муайян давр тилининг ўзига хос муҳим белгиларига объектив баҳо бериш имконини намоён қилади. Зеро, Алишер Навоий ўз асарларида классик ўзбек тилининг имкониятидан моҳирона фойдаланди. Тилнинг бор хазиначини ишга солиб, уни янада бойитиш, бу бойликни кўз-кўз қилиш борасида ҳайратомуз истеъдод, жасорат ва фидойилик намуначини кўрсатди. Шу боисдан эски ўзбек адабий тили тилимиз тараққиётининг маркази ва мисли қўрилмаган юксалиш нуқтаси сифатида тан олинади. Адабиётшунос ва тилшунослар томонидан Алишер Навоий ижодини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш асосидагина эски ўзбек адабий тилига муносиб баҳо берилди. Шу боисдан айтиш мумкинки, “ўзбек адабий тили ўтмиши, ҳозирги ҳолати, ижодкор яшаган давр тилининг умумий йўналиши ва ривожланиш

қонуниятларини белгилашда тилда рўй бераётган жараёнларни ўзида акс эттирган мохир сўз санъаткорлари Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарлари бадиий нутқини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади” [1; 59]. Бу фикр ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётимизга кириб келиб, бошқа илгор адибларимиз қатори ҳозирги ўзбек адабий тилининг тараққиёт даражасини намоён қилувчи Абдулла Орипов ижодига ҳам бевосита тааллуқли.

Ўзбекистон Қаҳрамони О.Шарафиддинов, академик М. Қўшжонов ва филология фанлари номзоди С. Мели, таниқли адабиётшунос И. Ғафуровларнинг махсус тадқиқотларида [2; 128] Абдулла Орипов ижодий йўли, шеърятининг тадрижийлик ва маҳорат қирралари батафсил тадқиқ этилган. С. Мамажонов, Б. Назаров, Н. Худойберганов, Н. Раҳимжонов, Б. Ақрамов, С. Мирзаев, И. Ғафуров, П. Шермухамедов каби олимлар Абдулла Орипов шеърятдаги маҳорат қирралари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар билдиришган. Шунингдек, шоир ижодининг айрим қирраларини махсус тадқиқ этган номзодлик [3; 59] диссертациялари яратилган, адабиётшунослар Б. Норбоев, И. Тўлаков, Ж. Жумабоеваларнинг докторлик [4; 86] диссертацияларида Абдулла Орипов шеърятининг айрим жиҳатлари ҳақида муҳим илмий фикрлар баён этилган.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ижоди замонавий ўзбек адабиётида муҳим ўрин тутди. Унинг лирик шеърлари, дostonлари ва таржималари фикрнинг чуқур ва теран фалсафийлиги, ифодаларнинг фавқуллоддалиги ва жозибadorлиги, халқчиллиги, миллий тил ва миллий рух яхлитлигининг гўзал намунаси сифатида ҳайратланишга лойиқ. Академик М.Қўшжонов таъкидлаганидек, “назаримда шундай бўладики, маълум бир даврда миллион-миллионларнинг дард ва аламини ва кўнгил розини изҳор қилиш вазифасини бирор шахс зиммасига юклайди. Йирик шеърят султони шу тарика майдонга чиқади” [5; 3].

Абдулла Орипов сўзи – том маънода халқ дилидаги ва тилидаги сўз. Шоир ўз шеърларида она тилининг ҳар бир сўзини ардоқлаб, унга тазйиқ ўтказмасдан, мажбурламасдан ўз ҳолига қўйиб ишлатади. Бироқ тилнинг воқеланиш меъёрлари доирасида шоирнинг бадиий мақсадлар учун қўлланилиш доираси чегараланган сўзларни ўз бадиий-эстетик мақсадлари учун ундаш, уларга устувор фаоллик бериш, сўзларни мутлақо янги қуршовларда қўллаш, шунингдек, янги сўзлар яшаш ҳоллари кузатилади. Бу тил имкониятларига ижобий таъсир кўрсатувчи ҳодиса. Рус тилшуноси Ю.С.Степанов таъкидлаганидек, поэтик нутқ тараққиётининг бой ва мураккаб тарихининг гувоҳлик беришича, тилга “тазйиқ” қилишнинг 2 хил мутлақо қарама-қарши кўриниши бор. Уларнинг бири тилга “салбий зўрлик қилиш” бўлса, (бир пайтлар рус футурист шоирлари (В.Хлебников) тил қонуниятларига сиғмайдиган сўзлар, сўз формалари, синтактик конструкциялар тузиб (масалан, *Добрый утра, Он хожу* каби), “биз синтаксисни заифлаштирдик” деб ифтихор қилишган), иккинчисини эса ижобий таъсир дейиш мумкин [6; 199]. Бунда адиблар неологизмлар, ясама сўзлар ҳосил қилиб, сўзларга мутлақо окказионал қўлланишлар бахш этишади, синтетик метафоралар, оксюморонлар қўллашади.

Абдулла Орипов поэтик нутқи лексикаси таркибида янги ясалмаларнинг ўрни бениҳоя катта. Масалан, биргина *-дош* қўшимчаси воситасида ясалган *жондош, тўйдош* (*Ҳар нечук, шоирман – сен билан жондош, Тўйингда тўйдошман, тирик елкадош. (“Жангдан қайтмаган шоирларга”)*), *гурурдош* (*Ғуруримга гурурдош замонга минг ташаккур. (“Аллома”)*), *елкадош* (*Улуг елкадошим, музаффар ҳаёт (“Баҳор”)*) индивидуал ясалмалари фикримиз далили.

Окказионал қўлланишларда шоир маҳорати яққол намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилида *гов* сўзи архаик, “сигир” маъносини англаган. Бироқ бугунги кунда бу сўз истеъмолдан чиқиб кетган, фақат қўшма сўзлар таркибида учрайди: *говмиш, говхар, говшона* каби. Шоир *гов* сўзини *одам* сўзига контекстуал антоним сифатида окказионал қўллаб, янги поэтик тасвир ҳосил қилади:

*Қора қишда тўй қилмай,
Баттар бўлгур нокас, гов.*

Баччагарнинг аслида,
Феъли совуқ эди-ёв. (“Хангома”)

Тасвирда салбий ифода семасига эга бўлган *гов* сўзи *нокас* сўзи билан уюштирилади, шунингдек, унинг салбий ифода семаси *баттар бўлгур, баччагар, феъли совуқ* сўз ва сўз бирикмалари куршовида янада кучаяди.

Ёки:

*Хўкизнинг бўйнига тақсанг, тақинчоқ,
Томоша аҳлига бўлгай овунчоқ,
Сен одам шаклида юрган бир говсан,
Хайф сенга на нишон, оддий бир мунчоқ.*

Бу матнда шоир *хўкиз* ва *гов* сўзининг даражаланиш хусусиятидан фойдланиб уларнинг семантик, аниқроғи, ифода семалари орасидаги фарқдан ружуъ санъати учун фойдаланади.

Етим, умр, қуриган, ёлғиз сўзларининг оккозионал қўлланишлари ҳам лирик қаҳрамон кечинмалари ифодасининг оригиналлиги ва таъсирчанлиги, ҳиссий бўёкнинг “тўқ” лиги учун хизмат қилган:

*Севгидан етиму умрдан ярим
Қуриган кўксида ёлғиз беланчак. (Аёл)*

Аслида *етим* сўзи инсоннинг ота-онадан ва ҳайвонларнинг онадан (масалан, *етим қўзи* тарзида) эрта айрилганлик ҳолатини ифодалаш учун ишлатилади. Бу ерда шоир уни инсон учун муқаддас туйғу бўлган *севгидан, севгилисидан* бевақт айрилганлик тушунчасини ифодалаш учун қўлламоқда. Бадиий нутқда анъана бўлиб қолган *ёрсиз, ҳижронзада* каби бирликлар оккозионал қўлланган *етим* сўзи олдида анчайин рангсиз ва сийқаси чиққан бирликлар эканлиги бандда маълум бўлиб қолган. Инсонга буюрилмаган тоқ ўтишни эса шоир *ярми, жуфти* йўқ умр дея тасвирлайди. Ёр тафти эса инсон вужудининг дуркунлигини таъминлайди. Бусиз у бамисоли *қуриган* дарахт. Шоир нутқида бу ҳолатлар сўзларни топиб ишлатиш натижасида ўта жонли бадиий шакл олган.

Шунингдек, *етим, ярим, қуриган, ёлғиз* сўзларининг оккозионал маънолари бандда таносуб санъатининг гўзал намунасини яратишга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқ шоири, чинакам сўз санъаткори Абдулла Орипов шеърятининг лексикасини синчиклаб тадқиқ этиш унинг бағрида она тилимиз учун хос бўлган лексик жавоҳирлар яшаётганлигини намоён қилади. Бу ижод билан таниш ҳар бир ўзбек тилимизнинг нақадар нозик қирралари мавжудлигини англаб етади ва унинг умри абадиятга муҳрланганлигига имон келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳамидов З. Ғафур Ғулом прозаси лексикаси. – Тошкент, 2003. – Б. 7.
2. Шарафиддинов О. Шеърят – қалб ёлқини // Ҳаёт билан ҳамнафас. – Тошкент, 1983. – Б. 128.
3. Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеърятда бадиий бутунлик: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – Б. 59.
4. Тўлақов И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б. 86.
5. Қўшжонов М., Сувон Мели. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 3.
6. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семиотические проблемы лингвистики, философии, искусства. – М., 1985. – С. 199.

Нашрга проф. Б.Менглиев тавсия этган

ХІХ АСРДАГИ ТАРИХИЙ ШАРОИТ, ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТ ВА КЎНХОДЖА ИЖОДИ

Тоқимбетова Г.А. (Қорақалпоқ давлат университети)

Аннотация. Мақолада XIX аср қорақалпоқ адабиёти тарихининг ижтимоий ва тарихий шароити, ушбу давр воқеаларининг қорақалпоқ адабиётида, мумтоз шоирларимизнинг

лирикаларида, асосан, Кўнходжа асарларида тасвирланиш ҳолати ўрганилган. Шунингдек, адабий-фольклористик ҳолат, шарқ мумтоз адабий алоқалари масалалари ҳам сўз этилган. Шоирнинг лирик асарларидаги поэтик талқиннинг индивидуаллаштиришдаги ўзига хослиги масалалари тематик жиҳатдан бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганилади.

Таянч сўзлар: *услуб, образ, жанр, типологик муштарақлик, поэтика, адабий таъсир, адабий алоқа, анъана ва тажриба, адабий форма, бадий образ, тасвир ва талқин.*

ИСТОРИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ, СОЦИАЛЬНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ И ТВОРЧЕСТВО КУНХОДЖИ В XIX ВЕКЕ

Аннотация: В статье изучаются социально-исторические условия истории каракалпакской литературы XIX века, описание событий этого периода в каракалпакской литературе, в лирике наших поэтов-классиков, преимущественно в творчестве Кунходжи. Также были затронуты вопросы литературно-фольклористической ситуации, восточно-классических литературных связей. Вопросы индивидуализации поэтической интерпретации в лирических произведениях поэта тематически разделены на несколько групп.

Ключевая слова: *стиль, образ, жанр, типологическая общность, поэтика, литературное влияние, литературная форма, художественный образ, образ и интерпретация.*

HISTORICAL CONDITIONS, SOCIAL CONDITION AND CREATIVITY OF KUNKHODZHI IN THE 19th CENTURY

Annotation. The article studies the socio-historical conditions of the history of Karakalpak literature of the 19th century, the description of the events of this period in Karakalpak literature, in the works of Kunhodzhi. Issues of the literary and folkloristic situation and Eastern-classical literary connections were also touched upon. The issues of individualization of poetic interpretation in the poet's lyrical works are thematically divided into several groups.

Key words: *style, image, genre, typological community, poetics, literary influence, literary form, artistic image, image and interpretation.*

Қорақалпоқ адабиёти халқимизнинг минг йиллар давомидаги руҳий маданиятини ўзида мужассамлаштириб келаётган адабий-фольклористик, тарихий–этнографик маълумотларга бой меросларимиздан бири ҳисобланади. Дунё адабиётидан маълумки, ёзувчи услуби, образ яратиш маҳорати, жанр хусусияти - табиатан синкретик характерга эга. У фольклор анъаналари билан узвий алоқадорликда тараққий этади, миллий-адабий заминдан озикланади.

Азал-азалдан бадий адабиёт инсон шуурини банд этган муаммоларни ўзига хос талқинда ифодалаб келган. Бинобарин, моҳият ва унинг тавсифи, дунёқараш ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий асослари намоён бўлиш омиллари, бадийлик мезонлари ва илмийлик унсурлари қоришиқ табиати одамзод таҳлил малакаси шаклланишига замин ҳозирлайди. Зотан, “инсониятнинг ўзлигини англаш йўлида қўйган илк қадамларининг асосини ёвузликнинг қора кучлари устидан ғалабага ишонч ташкил этади. Бу ишонч энг ажиб инсоний изланишни ўзида мужассам этган Прометейнинг халос этилишида, Миср маликаси Исиданинг зулмат худоси Сет устидан эришган ғалабасида ўз ифодасини топган. Эртак ва афсона ҳамшиша деву ялмоғизлар, аждару алвастилар ва ўзга мурдорлар устидан ғалаба ҳақида ҳикоя қилиб, ўзида инсон наслининг мукамал, бахтли ҳаёт ҳақидаги Орзуларини мужассам этади. Бахтиёр келажак ҳақидаги Орзу халқ ижодиёти қаърида дунёга келди ва унда инсоннинг ижодкорлик моҳияти бевосита ва табиий равишда намоён бўлиб борди. Инсон тафаккурининг меваси фаҳм-фаросат ва ҳавас ўзга – ҳаёлот дунёсини яратди” [1:5].

Миллий адабиёт ўзига хос хусусиятлари ҳақида проф. Н.Маллаев ёзади: “Сўз санъатининг – фольклор ва ёзма адабиётнинг шаклланиши ва тараққиётига хос умумий қонуниятлар ва типологик ҳодисалар билан бирга, ҳар бир халқ фольклори ва ёзма адабиётининг шаклланиши ва такомилли ўзига хос замин, шароит, хусусият ва ички қонуниятларга ҳам эга” [2:7]. Бинобарин, яхлит жўғрофий макон, бақамти шарт-шароит, маданият ва эътиқод бирлиги типологик муштарақлик ҳосил қилиши баробарида, миллий ўзига хосликни ҳам тавсифлайди. Адабий-эстетик қарашлар изчиллиги маданий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиши билан боғлиқ. Туронзаминда асрлар мобайнида ворисийлик касб

этган илғор поэтик ворисийлик қонуниятлари ҳукм суриши, тарихий-ижтимоий вазият таъсири мумтоз поэтика асослари теранлашувига ҳам мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Ҳар бир назарий қараш поэтик андозаси муайян ижодкор дунёқарашини алоҳидалайдиган ўзига хос эстетик марказ ҳисобланиб, унинг асосида субъектив кечинма аниқлиги жилваланади. Ҳаётни тасвир этиш даражаси дид ва савия бирикувига боғланади. Рухиятга кўчган воқелик ўлчами таҳлил ҳамда муносабатда хосланганлик мезонига айланади. Мавжудлик жумбоғини теран идрок этиш бадий-эстетик эҳтиёждан ўсиб чиқади. Моҳиятни тугал ва яхлит ифодалаш эса чинакам иқтидор салоҳиятига пайвандланади. Матн – бадий нутқ йиғиқлиги ҳамда ижод мантиғини тайин этадиган асосий мезон. Унда поэтик талқинни индивидуаллаштириш ўзига хослиги, янги ифодани шакллантириш эҳтиёжи ҳамда тасвир йиғиқлигини кўрсатиш муддао қилиб қўйилади.

Поэтика – адабий асарни яхлит, жонли қилувчи асосий куч бўлиб, бадий асарнинг барча ҳужайраларида намоён бўлади ва уларнинг яшовчанлигини таъминлайди. Агар асар миллионлаб сўз ҳужайраларидан ташкил топишини кўз олдимизга келтирсак, ғоя ва мавзу ҳам, образ ва характер ҳам, сюжет ва композиция ҳам, қўйингки, бадий асарнинг ҳамма унсурлари ана шу асосдан бунёд бўлиши ойдинлашади. Бинобарин, уларсиз бадий тил яшовчанликдан маҳрум бўлади. Бордию, асарни жонли вужудга ўхшатсак, шу вужуднинг моҳиятини ифодаловчи бадий тил руҳ (жон), ҳар бир сўз эса ана шу руҳнинг ришта(томир)ларидир. Дарҳақиқат, руҳ ва вужуд (мазмун ва шакл) шунчалик уйғунлашганки, образли қилиб айтганда, улар вобасталикда тириладилар, ажралганда ўладилар. И.Султонов таъбири билан айтганда: “тил – бадий асарнинг шакли эмас, балки шакл яратиш универсал воситаси бўлиб майдонга келади. Айни пайтда, мазмунни воқеъ қилади” [3:142].

Сўз ва ғоя омухталашган шеърини нутқ ҳамиша адабий моҳиятни янгилашга интилади. Идрок сезгисига қайта тикланган мушоҳада фалсафий такомил ифода бетакрорлигида бўй кўрсатади.. Унда маъно урғуси руҳият оний лаҳзасини сувратлайди, унда тушунча аллитерацияси туйғу жозибасини жилолантиради, унда таҳлил малакаси талқин бутунлигини таъминлайди. Аслида нозик кузатиш ва жонли мушоҳада узвийлиги шеър фалсафасини ҳосил қиладиган етакчи омил, ривоя техникаси ижодкор дунёқарашини муайян тизимга солади. Ҳаёлот ва тасаввур синтезини бир-бирига нисбатан қаршилантирадиган поэтик усулда муносабат бошқаруви ҳал қилувчи вазифа бажаради. Табиатдан олинган муқояса, руҳият таҳлили ҳамда туйғу тугёни чинакам истеъдодга хос зариф фазилят, кўнгил сарзанишларидан сизиб чиқадиган ҳолат чизгисига тасаввур миқёси ўзгачаланади. Шакл ва мазмунни ифодага йиғиш муайян шеърини иқтидорга боғлиқ, унда оҳанг ва мусиқа идрок сезгиси нафис манзарасини яхлитлаштиради. Инсон сезими ғоят теран қатламларига кириб боришга интилиш ҳамда тасвир йўсинини моддийлаштириш истаги соҳир санъат табиатини белгилайди. Унда маънавий дахлсизлик ҳуқуқи, руҳий эҳтиёж ҳосиласи ҳамда маъно мантикий ўзгарувлари бир-бирига бақамти келади.

Бадий асар ўзида ижодкор шахсини ифодалар экан, буни услубда намоён этади. Ёзувчининг жумла тузиши, ривоя қилиш манераси, бадий деталлар функционаллигига аҳамият бериши, сюжет қурилишини шакллантириши услуб ва ўзига хосликка шубҳасиз таъсир кўрсатади. Зеро, услуб ёзувчининг ўз даври воқеа ҳодисаларига фаол муносабатини ҳам қамраб олади. Адабиётшунос Ҳ.Болтобаевнинг ёзишича: «Бу услубий ҳодисанинг илдизлари Шарқ адабиётининг қодимги лиризмга бойлиги, юксак романтик талқинда акс эттирилган халқ ижоди намуналари ва бошқаларга бориб тақалади».

“Ўзбек халқи изчил тараққий топган қадимий турк адабиёти давомчиси ва уни ҳар жиҳатдан ривожлантирган халқ. Шу боисдан ҳам туркий халқлар адабиёти тарихида миллат устоз даражасига эришган бадий сўз санъатини вужудга келтиради. Ўзбек халқи шухратини дунёга танитган Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа мутафаккирларни аксар халқлар устоз сифатида танийди”[4:8] – ёзади филология фанлари доктори, проф. К.Мамбетов. Дарҳақиқат, Марказий Осиё маданияти тараққиётида ўзбек адабиёти тарихи салмоқли ўрин эгаллайди. Илғор анъана ва тажрибани кенг ўзлаштирган ўтроқ аҳоли дунёқарашини ҳосил бўлиши, туркий халқлар менталитетига бевосита ва билвосита таъсир ўтказиши қорақалпоқ олими мушоҳадасини далолатлайди. Жойлашган

географик ўрни, турмуш тарзи, эътиқоди, тили ҳамда этнографияси муштарак ўзбек ва қорақалпоқ миллий арсенали мунтазам бир-бирини бойитишга хизмат қилган. Бақамти яшаган икки халқ умумий ривожланиш қонуниятларида ҳам ворисийлик сезилади.

XIX аср қорақалпоқ халқининг тарихи Хоразм минтақаси билан алоқадор бўлганлиги бизга тарихдан маълум. Аммо узоқ давом этган урушлар натижасида XIX асрнинг биринчи чорагида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825-йилларда бошчилик қилган) кубла оралли халқларни (қорақалпоқ, ўзбек ва казоқларни) ўзига бўйсундириб олади ва Орол бўйи халқларининг ижтимоий ҳаёти ва давр адабиёти вакилларининг ижодига хос сифат-шоирлар поэзиясида халқининг иқтисодий ва ижтимоий шароитида ўз аксини кўрсатган.

Мумтоз адабиётимизда лирик ва эпик асарларнинг яратилишида Шарқ мумтоз адабиётининг адабий таъсир ва алоқа масалалари катта аҳамиятга эга. Чунки, қорақалпоқларнинг Хоразм ҳудудига келиб жойлашиши, уларнинг Марказий Осиё халқлари билан алоқа тузишига имконият яратди.

Қорақалпоқ адабиёти тарихи тадқиқотчиси Нажим Давқараевнинг фикрича, халқнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларда XIX асрдаги мумтоз адабиётнинг ривожланиш даврида, йўналишларида, Кўнходжа, Ажиниёз, Бердақ ва Ўтеш шоирларнинг умри ва ижод йуллари ва поэтик хусусияти белгилаб беради деб белгилаб ўтади.

«Бу даврларда Тошкентда, Бухорода, Самарқандда, Қобулда нашр қилинган китоблар қорақалпоқлар орасида олиб келинган. Шу жумладан, «Юсуф-Зулайхо», «Ғариб ошиқ», «Зайкал Араб», «Ошиқ Ҳамро», «Хурлайхо», «Саятхон-Ҳамро» сингари шарқ халқларининг ошиқлик дostonлари билан биргаликда Навоий, Фузулий, Бедил, Хўжа Ҳофиз, Мақтумқули сингари ижодкорларнинг асарлари кенг тарқатилган.

«Бу тарихий ҳолат XIX асрнинг биринчи ярмидаги қорақалпоқ адабиётига тил, адабий форма, услуб жиҳатидан ўз таъсирин ўтказган»[5:32] деб тадқиқотчи ўз китобида келтириб ўтади.

Жумладан, юқорида номи аталган шоирларнинг XIX аср қорақалпоқ шоирлар ижодига таъсир ва алоқа масалалари мавжуд бўлиб, бу ҳақида белгили шарқшунос олим Ҳ.Ҳамидовнинг[6:8] тадқиқотларида ҳам маълумотлар келтирилади. Бу давр қорақалпоқ адабиётининг ўзига хос хусусиятларининг бири сифатида шоирлар асарларидаги гуманистик, демократик ғояларнинг тасвирланиш ҳолати кўрсатилади ва бу ғоялар «Қорақалпоқ халқининг шу даврлардаги сиёсий-иқтисодий турмушининг, ҳар хил қарама-қаршилик ҳолатини, синфий курашлар асосида келиб чиқади»[5:36] деб белгилайди.

Олим Н.Давқараев қорақалпоқ мумтоз адабиётининг ривожланиш ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини, ёзма адабиётлик сифатини илмий-назарий жиҳатдан асослаб беради. XIX асрдаги қорақалпоқ поэзиясининг ёзма адабиётлик характерининг асарларда қўлланилган пейзажлик тасвирларини, бадиий саънат, услубий хусусиятларини ўрганиш орқали аниқлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, ёзма адабиётнинг ривожланишида шарқ адабиётининг тутган ўрни, таъсири борлигини атаб ўтади. XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоирларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқот қилиб, уларга хос белгиларни аниқлашга ҳаракат қилади.

Кўнходжа асарларини тематик жиҳатдан бир нечта гуруҳларга бўлиб ўрганади. Ёлланма кишилар ҳаётини тасвирлайдиган кўшиқларга «Чўпонлар (Шопанлар)», «Ўроқчилар (Орақшылар)», «Кун қани (Кун қайда)», ёвуз кучларнинг ҳаракатларини тасвирловчи асарларига «Эл билан (Ел менен)», «Унутмасман (Умытпаспан)», «Нимага керак (Неге керек)», «Армонда (Эрманда)», сиёсий маъноси бор сатирик, юморлик лирик асарларига «Оқ қамиш (Ақ қамыс)», «Ўлган балик (Өлген балық)», «Арава (Арба)», «Қизил қум (Қызыл қум)», «Қора тош (Қара тас)», «Эчким бор (Ешким бар)» асарлари шулар қаторига киргизилади. Шоирнинг умрига тегишли айрим маълумотлар ўз асарларида тасвирланиб берилган.

Кўнходжа, Ажиниёз, Бердақ шоирлар Шарқ мумтоз адабиётида Фирдавсий, Навоий, Фузулий, Мақтумқули каби сўз адибларидан ўз лирикаларини яратишда намуна қилади ва ўзбек ва қорақалпоқ мумтоз адабиётида шарқ поэтикасидаги асосий жанрларни ўз ичига қамраб олган лирик асарларни яратади. Бу муштарак адабий жанрлар ғазал, мухаммас, нома, рубоий, маснавий ва бошқалардан иборат. Ўзбек ва қорақалпоқ адабиётларининг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муштарак жиҳатлари ва бир жуғрофий ҳудуддаги мавжудлик

белгилари давр учун ҳар бир халқ фольклори ва ёзма адабиётининг шаклланиши учун ўзига хос замин, шароит, хусусият ва ички қонуниятларга ҳам эгадир.

XIX аср қорақалпоқ шоирлари яратган шеърларининг мазмуни жиҳатдан фольклорлик ва мумтоз адабиётда белгили ўрни бор эканлиги маълум бўлди. Улардан салт-дастур, тўлғов ва халқ достанларидаги айрим мотивлар шу давр лирикасининг бадий илдизларидан ҳисобланади.

XIX асрдаги қорақалпоқ жамиятининг сиёсий ҳолати - ижтимоий тенгсизлик, ижтимоий гуруҳлар орасидаги қарама-қаршиликни тасвирлаб беришда Кўнходжанинги реализмга асосланган лирик асарлари ноёб асарлардан ҳисобланади. Айниқса, бунақа ҳолатларни шоирнинг нолиш асарларида кўрамиз. Масалан, шоирнинг “Эл билан” шеърида:

*Адамга қаст етип мийримни келмес,
Ким жаман, Ким яқши?-парқини билмес,
Жыласаң да көздиң яшыны көрмес,
Патишаң жаман болса күниң зар билен [7:92].*

Кўнходжа ҳаёт ҳақиқатлигини бадий образлар ёрдамида ўз асарларида тасвирлашга ҳаракат қилади.

*Ғазине толысы алтын ақшаның,
Хәўли-ҳарем және бағы-бақшаның,
Халықты сорап турған хану-патишаның,
Шалқығаны ғарип-қәсер ел билен.*

Мана, ушбу шеърида шоир халқнинг ҳаётдаги ўз ўрнини эпик ҳолатни тасвирлаб, дидактик насихатни, тарихий-ижтимоий турмушни биринчи режага кўтаради.

Шоир ижоди XIX аср қорақалпоқ халқининг ижтимоий-тарихий турмуш тарзини, миллат анъаналарини яхлит ҳолда тасвирлаш хусусиятлари билан, халқ оғзаки ижодининг анъаналарини қўлланилиши жиҳатидан, жанрий ва бадийлик хусусиятлари билан ўз давридаги Ажиниёз, Бердақ ва Ўтеш шоирларнинг ижодидан ажралиб туради.

Шоир ҳаётини лирик асарларини ёзишда шарқ мумтоз адабиётидаги образ яратиш ва муножот усуллари билан фойдаланади. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди поэтик анъаналарига мойиллик ҳам мавжуд. Кўнходжа лирикасида ҳаёт ҳақиқати тасвир сарҳадларида ҳаракатланиши, тарихий илғамаро ўлчам мувозанати, мурожаат нутқидан иборат ифода мустақиллиги, воқелик характерини очиб беришда психологик таҳлил барқарорлиги кузатилади. Юксак ижодий пафосда битилган шеърларда тасвир ва талқин доимий тарзда ўрин алмашиб туради. Батафсил чизгиларга йўғрилган тасвир муаллиф ақидалари ҳаётини асосларини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саидов У. Шарқ ва ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2009.
2. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
3. Умунов Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002.
4. Мамбетов К. Өзбек хэм қарақалпақ әдебий байланыслары. – Нөкис, Қарақалпақстан, 1992.
5. Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы, 3 том. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979.
6. Ҳамидий Ҳ. Шығыс тиллериндеги жазба дереклер хэм XIX әсир қарақалпақ шайырлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1991.
7. Күнхожа, Қосықлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1960.

Наширға проф. Г.Эрназарова тавсия этган

ZEBU MIRZO SHE'RIYATIDA METAFORA

Usmonov Sh. (QarDU)

Annotatsiya. Metafora-nutq hodisasi sifatida, biror leksema denotatining tashqi, zohiriy o'xshashligi asosida boshqa bir ma'noni ifodalashda qo'llanilishidir. Bu badiiy adabiyotda istiora, tashbeh, oksimoron kabi san'at turlarining hosil bo'lishida faol ishtirok etadi. Maqolada badiiy matnning nutqdagi emotsional-ekspressivligini ta'minlashda metaforizatsiya muhim rol o'ynashi tahlil etib beriladi.

Tayanch so'zlar: *metafora, badiiy ko'chmalar, tasvir obyekt, emotsional-ekspressivlik, hayotiy detal.*

МЕТАФОРА В ПОЭЗИИ ЗЕБО МИРЗО

Аннотация. Метафора, являясь речевым событием, представляет собой использование лексемного обозначения для выражения другого значения, основанного на внешнем сходстве. Он активно участвует в создании таких художественных форм, как метафора, сравнение и оксюморон в художественной литературе. В статье анализируется важная роль метафоры в обеспечении эмоционально-выразительности художественного текста в речи.

Ключевые слова: *метафора, художественное движение, образный объект, эмоционально-выразительность, жизненная деталь.*

METAPHOR IN THE POETRY OF ZEBO MIRZO

Annotation. As a metaphor-speech event, it is the use of a lexeme denotation to express another meaning based on external similarity. It actively participates in the creation of art forms such as metaphor, simile, and oxymoron in literary literature. The article analyzes the important role of metaphor in ensuring the emotional-expressiveness of the literary text in speech.

Key words: *metaphor, artistic movement, image object, emotional-expressiveness, life detail.*

Badiiy adabiyotda metaforalashuv muhim amaliy ahamiyat kasb etadi. Badiiy adabiyot tili, tasvir obyektlari boshqa fanlardan faqrlanadi. Badiiy adabiyot tili badiiy uslub tilidir Badiiy uslub barcha uslublarning xossalarini o'zida jamlaydi. Insonning olam va odam haqidagi tasavvurlarini o'zgartiradi, uning faqatgina aqliga, bilim doirasiga emas, balki uning sezimlariga ham jiddiy ta'sir ko'rsatadi. Badiiy adabiyot o'zi bilan his-tuyg'ulardan tashqari ulkan informatsiyalar bazasini tashiydi. Bu axborotlar bazasi quyidagicha holatlar yuzasidan berilishi mumkin:

- 1) ijodkorning o'zi, shaxsiyati, tutumlari u yashagan muhit va hokazolar;
- 2) tabiat, jamiyat, unda sodir bo'layotgan o'zgarishlar;
- 3) o'tmish va kelajak haqidagi taassurotlar.

Bu uch axborot tizimi muhim ahamiyatga ega. Har uchlasining ham ifodalanishida lirik psixologizmning ustuvorligi muhim ahamiyat kasb etadi. Lirik psixologizmning berilishida metaforalashuvning bir necha asoslari mavjud:

- 1) ijodkor tasvir obyektining rang-barangligi, individual uslubning yuzaga chiqarilishi;
- 2) emotsional-ekspressivlikni ta'minlash;
- 3) har qanday yaratiladigan badiiy asarning yo'nalish nuqtasini aniqlashtirish.

Dastlabki asosga to'xtaladigan bo'lsak, ko'chimlar har bir ijodkorning saviyasi, tafakkur doirasidan kelib chiqadi. Tasvir omillarining rang-barangligi yoxud qo'llanilish usuli uning ijodiy individual yo'lini belgilab beradi. Mumtoz adabiyot nuqtayi nazaridan qaralganda, Ahmad Yassaviy-u Atoyidan tortib to Komil Xorazmiyacha bo'lgan ijodkorlarning ijodini, jillaqursa, ijodini yuzaki tahlil qilgan kitobxon ham ular o'rtasidagi tafovutni anglay olishi unchalik mushkul emas. Har bir ijodkorning o'z yo'li, o'z uslubi, o'z tasvirlash obyektlari, tavsirni berishda o'z psixologik sxemasi bo'ladi. Bu sxema tartibsizliklar ichidagi tartibdir.

Shoira Zebo Mirzo ijodida diqqat qaratadigan bo'lsak, o'ziga xos yo'li bor ekanligiga guvoh bo'lamiz. Bu yo'l uning o'z lirik psixologizmini qanday usullar bilan ifodalaganida ayon bo'ladi.

Metafora so'zi asli yunon tilidan olingan bo'lib, "ko'chish, ko'chirish" kabi ma'nolarni ifodalashi hammamizga ma'lum. Ushbu hodisa qadimgi davrlardan insonlarning diqqatini tortgan. Metafora-nutq hodisasi sifatida, biror leksema denotatining tashqi, zohiriy o'xshashligi asosida boshqa bir ma'noni ifodalashda qo'llanilishidir. Tilshunos olim R.Qo'ng'urovning yozishicha metafora yashirin o'xshatish bo'lib, oddiy qiyoslashdan farq qiladi, agar oddiy o'xshatish har doim ikki asosdan tarkib topsa, metaforada faqat ikkinchi a'zo, faqatgina o'xshatilgan narsa qoladi, o'xshagan narsa esa tushib qoladi, uning mazmuni matn tarkibidan anglashilib turadi, bundan xulosa chiqarish mumkinki, metafora asosida ma'noning ko'chirilishida tasvirlanishi lozim bo'lgan a'zo boshqa bir tushuncha orqali idrok etiladi. Metaforalar til hodisasi sifatida tashqi o'xshashlikni anglatadi. Bu badiiy adabiyotda istiora, tashbeh, oksimoron kabi san'at turlarining hosil bo'lishida faol ishtirok etadi.

Badiiy matnning nutqdagi emotsional-ekspressivligini ta'minlashda metaforizatsiya muhim rol o'ynaydi. Metaforizatsiyaning asosida qiyoslash oqibatida erishilgan o'xshatish g'oyasi yotadi. Metaforada tashqi o'xshashlik to'rt jihatga qarab belgilanadi:

- 1) o'rin jihatdan o'xshashlik asosida metaforiklashuv;

- 2)shakl jihatdan o'xshashlik asosida ma'no ko'chishi;
- 3)belgi mutanosibli asosida ma'no ko'chishi;
- 4)vazifa yoki harakat o'xshashligi asosida ma'no ko'chishi.

Lirik psixologizmning tasvir obyekti sifatida metaforalashuvning har to'rt jihatini she'riyatda kuzatish mumkin. Zebo Mirzo ishqiy she'rlarida lirik psixologizmning tasviri sifatida an'anaviy va individual(original, ohori to'kilmagan) metaforalar ham uchraydi.

*Bilaman: men uning tengi emasdim,
Lekin sevdim tengsiz muhabbat bilan.
Hijron tunlarida bor edi qasdim,
Men uni o'qidim yoniq dard bilan.*

Ushbu misradagi "yoniq dard" birikmasi an'anaviy metafora sifatida belgi o'xshashligi asosida lirik qahramonning alamli hijron qismatini yuqori rakurslarda boshidan o'tkazganligini ifodalab kelmoqda.

Keyingi misralarda esa hayotiy detal orqali ajoyib metaforiklashuv holatini bera olgan:

*Yomg'irlar qo'lida titrab ezilgan
Bir xazon bargchalik sevilgandirman.*

Inson qurigan xazon barglarni qo'lga olib ezsa, u qayta o'z shaklini ololmaydi, o'ziga kelolmayotgan, o'zligini topolmayotgan poetik qahramon psixologik holatida ham xuddi shunga o'xshagan holat hukmron.

Shoiraning "Intiqlik" nomli she'rida ikki qatlamli metaforani kuzatish mumkin:

*Tuni bilan yog'gan yomg'irlar
Yuvib o'tdi tongning yuzini
Men izladim
o'zim uchun sir
bo'lgan baxtning yorug' izini...*

Odatda metaforalar tashqi o'xshashlikni ma'lum ko'rinib turuvchi xususiyatlar asosida beradi. Masalan, "yer yuzi, kitob yuzi" kabi, ammo "tong yuzi" va "baxtning yorug' izi" kabi birikmalarda kitobxon dastlab tashqi o'xshashlikni ko'z oldiga gavdalanitirsa, ikkinchida, psixologik tasvir obyekti sifatida yuzaga chiqayotgan boshqa bir holatni his qiladi. Endigina yorishayotgan tong yuz ifodasi sifatida, oz-moz his qilinayotgan masrurlik baxtning yorug' izini ifodalab kelmoqda.

Boshqa bir o'rinda lirik psixologizmning metaforiklashuvi butun band bo'ylab yoyilib ketgan:

*Keldimi deb sendan xabarlar
Eshiklarni necha bor ochdim.
Daydi shamol bebosh boladay
Derazamni sindirib qochdi.
Tuni bilan qiynaldi yurak
Yeta olmay nur yo'llariga
Isming qo'ndi kapalak kabi
Goh tushimga,
goh qo'llarimga...*

Mazkur misralarda an'anaviy insonning kutish holatini sodda, ravon holatda berish hukmron. Bizga ma'lumki, mumtoz adabiyotimizda ham bunday intizorlik holatini tasvirlash juda ko'plab ijodkorlarning she'rlarida uchraydi. Chunonchi, Hazrat Alisher Navoiyning "Kecha kelgumdur debon..." misralari bilan boshlanuvchi ishqiy mavzudagi g'azalida tadjir san'ati yetakchilik qiladi. Unda ham oshiq ma'shuqasini kutadi, u kecha kelaman deb kelmagan, ko'zlariga qancha tonglar uyqu kelmay kutgan ham kelmagan, har lahza chiqib uning yo'lga intizor bo'lgan kelmagan. Chiqqan oshiq, albatta, eshikni ochadi, yopadi, yuqoridagi Zebo Mirzo misrasida ham xuddi shu tasvir ayni o'xshash. Hazrat Alisher Navoiy keyingi baytlarda joni og'ziga kelgani, undan so'ng esa hijrondan o'rtangan qalbning vaziyatini bosqichma-bosqich darajalab boradi. Shoir Zebo Mirzo misralarida kelmagan, o'ngida ko'rmagan yorini endi

tushlarida ko'rgisi keladi. Ma'shuq tushida yorini ko'rish bilan qanoatlana olmaydi, baribir uning kelishini istaydi, uning kelmaganidan yuragida yuksak qayg'u va alamli iztorob alanganadi:

*Sen kelmading,
Biroq bu gal ham...
Men kunning qon yuziga boqib-
G'ijimlanib otilgan xatday-
Yuragimni yubordim yoqib!...*

Ma'shuq oshiqni kechirmaydi, uning iztiroblariga yuragini aybdor biladi, unga shu uqubatni ro'baro' qilgan yuragidan go'yoki alam oladi, uni yoqib yuboradi. Shoiraning nazdida unga inson sevgisi musibat keltirdi, u uni sitamli, qayg'uli, azoblar girdobiga tashladi, shuning uchun bu dardlar ovunchini boshqa bir odamdan topib bo'lmaydi va u tabiatga yuzlanadi:

...Tuni bilan yomg'irlar yog'di... Uning yuragidagi o'tni ona-tabiat bartaraf qilar, balki ko'zidan to'kilgan yoshlar so'ndirar... Demakki, ma'shuqa dardning shifosini tabiatdan yo o'zidan izlaydi. Bunday lirik psixologik holatni tasvirlashda ijodkor tomonidan qo'llangan an'anaviy va individual metaforalar muhim rol o'ynagan."Daydi shamol, "yurak qiynog'i", tushga qo'ngan kapalak", "kunning qon yuzi", "yurakni yoqish" bari birikmalardagi metaforalar ayni shu maqsadni amalga oshirishda xizmat qilgan. Kapalak obrazining metaforiklashuvi o'zbek adabiyotida an'anaviylik kasb etgan. Bu obraz orqali go'zallikning qisqa umriga, ishqning foniyligiga, hissiyotlarning beqarorligiga ishora qilinadi.

Shoira ijodida an'anaviy metaforalarning metaforiklashuvi psixologik tasvirni tiniqlashtiradi, ta'sirini kuchaytiradi. "Hayotning go'zalligi", "oppoq nur", "yurak qoni" kabi metaforalardan obraz ichki dunyosining samimiyati, ochiq munosabati sezilib turadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Qosimov Y. O'zbek she'riyatida poetik fikrning yangilanish jarayoni: Filol. fan. nomz...diss.avtoref. – T., 1994. – B. 22.
- 2.Jumaboyeva J. XX asr o'zbek she'riyatida psixologik tasvir mahorati: Filol.fan.dokt... diss... avtoref. – T., 1999.
- 3.Mo'minov F. Hozirgi o'zbek adabiyotida folklorizm: Filol. fanlari d-ri diss... avtoref. – Toshkent, 1994. – B. 57.
- 4.Haqqulov I. Fussali yurak – yolqinli yurak // UzAS., 1996 yil, 11 oktabr.
- 5.Umurov H. Adabiyot nazariyasi. – T.: Sharq, 2002. – 256 b.

Nashrga prof. G.Ernazarova tavsiya etgan

МУНИС ҒАЗАЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАР ВА НАШРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Шодмонов Ғ. (ҚарДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада Шермухаммад Мунис девони қўлёзма манбалари ва уларнинг нашрларга берилиш масаласига диққат қаратилган. Шунингдек, унда мавжуд нашрлар ўзаро қиёсланиб, учрайдиган хато ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинган. Қиёсий таҳлил объекти қилиб “Мунис ул-ушшоқ” девонининг инвентарь 940-қўлёзмаси ва 63-рақамли тошбосмаси ҳамда 1980 йилги “Сайланма”си олинган.

Таянч сўзлар: *Мунис, девон, қўлёзма, тошбосма, манба, нашр, сайланма, газал, жанр, байт, мисра.*

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РУКОПИСНЫХ ИСТОЧНИКОВ И ИЗДАНИЙ ГАЗАЛЕЙ МУНИСА

Аннотация. В данной статье основное внимание уделяется рукописным источникам офиса Шермухаммеда Муниса и их публикации. Также сравниваются существующие издания и тщательно анализируются ошибки и недостатки. В качестве объектов сравнительного анализа были взяты рукопись 940 и литография № 63 кабинета «Мунису-л-Ушшак» и «Выборы» 1980 года.

Ключевые слова: *Мунис, деван, рукопись, литография, источник, публикация, подборка, газель, жанр, стих, стих.*

COMPARATIVE ANALYSIS OF MANUSCRIPT SOURCES AND EDITIONS OF MUNIS' GHAZALS

Annotation. This article focuses on the manuscript sources of Shermuhammad Munis and their publication. It also compares the available publications and analyzes the errors and shortcomings. The object of comparative analysis was the manuscript #940 and lithograph #63 of "Munis ul-Ushshaq" and the "Saylanma (Selection)" of 1980.

Key words: *Munis, devan, manuscript, lithograph, source, publication, selection, ghazal, genre, verse, line.*

“Мунис ул-ушшоқ” девонининг бир қанча қўлёзма манбалари бугунги кунгача етиб келган ва яхши сақланган. Мазкур нусхалар орасида учта девон қўлёзмаси бошқаларига қараганда бир қадар мукамалликка эга. Шу боис илмда улардан истифода этиб келинмоқда. “Мунис ул-ушшоқ” девони устида тадқиқот ўтказган адабиётшунос Н.Жумахўжа ҳам ана шу учта манба – 1330, 940 ва 63 рақамли нусхалар таянч бўла олиши мумкинлигини таъкидлайди [2;7]. Олимнинг қайдларига кўра, шоир ижодиётини ҳар томонлама, хусусан, поэтик хусусиятлари жиҳатдан тадқиқ этишда улар энг мўътабар манбалар бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, Мунис девонидан “Сайланма” нашр эттиришда адабиётшунос Ю.Юсупов ҳам юқорида кўрсатилган дастлабки икки манбага биринчи навбатда мурожаат қилган.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, мазкур қўлёзма ва тошбосма(инв. 63)лар орасида 940 рақамдаги нусха Мунис поэтик меросини мукамал даражада акс эттирувчи манба эканлиги билан эътиборга лойиқ. Мазкур девон нусхаси шоир ҳаётлик вақтида, яъни 1813 – 1814 йиллар давомида кўчирилган бўлиб, унда “Илк девон” дея аталган [2;7] нусхага кирган ва кейинги яратилган барча асарлари тўлиқ ўрин олган. Шу боис у илмда мукамал девон дея эътироф қилинади.

“Мунис ул-ушшоқ” девонида ҳеч бир лирик жанр ғазал сингари кенг ўрин эгалламайди. 1804 – 1805 йилларда кўчирилган дастлабки (инв.1330) девонида 204 та, мукамал (инв.940) девонида эса 679 та ғазал мавжуд. Агарда илк девондан мукамал девонга кўчмаган ғазалларни қўшиб ҳисобласак, Мунис ғазалиётининг умумий сони 700 дан ошиб кетади. Шу далилнинг ўзиёқ шоир ижодида ғазал жанрининг етакчилик қилганини кўрсатади.

Бирок ана шундай улкан мерос бугунги кунгача етарлича тадқиқ қилинмади. Шоир ижодини ўрганиш, асарларидан намуналар чоп эттириш ишлари ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган бўлса-да, унинг девонида ҳали жуда кўп ғазаллар фанга номаълумлигича қолмоқда. Биз ушбу мақолада айни масалага диққат қаратдик.

Мунис ва унинг “Мунис ул-ушшоқ” девонидан намуналар нашр эттириш дастлаб 1945, 1948, 1959 йилларга тўғри келади [2; 7]. 1980 йилда эса Тошпўлат Аҳмедов ҳам “Мунис” номли рисоласида шоирнинг айрим ғазалларини таҳлил қилади [1]. Шоир ижодидан катта қисмини нашр эттириш борасида Юнус Юсуповнинг хизматларини алоҳида эътироф қилиш жоиз. У 1980 йилда Мунис девонидан турли жанрларга оид шеърларидан тўплаб, “Сайланма” шаклида эълон қилади ва бу шоир ижодини кенг оммага ёйишда муҳим қадам бўлди [5]. Жумладан, ушбу “Сайланма”да шоирнинг тўлиқ ёки қисқартирилган ҳолатда 268 та ғазали киритилган.

Шоир лирик меросини, хусусан, ғазал жанрига мансуб шеърларни кенгрок равишда таҳлил ва тадқиқ қилиш ҳамда уларни тўлдириш масаласида эса адабиётшунос Н.Жумахўжанинг хизматлари катта. Чунки олим аксарият ҳолларда “Сайланма”да қисқартирилган ёки унга киритилмаган ғазаллар шарҳига кенг ўрин беради [2]. Олимнинг бундай йўл тутиши, *биринчидан*, сайланмада қисқарган ғазалларни тўлдириб, уни мукамал ҳолга келтирган; *иккинчидан*, монографияда шу пайтгача нашрларда учрамайдиган айрим ғазаллардан намуналар келтирилиши ва шарҳланиши Мунис ижодининг янги қирралари ҳақидаги тасвурни шакллантирган.

Илмда Мунис ижодини акс эттириш борасида юқоридаги икки нашр муҳим аҳамият касб этгани боис ишда уларни ўзаро қиёслашни жоиз топдик. Мазкур тадқиқотда “Мунисул-ушшоқ” девонининг 940-рақамли қўлёзма ва 63-рақамли тошбосма нусхаларига таяниб

иш кўрдик. Қиёслаш натижалари уларни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ эканини кўрсатади:

1. Тушириб қолдирилган байтларнинг тўлдирилиши. Ю.Юсупов “Сайланма”ни нашрга тайёрлашда ўзи таянган қўлёзма ва тошбосма нусхалар ҳақида маълумот берган. Унга кўра, ношир 940, 1330, 1793, 7865 рақамли манбалар ҳамда 1875 йилги Хива тошбосма нусхаларига таяниб иш юритган. Н.Жумаев эса жиддий текширишлардан сўнг, асосан, 940 рақамли қўлёзма ва 1330 инвентардаги нусхаларни мукаммал ҳисоблаб, шулар асосида тадқиқот олиб бродан. Бу икки манба Ю.Юсупов ва Н.Жумаҳўжа рўйхатида бўлишига қарамай, олимлар амалга оширган ғазал табиблиларида фарқли ҳолатлар кузатилади. “Сайланма”да Муниснинг жами 268 та ғазали киритилган бўлиб, 60 тасида байт тушиб қолиш ҳолати кузатилади. Жумладан, “Хос ўлиб жоҳ аҳлиға...”, “Жилва килур ҳар қачон...”, “Васл субҳию...”, “Эй, телба кўнглимизга...”, “Ул қуёш борур...”, “Сўз дегай тўти...”, “То юзига ул қуёш...” деб бошланувчи бир қанча ғазалларда аксарият ҳолларда бир байт, айрим вазиятларда икки байт тушириб қолдирилган. Бундай қисқаришлар, албатта, совет иттифоқи даври мафқураси нуқтаи назаридан амалга оширилган.

Мунис адабий меросини бир қадар холис тадқиқ этиш ишлари истиқлолнинг илк йилларида кўрина бошлади. Юқорида таъкидланган Н.Жумаевнинг Мунис Хоразмий ғазалиёти устидаги ишлари бунга далил. Масалан, 1980 йилги “Сайланма”даги шоирнинг қуйидаги ғазалига диққат қаратайлик:

*Басдурур ишқ ичра тўкмак дийдаи хунбор сув,
Истама ҳайвон булогиндин Скандарвор сув... [5; 99]*

“Сайланма” муаллифи байт туширилган ўринларга уч нуқта билан ишора кўрсатиб кетган. Мазкур ғазалнинг биринчи байтидан кейин ҳам шундай ишора бор ва бу тушиб қолган ўрин Н.Жумаҳўжа монографиясида тўлдирилган:

*Ким мулоимтабъ эса ғамдин етар чин узра чин,
Бу жиҳатдин кўргузар чин мавжидин ночор сув...*

Қайд этиш зарурки, айрим ўринларда “Сайланма” муаллифи байт қисқарган ўринларга ишора қўйишни унутади. Жумладан, “Чаманлар сайриға келгилки, фасли навбахор ўлмиш ...” [5; 276] деб бошланувчи ғазалда шундай ҳолат кузатилади. Унинг бешинчи байти қуйидагича:

*Тамошо қилки, ошиқлар кўзи янглиғ бўлиб ҳар ён,
Аёқиға хиромон сарвларнинг дур нисор ўлмиш... [2; 105]*

Ушбу байтдан сўнг девон қўлёзмасида яна шундай байт келтирилган:

*Назар қил раҳмат осоригақим, ҳар ён қуруқ ашжор,
Очиб гуллар, чиқориб сарвлар хизр ишор ўлмиш... [3; 108]*

Илоҳий қудрат тасвир этилган юқоридаги ғазал Н.Жумаҳўжа нашрида тўлиқ ҳолда келтирилган.

Яна бир ўринда Н.Жумаҳўжа “Сайланма”даги бир ғазални мукаммал ҳолга келтиради:

*Лек алардин бордур афзун рутбаи ҳусни калом,
Анда не сўздурки назм услуби бирла топса жоҳ... [2; 30]*

Мазкур байт келтирилган ўринда монография муаллифи “Сайланма”дан ҳавола кўрсатади. Ажабланарлиси, сайланмадаги ғазалда айнан шу байт тушириб қолдирилган. Бундай ҳолатнинг юзага келиши, бизнингча, олимнинг иш жараёнидаги чалғиши натижасидир.

“Мунис ул-ушшоқ” девонидаги баҳор фасли манзаралари ва унинг ўзига хос сифатлари тасвирига бағишланган “Бўлмаса жинси жамолингга харидор офтоб” мисраси билан бошланувчи қуйидаги ғазалда ҳам бир байт тушириб қолдирилган [5; 72]. Бу ғазалдаги ушбу бўшлиқ ҳам “Мунис ғазалиёти” китобида мукаммал ҳолга келтирилган:

*Оразинг даврида хат чиқмушми ёхуд чашимасин,
Қилди кўк нилуфари ичра падибор офтоб... [5; 117]*

Шу ўринда муҳим бир масалага диққат қаратиш жоиз. Яъни маълум бир ижодкор томонидан яратиладиган ҳар бир асар ва ундаги ҳар бир элемент муаллиф мақсад-ғоясини юзага чиқарувчи муҳим омил саналади. Ундаги қайсидир қисмнинг қисқартирилиши асар

композициясига, поэтикасига, мавзу ва ғоянинг мукамал очилишига салбий таъсир кўрсатади. Чунки муаллиф, айниқса, назмий асарларда ҳар бир деталь – сўз устида жиддий бош қотиради, шу билан бирга, унинг тадрижий ўсишини таъминловчи жиҳатларга асосий масала сифатида ёндашади. Жумладан, юқоридаги бешинчи байт қуйидагича шарҳланган: “5-байт. Осмон булутсиз, тиник, кўм-кўк, қуёш тиккага кўтарилиб, ловиллаб ёниб, ҳамма ёқни қиздираётган кунларни тасаввур қилнг-а. Ана шундай пайтда офтоб гардиши атрофида аланга монанд, нурафшон заррин толалар пайдо бўлади. Мана шу манзарани шоир қуёшдай орази, чашмадай ҳаётбахш лаблари атрофини майин туклар – хатт қоплаган маъшуқага қиёслайди. Таъкидлаш керакки, муқояса жуда мутаносиб чиққан. Мазкур байтда тасвирийлик бор, аммо бу тасвирийлик ғазалнинг умумий характери – тавсифийликка сингиб кетган” [5; 117].

2. Мисралар таркибидаги сўзларнинг тушиб қолиши. Девон нашрларида айрим ҳолларда мисра таркибидаги сўз ва қўшимчаларнинг тушиб қолиш ҳолатлари кузатилади. Бундай вазиятлар баъзан техник, баъзида эса турли нусхалардан транслитерация қилиш жараёнида рўй берган. Масалан, “Чаманлар сайрига келгали...” деб бошланувчи ғазалда шундай ўрин мавжуд:

*Чаманлар сайрига келгилки, фасли навбахор ўлмиш,
Риёзи хулд янглиғ тоғу сахро лолазор ўлмиш...*[3; 108]

Ушбу келтирилган байтнинг биринчи мисраси сайланмага айнан кўчган. Лекин Н.Жумаҳўжа матнида бу матлаъ фарқ қилган:

*Чаманлариға келгилки, фасли навбахор ўлмиш,
Риёзи хулд янглиғ тоғу сахро лолазор ўлмиш...*[2; 105]

Бу ўринда сўз тушиб қолиши *биринчидан*, матний ғализликни юзага келтирган, *иккинчидан*, ушбу ҳолат вазний бузилишга ҳам сабаб бўлган. Ғазал арузнинг ҳазаж (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун) баҳрида битилган. Шу нуктаи назардан, сайланма вариант тўғри танланган:

Ча-ман-лар сай / ри-га кел-гил / ки, фас-ли нав / ба-ҳор ўл-миш
v – – – / v – – – / v – – – / v – – –

“Мунису-л-ушшоқ” девонидаги “Ошно” радифли ғазали иккала нашрда фарқланади, “Сайланма”да:

*Давлатинг боридадурлар барча олам ошно,
Қайтгач давлат жаҳонда топулур кам ошно...*[5; 25]

Ушбу байт Н.Жумаҳўжа вариантыда иккала мисрада иккита тафовут билан келтирилган:

*Давлатинг борида бордур барча олам ошно,
Қайтгач давлат жаҳонда топулур кам ошно...*[2; 99]

Мазкур байтдаги ўзгариш мазмун ва вазнга катта таъсир кўрсатмайди, улар шакилий жиҳатдан фарқланади, холос.

3. Техник хатоларнинг учраши. Нашрларда техник хатолар кам бўлса-да, кўзга ташланади. Масалан:

Оғир айлар қулоғин қасд бирла,
Бировга дарди ҳолим қилсам *эълوم*... [3; 140-141]

Яъни: мен одамларга ўз дарди-ҳолимни эълон – эълон, баён қилсам, улар менинг арзимни эшитмаслик учун атайин ўзларини қарга соладилар.

Мазкур байт сайланмага айнан кўчирилган, бироқ Н.Жумаҳўжа вариантыда белгиланган сўз “*аълон*” (луғатларда бу сўзга қўшин ва лашкарнинг байроқ ва нишонлари, деб изоҳ берилган) тарзида кўчирилиб, камчиликка йўл қўйилган:

Оғир айлар қулоғин қасд бирла,
Бировга дарди ҳолим қилсам *аълон*...[2; 25]

Айрим ғазаллар матнидаги фарқланишлар бироз мунозарали. Қуйидаги байт бунга мисол:

Басе ғам боридин чекмиш оғирни,
Боғир бўлмиш ҳазин, кўнгил ёғирни...[3; 181-182]

Мазкур байт Н.Жумаев матнида юқоридагича. “Сайланма”да иккинчи мисрадаги сўз фаркланади:

Басе ғам боридин чекмиш оғирни,
Ёғир бўлмиш ҳазин *кўнглим* ёғирни...[5; 28]

Ушбу ўринда иккита ўзгариш содир бўлган. Бизнингча, иккинчи мисрада белгиланган сўз ношир томонидан янглиш кўчирилган. Чунки мисра охири ҳам шу сўз билан тугаган. Шу маънода, у ноширнинг техник хатоси сифатида белгиланиши тўғри бўлади. Яна шунга ўхшаш ҳолат бошқа ўринларда ҳам кўринади.

4. Шоир ғазалларининг табдил қилинишида йўл қўйилган камчиликлар. Юқорида келтирилганлардан ташқари, турли нусхалардан кўчирилиш оқибатида кўпол хатоларга йўл қўйилган ўринлар мавжуд. Шундай ҳолат Муниснинг машҳур ғазалларидан бири бўлган “Шуаро”да учрайди. “Сайланма” муаллифи ғазалнинг учинчи байтини қуйидагича берган:

Дўстлар лутфидин қилур маҳжур,
Баски, бор *душмани* замон шуаро...[5; 12]

Н.Жумаев варианты:

Дўстлар лутфидин қилур маҳжур,
Баски, бор *душман* замон шуаро... [2; 22]

Матн табдили жуда нозик иш ҳисобланади. Бунда йўл қўйилган кичик камчилик ҳам мазмунга жиддий таъсир ўтказади. Оқибатда, матн аслиятдан узоклашади. Юқоридаги изофий бирикма бунга далилдир. Ундаги “душмани замон” бирикмасидаги бир ҳарф – “и”нинг тушиб қолиши *замоннинг душманлари* эмас, *замоннинг ўзи душман* деган мазмунни англатиб, жиддий бузилишни юзага келтирган. Нашрларда бундай мисоллар кўплаб ўринларда учрайди.

“Мунис ул-ушшок” девони манбалари қиёсий ўрганилганда айрим ғазалларда тафовутли сўзларнинг учраши ва уларнинг ҳар бири мазмунга мос келиши мураккаб вазиятни юзага келтиради. Табиийки, бундай ҳолларда аслиятга муффофик матнни тиклаш қийин кечади. Қуйидаги байт ҳам ана шундай характерга эга:

Таҳрик топар тонг ели бирла дема лола,
Лўлидурур, ўйнар боши устида паёла...[3; 171]

Н.Жумаҳўжа аксар ҳолатда илмда мукамал дея эътироф қилиб келинаётган 940-рақамли нусхага мурожаат қилиб иш кўради. Мазкур ўринда ҳам у монографияга юқоридаги вариантни танлайди ва уни қуйидагича шарҳлайди: “...Мунис жонли бир манзарани – тонг ели таъсирида ҳаракатланаётган лолани тасвирлаётир. Муаллиф лола тасвирини янада жонлантириш мақсадида инсонлар ҳаётидан унинг ҳолатига монанд лавҳа топади. Лолани бошида пиёла билан ўйнаётган лўлига ўхшатади” [2; 114]. Албатта, бу шарҳга бошқа вариантни кўрмаган ҳолатда ишониш мумкин. Лекин қўлғезмалар ва “Сайланма” варианты билан танишиш бунга шубҳа уйғотади:

Таҳрик топар тонг ели бирла *доғи* лола,
Лўлидурур, ўйнар боши устида паёла... [5; 40]

Кўринганидек, биринчи мисрадаги “дема” сўзи бу вариантда “доғи”га ўзгарган ва мазкур ҳолат ҳам ўз мантиғига эга. “Доғ” сўзининг бир неча маънолари бор. Жумладан, у “яна”, “ҳам” ва тўғридан тўғри “доғ” тушунчаларига эга сўз ҳисобланади. Бу вазиятда ғазалнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб бир тўхтамга келиш мақсадга мувофиқ:

Сунбул гул уза соя солибдурму ёхуд,
Ҳар ён очилибдурму юзинг узра кулола.
Кўрдим юзинг атрофидадур ҳалқаи зулфинг,
Ой даврида ким кўрмиш экондур қаро хола...

Кейинги байтлардаги соя ва қаро хол ишоралари лола (лолақизғалдоқ)нинг қора доғи билан боғлиқ сўз ўйини қилинганига далолатдир. Шу нуқтаи назардан, “Сайланма” варианты тўлиқ ўзини оқлайди.

5. Нашрларга киритилмаган ғазаллардан илк намуналарнинг берилиши. Юқорида таъкидланганидек, ҳали Мунис ғазалиёти ва бошқа жанрдаги назмий асарлари

тўлиқ ҳолда нашр этилмаган. Шоирнинг жуда кўплаб шеърлари, айниқса, ғазаллари илм аҳлига номаълумлигича қолмоқда. Шундай бўлса-да, адабиётшунос ва матншунос олимлар томонидан бу бўшлиқни тўлдиришга уриниш сақланиб турибди. Хусусан, Н.Жумахўжа ҳам ўз монографиясида сайланма ва бошқа нашрларга кирмаган бир қанча ғазалларидан бир ёки бир нечта байтларини таҳлил қилиш орқали Мунис ғазалиётининг янги қирраларини очишга ҳаракат қилган. Айрим ҳолларда олим шу кунгача эълон қилинмаган девондаги бир нечта ғазалларни ҳам тўлиқ шаклда киритган. Муниснинг ошиқона руҳда битилган “Фароғ”, “Бу кеча” радифли ғазалларини бунга далил қилиш мумкин [2; 76-78 – 80-81]

Хулоса қилиб айтганда, мавжуд нашрларда ҳали бартараф қилиниши лозим бўлган нуқсон ва камчиликлар кўп. Мазкур муаммолар ечими учун, албатта, Мунис девони тўлиқ ҳолда матншунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши зарур. Шу билан бирга, “Мунисул-ушшоқ” девонининг академик нашрларини амалга ошириш ҳам соҳанинг устувор вазибаларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедов Т. Мунис. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 47.
2. Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 160.
3. Мунис, Шермуҳаммад. Девон. – ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фонди, № 940 рақамли кўлёзма.
4. Мунис Шермуҳаммад. Девон. – ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фонди, № 63 рақамли тошбосма.
5. Хоразмий Мунис. Сайланма / Нашрга тайёрловчи Ю.Юсупов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 368 б.

Нашрга проф. Н.Шодмонов тавсия этган

XIX ASR O‘ZBEK AYOLLAR SHE’RIYATI

Berdiyeva D. (QarDU)

Annotatsiya. Ushbu maqolada XIX asr o‘zbek ayollar she’riyati badiiyati, shuningdek, ijodidagi ayol tuyg‘ulari, qalb kechinmalari, manzaralari, davr ruhiyati, ayollar turmushidagi fojialar, ularning sababi, xotin-qizlar erksizligi, chorasizligi Mahzuna, Dilshodi Barno, Muazzamxon va Anbar Otinlar ijodi misolida tahlilga tortishga harakat qilingan.

Tayanch so‘zlar: lirik qahramon, badiiyat; ayol ruhiyati, kechinmalari, ijtimoiy hayot, turmush manzaralari, xotin-qizlar fojiasi va ularning sabab-oqibatlari

УЗБЕКСКАЯ ЖЕНСКАЯ ПОЭЗИЯ XIX ВЕКА

Аннотация. В данной статье попытались проанализировать искусство узбекской женской поэзии XIX века, а также женские чувства, душевные переживания, пейзаж, дух времени, трагедии в жизни женщин, их причины, женская свобода, беспомощность на примере творчества Махзуна, Дилшоди Барно, Муаззамхана и Анбара Отина.

Ключевые слова: лирический герой, артистизм, женская психика, переживания, социальная жизнь, сцены из жизни, женские трагедии, их причины и последствия.

XIX CENTURY UZBEK WOMEN'S POETRY

Annotation. This article tried to analyze the art of Uzbek women's poetry of the 19th century using the example of the works of Makhzun, Dilshody Barno, Muazzamkhan and Anbar Otin., as well as women's feelings, emotional experiences, landscape, spirit of the times, tragedies in the lives of women, their causes, women's freedom, helplessness.

Key words: lyrical hero, artistry; female psyche, experiences, social life, life scenes, women's tragedy and their causes and consequences

Dunyo adabiyoti juda qadimiy bo‘lgani kabi o‘zbek she’riyati ildizlari ham uzoq tarixga ega. Ma’lumki, sharq, jumladan, o‘zbek adabiyotining asosiy merosi lirik turga mansub. Mumtoz she’riyatimiz taraqqiyot bosqichlariga e’tibor qaratsak, unda o‘zbek shoirlarining ijodi ham

muhim o‘rin tutganini ko‘rishimiz mumkin. Bu haqida shoira Muazzamxon hayoti va ijodini tadqiq qilgan Mahbuba Qodirova shunday yozadi: “Jahon adabiyoti tarixida qo‘liga qalam olib, qalbini unga egizak qilgan shoirlar anchagina. Lekin o‘zbek va tojik adabiyotidagidek ko‘pdan ko‘p shoirlar bo‘lgan adabiyot kamdan kam bo‘lsa kerak. O‘tmish sharqida Robiya va Mahatsiydan boshlab, Zebunniso va Nodiragacha, Uvaysiy va Mahzunadan Dilshod va Anbar Otingacha qanchadan qancha zukko shoirlar yashab ijod etganlar. Ularning yurak nidolarida ming yillarning shodlik va nolalari, kurash va orzulari bor”.¹ O‘zbek adabiyotida o‘ziga xos o‘rin tutgan ayollar she‘riyati bugungi kunga qadar o‘zining bir necha asrluk taraqqiyot davrini bosib o‘tdi. Xususan, hozirgi kunga qadar yashab ijod etgan shoirlarning ko‘pchiligi bugungi kun kitobxonlariga ancha tanish.

Ulardan biri, Mahzuna mulla Boshmon qizi, lek biror devoni bizgacha yetib kelmagan. Uning shoiralagini tasdiqlovchi keng kitobxonlar ommasiga tanish bo‘lgan ijodiy merosi tojik tilida yozilgan Fazliy bilan mushoirasi hamda yetti banddan iborat “Oshiq bo‘lmisham” radfli muxammasidan iborat:

*Do‘stlar, bir husni be hamtoya oshiq bo‘lmisham,
Hur paykar, bir malak siymoya oshiq bo‘lmisham,
Nutqi shirin, la‘li ruh afzoya oshiq bo‘lmisham,
G‘amzasi qotil, ko‘zi shahloya oshiq bo‘lmisham,
Husn elining shohi bir mirzoya oshiq bo‘lmisham.*²

Navbatdagi zullisonayn shoira Dilshodi Barno. She‘riyatga ixlosi baland bo‘lgan shoira hazrat Alisher Navoiyni o‘ziga pir deb bilib, boshqa o‘zidan ilgari yashab o‘tgan shoirlar ijodi bilan ham yaqindan tanishadi. Shuningdek, Uvaysiy, Nodira va Mahzunalarni ham yaqindan bilgan shoira o‘z she‘rida bu uch zamondosh shoirlarni yod etadi:

*Qo‘shiqni Nodira she‘riga bog‘lab,
Bo‘layluk sozig‘a bizlar hamovoz.
Uvaysiy bir-la Mahzuna qoshida
Turaylik suhbat aylab birga damsoz.*³

Tabiatan to‘g‘riso‘z, haqiqatparast bo‘lgan shoira ayni shu xislati uchun xon saroyidan quvilgan. Ammo Dilshodi Barno bundan afsus qilmaydi va bu fe‘lidan mag‘rurlanadi. O‘zga shoirlar kabi o‘z san‘tidan maddohlik yo‘lidan foydalanmagan shoira shunday yozadi:

*Menda man-man lofdan yo‘qdur g‘araz,
So‘ngra nun-u qofdan yo‘qdur g‘araz.
Va‘z aytib o‘zi amal etmay anga,
Qalbaki ichqoqdin yo‘qdir g‘araz.
Surani siyratdan ajratub,
Yaltiroq avsoafdin yo‘qdir g‘araz.*⁴

Dilshodi Barno asarlari g‘oyat pishiq, majoz va kinoyalar, badiiy san‘atlar, ayniqsa, talmeh va tashbehlarni qo‘llash uslubi shoiraaning yetukligidan dalolatdir. Dilshod ijodida, ayniqsa, o‘z davri siyosati haqidagi fikrlar, ijtimoiy muhit aks etgan teran satrlar asosiy o‘rin tutadi. Umuman olganda, shoira turli mavzularda ijod qilgan, har sohada so‘z ayta bilgan. Bu esa shoiraaning aqli rasoligi va dunyoqarashi kengligiga dalildir.

Shoira devonini nashrga tayyorlagan yetuk adabiyotshunos olim M.Qodirova Dilshodi Barrnoning she‘riyati haqida shunday yozadi: “Dilshod lirikasida insonga muhabbat, inson taqdiri uchun qayg‘urish, hayotni qadrlash, adolat va haqiqatga intilish nozik his, nafosat bilan kuylanadi. Zamon qabohati, pastkashlik va yaramas urf-odatlardan nafratlandi. Ezgulik, haqiqat borasida fikr yuritadi, uning she‘rlarida zamon bilan, el-yurt bilan hamnafaslik sezilib turadi. Har bir g‘azalda hayotning achchiq-chuchugini boshdan kechirgan, yechilmas muammolarga duch kelgan, ularni

¹ Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 3.

² Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. – Тошкент. Ф.Ф.номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1970. – Б. 129.

³ Дилшод. Танланган асарлар. – Тошкент. Ф.Ф.номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 38.

⁴ Дилшод. Танланган асарлар. – Тошкент. Ф.Ф.номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 43-44.

hal etish yo'lida qo'ldan kelguncha harakat qilgan umidvor bir qalbning sadosi yangraydi".¹

Zullisonayn shoira Muazzamxon 1833-yilda Xo'jand shahrida madaniyat va adabiyotni nihoyatda qadrlagan Mirsaid xonadonida dunyoga kelgan. O'rta Osiyo xalqlari ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotida muhim voqealar ro'y bergan XIX asrning ikkinchi yarmida Chor Rossiyasining mustamlakachilik siyosati oqibatida mamlakatda ikkiyoqlama zulm avj oldi. Ayni shu jarayon ilg'or ziyolilar tafakkurini o'zgartirdi, yangiladi. O'zbek demokrat shoiralari o'z asarlarida yangi davr ruhini ifodalab berdilar. Shoira Muazzamxon she'rlarida xalq hayotini tasvirlab, ijodi orqali xalqining jarohatlariga malham bo'ldi.

Shoira hayoti va ijodi borasida izlanishlar olib borgan olim M.Qodirova "Shoira Muazzamxon" kitobi bu boradagi muhim manbadir. Ushbu ilmiy asarda shoiraning hayoti va ijodiy merosiga oid qimmatli ma'lumotlar keltirib, asarlari poetikasini chuqur tahlil qilgan.² Tahlillarda ko'rinadiki, bizgacha yetib kelgan Muazzamxon ijodiy merosining mundarijasini shoiraning hayoti-yu kuzatishlari, turmush mojoralari bilan to'lib toshgan ruhiy dunyosining rang-barang kechinmalari tashkil qiladi.

*Barcha a'zo shohisan, bo'lma jafokor ey ko'ngil,
Sen jafo qilsang, taningga etgay ozor, ey ko'ngil.*

Shoiraning ushbu bayt bilan boshlanuvchi "Ey ko'ngil" radifli g'azali

Shoiraning ruhiyati sog'lomligi, ko'ngli pokligi, qalbi tozaligiga ishora qiladi. Ko'ngli toza inson ham jisman, ham ruhan sog'lom bo'ladi. G'azal davomida shoira ko'ngilga nasihat qilish barobarida o'ziga va o'zgalarga nasihat qilib, ko'ngilga buyurganiga aql bilan hisoblashish kerakligini aytadi:

*Aql vazirdur, har qayon yo'l boshlasa hamroh bo'l,
Har so'z aytsa, so'ziga sen qilma inkor, ey ko'ngil.
Senki shohsan, ko'z bila so'ziga tutma quloq,
Til erur ismi va lekin zaxrlilik mor, ey ko'ngil.*³

Shoira g'azallarining ko'pchiligida ko'ngilga murojaat motivi aks etadi. Bir she'rida ko'ngil bahslashsa, bir she'rida unga taskin beradi, boshqa she'rlarida esa ko'ngil "Baytulloh" ekanligini eslatib, undan ko'ngillarga ozor bermaslikni talab etadi.

Shoiraning "Ey sifoti zoti poking, qul huvallohu ahad" deb boshlanuvchi g'azali intertekstuallik (matnlararo aloqa)ning go'zal namunasi. Ushbu g'azalda Qur'oni Karimdagi "Ixlos" surasining ba'zi oyatlari aynan keltiriladi:

*Ey sifoti zoti poking, qul huvallohu ahad
Vey niholi bog'i tavhidingdur Ollohu Samad.
Lamyulid tomuru lamyulad anga ham shohu barg,
Mevasidir lamyakunu mag'zi "Lahu kuvfan ahad".*⁴

Shoira ijodini puxta o'rgangan olim M.Qodirova Muazzamxon lirikasining mavzu mundarijasi haqida asosli fikrlar bildiradi. "Muazzamning lirik merosi mundarija jihatdan o'zbek poeziyasida ko'proq ishlanib kelingan an'anaviy tematika doirasida bo'lib, ularda diniy mayllar ham, dunyoviy motivlar ham qo'llanadiki, bu hol birinchi navbatda shoira yashab ijod etgan davr va muhit bilan xarakterlanadi. Muazzam dunyoqarashidagi ayrim ziddiyatlarga qaramay, shoira uchun hayo – ro'shnolik, go'zallik, eng yaxshi orzularning birin-ketin ushalishidir. Shoira o'z g'azallarida bu niyatlarning hammasini, ko'pincha, an'anaviy muhabbat mavzusi bilan bog'lab tasvirlaydi".⁵

O'zbek klassik adabiyoti xazinasiga katta hissa qo'shgan Zebunnisobegim, Uvaysiy, Nodira, Mahzuna, Dilshodi Barno, Muazzamxon kabilar o'z asarlarida tengsizlik, ayollar huquqsizligi, erksizligi, umuman, inson erkinligi bo'g'ilishiga qarshi faol kurashib keldilar.

XIX asr klassik adabiyotining kenja vakillaridan biri Shoira Anbar Otin ham ustozlarining

¹ Дилшод. Танланган асарлар. Сўз боши. М.Қодирова. – Тошкент. Ф.Ф.номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 5-6.

² Бу ҳақда қаранг: Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент: Фан, 1992.

³ Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 62.

⁴ Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 53.

⁵ Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 22.

ijodiy g'oyalarini davom ettirgan va o'z she'rlarida ayollar ruhiyatining rangin tasvirlarini yangicha ifodalar bilan boyitgan shoiradir.

*Qo'shulib mulki Farg'ona o'rusga bu saro bo'ldi,
O'rus o'zbek elig'a bir tug'ushgandek ag'o bo'ldi.
O'ruslar ishda pishg'on vajhidin, hushyordir ancha,
Raiyat foydasig'a so'zlamogga rahnamo bo'ldi.¹*

Anbar Otin butun umri va ijodi davomida xalq baxti, saodatini o'yladi. Ijtimoiy hayotda ro'y berayotgan voqealardan xalqning ilg'or ziyoli vakili sifatida boxabar bo'lib, xalq nuqtayi nazaridan yondashib o'zining munosabatini she'riy yo'lda ifoda etdi. Buni O'rta Osiyoning Rossiyaga qo'shib olinishiga bo'lgan munosabatida yaqqol ko'rishimiz mumkin:

*Keldi, keldi mayligo, bir yangilikni boshlasun,
Bolalarga yangi maktablar bino qilsun o'rus.
Do'xturimdan eshitib, xushnud erurman rusdin,
Bistorim ustida bu dardg'a davo qilsun o'rus.
Hech erga chiqmasing'a ont berdi bu oyoq,
Do'xtirim vosita bo'lsa bir shifo qilsun o'rus.
Baxshilar, kinnachi, lo'li dastidan bezorman,
Pokiza aptekadan dori davo qilsun o'rus.²*

Ushbu 9 baytli "O'rus" radifli g'azalidan keltirilgan ayrim baytlar shoiraning Rus imperiyasining O'rta Osiyoda olib borayotgan siyosatidan qoniqishi, roziligi sezilib turadi. Yangilikni tez qabul qilib tushungan shoiraning dunyoqarashi bu davrga kelib ayollar ruhiyatida yangilanish yuz berganligini ko'rsatadi. Anbar Otin xalqimizning rus xalqi bilan do'stona aloqada bo'lishini orzu qildi. Shoira bu do'stlik o'zbek eli uchun muhim deb o'ylardi.

Shuningdek, "Ayollarning hayoti, g'am-anduhi, orzu-istagi Anbar Otin lirikasining asosiy mazmunini tashkil etadi. Shoira ayollarni, umuman, insonni hayotda baxtiyor, shod, jamiyatda ozod ko'rishni orzu qildi. Shoira inson qadr-qimmatini yuqori qo'ydi, uning ruhan boy bo'lishini istadi. Shoira orzu qilgan, u kuylagan muhabbat insonlar o'rtasidagi chinakam, eng yuksak tuyg'ular tufayli paydo bo'ladigan samimiy muhabbatdir. Shoira uchun haqiqiy muhabbatga ega bo'lish – chinakam insoniylik belgisi, inson ramzidir".³

Shoiraning bizgacha yetib kelgan umrining oxirlarida tuzgan 685 misrali avtograf devonining kirish qismida avtobiografik ma'lumotlar berilgan. Mazkur devonda 41 g'azal, 4 muhammas, 1 qit'a, 1 mustahzod va oxirida she'riy tarjimai hol ham o'rin olgan. Shuningdek, ijtimoiy-siyosiy mazmundagi "Qarolar falsafasi" nomli risolasi hamda shoiraning o'zi yakka baytlar, deb atagan har bir arab alifbosidagi harflarga bir she'r bitgan kichik she'riy to'plami, shuningdek, yana bir qator she'rlari ham topilgan.

Zebunnisobegimdan boshlangan o'zbek ayollar she'riyati XIX asrga kelib to'liq shakllanib, o'zining ifoda mazmuni va obrazlar silsilasiga ega bo'ldi. Bu shoirlar yaratgan she'rlarda o'sha davrlarda yashagan o'zbek ayollari ruhiyati, psixologiyasi, o'ziga xos teran va sokin dunyoqarashi, ularning orzu-armonlari, xohish-istaklari misolida yaqqol bo'y ko'rsatib turadi.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент: Фан, 1992. – 72 .
2. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. – Тошкент. Ф.Ф.номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1970. – Б. 129.
3. Дилшод. Танланган асарлар. – Тошкент. Ф.Ф.номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 96 б.
4. Анбар Отин. Шеърлар. – Тошкент. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963. – 64 б.
5. Қаюмов Л., Хусайнова Ф. Сўз боши. Анбар Отин. Шеърлар. – Тошкент. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963. – 64 б.

Nashrga prof. D.To'rayev tavsiya etgan

¹ Анбар Отин. Шеърлар. – Тошкент. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963. – Б. 23.

² Анбар Отин. Шеърлар. – Тошкент. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963. – Б. 43.

³ Қаюмов Л., Хусайнова Ф. Сўз боши. Анбар Отин. Шеърлар. – Тошкент. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963. – Б. 5.

“ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ” ВА “БОНУ” РОМАНЛАРИДА МУҲАББАТ, ЁЛҒИЗЛИК ВА ХУДКУШЛИК МОТИВИ

Бозоров О.Ч. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада “Ёш Вертернинг изтироблари” ва “Бону” романларида муҳаббат, ёлғизлик ва худкушлик мотиви ҳамда психологизм муаммосини илмий тадқиқ қилишдаги ўзига хос хусусиятлари ва эпистоляр жанрнинг сентиментал характери тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Таянч сўзлар: *Эпистоляр, мотив, мактуб, худкуш, фабула, парадокс, нораво, суицид.*

THE MOTIVE OF LOVE, LONELINESS AND SELFISHNESS IN THE NOVELS “THE SUFFERINGS OF YOUNG WERTHER” AND “BONU”

Annotation. This article examines the motives of love, loneliness and suicide in the novels “The Sorrows of Young Werther” and “Bonu”, as well as the features of scientific research into the problem of psychology and the sentimental nature of the epistolary genre

Keywords: *Epistolary, motive, letter, selfish, fable, paradox, misfortune, suicide.*

МОТИВ ЛЮБВИ, ОДИНОЧЕСТВА И ЭГОИЗМА В РОМАНАХ «СТРАДАНИЯ МОЛОДОГО ВЕРТЕРА» И «БОНУ»

Аннотация. В данной статье рассматриваются мотивы любви, одиночества и самоубийства в романах «Страдания молодого Вертера» и «Бону», а также особенности научного исследования проблемы психологии и сентиментальной природы эпистолярного жанра.

Ключевые слова: *эпистолярный, мотив, письмо, самоубийство, басня, парадокс, несчастье, самоубийство.*

Муҳаббат, ёлғизлик ва худкушлик мотиви эпистоляр романларнинг кўпчилигида марказий ўрин тутди. Эпистоляр жанрнинг сентиментал характери, унда воқеаларнинг “мен” тилидан ҳикоя қилиниши мазкур учала мотивнинг чуқур, асосли очилишига хизмат қилади.

Муҳаббат мотиви “Ёш Вертернинг изтироблари” романи марказида турадигани эмас, балки асарнинг яратилиши замида ҳам мана шу юксак инсоний туйғу ётади. Гётешуносликда қайта-қайта таъкидланганидек, 25 ёшли адиб ўз бошидан кечирган ишқ савдосини дўстининг бахтсиз кечмиши билан уйғунлаштиради. Айни вақтда таъкидлаш лозимки, Гёте романи немис ва умуман Европа сентиментализмининг юксак намунаси сифатида ҳам инсоннинг энг олий туйғусини асар марказга қўйди.

Маълумки, XVIII аср Европа адабиётида маърифий классицизм, рококо ва сентиментализм оқимлари устувор эди. Тадқиқотчилар фикрига кўра, XVIII аср сентиментализми маърифатчилик таъсирида юзага келди ва романтизмнинг майдонга келиши учун замин ҳозирлади. Сентиментализмнинг моҳиятини ҳис-туйғу, ўзгаларни ҳис қилиш ва ҳамдардлик каби энг юксак инсоний қадриятларни улуғлаш ташкил қилади. Сентименталистларни воқелик ва қаҳрамоннинг унга муносабатидан кўра унинг тафаккур дунёси, қалби ва руҳий ҳолати кўпроқ қизиқтирган. Эпистоляр жанрнинг айни сентиментализм даврида тараққий этгани ҳам тасодиф эмас. Мактуб, кундалик каби шаклларда баённинг биринчи шахс тилидан олиб борилиши иқдор ва ҳис-туйғуларни чуқур, самимий ифодалашга қулай имконият берарди. Айнан сентиментализм “Ёш Вертернинг изтироблари”да ҳам муҳаббат ва ёлғизлик мотивларини олдинги планга олиб чиқди ва бу иккаласи пировардида қаҳрамонни худкушликка олиб боради.

Гёте романи сюжети муҳаббат интригалари асосига қурилган. Фабула ҳаётий воқеликка асосланса-да, унда жаҳонга машҳур анъанавий ишқ қиссаларига ўхшашлик бор. Бу “севги учбурчаги”да ракиб – Альберт ҳам Лоттага муносиб йигит, буни Вертернинг ўзи ҳам тан олади. Аммо фақат ташқаридан қарагандагина шундай. Аслида Вертер ва Лоттани бирлаштирган руҳий яқинлик Альберт ва Лотта ўртасида йўқ. Альберт характерига хос бўлган совуқ прагматизм, зерикарли ҳисоб-китоблар, ҳис-туйғу ва эҳтиросни назарга

илмаслик шундан далолат беради. Альберт ва Вертернинг икки хил одам экани, айниқса, худкушлик баҳсидаги суҳбатда яққол намоён бўлади.

“Бону” – сентиментал роман эмас, реалистик услубда ёзилган. Бу романда муҳаббат мотиви марказий ўрин тутмаса-да, воқеалар ривожига муҳим роль ўйнайди. Унда ҳам жавобсиз муҳаббат қаламга олинган, бироқ анъанавий учлик йўқ. Бону аввал бошдаёқ манфаатни кўзлаб ошиқ ролига кирган ва қизнинг соф инсоний туйғуларини суиистеъмом қилган аферистга дуч келади. Йигит чиркин мақсадлари ва ўлик қалби билан қизнинг тирноғига ҳам арзимайди, аммо парадокс шундаки – ифлос башараси батамом очилгандан кейин ҳам Бону уни севишда давом этади.

Жаҳон адабиётида ҳам қароқчи, мафиоз ёки шунга ўхшаш разил кимсани севиб қолган қизлар образи бор. Аммо бу ҳолларда кўпинча ўша разил кимса ҳам қизни севади, ҳеч бўлмаганда маҳбубасига инсонийлик ила муносабатда бўлади. Аммо нораво, номуносиб кимсани севиб қолиш ва у томонидан рад этилиш, алданиб ҳўрлангандан кейин ҳам севишда давом этиш каби бу тахлит севги, муҳаббат мотиви адабиётда жуда камдан-кам учрайди.

Энг аввало, муҳаббат – инсонни ёлғизликдан халос қиладиган туйғу. Табиатан ёлғизликка мойил одамлар муҳаббат туфайли ўз қалбларининг ҳамширасини топадилар. Аммо ҳар икки романда ҳам муҳаббат бизнинг қаҳрамонларимизни ёлғизликка баттарроқ гирифтор қилади.

Ёлғизлик эса бошқа ҳодиса. Ёлғизлик мотиви бадиий адабиётда кенг ўрин тутади. “Романтик адабиёт анъаналарида инсоннинг ички дунёсига чуқур кириб борилди, шунинг учун ҳам ёлғизлик мавзусига икки хил турли онтологик аспектда: ёлғизлик – ҳолат сифатида (қаҳрамоннинг ўзини ортиқча одам деб ҳис қилиши) ва ёлғизлик – мақсад сифатида (ички рухий камолот натижаси ўлароқ дунёнинг номукамаллиги туфайли қаҳрамон ўз ичига беркинади) қаралди, шу тариқа ёлғизликка ҳам ижобий, ҳам салбий ёндашувлар бадиий талқин этилди. Реализм адабий метод сифатида шакллангач, ёлғизлик мавзуи ижодкорларда бу ҳолат умуман қаҳрамон қиёфасида типикликни ёки қаҳрамоннинг ташқи дунё билан ўзаро муносабатига ички реакциясини типик акс эттириш даражасига кўра қизиқиш уйғотди”. [6; 10]

“Бону” романида бош қаҳрамон маънавий доирасига кирган қаҳрамонларнинг ҳар бири тақдир зарбаларига турлича реакция билдиради. Бонунинг отаси ичкиликка берилади, жорубкаш чол ҳаммасига қўл силтаб Хожа Уббонга – узлатга чекинади ва ўша ерда вафот этади, қўлидан ҳеч нима келмаслигига кўзи етган Шоира “бўлди, гўмма пишириб сотаман” дейди... Бону эса жамиятга бегоналик, умидсизлик исканжасида ўз жонига қасд қилиб баридан қутулмоқчи бўлади.

Умуман олганда, Вертер ҳам, Бону ҳам севгида “учинчи ортиқча” бўлгани сингари ҳамма жойда бегона, ҳамма жойда ортиқча одам бўлиб қолади. Шахсий ва ижтимоий идеалларининг реал ҳаётда қаттиқ қаршиликка учраши, рад этилиши охир-оқибат суицидга олиб келади.

Вертернинг худкушлиги масаласида икки хил қараш бор: айрим тадқиқотчилар қаҳрамонни суицидга олиб келган нарса умидсиз муҳаббат десалар, айримлари ижтимоий тенгсизлик деб ҳисоблайдилар. Албатта, ҳар икки қараш ҳам асоссиз эмас. Чунки муҳаббат ва ижтимоий тенгсизликдан норозилик мотиви асарда баб-баравар, ёнма-ён кетади.

Аммо бир ҳолни назардан қочириб бўлмайди. Вертер Лоттани севиб қолгач, қалби ёруғ ҳисларга, ҳаёт шавқи билан тўлади. Севги уни дунёдаги энг бахтли инсонга айлантиради. У дўстига “шундай мамнун ва бахтлиманки, буни ифодалашга қаламим ожиз”, “мен Худо севган бандаларигагина раво кўрадиган бахтли кунларни кечиряпман; нима бўлганда ҳам дунё қувончларини, шунда ҳам асл маънодаги қувончларни тотмадим деб айтишга ҳақким йўқ” деб ёзади. Ижтимоий тенгсизлик ҳақидаги фикр севги туфайли ҳис этилган бахтга соя солмайди.

У Лоттани ҳали учратмасданок қизнинг унаштириб қўйилганидан хабардор бўлади, “севиб қолманг яна” деган огоҳлантириш олади. Бироқ инсон ўз қалбига буйруқ бера олармиди? Вертер ихтиёрсиз равишда қизнинг асирига айланади. Қизнинг қайлиғи бир кун келишини; Лотта ҳам, Вертерни севишига қарамасдан, аҳдидан кечиб уни танламаслигини

яхши билади, аммо бирор мўъжиза рўй беришини кутгандек, умид қилишдан тўхтамайди. Хуллас, Вертернинг Лоттага бўлган муҳаббати динамик характерга эга. Альбертнинг қайтиб келиши, унинг Лотта билан оила қуриши, Вертернинг ҳис-туйғуларини бошқаролмай қолиши натижасида Лоттанинг ундан узоқлашишга ҳаракат қилиши – буларнинг бари аста-секинлик билан қаҳрамонни умидсизлик томон ҳайдаб боради. Вертернинг севгиси алангалангандан алангаланиб боради ва изтиробдан ўзини йўқотган бир лаҳзада у Лоттани қаттиқ кучади. Пушкиннинг Татьянаси каби никоҳни муқаддас билган Лотта бундан даҳшатга тушади ва саросимада “Бу бошқа такрорланмайди! Сиз мени кўрмайсиз, Вертер!” дейди. Бизнингча, суициднинг калити мана шу сўзларда. Бу сўзлар севгилисининг бошқа инсон билан оила қурганига кўнган, уни кўриб туришдангина бахтли бўлган ва айни чоқда “шу нарса аниқки, дунёда муҳаббатгина кишини азиз қилади” деган ақида билан яшаган шўрлик ошиқ устидан ўқилган ҳукмдек янграйди. Асарга юксак ҳаётсеварлик билан кириб келган Вертер даҳшатли ишга қўл уради.

Қизиғи шундаки, муҳаббат туйғуси инсон ботинидаги ҳаётий кучларни уйғотишга қодир бўлганидек, унинг тирикликдан юз ўгиришига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Буни Вертер мисолида ёрқин кўрамиз, Бону мисолида эса бу ҳақиқат зимдан тасдиқланади. Чунки Олмоснинг башараси бутунлай очилгач, у икки ўт орасида қолади. Олмоснинг нолойиқ, разил бир кимса эканлиги бутунлай фош бўлади, бироқ уни кўнглидан чиқариб ташлай олмайди. “Олмос, мени кўнглим билан рақиб қилиб қўйдинг” дейди у бу қадар мураккаб, тушуниксиз ҳолга дош беролмай.

Аслида ўз ҳаётига нуқта қўйишдек фожа аста-секинлик билан содир бўлади. Табиатни, санъатни, Лоттани ва ҳаётни буюк бир жўшқинлик билан севган Вертерни ҳаётга боғлаган ришталар қадамба-қадам узила боради.

Вертердаги ижтимоий тенгсизликка муносабат эса муҳаббат сингари динамик характерда эмас. У асар бошидаёқ жамиятдаги бу адолатсиз қоидадан нафратланишини аён қилади, шу нафрат асар охиригача сақланиб қолади. Агар инсоннинг жамиятдаги ўрни адолатсизлик билан белгилангани Вертерни худкушликка бошлаган бош омил бўлганда эди, граф К...нинг зиёфатидан ҳайдалганидан ва ўзидан баландда турадиган тоифа даврасига боришдек “одобсизлиги” овоза бўлиб, одамлар уни имлаб-ишора қилиб кўрсатишган пайтдаёқ ўз жонига қасд қилиши ва асар тугаши лозим эди. Ҳатто ўзи ҳурмат қилган граф К... ва унга хайрихоҳлик билан қараган фройлайн Б.. ҳам унга ўз табқалари ахлокига кўра муомала қилишга мажбур бўладилар. Шунча хўрликни бошдан кечирган Вертер ҳар қанча ғазабланмасин, ўз жонига қасд қилмайди, балки шаҳардан кетиш билан чекланади. Мана шу ҳолатлар воқеаларнинг суицид билан якун топиши бахтсиз муҳаббат туфайли содир бўлган, деган хулосани мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, у аввал-бошдан “инсоннинг ижодий ва даркий кучлари чегаралангани” (22 май)ни қабул қила олмайди. Мана шу чекланганлик унинг фаол ва қизғин бўлишига тўсиқ бўлишидан азият чекади ва буни маънисизлик деб билади. Шунда у бу дунёни тарк этиб, ўз дунёсига ғарқ бўлиш истагига бўйсунди: “Мен ўзлимга кетаман ва оламни кашф этаман!”-

Иқбол Мирзо романи хотимаси очиқ қолади: Бонунинг ўз жонига қасд қилиши аниқ айтилмайди. “Қатъий қарорга келдим: жоним ва руҳим осойиш топадиган, ҳеч ким ҳеч кимни алдамайдиган, зуғум ўтказмайдиган, камситмайдиган, “Хувайдо бобом” айтгандай, одамлар тароқ тишларидек тенг бўлган жойга кетяпман... Энди қайтиш йўқ...” дейди охириги хатида Бону. Бироқ масала барибир очиқ қолади. Аммо Бону олдин ҳам бир гал ўзини осмоқчи бўлади, амалга ошмай қолган мана шу худкушлик эпизодини бериш орқали адиб, бизнингча, хотимадаги суицидга ишора қилади.

Гёте романида ҳам Вертер билан боғлиқ асосий сюжетга параллел кичик воқеача бор. Булардан бири севгилиси ташлаб кетгани учун ўзини сувга ғарқ қилган қиз билан боғлиқ. Суициддан 4 ой олдин Альберт ва Вертер бу воқеани узоқ муҳокама қиладилар. Альбертга кўра, “баъзи қилиқлар қандай туйғулар туфайли келиб чиқишидан қатъи назар, ақлга сиғмайди”. У ўз-ўзига қасд қилишни кучсизлик, “турмуш азобларини енгилдан кўра, тинчгина ўлиб қўяқолиш осон-да” деб ҳисоблайди. Вертер эса қизни қизғин ҳимоя қилади.

Унингча, ҳаётда шундай ҳодисалар содир бўладики, “ҳар қандай нажотбахш уриниш билан ҳам ҳаётни кўнгилдаги изга тушириш имкони бўлмайди”.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, 25 ёшли Гётенинг ўзи мазкур романни ёзгандан сўнг жавобсиз муҳаббат туфайли тузилган худкушлик истагидан халос бўлади. Чунки у барча изтироблари, оғир кечинмаларини қаҳрамонларига ўтказиш орқали улардан қутулади. Бу ҳақда адибнинг ўзи ҳам ёзиб қолдирган: “Бошқаларидан ҳам кўра ушбу асарим менга жунбушга келган ҳалокат чангалидан қутулиб чиқиш имконини берди... Ўзимни баайни юрагидаги дардларни кимгадир тўкиб солган одамдек, енгил, хурсанд, янгича яшашга жазм қилгандек сездим”. [2; 176-177]

“Реал ҳаётда рўй берган худкушлик ҳодисалари бадиий асарларда тасвирлангани каби диққатни тортадиган ва сеҳрли, қизиқарли ва зиддиятли эмас. Китобхон фақат бадиий асарлардагина турли адабий усул ва воситалар туфайли қаҳрамоннинг ички дунёсига чуқур кириш, унинг ҳис-туйғу ва фикрларини билиш ва қисман уни худкушликка нима ундаганини тушуниш имконига эга бўлади”. “Ёш Вертернинг изтироблари” ва “Бону” романлари ҳам ёзувчи маҳорати туфайли китобхонга қаҳрамонларнинг ички дунёси ва уларни худкушликка ундаган мотивларни чуқур билиш имконини беради. Мана шу мулоҳазалар эпистоляр романда психологизм алоҳида аҳамиятга эга масала эканини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
2. Эгамова Я. Вертер ҳақида сўз // Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
3. Панова Н. Особенности изображения самоубийства в художественной прозе // Научный вестник МДУ им. В.Сухомлинского, 2013, – № 12. – С. 193.
4. Сидтикова Г. Мотив одиночества в лирике М.Ю.Лермонтова и М.И.Цветаевой: Автореф.дисс.... канд.филологических н. – Самара, 2008. – С. 10.
5. Мирзо И. Асарлар. Уч жилдлик. 3-жилд. Бону. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик кампанияси бош таҳририяти, 2020. – Б. 9.
6. Лардыгина О. Тема одиночества в художественном мире М.Е.Салтыкова-Щедрина: Дисс... канд. филол. наук. – Орёл, 2019. – С. 10.

Наширға проф. Г.Эрназарова тавсия этган

QO‘QON XONLIGIDA SHOIRLAR MAJLISLARI

(Hukmdor shoir Umarxon Amiriy huzuridagi mushoira kechalari misolida)

Qorayev Sh. (TIQXMMI Milliy tadqiqot universiteti)

Annotatsiya. Ushbu maqola Qo‘qon xoni Umarxon Amiriy huzurida tashkil etilgan adabiy kechalar tafsilotiga bag‘ishlanadi. Umarxonning bunday yig‘inlarida shohlar shoiri o‘z she‘rlaridan o‘qiganligi va saroy shoirlarini ham unga ergashib she‘r aytishga chorlaganliklari, shuningdek, mazkur she‘riyat kechalarining o‘ziga xos xususiyatlari tadqiq etiladi.

Tayanch so‘zlar: *Ulamoh suhbatlari, kamol ahli, mushoira, she‘riy devon, shuarolar majlisi.*

ВСТРЕЧИ ПОЭТОВ В КОКАНДСКОМ ХАНСТВЕ

Аннотация. Данная статья посвящена литературным вечерам, организованным в присутствии Кокандского хана Умархана Амири. Изучено то, что на подобных собраниях Умархана поэт царей читал свои стихи и приглашал придворных поэтов следовать за ним для пения стихов, а также особенности этих поэтических вечеров.

Ключевые слова: *Беседа улемов, люди совершенства, мушайра, поэтический девон, собрание поэтов.*

MEETINGS OF POETS IN THE KOKAND KHANATE

Annotation. This article is devoted to the literary evenings organized in the presence of Kokan Khan Umar Khan Amiri. The fact that the poet of the kings recited his poems and invited the court poets to follow him to recite poetry at such gatherings of Umar Khan, as well as the specific features of these poetry evenings, are studied.

Keywords: *Ulama conversation, people of perfection, mushaira, poetry devon, meeting of poets.*

Tarixiy manbalarda Qo‘qon xoni shohlar shoiri Umarxon (1787-1822) saroyida ham Buxoro va Xorazm hukmdorlari huzurida o‘tkazilgani kabi she‘rxonlik majlislari tashkil etilgan. Amiriy taxallusi bilan she‘rlar yozgan Umarxon olimu shoirlar, san‘atkorlar bilan suhbatlashishni, mushoiralar o‘tkazishni xush ko‘rgan. U “Devon”i debochasida bu haqda shunday yozgan: “*Gohi ulamo suhbatlarinda o‘lturdim. Oyot va ahodis gavharlari birla quloq sadafin to‘ldurdim. Va gohi fazlu kamol ahli birla majolasat (majlislar) qildim. Ilmu donish nuridin bahra oldim. Fununi maoniy javohirlarin ko‘ngil xazinasig‘a soldim* [1; 20]”.

Darhaqiqat, XIX asrning birinchi choragida Qo‘qonda o‘ziga xos adabiy muhit vujudga keldi – uning boshida ma‘rifatparvar hukmdor Amir Umarxon turar edi. Ilmu ijod ahliga homiylik qilganligi tufayli uzoq-yaqindan ko‘plab iste‘dod sohiblari undan panoz izlab kelganlar. O‘zining ham ko‘nglida “*ishqu muhabbat zavqi va zamirida oshiqona she‘rlar shavqi g‘olib*” bo‘lib, go‘zal va hassos g‘azallar yozgan Amiriy, xususan shoirlarni o‘ziga yaqin tutgan. Uning atrofida 70 dan ziyod shoir to‘plangan. Ular orasida Nodira, Uvaysiy, Mahzuna, Maxmur, Gulxaniy, Ma‘dan, Hoziq, G‘oziy, Fazliy, Ado, Nodir, Mutrib, Miriy, Nola kabi o‘zbek adabiyoti taraqqiyotida katta rol o‘ynagan zabardast so‘z ustalari bo‘lgan [2, 390-391]”. Ibratning “Farg‘ona tarixi” asarida yozilishicha, “*Umarxon a‘dal uz-zamon, a‘lam ul-iqron fazl jihatidan baniyi Shohrux jumlasidan foiq, shoir fasih ul-bayon va balig‘ ayon, suxansanji ovon, forsiy va turkiyda behamto o‘lub, ahli balog‘atlar ba‘zi she‘rlarini kutubi ma‘oniyda erod etkan ekanlar...Ul asrda shoirlik rivojda bo‘lib, shuarolar ko‘paygan edi. Chunonchi, xoni borgohi oliylarinda bir kun shuarolar majlisi ekan, Mavlono Fazliyga qarab xon buyurgan ekanki, bul gulruxlarga bir nima so‘z ayting, deganda Mavlono Fazliy Namongoniy bu to‘rt nafar mahramlarga qarab ushbu ruboiyni takallum aylamish:*

Zulfiqorxon haqida:

Tilim go‘yo barahna Zulfiqori na‘ti Ahmaddur,

Sayfiddinxonga:

Kesarga rishtai botilni Sayfiddin mushaddaddur.

Sodiqxonga:

Yetushsa munisi Sodiq hama kozib bo‘lur barham,

Qulmuhammadxonga:

Hama olam umid etkuchi yaxshi Qulmuhammaddur.

Bu ruboiy Umarxonga manzur bo‘ladi [3;288-289] va shundan so‘ng majlisda mushoira boshlanadi. Fazliy Namongoniy hukmdor atrofidagi adabiy muhitni shunday ta‘riflaydi:

*Ba sehri suxan az fununi kamol,
Guhar rezad az kilki shirin maqol.
Zi har firqa bar dargahash dar huzur,
Ba har majlis az vay nishotu surur.
Bud bar suxan rag‘batash beshtar,
Ki dorad ba ma‘no shunoson nazar.
Amiri falak taxt xurshid toj,
Chunon dod bar ahli ma‘ni rivoj...
Ba in jumla dod on qadar zebu zayn,
Ki mansux shud davri Sulton Husayn...
Ba avsofi u shoiron az niyoz,
Madoyih guzoru qasoid tiroz.
Ba dargohi u jumlai shoiron,
Ba sehri suxan zufunun soxiron.
Az on shoironi farzonaand,
Havoxohi sultoni Farg‘onaand.
Hama ruzu shab bar dari shahriyor,
Sanoxonu farmon barad jon sipor.
Ba har qofiya shoh guyad g‘azal,
Radifash ba ahli suxan shud masal.
Ba har vazn kilcash kunad zamzama,*

*Shudandash dar on bahr payrav hama...
Guruhi buzurgoni oliy maqom,
Ki hastand dar majlisi shah mudom...
Suxanho, ki bemuddao go ftaand,
Guharhoyi asrori Haq suftaand...
Shabu ro'z on zumrai e'tibor,
Guhar rezad dar majlisi shahriyor...*

Ya'ni saroy shoiri ta'biri bilan aytganda, o'zi (Umarxon)ning komil ilmidan so'z sehri orqali, Shirin qalamidan gavharlar to'kadi. Uning saroyida har bir firqa huzuru halovatda, Har bir majlisda esa shodlik va surur bor. So'zga uning rag'batini ko'p bo'lib, Ma'noshunoslar doimo uning e'tiborida. Osmon taxtli va quyosh tojli Amir, Ahli ma'nilarga shunday rivoj berdiki... Shu jumladan, shu qadar zebu ziynat berdiki, Sulton Husaynning davri hech narsa bo'lmay qoldi... Shoirlar niyozmandlik yuzasidan uning vasfida, Madhiyalar aytdilar va qasidalar yozdilar. Uning dargohidagi barcha shoirlar, So'z bobida sehrsoz donolardir... O'sha mardona tabiatli shoirlar, Farg'ona sultoni (Umarxon)ning tarafdorlaridir. Ular kecha-kunduz shahriyorning eshigida, Unga sano aytib, farmoniga jonlari bilan amal qiluvchilar. Shoh qaysi qofiyada g'azal aytisa, Uning radifi so'z ahliga misol bo'ladi. Uning qalami qaysi vaznda zamzama qilsa, Ular o'sha bahrda payrav qiladilar... Oliy maqomga ega bo'lgan ulug'lar guruhi, Shoh majlisida doimo hozir edilar... Ular beg'araz so'zlar aytilib, Haq sirlaridan gavhar sochuvchidirlar... Bu e'tiborga ega jamoa shahriyor (Umarxon)ning, Majlisida kecha-kunduz so'z gavharlarini sochadilar [4; 19-23]."

Bunday mushoira kechalarida, odatda (yuqorida ta'kidlanganidek) shohlar shoiri bir g'azal aytar, nazm ahli esa bu she'rga tatabbu' bog'lashardi. "Majmuai shoiron" tili bilan aytganda, (Mushrif) qilib so'zda yozdi fikrin qaviy, O'zin etti sultondin payraviy [4; 282]" Mushrif kabi saroy shoirlari o'z g'azallarida Amir Umarxonni madh etishgan:

*Sandek ermas, shahriyoro, barcha sultondin biri,
Qilmadilar jud sandek ahli ehsondir biri.
Ikki bulbuldurki, madhing bog'ida aylar navo,
Isfaroyindin biri, shahri Namangondin biri.
Mushrifo, tinmay duo qil xusravi Jam johini,
Kim, erursan zumrai madhi sanoxondin biri [4; 282].*

Shoir Xijlat hukmdor huzuridagi mushoirlarida faol qatnashgan. Bunday she'riyat kechalaridan birida Amir Umarxon Xijlat g'azalidagi "o'kush" so'zini ko'rib, u mazkur so'zni noto'g'ri ishlatganini va "ukush" o'rniga "qamu" ishlatish kerakligini uqtiradi:

*Qamu nozik ado ermasdi Xijlat podshah lutfi,
Ani nozik xayoli fitrati darroka do'ndirdi [4, 290].*

Umarxonning majlisi olimlar, fozillar, mashoyixlar va mudarrislar bilan gavjum bo'lgan: "Umarxonning asrida va suhbatida bo'lgan ulamo, fuzalo va mashoyix va mudarrislardan Zokirxo'ja eshon Namangoniy va domla Mirzoyi qizikalon va hazrat domla Mo'minbek va hazrat domla Abdulkarim va hazrat mulloyi Qobiliy va hazrat domla Orif Baskatiy volidi maxdum Hamom va to'ra Xo'ja Kalon Maxdum A'zamiy va Eshonxon va To'raxon to'ra va Jahongirxon to'ra Sayyid Ofoqiylarkim, mazkur amirga doimo hamnashin bo'lub, har vaqt amirning majlisida ulamoyi muhaqqiqlar bo'lub, ulamoyi xushomadgo'ydin parhez qilur ekan.

Bulardan boshqa Umarxon "Majmui ush-shuaro" barpo qilib, zakiy va zarif shuarolardin jam' aylab, hamma shuarolarning aytgan qasoid va g'azaliyot va ash'orotlarini jamlab devon qildirgandir. Umarxon asrida Farg'ona eng obod yurtga aylandi, unda ilm va fazl taraqqiy etdi. Atrof va jonibdagi viloyat va mamlakatlardan Umarxonning avsofi hamidasini eshitgan ulamo va fuzalo va shuarolar Qo'qonda jam' bo'ldi. Shirinsuxan shoir Umarxonning aytgan she'rlari Farg'ona va boshqa viloyatlarda mashhurdir [5, 43-44]". Bu mashhurlik nazmning badiiy jihatdan barkamolligi bilan belgilanadi. Shuning uchun Umarxon Amiri g'azallaridan birida "she'rlarimning badiiy barkamolligini ko'rib, hayron bo'lma, bu nozik tab'u bu baland iste'dod Xudovandi karimning marhamati tufaylidir", degan:

*Taajjub qilmag'il nogah Amir abiotini ko'rsang,
Bu tab'i noziku zehni salim imdodi Rabdandur [1; 21]!*

Bu fikrni Niyoz Muhammad Huqandiy ham “Ibratul xavoqin”da tasdiqlaydi: “(Uning muvaffaqiyatiga) ikkinchi sabab-Haq taoloning unga ko‘rsatgan lutfidir. (Umarxonning) muborak vujudini husn va chiroy bilan oro bergan: uning qomati muborakiga guldastadek chiroy berib, yuzi oqpar va xurshidliqo, nur taratuvchi, qora shahlo ko‘zlari ofoqni o‘ziga banda qiluvchi ta’bi zarif, zehni latif edi. Saxiy va karim edi. Bu hamma fazilat Alloh taoloning unga ko‘rsatgan bag‘oyat lufi va shafqatining inoyatidan bo‘lib, unga latif nazm va mavzun she’r yozishni ato qildi[10, 107].”

Amiriy huzuridagi majlislarda mulozimlar tomonidan uning she’rlari kuy jo‘rligida o‘qilgan, qo‘shiq qilib kuylangan. Bu haqda shoirning o‘zi “Devon”i debochasida yozgan: “*Va chun har abyot gavharlarni xayol dafinasidin terib va har nazm javharlarin andisha xazinasidin chiqorib zohir qilur erdim. Filhol atorud qalam muharrirlar kitobat silkig‘a chekar erdilar. To andak fursatda varaq poralar yuzi to‘ldi. Va ul musavvalarni jam qilib ag‘yor nazaridin pinhon tutib, juzvdon ganjinasida yoshurur erdim va gohi biror g‘azalkim mulozimlar orasida mashhur bo‘lib qolur erdi. Nohid navo pari tal‘atlar yod olib, nishod majlisida o‘qub surud ohangi birla mutarannum bo‘lur erdilar va ushshoqlar ul navo zam-zamasi siymoidin huzur topib ruh g‘izosi etar erdilar. Ammo ajzolari jam‘ qilmoq xayolu xotirimda yo‘q erdi. Bir kun huzur majlisida zakitab‘ zufununlarkim, so‘z gavharlarining sarroflari erdilar, iltimos qildilarkim, agar hazratlaridin ruxsati oliy muyassar bo‘lsa, bu shohvor gavharlarkim, ajzolar safhalarida va har qaysi g‘azal o‘z qofiyasi bahrida tartib bila bitilsa lozim bal alzam ko‘runur[1, 22]”.* Tab‘ ahlining majlisida bildirilgan taklifi qabul etiladi va Amiriy “Devon”i tayyorlanadi. Aruzning turkiy adabiyotda mashhur, xalq og‘zaki ijodida ham keng tarqalgan yengil va o‘ynoqi vaznlarida yozilgan bu she’rlarning barchasi ishqu muhabbat mavzuida. O‘zbek va tojik tilidagi she’rlardan iborat devon g‘azal, muxammas, musaddas, tuyuq janrlaridagi o‘n ming misradan ortiq she’rni o‘z ichiga oladi[2, 392]. “Debocha”dagi fikrlardan shunday xulosa qilishimiz mumkinki, “Devon”dagi aksariyat she’rlar adabiy kechalarda o‘qilgan. Jumladan, adabiy majlis tarannum etilgan quyidagi g‘azal ham:

*Oldi labiga ul sanami dilnavoz nay,
Bu anjumanda topti zaboni daroz nay.
Dardi dilimni aytar edim yor bazmida,
Gar bo‘lsa erdi nolau zorimg‘a soz nay.
Dardim taronasig‘a hamoxang bo‘lmadi,
Kim qilmasun surudig‘a majlisda noz nay.
Shirin g‘azallarim bila bargu navo topib,
Bo‘ldi Amiriy mahfil aro beniyoz nay.*

Xoja Hofiz Sheroziy bayti ham majlislarda zikr etilardi:

*Aybi may jumla bigufti, hunarash niz bigo‘y,
Nafi hikmat makun, az bahri dili omie chand [6, 452-453].*

(Mayning bari aybin aytding, yaxshi xislatin ham ayt, Omiylarga pand deya, faqat shu amri ma’rufnigina dema.)

Adabiy kechalarda Jomiy, Navoiy, Bobur, Fuzuliy she’rlari ham o‘qilgan.

Qo‘qon adabiy muhiti vakillari kabi “Malik ush-shuaro” Fazliy Namangoniy ham yig‘inlarda o‘qilgan g‘azallarida ma’rifatparvar Umarxonni ulug‘lagan:

*Zuhd ta‘rifini qil zohidg‘a bo‘lsang hamnishin,
Rindlar bazmida sog‘ar birla minodin gapur.
So‘zla ey Fazliy, Umar Sulton shukuhi adlidin,
Men qachon aydim Skandar birla Dorodin gapur.*

Abdulkarim Fazliy Namangoniy Umarxon hukmronligi yillari (1810-1822) boshida Qo‘qonga keladi. Yuksak she’riy iste’dodi tufayli xonning nazariga tushib, saroy shoirlarining yetakchisiga aylanadi. U Umarxonning hayoti, faoliyati, harbiy yurishlari, hukmronligi davridagi voqealarni “Umarnoma” dostonida tasvirlagan. Fazliy boshliq shoirlar she’riyat kechasiga yo‘l olishar ekan, albatta, yig‘inda yangi she’rlarni, qasidalarni xon e’tiboriga havola qilishgan:

*Soqiyo yuzung aksi qildi bodani gulgun,
Lolarang sog‘ar tut bazmni guluston qil.
Fazliyo, Umar sulton dargohiga yo‘l topsang,
Ko‘zlaringga tufrog‘in surmai Sulaymon qil.*

Umarxon va majlis ahli mazkur g'azallarga o'z baholarini berishgan. Qo'qon adabiy muhitida katta mavqega ega bo'lgan Fazliy Namangoniyning she'rlariga adabiy majlislarda talab yuqori bo'lgan:

*To abad bo'lg'ay muxallad davlati Sulton Umar,
Soya soldi ra'fati Fazliyi qallosh ustina.*

She'riy majlislarda shoirlar va shoiralalar o'rtasida mushoiralar bo'lib turgan. Ayniqsa, o'z davrida Fazliy va Mahzuna o'rtasidagi mushoira mashhur bo'lgan:

Fazliy:

*Yuz ofarin so'zingga, lubbi lubob ko'rmay,
Arzi jamol etarmu oyina ob ko'rmay.*

Mahzuna:

*Kimdin chiqar bu so'zlar, bag'rin kabob ko'rmay,
Ganj o'lmag'ay muyassar holin kabob ko'rmay [7,110-111].*

Tadqiqotlardan ma'lum bo'ladiki, Qo'qon adabiy muhiti vakillari Sulton Husayn davri adabiy muhitiga taqlid qilishgan. Hatto shoir Sultonxonto'ra Ado majlislarda mashhur bo'lgan bir she'rida o'zini Navoiy, Amiriyi esa Husayniy bilan tenglashtirgan:

*Gar Navoiydin Ado so'zin o'tkarsa ne tong,
Shoh Umar afzalmu yo Sulton Husayn Boyqaro.*

Ma'lumotlarga qaraganda, "Umarxonning vaziri Muhammad Abulqosim otaliq, Buxoro hukmdori amir Haydarning ukasi, Qo'qonga kelgan Muhammad Husaynbek – shoir Afsus, Umarxonning sarkardalari, qozilari va boshqa a'yonlar shoirlar davrasida majlislar tuzishgan.

Qo'qonlik saroy shoirlarining ijodida shaklbozlikka zeb berilgan" [8, 81].

Muxtasar qilib aytganda, "70 yildan ziyod vaqt davomida (Sobiq ittifoq davrida) ko'plab ijodkorlarimizni "diniy-mistik adabiyot vakili", "saroy tarixchisi", "saroy maddohi", "yalong'och sevgini kuylagan" deb taqdirlab, ijodini bir chekkaga surib qo'ydik. Vaholanki, o'zbek klassik adabiyotining katta qismi ana shu saroyda yaratildi. Ehtimol, tarix maydonida Amir Umarxondek zukko shoir kelib, o'z saroyida bir adabiy dasta tuzmaganda, "Qo'qon adabiy muhiti" degan ibora ham paydo bo'lmasdi. Umarxonning xizmati shundaki, u chor atrofdagi ijodkorlarni – sozanda, bozanda, hofiz, naqqosh, xattot, adiblarni markazga yig'di, ularga bosh-qosh bo'ldi. Gulxaniyning "Zarbulmasal" asari shaxsan Amiriy tashabbusi bilan yaratilgan. Alisher Navoiyning "Xazoyin ulmaoniy"si Umarxonning topshirig'i bilan 300 nusxada ko'chirilib, xalq orasiga tarqatilgan. Uning davrida ko'plab asarlar kitobat etilgan, tarjima qilingan, bitilgan. Birgina Abdulkarim Namangoni Fazliyning "Majmuat-ush-shuaro"sidan Qo'qon xonligida yashab ijod etgan 101 nafar shoir asarlaridan namunalar keltirilgan.

Demak, Amir Umarxon saroyi va uning atrofidagi adabiy doira davr ijodiy jarayonida yetakchi mavqega ega bo'lgan. Shuning uchun ham bu adabiy muhitni Amiriy va saroy shoirlari ijodini puxta o'rganmay turib, mukammal tasavvur qilish mumkin emas [9, 14].

Zotan, Qo'qon adabiy muhiti va Umarxon huzuridagi she'riyat kechalari o'z davri o'zbek mumtoz adabiyoti taraqqiyotiga bemisl hissa qo'shgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Amiriy. Devon. O'zbek tilidagi she'rlar. – T.: Fan, 1972.
2. Ochilov E. Barhayot siymolar. – T.: O'zbekiston, 2012.
3. Ibrat. Farg'ona tarixi. – T.: Kamalak, 1991.
4. Fazliy Namangoni. Majmuai shoiron. – T.: Fan, 2018.
5. Mulla Olim Mahdum Hoji. Tarixi Turkiston. – Qarshi: Nasaf, 1992.
6. Muhammadhakimxon To'ra. Muntaxab at-tavorix. – T.: Yangi asr avlodi, 2010.
7. G'azal bo'stoni. – T.: Yosh gvardiya, 1988.
8. O'zbekiston xalqlari tarixi. 2-jild. – T.: Fan, 1993.
9. Homidiy Hamidjon. Ko'hna Sharq darg'alari. – T.: Sharq NMAK BT, 2004.
10. Niyoz Muhammad Ho'qandiy. Ibratul xavoqin (Tarixi Shohruxiy). – T.: Turon zamin ziyo, 2014.

Nashrga prof. G.Ernazarova tavsiya etgan

ORTOLOGIYANING TILSHUNOSLIK FANLARI TIZIMIDAGI O'RNI

Nabiyeva M. (QarDU)

Annotatsiya: Ushbu maqolada ortologiya sohasining lingvistik fan sifatida shakllanish tarixi yoritilgan. Ortologiyaning asosiy vazifasi bo'lgan til me'yorlarini o'rnatish, so'zlashuv jarayonida nutqda yuz beradigan xatoliklarni oldini olish va bartaraf etish yo'llari ko'rsatiladi. Adabiy til me'yorlaridan chekinilganlik holatlari, me'yorlarning buzilish sabablari tushuntiriladi.

Tayanch tushunchalar: *ortologiya, me'yor, norma, uzus, nutq madaniyati, ortologik me'yor, adabiy me'yor.*

THE PLACE OF ORTHOLOGY IN THE SYSTEM OF LINGUISTIC SCIENCES

Annotation. This article describes the history of the formation of the field of orthology as a linguistic science. The main task of orthology is to establish language norms, to prevent and eliminate errors that occur in the speech process. Cases of deviation from the norms of the literary language, the reasons for violation of the norms are explained.

Keys words: *orthology, norm, norm, uzus, speech culture, orthological norm, literary norm.*

МЕСТО ОРТОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ НАУК

Аннотация. В данной статье описана история становления области ортологии как лингвистической науки. Основная задача ортологии – установление языковых норм, предупреждение и устранение ошибок, возникающих в речевом процессе. Разъясняются случаи отклонения от норм литературного языка, причины нарушения норм.

Ключевые слова: *ортология, норма, норма, узус, культура речи, ортологическая норма, литературная норма.*

Keyingi yillarda jamiyatimiz hayotida ro'y beradigan ma'naviy, ijtimoiy-siyosiy o'zgarishlar fan taraqqiyotini ham chetlab o'tmadi. Keng miqyosdagi islohotlar til va uning tadqiqotchilari zimmasiga muayyan vazifalarni yukladi. Xususan, adabiy til me'yorlariga rioya etish, nutq madaniyati bilan bog'liq muammolarni tartibga solish, barcha til sathlarining ortologik xususiyatlarini o'rganish muhim ahamiyat kasb etdi. Adabiy me'yor masalasiga bo'lgan e'tiborning ortishi, til sathlari doirasidagi me'yorlarga rioya etmaslik holatlari o'zbek tilshunosligida ham til me'yorlarini o'rganuvchi ortologiya sohasining qanchalik ahamiyatli ekanligini ko'rsatdi. Jahon tilshunosligida ortologiyaga oid ko'plab tadqiqotlar amalga oshirilgan, ayniqsa rus va ingliz tilshunosligida bu soha ancha rivojlangan. Biroq shu aytib o'tish kerakki, nafaqat o'zbek tilshunosligi hatto jahon tilshunosligida ham hozirgi kunga qadar "ortologik me'yor" tushunchasi talqini bo'yicha yagona va to'liq ilmiy konsepsiya mavjud emas. Bizningcha, buning bir nechta sabablari bor:

– me'yor til va nutq, til tizimi, usul, adabiy til, ijtimoiy so'zlar, dialektlar singari keng qamrovli va hozirgacha tilshunoslikda o'z yechimini to'la topmagan tushunchalar bilan uzviy bog'liqdir.

– Og'zaki nutqda me'yorlarning tez-tez o'zgarib turishi, hamda bu jarayon yozma nutqda ham o'z ta'sirini ko'rsatishi;

– ortologik me'yor tushunchasi ijtimoiy holat bilan bog'liq holda siyosiy, iqtisodiy va madaniy rivojlanishlar natijasida yangilanib borishi;

– me'yor tushunchasi nafaqat nutq madaniyati, balki tilning barcha sathlari uchun birdek ahamiyatli ekanligi.

Ortologiya yunoncha *orthos* – "to'g'ri" va *logos* – "fan" ma'nosini ifodalab lingvistik termin sifatida til me'yorlarini, shuningdek, bu me'yorlardan chetga chiqish, nutq jarayonida yuz beradigan me'yor buzilishlarini o'rganuvchi tilshunoslik bo'limidir¹. Bu ortologiyaning lingvistik termin sifatida tasnifi. Aslida ortologiya mushtarak termin bo'lib biologiya, zoologiya va bu fanlar bevosita aloqador bo'lgan tibbiyot sohasida keng ishlatiladi.

¹ Толковый словарь иностранных слов Л. П. Крысина. – М: Русский язык, 1998.

Me'yor masalasi tilshunoslikning barcha mavjud sohaları uchun teng ahamiyatli bo'lishiga qaramasdan XIX asrgacha ortologiya grammatika bo'limi ostida o'rganilib kelingan. Til sistemasi va adabiy me'yor o'rtasidagi tafovutlar yuzaga chiqishi ortologiyaning grammatikadan ajralib chiqish jarayonini tezlashishiga bir turtki bo'ldi. Ensiklopedik lug'atlarda ortologiya termini ostida orfoepik, orfografik, leksikografik, grammatik, punktuatsion me'yor masalalari ham beriladi¹. Demak, ortologiya til normalarini o'rganuvchi va barcha til sathlaridagi adabiy me'yorlarini o'rnatuvchi lingvistik fandır.

Jahon tilshunosligida ortologiya masalalariga doir ko'plab tadqiqotlar amalga oshirilgan. Ular sirasiga O.S.Axmanova, V.V.Vinogradov, G.O.Vinokur, K.S. Gorbachevich, E.S.Istrina, L.P.Krisin, B.A.Larin, V.V. Lopatin, S.I. Ojegov, A.M. Peshkovskiy, L.I. Skvortsov, L.V. Shcherba, L.P. Yakubinskiy, V.fon Gumbold, F.de Sossyur, L.Yelmslev, E.Koseriu² va boshqalarni kiritish mumkin.

O'zbek tilshunosligida lisoniy me'yor masalasi G'.A.Abdurahmonov, S.Ibrohimov, E.Begmatov, R.Qo'ng'irov, N.Mahkamov, A.Mamatov³ va boshqalarning ishlarida tizimli ravishda ochib berildi.

Me'yor, norma yuzasidan ko'plab ishlar tadqiq etilgan, adabiy til me'yorlari yuzasidan yetarlicha ishlar amalga oshirilgan bo'lsa-da, ammo bugungi kunda til me'yorlari hodisasini har tomonlama, har bir sath darajasida o'rganish tilshunoslik oldida turgan dolzarb masalalardan biri bo'lib qolmoqda. Muammo faqat tilda mavjud me'yorlarning yetarlicha oydinlashtirilmaganligida emas, balki kommunikatsiya jarayonida ular o'z aksini topmayotganligi, o'rnatilgan me'yorlar nutq mazmuniga umuman ta'sir ko'rsata olmayotganligida.

Ortologiya bunday masalalar yechimiga qaratilgan, til me'yorlarining umumiy nazariyasini yaratib beruvchi sohadir. Shunga ko'ra zamonaviy ortologiya adabiy til me'yorlari va nutq madaniyati kabi sohalarni birlashtirib turuvchi tilshunosligimizning alohida bo'limi sifatida o'z o'rniga ega sathdir.

Bugungi kunda jamiyatimizdagi adabiy til me'yorlarining beqarorlashuvi, muloqot ohangining yo'qolishi, nutqda me'yor talablaridan chetlashish holatlari ko'p kuzatilmoqda. Bu ayniqsa, so'zlashuv nutqida hamda ommaviy axborot vositalarida sezilarli darajada ta'sir ko'rsatmoqda. Bugungi ortologiyaning vazifalaridan biri zamonaviy nutqdagi me'yoriy tamoyillarni ishlab chiqishdir.

Ortologiya tilshunoslik termini sifatida ham ikki ma'noda ishlatiladi:

1. Tilshunoslikning til tizimi va uzus bilan o'zaro bog'liqligidagi normaning ishlashi va tarixiy o'zgaruvchanligini o'rganadigan bo'lim.

2. To'g'ri nutq nazariyasi haqidagi fan⁴.

Jamiyat va davlatning tilga bo'lgan e'tibori ortologiya sohasining rivojini belgilaydi.

Ortologiya ayni paytda tarkibida yunoncha orthos – "to'g'ri" elementi bo'lgan orfografiya, orfoepiya, shuningdek, grafika, punktuatsiya, stilistika kabi sohalarni birlashtirgan amaliy tilshunoslik bo'limi hisoblanadi. Ortologiya muayyan ilmiy asoslarga tayanib adabiy tilning joriy me'yorlarini belgilaydi, ularga amal qilinishini nazorat qiladi va shu maqsadda turli ko'rinishdagi ortologik lug'atlarni tuzish amaliyoti bilan shug'ullanadi. Ortologik nazariyalar asosida nutqning kommunikativ sifati – to'g'riligi, adabiy tilning yozuv va talaffuz bilan bog'liq me'yorlari (grafik (yozuv shakli), talaffuz, so'z yasalishi, leksik, morfologik, sintaktik, uslubiy me'yorlar)ga qat'iy mosligi yotadi.⁵

¹Литература и язык. Современная иллюстрированная энциклопедия.

– М.: Росмэн. Под редакцией проф. Горкина А.П. 2006

² Axmanova O.S., Beleyev V.D., Veselitskiy V.V. Ob osnovnykh ponyatiyax «normy rechi» (ortologii) // Nauchnye doklady vysshey shkoly. Filologicheskiye nauki. – 1965. – № 4. – S. 88-98..

³Абдурахмонов Ф. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент, 1973. – Б. 53.

⁴ Толковый словарь Ефремовой. Т. Ф. Ефремова, 2000.

⁵ Bahriddinova B .M. Zamonaviy o'zbek ortologiyasi va ortografiyasi: muammo va yechimlar // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2023, 10 son, B. 3-5.

So‘nggi yillarda antroposentrik paradigmaning shakllanishi ortologiyaga qiziqishni sezilarli darajada oshirdi. Bugungi kunda o‘zbek tilshunosligida ortologiya fanining alohida soha sifatida o‘rganishga qaratilgan ayrim ishlar yuzaga kelgan bo‘lsa-da¹, ularda ortologik me‘yor masalalari to‘liq ochib berilmagan.

Ortologiya sohasiga e‘tibor keyingi yillarda sezilarli darajada oshdi. Ortologiyani zamonaviy tilshunoslikning mustaqil yo‘nalishi sifatida qarash va u bilan bog‘liq muammolar haligacha o‘z yechimini topmagan. Tilning ortologik me‘yorlarini takomillashtirish chora-tadbirlari muqarrar ravishda jamiyatda til madaniyatining o‘sishiga olib keladi, chunki har doim til millatning ruhi va madaniyat ko‘rsatkichi sifatida e‘tirof etilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент, 1973. – Б. 53.
2. Бегматов Э. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983.
3. Bahriddinova B. M. Zamonaviy o‘zbek ortologiyasi va ortografiyasi: muammo va yechimlar. Til va adabiyot ta‘limi.– Toshkent, 2023, 10-son, – B. 3-5.
4. Nabiyeva Sh.I. Ortologiya va tilshunoslikda me‘yoriy o‘quv lug‘atlar tasnifi // Xorazm Ma‘mun akademiyasi axborotnomasi: ilmiy jurnal. – Xiva, 2022. 7/3. – B. 65-68.
5. Толковый словарь иностранных слов Л. П. Крысина. – М: Русский язык, 1998.
6. Ширинова М.Ш. Мустақиллик даври ўзбек кинофильмлари тилининг ортологик хусусиятлари: филол. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) ... дисс. – Бухоро, 2023. – 151 б.

Nashrga prof. B.Bahriddinova tavsiya etgan

¹ Ширинова М.Ш. Мустақиллик даври ўзбек кинофильмлари тилининг ортологик хусусиятлари: филол. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) ... дисс. – Бухоро, 2023. – Б. 151.

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071

Теришга 13.12.2023 йилда берилди.
Босишга 19.12.2023 йилда рухсат этилди.
24.12.2023 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84, 1/8.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 20,25.
Буюртма рақами: № 89.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.